Саид Бурҳон (Қодиров Саидбурҳон Турсунович) 1964 йил 8 декабрда Бухоро вилояти Пешкў туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Бухоро шифокори” газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди.

2004 йилда “Руҳият” шеърий тўплами нашр этилган. “Бухорхудотлар” ёзувчининг илк насрий асари.

ISBN 978-9943-6192-9-6

БУХОРХУДОТЛАР * Саид Бурҳон

Саид Бурҳон

БУХОРХУДОТЛАР

Саид БУРҲОН

БУХОРХУДОТЛАР

РОМАН

Бухоро
“Дурдона” нашриёти
2019

УЎК 821/512.133-31
84-44(5Ў)
Б94
Бурҳон , Саид
Бухорхудотлар [Matn] : роман / С. Бурҳон . - Тошкент : Sadriddin Salim Buxoriy, 2019 . - 356 б.

КБК84-44(5Ў)

ISBN 978-9943-6192-9-6

МУАЛЛИФДАН СЎЗБОШИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Муҳаддислар султони Имом Исмоил ал-Бухорийни вояга етказган қадимий Бухоро эгалари – Бухорхудотлар ҳақида ёзишдан олдин мен ёзувчи сифатида мақсадимни очиқ айта қолай: аввало бу ғоя янги эмас, бу роман бошқа улуғ ниятли асарлар каби дунёдаги турли динларга мансуб инсониятни ягона худо ва тинчлик ғояси остида бирлаштиришга қаратилган. Аммо бу орзуга етишиш пайғамбарлару авлиёларга ҳам насиб қилмаган. Биз эса орзу қилаверамиз, зеро бошқа иложимиз ҳам йўқ.

Одам боласи унинг ота-онаси ким бўлишидан қатъий назар художўй бўлиб туғилади, кейин дунёдаги мавжуд динлар ва эътиқодларнинг бири таъсирига берилиб, дейлик, мусулмонми ёки христианми, яҳудийми ёки буддавийми, ёки умуман динсиз бўлибми, тарбия олади. Мен мусулмон деганда фақатгина ҳазрати Муҳаммад умматларини назарда тутмайман. Чунки Муҳаммаддан олдин ҳам, умуман барча динлардан олдин ҳам мусулмонлар бор эди. Ҳарҳолда, Қуръон шундай таълим беради. Фақат бошқа диндагилар ўзларининг ўжар феъллари туфайлигина буни тушунишни истамайдилар. Келинг, масалага бошқача ёндашайлик.

Одамлар ўзларини христиан, буддавий, яҳудий, мусулмон ёки бошқа динда деб ўйлайдилар-у, лекин ҳаммалари битта динда – унутилган Одамийлик динида, яъни ҳазрати Адам авлодлари бўлганликларини ўйламайдилар. Адамни, яъни худо яратган биринчи одамни Таврот ҳам, Инжил ҳам, Қуръон ҳам тан олади. Хўш, Адам ким эди? У Ер юзини жаннатга айлантирмоқчи бўлган Инсон эди. Жаннат эса мангу тинчлик макони. Одамийлик эътиқоди ҳозир ҳам христиан, буддавий, яҳудий, мусулмон ёки бошқа диндаги инсонларнинг (менинг фикримча) ярмидан ортиғида сақланиб қолган, акс ҳолда урушлар авж олиб, Ер юзи вайронага айланган бўларди.

Ер юзидаги барча урушлар аслида бойлик туфайли эмас, дин туфайли келиб чиққан. Ҳозир ҳам кимки тинчликни

истаётган ва тинчлик учун курашаётган бўлса, у мусулмондир. Чунки араб тилидаги ислом – тинчлик дегани, муслим (мусулмон) эса тинчлик истовчи демакдир. Ислом, яъни тинчлик Ер юзида ҳазрати Адам даврида, аниқроғи унинг ўғиллари Ҳобил ва Қобил урушган ва бири иккинчисини ўлдирган кунгача тўлиқ ҳукмрон эди, ундан кейин бузилди.

Ҳазрати Адамдан кейин бошқалар ҳам, жумладан ҳазрати Довуд, ҳазрати Мусо, ҳазрати Исо, ҳазрати Муҳаммад ҳам мутлақ тинчлик ўрнатмоқчи бўлдилар. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Энди Ер юзида то қиёматгача мутлақ тинчлик бўлмайди.

Ҳазрати Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам)дан кейин Исломият қуёши оламни мунаввар эта бошлаганига ўн тўрт асрдан ошди. Башариятнинг Оллоҳ томонидан юборилган охирги ва ҳақ дини асрлар оша Машриқдан Мағрибга қадар етиб борди. Қайсики, инсоннинг қалбидан у ўрин олган бўлса, у инсон ўзлигини таниди, Оллоҳ таолонинг улуғ яратувчилик қудратини ва ҳидоят йўлини кўра олди.

Оллоҳга беадад шукр ва ҳамду санолар бўлсинким, бизларга курраи заминнинг нури ислом билан муборак бўлган гўшалардан бирини – Туркистонни ватан қилиб берди. Машойихлар айтадиларки, ер юзини фазилатли ёки фазилатсиз жойларга ажратиб бўлмайди, балки маконда яшайдиган одамлар туфайлигина у ерлар фазилатли ёки фазилатсиз бўлади, яъни фазилат ердамас, инсондадир. Демакки, илк ўрта асрлардаёқ “Қуббат-ул-ислом”, яъни “Ислом динининг гумбази” дея ном қозонган Бухоройи шарифнинг фазилатли бўлиши ҳам ўтмиш аждодларимизнинг беназир хизматлари туфайлидир.

Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, ундаги сон-саноқсиз урушларга, турли ақидалар, ғоялар, мафкуралар, дунёқарашларнинг тўқнашувига дуч келамиз. Араб истилочилари томонидан Ислом динининг олиб кирилиши арафасида Бухорода шундай мафкуравий зиддиятли вазият ҳукмрон эди.

Араблар ташқи таъсир орқали бу жараённи тезлаштирдилар ва ислом музаффарияти сари буриб

юбордилар. Аммо улар исломни ёйиш борасида дастлабки даврда жуда кўп хатоликларга йўл қўйдилар, чунончи, Мовароуннаҳрни фатҳ этишда истилочилар ислом йўл қўйиб берадиган ҳад ва меъёрларни бузиб, бузғунчилик ва ваҳшийликлар кўрсатдилар.

Бухорхудотлар, YII-YIII асрлардаги Бухоро ҳукмдорлари, араб босқинчилигига қарши гоҳ кескин кураш олиб борган, гоҳ эса ҳийла ишлатиб ёки шафқат сўраб омон қолган, лекин охир-оқибатда таназзулга учраб, йўқ бўлиб кетган подшоҳлар сулоласидир. Гарчи қадимги Сўғднинг кичик бир қисмини ташкил этган бўлса-да, Бухорхудотлар давлати мазкур минтақада феодал тузумнинг қарор топиши ва ривожланиш даври тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса, Будун Бухорхудот ва Маликаи Будун ҳукм сурган YII асрнинг иккинчи ярми катта ижтимоий ўзгаришларга, воқеаларга бой, бухорхудотлар сулоласи учун энг шонли давр бўлди.

Бухорхудотлар тарихини, ўша давр ҳаётини бадиий акс эттириш йўсинида ёзилган ушбу асар муаллифнинг тарих-чилик ва ёзувчилик борасидаги дастлабки уринишидир. Оллоҳ таоло камина бандасининг ниятини қутлуғ қилиб, китобимнинг ҳар бир саҳифасини ва уни ўқиган ҳар бир китобхоннинг қалбини мунаввар айласин, омин.

БИРИНЧИ ҚИСМ

РУҲОНИЯТ

Эй оламнинг ҳукмдори Ахурамазда! Мен барча гуноҳ ларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман: ҳар қандай ёмон уй-фикр, ёмон сўз ва ёмон амал лардан воз кечаман, яхши ниятларим, яхши сўзим, яхши амалларим орқали имонимни поклайман; қилган гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргил, танам ва жонимни у дунёю бу дунёда мунаввар этгил, эй Яратгувчим!

("Авесто"дан)

Тўлин ой Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган баланд тепалик устидаги Кўҳандиз1 узра муаллақ турган ўша тунда кўпдан кутилган мўъжиза рўй берди. Коно Бухорхудот отасининг: "Ҳар юз йилда Бухорода бир мўъжиза рўй беради, бу ёмон ёки яхши ўзгаришлардан даракдир" деган гапларини эслар экан, аввалига даҳшатга тушди. Кейин эса бўлиб ўтган воқеаларни яхшиликка йўйиб, кўнгли хотиржам бўлди...

Воқеа чиндан ҳам даҳшатли эди. Унинг қандай бошланганини ҳеч ким кўрмаган, ҳамма ширин уйқуда бўлган ярим тунда ер у–кўкни ларзага солган саноқсиз ваҳший махлуқлар – шерлар Кўҳандиз атрофини ўраб олишганди. Улар худди бундан юз йил бурун Бухорога кириб келган турк лашкарларидек саф-саф бўлишиб, момақалдироқни эслатувчи наъралар билан қалъа атрофини бир неча марта айланишди. Шерларнинг наъраси қалъанинг пинакка кетган соқчилари-ю хизматкорларини ҳам, ҳомиладор хотини билан ҳашаматли кўшкида ажойиб тушлар кўриб ётган кекса Конони ҳам, Кўҳандиз атрофидаги шаҳристонда жойлашган гувала деворли ҳовлиларда истиқомат қилувчи аҳолини ҳам дафъатан чўчитиб уйғотиб юборди. Биринчи бўлиб қалъа деворидан шошиб пастга

қараган соқчи Хунбун ҳайрат ва қўрқув ичида қичқириб юборди.

Бухорхудот уйғонган заҳотиёқ бу ваҳимали ларза ташқи душманнинг ҳужумидир, деган хаёлга борди ва сапчиб туриб, чала кийинганича камонини олди-да ташқарига югурди. У қалъа девори орқасига биқиниб турган соқчилар ва чала-ярим қуролланган жангчиларни саросимада кўриб, жанговар ҳолатда:

- Ўқларни ҳозирланг! – деб бақирди.

Жангчилар унинг овозини деярли эшитмадилар, лекин ҳаммалари бирдан қимирлаб, нимадир қилиш лозимлигини англай бошлашди. Шунда орқага ўгирилиб, Конога кўзи тушган бир жангчи унга қараб:

- Шерлар! Шерлар! – деб воқеани тушунтирмоқчи бўлди, лекин аллақачон уни силтаб ташлаб, ўрнига ўтиб олган кекса Коно қалъа деворидан пастга қаради-ю ҳамма нарсани тушунди. Бу вақтда жангчилар камонларига ўқ жойлаб, пастдаги махлуқларни нишонга олиб туришарди.

- Ўқ отилмасин!!!

Энди анча сергак тортиб қолган жангчилар ҳукмдорнинг бу буйруғини аниқ эшитдилар. Шерларнинг қулоқни қоматга келтирувчи ўкиришлари пасайгандек бўлди. Аммо шерларни биринчи бўлиб кўрган соқчи Хунбун карахтликдан бўлса керак, “Ўқ отилмасин!” деб буйруқ берилган заҳотиёқ таранг тортилган камонини қўйиб юборди ва унинг ўқи ой нурида ялт этди-ю шерлар галаси орасидан бирига тегиб, уни қулатди.

Қалъани гир айланаётган шерлар ҳаракатдан тўхташди ва бирдан овозлари ҳам ўчди. Жангчилар ичидан бир-иккитаси ҳатто қулоқларимиз битиб қолди чоғи, овозни эшитмаяпмиз, дея эшитиш аъзоларига бармоқ нуқиб ҳам қўйишди.

На шерлардан, на баландда уларни кузатиб турган одамлардан садо чиқмас, атроф сув қуйгандек жимиб қолганди. Шерлар яродор шериклари атрофига йиғилишди. Улардан бири жабрдийданинг ёллари орасига тумшуғини суқиб ёрдам бермоқчи бўларди. Ниҳоят, халоскор шер қонга

бўялган камон ўқини тишлаб, уни ярадор шернинг танидан суғуриб олди ва бошини кўтариб, қалъа тепасида қотиб қолган одамларга қараб шундай бир товушда наъра тортдики, одамлар гўё ўзлари учун тушунарсиз тилда бир жуфт сўз эшитгандек бўлдилар.

Худди шу пайтда қалъа ичидан иккинчи бир товуш – чақалоқ чинқириғи эшитилди. Коно Бухорхудот сесканиб кетди ва бир неча дақиқа олдин ўз кўшкидан қандай саросимада югуриб чиққан бўлса, яна ўша ҳолатда югуриб кўшкка кириб кетди.

Энди қалъадаги одамлар иккига бўлинган: хизматкорлар, аёллар, соқчилар ичкарига қараб зир югуриб қолишган, жангчилар-у болалар эса девор оша пастдаги воқеанинг давомини кузатишар эди.

Ярадор шер танини тешиб ўтган ўқдан халос бўлгач, ўрнидан турди ва ҳеч нарса кўрмагандек, қалъанинг кунботар томонига йўл олаётган шерлар галасига қўшилиб кўздан ғойиб бўлди. Воқеани кузатиб турган одамлар шерлар галаси Кўҳандиз атрофини аллақачон тарк этишганига ва Бухоронинг ғарбий томонига – тўқай оралаб ўтган Пойканд йўлига тушиб кетишганига буткул амин бўлганларида ҳам ҳали эс-хушларини йиғиб ололмаган эдилар.

Шу кеча кекса Коно узоқ кутилгандан сўнг дунёга келган якка-ю ягона фарзандини кўтариб олганча, кўзида ҳаяжонли ёш билан ўзи ишониб-ишонмай туриб, Бухорода юз йилда бир бўладиган мўъжиза рўй берганлигини маълум қилди.

Тонг отгач, пастга тушиб Кўҳандиз девори остига чақалоқнинг онасини – дард тутганда ёнида ҳеч ким бўлмай, тўлғоқ азобини биринчи ва охирги марта бошдан кечирган, туққан фарзандининг қизми ёки ўғиллигини ҳам билмасдан енгил нафас олиб абадий уйқуга кетган аёлни дафн этаётганларида, буддавийлар коҳини бу мўъжизани тасдиқлади: у тунда ўқ еб ҳалок бўлиши керак бўлган шер ўрнига ҳукмдорнинг хотини жон таслим қилганини, демак, аёлнинг руҳи шерга ўтганлигини таъкидлади.

Аммо шерлар воқеаси фақат шу билангина шарҳланиб қолмади. Коно фарзандлик бўлгани-ю, суюкли хотинидан ажралгани шов-шувларнинг бошланиши эди, холос.

Орадан бир ой ўтгач, Бухорхудот ҳузурига келган таниш савдогар Амударёнинг нариги соҳилидаги мамлакатда қандайдир уруш бошлангани-ю, Эрон подшоси шу урушда ҳалок бўлгани, шундан кейин бухоролик савдогар доим савдо-сотиқ қилиб келган Марв шаҳрини бошларига қават-қават оқ матоҳ ўраб олган аллақандай ажнабийлар талаб кетишганини хавотирли бир тарзда айтиб бериб, кекса Кононинг юрагига ғулғула солди.

Орадан ўн олти йил ўтгач, Коно Бухорхудот якка-ю ягона қизига уйланишдан бош тортган навқирон бухорий йигитни авф этиб, унинг ўрнига ўша мўъжиза руй берган тунда буйруққа итоат этмай шерларга ўқ узган ва бу иши билан “тақдирдаги яхшиликларнинг ёмонликка алмашинишига сабабчи бўлган” соқчи Хунбунни қатл эттирди.

Орадан чорак аср ўтгач, марҳум Кононинг қизи – Малика Бухорхудот лашкарлари араблар билан бўлган жангда мағлубиятга учраб, унинг сабабларини муҳокама қилишаётганда, кекса бир жангчи шундай деди: “Мен Малика туғилган кечада қалъамизни ўраб олган йиртқичларнинг овозини ҳали-ҳануз унутганим йўқ. Ўшанда ярадор шерни камон ўқидан халос этган бошқа бир шер осмонга қараб одамдек ўкирган эди. Бугунги жангда ҳам араблар бизга ҳамла қилишар экан, худди ўша наърани аниқ эшитдим”. Бу гапидан кейин кекса жангчини Малика Бухорхудот қўрқоқликда ва ёлғончиликда айблади.

Мўъжиза руй бергандан кейин ярим аср ўтгач эса Бухорода биринчи мусулмон бола туғилди, яъни бу заминда биринчи марта чақалоқнинг қулоғига азон айтилди. Бу чақалоқ Малика Бухорхудотнинг набираси эди.

Орадан юз йил ўтгач эса...

Ҳеч қандай мўъжиза рўй бермади. Бу пайтда Бухорода исломият гуркираб, мўъжизани кутадиган одам ҳам қолмаган, сўнгги Бухорохудот Бунёд ўзининг Варахшодаги қасрида қатл этилган эди.

* * *

Коно Бухорхудот қариндошларининг ҳарчанд қаршилик кўрсатишларига қарамай хотини жасадини буддавийлар удумига кўра ўз кийимлари, тақинчоқ ва буюмлари билан дафн эттирди.

- У буддавий эди, умрининг охиригача ўз динида қолди,- деди у мурданинг атрофида йиғилганларга ётиғи билан. – У менга ўз қавмимдан бўлган хотинларим туғиб беролмаган фарзандни туғиб бериб кетди. Бу фарзанд хотиним Ромтиндаги будда ибодатхонасига бориб юрган кунларда ато этилган эди...

Буддавийлар коҳини ҳам гапириш пайти етганлигини англаб, Бухорхудотни сўзини илиб кетди:

- Марҳаматли Будданинг инояти билан Маликамиз аёллик бурчини адо этиш шарафига муяссар бўлдилар, албатта. Ҳукмдор ҳақ гапни айтаяптилар, марҳумани Будда удумларига кўра дафн этиб, ҳурматини жойига қўймасак бўлмайди.

- Бундан чиқди,- жаҳлини яширмай коҳинга қаради мажусийлар атрабони,- бизнинг шу пайтгача дафн этилган кишиларимизнинг ҳурмати жойига қўйилмаган экан-да?!

- О, йўқ!- дарҳол нутқ оҳангини ўзгартирди коҳин. – Сизларнинг удумингиз ҳам ба-ғоят қадрлашга лойиқдир. Сув, ҳаво, тупроқ ва олов буддавийлар учун ҳам муқаддас саналишини наҳотки билмасангиз? Сиз бу покиза унсурларни одамнинг ўлик жисми билан булғамаслик учун жасадни на ерга кўмасиз, на куйдирасиз ва на сувга ташлайсиз. Мурданинг гўштини қузғун ва ҳайвонларга едиргач, тоза суякларинигина йиғиб дафн этасиз. Мен бунда ҳеч қандай ҳурматсизлик кўрмайман. Чунки руҳсиз тана тупроқда чириди нима-ю, қузғундарга ем бўлди нима? Ҳозир гап бундамас, менга қолса марҳумани ўз удумларимиз бўйича дафн этаверинглар. Лекин мақсад нима? Модомики, мақсад тупроқни булғамаслик экан, бундан кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Ўз ҳаётининг давомчисини дунёга келтирган ва Бухоро аҳлини шерларга ем бўлишдан асраб қолган

маликамиз руҳини ҳам, жисмини ҳам поклаб кетганига заррача шубҳам йўқ. Шундай экан, бу покиза вужудни бемалол тупроққа қуяверса бўлади.

Доноликни айёрлик билан омухта қилиб сўзлаган коҳиннинг бу фикрларига энди эътироз билдириш мумкин эмас эди. Барча марҳуманинг мурда ҳолида кўмилишига рози бўлди.

- Фақат,- деди енгилган атрабон,- маликани қабристонга элтиб юрмасдан, олий мавқеига муносиб равишда шу ерга – қалъа остига дафн этиш керак. Ахир, бухорхудотларнинг улуғ аждоди бўлган шаҳзода Сиёвуш ҳам шу ерга кўмилган-ку.

Атрабон оташпарастларнинг науслари жойлашган тупроққа буддавий маликанинг мурдасини кўмишларидан ташвишга тушиб бу гапни айтганди. Бироқ у бундан қайғурмаса ҳам бўларди. Маликанинг шу ерга дафн этилиши Бухорхудот учун айни муддао эди. Хуллас, сих ҳам куймади, кабоб ҳам. оташпарастлар ва буддавийлар бир-бирларининг эътиқодларини камситмаган ва айни пайтда бир-бирларига ён берган ҳолда дафн маросимини ўтказишди.

Аслини олганда, Бухорода марҳумларни ким қандай хоҳласа шундай дафн этаверарди. Лекин бухорхудотлар ўзларининг авлоддан авлодга ўтиб келган удумларига содиқ қолишга интилишарди. Фақат уларгина сўғдлар, турклар, форслар ёки бошқа қабилалар билан қўшилиб кетишларини ва Бухоро ҳукмдорларининг сулоласига бегона авлод кириб қолишини исташмасди. Аммо асрлар давомида тўрт томондан кириб келган турли кўчманчи ва босқинчи қабилаларнинг бу ерда жойлашиб олишлари натижасида бухорийлар аллақачон ўзлигини йўқотар даражага бориб қолган эдики, бухорхудот авлодлари ҳар қанча уринишмасин тарихни орқага қайтаришнинг иложи йўқ эди. Эндиликда бухорийлар ўз тилларида фақат уйларидагина сўзлашишар, ташқарида эса турмуш тақозоси билан хоҳ савдо, хоҳ деҳқонлар ёки кадиварлар билан муносабатда бўлишмасин сўғд тилида гаплашишарди. Коно Бухорхудот қўшни шаҳарлар ва давлатлар билан бўладиган ёзишмаларни ҳам

сўғд тилида олиб борар, ҳатто уни зарб эттирган кумуш тангаларда ҳам сўғдча ёзув бор эди.

Коно Бухорхудот марҳума хотинининг барча маросимларини ўтказиб хотиржам бўлгач, фарзанди ҳақида ўйлай бошлади. У зурёдини қирқ йил кутган эди. Олдинги уч хотини (уларнинг учаласи ҳам узоқ-яқин қариндошларининг қизлари эди) билан кечирган завқли онлари йигитлик ҳаётини нақадар безаган бўлмасин, фарзандсизлик кўнгил уйини қоронғу қилиб турарди. Ёши қирқдан ошган Конони кекса отаси Ҳамук Бухорхудот олдига чақириб:

- Сен менинг ёнимдаги ёлғиз ўғлимсан,- деди,- аканг Ноҳид энди Турк-ютдан қайтиб келмайди. Тахтимни сенга топшираман... аммо сендан кейин сулоламизни давом эттирадиган зурёдингни кўриб дунёдан ўтсам армоним йўқ эди...

Коно бошини қуйи эгди.

- Юрагинг сиқилмасин, давом этди отаси, сен ҳали ёшсан, ҳали ҳаммаси олдинда. Бизнинг авлодимизда ҳеч ким фарзандсиз ўтган эмас. Бизнинг наслимиз тоза, наслимиз йўқолиб кетмайди, бунга ишонавер!

Ҳамук Бухорхудот фахр билан бу сўзларни айтар экан, ўғлининг юрагида ишонч ва умид уйғотарди. У гапнинг индаллосига ўтди:

- Кўпдан буён бир нарсани ўйлаяпман. Абруй қўзғолонидан олдинги йилнинг баҳорида Чин мамлакатидан савдогарлар келганди. Уларнинг айтишича. Аёллари серпушт бўлишаркан. Сенга ўша томонлардан қайлиқ суриштирсам, нима дейсан?

Отасининг сўзларини сукут сақлаб тинглаётган Коно “Гап фақат аёлдамикан? Мен ўзим пуштсиз бўлсам-чи?” деган фикрга борди, бироқ ҳамма вақт бу мудҳиш фикрни хаёлидан узоқлаштириб келгани каби яна уни миясидан улоқтириб ташлади. Отасининг авлодимизда фарзандсиз киши бўлмаган деган гапи ҳам унга далда бўлган эди. Шунинг учун:

- Майли, ота,- деди,- ихтиёр сизда. Ўзим ҳам бирор узоқроқ қабиладан уйлансам, балки фарзандлик бўларман, деб уйлардим. Лекин қайлиқ излаб Чин мамлакатигача

бориш шартмикан? Турклар ҳам серфарзанд бўлишади-ку. Турк-ютда қолиб кетган бухороликлар ўша ерда уйли-жойли бўлишиб, ўнталаб фарзанд кўришган. Акам Ноҳид ҳам...

- Сен менга ақл ўргатмоқчимисан?- жаҳли чиқиб ўғлининг сўзини кесди чол. Ёки Турк-ютдан бирортасини кўзлаб қўйганмисан? Айтиб қўяй, мен бу жангари турклар билан қуда бўлишни истамайман. Улар Шери Кишвардек аввалига дўст бўлишади-ю кейин бошингга чиқиб олишади. Ортиқча гапни бас қил, қаердан келин қилишни ўзим биламан. Сенинг қиладиган ишинг битта: янги келин келиши билан бу хотинларингни жавобини бериб юборасан. Чунки улар қасддан ҳар бало қилишлари мумкин. –Бухорхудот ўғлидан талаб қилаётган бу иш адолатдан эмаслигини билиб, қўшиб қўйди: - Ҳа, уларнинг ҳар бирига ўз қишлоғида қаср қурдириб бераман, хоҳласанг, олдиларига бориб турасан.

Коно индамади. Умуман, отасининг фикрига унинг эътибори ҳам йўқ эди-ю, бироқ ўзи ҳеч қачон бўлмаган олис Чин мамлакатига совчилар қачон боришади-ю қачон у ердан қайтиб келишади – шуни уйлаб, отасига ўзи билган, яқинроқ Турк-ютни эслатган эди.

Ҳамук Бухорхудот эса Чин подшосининг қизини келин қилиш ниятини ичида ҳар томонлама пишитиб қўйган, бундан у бошқа мақсадларни ҳам кўзлаган эди. Турк ҳоқонлиги билан Чин салтанати ўртасидаги келишмовчиликлардан, кейинги пайтларда Турк ҳоқонлиги кучи заифлашиб, ҳудудларнинг бир қисми чинликлар қўлига ўтиб кетганидан у хабардор эди. Агар Бухорхудот Чин подшоси билан яхши алоқада бўлса, ўз тинчлигини ҳам кафолатлаган бўлади. Чунки ҳар йили ўз хазинасидан Турк ҳоқонига совға-салом юбориб турган Бухорхудот туркларнинг яна Бухорога бостириб келишларидан чўчирди.

Хуллас, шу тариқа Конога Чин подшосининг қизини олиб бериш учун элчилик карвони тайёрлана бошланди. Пойканд, Вардона, Зандана, Варахшо, Арқуд, Кармина қўрғонларидан энг бой савдогарлар бу ишга жалб этилди. Бухорхудот сафар харажатларини тўла ўз бўйнига олиб, уларни Чин мамлакатига боришга ундади. Савдогарлар бу сафар ўзлари

учун ҳам катта фойда келтиришини, яъни у ерда молларини сотиб, йиққан пулларига бу ерда камёб моллардан олиб келиш имконига эга бўлаётганликларини билиб, юраклари орзиқаётган бўлса-да, фурсат келганда бир нималик бўлиб қолайлик деб Бухорхудотдан ҳали у нарса – ҳали бу нарса талаб қилиб олишаверди. Лекин Бухорхудот улардан ҳеч нарсани аямади: ҳаммалари учун нақшиндор сандиқлар ясаттириб берди, қимматбаҳо кийимлар инъом этди, карвонга қўшиладиган туяларни ҳам уларнинг ўзлариники қилиб берди.

Ниҳоят уч ойлик тайёргарликдан сўнг элчилик ва савдо карвони йўлга отланди. Бухорхудот пойкандлик сийму маъданлар билан савдо карвони йўлга отланди. Бухорхудот пойкандлик сийму маъданлар билан савдо қилувчи тожир, олдин ҳам уч марта Хитойга бориб келган сўғд Синхани карвонбоши этиб тайинлади. Унинг қўлига иккита мактуб: Тарозда яшаётган ўғли Ноҳид номига ва Хитой императори Тань номига ёзилган мактубларни топширди.

Савдогарлардан ташқари карвонда сўғд, турк, хитой, форс тилларини яхши биладиган ўнлаб тилмочлар, қуролланган юзлаб қўриқчилар, чолғучилар ва ўйинчи қизлар ҳам бор эди. Бухорхудот йўлда ташлаб ўтиш учун турк ҳоқонига алоҳида сандиқларда ҳадя ҳозирлаб берди. Хитой подшосига эса беҳисоб мол ва сиймдан ташқари етмишта сараланган оқ тулпорни совға сифатида бериб юборди. У хитойликлар Тян-Шань ортидаги ўлканинг арғумоқларига бағоят қизиқишларини эшитган эди.

Ҳамук Бухорхудотнинг элчилари Сўғдиёна, Устуршона ва Чоч орқали ўтиб, қирқ кун деганда Тарозга етиб боришди. Бироқ бу пайтда ҳаво совиб, шимолдан узлуксиз изғирин кела бошлагани учун қишни шу ерда ўтказиб, эрта баҳордаёқ яна йўлга чиқишга қарор қилишди. Хитой йўлини яхши билган Синха йўлга шошилмасди, чунки у қишдаги сафар машаққатларини бошдан ўтказган, хавф-хатарни олдиндан кўра оларди.

Тароз яқинида Ҳамукент деб номланган бир қишлоқ бўлиб, бу ерда Бухородан кўчиб келган кишилар яшарди.

Дастлаб улар Бухородан кўчиб келганларида ўн бешта хонадон эдилар. Улар орасида энг бадавлати ҳам энг ишбилармони ҳам Ҳамук Бухорхудот эди. Ҳа, Ҳамук Бухорхудот ўшанда Абруй бошлиқ қўзғолончиларга бас келолмай, шу томонларга қочиб келган ва бу ерда турк ҳоқони Қорачурин унга бошпана берган эди. Абруй Бухорода икки йил ҳукм сурди. Бу орада яна бир қанча деҳқонлар ундан жабр кўриб, Турк-ютга қочиб кела бошладилар. Кейин улар ҳаммалари бир бўлишиб, Қорачуриннинг олдига боришди. Унга катта пул ва мол бериш эвазига Абруйдан қутулиш учун ёрдам кўрсатишини сўрашди. Қорачурин ўз ўғли Шери-Кишвар бошчилигидаги турк лашкарини бухороликларга қўшиб, қўзғолонни бостиришга юборди. Бироқ, икки йил ичида Ҳамукетда яхши ўрнашиб олиб, бу ерда каттагина экинзорларни, яйловларни ўзлаштириб олган бухорийларнинг бир қисми ўз ватанларига қайтишни истамадилар. Шулардан бири бухорхудотлардан бўлган Ноҳид эди. Отаси Ҳамук уни бадавлат турк қизига уйлантириб қўйган, шунинг кетидан у яна анча мол-мулкка ва хизматкорларга эга бўлган эдики, уларни олиб кетган тақдирда ҳам бундай хушманзара, серсув ва унумдор ерни ташлаб кетишга кўзи қиймасди.

Ноҳид отасининг мактубини олиб, унда айтилгани бўйича иш тутди, яъни карвонни соғ-саломат Турк-ютдан ўтказиб қўйишни ўз зиммасига олди. Ҳамук агар турклар карвоннинг нима мақсадда Хитойга бораётганини сезиб қолишса, уни йўлда талон-тарож этишларидан хавфсираган эди.

Сафардагилар қишни Ноҳиднинг ҳимоясида Тарозда ўтказишиб, бу ерда тожирлик ишлари билан шуғулландилар, молларини кўпайтириб олдилар. Баҳорда яна йўлга чиққан карвонга Ноҳид ҳам бир қанча туя билан ўз одамларидан бир нечтасини қўшди.

Карвон минг машаққат билан Чин мамлакатига кириб борганида, император Тань Шарқий турк ҳоқонлиги билан уруш олиб бораётган эди шу сабабли элчилар яна бир неча ой кутишларига тўғри келди. Ниҳоят кутилган вақт етиб келгач,

карвонбоши Синха императорнинг ҳузурига киришга муваффақ бўлди ва унга Бухорхудотнинг мактубини ҳамда совға-саломларини топширди. Император беҳисоб бойликларни кўриб лол қолди, айниқса ҳар бири Хитойда етмиш тахлам ипак баробарида баҳоланадиган етмишта арғумоқ император учун ғоятда қадрлашга арзийдиган совға эди. Император совғалардан хурсанд бўлган бўлсада, мактубнинг мазмунидан боши қотиб қолди. У тилмочга Бухорхудотнинг мактубини қайта-қайта ўқитаркан, ер юзида Бухоро деган ҳам жой борлигини ҳалигача эшитмаганидан, аммо у ернинг ҳукмдори Чин подшоҳининг қизига харидор бўлгани-ю ва энг муҳими юборган совғалари, элчилари номаълум ҳукмдорнинг илтифотига муносиб эканлигини тасдиқлаб турганидан таажжубланар эди.

- Сизлар ҳозирча мамлакатимизда тижоратингиз билан шуғулланаверинглар,- деди у охири тилмоч орқали карвонбошига тушунтириб. – Яқин орада мен жавобини сизларга маълум қиламан.

Элчилар қониқиш ҳосил қилиб, чиқиб кетишди. Император аъёнларини йиғиб, маслаҳат қилди. Маслаҳатчилардан бири Тянь-Шан ортидан келган бу ажнабийларга императорнинг қизи деб бошқа бир қизни бериб юбориш кераклигини айтди. Император бу ахмоқ маслаҳатчини шу заҳотиёқ жеркиб ташлади.

- Ахмоқ! Мен қиз билан унга маликага муносиб сеп бериб юбориш ва албатта, уни ёлғиз эмас, хизматкору канизаклар билан бирга жўнатишим керак бўлади. Агар шундай қилмасам, улар бизнинг буюклигимиз ҳақида эшитган гаплари ёлғон экан деб ўйлашади ва устимизга бостириб келишлари мумкин. Элчисининг гапларига қараганда, улар жуда қудратли эмиш. Ахир, бу юборган совғаларидан ҳам кўриниб турибди-ку! Агар келинни сеп билан узатадиган бўлсам, унда нима кераги бор бошқа қизни бериб юборишнинг?! Бундан менга нима фойда?

Бошқа маслаҳатчиларнинг ҳам фикрлари эшитиб бўлингач, Бухоро ва унинг ҳукмдори ҳақида кенгроқ маълумот тўплаб, кейин бир қарорга келиш керак деган

хулосага келинди. Бу ҳақда хитойлик сайёҳ-савдогарлардан сўраб-суриштириладиган бўлди.

Тожир Синханинг хитойлик савдогарлар билан бурундан яхши алоқада бўлганлиги шу ерда иш берди. Улар, албатта, биринчи галда ўз манфаатларини ўйлаб Бухоро ва бухорийлар ҳақида қўшиб-чатиб шунақанги қойил қоладиган гапларни айтиб беришдики, шундан кейин император кўнгли таскин топиб, энг гўзал қизини Бухорхудот саройининг маликаси бўлишига муносиб деб билди.

Бухородан кетган карвон орадан икки йил ўтиб, муваффақият билан Чин подшоҳининг қизи – ўн олти ёшли малика Сюни тахтиравонда кўтариб кириб келганда, Ҳамук Бухорхудот аллақачон оламдан ўтган эди.

Коно Бухорхудот отасининг васиятини бажарди. Кўҳандизда ёш малика Сю билан янгича ҳаёт бошлаб, қолган хотинларини авлодлари билан келишган ҳолда бир-бир чекка қишлоқларга кўчирди. Хотинлар бундан дастлаб норози бўлган бўлсалар-да кейинчалик хурсанд бўлишди. Чунки малика Сю ҳам узоқ вақтгача Кононинг орзусини рўёбга чиқара олмади. Бу орада озодликка эришган хотинларнинг иккитаси янги эрларидан фарзанд кўрдилар, тўнғичи эса бир умр малика унвонида қолишни истадими ёки Конога меҳру муҳаббати, садоқати шунчалик зўр эдими, ҳарқалай бошқа эр қилишни ўзига раво кўрмади ва мулкларини оға-иниларининг мулкларига қўшиб, улар билан бирга яшашни ихтиёр этди.

Хуллас, Коно Бухорхудотнинг ёши олтмишларга яқинлашиб, фарзандсизликдан тушкунликка тушган, қариндош-уруғлари, айниқса аввалги хотинларига тегишли бўлганлари унинг қачон вафот этишини кутиб, катта мулк ва ҳокимиятган эга бўлишни орзу этаётган бир пайтда малика Сю ҳомиладор бўлиб қолди. Коно Бухорхудот уни тўққиз ой давомида кўз қорачиғидек асради. Аммо сўнгги дақиқада асрай олмади. Ўн тўққиз йил бирга ҳаёт кечириб, тақдирнинг олий марҳаматини интизорлик билан, сабр-тоқат билан кутишган Бухорхудот ва малика Сю сўнгги дақиқада бирга бўлишолмади. “Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди! – дерди

ўша дақиқада ташқаридаги воқеаларни буткул унутиб ичкарига югуриб кирган ва қонга беланган тўшакда чинқириб йиғлаётган чақалоғу оппоқ юзида маъюс табассум қотиб қолган маликани кўрган Коно ич-ичидан қалтираб.- Ахир мен ёшимни яшаб бўлгандим, мен! Сен ҳали ёш эдинг-ку!”

Коно Бухорхудот қизига онасининг исмини қўйди. Бироқ ўзидан бошқа ҳеч ким бу қизалоқни исми билан чақирмасди. Бухорийлар учун бегона бўлган бу исм фақат кекса Кононинг тилидангина эркаланиб, севилиб, яйраб чиқар эди.

*** Ромуш қишлоғидан тупроқ

* * *

Бухорхудотнинг солиқчилари Ромуш қишлоғидан ҳеч нарса ундиролмай қуруқ қайтиб келдилар. Бунинг тафсилотини эшитган ҳукмдор дарғазаб бўлиб қичқира кетди:

- Ярамаслар! Улар ҳаддидан ошиб кетишяпти! Нима, мен ўзимга бойлик тўплаяпманми?! Қўшинни ким боқади?! Сувни ким келтиради?! Қалъаларни ким қуради?! Буларга маблағ керак. Бухорхудот қаердан олади маблағни?! Ярамаслар! Биламан, буларнинг ҳаммаси ҳасаддан! Уларга менинг ўрним керак! Подшоҳнинг ишини осон деб ўйлашади. Агар юртни сенларнинг қўлингга топширсам, бир йилда ҳамма ёқни хароб қиласанлар!

У то ўзини босиб олгунча асабий ҳолда у ёқдан бу ёққа юриб, роса сўкинди. Мулозимлари жимгина қўл қовуштириб, энди қандай фармон берилишини кутишарди. Одатда, бундай ҳолларда куч ишлатиларди. Шунинг учун ҳам мулозимлар ҳозир Бухорхудот Ромушга аскар юбориб, солиқларни мажбурлаб бўлса ҳам ундириб келишга буюрса керак, деб ўйлашаётганди. Лекин улар ўйлагандек бўлмади.

- Майли, Ромуш масаласи билан шахсан ўзим шуғулланаман,- деди Бухорхудот ўрнига ўтираркан. – Эртага Ромтинга бориб келамиз. Ромушга ҳам кириб ўтамиз.

Ромуш – Бухорхудотга тегишли бўлган тўқсонта қишлоқдан биттаси бўлиб, Бухоро билан Зандана оралиғида жойлашган эди. Бу ерда икки юстача хонадон яшар, қишлоқ оқсоқоли эса Бухорхудотлар авлодидан бўлган Хина эди. Хина – Кононинг тўнғич хотини бўлган маликанинг акаси. Коно малика Сюга уйлангандан сўнг тўнғич маликага ўз қишлоғи Ромушда бир қаср қуриб берди. Унга ер ажратиб, бир нечта зироаткорларни биркитди ва бир умрга солиқлардан озод қилди. Бундай имтиёзни у бошқа хотинларига ҳам берди. Лекин улар яшаётган қишлоқларнинг бутун аҳолисини солиқлардан озод қилган эмас. Ромушликлар эса Бухорхудотнинг солиқчиларини шундай ёлғон даъво билан қуруқ қайтариб юборишибди. Ҳар йили солиқ тўлаб юрган одамлар малика қишлоққа қайтганидан қарийиб йигирма йил ўтгач дабдуристдан бу гапни кўтариб чиқишлари Бухорхудотни дарғазаб қилган эди.

Бухорхудот эртасигаёқ юзга яқин мулозимлари-ю навкарлари билан от-уловларда йўлга чиқди. У Ромтиндаги малика Сю ибодатхонасини зиёрат қилиб келмоқчи эди. Бу ибодатхона, аниқроғи унинг жиҳозлари, Сюнинг келинлик сепи сифатида у билан бирга Хитойдан олиб келинган эди. Ўшанда бухороликлар ибодатхонани ўз шаҳарларида қурилишига рози бўлишмагач, Коно уни бухорхудотларнинг қадимий манзилгоҳларидан бири бўлган Ромтинга қурдиришга фармон берган эди. Ибодатхона битгач, Хитойдан келган қуллар-у чўрилар, ҳунармандлар-у коҳинлар бирин-кетин унинг атрофига кўчиб келиб яшай бошлашди. Коно малика Сюнинг истаги билан уларнинг барини сарой хизматидан озод қилган эди. Чунки, Кўҳандиздаги бухорий мулозимлар уларни ёқтиришмас, ҳатто уларга иш ҳам қолдиришмас эди.

Коно ва унинг одамлари чошгоҳ маҳали ибодатхонага кириб келишди. Кекса коҳин, малика Сюни дафн этишда қатнашган ўша руҳоний, Бухорхудотни кўриб, қувониб кетди. Чунки, улар анчадан буён дўст бўлиб олишган, Коно малика

Сю билан неча марталаб ибодатхонага ташриф буюрган бўлса, бу билимдон коҳиннинг суҳбатини олмай кетмас эди.

- Кичкина Сю қалай, катта бўляптими?- сўради коҳин улар ичкарига кириб ўтиришгач. – Бирга олиб келавермабсан-да, ҳукмдор?

- Йўқ, уни ҳали йўлга олиб чиқиб бўлмайди, ҳали ёшига ҳам етгани йўқ,- қизи ҳақида гапираркан чеҳраси янада ёришиб кетди Бухорхудотнинг. – Иккинчидан, ўзинг биласан-ку, саройдагилар уни сенинг ибодатхонангга умуман яқин йўлатишмоқчи эмас. Мен ҳукмдор бўлсам ҳам бу борада ҳукмимни ўтказолмайман. Майли, қизим онасининг динида бўлмаса ҳам сарой тинч бўлсин...

- Ҳа, - унинг фикрини маъқуллади коҳин, сенинг оташпарастларинг ҳеч нарсани тушунишни исташмайди. Майли, қизинг Буддани танимай ўтса ҳам, Будданинг ўзи уни паноҳида асрайди!..

Коҳин яна эски гаплари билан Бухорхудотни Будда динига ишонтирмоқчи бўлар, кекса Коно эса унинг олов ҳам Будданинг неъмати эканлиги, оловга сиғиниш ҳам Буддага шукрона эканлиги-ю одамлар ибодат қилишни билмасликлари ҳақидаги гапларни зерикмасдан, жимгина эшитар эди. Лекин Бухорхудот ҳеч қачон коҳиннинг бу сўзларини ҳеч кимга айтмас, ўзи ҳам унинг айтганларига амал қилмас ва оташпарастлик ақидаларини қадрлар эдию унинг буддавийларга ҳурмат билан қарашининг боиси эса малика Сюга бўлган чексиз муҳаббати эди. Умуман олганда Бухоро аҳли орасида зардуштий оташпарастлардан ташқари буддавийлар ҳам, монийчилар ҳам, христианлар ҳам ва бошқа эътиқоддагилар ҳам бўлиб, ҳеч ким бировнинг қайси динга мансублиги билан иши йўқ, ҳар ким ўзини биларди.

- Мен сенинг олдингга бир юмуш билан келувдим, ҳурматли коҳин, - деди кекса Коно коҳин билан анча суҳбатлашиб ўтиргач, ташрифидан кўзлаган мақсадга кўчиб. – Айтишларича, сен тақдирни олдиндан башорат қилиш илмига ҳам эга эмишсан. Менга қизалоғим Сюнинг келажак тақдиридан хабар беролмайсанми?

- Сенга бу гапни ким айтди? – кулди коҳин. – Тақдирни олдиндан айтиб бериш мумкин эмас. Фақат олдиндан пухта ўйланган ишгина амалга ошиши мумкин холос. Тўғри, мен баъзи одамларнинг тақдири келгусида қандай бўлишини айтиб берганман ва мен айтгандай бўлиб чиққан. Лекин бу менинг айганим учун эмас, ўша одамларнинг ўз феъл – атвори туфайли шундай бўлган. Мен одамларга маслаҳат бераман, уларни марҳаматли Будда буюргандек яшашга ундайман. Будда йўлида юрганларнинг тақдири – яхши, юрмаганларники эса ёмон бўлади. Менинг билганим шу, холос.

- Сен ҳамма гапни дарров Буддага боғлайсан, - деди Бухорхудот коҳиннинг гапларига эътироз билдириб. – Агар сен айтгандек бўладиган бўлса, Буддани танимаганларнинг барчаси ёмон тақдирга дуч келиши керак. Лекин ундай эмас-ку!..

- Тушундим сени ҳукмдор, - унинг сўзини бўлди коҳин. – Гап одамларнинг Буддани таниш-танимаслигида эмас, балки яшаш тарзлари Будданинг айтганларига тўғри келиш-келмаслигидадир. Сен Буддани танимаганлар деганда зардуштийлар, христианлар ва бошқаларни назарда тутяпсан, шундайми? Улар Буддани танимасалар ҳам буддавийлардан ёмон яшамаяптилар-ку, демоқчисан. Ҳа, тўғри... қонунга риоя этиш учун уни ўрганиш шарт эмас, ақлнинг ўзи тўғри йўлни кўрсатади. Будданинг айтганлари ҳам бир қонун, нима ундан бехабар кишилар тўғри йўлдан юролмайдиларми? Албатта, юра оладилар. Чунки, уларда ҳам ақл бор, ўша ақллари билан оташпарастликни, христианликни уйлаб топишган. Гарчи уларда ибодат бошқача бўлсада, эзгулик ва адолат ҳақидаги тушунчалари Будда таълимотига мос келади...

- Шошма, муҳтарам коҳин, шошма, -икки қўлини кўкси баравар кўтариб суҳбатдошини сўзлашдан тўхтатди Бухорхудот. – Бу гапларингни кўп эшитганман. Хўп, мен сенинг фикрларингга қўшилдим ҳам дейлик. Аммо ҳозир тақдир ҳақида гапираётганда мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Сен бошқа мавзуга кетиб қолдинг. Мен

айтмоқчийдимки, ўша биз қадрлайдиган эзгулик ва адолатни оёқ ости қилган кишилар ҳам, ҳоҳ буддавий бўлсин, ҳоҳ зардуштий яхши тақдирга эришиб яшаяптилар. Бунга нима дейсан?

- Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! – қизишди коҳин. – Сен шундай деб ўйлашинг мумкин, холос. Аслида бундай эмас. Гап шундаки, яхши тақдир деганда сен бойликка, мартабага эга бўлишни тушунасан. Булар бари ўткинчи, ўткинчи!.. Улар руҳни емиради, хароб қилади. Наҳотки, шуни тушунмасанг?! Мана, сен ҳукмдорсан, қўлингда қанча бойлик, қанча куч бор. Лекин мен сени бу учун ҳурмат қилмайман, балки эзгу ниятли ва адолатли эканлигинг учун ҳурмат қиламан. Агар шу фазилатларинг бўлмаганида сен дунёдаги энг бадбахт подшо бўлиб қолардинг! Ҳа, юрагида эзгулик ва адолат бўлмаган кимсалар – бадбахт кимсалардир. Уларга бойлик ҳам, мартаба ҳам ёрдам беролмайди, эртами-кечми тақдирнинг интиқомига дуч келадилар, ҳа!

Коно Бухорхудот коҳиннинг қизишиб ўрнидан туриб кетганини кўриб, бошқа гапирмади. Коҳиннинг гаплари у учун янгилик эмасди, ўзи ҳам шу ақидаларга ишонар, лекин баъзан нимадандир норози бўлиб, баҳслашгиси келарди. Ҳозир ҳам Конони бу баҳсни бошлашга ундаган нарса – ичидаги ўз ташвишлари эди. У аввало ёлғиз фарзандининг, кейин мамлакатнинг ташвишини чекаётган эди. Коно ўз умри қанча қолганлигини билмаса-да, қизини вояга етказгунча ўлиб қолишдан қўрқарди. Унинг орзуси ҳукмдорликни бухорхудотларнинг бошқа авлодига эмас, ўз пуштикамаридан бўлган қизига топшириб кетиш эди. Яна бир орзуси мамлакатини Хитой, Эрон, Турк ҳоқонлиги сингари қудратли ва довруқдор қилиш эди. Аммо бу орзуларининг ушалиши учун Коно жуда қаттиққўл ва шафқатсиз бўлиши ҳамда жуда кўп қон тўкиши лозимлигини ҳам тушунар, шунинг учун юраги сиқиларди. Аммо ичидаги бу дардларини Коно буддавийлар коҳинига айтмади. Айтиб нима қилади, коҳин уни ўз тақдиридан кўнгли тўқ ҳукмдор деб билади – шу билганича қолаверсин.

- Демак, сен тақдирни олдиндан башорат қилолмайсан,- ўзи бошлаган мавзуга нуқта қўймоқчи бўлди, Коно. – Тўғриси, мен ўзим ҳам бунақа гапларга ишонмайман. Шундай бўлса ҳам қизим ҳақида нима дейишингни бир эшитиб қўяй дегандим-да...

- Сенинг қизинг Бухоронинг энг олий ҳукмдори бўлади,- деди коҳин Бухрхудотнинг дилидаги орзусини сезгандай,- у мутлақо озод малика бўлади, ҳеч кимга тобе бўлмайди, душманига ҳам, дўстига ҳам, ҳатто эрига ҳам. Минг йиллар бурун Хитойда ҳам шундай малика ўтган...

- Қаердан биласан?- деб юборди Коно қувонганини яширмай. – Ахир сен тақдирни феъл-атворга қараб биласанку? Менинг қизим ҳали гўдак бўлса...

- Бу гўдакнинг томирида оқил Бухорхудот ва ўжар император Таннинг қони оқмоқда, шундан биламан,- деди коҳин.(Сиёсий томондан тузатинг.Бухорхудот Тандан ҳам кучли бўлсин.)- Энди кўнглинг жойига тушдими?

- Ҳа,- деди Бухорхудот ўрнидан турар экан. – Кўнглим учун айтган бўлсанг ҳам мен бунга ишонаман ва шундай бўлиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан!

Шундай деб кекса Коно коҳин билан хайрлашди-да, ибодатхонадан чиқди.

- Қани, кетдик Ромушга!- деди у дарвоза олдида кутиб турган навкарларига. Навкарлар унинг дадил ва қувноқ овозидан кайфияти Бухородан йўлга чиққан пайтидагига қараганда анча кўтаринкилигини сездилар. Дарҳақиқат, Конода дафъатан кўтаринки бир руҳ, ишонч ва қатъият пайдо бўлган эдики, у энди Ромушга тезроқ кириб боришга ошиқар, солиқдан бош тортган деҳқонларга ўз кучини кўрсатиб қўйгиси келаётган эди.

- Агар улар яхши гап билан солиқни тўлашни исташмаса,- уқтирарди у йўл-йўлакай навкарларига,- битта-битта уйларига бостириб кириб, шип-шийдам қилиб чиқасизлар! Ҳеч бирига раҳм қилманг! Ҳукмимизни ўтказиш учун керак бўлса, қон тўкишга ҳам тўғри келади!

Коно Бухорхудот, унинг отлиқ навкарлари-ю мулозимлари тупроқ йўлни чангитиб, Ромушга

яқинлашганларида узоқдан қишлоқдаги энг баланд бино – оташпарастлар ибодатхонаси кўзга ташланди. Айтишларича, бу ибодатхонани Эроннинг аҳмоний подшоҳларидан бўлган Кайхусрав қурдирган экан. Шунинг учун у Бухородаги энг қадимги ибодатхона ҳисобланади. Бир вақтлар Бухорхудотлар ҳам бу ибодатхонани таъмирлатишган. Кононинг бобокалонларидан қайси биридир қариган чоғида подшоҳликдан воз кечиб, шу ерга келиб яшаган ва қолган умрини тоат-ибодатда ўтказган экан. Ўша Бухорхудотнинг бир авлоди бўлган Хина Ромушнинг энг бой деҳқони ва қишлоқ оқсоқоли эди. Коно у билан бўлажак учрашув кўнгилсизлик билан тугашини сезаётган эди. Чунки, Хинанинг Конога хусумати борлиги аниқ эди. Синглиси Конодан фарзанд кўрмагач, Хина ўз ўғилларидан бирини унга бериб, подшоликка ворис қилиш ниятида эди. Бироқ унинг бу нияти амалга ошмади. Синглиси Бухорхудот саройидан четлаштирилди.

Тўнғич хотинини эслар экан, Коно яна кўнгилчанлигига бориб, ўша маъсума аёлнинг ҳурмати Ромуш аҳлини бутунлай солиқлардан озод қилиб қўйсаммикан, деган хаёлга борди. Лекин дарҳол бу фикридан қайтди. “Йўқ, буларга эркинлик бериб бўлмайди. Кейин бошқа қишлоқлар ҳам солиқдан бош тортишади, қарабсанки, ҳокимият қўлдан кетади”, ўйлади у.

Шундай хаёллар гирдобида Коно қишлоққа кириб келишганини сезмай қолди. Қадимий ибодатхона қошида уймалашиб юрган бир тўда одамлар уларга кўзи тушиши билан:

- Бухорхудот! Бухорхудот!- дея ўзларини панага ола бошлашди. Улар орасидан бир деҳқон Конога пешвоз чиқиб:

- Марҳамат қилсинлар, ҳукмдор!- дея таъзим қилди. – Қадамларига ҳасанот!

- Менга қишлоқ оқсоқоли керак,- деди Бухорхудот от устида салобат билан ўтирганча,- қаерда у?

Деҳқон бир йўталиб қўйди-да, ибодатхона томонга имо қилди. Шу пайт ибодатхона эшиги очилиб, эгнида шойи матодан тикилган шоҳона кийим билан бошяланг ҳолда

қизил соқолли бир киши чиқиб келди. Бу қишлоқ оқсоқоли Хина эди.

- Мен шу ердаман, Коно,- деди у бир қўлини белига тираганча беписандлик билан. – Сени аввал ибодатхонага киради деб ўйловдим, бу ёққа келишингдан эрталаб менга хабар беришганди.

Коно бу димоғдор қариндошига бошдан-оёқ разм солди. Унинг туриши-ю муомаласи Коно Бухорхудотнинг ҳамиятига тегди.

- Менга қара, Хина,- деди у ўзини босиқ тутишга уриниб. – Модомики, менинг келишимни билган экансан, подшоҳни қандай кутиб олишни ҳам билиш керак эди!

- О, мени маъзур тутасан, подшоҳим!- деди киноялиқулиб Хина. – Лекин сен ташрифинг ҳақида менга бир оғиз билдирмабсан-да. Ўз хабарчиларимнинг гапига эса унча ишонмагандим. Чунки сени Ромтинга ўтиб кетди, дейишганди. У ерга, албатта, марҳума Маликамизнинг ибодатхонасига боришингни биламан. Ибодатхонадаги ҳар бир санамни тавоф қилгунингча бир кун ўтиб кетарди...

- Бас қил майнавозчиликни!- Жаҳл билан отининг юганини тортиб юборди Коно.

- Ҳа, нега жаҳлинг чиқади? – гапида давом этди Хина. – Ахир, сен буддавийларнинг ҳар хил ҳайкалчаларига сиғинасан-ку, шундай эмасми? Нега энди ота-бобомизнинг динидан юз ўгирганлигингни яширасан?

- Ҳаддингдан ошаяпсан Хина! Мени айблашга ҳаққинг йўқ, ҳатто бу туҳматларинг рост бўлган тақдирда ҳам!

- Ўзингни бос, ҳукмдор! Мен ҳақ гапни айтдим. Агар сенинг имонинг бутун бўлса эди, аввал Ромушга келган бўлардинг, келганингдан кейин эса аввал отдан тушиб, ота-бобонг қурдирган мана бу муқаддас зиёратгоҳга кириб, Ахурамазда1ни ёдга олган бўлардинг!

- Яхши!- бақирди Коно. – Нима десанг, деявер! Лекин мен бу ерга ҳозир ибодат қилиш учун ёки сен билан пачакилашиб ўтириш учун эмас, солиқларни ундириш учун келганман!

Уларнинг даҳанаки жангини икки томонда навкарлар-у бир пасда тўда бўлган одамлар нафасларини ичга ютиб, кузатиб туришарди.

- Солиқларни олиб бўпсан!- бақирди оқсоқол Хина ҳам. – Сен Бухорхудотларнинг номига доғ туширдинг! Отанг мамлакатни туркларга сотган эди, энди сен Хитойга сотмоқчисан, хоин! Сенга тўлайдиган солиғимиз йўқ. бундан кейин сенга бўйсунмаймиз, сенинг ҳимоянгга муҳтож эмасмиз! Яхшиликча, ҳозироқ навкарларинг билан бу ердан йўқол! Акс ҳолда...

Оқсоқол дағ-дағ титраб гапиролмай қолди.

- Нима қилмоқчисан “акс ҳолда”?- Коно отдан сапчиб тушиб, ғазаб билан Хинага яқинлашди. Унинг важоҳатидан, қиличининг дастасини маҳкам қисиб олганидан саросимага тушган икки бақувват йигит одамлар орасидан отилиб чиқиб, оқсоқолни пана қилишди.

- Яқинлашма отамга!- қичқирди улардан бири ёнидан ханжарини чиқариб ҳавога кўтараркан.

- Менга қилич беринглар!- ўғлини суриб олдинга чиқди оқсоқол Хина. Қўрқадиган номард йўқ! Яккама-якка олишамиз!

Кононинг навкарлари вазият қалтислашганини кўриб, қиличларини суғуриб, ўқ-ёйларини қўлга олишди.

- Шошманглар!- қўлини кўтариб уларни тўхтатди Коно. – Яккама-якка бўлса, яккама-якка! Ҳали Коно қилич кўтара олади!

Одамлар орасида ғала-ғовур бошланиб кетди. Кимдир оқсоқолни узр сўрашга, гапидан қайтаришга ундар, кимдир унинг белига камар тақиш-у бошига дубулға кийдириш билан оввора эди.

- Қочинглар! Ҳеч ким аралашмасин!- оқсоқол дадилланиб ўртага чиқди. Қўлидаги қиличининг тиғини кафти билан силаб, кўздан кечирди.

Рақиблар бир-бирларига ҳамла қила бошлашди. Ғазаб ва нафрат уларнинг ҳар иккаласининг ҳам юрагидан кексаликни қувиб, шижоат ва мардликни жо қилган эди. Уларни қуршаб олган тарафдорлари ҳаяжон билан жангни

кузатишарди. Ҳамма нафасини ичга ютган, фақатгина қиличларнинг жаранглаган овози майдонда ҳукмрон эди.

Кураш бир неча дақиқа давом этиб, чоллар ҳансираб қолишган бир пайтда қандай бўлди-ю Хина айёрлик ва абжирлик билан қиличини ўйнатиб, Кононинг сонига суқиб олди ва ҳамма бирданига қичқириб юборди. Бухорхудот эса жароҳатланган оёғини чангаллаганча ерга йиқилди. Навкарлар югуриб келиб, уни кўтариб олишди.

- Нима қилиб турибсанлар, лаънатилар!- инграб бақирарди Коно уларга. –Менинг ўчимни олинглар! Ўлдиринглар уни!

Бир пасда тасир-тусир катта жанг бошланиб кетди. Ромушликлар сон жиҳатдан кўпчилик бўлишса-да, яхши қуролланишга улгурмаган эдилар. Бухорхудотнинг навкарлари уларнинг дуч келганига қилич солишарди. Одамлар тум-тарақай қочишга тушишди.

Оқсоқол Хинанинг ўғиллари ва ўн-ўн бешта қуролланган кишилари чарчаб қолган оқсоқолни пана қилган ҳолда атрофларидан берилаётган зарбаларни қайтаришарди.

Бухорхудотнинг садоқатли навкари Хунбун бу пайтда ҳукмдорини озиқ-овқатлар юкланган усти ёпиқ аравага жойлаштириб, оёғининг яраланган жойини ўз кийимидан йиртиб олинган латта билан қисиб боғлади-да:

- Хотиржам бўлинг, ҳукмдор! Уларнинг куни битди!- деди ва шошилганча қиличини, қалқонини олиб, шерикларининг ёнига югуриб кетди...

Орадан ярим соатларча вақт ўтар-ўтмас Хунбун оқсоқол Хинанинг кесилган, қип-қизил қонга беланган бошини ярим хушсиз ётган Бухорхудотнинг олдига келтириб ташлади. Коно рақибининг узилган калласига, унинг даҳшатда қотиб қолган кўзларига ижирғаниб қаради-да:

- Йўқот!- деди, кейин:- Жанг тугадими? Навкарлар қани?- дея сўради.

- Уйларини талашга тарқалиб кетишди,- деди Хунбун мамнуният билан.

- Марҳумнинг калласини жойига элтиб қўй,- буюрди Бухорхудот,- эгалари излаб юришмасин! Навкарларни йиғ, бас қилишсин! Кеч бўлаяпти, қайтамиз!

Қуёш ботаётган маҳал Бухорхудотнинг навкарлари талончиликни тўхтатишиб, хонадонлардан қўлга туширган ўлжаларини олиб ортга қайтишди. Қишлоқ аёллар ва болаларнинг мунгли йиғиси ичида қолди. Тўкилган қонларнинг ранги ургандек шафақ алвонланиб турар, кеч кузнинг саргардон шамоллари ҳозиргина жони узилган ромушликларнинг арвоҳи сингари ҳувиллаган қишлоқ узра гир айланиб, уйлардан эшитилаётган нола-ю фарёд сасларини узоқ-узоқларга олиб кетар эди...

“Мана, сенга эзгулик, мана адолат!- ўйларди йўлда бораётган Бухорхудот чодир-арава шипига кўзларини қадаганича.- Мана оқил Коно Бухорхудотнинг иши! Бу ҳали бошланиши, ҳали кўп қон тўкилади. Энди раҳмдиллик кетмайди. Итоатсиз фуқаронинг жазоси шу!”

- Ко-о-но-о!

Узоқдан қулоғига чалинган бу чақириқ Бухорхудотнинг хаёлини бўлди. Унинг ёнида ўтирган Хунбун чодир-арава пардасидан бошини чиқариб ортига қаради-да:

- Бир киши орқамиздан от чоптириб келаяпти, дея хабар берди.

Яқинлашиб келаётган отлиқ иккинчи маротаба Бухорхудотнинг исмини айтиб чақирганида, овозидан унинг аёл киши эканлиги маълум бўлди.

- Тўхтанглар!- буйруқ берди Бухорхудот эти жимирлаб кетаркан. – Бу менинг биринчи хотинимнинг овозига ўхшайди... Ундан эҳтиёт бўлинглар!

Отлиқ аёл уларга етиб келиб, отдан сакраб тушди-да:

- Мени ҳам олиб кетинглар!- деб қичқирганича йиғлаб юборди.

Икки навкар унинг икки қўлидан ушлаб қолишди. Аёл, сочлари шамолда тўзиб кетган, афтода ҳолда силтаниб, Коно ётган аравага талпинар эди.

- Мени ҳам олиб кет, Коно! Энди сендан бошқа ҳеч кимим йўқ! Акамнинг қонини ичдинг-ку, ахир!

Коно ётган жойидан хотинига қаради: эллик ёшлардаги бу аёл йигирма йил олдин қандай бўлса, ҳали ҳам ўшандай истараси иссиқ, лекин чеҳрасида аянчли бир ифода намоён эди.

- Сен менинг душманимсан энди,- деди Коно унга қарата. – Менга керагинг йўқ сенинг! Кет, кет!!!

- Коно! Ундай дема,- уввос солиб йиғларди хотин. – Акам сенинг душманинг эди, лекин мен эмас! Мен бир умр сени деб яшадим! Олиб кет энди мени! Ёшлигимизни бирга ўтказдик, қариганда ҳам бирга бўлайлик!!!

- Йўқ, йўқ!- аравани муштлаб, қичқирди кекса Коно.

- Йўқ, дема, Коно,- ёлвориб йиғларди аёл,- мен садоқатли хотинингман, нега ишонмайсан?! Сенга нима ёмонлик қилдим, ахир? Қачондир келишингга, мени олиб кетишингга ишонгандим!.. Олиб кет мени, Коно! Қизингга она бўламан, уни мен ҳам севаман, ишон!..

Конодан садо чиқмас, уни энди оёғининг жароҳати эмас, ёлбораётган ана шу аёл ёдига солган қалб жароҳати қийнаётган эди.

- Коно,- бироз тинчланиб, титроқ товушда давом этди аёл,- агар менга ишонмасанг, унда ўлдириб кет... Бу ерда қолсам, бари-бир ўзимни ўлдираман... Лекин сени қўлингда ўлсам, дейман, Коно! Айт, мени ўлдиришсин! Ахир шунча одамни ўлдиришди-ку! Майли мени ҳам душман ҳисобла, ўлдир мени!..

- Бас!

Коно гавдасини тўшакдан кўтариб, хотинига қаради. Ҳукмдорнинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди.

- Аравага чиқаринглар уни!- буюрди навкарларига.- У менинг хотиним-ку, ахир... Нега ташлаб кетай?..

Бухорхудотнинг аҳволини тушуниш мумкин эди.

Бугунги воқеалар кутилмаганда бўлаётган эдики, Коно бу воқеалар билан коҳин сўзлаган тақдир, эзгулик, адолат тушунчалари ўртасида қандайдир боғлиқлик борлиги ҳақида ўйлаб борарди. Аравада энди Хунбуннинг ўрнида ҳаётини қайтадан бошлаётган бир аёл дам йиғлаб, дам кулиб гапириб борар, лекин унинг сўзлари Бухорхудотнинг қулоғига

кирмас, у нигоҳини аёлнинг юзига қадаган куйи ўз хаёллари билан банд эди.

* * *

- Кўп ҳам қайғураверманг ҳукмдор,- деди вазир Шери Фарахш Ромушда бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини эшитгач, қон тўкканидан афсусланаётган Коно Бухорхудотга,- шоҳнинг қиличидан қон томиб турмаса мамлакат парокандаликка юз тутади. Хинанинг жазосини бериб тўғри қилгансиз. Унинг ўзи ҳаддидан ошиб кетаётган эди.

- Мен ўз қариндошим бўлган Хинани ҳалок этишни истамаган эдим,- хўрсиниб деди Коно. – Бу воқеани эшитган рақибларим нима деб ўйлашади? Бухорхудотлар ўз-ўзлари билан урушиб ётишибди деб хурсанд бўлишади! Хинанинг ўғиллари мендан ўч олиш учун ҳали Вардонхудотнинг ёки Пойканд ҳокимининг ҳузурига ёрдам сўраб боришмаса гўрга эди!

- Э, бунча қўрқмасангиз ҳукмдор. Вардонхудот-у Пойканд ҳокими ким бўлибдики, бизга қарши чиқса? Мободо, сиз ўйлагандай бўлса ҳам биз уларнинг додини бериб қўйишга қурбимиз етади-ку ахир. Қўйинг яхшиси бу хаёлларни миянгиздан чиқаринг-да, буюринг, бир базми жамшид уюштирайлик. Ахир бугун саройимизга биринчи маликамиз қайтган кун. Маликамизнинг шарафига хурсандчилик қилсангиз-чи, ҳукмдор!

Шери Фарахш ҳар қандай вазиятда ҳам ҳукмдорнинг кўнглини топа олар эди. Ҳозир ҳам у Кононинг кўнглини кўтариб, уни базм қилишга кўндирди. Вазиринг доно бўлса, тахтинг мустаҳкам бўлади, дерди Конога отаси . Коно ўзидан анча ёш бўлган Шери Фарахшни ўзидан кўра донороқ ҳисоблар, шунинг учун кўпинча унинг маслаҳатига қулоқ соларди. Бухорода йигирма йил давр сурган турк шаҳзодаси Шери Кишварнинг хотинларидан яна бири – Варахша қишлоғи оқсоқолининг қизидан туғилган Шери Фарахш чиндан ҳам насли тоза, доно ва довюрак одам эди. Унинг навқирон йигитлик чоғида лашкарбоши қилиб тайинлаган

Ҳамук Бухорхудот умрининг охирларида вазирлик лавозимига кўтарган ва Конога ҳам шу вазирга ишонишни васият қилиб кетган эди.(наҳотки, Ҳамук билан ишлаган вазир Конодан ёш бўлса?)

Кононинг саройда яна бир ишонган тоғи – шахсий соқчиси Хунбун эди. Шери Фарахш давлат ишларини юргизишда ишонч қозонган бўлса, Хунбун ҳукмдорнинг шахсий ҳаётида унча-мунча рол ўйнаб, эътибор топган эди. Айниқса, Хунбун малика Сю билан Хитойдан келган канизаклардан бирига уйланиб олгандан сўнг ҳукмдорнинг оиласига яна ҳам яқинроқ бўлиб олган эди. Малика Сюга энг яқин дугона даражасида бўлган бу канизак эндиликда Кононинг қизчасига энагалик қилаётганди.

Тўнғич маликанинг саройга қайтиши шарафига уюштирилган базм туни билан давом этди. Машшоқлар, раққосалар ва соқийнинг хизматидан кекса Кононинг кўнгли равшан тортиб, сархуш бўлди.

- Энди менинг саройимда катта малика ҳам, кичик малика ҳам бор,- деди Коно қадаҳ кўтариб гапирар экан,- умуман, менинг ҳеч нимадан камчилигим йўқ. менга ҳасад қиладиганлар бор холос. Мана шу қадаҳларни маликаларимнинг соғлиги ва ҳасадчиларнинг ўз ёғига ўзи қоврилиши учун кўтаришларингизни сўрайман!

Шароб сархуш қилган Кононинг нимага ишора қилаётганини ҳамма тушуниб турарди ва шунинг учун ҳам унинг гапларини маъқуллаб қадаҳ кўтаришди. Шу базмдан бошлаб саройда “Катта Малика” ва “Кичик Малика” деган номлар тилга олинадиган бўлди.

Эртаси куни Коно қизидан хабар олгани унинг хонасига кириб, эркалатиб ўтиргани-да, катта Малика ҳам кириб келди.

- Вой, худойим-её, ахир кўз-қошлари худди ўзингникику?!- деб юборди у қизалоқни қўлига олиб қараркан. У бу гапни шундай бир оҳангда айтдики, беихтиёр Кононинг юраги “шиғ” этиб кетди.

- Нима бўпти? Бунга ажабланиш керакми?- кулиб турган чеҳраси бирдан жиддийлашди. – Демак, сен мендан фарзанд бўлганига ишонмаган экансан-да, а?

- Йўқ-йўқ, асло,- шошиб қолди катта Малика,- нега ундай деяпсан, мен фақат қизинг сенга ўхшашлигидан қувонганим учун шундай дедим...

- Йўқ! сен қувонганингни эмас, ажабланганингни билдириб қўйдинг,- қатъий қилиб деди Коно. – Менинг гапимдан кейин эса баттар рангинг оқариб кетди. Кошки мен сенинг феълингни билмасам! Сен соддадилсан, бирданига ичингдагини фош қилиб қўясан. Қўрқма, мен сенга ҳеч қандай зуғум қилмайман. Фақат тўғрисини тан олсанг бўлгани. Айт, “сендан бола бўлганига ишонмагандим”, де?.. Болани менга бер!

- Қўйсангизчи, ҳукмдор, маликамизни хафа қилманг,- ўртага тушди гапни эшитиб турган энага Лила.- Катта Малика қизчангизнинг гўзаллигидан ҳайратга тушдилар, холос.

- Сен тарафини олмай қўя қол,- деди юмшаб Коно.- Мен шундоғам уни кечираман...

Шундай деб у хотинини ноқулай аҳволда қолдирганча хонадан чиқиб кетди ва ҳақиқатдан ҳам кечиргани учун қайтиб бу ҳақда оғиз очмади. Кейинроқ, бир кеча хотинини оғушига олиб ётганида маликанинг ўзи гап очиб қолди.

- Мени кечиргин, Коно,- деди у,- ўша куни сен ҳақ эдинг. Лекин менинг ҳеч қандай ғаразим йўқ эди. Тўғрисини айтсам... Тўғрисини айтсам, яна дарғазаб бўлмайсанми?

- Йўқ, гапир.

- Хотининг ҳомиладорлик пайтидаёқ у ҳақда нолойиқ миш-мишларни эшитган эдим. Гуёки малика Сю сенинг шахсий соқчинг Хунбун билан пинҳона дон олишиб юрармиш... Ундан ҳомиладор бўлганмиш...

- Кимдан эшитдинг шу гапни?- ўзини зўрға босиб сўради Коно.

- Кимданлигининг нима аҳамияти бор? Ромушда ҳамманинг оғзида шу гап эди. Одамлар Хунбун билан малика Сюнинг бирга Ромтинга бориб-келишларини бир неча бор

кўришган экан, ҳатто бир овчи уларни чакалакзорда бирга учратган ҳам экан...

- Вой, аблахлар-ей, ахир Хунбун менинг энг содиқ соқчим бўлганлиги учун Сюга ҳамроҳ қилиб ибодатхонага жўнаардим-да. Шунда ҳам уларни ёлғиз эмас, яна уч-тўртта навкар ва канизакларни қўшиб жўнатар эдим.

- Энди билсам,- гапини давом эттирди Кононинг хотини,- бу миш-мишларнинг барини акам билан бирга сенга ғарази бўлган одамлар тўқиб чиқаришар экан. Мен ахмоқ бўлсам, ўша гаплар рост бўлса бордир, деб юрган эканман. Ўша туҳматчиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди, худо сенинг юзингни ёруғ, хотинингни руҳини шод қилди...

- Оббо, аблаҳлар-ей!..

Маликанинг юпатувчи сўзларига эътибор бермай, қони қайнарди Кононинг. У бир қудратли кучга айланиб, шу миш-мишни тарқатган тилларни ҳам, эшитган қулоқларни ҳам битта қолдирмай дунё юзидан супуриб ташлагиси келарди. Лекин бунинг энди иложи йўқлиги алам қиларди унга. Чунки эл оғзига элак тутиб бўлмайди.

- Бу гапни менга айтганинг яхши бўлди, лекин қайтиб ҳеч кимга айтма,- деди у бир пасдан кейин хотинига. Кейин ҳар қанча ухлашга ҳаракат қилмасин, тонггача ухлай олмади.

Ҳукмдорнинг кайфиятини дарҳол сезадиган Шери Фарахш Кононинг кейинги кунларда хомуш бўлиб юрганлигининг сирини билолмай гаранг эди. У зора кўнгли очилса, деган ниятда Бухорхудотни бирга овга чиқишга таклиф этди.

- Варахшага ҳам анчадан буён борганингиз йўқ, ҳукмдор. Овдан сўнг ўша ёққа ҳам ўтайлик, дам олиб қайтамиз.

- Мен-ку овга унча хушим йўқ, лекин Варахшага бир боришим керак. У ердаги саройимизни қайтадан обод қилиш ниятим бор,- деди Коно.

- Сиз чарчагансиз, ҳукмдор,- деди вазир “қариб қолибсиз” дейиш ўрнига,- овнинг гаштини ҳам унутибсиз. Эсингиздами, илгарилари тўқайда қанақанги овлар қилардик!..

- Эсимда, эсимда,- чеҳраси ёришди Кононинг.- У пайтлар ёш эдик, абжир эдик... Энди қаридик.

- Ундай деманг,- кулди Шери Фарахш. – Сиз эндигина ота бўлган “йигит”сиз-ку. Ҳалиги катта Маликамиз ҳам сиздан фарзанд кутаяптилар!

Улар хо-холаб кулишди-да, овга чиқишга келишиб қўл ташлашди.

* * *

Рўди Мосаф1 Бухоро ерларини сув билан таъминловчи асосий дарё эди. Бухорхудотга тегишли унумдор ерлар ҳам ана шу дарёнинг иккала соҳилида жойлашган. Рўди мосафнинг қуйи оқимида, Бухоро билан Пойканд оралиғида катта тўқайзор бўлиб, бу жой ов қилиш учун жуда қулай эди. Тўқайзор қалин бўлганлигидан ва унда ҳар хил ёввойи, йиртқич ҳайвонлар кўплиги туфайли ҳар ким ҳам бу ерга қадам босишга журъат этолмас эди. Яқин атрофдаги овчилар фақат тўқайзорнинг бошланиш жойларидан ов қилиш билан чекланишар, ов кетидан қувиб унинг ичкарисига кириб кетишдан ҳайиқишар эди.

Шери Фарахшнинг таклифи билан Коно Бухорхудот навкарларига ов анжомларини ҳозирлашни буюрди. Белгиланган кунда тонг саҳарлаб ҳукмдор, унинг вазири, бош соқчиси ва яна ўн нафар навкар энг чопқир отларни эгарлаб, ов итлари билан йўлга чиқишди.

Йўлга чиқишдан олдин Бухорхудот ҳамроҳларини шаҳардаги оташпараст зардуштийлар ибодатхонасига бошлаб кирди. У илгари бирор бир сафар олдидан бундай қилмаган, ибодатхонага ҳар йили бир марта, унда ҳам Сиёвуш хотираси кунидагина ота-боболарининг удумини бузмаслик важидан борор эди. Шунинг учун Бухорхудотнинг тўсатдан ибодатхонага қадам ранжида қилиши кекса атрабонни таажжубга солди; у оташгоҳдаги мил-мил ёнаётган муқаддас оловни алангалатиш учун хизматчиларга саксовул шохларидан келтиришни буюрар экан, ҳукмдорга олов атрофидан энг қулай ва мўътабар жойни кўрсатиб, иззат-ҳурмат билан уни ўтқазди.

- Бу ўринга отангиз Ҳамук Бухорхудот кечалари билан ухламай ўтириб чиққанлар. Мен ўзим бир неча марта у зоти

муҳтарамга муқаддас Овестони ўқиб берганман. У замоннинг одамларида эътиқод зўр эди! Ҳозир қани Овестони ўқийдиган, тинглайдиган сабр-тоқатли одам?! Йўқ, одамларимиз бузилиб кетишди!..

Арабоннинг гаплари Коно Бухорхудотга ҳам, Шери Фарахшга ҳам малол келаётган эди, бироқ улар эътироз билдирмай ўтиришарди. Хизматчилар оловга ўтин келтириб ташлашди. Атрабон муқаддас китобни қўлига олди.

- Шошма, муҳтарам атрабон, китоб ўқишга бошқа вақт келармиз. Биз ҳозир сафарга чиққанмиз,- деди Коно. –Отамни эслаганинг яхши бўлди, мен ҳам шу кеча тушимда уни кўргандим. Шунинг учун ҳузурингга келдим. Отамнинг руҳига бир дуо қилиб берсанг бўлгани. Мана бу мендан ҳадя,- у қуйнидан олтин тангалар солинган халтачани олиб атрабоннинг олдига қўйди.

Бош устига, ҳукмдор!

Атрабон ўрнидан туриб, қўлларини оловга узатди ва ичида нималарнидир пичирлаб, дуо ўқиди. Сўнг олов олдига тиз чўкди-да қўлларини юқорига силкитиб илтижо қила бошлади:

- О, яратгувчи Ахурамазда! О, бизларга эзгуликлар ва раҳм-шафқат ёғдиргавчи! Дуоларимизни қабул эт! Марҳумларимизнинг руҳларини қийнама, роҳат-фароғат бахш эт! Ёвуз Аҳриманнинг ёмонликларидан бизларни ва марҳумларимиз руҳини ўзинг асрагил! О, саховатли тангримиз! Бизларнинг гуноҳларимизни афу эт! Ҳукмдорларимизнинг сафарларини бехатар қил! Унга Йимага берганингдек узоқ умр ва подшоҳлик ато қил!

Атрабоннинг ҳаракатларига тақлидан ибодатхона хизматчилари ва Коно билан унинг одамлари ҳам тиз чўкиб ибодат қилдилар. Ибодат тугагач, атрабон Конодан секингина сўради:

- Мени афу этгайсиз, ҳукмдор, билсак бўладими, қаерга сафарга чиқадилар?

- Биз Пойканд тарафга кетаётирмиз,- деди Коно. – Тўқайда ов қилмоқчимиз. Кейин қайтишда Варахшадаги саройимизга қўниб ўтиш ниятимиз бор.

- О, жуда зўр, жуда зўр,- оппоқ соқолини силкитиб маъқуллади атрабон.- Лекин тўқайзорда эҳтиёт бўлишингизни маслаҳат берган бўлардим. Ёнингизга муқаддас оловдан олиб олинг, у Аҳриманнинг ёмонликларидан қайтаради. У ерда Аҳриманнинг ёвуз шерлари, йўлбарслари бор дейишади...

- Майли менга муқаддас оловдан олиб бера қол.

Атрабон дарҳол ибодатхона равоғида турган сопол қутичалардан бирини олиб, унга кул солди ва устига чўғ бўлиб турган саксовул парчасини қўйиб яна кул билан тўлғаздида қопқоғини ёпиб, Конога таъзим билан тутқазди.

- Раҳмат, сенга!

Коно қутичани олиб навкарларидан бирига топширди. Улар ибодатхона ходимлари билан хайрлашиб, йўлга тушдилар.

Дарё соҳили бўйлаб чошгоҳгача йўл босиб, тўқайзорга етиб келишди. Куз палласи бўлса-да ҳаво иссиқ, барглари сарғайган дарахтлар, намчил тупроқ ва ҳайқириб оқаётган дарё гўзал бир манзара касб этган эди. Коно баланд-баланд дарахтлар ва мусаффо осмонга қараб кўксини тўлдириб нафас олар экан, ўзини бутун ташвишлардан ҳоли, қушдай енгил ҳис этди.

- Аввал отларга дам берайлик,- деди у Шери Фарахшга юзланиб,- кейин кечгача ов қувласак бўлади. От устида туриб камонини тортганича буталар орасида ниманидир нишонга олаётган Шери Фарахшнинг қулоғига бу гап кирдими, йўқми, овозини баландлатиб:

- Кишт! Кишт!- деб қичқирди.

Йигирма қадамча наридаги буталар орасидан иккита парранда ҳавога кўтарилди, бироқ шу заҳотиёқ улардан бири Шери Фарахшнинг камон ўқига учиб, тап этиб ерга қулади. Ов итлари ўша томонга югуриб кетишди.

- Қойил!

- Офарин!

- Мерганликни сиздан ўрганиш керак экан? Навкарлар вазирни олқишлай кетишди. Шери Фарахш отдан тушиб ўлжани итнинг олдидан олар экан:

- Қирғовул,- деди ўқни суғуриб олиб.- Шуни эрмак қилиб турайлик, унгача отлар ҳам дам олишади.

Коно отдан тушиб келиб, қирғовулни қўлига олди:

- Жуда чиройли экан,- деди у,- патларини товланишини қара, камалакнинг барча ранглари унда мужассам!

- Ҳамма чиройли нарсалар ҳукмдор учун!- деди кулиб вазир. – Ҳой нимага қараб турибсизлар, тезда тозалаб пиширинглар буни! Бизга жой ҳозирланглар!

Мулозимлар дарҳол нарсаларни тушириб, ҳукмдор ва вазир учун ўтиришга жой ҳозирлашди. Ҳаял ўтмай қирғовул гўштини кабоб ҳам қилиб келтиришди. Бухорхудот ва унинг вазири оловда тобланиб пишган парранда гўштини иштаҳа билан паққос туширишди.

- Хафа бўлманг-у, ҳукмдор,- муҳим бир гапни айтмоқчи бўлгандай сўз бошлади Шери Фарахш,- мен буддавийларнинг одам ўлгандан кейин руҳи бошқа бир жониворга ўтиши ҳақидаги ақидаларга ишонмайман. Агар бунга ишонадиган бўлсак, мана шу биз еб турган қирғовул ҳам қайсидир ота-бобомизнинг руҳи билан яшаган бўлиб чиқади. Демак инсон ўз аждодларининг гўштини тановул қилиш билан яшашга маҳкум этилган эканда? Бўлмаган гап!

- Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб кўриб, шубҳага борганман,- деди Коно баҳсни давом эттириб. – Зардушт таълимоти бўйича барча хонаки ва беозор ҳайвонларга Ахурамазда ҳомийлик қилади, шунинг учун уларнинг гўштини истеъмол қилиш мумкин. Ёввойи ва вахший ҳайвонларнинг ҳомийси эса ёвуз ниятли Аҳримандир. Будда коҳини бултур вафот этган менинг хотинимнинг руҳи шерга ўтганини таъкидлайди. Хотиним вахший бўлмаганлигини сен яхши биласан, қандай қилиб унинг эзгуликка мойил руҳи вахший шерга ўтиши мумкин? Мен буддавийлар ва зардуштийлар тушунчаларини ҳар қанча бир-бирларига яқинлаштиришга ҳаракат қилмай мана шунақа масалаларда бошим қотади...

- Ҳа, сиз иккита динга ҳам бирдай ишонмоқчи бўлдингиз, натижада иккаласига ҳам эътиқодингиз йўқолди.

- Тўғри айтдинг, дўстим. Назаримда, инсон ўзининг яратгувчиси-ю, ўтган аждодлари ҳақида эмас, ўз ҳаёти, ҳозир

қиладиган ишлари ҳақида кўпроқ ўйлаши керакка ўхшайди. Чунки, биз шу дунёда яшаяпмиз, шу дунёнинг ҳақиқатини тан олишимиз керак. Худоларнинг, руҳларнинг дунёси бошқа. Уларнинг бизга, бизнинг уларга фойдамиз тегишига ишонмайман.

- Йўқ, мен охирги гапингизга қўшилолмайман,- эътироз билдирди Шери Фарахш, чунки унинг ўзи ҳам – шомонлик эътиқодида бўлиб, ота-боболарининг руҳини муқаддас ҳисобларди ва уларга сиғинар эди. – Ота-боболаримизнинг руҳи бизни доим кузатиб юришади. Шунинг учун тўғри ишларимизни қўллаб-қувватлаб, нотўғри йўлга кирганда бошимизга мусибатларни солишади.

- Балки ҳақдирсан,- ўйлаб қолди Коно,- лекин мен бошимга тушган мусибатларга қайси нотўғри ишларим учун гирифтор бўлганман!- шунга ҳайронман...

- Ҳукмдор, сиз мусибат деб ҳисоблаган нарсалар аслида мусибат бўлмаслиги ҳам мумкин. Ёки “нотўғри иш қилмаганман” деб ўйлаб, хато қилаётгандирсиз? Қилишинг мумкин бўлган эзгу ишларни қилмаслик ҳам нотўғри иш эканлигини унутманг. Ахир, сиз барча эзгу ишларни қилиб бўлганман, деб айтолмайсиз-ку?

- Эҳтимол...

Вазирнинг доно гапларига дилидан қўшилса-да, дарҳол уни маъқуллашдан ўзини тийди Коно. Кейин:

- Балки бу ҳақда бошқа вақт мунозара қиларимиз,- деб кулди. – Энди тўқайга кирайлик...

- Қани кетдик бўлмаса!

Ов ишқибозлари ўринларидан туришиб, отларга минишди ва бардам, тетик кайфият билан тўқайга кириб кетишди.

Коно, Шери Фарахш ва Хунбун бир-бирларидан ажралишмас, қолган навкарлар эса уларнинг икки қаноти буйлаб ёйилган ҳолда тўқайни кезишар эди. Сайроқи қушларнинг чаҳ-чаҳлаши тўқайга ўзгача файз, овчиларга эса хуш кайфият бағишлар эди.

Уларнинг ови бароридан келди. Кеч тушмасдан бурун овларини саранжомлашди: иккита кийик, битта тўнғиз, бир нечта қуён овлашган эди.

- Жуда ичкарига кириб кетибмиз,- деди Шери Фарахш. – Тўқайдан чиққунимизча қуёш ҳам ботиб қолади...

- Менинг бу ердан ҳеч ҳам кетгим келмаяпти,- деб кулди Коно Бухорхудот. – Қани энди ҳеч ташвишинг бўлмаса-ю, шу тўқайда тунаб, яшаб юрсанг!

Шу гапи оғзида қолди-ю, тўсатдан Кононинг оти кишнаб юбориб, ҳукмдорни йиқитиб юборишига сал қолди. Олдиларидаги дарахтлар орасидан чиқиб келган баҳайбат махлуқ отларни чўчитиб юборди.

- Шер!!!- қичқириб юборди кимдир.

- Қочманглар!- буйруқ берди Шери Фарахш аллақачон отларнинг бошини ортга бурган навкарларга. – Акс ҳолда ҳалок бўласиз!

Ўн-ўн беш қадамча нарида уларга ўтли нигоҳини қадаб турган шер наъра тортди. Унинг наъраси барчага бундан бир йил бурун Кўҳандиз атрофида руй берган ваҳимали воқеани эслатди.

- Биз индамасак, у ҳам индамай ўтиб кетади,- деди Коно, бироқ қўрқувдан овози қалтираб чиқаётган эди.

- Ҳар ҳолда тайёрланиб туринглар,- кўзларини шернинг кўзларига қадаб туриб огоҳлантирди Шери Фарахш.

Шер бир қадам олдинга юриб тўхтади, отлар безовталана бошлади. Коно отининг тизгинини маҳкам тортиб, олдинга қистади.

- Эҳтиёт бўлинг, ҳукмдор!- Хунбун унинг олдига тушишга интилди.

- Қоч!- силтаб юборди Коно уни. – Бу ўша! Ўша шер-ку! Ана, бўйнидаги яра изини кўрамаяпсизларми?!

Коно отидан сапчиб тушиб, шер томонга юра бошлади. У нима қилаётганини билмас, чамаси, шер уни сеҳрлаб қўйган, ҳозир у шерга ем бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас, кўзига шер қиёфасида марҳума суюкли хотини кўринаётган, шу боис унинг истиқболига чиқаётган эди.

- Сю! Бу мен!..

Шер яна наъра тортиб, Конога яқинлашди.

- Қочинг! Қочинг, ҳукмдор!- қичқирди Хунбун ва шер билан Бухорхудотнинг ораларида масофа тўрт-беш қадам қолганда чидаб туролмай камондан ўқ узди. Ўқ шернинг ўнг елкасига санчилди. Ҳамма ваҳима ва қўрқув ичида “Ҳозир шер Бухорхудотга ташланиб, ғажиб ташлайди” деб ўйлади. Лекин ўқ еган бу “ўрмон шоҳи” ўз феълига зид равишда қаршисидаги одамларга ҳамла қилмай турарди. Яғринига санчилган ўқнинг аламли оғриғидан шер учинчи бор қаттиқ наъра тортди-да шитоб билан орқасига қайтиб, дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

- Нима қилиб қўйдинг, бадбахт!- Хунбунга ғазаб билан юзланди Коно, кейин шошиб отига минди-ю, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай шер кетган тарафга отини югуртириб кетди.

- Орқасидан борамиз!- Шери Фарахш унинг кетидан шошилди. – Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ!

Бухорхудот шер изидан, Шери Фарахш ва навкарлар Бухорхудот изидан қувиб борардилар. Бухорхудотнинг мақсади ҳозир айнан нима эканлиги қоронғу эди. Ҳар ҳолда у шерни кўрмоқчи, унда мужассам бўлган мўъжиза – инсон руҳининг ҳайвонга ўтиши ҳақиқат эканлигига узил-кесил ишонч ҳосил қилмоқчи бўлганлигини Шери Фарахш ҳам, Хунбун ва бошқалар ҳам тушуниб турардилар. Улар Кононинг дардига шерик бўлгилари келарди, бироқ бу ҳамдардлик ўз эътиқодларидан кечиш эвазига бўлишини истамасдилар. Агар Хунбун ҳам Шерни марҳума малика руҳининг ташувчиси деб билганида унга қарата ўқ узмаган бўларди. Лекин Бухорхудотнинг бош соқчиси учун аллақандай бегона эътиқодга ишонишдан кўра ўз хўжасини ҳаётини мухофаза қилиш муҳимроқ эди.

Шошиб бораётган суворийлар ўзларидан анча илгарилаб кетган Бухорхудотга етиб олиш учун отларига қамчи босар, дарахтларнинг шох-шаббалари юзларини тирнашига ҳам эътибор бермай, ҳукмдорларини кўздан қочирмасликка интилардилар. Ниҳоят ўрмон тугаб, улар бир яланглиққа чиқиб қолдилар. Узоқда бир тепалик кўриниб турарди.

Бухорхудот шер изидан ўша ёққа бораётган эди. Суворийлар ҳам унинг изидан кетавердилар.

Баланд тепалик олдида улар Конога етиб олишди. Тепаликнинг атрофи қамишзор бўлиб, шер қамишлар орасига кириб кетган, лекин Кононинг оти ҳар қанча қамчи емасин, бу ерга киришдан бўйин товлаб турарди.

- Бу ер ботқоққа ўхшайди, ҳукмдор,- деди ҳансираб нафас олаётган вазир. – Отларни қўйиб, ўзимиз таёқ билан аста-секин ўтиб олсак бўлармиди?

- Лаънат ҳаммасига!- жаҳли чиқиб бақирди Коно. Наҳотки шер ўтган жойдан от ўтолмаса!

У яна отини савалай бошлади. Жонивор жон аччиғида аввал икки оёғини баландга кўтариб, пишқирди-да ўзини қамишлар орасига урди. Ботқоқлик чуқур эмас эди, отнинг тиззасидан келарди холос. Кононинг оти балчиқни чалпиллатиб қамишзордан ўтар экан, қолганлар ҳам унга эргашдилар.

- Мана қон изи,- деди Коно қамишзордан чиқиб олгач, ортидан етиб келган Шери Фарахшга, қуруқликда ҳар қадамда томган ва тупроққа сингмай турган тоза қонни кўрсатиб,- шер мана шу тепаликка қараб кетди, кетдик изидан!

Вазир бир оғиз ҳам гапирмай шернинг изини олиб бораётган ҳукмдорига эргашди. Қонли из тепалик остига келиб, ғорсимон ковак оғзида тугаб қолди.

- Биз шерларнинг уясига келиб қолдик, шекилли,- деди Шери Фарахш “Энди нима қилдик?” дегандек Конога қарар экан.

- Кириб кўриш керак!- Кононинг бу сўзида мулоҳазадан кўра буйруқ оҳанги кучлироқ эди.

- Бу хавфли қадам, ҳукмдор!- вазирнинг жавоби ҳам “Йўқ!” дегандай қатъий бўлди.

- Унда мен ўзим кириб кўраман,- деди Коно.

- Бироз кутайлик, ҳукмдор,- деди вазир салмоқлаб,- балки шер қайтиб чиқар?..

- Кеч бўлаяпти, ҳали-замон қоронғу тушса улгурмай қоламиз.

Шери Фарахш бироз сукутдан кейин: - Биз нимага улгуришимиз керак ўзи?- деди Кононинг таҳлика акс этиб турган кўзига совуқ тикилиб. – Нима қилмоқчисиз ахир?

Навкарлар Бухорхудот билан вазирнинг гаплари бир жойдан чиқмаётганини кузатиб, миқ этмай туришарди. Коно уларга бир-бир қараб чиқди. Унинг нигоҳидан “Менга ёрдам беринглар” деган маънони англаган Хунбун отидан сакраб тушди-да:

- Ғорга мен кириб чиқаман!- деди. – Бу шер икки марта менинг ўқимдан яраланди ва мени шу ергача бошлаб келди. Энди ўзимни яратган Ахурамазда ихтиёрига топширдим! Агар гуноҳкор бўлсам, майли шерга ем бўлай, агар мен ҳақ бўлсам, уни олиб чиқаман. Қуёш ботгунига қадар мени кутинглар!

Шундай дея Хунбун хуржунидан ибодатхонада атрабон Конога берган муқаддас ўт солинган қутичани олиб белидаги камарига қистирди ва ғор оғзига равона бўлди.

- Сени яратганнинг ўзи қўлласин,- деди Коно. – Фақат ақл билан иш тут. Шер бизга тириклайин керак, тушундингми? Фақат ақл ёки мўъжизагина сенга ёрдам бера олади!

Кононинг садоқатли қули унинг сўзларини диққат билан эшитгач, жасурлик балқиб турган нигоҳини гуё сўнгги бор кўраётгандек қуёшга қадади ва тиз чўкиб бир дақиқа дуо ўқиди-да, кейин эмаклаб ғор оғзига кирди.

Конодан бошқа барча кузатиб турганлар Хунбунни ажал комига юбораётганликларига шубҳасиз ишонишган ва шунинг учун нафасларини ичга ютиб, сукут сақлаб туришарди. Шу алфозда улар ҳаяжонли бир қанча вақтни ўтказишди. Уфқ томонда қуёш қизара бошлади. Қуёшнинг ботиш олдидан қон рангини олишни ғор олдида турган одамлар биринчи марта кўраётгандек ҳайрат ва ҳаяжон билан унга боқишарди. Яна бир неча дақиқадан сўнг қуёш ботди, Хунбундан эса умид узилди...

- Ҳали қуёш ботишига анча бор,- деди Коно Бухорхудот одамларнинг кўнглидан кечаётган безовталикни тинчитишга уриниб. – Дарахтлар уфқни биздан тўсиб туришибди.

- Кун ботишининг нима аҳамияти бор?- деди Шери Фарахш. – Биз бари-бир ишни бир ёқлик қилмай, Хунбунни ташлаб кетолмаймиз-ку. Зерикиш керак эмас... Юринг, ҳукмдор, яхшиси, мана шу тепаликнинг устига бир чиқайлик, нима бор экан у ерда?

- Чиндан ҳам тепаликка бир чиқиб кўриш керак... Ғор олдида тўрт киши қолсин. Қолганлар биз билан!

Вақтни ўтказиш учун ўйлаб топилган “тепаликка чиқиш” вазифаси бир қарашда осон туюлса-да, улар учун хийла қийин кечди. Отлар билан баландликка чиқишнинг иложи йўқ эди. Пиёда “Саёҳатчилар” қатор бўлишиб, қияликдан юқорига кўтарилишар экан, оёқ остидаги тупроқ баъзан сурилиб кетиб йиқилишарди, юлғун, янтоқ каби ўсимликларнинг поясидан ушлаб олиб яна олдинга интилишарди.

- Сиёвуш замонида,- деди ҳансираган баланд товушда Коно Бухорхудот олдинга бораётган вазирига,- одамлар мана шунақа тепаликларнинг устига қалъа қуриб яшашган, дейишади. Шунинг учун бу ерларда ҳар қаерда шундай бир тепаликни учратиш мумкин.

- Балки шундайдир,- деди Шери Фарахш олдиндан кўзини узмай,- балки қалъа тепалик устида бўлмай, одамлар ташлаб кетгандан кейин қумбосиши туфайли тепалик бўлиб қолгандир, ким билади дейсиз?

- Ҳа, бу кўҳна дунё...

Ўзини бошқа мавзудаги гаплар билан чалғитишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Кононинг фикру-зикри шер ва Хунбундан бери келмасди. Ниҳоят, уст-бошлари, кўз-қошлари чанг босиб кетган “саёҳатчилар” улкан тепаликнинг ясси устига чиқиб олишди. Бу ердан теварак-атроф одамларнинг оёқ остида қолиб кетгандек туюлар. Узоқ-узоқлардаги манзараларни ҳам кузатиш мумкин эди.

Коно тепалик устида мақсадсиз кезинар экан, қачонлардир – бундан минг йиллар бурун шу жойда ҳам бирор ҳукмдор ҳукм сурган бўлиши эҳтимоллигини ва унинг ҳозир бу ерда ўжарлик билан барчани оввора қилиб ўтирганлиги бир телбаликдан бошқа нарса эмаслигни

хаёлидан ўтказа бошлади. Худди шундай фикр Шери Фарахшнинг ҳам кўнглидан кечди шекилли, у Конога қарата:

- Сизнинг бугун чошгоҳда айтган бир гапингиз эсимга тушиб кетди, ҳукмдор. “Биз шу дунёда яшаяпмиз, шу дунёнинг ҳақиқатини тан олишимиз керак. Худоларнинг, руҳларнинг дунёси бошқа. Уларнинг бизга, бизнинг уларга фойдамиз тегишига ишонмайман” деган эдингиз. Мана энди руҳлар олами билан тириклар дунёси ўзаро боғлиқ, бир-бирисиз яшолмаслигини ўзингиз исботлаб турибсиз.

- Қандай?

- Шундайда! Шернинг кетидан нега бу ерга келганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз-ку, лекин юрагингиз ундади. Марҳума маликамизнинг руҳи сизни шу ерга бошлаб келмадимикан? Агар унинг руҳи шерга ўтганлиги аниқ бўлса...

- Бас қил, Шери Фарахш! – унинг сўзини кесди Коно. – Мен бу ҳақда яна баҳслашишни истамайман! Тақдирда нима бўлса, шуни кўрамиз.

Коно асабийлашиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Тепаликнинг бир оз ўтирган, тупроғи ҳам юмшоқроқ жойига оёқ қўяр экан, негадир тойиб кетди. У этигига қўнган қумни қоқмоқчи бўлиб, ерни икки-уч марта қаттиқ тепган эди, дафъатан у турган ер ўприлиб кетди.

- А-а - а - а!!!

- Ёрдамга!!!

Шери Фарахш чопиб келганида, Конони аллақачон ер ютган, ўприлган жойнинг тупроғи одам бўйи чуқурлик ҳосил қилиб, пасайиб қолган эди. Зумда чуқур атрофини ўраб олган навкарлар ҳам бу ҳолни кўриб даҳшатга тушдилар. Улар ҳандақнинг яқинига келишга журъат этишолмас, бир-бирларининг орқасига ўтиб чекинишар эди.

- Эй, улуғ тангрим – Кўк-Тангри!- уввос солиб йиғлаб юборди Шери Фарахш. – Эй муқаддас руҳлар!- тубсиз осмонга қараб ёлворар эди у,- Бу офат-кулфатлардан бизларни халос этинг!

- О, Ахурамазда! Бизларга раҳминг келсин!

- Ўз паноҳингда асра!

- Ўзинг халос эт ёвузликлардан!

Навкарлар ёппасига тиз чўкишиб, нажот тилаётган титроқ қўлларини осмонга силкитишар, Шери Фарахшнинг жазавасига жўр бўлишарди. Шу дамда улар бири зардуштий, бири буддавий, яна бири бошқа диний эътиқодда бўлишларидан қатъий назар, ҳаммалари ўзларидан юксак-юксакларда турган мавҳум бир илоҳий кучдан мадад кутиб, унинг марҳаматидан умидвор бўлишаётган эди.

Ниҳоят Шери Фарахшнинг овози тиниб, кўз ёшларини артиб ўрнидан турди.

- Руҳлар бизнинг гуноҳимиз эвазига ҳукмдоримизни қурбонликка қабул қилганга ўхшайди,- деди у. – Мен ёшлигимда қурбонлик маросимларини кўрганман, қабул қилинмаган қурбонликни руҳлар ердан чиқариб ташлашган...

Вазирнинг ҳадиксираб айтган бу гапидан навкарлар баттар даҳшатга тушдилар.

- Нима қилиб ўтирибмиз бу ерда?- қичқириб юборди улардан бири. – Ахир, қуёш ботди-ку!

- Кетдик! Тезроқ бу ердан кетиш керак!

- Алвидо, ҳукмдор! Бизлардан рози бўл!- Шери Фарахш бир сиқим тупроқ олиб Конони ютган чуқурга ташлади. Бошқалар ҳам унга тақлидан шундай қилишди-да, оёқлари бўшашиб, эзилган бир алфозда тепаликдан пастга туша бошлашди.

Пастда уларни яна бир ҳайратланарли воқеа кутиб турарди. Хунбун юзлари, аъзои бадани тирналган, шилинган, қонталаш бир аҳволда ғордан чиқиб келган, қўлтиғида мушукдан сал каттароқ шер боласини маҳкам қисиб ётарди. Унинг тепасида эса тўрт нафар навкар бақириб-чақиришарди.

- Нима бўлди? Нима қилиб чиқдинг, ахир?!

- Шерни ўлдирдингми?

- Боласини нимага олиб чиқдинг? Бер, бу ёққа!

- Бу касофат шер боласини нима қиласан! Бер, инига қўйиб юборайлик!

- Тилдан қолдингми, гапир Хунбун, Хунбун!

Хунбун ярим хушсиз ҳолда дағ-дағ титраганча қонга беланиб чўзилиб ётар, бағридаги шер боласини қўйиб юбормас ва гапирмоқчи бўлиб оғзини катта-катта очар, бироқ тили калимага айланмай, ингроқ бир товуш чиқариб, ғўлдирарди.

Шери Фарахш унинг бу аҳволини кўриб, яна бир бахтсизлик юз берганини сезди. Коно Бухорхудотни ер ютиши олдида буниси ҳолва эди, албатта. “Бу кўргуликларнинг ҳаммаси Кўк-Тангрининг ғазаби туфайли бўлаяпти,- деб ўйлади Шери Фарахш. – Биз уни унутиб қўйиб, аллақандай ҳайвонларга сиғинаётган эдик-да!..”

- Хунбун!- бақирди Шери Фарахш навкарлар кўтариб олиб отга миндираётган ярадор бош соқчига. – Бухорхудот шер изидан тушиб, ер юзидан йўқолди! Сен ҳам бошимизга бир бало орттирмоқчимисан? Қўйиб юбор шер боласини!

Хунбун ҳануз гапира олмасди. У бошини сарак-сарак қилар, қўллари билан ғор томонга ишора қилиб ниманидир тушунтирмоқчи бўлар, лекин шер боласини ҳеч кимга бермасди. Ундан махлуқни тортиб олмоқчи бўлганларида, Хунбун девоналарча ўжарлик қилиб навкарларни силтаб ташлади.

- Майли индаманглар,- деди Шери Фарахшнинг раҳми келиб. – Бу ерда бошқа бир гап борга ўхшайди. Ўзига келгач, билиб олармиз...

Шундай қилиб, қуёш шафақни алвон рангга буяб ботган бир маҳалда Бухорхудотнинг одамлари оғир бир мунг билан ортга қайтдилар. Бундан бир неча кун илгари улар Ромушдан қайтаётганларида ҳам худди шундай палла эди, шафақнинг қизиллиги қонни эслатиб турганди. Бироқ, ўшанда навкарлар ғалаба билан қайтишаётган эдилар, бу сафар эса мағлуб бўлиб, қурбон бериб қайтишаётир.

* * *

“Ҳамук Бухорхудотнинг ўғли, Коно Бухорхудотнинг акаси Ноҳидга.

Бухоро ҳукмдорлари хонадонига бахтсизлик келди. Коно ўлди, ундан бешикдаги қизалоқдан бошқа фарзанд қолмади.

Юртни ҳозирча мен, ҳоқон Қорачуриннинг набираси, Шаҳзода Шери Кишварнинг ўғли Шери Фарахш идора этмоқдаман. Аммо мен қонунга кўра тахтни муқаррар Бухорхудотлардан бўлган кишига топширишим керак. Сизни Бухорхудотларнинг энг лойиқ тахт вориси деб ҳисоблаганим учун ушбу мактубни йўлламоқдаман. Борган элчига қарорингизни маълум қилишингизни ёки ўзингиз Бухорога етиб келишингизни истайман.

Бухорхудотнинг вазири Шери Фарахш томонидан

Ит йили, жимтич ойининг ўнинчи кунида ёзилди.”

Элчи Шери Фарахшдан мактубни олиб, Турк-ют сари йўлга чиқди. У Самарқандда сўғд савдогарлари карвонига қўшилиб, улар билан биргаликда, қийинчиликсиз, қисқа вақтда Турк-ютнинг маркази ҳисобланган Еттисув воҳасига етиб келди. Элчи сўраб-суриштириб бу ердан бухорийлар яшайдиган Ҳамукет қишлоғини топиб олди. Бу қишлоқ Ноҳиднинг тасарруфида эди.

Элчи Ноҳиднинг қўрғонига кириб ўзини таништирди. Уни кутиб олган хизматкор иззат-икром билан:

- Марҳамат, мен сизни ҳозир хўжайинимнинг ҳузурларига бошлаб бораман,- деди. У киши Ноҳид жанобларининг катта ўғиллари Эртўба бўладилар. Катта хўжайин Ноҳид жанобларининг ўзлари эса ҳозир Тарозда, ҳоқоннинг хизматидалар.

Эртўба қирқ ёшлардаги тўладан келган, кенг пешонали, қуюқ қошли, туркларга хос қўнғир соқолли киши эди. Унчалик ўхшаш бўлмаса-да, у бир қарашда элчига Коно Бухорхудотни эслатди. Меҳмонлар учун ажратилган хонасида Бухорхудотнинг жияни элчини қабул қилар экан, ташриф сабабини эшитиб ўйга толди.

- Бухоро бизнинг ота юртимиз,- деди у косадаги қимиздан симирар экан. – Илгари бобом ҳаётликларида отам бизни тез-тез у ёққа олиб бориб турардилар. Кейинчалик Коно амаким, отамнинг айтишларича бизларни хушламай қўйгандан сўнг бормай қўйганмиз. Ким билади, балки ўша пайтларда Бухоро турк ҳоқонига бож тўлаб тургани учун амаким ҳоқоннинг хизматида бўлган акасидан хафа

бўлгандир?.. Энди ҳоқонлик ҳам бурунгидай қудратга эга эмас, сизнинг гапларингизга қараганда, Бухоро ҳам мустақил бўлса-да мустаҳкам давлат эмас... Ҳозир бу ёқда Хитой билан ўртада низо мавжуд. Ҳоқонлик иккига бўлиниб кетгандан кейин турк салтанати парокандаликка учради. Шарқий ҳоқонлик йигирма йилдан буён Хитойга қарам бўлиб яшаяпти. Тан салтанати энди ғарбий ҳоқонликка кўз олайтираётир. Ҳоқонимиз хавфни сезгани учун куч йиғаётир. Отамнинг кичик хотини унинг синглиси. Шунинг учун отам ҳам ҳоқоннинг хизматига кетган. Билмадим, ҳозир Бухоро уни қизиқтирадими, йўқми?..

Эртўбанинг гапларини эшитиб, вазиятни яхши тушуниб олган элчи Ноҳидга шахсан учраши зарурлигини англаб, Тарозга турк ҳоқони қароргоҳига боришга қарор қилди.

- Агар иложи бўлса,- деди у Бухорхудотнинг жиянига,- менга ҳамроҳ қилиб одамларингиздан бирини берсангиз. Мен отангиз ҳузурига бориб, мактубни у кишига етказишим керак.

- Албатта,- маъқуллади уни Эрўба. – Мен албатта сизни бир одам билан жўнатаман! Эртага эрталаб йўлга чиқасизлар. Лекин бу кеча бизга қўноқ бўласиз. Ҳозир эса, юринг, менинг қўрғонимни айланиб, сайр қилиб келамиз...

Мезбон ва меҳмон икки эгарланган отни миниб, сайрга чиқишди. Бу қишлоқ бундан ярим аср илгари бухорхудотлар томонидан бунёд этилган эди. Ўшандан буён қишлоқ анча кенгайиб, хушманзара ва обод бир жойга айланган, бу ердаги аҳоли бухоролик қариндошларидан деярли узилиб қолган ва турклашиб кетган эди.

Ноҳид Ҳамукентнинггина эмас, бутун вилоятнинг энг бой ва ақлли раҳнамоларидан бирига айланган эди. У нафақат бойлиги билан, балки давлат аҳамиятидаги масалаларни ҳал этишда берадиган маслаҳати ва ёрдами билан турк ҳоқонлигида катта мавқега эришди. У Бухородан келганида ўн тўққиз ёшли йигит эди, ҳозир эса етмишни қоралаб қолди. Айни қирчиллама қирқ ёшида Ноҳид кексайиб қолган турк ҳоқони Қорачуриннинг лашкарбошиларидан бири сифатида жужанлар қўзғолонини бостириб ҳоқоннинг ишончли ва

ҳурматли кишиларидан бирига айланди. Қорачурин дунёдан кўз юмишидан аввал олдин барча ўзига садоқатли кишиларни рози қилиш учун қай бирига ер-мулк, қай бирига катта лавозим инъом этди. У Ноҳидни ҳам ҳузурига чорлаб “тила тилагингни” деганида, бухоролик бойвучча тап тортмай ҳоқоннинг ўша пайтда ўн тўрт кунлик ойдай тўлишган кенжа қизини сўради. Қорачурин мард эди , эндигина балоғатга етган қизини Ноҳидга никоҳлаб берди. Бу билан ҳоқон унинг мартабасини янада ошириб кетди.

Эртўба отасининг қилган ишлари, ўзининг ҳаёти ҳақида йўл-йўлакай Бухоро элчисига гапириб борар, элчи эса уларнинг бу ердаги ҳаёти Бухоро ҳукмдориникидан қолишмаслигини, ҳатто тинч ва осойишталиги жиҳатидан бир мунча аълороқ эканлигини ўйлаб, сафарим бесамар бўлмасайди, деган хавотирда эди.

- Отам мулкини мен билан укам Эр Будунга тақсимлаб берди,- деб ҳикоя қиларди Эртўба.- Биз бор-йўғи икки ака-укамиз, холос. Қизлар эса кўп. Менинг онам еттита қиз туққан, Будуннинг онаси эса учта...

- Улуғларнинг ўғлидан кўра қизи кўпроқ бўлади ўзи,- деб уни руҳлантириб қўйди элчи. Эртўба сўзида давом этди:

- Ҳув, анави кўриниб турган дарахтзор - менга тегишли боғ. Ундан нариги ёғи Будуннинг ерлари, лекин ҳозир у ерларга ҳам мен қараб турибман. Отам Будунни уйлантиришга шошилмаяпти, ўзи билан олиб юрибди. Эшитишимга қараганда, ҳозир укам ҳоқоннинг қўшинида лашкарбоши лавозимига кўтарилганмиш, энди қўрғонга қайтмаса керак.

“Жуда соз!- ўйлади элчи. – Лашкарбоши бўлса, демак, у шон-шуҳратнинг кетидан қувади! Бухорхудотлар тахтини у эгаллаши мумкин”.

Эртўбанинг яна ўз ерлари-ю қилаётган ишлари, қурилишлари, яйловлари, умуман мақтаниш мумкин бўлган барча нарсаси ҳақида тўлиб-тошиб гапиришларини бухоролик меҳмон зерикиш билан эшитиб борар, лекин ўзини қизиқаётган кишидай кўрсатиб, гоҳо суҳбатдошини маъқуллаб ёки руҳлантириб қўядиган бирор сўз айтиб

қўярди. Улар бирор соатларча қўрғон атрофини, боғларни сайр этиб, қўрғонга қайтишди.

Кечқурин Эртўба бухоролик элчи шарафига катта зиёфат уюштирди. Таклиф этилган меҳмонларнинг кўпчилиги Бухородан келиб қолган кишилар эди. Улар элчини ҳолижонига қўймай, она юртлари ҳақида гапириб беришини сўрашар, саволлар бераверіб безор қилишарди. Айниқса, элчининг Коно Бухорхудот қандай қилиб ер остига кириб кетганлиги ҳақида ҳикояси уларни ҳайратга солди. Фақат бир киши, кўринишидан унча бой бўлмаган, оддийгина кийинган, оппоқ жингалак соқоли кўксига тушиб турган чол, даврадагилар унга “оқсоқол” деб мурожаат этишарди бундан ажабланмади. У ҳаммани ўзига қаратганича:

- Коно ўлмаган,- деди. – У албатта ўз ўрнига қайтиб келади. Лекин барибир подшолик қилолмайди.

Ҳамма кекса чолга юзланди.

- Сиз буни қандай биласиз?- сўради элчи қизиқсиниб.

- Буни бир форс киши бундан олтмиш йил бурун башорат қилган эди. У Ҳамук Бухорхудот саройида хизмат қиларди, юлдузларга қараб фол очарди. Лекин унинг кейинги башоратларидан хафа бўлган Ҳамук Бухорхудот саройдан бадарға қилган эди.

- У яна нималарни башорат қилган эди?

- Мени маъзур тутасизлар,- деди чол оғзини пойлаб ўтирган одамларга қарата. – Бу ҳақда гапиришни Ҳамук Бухорхудот ҳаммамизга таъқиқлаган эди. Бугун Ҳамук орамизда бўлмаса ҳам Тангри (қайси дин вакили гапираяпти) тепамизда турибди. Унга сўз берганмиз.

- Барибир, гапнинг бошини айтиб қўйдингиз-ку энди, қолганини ҳам айтаверинг-да бобо!

- Мен сизларнинг ташвишга тушмаслигингиз учун етарли бўлган гапнигина айтдим. Қолган нарсалар эса яқинда ўзи аён бўлади...

- Оқсоқолнинг гапларига эътибор берманг,- қўлини оғзига тутиб, элчининг қулоғига пичирлади Эртўба. – Ўзи шунақароқ, хаёлига келган гапни гапираверади. Бухородан

келган жамоанинг ёши катталаридан бир шу одам қолган, шунинг учун доим зиёфатларнинг тўрига ўтқазиб қўямиз...

Элчи индамади. Тасодиф, мўъжиза ва башоратларга ишонувчи бу бухороликнинг хаёллари аллақачон алғов-далғов бўлиб кетган эди.

“Коно ўлмаган!”

Чиндан ҳам унинг ўлигини ҳеч ким кўргани йўқ-ку? Балки уни ер қандай ютган бўлса, шундай чиқариб ташлагандир? Элчининг кўз олдига ўша машъум тепалик, унда Коно Бухорхудотнинг чўзилиб ётган чалажон жасади гавдаланди-ю сесканиб кетди.

Элчи шу топ Бухорода эмаслигидан афсусланарди. У миясига ўрнашиб қолган бу фикрни тезроқ сарой аҳлларига етказгиси келар, тепаликка бориб, Конодан хабар олишга ошиқар эди. Энди элчи ўзига топширилган вазифани бажаришдан ҳам кўра Конони ахтариб топишни муҳимроқ деб ҳисоблаётган эди.

Эртаси куни у Эртўбанинг хизматчилари билан бирга Тароз томон йўлга тушганда ҳам фикру хаёли Кононинг тақдири ҳақидаги ўйлар билан банд эди. Улар бепоён қир ва адирликлардан ошиб, кечга томон Тарозга етиб келишди. Бир томони тоғлардан иборат бўлган бу шаҳарнинг бошқа шаҳарлардан фарқи шунда эдики, у ҳеч қачон девор билан ўраб олинган ва аскарлар томонидан қўриқланмас, у ҳамма учун очиқ эди.

Тароз турк ҳоқонлигининг пойтахти бўлса ҳам, шаҳарни шаҳар қилиб турган асосан сўғдлар эди. Сўғдлар бу ердаги карвонсаройлару бозорларни, энг гавжум маҳаллаларни эгаллаб олишган эди. Турклар эса фақат ҳоқон қўшинида хизмат қилишар, айрим ҳарбий ишга яроқсизларигина шаҳарнинг у ер-бу еридаги устахона ва дўконларда хизмат қилишарди. Аммо шаҳар ташқарисидаги барча экинзор-у яйловларга турклар эгалик қилишарди-ки, уларнинг асосий бойлик ва даромад манбаи шу ерлар ҳисобланарди.

Элчи билан хизматкор шаҳарга кириб, карвонсаройда тўхташди. Элчи отларини отхонага топшириб, ўзлари ҳам

жойлашиб олишгач, карвонсарой хўжайинини ҳузурига чорлади.

- Хизмат, меҳмон?- қўлини кўксига қўйганча унинг қаршисида турди басавлат сўғд.

- Биз Бухородан келяпмиз,- деди элчи ўтирган жойида оёқларини ёнбошига узатиб. – Бир оз дам олгунимизча, бизга яна бир хизмат кўрсатсанг. Мана бу ақчаларни ол-да, хизматкорларингдан бирортасини ҳоқон қароргоҳига юбор,- элчи қўйнидан бир ҳамён пулни олиб, сўғднинг қўлига тутқазди.- Ҳоқоннинг бир маслаҳатчиси бор...

- Ноҳид жаноблари!- гапга қўшилди хизматкор.

- Сен жим тур! Ўша Ноҳид жанобларига бизнинг Бухородан элчи бўлиб келганимизни етказасан. Ҳа... Бизнинг ҳоқон билан ишимиз йўқ, шахсан Ноҳид жанобларига учрашишимиз керак. Энди бор!

- Бош устига,- карвонсарой хўжайини пулни олиб қўйнига соларкан, элчига тавозе қилди. – Айтганингизни бажо келтирамиз!

Орадан икки соатларча вақт ўтгач, элчи билан хизматкор овқатланиб бўлиб, дам олиб ётишганида карвонсарой хўжайини эшик тақиллатиб кириб келди.

- Ноҳид жаноблари сизларни олиб кетиш учун фойтун юборибдилар,- деди у мойчироқнинг хира ёруғида элчи билан хизматкорни бир-биридан ажрата олмай, бир унисига бир бунисига қараб туриб. – Чопар эшикда кутиб турибди...

- Ҳозир чиқамиз,- ётган жойидан турди элчи. – Сен отларимизни тайёрлаб туравер!..

Улар бир пасда кийинишиб, ташқарига чиқишди. Карвонсарой хўжайинига “Омонатларимизга қараб туринг”, деганларида, у:

- Жаноблар, энди бу ерга келишларингизга ҳожат йўқ, ҳамма нарсаларингизни, отларингиз билан бирга ортингиздан етказтираман. Шаҳримизда қанча бўлишингиздан қатъий назар бу ёғига Ноҳид жанобларинимикида яшайверасизлар. У кишининг хоҳиши шундай, дея тавозе билан жилмайиб қўйди.

Элчи ва унинг ҳамроҳи мамнун ҳолда шоҳона жиҳозланган фойтунга чиқиб ўтиришди, аравакаш отнинг тизгинини тортиб “чуҳ!” деди.

Улар шаҳарнинг ой нури тушиб турган кўчалари бўйлаб уловда кетиб боришаркан, фойтуннинг дарпардачасини тортиб қўйиб йўл ёқасида қурилган ҳар хил дўконлар, расталар ва уйларни томоша қилишарди. Бухорода бинолар хом ғиштдан, гуваладан қурилган бўлса, бу ерда тошлардан, пишиқ ғиштлардан қурилган бинолар кўп эди. Аммо уларнинг услуби деярли бир хил, унчалик баланд эмас, оддий ва кичик-кичик эди. Бинолар бир-бирларига ёндош, зич қилиб қурилган ва бир текислигидан уларнинг томлари бўйлаб гуё йўлдан юргандек узоқ юриш мумкин эди. Бироқ, Тарозда дов-дарахтлар унчалик кўзга ташланмас, аҳён-аҳёнда битта-яримта кўриниб қоларди.

Фойтун ёғочдан қилинган бир дарвоза олдида тўхтади.

- Мана етиб ҳам келдик,- деди аравакаш отдан тушаркан сўғд тилига келишмаган талаффуз билан. У қамчисининг дастаси билан дарвозани тақиллатган эди, ичкаридан бир қул чиқиб, уларни кутиб олди. Элчи ва ҳамроҳи унга эргашиб ҳовлининг ўртасидаги зинапоя билан чиқиладиган кўшкка қараб юрдилар. Зинадан оппоқ кийимли, оппоқ соқолли бир киши уларга қараб-қараб тушиб келарди.

- Хуш келибсизлар!- деди нуроний чол уларнинг истиқболига чиқиб, кўришиш учун қучоқ очаркан.

Элчи чол билан кўришар экан, унинг Ноҳид эканлигини кўзларидан меҳри ва самимиятидан сезди.

- Омонмисиз, Ноҳид жаноблари: Сизга Бухородан салом келтирдик...

- Оҳ- оҳ! Она шаҳрим, она юртим Бухоро!.. Қани ичкарига марҳамат! Ҳа, сен нега қараб турибсан, Ёқут?- элчининг ҳамроҳига юзланди Ноҳид,- қалай, қўрғондагилар тинчми?

- Тинч, тангрига шукр...

Ноҳид меҳмонларни уйга бошлаб кирди. Пиликли чироқлар ёқиб қўйилгани учун уй ичини мой ҳиди тутган эди. Улар қўй жунидан тайёрланган юмшоқ кўрпачаларга ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашишгач, элчи қўйнидан мактубни

олиб Ноҳидга топширди. Ноҳид мактубни диққат билан ўқиб чиқди.

- Ўзим ҳам хавотирда эдим,- деди у хўрсиниб.- Олдинроқ бир қўрқинчли туш кўргандим, Бухорода раҳматли отам билан йиртқич ҳайвонлар галасига дуч келган эмишмиз... Укамга нима бўлди? Қандай фалокат юз берди?

Элчи бўлган воқеаларни батафсил сўзлаб берди. Ҳикоясининг сўнггида Ҳамукетдаги оқсоқолнинг башоратидан кейин туғилган гумонларини ҳам қўшиб қўйди.

Ноҳид чуқур ўйга толди. Анчадан кейин сукунатни бузиб:

- Ҳокимият масаласи жиддий масала,- деди. – Буни ҳар томонлама ўйлаб кўриш керак... Менинг Бухорога ҳоким бўлиб боришим бир қатор муаммоларни туғдириши мумкин. Биринчидан, бухороликлар мени бухорхудотларнинг қонуний вориси деб эмас, турк ҳоқонининг вассали деб ҳисоблашади. Бухорони турк ҳоқонлигига ўлпон тўлашдан бир вақтлар мен озод қилганимни, мен Бухоро учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёр эканлигимни улар қаёқдан билишарди? Иккинчидан, мен Бухорога бир ўзим эмас, ўғлим Эр Будунни ҳам олиб кетишим керак бўлади. Чунки, мен қаридим, ёнимда ўринбосарим бўлиши керак. Мен ва ўғлимнинг бирданига кетиб қолишимиз ҳозирги вазиятда ҳоқонимизни ғазаблантириши мумкин. Ахир мен унинг ҳарбий ишлар бўйича бош маслаҳатчисиман, Эр Будун эса лашкарбоши. Аксига олгандай, ҳозир хитойликлар шарқий ҳудудларимизга ҳужум қилиб туришибди. Аммо сиз ноумид бўлманг. Бухоро тақдири бизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Бухоро менинг она Ватаним бўлиши билан бирга Турк ҳоқонлиги билан Эрон ўртасидаги дахлсиз ҳудуд ҳамдир. Биздаги маълумотларга қараганда, Эрон салтанати аллақачон араблар томонидан қулатилган. Агар Бухорода мустаҳкам ҳокимият ўрнатилмас экан, араблар у ерни ҳам босиб олишлари мумкин...

Хуллас, бу ўта сиёсий масала. Мен эртага ҳоқон билан бир маслаҳатлашиб кўрай, кейин сизга қароримни айтаман.

Элчи Ноҳиднинг мулоҳазаларини тинглар экан, уни укаси Конодан кўра ақллироқ, тадбиркорроқ эканлигига амин

бўлди ва кўксида умид учқунлари чақнади. “Бухорога ана шундай доно ҳукмдор керак,- ўйларди у,- балки Эр Будун отасидан ҳам ўтар?.. Кошки эди!”

* * *

Коно қўрқинчли туш кўраяпман деб ўйлади. Аввалига ер ўприлиб уни ўз қаърига тортганида энди тамом, ўлдим деб ўйлаган эди. Тупроқ уни кўмиб ташлади, нафас олиши оғирлашди, бир зум қизчаси кўз олдига келди, бошқа ҳеч нарсани ўйлашга улгурмади.

Кейин ўзига келганида қандайдар бир махлуқ уни ўраб олиб, судраб кетаётганини англади. Ер ости қоронғулигида ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Фақат оғиз-бурнига тупроқ тиқилиб қолганини, уни судраб кетаётган махлуқ баҳайбат илон эканлигини сезди-ю ҳали ўлмабман шекилли деб ўйлади. Илоннинг чангалида (илоннинг чангали бўлмайди, қўли йўққу?) бўлгани учун қўл-оёғини ҳам қимирлата олмасди. У тақдирга тан беришдан бошқа чора қолмаганини сезди. На азоб, на даҳшат уни безовта қиларди. Аммо ўйлашдан, фикрлашдан ўзини тўхтата олмасди. “Ўйлаяпман, ўз вужудимни сезаяпман, демак ҳали тирикман. Агар ўлганимда руҳим учиб чиққан бўларди”. У қаттиқ нафас билан бурнидаги тупроқни қоқиб ташлади, оғзидаги лойни тупурди, йўталиб томоқ қира бошлади. Дарҳол ўла қолмагани унга алам қиларди шу топда. Кўзларини чирт юмиб олиб ўлимини кута бошлади.

Бир пайт вужуди сиқувдан озод бўлганини сезди. Кўзини очса, атроф ним ёруғ, очиқ бир ерда ётибди. Лекин тепасида осмон эмас, яна ер кўринди. У ер остидаги сирли бир маконга тушиб қолган эди. Коно эс-хушини йиғиб, товуш чиқариб кўрмоқчи бўлди. Оғзини катта очиб бақирди лекин овоз чиқдими, йўқми – буни билолмади. Чамаси, қулоқларига тупроқ кириб, битиб қолган эди.

Коно қўл-оёғини қимирлатди, ҳаракат бор, демак, ўрнидан турса бўлади. У ўрнидан туриб, атрофга назар ташлади. Каттакон сарой, ўртада гулхан ёниб, бу саройни ёритиб турибди. Ҳамма ёққа уюм-уюм тиллалар, қимматбаҳо

тошлар қалашиб ётибди. Коно нафас оларкан, қўлланса бир ҳид димоғига урилаётганини сезди. Боя уни судраб келаётган илон ҳам кўринмайди, гуёки тушидан уйғонгандай. “Ўликманми, тирикманми ўзи?,- яна ўйлай бошлади у. – Агар бу нариги дунё бўлса нега мендан бошқа ҳеч ким йўқ?” Коно яна бақирди, бу сафар ўз овозини эшитди ва қулоқлари очилганидан қувониб кетди.

- Ҳе- ҳе- ҳе-е-ей! Ким бор!!!

Акс садодан бошқа жавоб йўқ эди. Бирданига унинг ёдига ғорга кириб кетган Хунбун келди.

- Хунбу-у-н!!! Қаердасан?!! Хунбун! Мен Кономан! Ер остига тушиб қолдим! Сен қаердаса-а-ан?

Коно акс садо тингунча жим турди. Тиқ этган товуш йўқ, совуқ бир сукунат ҳукмрон эди. У оёғи остидаги жавоҳирларни шақир-шуқур босиб юра бошлади. Гулхан ёнига келиб, қўлларини оловга чўзди. Дафъатан кўзи ёнаётган суякларга тушди. Ҳа, ўтин ўрнига оловга одам суяклари – бош чаноқлари, қовурғалар, тос суяклари, болдир, тирсак, панжа суяклари ташланган, лекин улар ёниб адо бўлмас, олов остида заррача ҳам кул кўринмас эди. Калла суякларининг кўз ўрнидаги тешикларидан олов чиқар, жағлар орасидан тил сингари чиқаётган аланга эса гуё кимдир иржайиб масхаралаётгандек манзара касб этарди. Коно даҳшатни туйиб бўлган эди, шунинг учун бу манзара уни ортиқча сескантирмади. Ўкириб йиғлагиси келарди, лекин бунинг иложини қилолмади. У фақат ўйлашга маҳкум этилган эди.

“Умримни яшаб бўлдим энди, ер юзига қайтиб чиқиш менга насиб этмайди. Тақдирим шундай тугайди деб ҳеч хаёлимга ҳам келтирмабман. Бу ақлга сиғадиган нарса эмас. Шерлар воқеаси оддий нарса-ку бунинг олдида. Руҳлар, илоҳий кучлар, худо – буларни тушунишга ақлим ожизлик қилади. Бошга тушганини кўз кўради, дердим. Мана, кўриб турибман. Шундай бўлишини олдиндан билганимда нима қилган бўлардим? Эҳ, энди бу ҳақда ўйлашнинг нима фойдаси бор?”

У барибир ўйлашга мажбур эди.

“Қизимнинг ҳоли нима кечади энди? Афсус, унинг вояга етганини кўролмадим-да. Мен уни Бухоро тахтига ўтқазиб, кейин ўлмоқчи эдим. Энди у кимнинг қўлида қолдийкан? Хотиним уни ўз фарзандидек севиб улғайтирармикан? Менинг ўрнимга ким подшо бўларкан? Хинанинг ўғилларидир балки? Ҳа, улар менинг ўлганимни эшитиб хурсанд бўлишади. Шубҳасиз зўравонлик билан тахтни эгаллаб олишади. Ишқилиб, қизимга зарар етказишмаса бўлгани. Тожу тахт, давлат бир лаҳзалик ҳаётингга арзимайдиган нарса экан-ку. Мана қанча-қанча олтин-у кумушлар, дуру жавоҳирлар уюлиб ётибди, менга нима фойдаси тегади буларнинг? Қайтангга шу арзимас пулни деб ўз қариндошимга қилич кўтариб, хунрезлик қилдим, орага нифоқ солдим. Менинг тахтимни олиб қўймасин деб бир вақтлар акам Ноҳид билан ҳам борди-келдини йиғиштириб қўйган эдим. У ҳозир тинчгина яшаётгандир, балки менинг тахтимни эгаллаш хаёлига ҳам келмагандир? Ҳа, у оиласини, ерини деб Бухорога қайтиб келмаган эди. Ақлли экан, одам қаерда бўлса ҳам ўзига тинч бўлса бўлди-да. Менинг тақдирим акамникига ўхшамади. Лекин бунга мен ўзим айбдор эмасман-ку. Отам, боболарим подшо ўтгандан кейин, мен ҳам подшо бўлишим керак эди-да. Бу тақдир. Узоқ вақт фарзанд кўрмадим, бу ҳам менинг ихтиёримдаги иш эмас эди, бу ҳам тақдир. Дарвоқе, тақдирни ким белгилаб беради? Яратгувчи ким? Худоми? Унинг ўзи ким ахир? Ахурамаздами, Буддами, Тангрими – ким? Нега мен у ҳақдаги ҳақиқатни била олмадим? Мен билишни истардим, лекин у ўзини танитмади. Агар у мавжуд бўлса, ўзини танитсин эди! Мана, айнан ҳозир у ўзининг борлигини билдириши керак-ку”.

Кононинг ўйлари чувалашиб, худога келиб тақалганда бирдан фикри ёришгандай бўлди. У Яратганга илтижо қилиб, нажот сўрамоқчи бўлди. Бироқ на мажусийларнинг, на буддавийларнинг ва на бошқа эътиқоддаги халқнинг ибодат дуоларини билмас эди. Шундай бўлса-да у таваккал қилиб бошини кўтарганча ёлбора бошлади:

- Эй Ахурамазда! Ўзинг ёрдам бер! Эй, Кўк-Тангрим! Нажот бер менга! Агар борлигинг рост бўлса, менга йўл кўрсат!

* * *

Коно Бухорхудотнинг ҳалокати хақидаги хабар Маликанинг қалбини ларзага солди. У энди оғзи ошга етганда бурни тошга текканидан алам билан уввос солиб йиғлади, ўз-ўзини қарғади. Саройдагилар уни юпатишга ожизлик қилардилар, чунки ўзлари ҳам машъум хабардан довдираб қолган эдилар. Ҳаммасидан ҳам Шери Фарахшнинг боши қотиб қолди. У энди бутун мамлакатни бошқаришни ўз зиммасига олиши керак эди. Эртасигаёқ у сарой аҳлларини, амалдорларини йиғиб кенгаш қилди. Бўлиб ўтган кенгашдан кейингина Турк-ютга, Кононинг акаси Ноҳидга элчи билан жўнатилган ўша мактубни ёзганди.

Фожианинг учинчи куни кўҳандизга ўзини Бухорхудотнинг авлодлариданмиз деб таништирган икки йигит кириб келди. Навкарлар уларни танишди, улар Ромушдаги можаронинг сабабчиси бўлган марҳум Хинанинг ўғиллари эди. Шери Фарахш уларни қабул қилиб муддаоларини эшитди. Кутилганидай, бу ака-укалар Бухоро тахтига даво қилишди.

-Сизларнинг асл бухорхудотлардан эканлигингизга менинг шубҳам бор, - деди Шери Фарахш.

-Қандай шубҳа бўлиши мумкин, - қатъий эътироз билдирди Хинанинг катта ўғли. –Буни ҳамма билади-ку. Аммамиз Коно Бухорхудотнинг хотини ҳам буни тасдиқлаши мумкин.

-Яхши, - деди Шери Фарахш. Буни суриштириб аниқлаймиз. Агар ҳақиқатда ҳам сизлар Кононинг қариндоши бўлсангиз ва насл-насаб жиҳатидан Бухорхудотга сизлардан кўра яқинроқ бошқа киши бўлмаса, шубҳасиз, ҳукмдорлик сизларга ўтади. Ўшанда ҳам ҳақиқий, қонуний ворис – Кононинг қизи вояга етгунча тахтни эгаллаб туришингиз мумкин.

Вазир гувоҳлик бериш учун Маликани ҳузурига чақиртирди. Ғамдан мункайиб қолган мотам кийимидаги Малика қабулхонага қадам босаркан иккала жиянини кўриб ҳайрон қолди.

- Муҳтарама Малика,- унга мурожаат қилди Шери Фарахш, - бу йигитлар сизга ким бўлади?

- Менинг жиянларим, марҳум акам Хинанинг ўғиллари – Абро билан Диҳам.

- Ҳўш... Акангиз Хинанинг Ҳукмдоримизга қандай қариндошлиги бор эди?

- Кононинг онаси билан Хинанинг онаси, яъни менинг онам, бир-бирларига амкивачча бўлишган.

- Шу холосми?

- Ҳа.

Шери Фарахш йигитларга юзланди. –Ана кўрдингизларми, сизлар фақат она томонидан бухорхудотларга қариндош экансиз. Қабул қилинган тартибга кўра эса ота томонидан бўлган қариндош биринчи навбатда тахт вориси бўлиши мумкин.

- Биз ота томонидан ҳам қариндошмиз!- қичқириб юборишди йигитлар бараварига. –Ахир, амма унутдингизми? Бувимнинг оталарининг отаси Бухорхудот бўлган-ку, нега буни айтмайсиз?

- Ҳа, бу тўғри, - деди Малика гап нимадалигини тушуниб етгач. –Мен фақат яқин қариндошликни айтдим холос.

- Хўп, яхши, - деди вазир яна босиқлик билан. –Энди авлод санаймиз. Бувингизнинг бобоси – бир, бувингизнинг отаси – икки, бувингиз – уч, отангиз – тўрт, сизлар – беш. Демак сизларнинг Бухорхудотларга қариндошлигингиз бешинчи даражада турар экан. Лекин наҳотки Бухорхудотнинг сизлардан бошқа бирор яқинроқ қариндоши бўлмаса?

- Йўқ! – дейишди йигитлар яна бараварига. –Суриштириб кўришингиз ҳам мумкин.

Улар энди вазир ноилож рози бўлади деб севинишаётган эди.

- Менимча, бор, - деди Шери Фарахш уларнинг тахт орзусида ёнаётган юракларига совуқ сув сепгандай қилиб.

- Ким экан у?!

- Ноҳид.

- Қайси Ноҳид?

- Уни сизлар билмаслигингиз мумкин. Чунки у Бухородан кўчиб кетган пайтда ҳали сизлар тугул мен ҳам туғилмаганман. Ноҳид Коно Бухорхудотнинг туғишган акаси. Лекин мен ҳам ҳозир унинг ҳаётми ёки йўқлигини аниқ билмайман. Ҳа, эътиборингиз учун айтай: кеча мен унинг истиқомат жойига – Турк-ютга элчи юбордим. Чунки, тахтни ҳақиқий Бухорхудотлар авлодига топшириш бурчи мени шунга ундади. Энди элчининг қайтишини кутишдан бошқа чорамиз йўқ. Сизлар ҳам ноумид бўлмай, кутинглар.

- Элчи қайтмаса-чи? – ҳафсаласи пир бўлиб сўради Абро исмли катта ака.

- Яна элчи юборамиз!

Ака укалар бир-бирларига қараб қолишди.

- Кетдик, ака, - деди укаси Диҳам. –Кўриб турибсан-ку, булар тахтни сенга беришмоқчи эмас...

- Нима ҳам дердик, - заҳарханда қилди акаси, - энди тахтга чин ворис эканлигимизни кучимиз билан кўрсатишимизга тўғри келади, шекилли. Отамни ўлдиргани учун-ку Коно ўз жазосини олди, йўлимизга тўғаноқ бўлаётганлар ҳам жазодан қуруқ қолмас...

- Нималар деяпсан, Абро! – унинг гапини кесиб қичқирди Малика. –Хусуматингни қўй энди, вазирнинг гапи ҳақ, наҳотки тушунмасанг?!

- Майли, индаманг, Маликам, - Шери Фарахш. –Агар истасам ҳозироқ бу иккаласини ҳокимиятга таҳдид солаётгани учун ҳибсга олиб, зиндонда чиритиб юборишим мумкин. Аммо, биринчидан ёшликлари учун, иккинчидан сизга жиян бўлганликлари учун кечираман. Майли, уйларига бориб ким ҳақ-у ким ноҳақлигини яна бир яхшилаб уйлаб кўришсин!

- Биз уйлаб кўрганмиз! – энди рўй-рост безбетлик қила бошлаган эди, Абро. – Тахтни ким эгаллаши кераклигини қачондан бери келгиндилар ҳал қиладиган бўлиб қолибди?! Ҳа, сиз келгиндисиз, туркларнинг гумаштаси сиз! Бухорони

яна ҳоқонликка тобе қилиб бермоқчи сиз, ҳа – ҳа, биламиз, нега Турк-ютга элчи юборганингизни!...

Абро қизишгандан қизишиб, оғзидан тупук сачратиб қичқирар, Шери Фарахш эса парво қилмай, мийиғида кулиб ўтирарди.

- Бас қил деяпман, Абро! Ҳасадгўйлик акамдан сенга ўтибди, бас қил! – жиянини олиб чиқмоқчи бўлиб орага тушди Малика.

- Қўйворинг! – уни силтаб ташлади Абро. Сиз ҳам сотилгансиз! Бу ерда нима қилиб юрибсиз ўзи? Эрингиз ўлган бўлса! Ёки унинг ўрнини бошқалар босяптими? Вазир билан орангизда бирор гап борга ўхшайди-ку, а, аммажон?!

- Ўчир овозингни! - ғазабдан ўрнидан туриб кетди Шери Фарахш.

- Ифлос! Йўқол бу ердан! Олиб чиқинглар буларни!

Унинг имоси билан икки соқчи югуриб келиб, ака-укаларни қўлини орқасига қайириб, ташқарига судраб кетишди.

- Кўрамиз ҳали! – қичқирди Абро. Кўрсатиб қўямиз ҳали, зўравонлик қандай бўлишини!

Шери Фарахш ўзини зўрға босди.

Хинанинг ўғилларини олиб чиқиб кетишди. Малика жиянларини бунчаликка боришади деб ўйламаганди. Туҳматчига ўлим жазоси берилишини била туриб, ўз аммасининг номини булғамокчи бўлди-я!

- Хафа бўлманг, Маликам, - деди Шери Фарахш орада пайдо бўлган ноқулай вазиятдан уни қутқазмоқчи бўлиб, - Сизни чақиртирганимда, жиянларингиз дилингизга озор етказишларини ўйламовдим...

- Ҳечқиси йўқ, зўрма-зўраки жилмайиб вазирнинг юзига тик қаради малика. –Акам сингари Абронинг ҳам заҳар тили бошига етмасайди деб қўрқаман, холос!

Шундай дея Малика эшик томонга бурилди-да, илдам юриб қабулхонадан чиқиб кетди.

Шери Фарахш ўйчан ҳолида у ёқдан бу ёққа юриб, ўзича нималарнидир фикр қила бошлади

Орадан яна уч кун ўтгач, айғоқчилар вазирга Хинанинг ўғиллари ҳокимиятни эгаллаш учун қишлоқма-қишлоқ юриб ўзларига тарафдор йиғишаётгани ҳақида хабар келтиришди.

Бухородан эллик чақиримча шимолда Шоҳпурком воҳаси бор эди. Бу ерда Вардона деб аталган бир қалъа бўлиб, уни Вардонхудотлар1 идора этишарди.

Абро ва Дихам Шери Фарахш томонидан Бухорхудот саройидан қувиб чиқарилгандан сўнг олдиндан ўйлаб қўйган шум режаларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг Бухоро тахтига бўлган иштиёқлари баттар аланга олган эди. Хинанинг ўғиллари Бухорхудот билан рақобат қилувчи Вардонхудотдан ёрдам олиб, Бухоро тахтини куч ишлатиб эгаллаб олишни кўзладилар. Шу мақсадда ака-укалар Вардона сари отланишди.

Ярим тунда отлиқ йўлга чиққан Хинанинг ўғиллари тонг оқара бошлаганда Вардонага етиб келдилар. Вардонхудот одати бўйича барвақт туриб. Қалъадан ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганида хизматкорлари унга дарвоза олдида Бухородан келган икки асилзода йигит киришга ижозат сўраётганини айтишди. Вардона ҳокими каллаи саҳарлаб қандай юмуш билан уни безовта қилаётганликларини билиш учун йигитларга кириш учун ижозат берди.

Абро билан Дихам ўзларидан ёши унча катта бўлмаган, ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги навқирон Вардонхудот ҳузурида қўл қовуштириб турганча мақсадларини баён этдилар.

- Тушунарли,- деди уларни тинглаб бўлган Вардонхудот қалин сочларини бармоқлари билан тараб қўяркан. – Демак, сизлар Бухорхудотнинг жиянлари бўласизлар, Кононинг тахти сизларга тегиши керак, шундайми?

- Худди шундай.

- Сизларга ёрдам кўрсатиш ҳақида бир қарорга келишим учун мен аввало гапларингизга ишонч ҳосил қилишим керак. Ўзларингизга маълум, биз шу пайтгача Бухорхудотлар билан ўртамизда бўлган барча муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиб келганмиз. Бухорхудот бизнинг ерларимизга бўлган даъвосидан воз кечган эди. Биз ҳам орадаги чегарага дахл қилганимиз йўқ. Агар сизлар чиндан ҳам бухорхудотлар

сулоласининг давомчиси бўлсангиз, албатта, биздан келишувга кўра тегишли ёрдамни оласизлар.

- Биз гапларимиз тўғрилигини исботлаш учун нима қилишимиз керак? – сўради Абро ҳайрон бўлиб.

- Коно Бухорхудотнинг васиятини кўрсатишингиз керак. Барча подшоларда бўлгани каби унда ҳам олдиндан ёзиб қўйилган васиятнома бўлиши шубҳасиз. Унинг бир нусхаси тахт ворисига, бир нусхаси эса бош вазирга бериб қўйилган бўлади.

- Ахир Коно Бухорхудот тўсатдан ўлиб қолишини билмаган-ку! У васиятнома ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

- Бу сизларнинг фикрингиз, холос. Лекин бари бир васиятнома бўлиши керак. У ҳукмдор тахтга ўтирган пайтдаёқ тайёрлаб қўйилган бўлади.

- Коно ҳали ўғил фарзанд кўришни умид қилиб, тахтни ўз фарзандига мерос қолдириш мақсадида васиятнома ёзишни кейинга суриб келган бўлиши ҳам мумкин-ку?

- Мумкин... У ҳолда тахт мерос сифатида ўша сизлар айтган гўдак қизчага қолади.

- Қизиқмисиз? У ҳали тетапоя ҳам бўлмаган чақалоқ-ку, бунинг устига қиз бола бўлса...

- Нима қипти? Аёл киши ҳам подшоҳ бўлиши мумкин. Қўйинглар, яхшиси, баҳслашмайликда, масалага бошқача ёндашайлик. Бухоро тахтини сизлар оласизми ёки бошқами, бунинг менга фарқи йўқ. турклар хавфи ҳақидаги гапларингиз эса асоссиз. Мен яқинда Самарқанд ихшиди1 ҳузурида бўлгандим. Унинг айтишича, Турк ҳоқонининг ўзи ҳозир танг аҳволда. У Хитойдан чўчиб турибди, шунинг учун Сўғдиёна подшоҳидан қурол-яроғ ёрдами сўрабди. Хуллас, мен Бухорхудотларнинг ички ишларига аралашишни истамайман. Аммо сизларга боя айтганимдай келишувга кўра ёрдам кўрсатишим мумкин...

Хинанинг ўғиллари бу ўз ишига пишиқ ҳукмдорнинг нимага шама қилаётганини тушунолмай жимгина қулоқ солишарди. Вардонхудот сўзида давом этди.

- Мен сизларга пулдан ёрдам қилишим мумкин, қурол-яроғдан ёрдам қилишим мумкин. Лекин ўз қўшинимни

Бухорога юбора олмайман, уқдингизми? Сизлар менинг ёрдамимдан фойдаланиб халқингизни ўз тарафингизга оғдириб олишингиз мумкин, бу ёғи энди ўзингизга ҳавола.

- Жуда соз,- ниҳоят сўнаётган умидлари қайта уйғонди ака-укаларнинг.

- Лекин мен ёрдамни текинга ҳам бермайман,- уларнинг ортиқча суюнишига йўл қўймай сўзини давом эттирди Вардонхудот.- Бунинг эвазига сизлар менга ғалла берасизлар ёки ерларингизни гаровга қўйишингиз шарт.

Абро билан Дихам бир пас ўйланиб қолишди. Сўнг:

- Розимиз,- дейишди.

- Бўпти, келишдик,- деди Вардонхудот жилмайиб. – Сизларга қанча ёрдам керак?

Ака-укалар маслаҳат қилиб олишгач, Абро:

- Беш минг танга пул ва беш юз кишига етадиган қурол,- деди.

- Хўш...- бир пас ўйлаб олди Вардона ҳокими. – Бу бир ярим минг пуд ғалла бўлар экан, бера оласизларми?

- Беш юз пуд ғалла бера оламиз,- деди Абро ҳозиржавоблик билан. – Қолганига еримизни гаровга қўямиз.

- Бўпти бўлмаса, сизлар бориб ғалла билан ерларингизнинг васиқасини олиб келинглар. Пул ва қурол-яроғ менинг хазинамда турибди.

- Агар мумкин бўлса,- чайналиб гапирди Абро,- ишонч ҳосил қилиш учун уларни ўз кўзимиз билан кўрсак...

Вардонхудот кулди.

- Бемалол,- деди у. – Қани, орқамдан юринглар!

Хинанинг ўғиллари Вардонхудотнинг ортидан унинг ер остидаги хазинасига киришди. Хизматкорлар машъала ёқиб ертўлани ёритиб туришарди.

- Мана булар Бухоро тангалари,- деди Вардонхудот қатор турган халтачалардан бирини қўлига олиб очар экан. – Мана бу ёқда эса сўғд тангалари, ҳув анави ерда Эрон тангалари бор. Сизларга албатта ўз тангаларингиз керак, мана кўринглар...

Абро билан Дихам қўлларига тутқазилган тангаларни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўришди. Бухорода муомалада

бўлган, Кононинг тож кийиб тушган тасвири туширилган кумуш тангалар эди. Ака-укаларнинг бундай хазинани кўриб ҳангу манг бўлганларини сезган Вардонхудот:

- Ишондингизларми энди? – деди. – Қурол яроғлар ташқаридаги омборимда сақланади, юринглар.

- Бўлди, бизни маъзур тутасиз,- деди Дихам Вардонхудотга эргашаётган акасининг билагидан қисиб тортар экан. – Энди кўрмасак ҳам ишондик.

- Ихтиёрингиз,- елкасини қисди Вардонхудот. – Кўрамиз, десангиз ҳам хизматкорлар олиб бориб кўрсатишади...

Хинанинг ўғиллари узр айтишиб, Вардонхудотга меҳмон ҳам бўлмай у билан хайрлашишди-да ортга қайтишди. Улар фурсатни бой бермасликка ҳаракат қилишиб, Ромушга шошилишарди.

* * *

Қилган илтижолари зое кетаётганини англаган Коно худодан умидини узди. Энди у бу ваҳимали ер ости саройининг сири ҳақида ўйлай бошлади. Бу саройнинг, беҳисоб хазинанинг ва ёниб турган оловнинг эгаси бўлиши керак-ку ахир? Конони бу ерга судраб келган илон илонмиди ўзи ё бошқа махлуқми? У қаёққа ғойиб бўлди? Нега у Конони еб қўймади, ёки бирор зарар етказмади? Бу даҳшатли ва ғаройиб ҳодисаларни бошқариб турган ким? Агар худо бўлса, нега у Кононинг илтижоларига, саволларига жавоб бермаяпти? Коно яна қанча вақт бу бадбўй ҳаводан симириб яшаши мумкин, нега унинг ўлишига ҳеч имкон берилмаяпти? Охири нима билан тугаркан бу кўргуликнинг?

Коно телбаларча сарой деворларини муштлаб, гир айланар, бирор тешик топилса ўзини ўшанга уришни истар эди. Бироқ айлана шаклидаги, гуё тўнтариб қўйилган улкан қозон сингари бу макондан қутилиб чиқишга умид туғдирадиган бирор белги кўринмас эди. У ер остига тушиб қолганидан буён қанча вақт ўтганини ҳам билмас эди. Бир соатми, бир кунми, бир йилми? Назарида, ўтаётган вақт чексизликдан чексизликкача чўзилган эди. Шу аснода у яна хушидан айрилди.

- Коно! Тур ўрнингдан, азизим!

Бу товуш Конони хушига келтирди. У сочилиб ётган жавоҳирлар устига юз тубан йиқилиб ётарди.

- Коно!

У “тушимми, ўнгимми?” дея бошини кўтариб, товуш келаётган томонга қаради ва даҳшатдан қотиб қолди. Рўпарасида Малика Сю турарди.

- Қўрқма, сен тириксан, мен эса руҳман,- деди Малика Сю Кононинг ақлини йиғиб олиши учун.

Конога энди барибир эди. У ҳаёт билан ўлим орасидаги фарқни ҳам уларнинг маъносини ҳам унутган эди.

Малика Сю уни Хитойдан келин қилиб олиб келганларида қандай бўлса, ўша кўринишда намоён бўлиб турарди. Тим қора сочлари шалоладай, юзлари оппоқ, лаблари қизил ғунчадек, кўзларидан бокиралик нури сочилиб турибди, эгнида оқ харир куйлаги...

- Қўрқма Коно,- такрорлади у яна,- сен ҳадемай бандиликдан озод бўласан, ёруғ дунёга чиқасан, сен ўлмагансан...

- Йўқ...- тили калимага келди Кононинг. – Мен... Мен истамайман... Мен сен билан қоламан, Сю!

У ўрнидан туриб Малика Сю томонга қўлларини чўзиб юра бошлади.

- Яқинлашма менга, Коно!- огоҳлантирди малика. – Акс ҳолда мен кетиб қоламан!

- Йўқ, йўқ!..

- Қулоқ сол менга! Фурсатим оз... Сенга билишинг керак бўлган нарсаларни айтиб олишим керак. Жойингдан қимирламай мени эшит. Сен бу ерга тушиб қолганингдан кейин худога кўп илтижолар қилдинг, лекин дилингда шубҳанг бор эди. Ҳа, сен ҳеч қачон чин эътиқодда бўлмагансан, шунинг учун худодан айрилиб қолгансан! Худо эшитмайди сенинг илтижоларингни! Ўзинг ўйла, умрингда бирор марта чин ихлос билан ибодат қилганмисан? Йўқ! сен эсингни таниганингдан буён дунё ташвиши билан яшаяпсан. Қилган ишларингнинг барчаси ўзинг учун, мамлакатинг халқинг учун эди. Худо учун нима иш қилдинг? Унинг

ҳақлигини таниш учун бирор илм ўргандингми? Йўқ. одамларни унга ишонишга даъват этдингми? Йўқ. бирор ибодатхона қурдирдингми? Йўқ

- Ахир мен ибодатхоналарга, коҳинларга пул берганман...

- Сўзимни бўлма! У садақаларингни таъмагирлик билан, миннат билан қилгансан. Ўзингга обрў орттириш учун, ўзингга манфаати тегиши учун қилгансан. Сен ўзингни доимо бегуноҳман деб ҳисоблардинг, шунинг учун бирор марта тавба-тазарру қилмас эдинг. Мен билан ибодатхонага борган пайтларингда ҳам менинг ибодатларимни кузатиб ўтирардинг-да, ўзинг ибодат қилмасдинг. Коҳинларнинг сўзларини соатлаб тинглардинг-да уларга ишонмасдинг. Сен бир умр яхши подшо бўлишга интилдинг, лекин яхши одам бўлишни ўйламадинг...

- Нима қилишим керак эди, ахир, мени бунча қийнайсан?.. Яхши одам қандай бўлади?

- Яхши одам ўзининг яратувчисига эътиқод қилади! Сен эса ўзингга ўзинг эътиқод қилиб яшаяпсан. Одамларга яхшиликни мен қилаяпман деб ўйлайсан. Ҳолбуки, сен бўлмаганингда ҳам кимдир сен қилган ишларни қилган бўларди. Ҳа, ҳамма иш яратганнинг хоҳиши билан бўлади. Сен ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб, яратганга шукр қилиш ўрнига ўз-ўзингдан ғурурланиб юрибсан. Буларнинг барчаси сенинг жоҳиллигингдан, илоҳий илмлардан бехабарлигингдан!

- Мен илмсиз бўлсам ҳам, худосиз бўлсам ҳам бировга ёмонлик қилганим йўқ...

- Ўзингни оқлама! Сен ҳатто нима яхши-ю, нима ёмонлигини ҳам билмайсан. Сенингча, учта хотинни бефарзанд деб ҳайдаб юбориб, тўртинчисига уйланиш яхши ишми? Сенингча, тахтимни эгаллаб олмасин деб ўз туғшган акасидан юз ўгириш яхши ишми? Ақлни ишлатиш ўрнига қилични ишлатиб, одамларнинг қонини тўкиш ёмонлик эмасми?..

- Шошма, Сю! Айбловларингга битта-битта жавоб берай...

- Яна ўзингни оқламоқчимисан? Беҳудага оввора бўлмай, менинг сўзларимни эшитиб олсанг-чи!..

- Йўқ! мен ҳар бир гапинг ҳақ эканлигини тушуниб олишга ожизлик қилаяпман. Сен айт-чи, мен хотинларимга жавоб бермай, улар билан дунёдан бефарзанд ўтишим керакмиди? Ахир, улардан ажралиб сенга уйланганимдан кейин улар ҳам фарзандли бўлишди, мен ҳам. Бунинг нима ёмонлиги бор?

Малика Сю қаҳ-қаҳ отиб кулди.

- СЕни содда, жоҳил деб аяб ўтирган эдим. Энди тўғрисини айтай, сен ахмоқ ҳам экансан! Ҳатто менинг фарзандимни ҳам ўзингники қилиб ўтирибсан. Мен худо сенга фарзанд бермаслигини билган эдим. Лекин сенга раҳмим келганидан ўзим гуноҳга ботиб бўлса ҳам худодан фарзанд сўрадим. Ҳа, менинг қорнимдаги бола сендан эмас эди! Уни мен ўйнашимдан орттирганман!

- Ёлғон!!!- додлаб юборди Коно муштини тугиб.

- Ишониш- ишонмаслик сенинг ихтиёрингда! Мен баҳслашиб, вақтингни йўқотма. Ҳозир мен ғойиб бўламан. Сенга фойдали бўлган энг муҳим гапимни қулоғингга қуйиб ол: художўй бўл, ҳеч кимга ёмонлик қилма! Ёмоннинг жазосини сен эмас, худонинг ўзи беради! Мен кетдим...

- Сю! Шошма!!!

Коно бақирганича қолди, Малика Сюнинг ўрнида аввал оппоқ тутун пайдо бўлди, кейин у аста ҳавога тарқалиб ундан асар ҳам қолмади.

Коно аъзои бадани титраб-қақшаб ўтириб қолди, кейин ҳолсизланиб ерга чўзилди. Унинг ақли навбатдаги зарбага дош беролмай. Яна хушидан айрилган эди.

Орадан яна жуда кўп вақт ўтди.

- Коно уйғон, болам, хушингни йиғ!..

Коно йўқлик қаъридан келаётгандай сезди ўзини. У кўзларини очолмас, гуё киприкларига тош осилгандай эди. Кўзлари юмуқ бўлса-да у қип-қизил, қон рангидаги бўшлиқни кўраётган эди. Мана бўшлиқда тўлқинли бир денгиз пайдо бўлди. Кононинг вужуди тўлқинлар устида чайқаларди. “Қон-ку бу, ўйлади Коно,- мен яна қандай балога гирифтор бўлдим?” у бошидан ўтган воқеаларни бир-бир эсга ола бошлади: тепаликдаги ўприлиш, тупроқ остида қолгани,

уни илон судраб кетгани, ер ости саройи, Малика Сю билан учрашув... Ҳа, ҳаммаси эсида. Демак мияси соппа-соғ. “Балки ҳаммаси рўёдир?- ўйларди у яна .- Мен ухлаб ётгандирман балки? Нега кўзимни очолмаяпман, қаердаман ўзи? Қандай қилиб бу денгизга тушиб қолдим, нега чўкиб кетмаяпман?”.

- Коно, мен отангман, Ҳамук Бухорхудотман!..

- Қаердасан, қанисан, ота? Мен сени кўрмаяпман? – Коно гапиряптими, сўзларини хаёлидан ўтказаяптими – буни билолмасди. Лаблари қимирлар эди-ю, ўз товушини эшимасди. Отасининг товуши эса аниқ-равшан қулоғига кираётган эди.

- Сен мени кўрмайсан, Коно, мен кўрина олмайман. Чунки ўлиб кетганман, сен менинг қиёфамни эслашга уриниб кўр...

- “Эсладим ота, ана, ажиндор юзинг, оқариб кетган қалин қошларинг, дўрдоқ лабларинг, калта қилиб қирқилган соқолинг кўз олдимга келди”.

- Хайрият, эсладинг, ўғлим... Аммо сен ўлганимдан буён ўтган йигирма йил мобайнида мени бирор марта эслаб, руҳимга дуо қилмаган эдинг, шунинг учун менинг руҳим ҳам адо бўлди. Сенга кўрина олмаётганлигимнинг боиси ҳам шунда...

- “Ота, энди сен қийнама мени, сен орзу қилиб, кўролмай кетган келининг – Малика Сюнинг руҳи мени қанчалик қийнаганини кўрмадингми, ахир?”- Коно инграб ёнбошига ағанади, шунда у нега чўкиб кетмаётганини тушунди: у ўзи оқиб кетмаётган, балки каттакон балиқнинг устида ётган эди. У қўллари билан балиқнинг тангачаларини силаб кўриб буни билди.

- Ҳа, Малика Сюнинг руҳи сенга кўп ҳақиқатларни айтди. Лекин сенга энг ёмон таъсир қилгани сўнгги гапи бўлди. У сени сўнгги бор синаш учун шундай деди-ку, ўғлим. Хотиржам бўл, бола ўзингдан бўлган эди, буни сенга мен – отанг айтаяпман. Менга ишон!

Отасининг бу гапидан Конон инг кўнгли ёришди. “Мен Сюнинг гапига ишонмагандим, ота,- деди у, - чунки унинг менга хиёнат қилмаслигига қаттиқ ишонардим”.

- Лекин сенинг ишончингни шубҳа емира бошлаган эди. Бу худди худонинг борлигига шубҳа билан қараганингдек бир гап, бу сенинг имонинг сустлигидан далолат беради ўғлим. Тўғри, сенинг шундай бўлишингга тарбия берган отанг – мен ҳам айбдорман. Чунки ўзим ҳам сендан баттар кўр эдим. Энди сен фарзандларингни имон-эътиқодли қилиб тарбияла, деган мақсадда ҳузурингга келиб бу гапларни айтаяпман.

- “Нега шу гапларни менга олдинроқ билдирмадинг, ота? Нега мен ҳалокатга учраганимдан кейингина бу гаплардан воқиф бўлаяпман?”

- Ахир, айтдим-ку, менинг руҳимда қавват йўқ эди сен билан мулоқот қилиш учун... Овга чиқишингдан олдин зардуштий коҳинга пул бериб, ўқитган дуоларингдан куч олиб, зўрға етиша олдим сенга. Ўшанда худо кўнглингга солмаса эди, дуо ўқитмасанг эди, шу мулоқотимиз ҳам бўлмасди. Коҳинга “отамни туш кўрдим” деб ёлғондан айтгандинг, аслида мени тушингда кўришни хоҳлагандинг, холос.

“Демак мен туш кўраётган эканман-да? Мен ҳозир уйқудаманми ота?” Кононинг бу саволига жавоб бўлмади. У узоқ сукут сақлаб жавоб кутди. Лекин отасининг қиёфаси кўз олдида турган бўлса ҳам, энди гапларини эшитмаётган эди.

- Ота! Нега жимиб қолдинг?!- бақириб юборди Коно ва шу заҳотиёқ юмуқ кўзлари очилиб кетди. Коно ўзини сузаётган балиқ устида эмас, қип-қизил тилла тангалар устида кўрди.

Мен туш кўрибман, ўйларди у атрофига. Ўша таниш зах деворлар-у суяклардан чиқаётган алангага олазарак боқар экан. – Малика Сюни эса ўнгимда кўрган эдим, ҳа, у худди мана шу ерда тикка турган эди. Ажабо: ўнгимда эшитганларим билан тушимда эшитганларим бунчалар ўхшаш бўлмаса!

Коно бу воқеаларни тушунишга ожизлик қиларди. У ўзини ўйлантираётган жуда кўп саволларга жавоб тополмасди. Қанийди, хотини Сюнинг, отасининг руҳлари билан узоқроқ мулоқотда бўлса эди-ю, ҳамма сирларни

улардан билиб олса эди! Яродор шернинг сири, мана шу лаънати маконнинг сири ҳануз ноаёнлигича қолмоқда эди.

Коно аллақачон кўникиб қолган бу мудҳиш маконда беҳол чўзилиб ётар экан, биринчи марта очлик ва ташналикни ҳис этиб, кўнгли айний бошлади. Лекин унинг учун бу қийноқ узоқ давом этмади. Боши айланиб, кўзи тинди-ю яна беҳушлик гирдобига тушиб кетди.

* * *

Хинанинг ўғиллари Ромушга етиб келишлари биланоқ шоша-пиша ўз одамларини, хизматкорларини йиғишди-да омбордаги ғаллаларни қопларга солиб, туяларга орта бошлашди.

- Биз яқинда Бухоро ҳукмдорига айланамиз,- дейишарди улар таажжубда бўлган одамларга. – Кононинг бутун давлати бизга ўади. Фақат йўлимизга тўғаноқ бўлаётган анави вазирни йўқотсак бас. Бахт қуши бошимизга қўниб турибди...

Ғалла ортилган туялар Шопурком сари йўл олди. Ака-укалар шунчалик тез ҳаракат қилишди-ки, эртасигаёқ қурол-яроғларни ва бир қоп пулни олиб кириб келишди. Дарҳол ўзларининг яқин. Ишончли кишиларини чақириб, бундан кейин қиладиган ҳаракатларининг режасини муҳокама этишди. Коно Бухорхудотдан жабр кўрган ромушлик деҳқонлар, ҳунармандлар уларнинг режасини ҳеч иккиланмай маъқуллашди. Ромушликларнинг орасида Конога содиқ бўлган бир деҳқонзода йигит ҳам бор эдики, у бу ишлардан воқиф бўлиши биланоқ Бухорхудот саройига йўл олди ва эшитган-кўрганларини оқизмай-томизмай Шери Фарахшга гапириб берди. Вазир бу йигитга инъом бериб, айғоқчиликни давом эттиришини тайинлаб жўнатди.

Шери Фарахш Маликанинг ҳузурига кириб, унинг жиянлари қилаётган бу номаъқул ишнинг оқибати улар учун яхши бўлмаслигини айтди. Малика аввалига ғазабланди, кейин кўз ёши қилиб деди:

- Мен акамдан, эримдан жудо бўлган бахтиқаро бир аёлман. Мени бу ерга ушлаб турган нарса Кононинг қизчасига оналик қилиш бурчи, холос. Уни ўз фарзандим деб

биламан, Конога уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб улғайтиришга сўз берганман, бундан хабарингиз бор. Шунинг учун шу қизча қаерда бўлса, мен ўша ерда бўламан. Тахтни ким эгаллаши-ю, мол-дунёга эга бўлиш мени қизиқтирмайди. Керак бўлса, шу қизча учун қариндош-уруғларимдан кечишга ҳам тайёрман. Энди менга нисбатан қандай муносабатда бўлиш ўзингизнинг виждонингизга ҳавола, жаноби вазир!..

- Мен сизни тушунаман, Маликам,- деди Шери Фарахш. – Фақат жиянларингизга ачинсангиз, агар кучингиз етса, уларни бу йўлдан қайтаринг,- демоқчи эдим, холос.

- Улар мендек муштипар аёлнинг гапига киришармиди?- деди Малика. – Энди фойдаси йўқ, ачинсам ҳам нима қилай?.. Бунақа можароларни ҳал қилишга менинг ақлим етмайди. Менга қолса уларга тилаганларича ер ва мол-дунё бериб тинчитиб юборган бўлардим...

- Аммо бундай қилишга сизнинг ҳаққингиз йўқ!- ўрнидан сакраб турди вазир, кейин мушоҳада қилиб кўриб деди:- Тўғри, Бухорхудотнинг меросхўри сифатида сиз унинг мулкини хоҳлаганингиздек тасарруф этишингиз мумкин. Лекин... Сизнинг кўнгилчанлигингиз мамлакатимизнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлади-ку. Ахир сиз билан бухорхудотлар давлатини бутунлигича сақлаш, унинг бойликларини асраш ва тахт ворисига топшириш учун ҳам масъулмиз!

- Модомики шундай экан, давлат ишларига мени аралаштирмай, ўзингиз ҳал қилаверинг, жаноби вазир.

- Лекин мен сиз билан маслаҳатлашишим шарт, маликам. Чунки...

Шу пайт Малика ҳузурига энага аёл – Хунбуннинг хотини бир юмуш билан кириб келди.

- Бизни бир пас ҳоли қолдир!- деди Шери Фарахш унга қарата ва энага шошиб чиқиб кетиши билан сўзини давом эттирди. – Чунки тахтни эгасига топширгунга қадар, давлатни мен идора этаётган бўлсам ҳам ўз номимдан фармонлар чиқаришга ҳаққим йўқ. фармонларни фақат сиз бера оласиз.

- Буни биламан,- деди Малика. – Кононинг муҳрини менга топшираётганингизда айтган эдингиз. Энди шу муҳрни ҳам сизга топшираман.

Малика ёнидан, зар билан безатилган халтачадан бир қутичани олиб, ундан тангадек келадиган ёғоч муҳрни чиқарди.

- Йўқ, йўқ,- унинг қўлини қайтарди вазир. – Бу мумкин эмас. Муҳр сизда туриши керак. Агар ўз ваколатингизни менга топширмоқчи бўлсангиз, бундай қилайлик, фармонларни мен ўзим тайёрлайман-да, сиз фақат муҳр билан тасдиқлаб берасиз...

- Нима фарқи бор, муҳр менда турди нима-ю, сизда турди нима? Мен фақат ҳар гал фармон ёзганингизда овора бўлиб ҳузуримга кириб ўтирманг, демоқчиман.

- Йўқ, мен одамлар “Шери Фарахш ҳокимиятнинг бутун ҳуқуқларини ўзига олибди” дейишларини истамайман. Бу сиёсий аҳамиятга эга бўлган масала...

Малика индамай муҳрни мис қутичага солди-да қайтариб жойига қўйди. Шери Фарахш унинг ҳузуридан чиқиб кетар экан, эшик ортида энага аёлнинг пойлаб турганини кўрди. Вазир унга ўқрайиб бир қаради-ю, гапирмай ўз қабулхонасига кириб кетди.

Шу куни кечга яқин вазир қўшин бошлиғи, хазинабон, солиқлар ва мулклар бўйича амалдор ҳамда Хунбунни ўрнига бош соқчи вазифасини бажариб турган ўз соқчисини ҳузурига чақириб юзага келган вазиятни муҳокама қилди.

- Хинанинг ўғиллари ромушликлардан ташқари атроф қишлоқлардан ҳам навкарликка йигитларни ёллашмоқчи экан. Айғоқчимизнинг гапига қараганда улар беш юз кишига етадиган қурол-яроғга эга. Лекин улар мингтагача қўшин тўплаши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмаслигини назарда тутишимиз керак. Чунки бизнинг қўшинларимиз ҳам беш юз навкардан иборат, бу уларга маълум бўлганлиги учун, шубҳасиз, устунликка эришмоқчи бўладилар. Биз ҳам шунга яраша ҳозирлигимизни кўриб, бўлажак тўқнашувга тайёр бўлиб туришимиз керак,- деди вазир қўшин бошлиғига юзланиб.

- Улар ҳали уюшишга ҳам улгуришмаган-ку,- деди қўшин бошлиғи шоп мўйловини силаб қўяр экан. – Бугуноқ юстача навкар билан Ромушни босиб олиб, ака-укаларни қўлга олиб келсак-чи, катта жангга ҳожат ҳам қолмас эди?..

- Йўқ,- деди вазир ўйлаб туриб. – Менингча, Хинанинг ўғиллари аллақачон яширинишга улгуришган. Иккинчидан, Ромушга бизнинг бостириб боришимиз халқнинг нафратини уйғотиши мумкин. Чунки, солиқ можаросидан кейин ромушликларнинг ҳокимиятдан норозилиги ҳали босилгани йўқ. шунинг учун биз ўзимизни босқинчи сифатида кўрсатмайлик-да, майли ака-укаларга бизга қарши куч тўплайверишларига имкон берайлик. Уларнинг бизга очиқ душман бўлганликларини халқ билсин. Кейин албатта, биз уларни тор-мор келтирамиз. Ўшанда халқ бизнинг куч-қудратимизга ҳам, ҳақ эканлигимизга ҳам ишонади.

- Унда биз ҳам қўшинларимиз сонини кўпайтиришимиз керак.

- Ҳа. Мен Маликамиз номидан Фармон чиқариб бераман. Эртагаёқ хазинадан тегишли пул олиб, лашкарбошиларни қишлоқларга лашкар йиғиш учун жўнатасан. Ромушга яқин қишлоқларга борилмасин. Сен, хазинабон, бугундан бошлаб, бошқа мақсадларга пул сарфлашни тўхтатиб тур, олдинги фармонларни қайта кўриб чиқамиз. Сен эса солиқчиларингга айт, ҳозирча халқдан солиқ йиғишни ҳам тўхтатиб туришсин! Соқчилар хушёрликни оширишсин. Кўҳандизга келаётган ҳар бир киши қаттиқ назорат қилинсин. Ромуш ва унинг атрофидаги қишлоқларга айғоқчилар юборилсин. Хинанинг ўғиллари нималар қилаётгани ҳақида ҳар куни менга маълумот етиб келиши керак.

Вазир ҳар бир амалдор билан тегишли масалаларни гаплашиб олиб кенгашни тугатди. Ҳамма тарқалгач, Шери Фарахш кечки овқат учун оиласи қошига бормоқчи бўлиб, қабулхонадан чиқди. Эшик олдида ҳалиги энага хотин турарди.

- Нега бу ерда турибсан?- деди вазир қошини чимириб. – Боя ҳам гап пойлаб тургандинг, шекилли?

- Мени афу этасиз, жаноби вазир,- деди шошиб аёл. – Сизда гапим бор эди... Маликамиз ҳузурларига ҳам шунинг учун киргандим...

- Хўш, гапир гапингни.

- менинг бир ўғил, бир қизим бор. Ўғлим ўн олти ёшга тўлди, қизим эса ўн тўртда... Шу, ўзингиз биласиз, мен ҳам, эрим Хунбун ҳам бир умр подшоҳ хизматида юрибмиз...

- Мақсадга кўчақол!

- Ўғлимни сарой хизматига олсангиз, дегандим. Ўзи отасидек яхши мерган, ўқ-ёй қўлидан тушмайди...

- Яхши, у бизга керак. Фақат саройга эмас, аввал қўшинда хизмат қилиб ўзини кўрсатсин. Ўғлингга айт, эртагаёқ лашкарбошилардан бирига учрашсин! Бўлдими?

- Раҳмат жаноби вазир... Энди қизим хусусида... У жуда гўзал, чаққон...

- Э, қизинг билан менинг нима ишим бор? Унга куёв керак бўлса, бошимни қотирма! Агар иш керак бўлса, бор-да Малика билан гаплаш! Нима, сенга вазир ҳар хил майда-чуйда ишлар билан шуғулланувчими?

- Афу этинг, афу этгайсиз, жаноб!- энага хотин таъзим бажо келтириб ўзини четга олди.

- Ҳа дарвоқе,- деди Шери Фарахш шахдам икки-уч қадам юргандан сўнг орқасига қайрилиб, - Хунбуннинг аҳволи қалай?

- Тузалаяпти, жаноби вазир. Лекин ҳали гапиргани йўқ. кун бўйи ўша шер боласи билан овунгани-овунган...

- Яхши! Ундан эҳтиёт бўлиб тур. Тилга кириши билан менга маълум қил!

- Шери Фарахш шошаётгани учун гапни қисқа қилиб, кўҳандиздан чиқди. Дарвоза олдида жиловдори отини шайлаб турарди.

- Сизлар шу ерда қолаверинглар,- деди ортидан чиққан икки нафар соқчига. Мен уйга бораман-у тезда қайтаман!

У отига сакраб минди-да кўҳандиз девори ёқалаб, отини йўрғалатиб кетди. Бир ҳафтадан бўён, яъни Коно Бухорхудот ҳалокатга учраган ўша машъум кундан буён, у сарой ташвишлари билан банд бўлиб, шундоққина кўҳандиз

ортидаги шаҳристон1да жойлашган ҳовлисига боришга ҳам вақт тополмасди. Бугун эрталаб хотини Маликадан ҳол сўраш учун саройга келганида уни кўриб “Кечки овқат маҳали уйга ўтаман” деб қўйганди. Хотинига ва фарзандларига меҳри ғоят баланд бўлган бу олижаноб турк ўша шунчаки айтиб қўйган гапини ҳам унутмаганди.

Илгари Ҳамук Бухорхудот даврида, Шери Фарахш онаси билан кўҳандиз ичидаги саройда истиқомат қиларди. Бу саройни унинг отаси шаҳзода Шери Кишвар қурдирган эди. Шери Кишвар вафот этгандан кейин Ҳамук Бухорхудот туркларга қарамликдан қутилиш учун Шери Кишварнинг оила аъзоларини ҳам Турк-ютдан келган бошқа амалдорларни ҳам аста-секин саройдан четлаштира бошлади. Ўшанда Шери Фарахшнинг онасидан бошқа саройдаги бева қолган ҳамма аёллар оилалари билан кўҳандизни тарк этишга мажбур бўлишганди. У пайтда Шери Фарахш эндигина тўрт-беш ёшга тўлган бола бўлиб, онаси, бухорхудотларга тегишли Варахша қишлоғи оқсоқолининг қизи, ҳали кўҳликкина эди. Шу боисдан Ҳамук Бухорхудот уни канизакликка олиб қолиб, то ўғли вояга етгунга қадар ҳомийлик кўрсатди. Кейин эса Шери Фарахшни уйлантириб, унга шаҳристондан алоҳида уй-жой қуриб берганди. Шери Фарахш ўзининг ҳомийси, валинеъмати бўлган Ҳамук Бухорхудотга садоқат билан хизмат қилди. Боболари ҳоқон бўлган бу турк ўғлони давлат сиёсатини жуда нозик тушунадиган, зукко ва доно вазир бўлиб етишди. У отасининг ким бўлгани-ю Бухорхудот ким эканлигини тушуниб олганлиги учун ҳеч қачон отасидан қолган бойликларга даъво қилмади. Чунки бу бойликлар аслида бухорхудотларга тегишли бўлганлиги учун Шери Кишварнинг авлоди уларга эгалик қилишга ҳаққи йўқ эди. Шери Кишварнинг вафоти Бухоро мулкига эгалик қилиш борасида адолатнинг тикланишига йўл очиб берган эди. Бу ҳақиқатни ёшлигидаёқ англаб олиш учун Шери Фарахшга онасидан олган тарбияси, эшитган насиҳатлари катта ёрдам берганди.

Шери Фарахш сидқидил хизматлари туфайли Коно Бухорхудотнинг ҳам юксак ишончини қозонди. Бухорхудот

давлат ишларини юргизишда Шери Фарахшга таяниб қолган эди. Бу ҳол вазирни ғурурлантириб юбормади, у Кононинг обрўйига шерик бўлишни истамасди, шунинг учун мамлакатни бошқаришга доир ҳар қандай масала ҳал этилаётганда иложи борича Бухорхудотнинг раъйига қараб иш тутарди.

Коно Бухорхудотдан кутилмаганда айрилиб қолиш Шери Фарахшни эсанкиратиб қўймади. У ўз зиммасига тушаётган масъулиятни дарҳол англаб етди. Чунки вазир нафақат ўз ҳукмдори олдида, балки унинг авлод-аждоди олдида ҳам, мамлакат ва халқ олдида ҳам ўз бурчини адо этиши лозим эди. Мана шу бурчдорлик ҳисси Шери Фарахшнинг ҳаловатини ўғирлаган, унга бир лаҳза ҳам тинчлик бермаётган эди.

Шуларни ўйлаб, Шери Фарахш қандай ҳовлисига етиб келганини сезмай қолди.

* * *

Бухорхудотнинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги шов-шувли хабар бутун мамлакатга тарқалиб бўлди. Одамлар аввалига бу хабардан ваҳимага тушдилар, улар бу воқеанинг кетидан яна қандайдир бир фалокат бошланиши ҳақида гапира бошладилар. Кейин эса бир томондан Шери фарахш юборган амалдорлар, иккинчи томондан Хина ўғилларининг тарафдорлари қишлоқма-қишлоқ юриб ўзларига лашкар йиға бошлагинида, одамлар Кононинг ҳалок бўлиши ҳокимият учун талашаётган икки томоннинг ўйини экан, деган хулосага келдилар. Улар ҳар ерда тўда-тўда бўлишиб, бу ҳақда баҳслашишар, бир хиллари Хинанинг ўғилларини фитначилар деб айблашса, бошқалари Шери Фарахшни туркларга сотилган жосус сифатида айблашарди. Аммо деҳқонларнинг аксарияти Шери Фарахш томонга ўтишаётган эди. Бу уларнинг мавжуд ҳокимиятга садоқатларидан эмас, балки ҳозирнинг ўзида кўраётган манфаатлари туфайли эди, албатта. Чунки, Вазирнинг лашкар йиғувчилари ёлланганларга Хинанинг ўғиллари тўлаётгандан кўра икки баробар ҳақ тўлашаётган, шунингдек, кимки лашкарга

қўшилса йиллик солиқдан озод этилажагини эълон қилаётган эдилар.

Деҳқонларнинг ёппасига Шери Фарахш томонга ўтиб кетаётганлиги ака-ука Абро ва Дихамни қўрқитиб юборди. Улар жон-жаҳдлари билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга тириша бошладилар. Бу йўлда ҳатто иғво тарқатишдан ҳам тоймадилар. Энди улар иккаласи бирга эмас, ҳар бири беш-ўнта ашаддий тарафдорлари билан кун бўйи қишлоқларда изғиб, Шери Фарахшга қарши ташвиқот олиб борарди.

Варахша яқинидаги бир қишлоқда деҳқонлар Абро ва унинг ҳамроҳларини ўртага олишиб, унга қўшилмасликларини юзига очиқ айтишди.

- Сизларда ғурур борми ўзи?- қичқирди Абро жаҳл билан уларга қарата. – Коно Бухорхудотнинг шу пайтгача ўтказиб келган зулмига чидаб келганларингизни тушунса бўлади, нима бўлганда ҳам у ўзимизнинг одам эди. Энди аллақандай туркнинг алдовига ишониб ўтирибсизлар. Ахир Конони хуфёна йўқотган Шери Фарахшнинг ўзи-ку. Наҳотки, у юртимизни яна турк ҳоқонлигига қўшмоқчи бўлаётганини тушунматган бўлсангиз?! Сизлар унинг садақа қилаётган тўрт танга пулига сотилаяпсизлар! Билиб қўйинг, у бугун сизларни солиқдан озод қилаётган бўлса, эртага ўн баравар ортиқ қилиб қайтариб олади, ҳа! Қайси ҳукмдор деҳқонга текинга ер бериб қўярди?

- Сен ўзинг бизни алдаётган бўлма тағин?- истеҳзоли кулиб олдинга чиқди барваста бир деҳқонзода. – Шери Фарахш туркларга сотилиши мумкин эмас. У шу ерда туғилган, шу ернинг фарзанди! Ахир, унинг бобоси Варахшанинг оқсоқоли бўлганлигини ҳамма билади-ку!

- Ўв, билимдон!- овозини баландлатиб унга киноя қилди Абро. – Унинг она томондан бобосини билар экансан-у, нега ота-бобоси Турк ҳоқони ўтганини билмасликка оласан?!

- Ҳоқон ўтган бўлса нима қипти?- тортишувни давом эттирди деҳқонзода.- Керак бўлса, ўша ҳоқоннинг олдига бизнинг боболаримиз ёрдам сўраб боришганда дўстона ёрдам берган. Шери Кишвар келиб, Бухорода тинчлик ўрнатган. Ўша шаҳзодадан сенинг боболаринг ҳам миннатдор

бўлишган. Энди сен келиб, унинг ўғлига туҳмат қилаяпсан! Биз вазирга ишонамиз, сенга эмас. Агар у хиёнаткор бўлса эди, шу пайтгача Кононинг ёнида юрмас эди.

- Бўлди! Ақлли бўлган сендан ўргилдим,- деди рақиби билан тортишувдан фойда йўқлигига ақли етган Абро. – Сенларда ўзи муқаддас еримизга садоқат ҳам, бухорхудотлар авлодига ҳурмат ҳам қолмабди. Фақат шу кунингни ўйлайдиган бўлиб қолибсанлар! Майли, сенларсиз ҳам мен боболарим тахтини қўлга киритаман. Ўшанда кўрамиз аҳволларингни!

Шундай дея аламзада Абро отининг жиловини ортга бурди.

- Шошма, Абро! – ёши каттароқ бир деҳқон одамлар орасидан югуриб чиқиб, отнинг жиловидан ушлади. – Сен биздан бекорга хафа бўлаяпсан. Биз деҳқонларга ким подшо бўлишининг нима фарқи бор? Сен буни тушун. Бизга мамлакат тинч бўлса, бўлди-да! Бизга қолса, бухорхудотларнинг подшолиги давом этаверсин эди...

- Мен ҳам шуни айтаяпманда, ахир,- деҳқоннинг гапидан кўнгли кўтарилгандек бўлди Абронинг. – Лекин анави вазир буни хоҳламаяпти-ку!..

- Нима энди сен билан вазирнинг келишолмаганларинг учун одамлар бир-бирига қарши қилич қайрасинми? Сен ҳали ёшсан, ўзингдан катталардан маслаҳат олсан бўларди! Халқнинг ўзи сени подшо қилиб кўтармаса, подшо бўламан деб югурганинг бефойди, шуни унутма!

Э, маслаҳатингизни пиширириб енг!- росмана жаҳли чиқиб кетган Абро отига қамчи урди ва жўнаб қолди.

- Нодон!- бақирди унинг ортидан ҳалиги деҳқон. – Мамлакатнинг бухорхудотлар қўлидан кетишига ўзинг сабабчи бўляпсан, билдингми! Сен ақлинг билан подшоликка муносиб эмассан!!!

Аммо унинг бу гапларини Абро эшитмади. У ўзининг шериклари қуршовида сўкина-сўкина уни шарманда қилган одамлар тўдасидан узоқлашган эди. Одамлар эса унинг ортидан масхараомуз хо-холаб кулишарди.

Бир ҳафта мобайнида Хинанинг ўғиллари итдай елиб-югуриб ўзларига зўрға уч юзга яқин лашкар йиғишга муваффақ бўлишди. Уларнинг деярли барчаси камбағалликдан куни ўтмай қолган ва Абро ҳокимиятга чиқиб қолса ҳаётларида ўзгариш бўлишидан умидвор бўлган кадиварларнинг бекорчи ўғиллари, шунингдек саргузаштга ўч бўлган ёш-яланглар эди.

Абро ишлари юришмаётганидан жиғибийрон бўлар, асабийлашарди.укаси Дихам эса ҳали акасига қараганда анча руҳан тетик ва серғайрат эди. Чунки у қаерга бормасин ўзига бир қанча тарафдор топишга эришаётган эди. Бунга Дихамнинг вазиятни айёрона босиқлик билан тушунтира олиши, ўзини асилзодаларга хос сипо ва дадил тутиши ва тарафдорларида ғалабага ишонч уйғота олиш қобилияти сабаб бўлганди.

Хинанинг ўғилларидан қурол-аслаҳа олган йигитлар ҳар куни жонларига текканча жанг қилишни машқ қилишарди. Улар Абродан қачон ҳақиқий жангни бошлашларини сўрайвериб безор қилишарди.

- Яқин қолди,- дерди Абро уларга аниқ жавоб бера олмай, ўзи эса бўлажак тўқнашувни ўйлаб, юраги орқасига тортиб кеарди. У ўзи ўйлаганчалик тарафдорлар йиға олмаганидан, рақиблари эса борган сайин кучайиб бораётганидан саросимага тушиб қолган эди. Унинг бирор маслаҳат берадиган ишонган кишиси ҳам йўқ эдики, бу яккаланиб қолаётганлик ҳисси юрагини баттар эзарди. Фақат ҳақиқий аҳволдан бехабар қари онасигина унга далда бериб, Хинанинг орзусини рўёбга чиқаришга ундарди. Хотини эса раъйига қарши гапиришдан қўрққанидан, зафар у томонда эканлигига уни ишонтирмоқчи бўларди.

Вақт эса кун сайин ўтиб борарди. Хинанинг ўғиллари тахтни қандай эгаллаш тўғрисида ҳали тайинли бир режага эга эмасдилар. Кўҳандизга ҳужум уюштириш ўзини тўппа-тўғри рақибнинг ўқига тутиб бериш деган гап эди. Чунки қалъа мустаҳкам ва унинг устида турганлар пастда турганларга қирон келтириши шубҳасиз. Шери фарахшни очиқ майдонда жанг қилишга чорлаш ҳам бориб турган

ахмоқлик бўлади. Чунки, уларнинг куч жиҳатидан устунлиги аён... Нима қилиш керак? Балки, Шери Фарахш озроқ сонли навкарлари билан бирор ёққа чиқадиган вазиятни пойлаш керакдир? Балки унинг одамлари орасидан фитначилар тайёрлаб, суиқасд уюштириш керакдир? Буни қандай амалга оширса бўлади?

- Ўша куни Малика аммамизга қаттиқ гапириб ранжитганинг чакки бўлди-да Абро,- деди Дихам акаси билан режалари ҳақида маслаҳатлашиб ўтирган пайтда. – У кишини ўз томонимизга оғдириб олишимиз керак эди. Аммамга нима, тахтга чиқадиган ўғли бўлмаса? Бошқа биров подшо бўлгандан кўра ўз жияни бўлса, унга ҳам яхши эмасми?

- Гапингни қара-ю, укажон! – деди Абро. – Ўз туғишган акасининг қотилига ялиниб-ёлвориб, вафодор хотининг бўламан деб этагини ўпган ўша мияси айниган кампир қариндош-уруғни билармиди?

- У пайтда вазият бошқача эди-да, ака. Коно бор эди, аммам эса унинг – бизлардан бошқа кими бор? Ҳалиям кеч эмас, бир иложини қилиб, Малика аммам билан учрашиш керак.

- Бундан бир натижа чиқишига менинг кўзим етмайди.

- Барибир бир уриниб кўриш керак.

- Унда ўзинг уриниб кўравер, бу иш менинг қўлимдан келмайди.

Шу суҳбатдан кейин Дихам бошқа ташвишларини йиғиштириб қўйиб, қандай қилиб бўлмасин Бухорхудот саройига йўл топиш ва Маликани қўлга олиш ҳақида ўйлай бошлади. Бироқ унинг кўҳандизга кириши таъқиқланган, мабодо бир амаллаб киришга рухсат олган тақдирда ҳам Малика билан гаплаша олиши мушкул эди. Диҳам бу чигалликни еча олмай боши қотарди.

У ҳамёнини олтин ва кумуш тангаларга тўлдирди-да таваккал деб режасини амалга ошириш учун Бухорога йўл олди. Акасининг маслаҳатига қулоқ солмай у ўзига ҳамроҳлар олишни рад этди. Чунки кўпчилик бўлишса, уларни айғоқчилар сезиб қолишлари мумкин эди.

Дихам шуҳарга кун пешиндан оғганда кириб келди. У отини шаҳардаги зардуштийлар ибодатхонасига қўйиб, ўзи кўҳандиз томонга пиёда бормоқчи эди.

Ибодатхона ходимларига у ўзини қишлоқдан савдо юмуши билан келган деҳқон сифатида таништирди ва ибодатхонага атаган ҳадясини ҳам топшириш истагида эканлигини билдирди. У оташгоҳда пешин ибодатини бажо келтириб чиққач, атрабонга бир неча кумуш танга ҳадя этди-да:

- Мен шаҳар бозорини айланиб келмоқчиман, муҳтарам зот. Сиздан илтимос, отимни шу ерга қолдириб кетишимга монелик қилмасангиз. Кечга яқин қайтиб келаман, мабодо жуда кеч қоладиган бўлсам, ибодатхонада тунаб қолмоқчиман.

- Кўнглинг хотиржам бўлсин, бўтам,- деди атрабон тангаларни ўз ҳамёнига солар экан. – Ибодатхона ҳар бир мусофир учун ҳамиша очиқ, бу ер худонинг даргоҳи-ку, ахир...

- Раҳмат сизга, муҳтарам зо!

Дихам елкасига халтасини ташлаб йўлга тушди. У йўлдан ўтган-қайтганларга эътибор бермай, ўзини эркин ва бапарво тутишга ҳаракат қиларди. Кўҳандизга яқин қолганида у қаторлашиб турган отлиқ навкарларга кўзи тушди. Олдинлари қалъа атрофида бунчалик кўп навкар турмасди. Демак, ҳозир назорат ва қўриқчилик кучайтирилган.

Дихам кўҳандизнинг кунчиқар томонидаги очиқ бозорга кириб борди. Бу ердан кўғандиз дарвозасини узоқдан бўлса-да кузатиб туриш мумкин эди. Бозор расталари оралаб юрар экан у савдогарлардан шунчаки у-бу нарсани баҳосини сўраб қўяр, фикри-зикри эса дарвоза томонда эди. У бирор соатларча бозорни айланди. Шу вақт ичида кўҳандиз дарвозасидан бирор киши на кирди, на чиқди. Бу ҳол Дихамни зериктирди. Ниҳоят у каттакон бир қовун харид қилиб олди ва четроққа ўтиб, халтасини тагига ёзди-да ўтириб олиб қовунни кесди. Бу жойдан кўҳандиз дарвозасигача бўлган оралиқ юз қадамларча бўлиб, навкарлар яққол кўриниб турарди.

Бир пайт бозорнинг орқа томонидан о туёқларининг товуши эшитилди. Дихам ўгирилиб у томонга қаради. Тош йўлдан бир неча суворий кўҳандиз томонга келаётган эди. Уларнинг олдингиси лашкарбоши бўлса керак бошига дубулға, эгнига совут кийган, қилич-қалқон ва ўқ-ёйлар билан қуролланган эди. Улар Дихамнинг шундоққина ёнидан ўтишар экан, йигит сочларини тўзғитиб юзини яширди ва ўзини қовун ейиш билан машғул қилиб ўтирди.

- Ҳой, жудурвоқи!

Дихам отлиқлардан бири унинг тўғрисига келиб қичқиргани-да юраги шув этиб бошини кўтарди.

- Қовун пўчоқларини йўлга ташлама! Отим тойиб кетганида кўрардиганингни кўрардинг, ҳе, ярамас! Сен қаторилар...

Навкар нималардир дея унинг олдидан ўтиб кетди, шериклари Дихамга эътибор ҳам беришмади. Нарироққа боришгач эса у ҳақда қандайдир таҳқирловчи гап айтилди шекилли, хо-холаб кулиб юборишди. Дихам уни танишмаганига шукур қилиб, шошилганича қовун пўчоқларини йиғиб халтасига сола бошлади. Унинг аҳволини кузатиб турган бозорчилар ҳам бир-бирларига қараб кулиб қўйишди.

Кун қайта бошлагинида бозор сийраклашиб қолди. Дихам энди бу ерда узоқ тентираб юролмасди. Чунки унда шубҳаланиб қолишлари мумкин эди. Шунинг учун у шаҳристон томонга кетиб, бир айланиб келмоқчи бўлди. Ҳадемай кун ҳам ботади. Ўшанда сарой хизматчиларидан битта-яримтаси кўҳандиздан чиқиб, бирор томонга йўл олса, Дихам панароқ жойда уни ушлаб олади-да... кейин нима қилишини ўзи ҳам билмасди. Ҳар ҳолда у кўҳандиздан бирор кишини ёлғиз чиқиб келишини кутаётган эди.

Дихам бозордан шаҳристонга кетаётган одамлар оқимига тушиб кета бошлади. Шаҳристоннинг тор кўчаларида одамлар ҳар томонга тарқалишиб , уй-уйларига кириб кетишарди. Дихам ҳашаматлироқ қилиб қурилган бир уй олдидан чиқиб қолди. Унинг олдида икки соқчи турарди. Дихам улар томонга қарамасликка ҳаракат қилиб тез-тез

ўтиб кетди. “Бу кимнинг уйи бўлдийкин?- ўйлади у- соқчилар нега туришибди? Бу кўчадан юришим хавфлига ўхшайди”. У соқчилар қўриқлаб турган уй Шери Фарахшники эканлигини билмас эди. Дарҳақиқат, унинг бу ерда юриши хавфли эди. Мабодо, ҳозир Шери Фарахш келиб қолиб, уни учратганида, шубҳасиз таниб қоларди. Дихам бошқа кўчага ўтиб, ортига қайтди. У яна бозор майдони олдида пайдо бўлиб, кўҳандиз дарвозасини ўғринча кузата бошлади.

Ниҳоят, қош қорая бошлаганда дарвоза очилиб, ундан бир неча навкар чиқиб келди. Улар кўҳандиз олдида турган навкарларни алмаштиришди, ташқарида турган навкарлар эса ичкарига кириб кетишди. Кейин дарвоза яна очилганда ичкаридан икки киши чиқиб келди. Кўринишидан улар аёлларга ўхшарди. Улар навкарлар орасидан ўтиб, олдинроққа келишгач, бири иккинчисига қўлидаги халтага ўхшаган нимадир берди ва тўхтаб туриб нималарнидар гаплашишди. Кейин қўлидаги нарсани берган аёл орқага қайтиб, дарвоза томонга йўл олди, буниси эса кўҳандиз майдонидан ўтиб тўғри шаҳристон йўлига тушди. Дихам кутилган дақиқалар етиб келганидан юраги орзиқиб, тез-тез у томонга юра бошлади. Ораларидаги масофа яқин қолганида Дихам унинг қадди-қомати келишган ёш қиз эканлигига амин бўлди. “Чўриларидан бири бўлса керак”,- ўйлади ва қадамини секинлатиб, қизни ўз олдидан ўтказиб юбориб, кейин орқасидан тушди. Қиз ўнгу сўлига қарамасдан илдам кетиб борарди. Қўлидаги кичикроқ халтанинг юки оғирроқ шекилли, қиз уни кўтарган томонга энгашиб юрарди. Йўлнинг икки томони очиқ жойи тугаб одамларнинг уйлари бошланди. Онда-сонда йўловчилар дуч келишарди. Дихам қадамини тезлатиб, йўталиб-йўталиб қўйди. Қиз орқасидан кимдир келаётганини сезса ҳам ўгрилиб қарамасди.

- Ҳой, қиз,- чақирди уни Дихам оралари жуда яқин қолганида.

Қиз қарамади, баттар қадамини тезлатди.

- Ҳой, қиз, деяпман,- овозини баландлатиб чақирди Дихам атрофига олазарак қараб қўйди. Ҳеч ким йўқ эди. Қиз яна

қарамади, у гуёки хавфдан қочаётгандай қадамини тезлаштирарди. “Қўрқитиб қўйдим, шекилли,- ўйлади Дихам.- Қувсам қочадиганга ўхшайди, бир бало қилиб тўхтатишим керак!”

- Менга қара, нега тўхтамайсан,- мулойим овозда унинг орқасидан гапириб кела бошлади Дихам. – Сенда ишим бор... Мен Маликани кўрмоқчи эдим, лекин саройга киритишмади...

“Малика” номини эшитгач қиз таққа тўхтади. Чўри деса чўрига ўхшамайди, озода кийинган, юзлари сутга чайилгандай оппоқ навниҳол қиз Дихамнинг қаршисида турарди.

- Менга кўчадаги одамларга гапириш мумкин эмас,- деди қиз ўзига қараб анграйиб қолган йигитга.

- Биламан, тушунаман,- деди шошиб Дихам ва қизга хунук кўринмаслик учун сочини тузатиб, жилмайди. – Кўчада ҳар хил одам бўлиши мумкин, яхши ҳам, ёмон ҳам...

Қиз муйлаби ўзига ярашиб турган хушсурат бу йигитнинг ёмон одам эмаслигига ишонди чоғи, жилмайиб деди:

- Мен бугун биринчи марта ёлғиз юришим, шунинг учун қўрқиб кетдим...

Онам уйга кузатиб қўяётганда йўлда ҳеч кимга тўхтама ва гаплашма деб тайинлаганлар.

Дихам бу сафар қизнинг юз кўринишидан хитойлик одамлардан бироргасининг фарзанди эканлигини сезганди, бу гапидан кейин эса дарҳол саройдаги энага хотинни эслади.

- Мен онангни яхши танийман,- аврашга тушди йигит. – У Малика Сюнинг энг яқин дугонаси эди... Қани юрақол, уйинггача кузатиб қўяман. Бкингни менга бер!

Дихамнинг тахминан айтган гапи тўппа-тўғри эди, шунинг учун қизнинг кўнглидаги хавотир бутунлай тарқалиб кетди.

- Сен ҳам саройда хизмат қилганмисан?- сўради қиз қўлидаги халтасини Дихамга тутқазар экан.

- Ҳа, мен соқчилардан бири эдим,- деди ёлғондан хўрсиниб Дихам. – малика Сю вафот этгандан кейин хизматдан кетдим...

- Нега?- ҳайрон бўлиб сўради қиз.

- Биласанми, бунинг сабабини сенга айтолмайман,- тутилиб қолмаслик учун гапни айлантирди Дихам. – Бу ўша... ҳалиги... шерлар воқеаси билан боғлиқ. Руҳлар менга сир сақлашни буюришган.

Йигит бу гапларни шундай бир жиддий ҳолатда айтдики, уйида ҳам отаси шер боласига ёпишиб олгандан буён шерлар ва руҳлар ҳақидаги ҳар қандай гапга қулоқлари динг бўладиган ёш қиз дарҳол бунга ишона қолди.

У ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб:

- Улар сенга менинг отам ҳақида ҳеч нарса дейишмадими?- деди.

Кутилмаган бу савол Дихамни гангитиб қўйди. Унинг отаси ким? У ҳақда нима дейиши мумкин?

- Дейишди... Аммо бу ҳақда ҳам ҳозир ҳеч нарсани гапиришим мумкин эсам, оқибати ёмон бўлади,- деди пешонасидан чиқаётган терни артаркан у.

Қиз нафасини ичга ютди. Дихам фурсатдан фойдаланиб:

- Сен саройга ҳар куни борасанми?- деб сўради.

- Ҳа, мен энди катта Маликанинг канизакларидан бириман. Бугун биринчи кун хизматга боришим эди.

- Нима, кечаси саройда қолмайсанми?

- Йўқ. Ҳозирча кечалари отамнинг қошида бўлишим керак, у ҳали соғайгани йўқ. онам эса кичкина Маликани олиб ётади, уни ташлаб кетолмайди.

- Бу ҳолатда отанг учун овқат этаётган бўлсанг керак, а?

- Йўқ, шернинг боласи учун сут ва гўшт элтаяпман... Мана уйимизга ҳам етиб келдик. Дарвоқе, менга нима демоқчи эдинг?

- Ҳа... Мен катта Малика ҳақида...- Дихам ўйлаб қолди. – Йўқ, ҳозир эмас... Яхшиси мен эртага сенга бир мактуб келтириб бераман, уни Маликага элтиб берасан, хўпми?

- Мактуб бўлса, соқчиларга элтиб берсанг ҳам бериб қўйишади-ку?...

- Биласанми... Буни ҳеч ким билмаслиги керак. Фақат сен ва мен билишимиз керак.

Қизнинг ҳайрати баттар ошди.

- тушундинг-а?- унинг кўзларига тикилиб жилмайди Дихам. – Сен ақлли қизсан, сир сақлашни биласан! Бу учрашувимиз ҳақида ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Акс ҳолда, ёмон бўлади...

- Тушундим. Демак, эртага шу пайтда келасан-а?- астойдил қизиқсиниб сўради қиз.

- Ҳа, фақат сал кечроқ, қоронғу тушгандан кейин. Агар эртага келмасам, индинга... – Бўпти, мен сени кутаман... Ҳа, айтганча, буни отамдан ҳам сир тутишим керакми?

- Албатта!

- Унда... Манави деразани чертиб мени чақир. Унисида отам ётади.

- Бўпти, хайр!

Қиз Дихамнинг қўлидан халтани олиб, дарчадан кириб кетди. Дихам биров кўриб қолмасин учун шошилиб ортига қайтаркан, иши ўнгидан келаётганига хурсанд эди. “Пешинги ибодатимни самараси бу,- ўйларди у ўзича. – Бу кеча ибодатхонада тунайман. Ахурамазданинг ўзи менга йўл кўрсатади, ҳа, бизнинг ишимиз тўғри эканлиги аён бўляпти!” У йўл-йўлакай эртага қиз билан бўлажак учрашувда нима қилиши лозимлиги ҳақида ўйлаб келди. Бироқ ўйининг охирига етолмади. Мактуб ёзиб нима қилади? Битта мактуб билан ишни биттириб бўладими? Йўқ, яхшиси аввал саройдаги вазиятни яхшилаб ўрганиш керак. Сабр қилиш керак, бирор чораси топилиб қолар? Ҳозирча анави канизак билан алоқани мустаҳкамлайвериш керак. Ўзи жуда содда қиз экан, иложи бўлса юрагида муҳаббат уйғотиб, ипсиз боғлаб қўйиш керак уни! Ҳа, шунда бир ўқ билан икки қуённи урса бўлади. Ишлари юришиб кетса, Дихам сирини ошкор қилади-да бу гўзал қизга уйланиб олади.

Дихам ибодатхонага кириб келганида атрофга қоронғу тушаётган эди. У ювиниб, кечки ибодатга тайёрлана бошлади.

- Сен ўқимишли йигитга ўхшайсан, бўтам деди атрабон унинг ҳаракатларини кузатар экан. – Бизнинг қавмларимиз орасида сендек ибодатни бекаму-кўст бажарадиганлар унча кўп эмас. Ҳозирги одамларда имон, эътиқод қолмади...

Атрабон кўринган одамга замондан, одамлардан шикоят қилиб ўтиришни яхши кўрарди. Дихам ҳам уни қўллаб-қувватлади.

- Нимасини айтасиз муҳтарам зот! Одамлар диндан чиқиб кетишяпти. Баъзилар эса Зардуштнинг ҳақ дини турганда, аллақандай Буддами, Кўк-Тангрими, яна Исломми-ей, бир тўда бўлмағур динларга ҳам ўтиб кетишаётганини айтмайсизми?!

Атробон кўнглининг тагидаги суҳбатдош топилганидан севиниб кетди.

- Ана шунинг учун ҳам биздан худонинг қаҳри келганда!- деди у. – Юртдан тинчлик йўқолди, файз кўтарилди. Билмадим охири нима бўлади... Ишқилиб охири бахайр бўлсин. Дарвоқе, эшитдингми, Коно Бухорхудот ўлмаган эмиш!

- А?! Ўлмаган эмиш?- бу гапдан ҳангу-манг бўлиб қолди Дихам. – Ким... ким айтди?

- Э, гап кўп, пичирлади атрабон. – Ибодатингни қилиб бўлиб, кейин менинг ҳузуримга кир, ҳаммасини бир бошдан айтиб бераман.

Дихам аҳволи бирдан ўзгарганини сездирмаслик учун тез-тез ибодат амалларини бажара бошлади. У нима қилаётганини ўзи ҳам билмас, хаёллари алғов-далғов бўлиб кетган эди. Бир амаллаб “ибодат”ини ниҳоясига етказди-ю, ўзини бамайлихотир тутиб, атрабоннинг ҳужрасига кирди.

- Кел, бўтам,- деди атрабон унга ўтириш учун жой кўрсатар экан.

Дихам аста атрабоннинг ҳужрасига чўккалаб ўтирди. Ўртада қўш пиллик ёниб турар, дастурхонда нон ва сувдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

- Ол, тамадди қил.

- Раҳмат, қорним тўқ,- деди Дихам,- бозордан роса қовун ебман...

- Шундай қилиб десанг, ҳукмдоримиз Коно ўлмаган эмиш. Унинг ўлганига менинг ҳам шубҳам бор эди ўзи...

- Сиз буни қаердан эшитдингиз?

- Ҳовлиқмай гапимни эшитсанг-чи, бўтам. Хўш... Ўша куни, десанг, Коно вазири-ю навкарлари билан овга кетаётиб, менинг олдимга кириб ўтган эди. Эрталабки ибодатни эндигина қилиб бўлган эдим. Коно отасининг руҳига дуо қилиб беришимни сўради. Мен илтимосини бажо келтирдим. Кейин муқаддас ўтдан бир чўғ олиб унга бердим. Уни бирга олиб юрса, офату фалокатдан асрайди-да. Айтишларича ўша чўғни Коно Хунбунга бериб қўйган... Конони йўқотиб қайтиб келаётганларида чўғ солинган қутича Хунбуннинг ёнида бўлмаган. Ҳа, муқаддас олов ҳам ўша ерда, Конони ер ютган жойда қолган...

- Сўзингизни бўлганим учун узр, муҳтарам зот, Хунбун деганингиз ким ўзи?

- Сен уни танимайсанми? У Кононинг ишонган кишиларидан бири эди, соқчиларнинг бошлиғи эди, кўп йиллардан буён. Ҳамма бало ўша касофатдан бошланган, мен сенга айтсам. Чунки, Хунбун ҳам Коно сингари буддавий аёлга уйланиб, имонини йўқотганлардан бири. Улар одам ўлгандан кейин руҳи ҳайвонларга ўтади деб эътиқод қилишади. Бултур Кўҳандиз атрофида шерлар пайдо бўлгандан кейин шу гапни ҳамма ёққа ёйиб юборишди. Бўлмағур гап бу! Инсон руҳи ҳеч қачон ҳайвонга ўтмайди. Инсон ҳар уч минг йилда қайта дунёга келади, ўшангача руҳ озод яшайди. Овестода шундай дейилган... Энди шерлар масаласига келсак, улар бир йиртқич ҳайвон-да, ўзинг биласан, барча йиртқич ҳайвонларнинг ҳомийси ёвуз Аҳриман-ку! Бадбахт Хунбун эса шунча бало етмагандай, овдан битта шербаччани уйига олиб келибди, унга сут бериб парвариш қилаётганмиш. Ана кўрасан, яна бир фалокатни турғизади бу ҳали! Аҳриманнинг чангалига тушиб қолган у беимон,- қария таассуф билан бош чайқаб қўйди, сўнг Коно ҳақидаги гапини давом эттирди:

- Хуллас, ўша куни ҳамроҳлари Конони “ер ютди” деб ташлаб келишган. Уни тупроқ тагидан чиқариб олишга ҳаракат ҳам қилишмаган. Ким билади, балки у чиндан ҳам ўлмагандир? Ҳа, катта Маликанинг туши шундан далолат бераяпти. Ҳали сенга унинг тушини айтиб бермадим-а?

Сўзимни бўлмай тур, гапимнинг бошини йўқотиб қўйдим... кеча олдимга туркларнинг фолбини келган эди. Уни Малика саройга чақиртириб, кўрган тушининг таъбирини сўрабди. Маликанинг тушига Коно кирганмиш. У оловнинг ичида ўтирганмиш-у “мени олиб кетинглар, бу ерда совуқ қотиб кетдим”, дермиш. Фолбин тушнинг таъбиридан Кононинг ўлмаганлигини, ёрдамга муҳтож бўлиб қаердадир қийналиб ётганини англабди-ю лекин Малика қўрқувга тушмасин, деган мақсадда унга “Эрингизнинг жасадини олиб келиб, расм-русм билан дафн этиш керак” деб жавоб берибди. Мен фолга ишонмайман-у, лекин юрагим сезиб турибди, ўша муқаддас олов туфайли Ахурамазда Кононинг ҳаётини сақлаб қолган. Тезроқ бориб уни қутқариш керак.

Бу гаплардан Шери Фарахшнинг хабари йўқми?- сўради кўнгли сал тинчиган Дихам, у ҳали Кононинг тириклигини ҳеч ким кўрмабдику, дея бу гапга ишонмади.

- Нега хабари бўлмасин, бор. Малика йиғлаб ундан эрининг ҳалок бўлган жойига олиб боришни ва жасадини топиб беришини талаб қилган. Вазир рози бўлган.

- Бориб келишибдими?- яна бетоқат бўлиб сўради Дихам.

- Борган бўлишса, Конони олиб келишарди-да, бўтам. Ҳали боришмабди.

- Қачон боришаркан?

- Мен қаёқдан билай, бўтам. Кимнинг юраги дош берарди энди у ёққа боришга? Айтишларича бу гапни эшитиб ўша овда бўлганларнинг ҳаммаси ҳар ёққа қочиб кетганмиш, Шери Фарахш бари-бир уларни топтиради ёки ўзи боради.

“Жин урсин!- ўйларди Дихам. – Ҳали Коно тирик бўлиб чиқса-я? Йўқ унинг тирилишига йўл қўймаймиз! У отамнинг ёнига жўнаши керак эди, агар жўнамаган бўлса, ўзим жўнатвораман!..”

Атрабоннинг гапларидан Дихам ўзига керак бўлган яна кўп нарсаларни англаб олди. Аввалги эшитган миш-мишлари аниқ бўлган воқеалар эканлигига амин бўлди. Демак, Хунбун – бугун Дихам учратган қизнинг отаси, ҳозир дардга чалиниб ётибди. Буни билиб олгани яхши бўлди, энди қизни ўзига

яқинлаштириши учун яна бир имкон топилди. Ҳа, қизни қўлдан чиқармаслиги керак, у Дихамга жуда асқотади.

Дихам атрабон билан бироз суҳбатлашиб ўтирди-да, кейин “эрта тонгда туриб кетишим керак”, деб ўзига ажратиб берилган ҳужрага ўтиб ётди. У безовта уй-хаёллар оғушида тонгни қандай оттирганини билмади. Тонг қоронғусида отини миниб, янгиликларни акасига етказиш учун Ромуш томон елдек учиб кетди.

У йўлни одатдагидан икки баравар қисқа вақтда босиб ўтиб, ҳансираганча акасининг олдига кириб борди. Укасининг важоҳатидан муҳим бир янгилик борлигини англаган Абро шоша-пиша уни уйга олиб кириб:

- Хўш гапир?- дея оғзига тикилди.

Дихам кўрган ва эшитганларини бир бошдан гапириб берди.

- Энди бундай қиламиз,- у ўзининг ўйлаб қўйганларини акасига айта бошлади.

- Сен одамларимизни йиғиб, Пойканд йўлидаги тўқайзорда яшириниб турасан. Малика ва Шери Фарахш билан кўпи билан ўн-ўн бешта навкар олиб, ўша ёққа боришади. Ҳа, албатта боришади.. уларни қўлга тушириш учун худонинг ўзи қулай имконият бераяпти бизга! Мен ҳозир яна шаҳарга қайтиб кеаман, уларнинг қачон йўлга чиқишларини билиб келишга ҳаракат қиламан.

- Шошма, шошма!- Абро укасининг режаси ҳали хом эканлигини сезиб, уни тўхатди.- Уларнинг қачон йўлга чиқишларини билмай туриб, биз тўқайзорга бориб нима қиламиз? Балки улар уч-тўрт кундан кейин йўлга чиқишар? Унгача бизнинг режамиздан хабар топишлари мумкин-ку. Ахир атрофимизда Шери Фарахшнинг айғоқчилари йўқ дейсанми? Сен ҳозирча бу гапни ҳеч кимга сездирма, мен ҳам ҳали йигиларга гапирмайман бу тўғрида. Бориб, уларнинг қачон йўлга чиқашларини билиб келавер, иложи бўлса, нечта навкар улар билан бирга кетишини ҳам аниқлашга ҳаракат қил! Лекин эҳтиёт бўл, тағин...

- Гапларинг тўғри,- деди Дихам ўзини босиб олиб. – Ўта эҳтиёткорлик билан иш олиб боришимиз керак. Вазиятни

қўлдан чиқариб қўйсак, кейин омад бизга кулиб боқмайди. Агар анави гаплар рост бўлиб чиқиб, Коно қайтиб келса борми...

- Конони ҳисобдан чиқаравер, у биз учун ўлган вассалом!- муштларини қисиб, ғазаб билан деди Абро. – Мана бу Шери Фарахшни бир ёқлик қилиш қийин! Балки, тўқайдаги тапаликка борадиганлар орасида унинг ўзи бўлмас? У жуда пишиқ одам.

- Менимча, боради. Чунки, Малика аммамизнинг кўнглини тинчитиш учун ҳам, миш-мишларнинг рост ёки ёлғонлигига ўз кўзи билан кўриб амин бўлиши учун ҳам у ўзи бориши керак.

Ака-укалар навбатдаги режалари ҳақида яна анча суҳбатлашиб ўтирдилар. Бу орада Дихам овқатланиб ҳам олди. Кейин акасига:

- Абро, менинг отим роса чарчаган. Яна йўлга чиқадиган бўлсам, ярамайди. Сен отингни берасан энди,- деди.

Шуни ҳам сўраб ўтирибсанми? Миниб кетавер,- деди Абро отининг чарчаганини ўйлаб, ўзининг чарчаганини хаёлига ҳам келтирмаётган укасига.

Бироздан сўнг Дихам яна шаҳарга йўл олди.

Бу пайтда Бухорода фақат биттагина одам уни ўйлаб, йўлларига кўз тикиб ўтирган эди. У ҳам бўлса Хунбуннинг навниҳол қизи Зарина эди.

Зарина ҳали исмини ҳам билмайдиган бу йигит билан кеча оқшом бўлган тасодифий қисқагина учрашувдан сўнг бутун фикру хаёли у билан банд бўлиб қолди. Кўнгли баҳор гулларидай тоза ва нозик бу қиз Дихам билан хайрлашгандан сўнг уйига кирди-да йигитнинг олдида ўзини қандай тутганлиги-ю унда қандай таассурот қолдирганлиги ҳақида ўйлай бошлади. Ҳа, унинг ёшида бу нарсага эътибор бериш ҳаммадан муҳимроқ эди. Гарчи Дихамнинг айтган гаплари Зарина учун кутилмаган янгилик ва ҳали ечилмаган сирларнинг бошланиши бўлса-да, қизни у гаплардан кўра йигитнинг хушсурат ва хушфеъллиги, ақллилиги ва унга ишонч билдириб гапирганлиги кўпроқ жалб этганди.

Ўн беш кундан буён ташқи дунёда нималар бўлаётганидан бехабар ҳолда ўз кулбасида тўшакда ётган Хунбунни ҳамма ақлдан озганга чиқариб қўйган эди. Лекин эътибор бериб қаралса, тилдан қолгани ва ўзи олиб келган шер боласига кўрсатаётган меҳрибончилигидан ташқари унинг ҳаракатларида ғайри табиий бирор аломат кўринмасди. Қолаверса (шу ери йиртилган экан яхшилаб кўринг.) гапира олмаслигига ва бировга бирор нарсани тушунтира олмаслигига кўзи етган Хунбун тақдирга тан бериб, ҳеч ким билан иши бўлмай ётарди. Бу орада эр етилган ўғли навкарликка ёлланиб уйдан чиқиб кетди, қизи ҳам кун буйи у билан ўтиришдан зерикиб, онаси билан кетадиган бўлди. Хотини Хунбуннинг аҳволидан онда-сонда хабар олар, баъзан уч-тўрт кунлаб кўринмай кетарди. Хунбун инқиллаб-синқиллаб ўзи ҳовлига чиқар, шер боласини ўйнатар ва хотини қолдириб кетган егуликлар билан уни озиқлантирар эди. Шер боласи яхши парваришланаётганлигидан ўн беш кун ичида анча тўлишиб қолди. У Хунбуннинг ёнидан жилмас, унга ўрганиб қолганди. Кулбага (бир умр Кононинг шахсий соқчисини уйи кулба бўлмаса керак?) бошқалар кирганида шер боласи ёвқараш қилиб қўярди. Шунинг учун Зарина ҳам отасининг олдига ҳар замон киришга ҳайиқар эди. (шербачча жуда ёш ундан ҳайиқиши мумкин эмас, балки яхши кўриши керакдир)

Ҳозир ҳам қиз аста эшикни очди-да, қўлидаги халтани ичкарига қўя туриб:

- Тузукмисан, ота?- деди. Отаси ётган жойидан бош ирғаб, унга қараб жилмайди. Зарина ҳам бир табассум қилди-ю ўартта эшикни ёпиб, даҳлизга чиқди ва ўз хонасига кириб кетди. Кўҳандиздан чиқиб келаётганида у бугун саройдаги хизматидан олган илк таассуротларини отасига сўзлаб беришни ният қилган эди, лекин Дихам билан бўлган учрашувдан кейин ҳаммасини унутганди. (ёлғон, бир кўрган йигит учун дарров ўзгариб қолиши ишонарсиз. Бегона билан гаплашганини билмасликлари учун отаси билан кўпроқ гаплашиши керак)

Зарина хонасига кира солиб, деворга ўрнатилган катта кўзгу олдига келди-да ўзига қаради. Тўғридан-тўғри, чап томонидан, ўнг томонидан, орқасидан қандай кўринишини томоша қилиб, кейин эгнидаги бугун янги кийган бели бурмалик, узун пуштиранг шойи куйлагини ечди.(Онасига Малика Сю совға қилган, Хитойдан келтирилган куйлак бўлса керакда а?) Доим кийиб юрадиган калтароқ бўз куйлагини кийиб олди. Турмакланган сочини очиб, орқага ташлади. Кейин негадир ўйнагиси келди, нозик қўлларини ёнига чўзиб хона ўртасида сакраб-сакраб айлана бошлади. У айланар экан, ҳосил бўлган шамол майин сочларини ёйиб силкитар, этагини ҳилпиратар эди. Зарина кўкраги остида биринчи марта ажиб бир уйғонишни ҳис этди. У боши айлангунча чарх уриб ўйнади, кейин ўзини чалқанчасига юмшоқ тўшакка ташлади. Шу топда энтикиб нафас оларкан, у пастак кулбасининг зах ҳидини эмас, нурга ўлиб кетган оламнинг муаттар исларини симираётган эди. Куртаклар кўз ёраётган, ғунчалар гуллаётган баҳор нафаси хонани тутиб кетганди. Ҳолбуки ташқарида кеч куз ҳукм сурарди...

Зарина хаёллар оғушини тарк этиб, кўзларини очганда тун қоронғуси ҳамма ёқни қамраб олганди. У эриниб ўрнидан турди ва пайпасланиб даҳлизга, ундан ташқарига чиқди. Ўчоқ бошига борди, кулни титкилаб кўрди, чўғи камайиб қолибди. Эрталабгача ўчиб қолмасин учун устига йўғонлиги билакдек-билакдек келадиган бир нечта ўтин ташлаб қўйди. Кейин қайтиб келиб, кўчага чиқиладиган дарчанинг орқасига тамба қўйди-ю уйга кирди. Отаси ётган хонанинг эшигини очиб:

- Ухлаяпсанми, ота?- деди паст овозда. – Хайр, яхши ётиб тур. Мен ҳам ухлайман...

У хонасига кириб, ўрнига чўзилиб ётар экан, кўзларини юлдузлар нигоҳ ташлаб турган даҳлизга тикканча эртанги кун ҳақида ўйлай бошлади.

... Эртасига, худди шу маҳалда, Зарина кутиб ётган йигит келиб дераза ойнасини чертди. (ўша пайтда ойна бўлганми, деразаларга?) Зарина ўрнидан сапчиб туриб, ташқарига чиқди ва йигитни кулбасига таклиф қилди:

- Тс-сс! Ичкарида гаплашамиз, отам сезиб қолмасин,- деди у бармоғини лабига босиб пичирлар экан.

Дихам қўлини ўзига узатилган нозик ва титроқ қўлга қўйди. Улар етаклашиб қизнинг хонасига кирдилар. Қоронғу хонада йигит ва қиз кўзларини катта-катта очиб, бир-бирларига тикилганча ўтиришаркан, гапни ким биринчи бошлашини билишмасди.

- Отанг... Хунбун... ётибдими?- деди ниҳоят Дихам ўзини қўлга олиб. Қиз бош ирғаб: “Ҳа”,- деди.

- Сен ташвиш чекма, у яқинда тузалиб кетади,- деди йигит узоқдан гап бошлаб, у айтадиган гапларини ўйлаб қўйган эди. – Фақат бунинг учун сен... йўқ, мен сенга ёрдам беришим керак. Сен эса менга... мени саройдаги баъзи воқеалардан хабардор қилиб туришинг керак...

- Сен менга онам айтган гапларнинг мутлақо тескарисини айтаяпсан,- пичирлаб сўзлади қиз Дихамга қараб туриб. – Онам бугун ҳам менга саройда бўлаётган гапларга эътибор бермай ўз ишимни қилишимни, эшитган ва билганларимни эса ҳеч кимга, ҳатто отамга ҳам сўзламаслигимни тайинлади.

- Онанг тўппа-тўғри айтган,- деди Дихам қизга яқинроқ суриларкан. – Биласанми, ҳозир саройда ва саройдан ташқарида бўлаётган ҳамма воқеаларни руҳларнинг ўзи менга маълум қилиб туришибди. Сен менга ишонмаслигинг ҳам мумкин... Лекин руҳлар менга сен билан алоқада бўлишимни ва сени айрим нарсалардан огоҳлантириб туришимни тайинлашаяпти... Масалан, сен катта Малика яқинда қанақа туш кўрганлигини биласанми?

- Йўқ, буни онам билади, лекин менга айтмади...

- Ана кўрдингми? Лекин сен буни билишинг керак. Маликанинг тушига Коно кирган, у: “Мен тирикман, ўлмаганман”, деган. Энди Малика Конони излаб йўлга чиқмоқчи.

- Ҳа, эртага эрталаб Малика навкарлар билан қаергадир кетмоқчи, бундан хабарим бор.

Дихам содда қизни яна осонгина қармоққа илинтирганидан ич-ичидан қувонди. У энди навбатдаги қармоқни ташлади.

- Лекин Малика билан бирга Шери Фарахш ҳам бориши керак у ерга! Бўлмаса, излаб топишолмайди.

- Наҳотки?

- Ҳа, шунинг учун малика қандай қилиб бўлмасин, вазирни ҳам бирга йўлга чиқишга кўндириши керак. Балки шу кеча кўндира олар?..

- Менимча, у вазирни кўндира олмайди... Бугун ўзим эшитдим, вазир унга? “Йўқ Маликам, иккаламиз бир пайтнинг ўзида кўҳандизни ташлаб кетолмаймиз. Ё сиз боринг, ё мен борай. Вазият жуда қалтис”,- деб айтди. Яна айтдики, Маликага ҳамроҳлик қиладиган ўн нафар навкар олдин ҳам ўша ерда бўлишган, қолган ўн нафари ҳам вазирнинг ўзи ишонган энг довюрак, садоқатли жангчиларилар экан... Демак, улар марҳум Конони излашга кетишаётган экан-да?!

- Ҳа, сир бой бермаслик учун қизни яна ҳам қизиқроқ гап билан аврай бошлади Дихам,- лекин улар Кононинг ҳалокатга учраганининг сирини билишмайди. Шунинг учун топишолмайди.

- Бу сирни Шери Фарахш биладими?- ҳайратланиб сўради қиз.

- Йўқ, Шери Фарахш ҳам билмайди. Декин у борса сир очиларди,- Дихам қизнинг қулоғи остига келиб шипшиди,- вазирнинг отига “Шер” қўшилгани бежиз эмас! Бунинг марҳумлар руҳи ўтадиган шерлар билан боғлиқлиги бор!

- Наҳотки?- ҳайрати баттар ошди қизнинг. – Сен... бу сирни... менга айта оласанми?

- Афсуски йўқ,- деди Дихам.- Вақти келса айтаман. Лекин сенга шуни айтишим мумкинки, Коно аниқ ўлган.

- Унда нега Маликанинг тушида ўлмаганман дебди?

- Биласанми, гапираверсам гап кўп,- деди қиздан керакли гапларни олиб бўлган Дихам суҳбатга якун ясаш илинжида.- Аммо сенинг ҳамма нарсани билишинг шарт эмас.

- Мен сенга тушунмайман,- хафа бўлиб деди қиз.- Ўзинг мен билан яқин алоқада бўлишинг кераклигина гапирасан-у, яна мендан ҳамма сирни яширасан! Мен нима қилишим керак ўзи?

Дихам қизнинг алданган фикри очилиб қолишидан чўчиб, навбатдаги найрангини қўллади:

- Сен хафа бўлма... Ҳаммасини аста-аста тушуниб оласан... Майли, менга ҳеч кимга айтмаслик ҳақида сўз берсанг, сенга жуда муҳим бир гапни айтаман...

- Наҳотки, менга ишонмасанг?!- қиз бечора “мен энди буткул сенинг измингдаман-ку” дегандек илтижоли қараш қилди.

- Ишонаман, ишонаман,- деди Дихам қўлини оҳиста қизнинг тиззасига қўяр экан. – Фақат ёш бошингга кўп нарсани билиш оғирлик қилмасмикан, деб қўрқаяпман...

- Мен ёш эмасман, ўн бешга кирдим,- деди қиз ўзидан бир ёш қўшиб.

- Сен ҳам бўлсанг, ўн тўққиз- йигирма ёшлардадирсан-да!

- Секинроқ!- унинг бирдан баландроқ овозда гапириб юборганидан чўчиб, оғзига қўлини босди йигит. – мени кечир, чиндан ҳам сен ақлли тўлишган қизсан. Мен ахмоқни қара-я, ахир, бу... бутун кўринишингдан маълумку!

Дихам қўлини қизнинг оғзидан олар экан, атайлаб унинг дуркун кўкрагига тегизиб ўтди. Бу “тасодиф”дан Заринанинг эти жимирлаб кетди.

- Айтақол энди,- секин пичирлади қиз. Унга ҳозир сирларни билишдан ҳам кўра ёнидаги йигитнинг овозини эшииб туриш мароқлироқ эди.

- Эшит бўлмаса. Кононинг руҳи янги туғилган шер боласига ўтган. Ҳа, ўша сенинг отанг олиб келган шер боласига. Отангга бу сир аён бўлгани учун ҳам унга меҳрибончилик кўрсатади, ҳа! Лекин тақдирларни белгиловчи қудратли руҳлар бу сирни отанг бошқаларга айтиб қўймасин учун унинг тилини боғлаб қўйишган!

- Йўғ-е...- нафаси ичига тушиб кетди қизнинг. – Энди нима бўлади?

- Ҳаммаси яхши бўлади. Айтдим-ку сенга ҳамма нарсанинг вақти-соати бор, деб. Ҳозир эса... сени мана бундай... қучоқлаб ўпишнинг вақти етди!

Дихам ҳайратдан қотиб қолган қизни шошилмасдан қучоқлаб тўшакка ётқизди ва дуч келган еридан ўпа

бошлади.(ЁЛҒОН) Қиз аввалига карахт эди, кейин Дихамнинг айтган гаплари таъсиридан чиқиб, эҳтиросли эркалашлари таъсирига берилди. У хушини йиғиб олишга ҳаракат қиларкан:

- Қўйсангчи... Қўйсанг-чи, керакмас...- дея оларди холос.

Агар Дихамнинг миясида аниқ тузилган режалари бўлмаганида ва уларни амалга ошириш учун ҳар дақиқа ҳисоблик эканлигини унутиб қўйганида йигит билан қиз бу тунги учрашувни узоқроқ давом эттирган бўларди. Лекин Дихам дарҳол эҳтиросларини жиловлаб олди ва қизни қучоғидан бўшатиб, ўрнидан турди.

- Вақти келиб сенга уйланаман ҳам,- деди у қизни хотиржам қилиш учун. – Ҳозир эса кетишим керак. Орамиздаги ҳамма гаплар сирлигича қолиши керак! Сенга ишонаман, хайр, мен кетдим!

Дихам хонага қандай писиб кирган бўлса, ўшандай чиқиб кетди. У кетганидан кейингина Зарина эс-хушини йиғиб ўзига кела бошлади.

“Яна исмини сўрамади-я? Ким у ўзи, қаёқдан келди, қаёққа кетади? Мени сеҳрлаб қўйганга ўхшайди...”

Зарина Дихамнинг айтган ҳар бир гапини хаёлидан ўтказиб, бир-бир эслай бошлади: аллақандай руҳлар-у шерлар, тақдирлар-у башоратлар, ўлимлар-у қайта тирилишлар, тушлар-у таъбирлар... Тағин бу сирли ҳодисаларда отасининг, онасининг, ҳатто ўзининг ҳам иштироки борлиги... Зарина буларнинг ҳаммасини ичига тугул, ақлига ҳам сиғдиролмасди. Ёки эртага ҳаммасини онасига айтиб берсамикан? Йўғ-е, ундай қилса, Дихам айтганидек, оқибати ёмон бўлиши мумкин-ку. Ахир руҳлар сирни бировга айтиб қўймасин учун отасининг тилини боғлаб қўйишган-ку. Агар билганларини ҳеч кимга айтмаса, унда нима бўлади? Малика бекорга оввора бўлиб марҳум Конони излашга чиқиб кетади. Ҳамма, жумладан онаси ҳам, отасини ақлдан озган деб ўйлаб юраверади. Шери Фарахш эса ўзининг исми ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмайди... Нима қилса экан, айтсинми, айтмасинми? Зарина бир қарорга келолмасди. “Э, менга нима? Шу пайтгача менинг

аралашувимсиз бўлиб келган ишлар бундан кейин ҳам қандай давом этса, этаверсин,- охири шундай қарорга келди қиз. – Мен ўзимни билсам бўлди. Бировларнинг ташвиши менга қолибдими? Йиги ҳаммаси яхшилик билан тугайди, деб айтди-ку. Мен ҳеч нарсани билмагандай юраверишим керак!” Зарина яна Дихамнинг оғушини ширин энтикиш билан эслади. Биринчи бор эркак кишининг нафасини, ҳидини, бўсаларининг мазасини туйган қиз энди фақат у ҳақда хаёл суришни хоҳларди. Ҳа, Дихам мақсадига тез эришганди: у қизнинг юрагида муҳаббат уйғотиб, ўзига ипсиз боғлаб кетди. Ёш қизда пайдо бўлган бу сеҳрли туйғу, бу кучли майл бошқа ҳар қандай ташвишларни, ҳар қандай манфаатларни четга суриб ташлашга қодир эди.

* * *

Маликанинг қўярда-қўймай эри ҳалок бўлган жойга олиб боришни сўрайвериши Шери Фарахшни унинг кўнглига қарашга мажбур этди. Ҳар қалай Малика малика-да, унга йўқ, Конони кўмилган жойида тинч қўйинг; марҳумларни безовта қилиш ярамайди деб бўлармиди? Тушига қаттиқ ишонган бу художўй аёл барибир фикрини ўзгартирмаслиги, қайтага эрининг ўлимида Шери Фарахшдан шубҳага бориши мумкин. Шунинг учун вазир Маликанинг сўраттириши билан ўзини ҳар томонга олиб қочган ўша ов сафарида бўлган навкарларни топтириб келди. Уларга далда бўлсин деб яна энг танилган, қўрқмас, баҳодир жангчилардан ўнтасини тайинлаб. Бирга боришга буйруқ берди.

Эрта тонгдаёқ Шери Фарахшининг ўзи Маликани навкарлар билан бирга йўлга кузатиб қўйди. Навкарлардан бирини гуруҳга бошлиқ этиб тайинлади. Улар ҳар эҳтимолга қарши деб бир неча кунга етадиган озиқ-овқат ҳам олишганди. Маликани туяга ўтқазиб, тахтиравонда олиб боришмоқчи эдилар, лекин у унамади. Ёшлигида от минишни ўрганган Малика кўзланган манзалга тезроқ боришни ўйлаб, ўзи ҳам отга минишни афзал кўрди. Шундай қилиб бошдан оёқ қора кийинган Малика навкарлар қуршовида Пойканд йўлидан тўқайзорга кириб боришарди.

Улар тепаликни адашмасдан топиб бориш учун айнан аввал юрган йўлларидан кетмоқда эдилар. Дарё соҳили бўйлаб кетишаётганида узоқдан тўқайзор кўзга ташланди.

- Яқин қолди шекилли?- сўради Малика ёнида кетаётган навкардан.

- Энди йўлнинг ярмига етиб келдик,- деди навкар “У жойга бориш сиз ўйлаганчалик осон иш эмас” деган маънони билдирадиган оҳангда.

Олдинда бораётган тажрибали, кўпни кўрган жангчилардан бири орқадагиларга қараб:

- Тўқайзор томонда бирор қишлоқ ҳам борми?- деб сўради.

- Йўқ, нима эди?- унинг саволиги савол билан жавоб қайтарди Маликанинг ёнида кетаётган навкар.

- Шу томонга биздан сал олдинроқ ҳам отлиқлар кетишган, шунинг учун сўраяпман.

- Ҳа, отларнинг излари бор,- унинг гапини тасдиқлади бошқа бир ҳамроҳи.

- Овчилар бўлишса керак-да, ҳан кун қанча одам ўтади бу ердан!..

- Лекин изларнинг ҳаммаси тўқай томонга кетган, бирортаси қайтмаган. Отларнинг тезаклари ҳам янги, менимча, биз ҳозир тўқайда уларга дуч келсак керак!

Изларни биринчи бўлиб сезган навкарнинг кўнглига бир хавотир келди, лекин буни шерикларига очиқ билдирмади. У майсаларнинг топталганидан тўқай томон кетган отлиқлар озмунча эмаслигини ва бунда бир гап борлигини сезганди. Бухорхудотнинг қўшинида кичик лашкарбоши лавозимида хизмат қилувчи бу жангчини Шери Фарахш Маликага ҳамроҳ бўлган гуруҳга бошлиқ қилиб тайинлаб, янглишмаган эди. Унинг хавотири асосли эди. у ҳатто тўқайзордаги эҳтимол тутилаётган душман Хинанинг ўғиллари бўлиши мумкинлигини ҳам тахмин қилди.

Қишлоқлар ва яйлов ортда қолиб, тўқайзорга кириб боришди. Маликанинг суҳбатдоши бўлиб келайтган навкар олдинги сафар қирғовул пишириш учун ёқилган ўтинларнинг қолдиғини кўрсатиб:

- Биз шу ерга дам олган эдик. Ҳукмдоримиз қирғовул гўшти тановул қилган эдилар,- деди.

- Балки яна дам олармиз?- деди бошқа бир навкар,- отларимиз ҳам чарчади...

- Афсуски, дам олишга вақтимиз йўқ,- деди лашкарбоши. У энди кўнглидаги хавотирни ошкор қилиш вақти етганлигини сезди. – Биз қуршовдамиз! Орқага қаранглар!..

Ҳамма ҳозиргина ўзлари босиб келган йўл томонга қаради. Узоқ-узоқлардан қандайдир пода кўзга ташланарди.

- Улар отлиқлар!- деди лашкарбоши,- биз томонга бостириб келишяпти. Мана бу ерда эса отларнинг изи уч томонга тарқалиб кетган. Демак олдинда ҳам, ўнг томонимизда ҳам, чап томонимизда ҳам бизни душман пойлаб туришибди!..

- Қанақа душман?- қўрқув билан сўради Малика.

- Менимча, бизнинг йўлга чиқишимиз Бухорхудотнинг душманларига аён бўлган,- деди лашкарбоши. – Уларнинг ким эканлигини ҳамма билса керак...

- Наҳотки, жиянларим?.. Уларга биздан нима керак?..

- Билмадим Маликам. Тез орада буни ўзлари тушунтириб беришади, деб умид қиламан.

- Шу сафар бу лаънати тўқайга оёғим тортмаган эди-я!- деди асабийлашган навкарлардан бири.

- Энди афсусланишга ҳам, қўрқоқлик қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ,- лашкарбоши ҳаммага қарата гапира бошлади. - Жанг қилиб, қуршовни ёриб чиқишга ҳаракат қилишимиз керак.

Улар таваккалига олдинга қараб юришда давом этишди. Озгина юришгач, кутилганидек, олдиларидан юз нафарча қуролланган отлиқлар чиқиб келишди. Уларнинг олдида Абро гердайиб турарди.

- Биздан нима истайсан, Абро?- ялинганнамо оҳангда деди унга қарата Малика.

- Менинг нимани исташим ҳурматли аммамизга аён эди, шекилли?,- истеҳзоли тиржайиб деди Абро. - Менинг тахт учун курашаётганимни яхши биласиз! Ёки тахтга лойиқ

эмасмизми? Ҳар ҳолда Коно тоғамизнинг ўлигидан кўра давлатни яхшироқ бошқара олсак керак?

Абронинг нимага шама қилаётганини тушунган Малика:

- Аблаҳ! – деб қичқирди. – Йўлимизга тўсқинлик қилма, акс ҳолда...

- Нима акс ҳолда?- уни масхара қилиб кулди Абро. – Яхшиликча, қуролларингизни ташлаб, таслим бўлинглар! Бизга қаршилик кўрсатишларингиз бефойда!

- Чучварани хом санабсан, тирранча!- ўзини тутолмай ғазаб билан олдинга чиқди лашкарбоши. – Мард бўлсанг, аёл кишига тегма! Бизни эса тириклайин қўлга ололмайсан! Қани йўлни бўшатинглар!

Шундай дея у қиличини яланғочлаб олдинга ташланди. Унинг орқасидан қолган навкарлар Абронинг йигитлари сафини ёриб ўтиш учун отларини қисташди. Бир пасда ола-тасир, ур-йиқит жанг бошланиб кетди. Лашкарбоши биринчи бўлиб Аброни елкасидан жароҳатлаган эди. у абжирлик билан бир нечта жангчини отдан қулатиб, ер тишлатди. Ҳақиқий жангни биринчи марта кўраётган Абронинг йигитларидан бир қанчаси жонини ҳовучлаб тум-тарақай қочиб қолишди. Бироқ ҳаял ўтмай орқа томондан яна бир тўда отлиқлар етиб келишди. Уларнинг сардори Дихам эди. дихам бир чеккага чиқиб дод солиб йиғлаётган Маликани олиб кетишни йигитларига буюрди ва ўзи жангга кириб кетди.

- Бошлиғини тириклайин ушланглар!- деб бақирарди яраланган Абро ўзини панага олганча.

Узоқ давом этмаган қий-чув ва бақириқ чақириқлар тиниб, ҳаёт-мамот жанги йўлтўсарларнинг ғалабаси билан тугади. Қароқчилар бир талай қурол-яроғу отларни, яна анча-мунча озиқ-овқатни ўлжа олишди. Улар Малика билан бирга тирик қолган тўрт нафар жангчининг қўл-оёқларини боғлаб асир олиб кетишар экан, қонга беланган ўрмон жанггоҳида ётган ярадорлар ва ўлганларнинг аксарияти ўзларидан эканлигини кўрдилар.

- Ҳечқиси йўқ!- дерди Абро йигитларига қарата. – Кураш қурбонсиз бўлмайди. Ахир, биз подшоҳ қўшинлари билан жанг қилдик ва енгдик!

Аммо бу ғалаба шармандали ғалаба эканлигини унга ҳеч ким айтмади. Айтиши мумкин бўлган кишиларнинг оғзига латта тиқилган эди.

* * *

Коно бир ҳушидан кетиб, бир хушига келиб бу даҳшатли маконда ўзи билан ўзи курашиб ётарди. Эти устихонига ёпишган гавдасини кўтаришга мажоли қолмаган, аммо жисмонан бирор оғриқ ва қийноқни ҳис этмас эди. уни фақат хотиралар, ўй-фикрлар, мушоҳадалар руҳан азобга соларди, холос. Коно баъзан нега бу ақл бовар қилмас воқеалардан кейин ҳам ақлдан озмаётганлигига, ёруғ дунёдаги ишларни ўйлай олаётганлигига ўзи ҳам ҳайрон бўларди. Нега ажал уни ўз комига олмаётганининг сабабини ўйлаб, жавоб тополмасди.

Вақтнинг ўтаётганлиги ҳам билинмайдиган бу маконга тушиб қолганидан буён Коно бир аср яшагандек бўлди. Туғилганидан то шу ер қаърига тушгунча бўлган умрини эса бир лаҳзадек тасаввур этарди. Коно ҳар қанча истамасин қачонлардир унга кўринган хотини Малика Сюнинг ва отаси Ҳамук Бухорхудотнинг руҳлари билан қайта учрашиш насиб этмаётган эди. у руҳлардан сўраб олмоқчи бўлган нарсалар кўп эди, энди уларни ўзича мушоҳада қилиб, жавоб топмоқчи бўларди. Бироқ, унинг фикрлаш қобилияти ҳам чекланган эди-ки, Коно бунинг сабабини ўзининг билимсизлигидан деб билар ва умрини коҳинлар сингари илм олиш билан ўтказмаганига афсусланар эди.

“Агар қайта тирилсам...- деб кўп нарсаларни ўйлаб кетарди у ва охирида яна:- дарвоқе, мен ҳали ўлганим йўқ-ку”- дея қайтадан фикр юрита бошларди. Худди шундай Малика Сюнинг руҳи ўтган шер ҳақида ўйлаб ётарди-ю, бирдан: “Дарвоқе, унинг руҳи шерга ўтмаган-ку” деган фикр хаёлига келарди ва Сюнинг келинлик либосида пайдо бўлиб, айтиб кетган сўзларини эслай бошларди. Эсларди-ю, яна

руҳий азоблар чангалига тушиб қолганини сезмай қоларди. Йўқ, у хотинининг ундан фарзанд бўлмаслиги-ю боласини бошқа бировдан орттирганлиги ҳақидаги гаплари рост бўлиши мумкинлигидан эмас, Маликанинг шу гапни тўқиб чиқаришга нима мажбур қилганлиги ҳақида ўйлаб қийналарди. Ахир, шу гапни айтмасдан ҳам Конога жоҳиллиги учун ҳар қанча койиса, насиҳат қилса бўларди-ку. Тўғри, Коно ҳамма нарсага шубҳа билан қараб келган, лекин Малика Сюдан ҳеч қачон шубҳага бормаган-ку. Балки Малика Сю “Коно мени эслаб кўп қайғурмасин” деган ўйда, ўзини ёмон кўрсатиш учун шундай дегандир? Йўқ у ҳолда Коно унинг фарзандини ҳам ёмон кўриб қолиши мумкинлигини Малика Сю ҳисобга олиши керак эди. балки, Малика Сю чиндан ҳам Конодан бошқа эркак билан бўлгандир? Эҳ, бу ҳақда ўйлаш нақадар жирканч бўлса-да Коно тўнғич хотинининг Ромушда эшитган миш-мишларини, Хунбун билан Сю ҳақидаги гапларни ёдга олишга мажбур бўларди.

Коно бу енгиб бўлмас танҳолик исканжасида ўзининг ким эканлигини, ҳаёт нима эканлигини тушуна бошлади. У унингсиз ҳам ҳозир ҳаёт давом этаётганлиги-ю кимдир Коно сингари ғафлатда яшаб ўтаётганлигини, ўзини бошқалардан устун деб ҳисоблайдиган, бошқаларга ҳукмини ўтказишни олий мақсад деб биладиган кимсалар Конодек нотавон эканликларини ниҳоят англай бошлаган эди. илгари подшолик менинг касбим, мендан бошқа киши подшо бўлиши мумкин эмас, деб ўйлаб юрган Коно энди подшолик касб эмас, балки вақтинчалик омад эканлигига ақли етган эди. лекин бу омад подшонинг ўзи учун эмас, унинг қўл остидаги мамлакат учун бўлиши керак эди. шу жиҳатдан Кононинг омади чопмаганлиги унга энди аён бўлганди. Чунки, мамлакатда Кононинг подшолик даврида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган, одамлар Коно Бухорхудотнинг бор-йўқлигини ҳам билмай ўз ҳолларича яшаб юрганликлари ва улар учун подшоликнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмаганлигини Коно тан олганди. Балки унинг ўрнида бошқа киши подшо бўлганида... Ҳа, тақдир тақозоси билан ҳар қандай киши ҳам подшо бўлиши мумкин экан. Бу борада

бир вақтлар Эрон мамлакатининг, Рум халқининг ёки Турк ҳоқонлигининг омади келганлигига Коно амин бўлди. Аммо уларнинг омади ҳам бошқа юртларнинг омадсизлиги эвазига бўлганлигини Коно назардан қочирмас эди.

Аммо дунё ва инсон, мамлакат ва подшоҳ ҳақидаги тасаввурлари қанчалик янгиланмасин, Коно энди бунинг фойдасиз эканлиги ҳақида ҳам ўйлар эди. У энди ўзининг бундан кейинги тақдирини, нариги дунёни ўйлаши кераклигини тушунарди. Бироқ, нариги дунё ҳақидаги аниқ бир тасаввури ҳам, ишончи ҳам йўқлиги уни бу нарсага лоқайд қилиб қўйганди. Коно отасининг ва Малика Сюнинг айтиб кетган гаплари руёбга чиқишига, яъни бу гўрдек совуқ макондан соғ-саломат чиқиб кетишига мутлақо кўзи етмас эди. у ҳатто ўша руҳларнинг кўринганини ҳам тушга йўяётган эди. Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам Коно ўзининг жонсиз жасади ҳадемай шу сирли маконнинг мулкига айланажагини, мана шу ҳеч қандай маъно касб этмайдиган олтин-у жавоҳирлар ва ёниб адо бўлмайдиган суяклар каби сочилиб ётажагини тасаввур эта оларди. Ўшанда у ўз бошига ортиқча ташвиш орттирган ўша шерлар, руҳлар, худолар ҳақида ўйлашдан буткул қутилади, ҳозиргидек икки дунё орасида сарсон бўлиб қийналмайди, ё бу дунёни тарк этиб, у дунёга боради, ё иккаласидан ҳам қутилади.

Мана шундай чексиз ва ёқимсиз ўйлар исканжасида ётган Конони яна уйқу ўз оғушига олди. Бу унинг ер ости маконидаги сўнгги уйқуси эди.

... Қаердандир пайдо бўлган баҳайбат шернинг наърасидан Коно чўчиб уйғонди. У кўзларига ишонмас эди. қўл-оёғида мажол йўқ, ўрнидан қимирлай олмас, ҳатто кўзларини уқалаб кўришга ҳам бармоқларини қимирлата олмас эди. олдида турган сариқ жунли, гавдаси бақувват бу шерни Коно таниди: ҳа, бу ўша икки яғрини яраланган шер эди. Шернинг кўзлари тўқайзордагидек чақноқ эмас эди, у гуёки Конога раҳми келаётгандек маъюс қараб турар эди.

“Ниҳоят у билан орани очиқ қиладиган вақт етиб келди,- ўйлай бошлади Коно кўраётганлари туш эмаслигига амин бўлгач. – Энди ҳақиқат юзага чиқади, агар у мени еб қўйса

ёки ғажиб ташласа, демак, Сюнинг руҳи унга ўтганлиги ёлғон. Агар индамаса ёки менга ёрдам берса, демак, Сюнинг руҳи унда!..”

Шер Кононинг хаёлидан кечган фикрни уққандай унга қараб бошини силкита туриб кўзларини бир юмиб очди.

“Наҳотки у менинг нимани ўйлаётганимни сезган бўлса?- сесканиб кетди Коно. – Унда у билан гаплашсам ҳам бўлади-ку”.

- Сен ... кимсан?- титраган товуш чиқди Кононинг бўғзидан. – Қандай махлуқсан? Ҳайвонмисан ёки... Малика Сюмисан? Сиринғдан огоҳ эт мени!..

Шер индамади. Коно яна гапирди, яна ўша саволларни такрорлади. Шер унга қараб туриб оғзини катта очиб эснади, холос. Коно шернинг жағларини, ўткир тишларини кўрди.

“Қанақасига бу йиртқич ҳайвонга беозор Сюнинг руҳи ўтсин?- ўйлади у ўзича. – Қўлга тушган ўлжасини бир ямлаб ютадиган махлуқ-ку бу. Менинг ўликдек ётганимни-ю, қоқ суякдан бошқа ҳеч вақом йўқлигини кўриб индамай турибди, шекилли”.

Шу пайт шер наъра тортиб юборди. У оғзини ёпганда ҳам товушининг акс садоси анчагача жаранглаб турди. Кононинг қулоқлари битиб қолгандай бўлди. Кейин боя ўзи хаёлидан кечирган гапларни қулоқлари билан эшита бошлади.

Қанақасига бу йиртқич ҳайвонга беозор Сюнинг руҳи ўтсин? Қўлга тушган ўлжасини бир ямлаб ютадиган махлуқ-ку бу!

Коно қулоқларига ишонмай, атрофга кўз югуртирди, лекин бирор зот, шарпани кўрмасди. Ажабо, ким гапиряпти? Қандайдир таниш овоз эди бу. Коно аввалига товушни отасининг овозига ўхшатди, кейин янглишганини пайқади, овоз ҳув ўша ибодатхонадаги зардушт атрабонинг товушини эслатарди.

-Лекин ваҳшийликда одамга етадиган жонзот йўқ, буни ҳам унутма!

Овоз Кононинг нақ қулоғининг остида эшитилаётганлиги учун атрофга аланглашнинг ҳожати йўқ эди. Бу овоз қўрқинчли эмас, аксинча, мулойим ва дона-дона

сўзлардан ибортат эдики, Коно ваҳимага тушмай жимгина қулоқ сола бошлади.

-Агар яратганнинг ўзи хохласа, оловни музга, ўликни тирикка, ваҳшийни меҳрибонга айлантира олади! Сен ҳам Коно, бир золим инсонсан! Ҳа, сен ўзингга зулм қилдинг, ўзингга! Сен ҳеч нимага эътиқод қилмадинг. Ҳатто сени бу жаҳолат зиндонидан қутқариш учун юборилган қаршингда турган якка-ю ягона жонзотдан ҳам умидвор эмассан. Ақалли ана шу ерга янглишиб эътиқод қилганингда ҳам Яратган сенга нажот беришини ўйламаяпсан!

Коно яна ўзининг жоҳиллиги ҳақида таъна эшитаётганидан юраги сиқилди.бу овоз зардуштий атрабоники эмас, балки буддавийлар коҳинининг овозига ўхшаб кетаётганини сезди. Кононинг тоқати тоқ бўлган эди. У ҳамма нарсадан безор бўлганди. Биринчи марта юракдан ўкириб йиғлаб юборди.

-Мени кечиргин, эй Яратган қудратли зот!.. Мени шундай жоҳил қилиб яратган ўзингсан-ку, ахир!

Коно йиғидан ўзини тутолмасди. Кўзларидан шариллаб ёш оқар экан юраги бўшалиб, енгил тортаётгандек бўларди.

-Яратганга имон келтир, эй адашган инсон! Имонинг сени бу азоблардан қутқарди!

-Имон келтирдим, имон келтирдим! – Коно чин юракдан бу сўзларни айтаётган эди. – Ўзимни Яратганнинг ихтиёрига топширдим! Ундан бошқа ҳеч нарса, ҳечким йўқ мен учун. Фақатгина у бор!

Шунда гумбурлаган садо эшитилиб, Коно ётган бу ер ости саройининг тепаси ва ён деворлари қасирлаб дарз кета бошлади. Тепадан ўприлиб тупроқ туша бошлади. Фақатгина Коно ётган жойга тупроқ тушмаётган эди. Ҳалиги шер Кононинг ёқасидан тишлаб олиб, тобора баланд уюлаётган тупроқ устига судраб чиқа бошлади. Коно кўзларини чирт юмиб олиб, ичида фақат имон келтирганини такрор-такрор айтишдан бошқа нарсани билмасди...

Орадан бир мунча муддат ўтиб, гумбурлаш садолари ва тупроқ узра оғир судралишлартинганда Коно кўзларини очиб, ўзини ёруғ дунёда, қип-қизил нурларини сочаётган

қуёш ва мусаффо осмон остида кўрди. Тоза, тўқайзор ҳиди анқиб турган ҳаводан кўксини тўлдириб симирди-ю юзини намчил тупроққа босиб ҳушидан кетди. Ўн саккиз кунлик даҳшатли кечинмалардан кейин у энди ҳақиқий ором олаётган эди.

* * *

Ака-ука Абро ва Дихамнинг қароқчилар тўдаси асир олинган кишиларни отларга ўнгариб, Мохонкўл тарафга олиб кетдилар. Асирлар қатори катта Маликанинг ҳам қўллари чандиб боғланган, оғзига эса латта тиқилган эди. Кўл яқинидаги ўрмон ичида Хинанинг ўғиллари ўзлари учун яширин қароргоҳ қурган эдилар. Кечга яқин улар қароргоҳга етиб келдилар ва асирларни қоронғу бир ертўлага ташлаб, фақат Маликани шох-шаббалардан тикланган чайлага киритиб қўлларини ечдилар. Малика қонли тўқнашувга, бир қанча ҳамроҳлари кўз ўнгида даҳшатли суратда жон берганлигига гувоҳ бўлиб, қўрқувдан ҳали ўзига келолмаган бўлса ҳам, имкон беришлари биланоқ бор ғазаб ва нафратини тўкиб солди.

-Биз сизга ёмонликни раво кўрмаймиз,-дея сўз бошлади Абро, Малика уларни қарғашдан чарчаб тин олган пайтда. – Фақат тахтни эгаллашимиз учун сизнинг ёрдамингизга муҳтож бўлганимиз учун шундай қилишга мажбур бўлдик.

-Мени нима қилмоқчисан, Абро?- йиғламсираб унга термулди Малика. -Ахир, сени подшоликка кўтариш менинг қўлимда эмас-ку?

-Биламан, сиз бунга ожизлик қиласиз. Лекин лаънати Шери Фарахшни бизга тутиб беришингиз мумкин. Уни йўқотсак бўлди, ҳамма иш тинчийди-қолади. Сиз ҳам раҳматли Кононинг беваси сифатида Малика унвонида қолаверасиз, аммажон!

Малика қандай қилиб Шери Фарахшни буларга тутиб бера олишига, жиянлари қандай режани амалга оширмоқчи бўлганларига ақли етмасди. У бир оз ўйлаб турди-да, деди:

- Майли, мен нима десаларингиз розиман, лекин аввал мени ўша Коно ҳалок бўлган тепаликка олиб боринглар.

Конога нима бўлганини ўз кўзим билан кўрай, кейин нима десангиз, қиламан.

Маликанинг фикру зикри Конода эди. Унинг учун ҳокимият ҳам, Шери Фарахшнинг ёки жиянларининг тақдири ҳам иккинчи даражали масала эди. Малика Кононинг ҳалок бўлганига ишонмай қолганди, ўша ғалати тушдан кейин у ўзини қўярга жой тополмай, юраги фақат Коно сари ошиқаётган эди. Ҳозир ҳам жиянларининг гапига унча аҳамият бермай, дарҳол ўзининг мақсадига кўча қолганлигининг боиси шу эди.

Аммасининг мақсади Абродан кўра Дихамга яхшироқ аён бўлганлиги учун у акасидан олдин жавоб берди:

-Майли амма, сиз айтганча бўла қолсин. Ҳозирча бошқа нарса ҳақида гаплашмаймиз. Биз эрталаб Сизга нима иш қилишингиз кераклигини айтамиз.

-Тепаликка қачон олиб борасизлар?-сабрсизлик билан сўради Малика.

-Албатта, ҳозир эмас-да, у ерга боргунимизча қоронғу бўлиб қолади. Эртага! Унгача биз навкарларингиз билан ҳам гаплашиб кўрайлик-чи,-дея акасига юзланди Дихам.

-Ҳа, айтиб қўяй,-деди Маликага қарата Абро. -Тағин бизни чалғитишни ёки алдаб қутулишни хаёлингизга келтириб ўтирманг! Жонингиз гаровда эканлигини яхши билинг, аммажон!

Малика индамади. Ака-укалар уни холи қолдириб маслаҳатлашиш учун чиқиб кетдилар. Улар ўз чайлаларида кечаси билан ўзаро баҳслашиб, ниҳоят бир қарорга келишди. Тузган режалари анча пишиқ бўлганидан икковлари ҳам мамнун эдилар.

Эрталаб Маликанинг ёнидаги халтачасидан Шери Фарахшга далил сифатида юбориш учун бирор буюм қидиришаётганда, Бухорхудотнинг муҳрини топиб олишди-ю мамнунликлари янада ошди.

-Гап бундай, -деди Абро Малика билан навбатдаги музокарани бошлар экан.- Биз сизнинг номингиздан Шери Фарахшга мактуб ёзиб юборамиз. Аммо мактубни биз ёздирганлигимизни у сезмаслиги керак. Шунинг учун

ҳийла ишлатамиз. Биз мактубни сизга бериб қўйиб, ўзимиз йигитларимизни олиб, гўёки қишлоқларга чиқиб кетган бўлиб, ўрмонинг ичкарироғига бориб яшириниб турамиз. Бу ерда сизни ва ертўладаги навкарларингизни қўриқлаб туриш учун иккитагина соқчи қолдирамиз, холос. Мақсадимизни тушунаётган бўлсангиз керак, сиз соқчилардан бирини "ўлдириб", албатта, биз унга қандай қилиб ёлғондакам ўлиб ётишни ўргатиб қўйган бўламиз, кейин ертўлага кирасиз. Асирлардан бирини озод қилиб, унга хатни бериб қочириб юборасиз. Уни тезроқ жўнаб қолиши учун шоширасиз, ўзингиз эса қолганларини ҳам озод қилиб қочмоқчи бўласизлар... Шунда иккинчи соқчи келиб қолади-ю дод солиб бизни ёрдамга чақиради. Шу пайтда биз дарҳол етиб келиб сизларни тутиб оламиз, олдинги қочиб кетган асирларни эса "тутолмаймиз". Шундай қилиб, у хатни олиб бориб Шери Фарахшга топширади ва шубҳасизки, кўрган билганларини гапириб беради. Қарабсизки, Шери Фарахшнинг ўзи келиб бизнинг тузоғимизга илинади!

-Лекин, келишувимизни бузадиган, биз чизган чизиқдан чиқадиган бўлсангиз, оқибати яхши бўлмайди,амма, -деди Дихам акасининг айтган гапларини ўта жиддий эканлигини таъкидлаш учун. –Ертўла оғзида "ўлиб ётган" соқчи сиз навкарларингизга айтадиган ҳамма гапни эшитиб туради. Қочиб кетаётган навкарни ҳар қадамда кузатиб туришади. Биз ўз ишимизни жуда пухта ўйлаб қўйганмиз...

Малика бу ўжар жиянларининг яна бир шумлик ўйлаб қўйганликларини яхши тушунди. Бир оз ўйлаб олгач, уларга:

-Албатта, шунча режани тузиб чиқишга етган фаросатларингиз, токи Кононинг олдига олиб бормагунингизча мен бирор айтганингизги қилмаслигимга ҳам етган бўлса керак,-дея синовчан тикилди.

-Э, борасизда ўша лаънати тепаликка,-деди Абро росмана жаҳли чиқиб – Намунча, ўлиб кетган одамга ёпишиб олдингиз? Аввал, бўладиган ишни ўйласангизчи!

-Йўқ, Абро!-деди Малика ҳам қатъий қилиб. –Мен учун бўладиган иш ҳозир битта, у ҳам бўлса, фурсатни ўтказмай тезроқ Кононинг олдига бориш!

-Биз сизсиз ҳам режамизни амалга оширишимиз мумкин!-бақирди Абро. –Фақат кейин сизга қийин бўлади!

-Қизишманглар, кераги йўқ, -ўртага тушди Дихам. –Нима қипти, аввал у иш бўлди нима-ю, буниси бўлди нима? Сизга ҳам бизга ҳам фурсат ғанимат, амма. Лекин, то сизни тепаликка олиб бориб келгунча биз вақтдан ютқазамиз. Шунинг учун ҳозир бизнинг айтганларимизни қилинг, ахир, бунга унча кўп вақт кетмайди-ку. Кейин бемалол сиз билан йўлга тушамиз.

-Менинг гапим битта. Вақтдан ютқазасизми, йўқми, бу билан ишим йўқ. Аввал Кононинг ҳузурига олиб борасизлар, тамом-вассалом!

Ака-укалар бир-бирларига қараб “Нима қилдик?” дегандай бир зум жим қолишди.

-Бўпти, асабий ҳолда қўл силтади Абро. - Олиб чиқ, анави ўлаксалардан биттасини! Йўл кўрсатсин,ўзларинг бориб келаверинглар. Мен шу ерда кутаман!

Дихам асирларнинг олдига чиқди. Бир нечта жангарилар назорати остида овқатланиб турган асирлардан бирини – олдинги сафар тўқайзорда Конога ҳамроҳ бўлганини – имлаб чақирди ва у билан иш хусусида гаплашди. Кейин Малика, Дихам, асир олинган навкар ва яна жангарилардан йигирматаси отларни миниб, Коно ҳалокатга учраган жойни излаб йўлга тушдилар.

Қароргоҳда қолган Абро эса зерикмаслик учун аввалига асирлар билан даҳанаки олишиб, уларни таҳқирлаб ўтирди. Абронинг йигитларига ҳам эрмак топилган эди: улар асирларни битта-битта ўртага олиб,қиличбозликни машқ қилишар, асир қалтисроқ ҳаракат қилгулик бўлса, тўрт томондан унга ҳужум қилиб, бирор жойга жароҳат етказишар ва роса буралаб сўкишар эди. Охири асирлар ҳолдан тойиб жароҳатларнинг оғриғидан ингираб ётиб қолишганда, Абро:

-Етар энди, йигитлар! Жонга ҳам тегди. Ертўлага олиб кириб қамаб қўйинглар буларни! Кучимизни бундан кейинги ҳақиқий жангларга сақлайлик, -деди ва хўрсиниб қўйди.

Абро кечаги жангда жароҳат олган бўлишига қарамасдан ўзини йигитлар орасида тетик ва мағрур тутар,уларни

руҳлантирар, келгусидаги вазифаларини тушунтирар, турли юмушларни буюрар эди. У ўз навкарларининг овқатланиши, дам олиши, интизоми тўғрисида ҳам қайғурар ва бу масалаларни ҳал этишда раҳбарлик қобилиятини кўрсата олаётган эди.

-Бизнинг бу ерда яна қанча туришимиз ноъмалум,-деди у навкарларини тўплаб туриб. –Лекин бекор ҳам ўтирмаслигимиз керак. Бекор ўтиришимиз – курашимиз тўхтаб қолди деган гап. Шунинг учун ҳозир бир қисмингизни синаш учун қишлоқларга юбормоқчиман. Бундан мақсад: халққа ўз кучимизни кўрсатиб қўйиш, халқни қўрқитиш! Ҳа, модомики, одамлар бизни ўз ихтиёрлари билан қўллаб-қувватламас эканлар, қўрққанларидан бизга бўйсунсинлар!

Жангарилар орасида ғала-ғовур бошланди. Бирови Абронинг гапларини маъқуллаб “тўғри, тўғри!” деса, бирови “Нима қилишимиз керак?” деб шерикларига ҳайрон боқарди.

-Тинчланинглар!-деди Абро. –Нима қилиш кераклигини мен сизларга айтиб ўтирмайман. Ишқилиб, бу ерга қуруқ қайтиб келмаслигимиз керак. Бундан кейин ҳар бир жангчи ўзи учун ва ҳамма учун қайғурсин! Ромушлик йигитлар билишади, Кононинг навкарлари қанақанги зўравонлик билан қишлоғимизни талаб кетишганини. Ҳа, энди бу ишни биз қилишга мажбурмиз. Фақат биз Ромушга эмас, бизга йигит бермаган қишлоқларга бостириб боришимиз керак. Энди тушунгандирсизлар?

“Тушундик, тушундик!” дебқичқиришди йигитлар. Шундан кейин Абро ўзи тайинлаб қўйган ўнбошилардан ўнтасини нома-ном чақириб олиб, уларга йигитлари билан қишлоқларга чиқиб келиш учун бир кеча-ю бир кундуз муҳлат берди ва яширинган жойларини ҳеч кимга сездирмайқайтиб келишларини қаттиқ тайинлади.

Юз нафар жангари қоронғу тушганда қишлоқларга кириб боришни кўзлаб, тушдан кейин ўрмон оралаб кетишди. Абро қолган йигитларга ҳам иш топиб қўйган эди: улар дарахтларни кеси б, қароргоҳ атрофини истеҳком девори билан ўраб олишга киришиб кетдилар.

Абро энди чайласига кириб дам олиш учун чўзилиб ётган ҳам эди-ки, тасир-тусир қилиб Дихам кириб келди. Унинг важоҳати Аброни чўчитиб юборди.

-Коно тирик экан!-деди Диҳам ҳаяжонланиб. – Ана, уни олиб келишяпти!

Абро бу гапдан ҳайратга тушди ва укасининг кетидан югуриб ташқарига чиқди. Сафардан қайтган йигитлар Кононинг ҳушсиз, мурдадек оқариб кетган, шалвираган жасадини отдан тушириб олишаётган, Малика эса уларнинг атрофида ўзини қўйишга жой тополмай гирдикапалак бўлаётган эди. Абро яқин келиб, силласи қуриган, кўзлари киртайиб, юзида гўшт қолмай суяклари бўртиб чиққан Кононинг афтига қаради:

-У тирикми? Қандай қилиб...Қаерда экан?..

-Тирик, тирик!-деди Малика қувонч ва умидворлик порлаб турган нигоҳини Аброга қадаб. – Унга ёрдам керак, Абро, ўтинаман, ёрдам бер! Ҳамма айтганларингни қиламан... Коно тахтни сенга топширади энди, фақат ўлмай қолса бўлгани!..

-Чайлага олиб киринглар! - Абро Конони кўтариб олган йигитларга ишора қилди, - ювинтириб, кийимларини алмаштиринглар! Дихам сен бу ёққа юр-чи, қани, гапириб бер менга...

Абро укасининг қўлидан ушлаб четга тортди. Кононинг тириклиги вазиятни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлигидан боши қотиб қолганди унинг. Шунинг учун тезроқ Дихам билан маслаҳатлашиб олиши зарур эди.

Дихам акасини тинчлантира олди. У энди Коно Бухорхудод ҳам бизнинг қўлимизда, мақсадимизга тезроқ етишимиз учун худонинг ўзи уни бизга юборди, деб айтди. “Яхшиямки, эрталабки таклифимизни Малика рад этган экан, энди ҳалиги режамиз бекор бўлди,-деди Абро суюнганидан укасининг елкасидан қучиб. – Кононинг ўзи фармон чиқариб, тахтни бизга топширади-ку энди!”

Ака-ука бир-бирларига сўз бермай, омадлари келганидан гапиришар, кутилмаган бу воқеа уларнинг фойдасига бўлганини, энди Шери Фарахш қаршилик кўрсатиши

фойдасиз эканлигини айтиб қувонишар эди. Улар ўзларини босиб олишгач, Дихам акасига Конони қандай топиб олишганини гапириб берди.

-Кононинг навкари бизни ўша ерга бошлаб борди. Кўз ўнгимизда у йўл-йўлакай тасвирлаб бергандай тепалик эмас, худди шудгор қилингандак аллақандай баланд майдон ястаниб ётарди. Биз қўрқа-писа у ерга қадам босдик. Тупроқ жуда юмшоқ эди, оёқларимиз ботиб кетаверди. Майдоннинг ўртасида Коно Бухорхудотнинг чўзилиб ётган жасадига дуч келдик. Аввалига уни ўлган деб ўйладик. Қарасак баданида ҳарорат бор, нафас оляпти. Малика дод солиб уни қучоқлаб олди, ҳаммамиз ҳайратдан қотиб қолибмиз. Ҳалиги навкар бўлса,ўша ердан бир сопол қутича топиб олганди, ичида олов бор экан, тиз чўкиб олиб бу ишларнинг барчаси шу муқаддас оловнинг мўжизаси эканлигини айтди. Мен ҳам бу гапга ишонаман. Тўғриси, аввал сенга айтгандимми, йўқми, Кононинг тириклиги ҳақида менга биринчи марта хабар берган атрабон ўша олов ҳақида ҳам гапирган эди-да. Унинг гаплари рост бўлиб чиқди. Худонинг ўзи биз тарафда эканлигига энди ишончим комил, Абро. Бўлмаса, ўшанда мени атрабонга дуч қилармиди, Кононибизнинг қўлимизга топшириб қўярмиди? Энди бу ёғига ақлимизни ишлатиб, озгина сабр қилсак бўлгани. Ҳа, Бухорхудот тожини яқинда бошингга киясан,Абро!

-Сен эса вазирнинг ўрнини эгаллайсан, Дихам!

-Отамизнинг руҳи шод бўладиган бўлди!

-Бу сенинг хизматинг туфайли, Дихам. Сен мендан кўра кўпроқ югурдинг, кўпроқ хизмат қилдинг. Сен бўлмасанг, менинг қўлимдан ҳеч иш келмасди.

-Қўйсанг-чи, мен фақат ўз бурчимни бажараяпман, холос. Сени тахтга ўтирганингни кўрсам бўлди. Кейин Ромушга бориб, деҳқончилик қиламан.

-Йўқ, энди сен шоҳона яшашинг керак! Сенга Бухоронинг энг кўркам жойидан қаср қурдириб бераман, энг гўзал, энг бадавлат қизга уйлантириб қўяман!..

-Бўлди, бўлди!- кулиб юборди Дихам. –Кўп ҳам хаёлга берилавермайлик...

Шундай деди-ю, Дихамнинг ўзи акасининг “Уйлантириб қўяман” деган гапига бирдан канизак қизни эслаб, хаёлга чўмиб кетди. Ҳа, Хунбуннинг қизи ўзининг соддалиги, бокиралиги билан Дихамга нафақат ишини битиришда ёрдам берганди, балки унинг қалбини ҳам ром этганди. Аввалига Дихам буни хаёлига келтирган бўлса ҳам, жиддий ўйлаб кўрмаган, очиғи бунга вақти ҳам бўлмаган эди. Бугун эса кун бўйи йўл-йўлакай ўша қиз ҳақида ўйлаб келди. Уни тезроқ бориб кўргиси, у билан гаплашиб ўтиргиси ва олдинги ҳийлаларини тан олиб, мақсадини очиқ айтгиси келарди. Аммо бу орзуси ҳақида Дихам акасига гапиришни эп кўрмасди. Акаси ҳали у қиз ҳақида ҳеч нарсани билмайди. Билмагани ҳам маъқул, ҳозир мавриди эмас.

-Дарвоқе, мен йигитларимизнинг ярмини қишлоқларга юбордим, -деди Абро укасининг чеҳрасига мос равишда жиддийлашиб. –Кўрайликчи, уларнинг қўлларидан нима иш келаркан?

-Қишлоқларга нима қилишади? - ҳайрон бўлди Дихам.

-Шунчаки, -кулиб қўйди Абро,-бир кўнгил ёзиб келишсин, дедим. Ахир, уларнинг ҳаммасини бу ерга олиб ўтиролмаймиз-ку, шундай эмасми? Ҳеч бўлмаса ўзларига озиқ-овқат топиб келишсин!

-Жойимизни сездириб қўйишса нима бўлади?-ташвишли оҳангда деди Дихам. – Ахир, қишлоқларда Шери Фарахшнинг айғоқчилари кезиб юришибди-ку!

-Хавотир олма, улар қишлоқларга тунда кириб боришади, ҳаммасини тушунтирганман уларга...

Дихам индамади. Ўз билганича қилган ишини дарров нотўғри деб айтиши акасининг жаҳлини чиқариши мумкинлигини у биларди. Шунинг учун дарҳол гапни асосий мавзуга бурди.

-Биласизми, ҳозир Шери Фарахшга мактуб ёзишимиз керак. Коно Бухорхудот бизнинг қўлимизда экандиги ҳақида. Мен кечаси бўлса ҳам уни шаҳарга етказаман.

-Дамингни олсанг бўларди,-укасига раҳми келиб деди Абро. –Ахир, эртага ҳам юборсак бўлади-ку мактубни.

-Йўқ Абро. Малика билан навкарларининг қайтиб келмаганлигига Шери Фарахш қўл қовоштириб ўтирибди, деб ўйлайсанми? У бирор чора кўрмасдан тезроқ бориб, вазиятни маълум қилишимиз керак. Хатни ўзим етказаман, бошқа кишига ишониб бўлмайди.

Укасининг довюраклигию айтганининг устидан чиқишини яхши билган Абро унинг ортидан чайлага кирди. Мактуб ёзилди. Дихам чала овқатланиб олди-да, далил сифатида Кононинг камарини ҳам ўзи билан олиб, кеч бўлишига қарамасдан ёлғиз ўзи йўлга тушди...

* * *

-Қўрқма, гўзал қиз, бу мен, Дихамман!
-Дихам?.. Сен ўша йигитмисан?..
-Ҳа, турақол ўрнингдан, мен келдим...
-Қандай қилиб бу ерга кирдинг?..
-Девордан ошиб кирдим, жоним...
-Мен... Сени кеча ҳам кутгандим...
-Кеча келолмасдим... Ишим жуда кўп эди...
-Малика қайтиб келмади...
-Ҳаммасидан хабарим бор, гапирма...
-...
-Титрама, жоним... Сени севаман!..
-Сендан қўрқаман...
-Сенга озор бераяпманми?..
-Йўқ, йўқ... Билмайман, менга нима бўлаяпти...
-Ҳозир қўйвораман сени... Бир пас ором олай...
-Сен... менга... уйланасанми?..
-Албатта, жоним... Исминг нима сенинг?..
-Зарини...
-Зарина...Зарина... Менинг Заринам!..
-Сен жуда...яхшисан...Дихам...
-Сен ҳам... Сени менга худо етказди...
-Сени ҳам менга... худо етказган...
-Сен... менинг маликам бўласан!..
-Сен... подшоҳ... бўласанми, Дихам?..
-Йўқ, подшоҳдан ҳам бахтлироқ одам бўламан...

- Сенга ишонаман, Дихам... Лекин...
- Нима лекин?.. Ҳа, сени тушундим...
- Мени бу ердан олиб кет,Дихам...
- Олиб кетаман, Заринам... Лекин ҳозир эмас...
- Қачон?..
- Қачон саройдаги ишлар бир ёқлик бўлса...
- Менинг саройга боргим келмайди...
- Нега, жонгинам?..
- У ерда... Сен йўқсан... Фақат...
- Бўлди, бўлди... Нега йиғлаяпсан, йиғлама...
- Сен билан кетгим келади, узоқ-узоқларга...
- Яқинда ҳаммаси тугайди, кейин кетамиз...
- Мени яна ўп, Дихам... Дарров кетма!..
- Кетаётганим йўқ, жоним...
- Нега тураяпсан унда?..
- Сенга мана буни олиб бермоқчи эдим.
- Нима у?
- Хат ва камар.
- Нима қиламан уни? Саройга элтаманми?
- Менинг ақллигим! Дарров тушундинг-а?..
- Мен қўрқаман, Дихам...
- Нимадан?..
- Билмадим... Ҳамма нарсадан...
- Энди қўрқмасанг ҳам бўлади.
- Ахир...Сирлар очилса... Яна бир фалокат...
- Энди ҳеч қандай сир йўқ, Зарина...
- Наҳотки? Сен ҳақингда онамга гапириб берсам бўладими энди?
- Йўқ, ҳали шошма, жоним. Гапларимни эшит: буларни олиб бориб онангга бер. Лекин мен берганимни айта кўрма. “Эрталаб туриб қарасам, эшигимиз олдида ётган экан”, деб айт.
- Дихам, бу сирли ишларинг қачон тугайди ўзи?
- Айтдим-ку, оз қолди деб... Сен ҳеч нарсадан ташвишланма, ўйлама ҳам. Маликага ҳеч нарса бўлгани йўқ, у соҳ-саломат, Коно билан бирга.
- Коно Бухорхудот тирик эканми?!

- Ҳа, тирик. Хатда ҳаммаси ёзилган.

- Онам буни нима қилади? Ўқий олмайди-ку?

- Сен бу ёғини ўйлама. У албатта хатни вазирга кўрсатади. Агар сен вазирга ўзинг элтиб берсанг, унда сиримиз очилиб қолади. Энди тушунгандирсан?

- Тушундим. Майли, мен айтганингдай қиламан. Фақат...ҳаммаси яхшилик билан тугаса бўлди...

- Ҳаммаси яхши бўлади, ана кўрасан! Ўшанда мен доим ёнингда бўламан. Ҳа, айтганча, отанг ҳам тузалиб кетади...

- Буни айтгандинг... шернинг боласи нима бўлади энди?

- Уми? Ҳа, у энди ҳақиқий шер бўлади. Чунки, Кононинг руҳи ўзига қайтди.

- Отам уни катта қилаверадими?

- Буни Коно ҳал қилади. Агар у хоҳласа, шерни олиб қолиши ҳам мумкин, хоҳламаса ўрмонга чиқариб юборади...

- Майли, нима қилишса қилишаверсин, менинг улар билан ишим йўқ. Менга сен бўлсанг, бўлди. Сен билан ўзимни жуда бахтиёр ҳис этаман. Сени ота-онамдан ҳам, ҳаммадан ортиқ кўраман, Дихам... Сени учратмасдан олдин бошқача эдим. Сарой маликаси бўлишни орзу қилардим. Малика бўлишнинг нимаси яхши? Мени саройга қабул қилишганига қувонмасам ҳам бўларкан... Мен... сенинг хизматингни қилишни истайман, Дихам!..

- Бўлди жоним... Сен мен билан бирга бўласан, сен меникисан, меники...

- Мен сенга ёқаманми, Дихам? Мени ахмоқ қиз экан деб ўйламаяпсанми?

- Нега ундай дейсан, жоним? Сен жуда ақлли қизсан... Мен ахмоқ эса сени қийнаб қўйдим...

- Йўқ, сен энг ақлли йигитсан. Фақат мен ўзим кўп нарсани тушунмаганинг учун қийналаяпман... Чунки ҳали сендан анча ёшман... Лекин...менга...Мени кечир...Мен ҳалиги... Бундай қилмаслигим керак эди... Лекин сен ўзинг келдинг-ку, мени яхши кўрасан-ку... Шундай эмасми, Дихам?.. Сендан қўрқмасам ҳам, уялмасам ҳам бўлади, шундай эмасми, Дихам?..

- Шундай, шундай, жоним...

- Энди мен борай. Ҳадемай тонг оқариб қолади...
- Яна қачон келасан?..
- Бир-икки кун ичида, аниқ айтолмайман.
- Сени кутаман!..
- Хайр! Айтганларим эсингдан чиқмасин, Зарина! Мен кетдим...

* * *

Коно бир ҳафта деганда ўзига келди. Хинанинг ўғиллари Бухорхудотсиз энди мақсадларига етиша олмасликларини тушунган эдилар. Шунинг учун уни тезроқ даволаб, хушига келтириш учун кўп жон куйдиришди. Чунки Шери Фарахш ака-укалар ёзган мактубни олгач, улар кутгандек ҳаракат қилмади. Мактубда Коно Бухорхудотнинг тириклиги маълум қилингандан сўнг Шери Фарахш халққа буни билдириш ва Бухорхудотнинг кексайиб қолганлиги ҳамда оғир дардга чалинганлиги туфайли ҳокимият унинг хоҳишига кўра бухорхудотлар авлодидан бўлган Аброга ўтганлигини тантанали равишда эълон қилиш, ундан кейин эса бутун қўшинни тарқатиб юбориш талаб қилинган эди. Агар Шери Фарахш шу талабларни бажарса, Абро ўз қўшинлари билан Бухорога кириб бориши ҳамда тожу тахтни Коно Бухорхудотдан қабул қилиб олиши, Шери Фарахшнинг вазирлик лавозимига, мол-мулкига дахл қилмаслиги ваъда қилинган эди. Агар у талабларни бажармаса, Бухорхудот ва Маликанинг қатл этилажаги, кураш эса давом эттирилиб, Абро муқаррар тахтни эгаллаши ҳақида таҳдид қилинганди мактуб сўнгида. Шери Фарахш ака-укаларнинг мактуби мазмунидан мутлақо ташвишга тушмади ва улар қўйган талабларни бажаришни хаёлига ҳам келтирмади. Чунки у Хинанинг ўғиллари танг аҳволда қолганликлари учун яшириниб юрганликларини, бундай вазиятда эса қўлларида гаровда бўлган Бухорхудот ва Маликани қатл этишга жазм қилолмасликларини англаб етган эди. Вазир фитначиларни қўлга тушириш учун тадбир кўра бошлади. У барча қишлоқ оқсоқолларини чақириб, аҳволни маълум қилди. Уларга Хинанинг ўғиллари яширинган жойни аниқлаш учун

кўзқулоқ бўлиб юришни қаттиқ тайинлади. Фитначилар томонидан талончиликка учраган тўрт-бешта чекка қишлоқларга кузатиш ва қўриқлаш учун қўшин юборди. Хинанинг ўғилларини ўша атрофдан излашни буюрди. Таланган қишлоқлар Варахша ва Пойкант оралиғида, шунингдек, Ромтин тарафда ҳам бор эди. Шундан келиб чиқиб, Шери Фарахш фитначиларнинг ё Бухоронинг ғарбидаги чўл ичига, ёки Мохонкўл теварагидаги ўрмонларга яширинганлигини тахмин қилди. Аммо бу ҳудудлар шу қадар катта эдики, аниқ билмасдан туриб қидирувга киришиш мумкин эмас эди. Вазир Руди Мосаф соҳиллари бўйлаб кузатиб юриш учун ҳам одамларини биркитди.

Хинанинг ўғиллари энди ҳақиқатда ҳам танг аҳволда қолган эдилар. Буни биринчи бўлиб Дихам ўша мактубни элтиб берганидан кейин икки кун ўтгач тунда Бухорога бориб келганида сезди. Дихам маҳбубасини кўриб келиш ва кўҳандиздаги вазиятни билиш учун шаҳарга борганди. Агар йўлларни яхши билганлиги ва ўта эҳтиёткорлиги бўлмаганида у ўша кеча қўлга тушиб қолиши ҳечгап эмас эди. Дихам Зарина билан бўлган учинчи учрашувидан сўнг ҳақиқий ошиққа айланган эди, ҳар қандай хавф-хатар энди уни маҳбубасининг васлига етишдан қайтара олмасди. У тезроқ тожу тахт учун олиб бораётган можароли курашлари ниҳоясига етишини ва Заринага уйланиб, ташвишсиз ҳаёт кечиришни орзу қилар эди. Дихам учун Заринага эришиш орзу-умидларининг чўққиси бўлиб қолди. Бу чўққига чиқиш учун эса унга фақат Шери Фарахш билан бошлаган курашини ғалаба билан якунлаш керак эди. Шунинг учун Дихам нима бўлганда ҳам курашишдан воз кеча олмас эди.

Дихам тўртинчи марта Зарина билан учрашиб қайтаркан, ўзини енгилмас баҳодирдек сезарди. У олдин ўйлаган режаси амалга ошмаслигини билса ҳам руҳан тетик ва қатъиятли эди. Саҳар чоғи ўрмондаги қароргоҳларига кириб келар экан, Диҳам акасига ўзи олган маълумотларни ҳам ҳеч таҳликага тушмай айтиб берди ва бошқа тадбир ўйлаб топиш лозимлигини таъкидлади. Янги тадбирни ҳам унинг ўзи

ўйлаб қўйганди. Абро билан келишиб олгач, бу тадбирни амалга оширишга киришди.

Малика жиянларининг муомаласи ўзгариб қолганлигидан, Кононинг тезроқ ўзига келиб оёққа туриши учун ғамхўрлик кўрсатишаётганидан мамнун эди. Қилинган муолажалар ўз самарасини берди: Коно кўзларини очди ва аста-секин ўзига келди. У боши устида парвона бўлиб турган хотинини таниди, кейин “Мен қаердаман?” деган илк саволини берди...

Абро йигитларига энди қишлоқларга тажовуз қилишни таъқиқлаб қўйди. Йигитлар сардорларининг топшириғи билан талончиликка чиққан ўша куннинг эртасига кайфиятлари чоғ ҳолда қароргоҳга қайтиб келган эдилар. Улар қишлоқлардан нафақат озиқ-овқату қимматбаҳо буюмлар, ҳатто ўзларининг айш-ишрат қилишлари учун бир неча қиз-жувонларни ҳам ўлжа сифатида олиб келган эдилар. Шундан кейин қароргоҳда хилват чайлалар сони ҳам кўпайиб қолди. Эрта-ю кеч бу чайлалардан гоҳ оҳу нолалар, гоҳ шодон кулгулар эшитилиб турарди. Баъзи эътиборлироқ навкарлар қиз-жувонларни отларига мингаштириб ўрмоннинг ҳар тарафига кириб кетишарди ва кун бўйи қароргоҳда қораларини кўрсатишмасди. Аввалига бу ҳолга бефарқ қараган Абро вазият ўзгарганини билганидан сўнг йигитларни ҳеч қаёққа жилмаслик ҳақида огоҳлантириб қўйишга мажбур бўлди. Коно ўзига келиб, бўлиб ўрган воқеаларни тўла тушуниб етганидан кейин Абро билан Диҳам дарҳол у билан мунозарага киришдилар. Аммо улар ҳали Конони илгаригидек ўжар ва таклифимизни осонликча қабул қилмайди деб ўйлаб янглишган эдилар. Қайтадан дунёга келган Коно Бухорхудот ўзининг ҳукмдор эканлигини мутлақо ўйламас, гўё бошқа одам бўлиб қолганг эди. Хинанинг ўғиллари бири қўйиб, бири олиб сўзлаган гапларини эшитиб бўлгач, у шундай деди:

-Аввало, мен сизлардан отангизнинг ҳаётига зомин бўлганлигим учун кечирим сўрайман. Агар кечира олмасангиз,мени ўлдириш билан қасос олишингизни жужа-жуда истар эдим. Модомики, сизларга менинг жоним эмас,

тожу-тахтим керак экан, бу таклифингизни ҳам бажонудил бажаришга тайёрман. Лекин аминманки, бир кун келиб тахтни олганларингиз учун пушаймон ейсизлар. Чунки сизлар ҳам мен каби ғофил ва жоҳил одамларсиз, подшоҳлик қилиш мен каби сизларнинг ҳам қўлингиздан келмаслигини биламан. Шунинг учун мен сизларга ўз мол-мулкимнинг ярмини берай-да, сизлар ҳам, мен ҳам бундан кейин тинч-тотув, қариндош-уруғчилигимизни яхши давом эттириб яшайверайлик. Тахтга эса унга муносиб киши ўтирсин. Менимча, Шери Фарахш подшоҳликни ҳаммадан кўра яхшироқ уддалай олади.

Хинанинг ўғиллари Коно айтган гапларнинг самимийлигини, тўғрилигини тушунишга ожизлик қилардилар. Борди-ю тушунганларида ҳам асло унинг гапига рози бўлмас эдилар. Шунинг учун биринчи бўлиб Абро унга қарата:

-Э, йўқ, бунақа айёрлик кетмайди, қария,-деди. – Бизни лақиллатиб бўпсан! Сен бизни ҳали ёш бола деб ўйлаяпсан, шекилли. Кечиринглар эмиш! Энди биз кечирдик нима-ю, кечирмадик нима? Сени шундоққина қўйиб юборсак, бориб тахтингга ўтиргандан кейин бизни ҳам отамизнинг кетидан жўнатиб юборишингга ақлимиз етмайдими? Бекорчи гапни қўйда, бизнинг айтганимизни қилавер! Сенга ҳайтингни қайтариб бераётганимизга шукр қилсанг-чи!

-Менинг ҳаётимни сизлар эмас, яратгувчининг ўзи қайтариб берди...

-О, художўй бўлиб кетибсанми, ҳукмдор?-унинг сўзини кесди Дихам.

-Дарвоқе, ҳали бизга гапириб ҳам берарсан у дунёда кўрган-кечирганларингдан? Афсуски, ҳозир сени эшитишга тоқатимиз йўқ. Тезроқ қарорингни айт: ё подшоҳлик, ё нариги дунё!.. Хоҳлаганингни танла!

-Кўриб турибманки, сизлар мени тўғри тушунмадингиз. На илож, подшоҳликни олаверинглар! Ортиқча баҳслашишга ҳожат йўқ. Тезроқ Бухорога борайлик. Ўзим тож-тахтни сизларга топшираман.

-Мана бу бошқа гап,-деди Абро. –Энди бу ишни қандай амалга оширишимизни келишиб олайлик. Дихам, сен ўзинг тушунтир бу қарияга нима қилиши кераклигини.

-Гап бундай,-сўз бошлади Дихам,-бизни лақма деб ўйламаслигингиз учун таклифимизни сизга айтаман. Акамни билмадиму,мен сизни сўзингизни инобатга олиб кечирдим, ҳатто ҳурмат қила бошладим. Лекин сўзларингиз ростлигига ишонишимиз учун сизга яна бир талабни қўйишга мажбурмиз. Биз аминмизки, сиз учун ҳамма нарсадан азиз бўлган нарса якка-ю ягона қизингиздир. Шу қизингизни гаров сифатида олиб келишимизга тўғри келади. Сиз кўҳандизга бориб, акамни подшо деб эълон қилганингиздан сўнг қизингизни қайтариб берамиз...

-Бу номардлик-ку! -яккаю ёлғиз қизини бу можарога аралаштирилаётганидан хўрлиги келди Кононинг. – Мен қизимни сизларга ишониб беролмайман!

-Унда биз сизга қандай ишонайлик?-деди Дихам. –Бизга ҳам осон эмас, ахир. Мен ҳам ўз бошимни гаровга қўйиб, қизингизни олиб келиш учун ўзим Бухорога бораман-ку?

-Сен учун қизинг ҳаммадан азиз бўлса, мен учун дунёда укамдан азиз киши йўқ, қария!

-Ахир қизимни бу ерга олиб келишнинг ўзи хатарли-ку, йўлда бирор корҳол рўй берса нима бўлади?

-Қўрқманг, ҳукмдор,-деди Дихам. –Бу ўрмоннинг ҳар бир қаричи менга яхши таниш бўлиб қолган. Бир неча марта шу ердан Бухорога бориб келдим. Қизингизни соғ-саломат сақлаш учун отамнинг руҳи ҳаққионт ичаман. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Яхшиси, уни олиб келишим учун менга ўз қўлингиз билан ёзиб берадиган мактубингиз ҳақида, унда қўйиладиган шартлар ҳақида келишиб олайлик... менинг Бухорога бориб, тезда қизингизни олиб қайтишим учун пешиндпн то кун ботгунча вақт кетади. Агар ша вақт ичида етиб келмасам, вазирингиз талабингизни бажармаган деб ҳисоблашингиз керак. У ҳолда менга нима бўлишидан қатъий назар акам сизни қатл этиши аниқ. Агар вазирингиз менга зуғум ўтказиб бу ерга қўшин тортиб келадиган бўлса ҳам худди шундай бўлади. шунча азоб чекиб,

жаҳаннам оғзидан қайтган бўлсангиз ҳам қизингизни дийдорини кўролмай нариги дунёга жўнайверасиз!

Қизининг эслатилгани Кононинг соғинч ҳисларини қўзғатиб юборди, оталик бурчини ёдга туширди. Ахир, у қизининг камолини кўриш учун ҳам яшаши керак-ку! коно ўйлаб кўрди. У Хинанинг ўғиллари қўяётган талабларни бажаришдан бошқа чораси йўқлигини тушунди.

-Майли, менга ишонмаганларингиздан кейин бу талабингизни бажаришга ҳам мажбурман,-деди у. –Фақат шу шарт билан: қизимни олиб келиш учун хотиним ҳам бирга боради. Аммангизни бу ерга чақиринглар, унга ҳам яхшилаб тушунтирайлик, токи Шери Фарахш сизларнинг шартингизга зид бирор ҳаракат қилиб қўймасин...

-Мен ҳам аммамни бирга олиб бормоқчи эдим,-деди Дихам Кононинг рози бўлганидан қувониб. –Аммам бизга ёрдам бера олади.

Маликани чақириб келишди. Коно,Абро ва Дихам – учовлашиб унга гап уқтиришди. Ниҳоят ҳамма бир қарорга келди. Коно ўз қўли билан Шери Фарахшга мактуб ёзиб, муҳрини босди. Кейин Коно ва Абро юракларида катта орзиқиш билан ҳам қилувчи сафарга отланган Малика ва Диҳамни йўлга кузатиб қўйишди.

Ўрмондан чиқиб, бир қишлоқ оралаб ўтишаётганда Шери Фарахшнинг кузатувчилари уларни кўриб қолишди. Малика уларнинг ортиқча шовқин-сурон кўтаришларига йўл қўймай, деди:

-Яхшиси, сизлар тезроқ бориб Шери Фарахшга бизнинг бораётганимиздан хабар беринглар. Ҳамма иш жойида, безовта бўлмай бизни кутиб ўтирсин.

Икки навкар отларини чоптириб кетишди, иккитаси Малика билан Дихамни кузатиб орқадан келаверишди.

Улар шаҳарга мўлжалланган вақтда ети б келдилар. Шаҳарга кираверишдаги йўлда одамлар тўпланишган, бир қанча отлиқ навкарлар уларни кутиб туришарди. Малика билан Дихам уларга эътибор бермай тўппа-тўғри кўҳандиз томон бораверишди. Кўҳандиз олдида тўпланган навкарлару оломон уларга йўл беришди. Яқин қолганларида Шери

Фарахшнинг ўзи қалъа дарвозасидан чиқиб келиб, уларни қарши олди.

-Омонмисиз, маликам!-деди у ҳаяжонланиб Маликанинг отдан тушишга ёрдамлашар экан.- Мени афу этинг, бундай бўлишини билмагандим!...

-Тақдирда бор иш бўлади,-деди Малика кўзларидаги ёшларни арта туриб.- Ҳалиям худонинг ўзи бизга нажот берди...

Малика бир гуруҳ канизаклар, Дихам навкарлар қуршовида Шери Фарахш билан ичкарига шошилдилар. Навкарлар тўпланган халойиқни тарқатиш билан овора эдилар.

Кўҳандиз ичидаги йўлаклар бўйлаб вазирнинг қабулхонаси сари кетиб боришар экан Дихамнинг кўзлари канизаклар орасида ранги докадек оқариб, титраб турган Заринага тушди. Йигит ўзини йўқотмай унга бир кулиб қаради-ю, кўзини қисиб қўйди. Зарина ҳам табассум қилди. Уларнинг бу сирли кўз уриштиришларини ғала-ғовурда ҳеч ким пайқамади ҳам.

Қабулхонага киришгач, вазир ҳаммага жавоб бериб юбориб, Малика ва Дихамни илтифот билан шоҳона курсиларга ўтқазди.

-Агар малол келмаса, биз Малика билан холи гаплашиб олсак,-деди Шери Фарахш Дихамга юзланиб.

-Бемалол,-бамайлихотир ўрнидан турди Дихам.

-Йўқ, йўқ,-дарҳол эътироз билдирди Малика. –Холи гаплашадиган ҳеч гап йўқ, ҳурматли вазир. Ҳамма гапни жияним эшитиши керак. Ўтиравер Дихам.

Вазир Маликанинг аҳволини тушунгандек бўлди. Улар бир оз тин олишгач, Дихам қўйнидан Коно Бухорхудотнинг мактубини чиқазиб Шери Фарахшга узатди:

-Умид қиламанки,-деди у элчиларга хос лутф билан,-мактубни ўқигач, сиз қарийб ҳал бўлган масалани яна чигаллаштириб юбормайсиз...

-Мен ҳар бир оқилона ишни қўллаб-қувватлайман,-деди Шери Фарахш бу мактуб ҳам аввал келган мактуб каби унга қандайдир талабларни қўяжагини олдиндан фаҳмлаб.

-Ҳозирги вазиятда Кононинг фармонини сўзсиз бажаришингиз энг оқилона иш бўлади,-деб қўйди Малика.

Вазир мактубни қайта-қайта ўқиб чиқаркан Малика ва Дихамга бирор сўз демади. Ўқиб бўлгач, у бироз ўйлаб турди ва деди:

-Ҳукмдор бир оз шошмаганларида биз ўзимиз бу масалани адолатли ҳал этган бўлардик... Нима ҳам дердим Маликам, ҳозир мактубда айтилган ишми бажаришдан бошқа чорам йўқ.

-Дихам енгил нафас олди. Малика ҳамон ҳаяжондан қуйилиб келаётганк кўз ёшларини артар эди.

-Шери Фарахш энагани ва бошқа тегишли сарой аъёнларини чиқариб, уларга кичкина малика Сюни тезда сафарга таёрлашни ҳамда бошқа зарур юмушларни топширди. То улар таёргарлик кўргунларича катта Малика ҳам ювиниб-тариниб,Дихам эса олдига ёзилган дастурхондан тамадди қилиб бўлди.

-Қизалоқни унинг эмагаси билан бирга бериб юборадиган бўлишди, бунга ҳеч ким қаршилик қилмади. Фақат Заринагина нималар бўлаётганини унча тушунмай ҳа деб онасини саволга тутарди.

-Ҳаммаси яхши бўлади,қизим, сен кўп қизиқаверма бу ишларга,-деди унга онаси.- Уйга боргин-да, мен қайтиб келгунимча бу ёққа келма.

-“Ҳаммаси яхши бўлади!” Бу сўзларни Зарина Дихамадан Ҳам неча марталаб эшитган эди. Ниҳоят, у орзиқиб кутган онлар яқинлашаётган экан-да!

Кошкийди ҳозир Дихам ҳам чиқиб унга шу сўзларни яна бирмарта айтса-ю безовта ураётган юрагига тасалли берса. Наҳотки, Дихам яна кетиб қолса, яна қачон келаркин? Ахир сирни очадиган вақт келмадими,

Кетадиганлар учун чодир-арава ҳозирлаб қўйишганди. Уларни ўрмон яқинигача кузатиб қўядиган бўлишди. Малика эндигина ўзи юрадиган бўлган малика Сюни бағрига босганча кўтариб олиб, чодир аравага чиқди. Унинг ёнига энага ўтирди. Энага ўзини кузатишга чиққан қизи ниҳоятда ҳаяжонланаётганини сезиб, уни қайта-қайта хавотир

олмасликка ундар эди. Лекин у билмас эдики, Зарина онасининг кетиб қолаётгани учун эмас, Дихам шундоққина ёнида тургани учун, у билан ошкора кўришишнинг ҳеч иложи йўқлиги учун ўзини қўярга жой тополмаётган эди. Охири қиз ўзини тутолмай чодир-аравага ташланди:

- Мени ҳам олиб кетинглар, онажон!- йиғлаб юборди у. – Йўқ деманг, ўтинаман мени ҳам олиб кетинглар! Маликам, ўтинаман, сиз айтинг ахир!..

- Нари тур, ҳой қиз! – шери Фарахш Заринанинг қўлидан тортди. Дихам ўзини зўрға босиб турарди.- Олинглар буни бу ердан!

Вазирнинг ишораси билан уч-тўртта канизак Заринани четга судрай бошлашди. Шу пайт қизнинг йиғлаб ялиниб-ёлворишларига раҳми келган катта Малика чодир- аравадан туриб:

- Қўйворинглар, майли, биз билан бора қолсин!- деб қичқирди. – Сен нима дейсан, а, Дихам? Яна бир канизак ортиқчалик қилмас? Энаганинг қизи бу, менинг шахсий канизагим...

- Майли бораверсин,- деди Дихам отининг эгар-жабдуғини тузатаётгандек бўлиб, қиз томонга қарамаган ҳолда. Ичида эса: “О, маъбуда Анахита! Наҳотки, кўнглимдагини сезган бўлсанг?!”- дея ҳаяжонланиб кетди.

Зарина канизаклар қўлидан бўшаб, югуриб чодир-аравага чиқиб олди.

- Сайрга кетаяптими булар?!- жаҳли чиқиб, ғудраниб қўйди Шери Фарахш. – Ақлсиз чўри.

Заринанинг ёш боланикидек туюлган қилиғидан канизаклар ҳам кулишиб, пичир-пичир гапириб қўйишди.

Ҳамма отларга миниб кетишга тайёр бўлди.

- Сафарларингиз бехатар бўлсин!- деди Шери Фарахш.

- Кўришгунча хайр!- деди Дихам эпчиллик билан отига миниб, олдинга тушаркан.

Кузатиб қолаётганларнинг ҳаммаси унга қаради. Улар кўринишидан мағрур ва довюрак бу навқирон йигитнинг Бухорхудот авлодидан эканлигига ва олижаноблигига шубҳа қила олмас эдилар.

* * *

Шери Фарахш ҳеч қачон бунчалик изтиробга тушмаган эди. У шунча саъй-ҳаракатлар қилса ҳам рақиблари ғирромлик билан ўйинда ютиб чиқишаётганидан аламда ёнар эди. Вазир бошдаёқ қўшин бошлиғининг гапига кирмаганига, яъни Хинанинг ўғиллари ҳокимиятга қарши куч тўплаётганликлари маълум бўлган пайтдаёқ уларни ҳибсга олмаганига афсус чекарди. Мамлакат тақдири Шери Фарахш учун ҳамиша биринчи ўринда турарди. Лекин ҳозирги вазиятда у қандайдир мўъжиза туфайлигина тирик қолган ҳукмдорини ҳам ўйлашга мажбур эди. Шунинг учун мамлакат тақдирини Бухорхудотнинг ноқобил жиянларига топширишга тўғри келаётган бўлса ҳам биринчи марта ўзи хоҳламаган ишни бажарди. Бироқ Коно Бухорхудотнинг қайтишини кутаётган Шери Фарахш у билан маслаҳатлашиб, ҳали ҳам хавфнинг олдини олиши, мумкин деб ҳисоблаётган эди.

Гаровга юборилганларни айтилган жойгача кузатиб, атрофга қоронғу тушаётган маҳал қайтиб келган навкарлардан қандай бориб келганликлари ҳақида сўраб-суриштириб, кўнгли бироз тасалли топгандай бўлган вазир, барибир, эрталабгача ухлаёлмай чиқди. Эрталаб қўшин бошлиғини чақиртириб, Коно Бухорхудотни кутиб олиш учун йўлга лашкар юборишни тайинлади.

Коно Бухорхудот ёнида Дихам билан чошгоҳ маҳали навкарлар қуршовида чодир-аравада шаҳарга кириб келди. Навкарлар унинг озиб-тўзиб кетган юзини халойиқ кўрмасин деб иложи борича пана қилиб келишарди. Кўҳандиз олдида унинг аравадан тушишини кутиб турган одамлар барибир Конога кўзлари тушди ва ҳайратдан ёқа ушлашди. Шери Фарахш уни қучоқлаб кўришар экан аввалги салобатидан асар ҳам қолмаганлигини сезиб, кўзларига жиққа ёш келди. Бухорхудотнинг ҳам чуқур ботган кўзларида ёш ҳалқаланди, бўғзига тиқилан йиғини чиқариб юбормаслик учун лабларини тишлаганча бир сўз ҳам демай қадрдон вазири билан ичкарига йўл олди.

Коно ўз кўшкига киргач, сарой аъёнлари кириб бир-бир уни кўриб чиқишди ва Шери Фарахш билан ёлғиз қолдиришди.

- Мендан ҳозир бошимдан кечирганларимни сўрама, дўстим,- деди Коно вазирига одати бўйича ўзини тенг тутиб мурожаат қиларкан.- Кўз кўриб, қулоқ эўитмаган воқеалар рўй берди, ўзим ҳам ҳали уларнинг сирига етолганим йўқ. Вақти келиб сенга гапириб берарман. Ҳозир мамлакат тақдири, бўлажак Бухорхудот ҳақида, унга гаровга қолдириб келган қизимни олиб келиш ҳақида гаплашиб олайлик...

- Қайғурманг, ҳукмдор,- деди Шери Фарахш Бухорхудотнинг дардини чуқур ҳис этиб. – Ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Хатардан қутулгунимизча майли, Абронинг айтганича иш тутайлик. Уни подшоҳ деб эълон қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Майли, келсин, тахтга ўтириб кўрсин...

- Ҳа,- деди Коно кўзини Шери Фарахшнинг кўзидан олиб қочиб,- бошқа иложимиз йўқ. Ҳар ҳолда сен ўзинг вазир бўлиб қолаверасан-ку. У нодонни ўзинг йўлга солиб туришингга ишонаман. Мен бу ҳақда Абронинг ўзи билан ҳам келишиб қўйдим.

- Сиз Абро умрбод подшоҳ бўлиб қолади деб ўйламанг, ҳукмдор,- деди Шери Фарахш. – Бу можаролар босилиб, хавфсизлигимиз тўла таъминлангандан кейин уни бир пасдаёқ ағдариб ташлашимиз мумкин.

- Э, йўқ,- қўл силтади Коно. - Мен бу низолар давом этишини истамайман. Бизга тинчлик керак, энг муҳими шу. Абро тахтга чиқиши билан амалдорларнинг кўпчилигини алмаштириши аниқ. Эҳтимол Дихамни қўшин бошлиғи қилиб қўяр? Дихам анча ақлли йигит экан, менимча у қаерда бўлса ҳам тезда атрофидагиларни ўз таъсирига тортиб олади... Хуллас, Абро бир тахтга чиққандан кейин уни тушириш яна кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу нарсани хаёлингдан чиқаз, бизга тинчлик керак.

- Наҳотки, Абро мамлакатда тинчликни сақлай олади, деб ўйласангиз, ҳукмдор?- ажабланиб деди Шери Фарахш.

- Мен умид қиламан...

- Лекин мамлакат тақдири ҳал қилинаётганда фақат умиднинг ўзи камлик қилади.

- Сен ҳақсан. Аброга ишонч йўқ... Лекин аста-секин уни муносиб ҳукмдор қилиб тарбиялаш мумкин. Сен вазир бўлиб турсанг бунга эришиш осон кўчади деб ўйлайман.

- Билмадим... Менимча, Абро менинг ўрнимга ҳам ўз кишиларидан қўйса керак. Ахир, биз қарийиб бир ойдан буён бир-биримизни душман ҳисоблаб келяпмиз...

- Йўқ, у менга сўз берди, укаси ҳам унга бирданига амалдорларни ҳаммасини алмаштириб ташламасликни маслаҳат берди. Тўғри, Абро Дихамни вазир қилмоқчи экан, лекин Дихам акасига менинг олдимда "Йўқ, мен вазирлик қилмайман" деб айтди. Ҳа, Абро укасининг маслаҳатига қулоқ солади... Хуллас, сен вазир бўлиб қолаверасан.

- Гап бунда эмас, ҳукмдор...

- Қўй, дўстим, ҳозир мунозара қилиб ўтирмайлик, бошим оғрийди,- "ух" тортиб деди Коно. – Ҳозир биринчи навбатдаги ишларни кўрайлик. Хўш... Менинг ҳузуримга котибни чақир... Ҳа, дарвоқе, Дихам ҳам менинг олдимга кириб ўтирсин.

Кейин бутун амалдорларни, лашкарбошилар ва сарой аъёнларини йиғ, мен тахтдан воз кечишимни маълум қилишим керак.

- Наҳотки, ҳукмдор?!..

- Сен менга раҳминг келмасин. Агар билсанг, Абро талаб қилмаганида ҳам ўз ихтиёрим билан подшоҳликни топширмоқчи эдим. Чунки мен энди бу ишга ярамай қолганман... Эҳ, бошимдан ўтган савдоларни билмайсан-да! Мен тахтга сени мўлжаллаб қўйган эдим, ҳа, сўзимга ишонавер. Ҳукмдорлик энди мени заррача қизиқтирмайди... Фақат юртда тинчлик, адолат ва озодлик бўлсин дейман... Ким подшоҳ бўлса ҳам шуларни таъминлай олса, бас! Бор, энди менинг илтимосимни бажар, дўстим...

Шери Фарахш Кононинг чин юракдан, дард билан гапираётганидан унинг тожу тахтга муносабати ҳақиқатда ҳам ўзгариб қолганлигини ҳис этди ва бошқа гапирмасдан чиқиб кетди.

Кононинг ҳузурига эшикдан ижозат сўраб кетиб, унинг кетидан икки соқчи билан Дихам кириб келишди. Соқчилар ва котиб ўзларининг махсус ўринларини эгаллашди. Бухорхудот Дихамни ёнига ўтиришга таклиф қилди. Дихам бу маҳобатли саройнинг тўрига, олий ҳукмдор қошига чиқиб ўтирар экан, ўз орзу-умидлари ушалаётганини дилдан ҳис этиб, қувонар эди. Бухорхудотнинг котибига ёздираётган фармонини ўз қулоқлари билан эшитар экан, ниҳоят, у курашда ғалаба қозонганига амин бўлди ва ғолиблик нашидаси бутун қалби-ю вужудини бир зум титратди.

Дихам эртага худди мана шу саройда акасига тож кийдириш маросими ўтказилишини бир зум хаёлига келтирди. Маросимда у фахр билан акасининг ёнида ўтиради. Ҳамма уларга ҳавас билан қарайди. Айниқса, Зарина бениҳоя шод бўлади... Дихам ўшанда Зарина билан ошкора кўришади, Зарина унинг бўйнига осилиб олиб “Мени олиб кет, сенсиз бир лаҳза ҳам туролмайман!” дейди. Ҳамма ҳайрон бўлиб уларга тикилиб қолади. Кейин Дихам қайлиғини унинг онасининг олдига етаклаб боради-да, қўлини сўрайди. Энага бундан хурсанд бўлиб кетади ва дарҳол рози бўлиб, уларга бахт тилайди. Абро бу ҳолни кўриб, кулиб қўяди ва тахминан шундай дейди: “Оббо укам-ей! Кечалари билан ухламай ҳадеб Бухорога қатнашинг бежиз эмас экан, бир ўқ билан икки қуённи урибсан-да. Лекин дидингга қойилман!”.

Хаёл оғушига кириб кетган Дихам зича жилмайиб қўйди. Унинг ширин хаёлларидан бехабар Коно Бухорхудот ҳар замон қараб қўяр экан, Дихам фармонни ёздираётганимдан мамнун бўлаяпти, деб ўйларди.

Дихам кеча қизиқ бир тарзда Зарининг ўрмондаги қароргоҳига(эмас чайла бўлиши керак) бориб қолганини-ю, тунда у билан яна хуфёна гаплашиб олганини ҳамда чайла орқасида қизни қучоқлаб, лабларидан эндигина ширин бўса ола бошлаганида, қиз “Онам кўриб қолади” дея қочиб кетганини эслади. Зарининг гаровга олинган Малика Сюга шерик бўлиб келиши ўрмондагилар учун кутилмаган мўъжиза бўлиб туюлган эди. Барча нигоҳлар унга қадалган, гуё осмондан ўн тўрт кунлик ой тушиб келаётган ва ўз

нурлари билан кўзларни қамаштираётган эди. Ҳатто Абро ҳам уни қизиқтириши керак бўлган кичкина Маликага қараш ўрнига нигоҳини Заринадан узолмай қолди. Фақат кекса Коногина ҳеч кимга иши бўлмай, катта Маликанинг қўлидан қизалоғини олиб бағрига босганча ўзи билан ўзи оввора эди.

- Бу қиз ким?- укасининг олдига келиб аста сўради Абро.

- Аммамизнинг канизаклари, анави энага хотиннинг қизи экан,- деди Дихам,- чакки эмас, а?

- Офатижон-ку!

- Дарвоқе, айтиб қўяй, бу қиз меники бўлади,- акасининг Заринага ёмон қарайвермаслиги учун огоҳлантириб қўйди Дихам.

- Лекин онаси ҳам, Малика ҳам буни билишмайди, тағин гапириб юрма! Саройга борганимиздан кейин билишади.

- Чўриси шундай гўзал бўлса,- деди абро ҳали ҳам қиздан кўзини узмай, у Дихамнинг гапларини бепарво эшитганди,- аслзода қизлари қандай бўларкин?..

- Кўп хаёлинг қочавермасин!- деди Дихам овозини сал баландлатиб. – Бу қиз меники бўлади деяпман!

- Эшитдим-е, нега бақирасан?- кулди Абро,- сеники бўлса, бўлаверсин-е! Ўзингга насиб қилсин! Ишдан гапирсанг-чи, қандай бўлди, Шери Фарахш қаршилик кўрсатмадими?

- Ўзинг кўзингни қиздан узмайсан-ку!- гина оҳангида деди Дихам. – Ҳамма иш жойида бўлди. Эрталаб Конони олиб, Кўҳандизга бораверса бўлади.

- Энди мен ўзим бораман,- деди қувониб Абро,- сен шу ерда қолиб, буларга кўз қулоқ бўлиб турасан.

- Йўқ ҳали сенинг Кўҳандизга киришингга озроқ вақт бор,- деди Дихам. – Мен ўзим яна бир марта бориб, ҳамма иш бизнинг фойдамизга ҳал бўлганига ишонч ҳосил қилиб келганимдан кейин сен борсанг бўлади. Чунки тахтга ўтирадиган сенсан, сени ҳар нарса қилишлари мумкин.

- Сен-чи?- деди Абро. – Ҳадеб ўзингни ўтга-чўғга ураверасан, гуёки менинг қўлимдан ҳеч иш келмайдигандай!

Эртага Коно менга тахтни топшириши керак, нега мен бормас эканман?

- Нега жаҳлинг чиқади?- акасига тушунтира бошлади Дихам.- Тахтни бир кун кейин топширса ҳам бўлади-ку, аввал бориб Шери Фарахшига айтсин, сарой аъёнларига, амалдорларига билдирсин, фармон чиқарсин! Бу ишларни қилмасдан туриб, тўппадан-тўғри олиб бориб сени тахтга ўтқазиб қўймайди-ку. Иккинчидан, у ёқ – бу ёғига қараб олиб сўзини давом эттирди Дихам,- Коно менинг кўнглим бўшлигини, сен эса ҳеч балодан қайтмаслигингни ҳам билади. Агар мен бу ерда қолиб, сен Коно билан кетсанг, у Кўҳандизга боргач ваъдасини бузиши мумкин. Мен унинг гўдак қизини қатл этолмаслигимни назарда тутиб, сени ҳибсга олиши ва бу ёққа қўшин тортиб келиши мумкин.

Мана шу гаплардан кейин Дихам акасини яна бир сафар қароргоҳда қолишга кўндирган эди. У акасининг феълини яхши билгани учун иш ҳал бўлай деб қолганда уни барбод қилиб қўймасин дея бу ерга ўзи келганди. Бўлмаса-ку Дихамнинг кўнгли ўрмонда эди, чунки Зарина маликалар ва онаси билан ўша ерда қолганди.

Пешиндан кейин йиғилган барча амалдорлар, сарой аъёнлари ва лашкарбошилар олдида Коно Бухорхудот хасталиги ва бундан кейин ўз вазифасини бажара олмаслиги сабабли тахтдан воз кечганлигини ҳамда тахтнинг вориси, Бухорхудотнинг жияни Абро унинг ўрнига ўтажагини маълум қилди. Шу муносабат билан Коно Бухорхудот чиқарган сўнгги Фармонни жарчи ҳаммага эшиттириб ўқиб берди. Фармонда қуйидагилар айтилган эди: 1. Абро Бухорхудотнинг тахтга ўтириши муносабати билан хазинадан ҳар бир амалдорга ўн танга, ҳар бир навкарга беш тангадан пул инъом этилсин. 2. Коно Бухорхудотнинг оиласи, барча хизматкорлари, соқчилари билан биргаликда Варахша қалъасига кўчирилсин. 3. Мамлакатда тинчлик ўрнатилганлиги ва ортиқча қўшинга эҳтиёж йўқлиги туфайли беш юз навкарлик асосий қўшиндан ташқари барча навкарлар тарқатиб юборилсин. 4. Кўҳандизни, давлатнинг

хазинасини ва барча ҳужжатларни Абро Бухорхудотга топшириш учун вазир Шери Фарахш жавобгардир.

Одамлар фармонни эшитиб, ҳар томонга тарқалишар экан, бир-бирлари билан бўлаётган воқеалар хусусида тортишар, ҳар хил фикр билдиришар эди. Шери Фарахш дарҳол фармонни ижро этишга киришди, чунки Бухорхудотнинг ўзи уни қистай бошлаганди. Лашкарбошилар навкарларга пул бериб, қурол-яроғларини олиб қолган ҳолда қўшинни тарқатиб юборишаётганини, Кононинг шахсий буюмлари ортилган бир нечта чодир арава соқчилар ва хизматкорлар билан Варахшага жўнатиб юборилганлигини кўрган Дихам энди қароргоҳга қайтишга қарор қилди. У Коно Бухорхудотнинг ҳузурига кириб, ўрмонга қайтиш истагини маълум қилгач, эртага бўладиган маросим шартлари ва гаровга олинганларни қайтариш тартиби тўғрисида гаплашиб олди. Шундан кейин Дихам Коно Бухорхудот инъом этган лашкарбошилар киядиган ва бошқа совут кийимларни кийиб, йўлга отланди.

У кўпдан бери бунчалик хотиржам, шошилмасдан, енгил тортиб юрмаган эди. Ўрмонга кириб борар экан, биринчи марта атрофга ва осмонга боқиб, бу ернинг туни нақадар гўзал эканлигини кўрди. Тўлин ой юксак дарахтлар шохига илиб қўйилган олтин баркашга ўхшарди. Дихам қароргоҳга яқинлашар экан, агар Зарина ухлаб қолмаган бўлса ҳозир уни сайрга олиб чиқиб кетаман, деб кўнглига тугиб қўйди.

Қароргоҳ сув қуйгандек жим-жит эди. Демак анча кеч бўлиб қолибди, деб ўйлади Дихам. Чунки одатда кечқуринлари чайлаларда қий-чув ва қаҳ-қаҳалар эшитилиб турарди. Навкарлар тўда-тўда бўлиб, ҳар ерда туришган бўларди.

Дихамга кўзи тушган соқчилардан бири:

- Келдингизми, сардор?- деди уйқусираган товушда.

- Ухлайвер, ухлайвер,- деди Дихам.- Энди ҳеч қандай хавотир йўқ...

Дихам отини дарахтга боғлаб, қатор-қатор қурилган чайлалар оралаб юрди. Маликалар ва канизакларга ажратиб

берилган чайлага яқинлашди. Чайла олдида икки соқчи туришарди.

- Ҳа, бу ерда нима қилиб турибсизлар?- ҳайрон бўлиб сўради Дихам уларнинг олдига келиб.

- Аканг Абро бизни аёлларга қўриқбон қилиб қўйиб кетди,- деди соқчилардан бири,- ўзиям ҳозиргина тинчишди бу кампирлар, ёмон тўполон қилишди-ей...

- Нега тўполон қилишади?- баттар ажабланди Дихам.

- Ҳалиги қизни Абро олиб кетганигада! Ёшгина нарса экан, аввалига роса додлади, энди ётгандир, сардорнинг қучоғида ҳузур қили-и-б...

- Ҳайвон!- Дихам завқ билан гапираётган соқчини бир уриб йиқитди ва Абронинг чайласига қараб югурди.

Ғазабдан кўзлари қонга тўлган Дихам чайлага бостириб кирди. Қоронғуда яхши кўролмай “Зарина!” деб бақирди.

- Дихам! Мени қутқар, нега олдинроқ келмадинг, ахир!.. – Зарина ҳирқираб йиғлаб юборди.

- Дихам?!- бу Абронинг товуши эди.

Дихам вахший ҳайвондек қутуриб кетди ва бир тепиб қип-яланғоч ҳолда ўтирган Аброни юмалатиб юборди. Тўшакда оёқ-қўлларини қовуштирганча бужмайиб ётган заринанинг аъзои бадани қалт-қалт титрарди. Дихам унга бир қаради-ю, яна гурсиллатиб Абронинг дуч келган ерига тепа бошлади.

- Ўлдираман сени, ифлос!- қиличини яланғочлаб боши узра кўтарди Дихам.

Абро туриб қочмоқчи бўлар, лекин Дихам унга туришга имкон бермас эди.

- Дихам, ўлдирма мени!- деди хиррилаб Абро.- Бир чўри қизни деб...

- Ўчир овозингни!- яна унинг оғзидан тепди Дихам.- Ҳамма орзуларимни барбод қилдинг, энди сен ўлишинг керак!

- Ўлдирма, ўлдирма,- йиғлаб унинг оёқларига осилди Абро.- Отамизнинг васиятини эсла, укажон!.. Қиз топилади...

Шу пайт шовқин-суронни эшитиб келган иккита соқчи югуриб чайлага кирди.

- Йўқолинглар!- уларга қиличини кўтариб бақирди Дихам. Соқчилар ҳайронлик ва қўрқув ичида қочиб қолишди.

- Ўлдир уни, Дихам!- йиғлаб қичқирарди Зарина. – У мени сендан бир умрга жудо қилди...Ё уни ўлдир, ё мени!.. Зарина Абронинг қоронғу бурчакда сочилиб ётган кийимларини пайпаслаб, улар орасидан камарига тиқилган ўткир ханжарни суғуриб олди ва ётган жойида пайт пойлаб турди.

- Ўз акангни ўлдирасанми, жигарим,- ёлборар эди Абро тинмай.- Ахир ўзингни бос, сенга бундақа қизлардан юзтасини олиб бераман...

Дихамнинг қилич кўтарган қўли қалтираб-қалтираб пастга туша бошлади, у шаштидан қайтган эди. Бир пасда хаёлидан отасининг васияти-ю, онаси ва бутун қишлоқнинг ака-укалардан катта умиди борлиги Абронинг эртага тахтга чиқиши кераклиги ҳам, ўзининг йигитлик шаъни ерга урилганлиги-ю Заринанинг номусини ҳимоя қилолмагани ҳам кечиб ўтди-ю, шу лаҳзада акасининг бахтини ўз қадридан устун қўя олди... Дихам букчайиб ётган Абронинг бетига тупурди ва қиличини сопига солиб, гандираклаганича чиқиб кетди.

У чайладан ўн қадамларча узоқлашган ҳам эдики, Абронинг даҳшатли овозда чинқираб юборганини эшитди ва шошилиб орқасига қайтди. Чайладан қўлида қон томиб турган ханжарни ушлаган Зарина чиқиб келарди. Қиз ўзини йўқотиб қўйган Дихамнинг кўзига тик қараб:

- Сен қўрқоқ экансан!- деди ва ханжарни ерга ташлаб, Дихамдан юзини буриб ўзларининг чайласи томонга тез-тез юриб кетди.

- Зарина!..

Дихам бир оқариб, бир бўзарганича унинг ортидан қараб қолди. Кейин бирдан “Йўқ! Йўқ!” деб бақирган куйи даҳшатли воқеага гувоҳ бўлган чайлага қайтиб кирди ва телбанамо бир важоҳатда қиличи билан қонга беланиб ётган Абронинг мурдасини бурда-бурда қилиб чопа бошлади.

- Йўқ! Мен қўрқоқ эмасман!.. Мен ахмоқман, ахмоқман!.. Мана, мана бўлмаса, мана!.. Мана!.. Мана, сенга тож! Мана, сенга тахт! Мана, сенга подшолик!!!

Шовқин-суронни эшитиб бирпасда тўпланган навкарлар чайлага бостириб кириб, биргалашиб зўрлик билан Дихамнинг қўлидан қиличини олдилар ва ўзини ерга ётқизиб қўл-оёғини боғладилар. Дихам томоғини йиртиб бақириб-чақирганча узоқ ётди ва ҳўнграб йиғлай бошлади... Ор-номус ва муҳаббат ҳар нарсадан – шон-шуҳратдан ҳам, бойликдан ҳам, ҳокимиятдан ҳам улуғ ва қимматли эканлигини шу топда англаб етган эди.

* * *

Эртаси куни Коно Бухорхудот Аброни ва бошқаларни кутиб олиш учун белгиланган жойга Шери Фарахш бошчилигида юборган кишилари ўрмондан фақатгина ўзларининг одамлари – озод этилган тўрт нафар навкар, Хунбуннинг аёли ва қизи ҳамда қўлида Кононинг қизчасини кўтариб олган катта Малика ҳеч қандай кузатувчиларсиз чиқиб келишганини кўриб ажабландилар.

Воқеалар тафсилотини эшитган Шери Фарахшнинг қувонганини ҳам афсусланганини ҳам билиб бўлмасди.

- Ҳеч бир иш сабабсиз бўлмайди,- деди у чодир-аравага чиқиб ўтираётган аёлларга қараб. – Ҳар ким қилмишига яраша тангридан жазо ёки мукофот олади.

Бу гапни эшитган Зарина онасини қучоқлаб, яна ўксиб-ўксиб йиғлади. Онаси унинг тўзғиб кетган сочларини силаб юпатар экан, Шери Фарахшнинг гапларини тасдиқлаб, деди:

- Қайғурма, қизим. Тангрининг ўзи ҳаммамизни фалокатдан қутқазиш учун сени бу ёққа юборган экан...

- Ҳа,- деди катта Малика унинг сўзини давом эттириб,- ёвуз Абро ўз жазосини олди, сен эса ҳали кўрмагандек бўлиб кетасан, Зарина... Йиғлама, бахтинг ҳали олдинда сенинг! Дихам олижаноб йигит, у сени бахтсиз қилиб қўймайди. Ахир, парвардигор(қайсига сиғинарди?) ҳаққи ҳурмати сени ташлаб қўймайман деб онт ичдику!..

- Қани кетдик!- деди Шери Фарахш аёлларнинг гапини эшитиб ўтиришга тоқат қилмай. – Тезроқ бориб, Бухорхудотга хабар берайлик!

Абронинг ўз бошига ўзи етганлиги ҳақидаги хабар бир неча кундан буён Кўҳандиз узра соя солиб турган таҳликанинг қора булутларини тарқатиб юборди. Ҳамма хурсанд эди. Фақат Коно Бухорхудотгина чуқур ўйга толиб қолди. У энди ҳеч қандай тасодиф ва мўъжизалардан қувонмас ва ҳайратланмас, ҳар бир нарсанинг сабаб ва оқибатини мушоҳада этиб, ўзича хулоса чиқаришга одатланган эди. Коно Шери Фарахшга Абро ҳалок бўлган бўлса ҳам ўзининг тахтдан воз кечиши ҳақидаги баёноти ўз кучида қолажагини таъкидлаб, тахтни эгаллашни унга таклиф этди. Шери Фарахш унамади.

- Мен қанақасига подшоҳ бўлай, ҳукмдор?- деди у эътироз билдириб. – Ахир, бухорхудотлар авлоди тирик бўла туриб, менинг подшоҳ бўлишим мумкин эмас-ку. Бухоро тахти сизларнинг ота-боболарингизнинг мулки ва мероси. Уни мен ўзлаштиришим мумкин эмас!

- Сенинг отанг Шери Кишвар ҳам йигирма йил Бухорода ҳукмронлик қилган эди,- тарих тажрибасини эслатди унга Коно.

- Отамнинг хатосини мен ҳам такрорлашим шарт эмас,- деди вазир. – Менинг бухорхудотлар сулоласи олдида ўз бурчим бор, токи имкони бор экан шу бурчимга содиқ қоламан.

- Менга қара, дўстим,- деди Коно донишмандларча қиёфада. – Сенинг бурчинг бухорхудотлар ҳукмронлигини сақлаб қолиш бўлса, пайти келиб уни менинг бирор муносиб авлодимга топширасан. Ҳозир эса мамлакатнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, халқни адолат билан бошқариш учун масъулсан. Мен қарияни кўп ялинтирма, агар ўғлим бўлганида ёки жиянларимдан бирортаси бунга лойиқ бўлганида мен сенга бундай таклифни қилмаган бўлардим. Кўриб турибсанки, яратганнинг иродаси билан бухорхудотлар сулоласи таназзулга юз тутди.

- Йўқ, бундай дейишингиз хато, ҳукмдор. Мен Туркистонга элчи юборганимни сизга айтгандим. Ҳеч бўлмаса элчининг қайтишини кутишингиз керак... Қолаверса, бу ёқда Дихам ҳам бор... Ҳадемай қизингиз ҳам улғайиб қолади...

Хуллас, уларнинг мунозараси поёнига етмасдан, яъни якдил фикрга келишилмасдан тугади. Буни қарангки, орадан уч кун ўтар-ўтмас Туркистонга юборилган элчи билан бирга Ноҳид ва унинг ўғли Эр Будуннинг етиб келиши тахт ворислиги масаласини ҳал қилди-қўйди.

Қарийиб йигирма йилдан буён бир-бири билан кўришмаган ака-ука Ноҳид ва Коно дастлаб бир-бирларини таниёлмай қолишди, аммо икки-уч кун мобайнида фақат хотираларини титкилаб суҳбат қилишлари натижасида уларнинг ўртасида шундай бир илиқлик, оға-инилик меҳри пайдо бўлдики, бир-бирларисиз туролмайдиган бўлиб қолишди. Коно ҳам Ноҳид ҳам шунча умрларини бир-бирларидан айриликда ўтказишганига афсусланишди, бунинг учун икковлари ҳам ўзларини айбдор деб билишарди.

Коно Бухорхудот нимаси биландир Дихамни эслатадиган туркистоник Эр Будунни ўз ўғлидек яхши кўриб қолди, уни алпқомат келбатига қараб тўймасди. Шубҳасиз, у тахтни Эр Будунга топширишдан бошқа нарсани ўйламасди. Укасининг қарори қатъий эканлигига амин бўлган Ноҳид ҳам ўғлининг Бухорода қолишига рози бўлди. Шундай қилиб бухорхудотлар сулоласи тарихида биринчи марта ҳукмдор ўз хоҳиши билан вазифасидан истеъфо бериб, подшоҳликни тахт ворисига топширди. Лекин Эр Будун отасининг маслаҳатига кўра подшоликни шу шарт билан қабул қилдики, Коно подшоликдан расман озод этилган бўлса-да умрининг охиригача истаган пайтида ҳумдорлик ҳуқуқидан фойдалана олиши, давлат ишларига аралашиши мумкин бўлиб қолди ва Эр Будундан кейин подшолик Кононинг зурёдига (у хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз) ўтиши қонунийлаштириб қўйилди. Бу шартлар Конога ҳам маъқул бўлди.

Эр Будунга тож кийдириш маросими тантанали равишда ўтказилди. Коно янги ҳукмдорга тожни кийдирар

экан, сўзлаётган пайтида негадир унинг номини бир неча марта Шер Будун деб тилга олди. Маросимда ҳозир бўлганлар буни Кононинг хотираси заифлашиб қолганига йўйдилар. Лекин маросим тугагач, Кононинг ўзи сарой аъёнларидан бундан кейин Эр Будунни Шер Будун Бухорхудот деб аташларини илтимос қилди ва бунинг сабабини тушунтириб бермади. Бу Эр Будуннинг ўзига ҳам, отасига ҳам ғалати туюлган бўлса-да, кекса Кононинг истагига қарши бормай, майли, деб қўя қолдилар. Кейинчалик эса одамлар Бухорхудотни Эр Будун ҳам, Шер Будун ҳам эмас, оддийгина қилиб, Будун деб атай бошладилар.

Ноҳид ота юртида яна бир неча кун меҳмон бўлиб тургач, Турк-ютга жўнаб кетди. Коно ҳам Кўҳандизни тарк этди, у бухорхудотларнинг Варахшада бунёд этилган ва кўп йиллардан буён эътибордан қолиб келаётган саройини обод қилиб, қолган умрини ўша ерда сиёсатдан холи бўлиб, тоат-ибодатда ўтказишни ихтиёр қилган эди.

Коно ўзининг қалбидан муносиб ўрин олган қариндоши Дихамни ҳам унутмади. У айтганини қилиб, Дихамга ўз мулкининг ярмини берди. Бу мулклар Кононинг шахсан ўзига тегишли бўлган ерлар ва бойликлар бўлиб, давлат хазинасига ёки деҳқонларнинг мулкига мутлақо дахли йўқ эди. Руҳий тушкунлик гирдобида бўлган Дихам аввалига Кононинг бу марҳаматини рад этди, ҳолбуки, у Вардонхудотдан қарз бўлган минг пуд ғаллани тўлаш учун ёрдамга муҳтож эди, кейин жабрдийда маҳбубаси Зарина туфайлигина ҳаётини янгилашга аҳд қилиб, Кононинг инъомини қабул қилди. У Заринага уйланди. Дихам бўлиб ўтган воқеалардан кейин Ромушда бош кўтариб юриши қийин бўлиб қолди. Шунинг учун у Бухоронинг шимолида жойлашган Кононинг собиқ мулкларида ўзи учун бир қаср қурдириб, ўша ёққа кўчиб кетди ва гўзал Зарина билан бахтиёр турмуш кечира бошлади.

Бадавлат деҳқонга айланган Дихам кейинчалик қасри атрофида қишлоқ барпо этди ва уни отасининг хотираси учун Хиник деб номлади. Бу ернинг одамлари Хиникнинг маъносини унча тушунмай қишлоқнинг об-ҳавосига нисбат

берган ҳолда уни ўз тилларида Хунук, яъни “совуқ” деб, қишлоқ ҳокими бўлган Дихамни эса Хунукхудот деб атай бошладилар. Қишлоқ ҳақиқатда ҳам Бухоро воҳасининг энг шимолида, шамолни тўсувчи ўрмонлар бўлмаган адирда жойлашган эдики, ҳатто ёз кунларида ҳам бу ерда этни жунжиктирувчи шабада эсиб турар эди.

Хунукхудот Будун Бухорхудотнинг давлат аҳамиятига молик ишларига яқиндан туриб ёрдам берарди ва шу боисдан ҳукмдор ҳузурида юқори мавқега эга бўлган эди.

Ўз ҳукмронлигининг дастлабки икки йили ичидаёқ Будун Бухорхудот мамлакат миқёсида катта ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. У аввало Бухоро шаҳристонининг эски, нураб кетган деворини буздириб, у ерни анча кенгайтирган ҳолда янги, мустаҳкам девор билан ўраб олди. Шаҳристоннинг қиёфаси мутлақо ўзгариб кетди. Эски кулбалар ўрнига янги уйлар бино этилди. Шаҳристонда асосан амалдорлар, савдогарлар ва ҳунармандлар, бой зодагонлар истиқомат қилишарди. Аммо камбағаллар, қуллар ва хизматкорлар ҳам ҳар ер-ҳар ерда ўз турар жойларига эга эдиларки, улар бу ўзгаришлардан кейин алоҳида кулбаларидан маҳрум бўлиб, хўжайинларига бутунлай қарам бўлиб қолдилар.

Янги шаҳристон кўчаларидан бирини Шери Фарахш бунёд этди ва бу кўчадаги барча хонадонлар унга тегишли бўлиб қолди. Худди шундай Хунукхудот ҳам илгари қайнатаси Хунбун яшаган кўчани ўз қарамоғига олиб, бу ерни обод қилди.

Хунбун ўз оиласи билан Варахшага – Коно Бухорхудот ҳузурига кўчиб кетган эди. Кононинг бош соқчиси бир умр тилсиз бўлиб қолган эди, шунинг учун у парваришлаб катта қилган шернинг тарихи бошқалар учун сирли бўлиб қолаверди. Шер одамлар ўйлагандек Хунбуннинг бошига кулфат келтирмаган эди. Тўғри, Кононинг Варахшадаги саройида худди қўриқчидек юрадиган бу йиртқич ҳайвоннинг олдидан ўтишга ҳар кимнинг ҳам юраги дов беравермасди. Бироқ у ўргатилган ит ёки мушукдек ювош эдики, Коно Бухорхудот ва унинг оила аъзолари у билан

бемалол муомала қила олишарди, меҳмонлар олдида шерлари билан мақтаниб, фахрланиб қўйишарди. Хунбун Кононинг саройида ана шу шерга кўз-қулоқ бўлиб туришдан бошқа иш қилмасди.

Коно Бухорхудот шерга сиғинадиган даражада меҳр қўйган эди. У ўз саройининг деворларига ҳам энг зўр рассомлар томонидан безак берар экан, шерларнинг суратини жозибадор қилиб чиздирди. Саройга кираверишдаги дарвозанинг икки томонига ҳам иккита шер ҳайкалини ясаттириб қўйди. Шунда Будун Бухорхудот нега Коно уни Шер Будун деб атаганлигини тушунди. Ҳатто Будун янги тангалар зарб эттириш учун Конодан маслаҳат сўраб, эски тангалардаги каби Коно Бухорхудотнинг тож кийиб турган тасвирини қолдирмоқчи бўлганида ҳам Коно рози бўлмай, янги тангаларга Будуннинг ўз суратини бирор жойда чиздирмаган ва тангада тасвирлашни ҳам истамас эди.

Шундай қилиб, Бухорода устида қуёш порлаб турган шер тасвири туширилган янги кумуш тангалар пайдо бўлди. Тангалар кўриниши, сифати жиҳатидан олдинги тангалардан анча устунликка эга эди. Бу тангалар Бухородан чиқиб бутун Сўғдиёнага тарқалди. Бухоро тангаларига ҳаваси кетган Самарқанд, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Вардона, Кеш ва Нахшобдаги маҳаллий ҳукмдорлар ҳам шунга ўхшаш ўз тангаларини зарб этдилар.

Сўғдда Будун Бухорхудотнинг обрўйи юксала бошлади. У қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини кучайтиришга, улар билан ҳарбий соҳада ҳам ҳамкорлик қилишга муҳим аҳамият бераётган эди. Чунки бу пайтга келиб Сўғднинг жанубий вилоятларига – Амударё соҳилларига араблар хавф солаётган эдилар. Дарё буйидаги Маймурғ вилоятига араблар бир марта ҳужум қилиб, бойликларини талаб кетганликлари бу хавфнинг муқаррар эканлигини тасдиқлади. Шунинг учун Будун Бухорхудотнинг кучларни бирлаштириш тўғрисидаги таклифига қўшни Пойканд ва Вардона ҳокимлари дарҳол рози бўлдилар.

Будун Бухорхудот илгари Эрон подшоларига тегишли бўлган, эндиликда эса араб халифалигига қўшилган марв

шаҳрига элчи юборди. Бироқ, Марв ҳокими у кутгандек муносабат ўрнатишни истамади, Бухородан қимматбаҳо совға-саломлар билан борган элчини қуруқ қайтарди. Элчининг айтишича, араблар уларнинг динини қабул қилмаган мамлакатлар билан ҳар қандай алоқани, ҳатто савдо-сотиқ муносабатларини ҳам йиғиштириб қўяр эканлар. Будун Бухорхудот бунга ишонмади, чунки бухоролик савдогарлар ҳали Марв орқали бошқа ўлкаларга ҳам бориб, савдо-сотиқ қилиб келаётган эдилар. Уларнинг бирортасидан араблар уларни ўз динларига киритиш учун мажбур қилганликлари ҳақида эшитмагаан эди. Фақат бошқа диндаги савдогарлардан кўпроқ бож олишлари, тўғрисида унга гапириб беришганди. Бухорхудот Марвга элчи юборганида фақатгина ана шу бож масаласида ўзаро келишишни ва Бухорода ҳам, Марвда ҳам савдогарлардан бир хил бож олинишига эришишни умид қилган эди.

Арабларнинг мақсади фақатгина ўз динларини ёйиш эмас, балки ўтмишдаги барча босқинчилар каби ўз давлатлари ҳудудини кенгайтириш ва беҳисоб бойликларга эга бўлиш эканлигини Будун Бухорхудот тушунар эди. Келгусида уруш қилиб келишларига баҳона бўлсин учун араблар турли-туман динлардаги одамлар озод ва эркин яшаб келаётган Бухоро билан яхши муносабатда бўлишни истамайдилар, деб ўйлади у.

Орадан кўп ўтмай, унинг ўйлаганлари тўғри бўлиб чиқди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

АРАФА

Илоҳий қонуни йўқ халқлар ўз-ўзларидан бу Қонунда буюрилгандек иш қилганларида, улар Илоҳий қонунга эга бўлмай туриб ўзлари учун ўзлари қонундирлар. Бу билан улар Илоҳий қонуннинг талаблари ўз юракларида ёзилганини кўрсатадилар. Уларнинг виждони ҳамда бири иккинчисини гоҳ қоралаб, гоҳ оқловчи фикрлари бунга гувоҳдир.

(“Инжил”дан).

Уни ҳамма Малика деб атарди. Чунки отаси Коно Бухорхудот ўн беш йил аввал ҳукмдорликдан бўшалган бўлса-да, Бухоро тахтининг навбатдаги вориси Кононинг фарзанди бўлиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган эди. Кононинг шу қиздан бошқа фарзанди бўлмади. Шунинг учун ҳозирги ҳукмдор Будун Бухорхудотдан кейин ана шу қиз подшолик тахтига ўтириши муқаррар эди.

Отаси подшоҳликдан истеъфо бериб, Варахшага кўчиб келиб яшай бошлаганида бир ярим яшар қизалоқ бўлган Сю, дарҳақиқат, маликалардек ўсиб-улғайиб, балоғатга етди. Коно уни кўз қорачиғидек асраб-авайлар, кипригига гард ҳам юқтирмас эди. Маликанинг ҳусну малоҳати камолга етиб, кўзга яқин бўлиб қолганида кекса ота унга муносиб куёв топиш ҳақида ўйлай бошлади. Аммо қизнинг қандай шарт билан турмушга чиқиш ҳақидаги қароридан унинг ҳали хабари йўқ эди.

Маликанинг овозаси бутун Сўғдга кетган эди. Унинг қўлини сўраб Самарқанд ихшидида ва Чағаниён1 ҳокими – Чағонхудотдан совчилар келишди. Бироқ қизининг Бухородан четга чиқиб кетишини мутлақо истамаган Коно уларга рад жавобини берди. Чунки, Малика Бухоро маликаси бўлиб қолиши керак эди. Албатта, уни Будун Бухорхудотга узатса айни муддао бўларди: сих ҳам куймасди, кабоб ҳам.

Бироқ Будуннинг Бухорода ҳам, Тарозда ҳам хотинлари бор эдики, Маликанинг унга учинчи хотин бўлиб тегиши Конога маъқул келмасди. Қанийди, Будуннинг вояга етган бирор ўғли бўлсайди-ю, Коно қизини ўзига тенг бўлган ўша шаҳзодага никоҳлаб берса эди! Афсуски, ўзи йигирма бешга кириб уйланган Будуннинг катта ўғли эндигина етти ёшга тўлган эди. То у вояга етгунича кутишга эса Кононинг тоқати йўқ эди, кутганида ҳам ўшанда у йигитча ўзидан бир неча ёш катта бўлган Маликага уйланишни хоҳламаса-чи? Балки Маликанинг ўзи ҳам буни хоҳламас?

Маликага уйланиш орзусида бўлганлар ичида Будун Бухорхудот ҳам бор эди, лекин у бу ҳақда амакиси Конога айтишга журъат қилолмасди. Бунинг сабаби ҳам Коно уйлаган ўша сабаблар эди. Шунинг учун Маликага бўлган ҳавасининг аланга олишига йўл бермас, иложи борича амакисининг саройига қадам босмасликка ва зарурат юзасидан бориб қолганида ҳам Маликани кўрмай тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қилар эди. Бироқ, бу билан юрагидаги ўтни ўчира олмади.

Маликанинг ошиқларидан яна бири Вардонхудотнинг ўғли бўлиб, у муҳаббат йўлидаги курашда Шери Фарахшнинг ўғли билан рақобат қиларди. Уларнинг иккови ҳам бухорийлардан, насл-насаб жиҳатидан ҳам бир-бирларидан кам эмас эдилар. Бироқ уларнинг оталари ўғилларининг Маликага уйланишига шунинг учун руйхуш бермас эдиларки, Малика тахтга чиққач, эрини ўзидан паст кўриши ва бу нарса ўғилларининг қадр-қимматини, шаънини камситиши мумкин деб ҳисоблардилар. Йигитлар эса бу нарса билан ҳисоблашмасдилар ва Маликани қўлга киритиш учун оталари совчи юбормасалар-да, ўзлари мустақил ҳаракат қилаётган эдилар. Маликага яқинлашиш учун Шери Фарахшнинг ўғли Алп Арслон рақибидан кўра бирмунча кенгроқ имкониятга эга эди, чунки у Коно Бухорхудотнинг саройида бош соқчи бўлиб хизмат қиларди. Вардонхудотнинг ўғли Феруз эса Будун Бухорхудот қўшинида лашкарбошилардан бири эди.

Алп Арслон фақат Варахша саройини қўриқлаш ишларига эмас, балки кексайиб қолган Кононинг барча ишларига ўзи бош-қош бўларди. Бошқача айтганда, у Коно Бухорхудотнинг қўл-оёғи бўлиб қолганди. Бир вақтлар Коно вазири Шери Фарахшга қандай суянган бўлса, энди унинг ўғли Кононинг суянчиғига айланган эди.

Кунларнинг бирида Коно Алп Арслоннинг боғида Малика билан сайр қилиб юрганини кўриб қолди ва ўшандан бошлаб йигитдан қизини рашк қила бошлади. У қизи билан ҳам гаплашиб, Алп Арслон билан ёлғиз юриши яхши эмаслигини айтди. Малика қизарди, кейин:

- Нега ундай дейсиз, ота? Алп Арслон сизнинг энг ишонган кишингиз, оиламизнинг яқин дўсти-ку,- деди.

- Барибир, қизим, сен эркак кишидан узоқроқ юришинг керак. Ахир, катта қиз бўлиб қолдинг, ўзинг тушунасан-ку...

Малика кулиб қўйди-ю, бошқа гапирмади. Лекин ичида “Ҳа, ота, мен буни тушунаман, лекин сиз ҳам мени тушунишингиз керак”, деб қўйди.

Ўшандан кейин ҳам Коно бир неча марта гоҳ сарой ичида, гоҳ боғда қизи билан Алп Арслоннинг гаплашиб туришганига дуч келди ва аста-секин бу ҳолга кўника бошлади. Хотини ҳам унга Маликага танбеҳ бераверіб уни хафа қилиб қўймасликни маслаҳат берган эди. Отасининг индамай юрганини Малика суистеъмол қила олмасди, барибир унинг кўнглига қарарди. Алп Арслоннинг суҳбатлари қизга қанчалик ёқмасин, йигитнинг олдига тез-тез чиқишдан ўзини тияр эди. Чиққанда ҳам ёлғиз ўзи эмас, отам кўриб қолиб хафа бўлмасин дея чўри қизлар билан бирга чиқар эди.

Алп Арслон ёш Маликанинг кўнглига йўл топаётганидан мамнун эди. Бироқ у мақсадга эришиш учун шошилмасди, Маликага уйланиш ҳақида гапиришимга ҳали эрта деб ҳисобларди. Шунинг учун саройдагилар олдида ўзини Маликага нисбатан бепарводай тутарди... Ёш бўлса ҳам отасидек пухта, ҳар бир нарсани атрофлича ўйлаб кўриб, етти ўлчаб бир кесадиган бу йигит саройдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун қизга кўп илакишмай, кўпроқ иш билан машғул бўларди. У ишдаги тадбиркорлиги билан кекса

Конони қойил қолдирмоқчи бўларди, унинг олдидаги обрўйини янада оширишга интиларди.

Малика эса Алп Арслонга турмушга чиқиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган, фақат унинг бўйдоқлигини назарда тутиб ўзига муносиб суҳбатдош деб биларди ва йигит гапираётганда ёки Маликанинг сўзларини тинглаётганда одатдаги ишбилармон, улуғвор Алп Арслон эмас, қандайдир бошқача, уятчанроқ, мулойимроқ бўлиб қолишини қайта-қайта кузатишга қизиқарди. Турмушга чиқиш ҳақида ўйлаганда эса унинг кўз олдига дарҳол Феруз келарди. Чунки Малика фақатгина Феруздан “Мен сенга уйланмоқчиман, Маликам!” деган юракни ҳаприқтирувчи сўзларни эшитган эди. Малика Ферузни бор-йўғи икки марта кўрган ва иккинчи кўришишдаёқ Феруз унга ўша гапни айтган эди. Аммо Малика ҳам ўша заҳотиёқ ҳали эрга тегиш нияти йўқлигини очиқ айтиб, Ферузнинг ҳафсаласини пир қилганди.

Малика Ферузни биринчи бор наврўз байрами куни Бухорода Будун Бухорхудот ташкил этган томошагоҳда кўрган эди. Ўша куни подшоҳ бир неча қозонларда сумалак пиширтириб, халққа тарқатди, кўчаларда, майдонларда одамлар шоду хуррамлик билан байрамни нишонлашди. Малика отаси билан қуёш чиқмасдан Бухоро кўҳандизига келган эди, Коно удумга кўра барча оташпарастлар қатори бозордан битта хўроз сотиб олиб, Кўҳандиз дарвозасининг олдига, Сиёвуш дафн этилган жойга келтириб сўйди. Сиёвушнинг руҳига хўроз қурбонлик қилиш асрлардан бери давом этиб келаётган одат эди. Малика ҳар йили наврўзда отаси билан Бухорога келганида Коно уни марҳума онасининг қабрини зиёратга олиб боришдан олдин қурбонлик қилишни бирор марта канда қилмаганлигининг гувоҳи эди. Малика Кўҳандиз девори остидаги онасининг қабри олдида отаси юм-юм йиғлаганини кўриб, кўнгли эзилди. Унинг ўзи онасини эслаганида ҳеч қандай қўмсаш, ғам чекиш ёки ачиниш туйғуларини ҳис этмасди, фақат отасининг қайғусини ҳис этарди, холос. Чунки Малика шундай муҳитда ўсдики, ҳеч қачон она меҳрига муҳтож бўлмади, она деган зот қанчалик табаррук эканлигини ҳам

тўла тушуниб етмаган эди. Хуллас, ўша куни зиёратдан кейин Малика сарой аъёнлари-ю мулозимлари канизаклар билан бирга Кўҳандиз олдидаги майдонда ташкил этилган томошагоҳга чиқди. Бу ерда бухорхудотлар учун алоҳида ўтириб томоша қиладиган жой ҳозирланган эди. Одамлар байрамона либосда ял-ял очилиб ўтирган ёш Маликанинг ҳусни жамолини томоша қилиш учун ҳам бу ерга келишаётган эди. Токи майдонда энг қизиқ томоша – пахлавонлар кураши бошлангунча ҳамманинг кўзи виқор билан ўтирган Маликада эди. Подшоҳ Будун Бухорхудот пахлавонлар учун қимматбаҳо мукофотлар қўйди. Бири-биридан кучли алпқомат йигитлар майдонга тушиб беллашишар, одамлар ўзлари ёқтирган курашчини олқишлаб қий-чув кўтаришар эди. Коно Бухорхудот ҳам завқи келиб ўзининг пахлавони Алп Арслонни майдонга чиқишга даъват этди. Барча рақибларини йиқитиб, майдонни гир айланаётган занданалик бир пахлавонга талабгор бўлиб, Алп Арслон майдонга тушди. Маликанинг қараб тургани унга енгилмас куч-қудрат бағишлаётгандай эди. Гарчи отаси Шери Фарахш ҳам, ака-укалари ҳам шу ерда ҳозир бўлиб, ундан оиласи шарафини сақлаб қолишни кутишаётган бўлишса-да, Алп Арслон фақатгина Маликанинг олдида обрў-эътибор қозонишни ўйлар эди. У рақиби билан биринчи тортишувда уни йиқолмади, бир-бирларидан қолишмайдиган пахлавонлар бирданига гурс этиб ёнбошлари билан ерга йиқилишди. Кейин ўринларидан туриб қайта олишишиди. Биринчи олишувда рақибининг кураш услубини билиб олган Алп Арслон қулай вазиятни топиб, уни елкаси оша кўтариб ерга урди. Бутун томошагоҳ қалқиб кетди. Енгилган пахлавон Алп Арслонни дўстона қучоқлаб, майдонни тарк этди. Коно ўз пахлавонининг ғолиб чиққанидан суюниб кетиб, ўрнидан туриб уни олқишларди. Алп Арслон у томонга қараб, Маликанинг ҳам кўзлари қувончдан порлаб кетганини кўрди. Алп Арслонга махсус мукофот – хитойлик қуролсозлар ясаган қилич ва қалқонни подшоҳнинг ўзи топширди ҳамда фахр билан елкасига уриб қўйди.

- Қани, Алп Арслонга бас келаман, дейдиган баҳодир борми?- дея ўртага мурожаат қилди Будун Бухорхудот. – Уни енгадиган баҳодирни бундан ҳам зўр мукофот кутаяпти!

Шунда подшоҳнинг лашкарлари турган тарафдан баланд бўйли, елкадор бир йигит майдонга чиқиб келди:

- Мен уни курашга чақираман!

Будун йигитга қаради ва қувониб уни халойиққа таништирди:

- Вардонхудотнинг кенжа ўғли Феруз пахлавон! Менинг энг зўр лашкарбошиларимдан бири!

Малика Ферузни илк бор шу ерда кўрган эди.

Феруз билан Алп Арслон узоқ олишишди: Олдинги рақиби Алп Арслонни чарчатиб қўйган эди. Аммо у буни баҳона қилиб курашни тўхтатишдан номус қиларди. Феруз ҳам жон-жаҳди билан олишарди. Ниҳоят, томошабинларни ларзага келтирган бир дақиқада Феруз Алп Арслонни елкаси билан ерга ёпиштириб қўйди. Алп Арслон тезда ўзини ўнглаб, ўрнидан сапчиб турди. Аммо ғишт қолипдан кўчган эди, ҳамма Ферузни ғолиб деб олқишлаётган эди. Алп Арслон энди Малика томонга қараёлмас эди. Агар қараганида қизнинг кўзларида олдингидан ҳам кучли ҳаяжон балқиб турганини кўрган бўлар эди. Бу ҳаяжонли нигоҳ энди Ферузнинг ғолибона нигоҳи билан тўқнаш келди.

Феруз ўзига аталган мукофотни эълон қилган Будун Бухорхудотга қараб деди:

- Бир илтимосим бор, ҳукмдор! Агар илтифот кўрсатсангиз, менга берадиган мукофотингизни соҳибжамол Маликамизнинг қўлларидан олсам!

Феруз қайси Маликани назарда тутганини ҳамма бирдай тушунди. Томошабинларнинг шовқини пасайди. Лашкарлар орасидан “Баракалла! Яша Феруз!” деган овозлар эшитилди. Коно ва Будуннинг ёнидаги аъёнлар ҳангу-манг бўлиб қолдилар. Будуннинг ноқулай аҳволга тушиб қолганини сезган вазир Шери Фарахш секин шивирлади:

- Пахлавоннинг илтимосини бажаринг, ҳукмдор. Мардга мард бўлиш керак!

Унгача Малика ҳам ўрнидан туриб, гоҳ Ферузга, гоҳ Будунга қараб уялганнамо кулиб турарди.

- Сен бундай шарафга лойиқсан!- деди Будун Бухорхудот рашкини сездирмай. – Марҳамат Маликам!

Малика келиб, Будуннинг қўлидан олтин сопли, ғилофига қимматбаҳо тошлар қадалган қилични икки қўллаб қабул қилиб олди. Феруз ўзига хос салобат билан юрию, унинг олдига чиқиб келди ва бир тиззасини ерга қўйган ҳолда таъзим қилиб мукофони оларкан, деди:

- Мени бахтиёр этдингиз, Маликам! Бу қилич билан бир умр бухорхудотлар сулоласига хизмат қиламан!

Малика унинг ўтли нигоҳи қаршисида ҳеч нарса дея олмай, ҳаяжонланиб турарди. Унинг ўрнига Будун жавоб берди:

- Рахмат сенга, Феруз. Сен билан фахрланамиз!

Шу воқеадан кейин Коно Бухорхудот қизининг ошиқларидан яна бирини таниганига иқрор бўлиб, Вардонхудотдан совчи келишини кутиб юрди, аммо у кутган совчи келмади. Малика эса анчагача наврўз байрамини эслаб, унинг таъсирида юрди.

Алп Арслонга енгилгани бир алам қилган бўлса, рақибининг мукофотни Маликанинг қўлидан олиши баттар алам қилган эди. Шунинг учун у анчагача Маликада ўзини олиб қочиб юрди.

Малика Ферузни иккинчи марта Хунукхудотга тегишли бўлган адирда учратди. Бу адир Бухорхудотларнинг навкарлари машқ қиладиган, асов отларни минишга ўргатадиган жой эди. Коно бу ерга қизини от минишга ўргатиш учун олиб келган эди. Махсус ўргатувчилар билан бирга уларга Хунбун ҳам қўлга ўргатилган шери билан ҳамроҳ бўлган эди. Ўша куни Маликанинг келишини билгандай Феруз ҳам ўз лашкарлари билан адирга чиққан эди. У Кононинг олдига келиб, Маликанинг от миниш машқида иштирок этишга рухсат сўради. Бу журъатли йигитнинг Маликага дахлдор биринчи илтимосини наврўз куни Будун Бухорхудот бажаришга қандай мажбур бўлган

бўлса, иккинчи илтимосини Коно Бухорхудот ўшандай аҳволда қабул қилди.

Малика минадиган от энг саралланган, ювош от эди. У бир неча марта унга миниб, яйловни айланиб чиқди. От ўргатувчи чавандоз ҳам унинг ёнидан ажралмас эди. Коно қизининг чавандозликни яхши эплаётганлигидан мамнун эди. Чунки бўлажак тахт соҳибасини ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш унинг орзуси эди.

Навбатдаги от чоптиришдан муваффақиятли қайтиб келган қизини Коно олқишлади.

- Баракалла, қизим! Сендан ажойиб чавандоз чиқади!

Малика отдан тушмай туриб, бошидаги дубулғани ечди, шунда унинг сочлари ёйилиб кетганини кўрган Ферузнинг юраги ўйнаб кетди. Шу пайт Хунбуннинг шери от устида турган Ферузнинг Маликага бошқача қараётганини сезди ва кутилмаганда наъра тортиб юборди. Бундан одамлар тугул, ҳатто отлар ҳам чўчиб тушдилар. Маликанинг оти ҳаммани ташвишли ҳаяжонга солганча қизни адирга олиб қочди. Аллақачон отидан тушиб ўтирган ўргатувчи саросимада пишқириб сапчиётган отига минолмай оввора эди. Кононинг ранги қув ўчган, нима қиларини билмай қолган эди. Фақат довюрак Ферузгина бу пайтда Маликанинг отига етиб олиш учун унинг ортидан от солди. Иккинчи марта наъра тортиб, ферузнинг отига ташланмоқчи бўлган шерни эса Хунбун жон ҳолатда бўйнидан қучоқлаб олиб, сақлаб турарди.

Ферузнинг оти чопқирликда тенги йўқ эди. У бир зумда Маликага етиб олди.

- Қўлингни менга бер! Қўрқма!- қичқирди у ёнма-ён чопиб бораётган отнинг жиловига ёпишиб олган Маликага.- Жиловни қўйиб юбор!

Бироқ қўрқиб кетган Малика жиловни қўйиб юбормас, Ферузга қарай ҳам олмасди.

Улар ўзларини кузатиб турган одамлардан жуда олислаб кетгандилар. Қарилик туфайли кўзи узоқни кўролмайдиган бўлиб қолган Коно ғазаб билан Хунбунга бақирди:

- Лаънати! Агар қизимга бирор гап бўлса, бошингни оламан!

Хунбун қалт-қалт титрарди. Агар тили бўлганида нега шернинг бундай қилганини Конога тушунтириб берган бўларди. Коно кеч бўлсада Маликага ёрдам бериш учун отини чоптириб кетган ўргатувчини ҳам кетидан роса сўкди. Унинг ғазабланганини, тилидан ҳақоратли сўзлар чиққанини мулозимлари неча йиллардан буён кўрмаган ва эшитмаган эдилар. Чунки тахтни топширгандан кейин, аниқроғи, ўша даҳшатли ва афсонавий воқеалардан кейин Коно Бухорхудот тақводор ва беозор инсонга айланган, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўзини йўқотмас эди. Аммо қизига дахлдор бу воқеа унинг ҳукмдорлик давридаги қиёфасини бирдан тиклаб юборган эди.

- Ташвишланманг, хўжайин,- деди уни тинчлантиришга уриниб от ўргатувчилардан бири. – Ана, Феруз Маликага етиб олди, ана қўлини узатаяпти...

Феруз Маликани отдан ажратиб ололмаслигига кўзи етгач, ўзи унинг отига мингашиб олишга қарор қилди. Аммо ўқдай учиб кетаётган отларнинг биридан иккинчисига ўтиш осон эмасди.

- Олдинроққа сурил!- бақирди у Маликага ва отларнинг қоринлари бир-бирига тегай-тегай деб турган бир лаҳзада эпчиллик билан Маликанинг отига сакраб, қизни қучоқлаб олди. Тизгин Ферузнинг қўлига ўтгач, отнинг югуриши бирдан секинлашди. Хавф ўтиб кетган эди.

Маликанинг сочлари шамолда тўзғиб, Ферузнинг юзлари ва бўйинларига шундай сийпаланар эдики, йигит ҳеч қачон бундан ортиқ ҳузур ва бахтни туймаган эди. Унга қолса шу топда отнинг тўхтамагани, уни Малика билан узоқ-узоқларга олиб қочгани маъқул эди. Бироқ Феруз отни ҳам, ўз ҳисларини ҳам жиловлаб олди. Отни тўхтатиб, орқасига қаради. Маликанинг от ўргатувчиси улар томонга келаётган эди. Феруз Маликани ўпишга чоғланган эди, аммо уни кўриб шаштидан қайтди ва кўнглидаги гапни айтиб олишга шошилди:

- Юрагимни уришини сезаяпсанми, соҳибжамол? Сени деб бу ерларда юрибман, ҳа мен сенга уйланмоқчиман, Маликам! Буни шу пайтгача айтишга имконим йўқ эди...

Эшитаяпсанми? Бир сўз де... Розилигингни айт менга, йўқ дема! Нима десанг, айтганингни бажараман. Сен учун жонимни қурбон қилишга ҳам тайёрман, Маликам! Айтгил, отанг билан гаплашаверайми?

Маликанинг юраги ҳозиргина қўрқувдан ёрилай деб турган бўлса, энди Ферузнинг оташин сўзларидан таъсирланиб, гурсиллаб ура бошлади. У ўзини қўлга олиб, йигитга шундай жавоб қилди:

- Будун тахтни менга топширсагина мен сенга тегишим мумкин.

Бу жавобдан Феруз ҳангу манг бўлиб қолди.

- Демак, Будун умрининг охиригача подшоҳлик қилса, сен ҳам дунёдан эр қилмай ўтаркансан-да?- ажабланиб сўради у.

- Ҳа.

- Бу қарорингни отанг биладими?

- Йўқ.

- Унда мен отангга айтаман, у тахтни Будундан сенга олиб беради.

- Асло! Агар бу ишга отамни аралаштирсанг, мен ҳеч қачон сенга тегмайман!

- Мен сенинг ниятингни тушунолмай қолдим, Маликам... Ахир, бошқа нима қилиш мумкин? Сен шундоқ ҳам Будундан кейин тахтга ўтирасан-ку?..

- Ким билади, балки у мендан узоқроқ умр кўрар? Балки мен қариб қолганимда у дунёдан ўтар? Йўқ, мен қариганимда тахтга ўтиришни истамайман.

- Сен хато ўйлаяпсан Маликам деб Феруз унинг фикрини ўзгартириш учун гапини давом эттирмоқчи эди, лекин Малика уларнинг ёнига етиб келган от ўргатувчисига эшитилмайдиган қилиб:

- Гап тамом,- деди, кейин кулиб туриб:

- Мен ҳечам қўрққаним йўқ,- деди-да отдан сакраб тушди ва тўзғиган сочларини тузата бошлади.

- Маликам, мени афу этинг!- деди ҳансираб етиб келган от ўргатувчи отидан тушар экан.- Бундай бўлишини қаердан билибман? Ювош от эди-ку жонивор!..

- Ҳечқиси йўқ,- деди Малика ўзини бепарво тутиб. – Мен ўзим ҳам отни тўхтата олар эдим... Лекин, барибир мана бу йигитнинг довюраклигига, чаққонлигига қойил қолдим!

Феруз ёш Маликанинг гапга чечанлиги-ю ўзини кўпни кўрган кишидай вазмин тутишига анграйиб қараб турарди. “Чиндан ҳам у тахтга ўтиришга муносиб бўлиб қолибди,- деб ўйларди у,- Менга эътибор ҳам бермаяпти. Наҳотки, тушларимга кириб чиққан соҳибжамол шу бўлса? Ҳозиргина қучоғимда эди-я, энди ишонгим ҳам келмайди”.

Феруз Маликанинг отидан тушиб, от ўргатувчи билан баробар етиб келган ўзининг отига минди.

- Отангиз хавотир олаяптилар, Маликам,- деди у Маликага яна гапиргиси келганидан,- отга мининг, йўл-йўлакай чарчоғимизни чиқариб бораверамиз...

- Ҳали сиз чарчаб ҳам қолдингизми?- деди Малика қувлик билан отига сакраб минар экан.

Феруз ҳам зўрма-зўраки кулди. Унинг бояги журъати-ю мағрурлиги бир пасда ғойиб бўлган эди. Қиз ўзининг гаплари ва ҳаракатлари билан йигитнинг юрагини ўртаб, бутун вужудини бўшаштириб юборди.

- Сиз Маликамизнинг ҳазилларини кўнглингизга олманг,- деди кулиб от ўргатувчи Ферузнинг аҳволини ўзича тушуниб. – Хизматингиз мақтовга ҳам, мукофотга ҳам лойиқ!

- Мен мукофотни аллақачон олдим,- деди Феруз бироз дадилланиб,- энди Коно Бухорхудот мендан рашк қилмасалар бўлгани!

Унинг нимага шама қилаётганини дарҳол пайқаган Малика:

- Тилингизга кўп эрк беравермаанг, йигит!- деди. Бироқ унинг бу огоҳлантириши жиддий эмаслиги гап оҳангидан сезилиб турарди. Феруз Малика ўзини қанчалик улуғвор тутишга уринмасин, унинг юрагига чўғ ташлаб қўя олганига ишонди. “Барибир мен сенга уйланаман, Малика,- дерди у ичида. – Сен бу гўзаллигинг, бу ақллилигинг билан мендан қочиб қутулолмайсан!” Феруз ораларида учинчи одам борлиги учун одоб сақлаб, Маликага бошқа гапирмади. У Маликани хафа қилиб қўйишдан ҳам чўчир эди. Малика ҳам

ўз ошиғининг дадиллиги ва ҳақиқий баҳодир эканлигидан ич-ичидан қувонса-да, уни ўзидан ғурурланиб кетишига йўл қўймаслик учун сўзини дариғ тутди.

Маликанинг Феруз билан иккинчи учрашуви ана шундай тугаган эди. Шу воқеадан кейин Малика Ферузни ўйлаб зерикадиган бўлиб қолганди. Унинг Алп Арслон билан яқин муносабатда бўлаётганлиги ҳам аслида ана шу зерикишни тарқатиб юбориш учун эканлигини Алп Арслон тушунмас, Маликанинг менга кўнгли бор деб ўйлар эди.

Бир куни Алп Арслон Маликанинг Ферузга муносабатини билиш учун ундан гап очди.

- Мен Ферузнинг кучли баҳодир эканлигига тан бераман,- деди у Малика билан суҳбатлашиб ўтирар экан. – Лекин нима учун у Вардонхудотнинг кенжа ўғли бўлишига қарамасдан отасининг ёнида бўлмай, Бухорхудотнинг қўшинида хизмат қилиб юрибди – шунга ҳайронман. Ахир Вардонхудотнинг лашкарига ҳам кучли баҳодирлар керак-ку? Менимча, Ферузнинг бу иши ақлли иш эмас.

Зийрак Малика Алп Арслоннинг мақсадини тушуниб туриб деди:

- Балки у сенчалик ақлли эмасдир, балки сен ҳам кучлиликда ундан қолишмассан... Лекин фақат ақл ёки куч билан ҳамма нарсага эришиб бўлмайди. Менимча Феруз мақсад сари интилишда сендан кўра дадилроқ кўринади. У Бухорога бемақсад келмаган бўлса керак. Яна билмадим...

Маликанинг “Яна билмадим” деб қўшиб қўйиши ортиқча эди. Чунки Ферузнинг мақсади Алп Арслонга аён бўлгани каби Маликага ҳам аён эканлигини у ўз сўзидан сездириб қўйганди. Ҳатто Малика Ферузни Алп Арслондан афзал кўришини ҳам шафқатсиз равишда билдирган эди. “Бу гапни эшитгандан кўра ҳар нарса бўлганим яхши эди”, - деб ич-этини еди Алп Арслон. Шундан кейин Маликанинг менга кўнгли бор деб ўйлаб юрган Алп Арслон уни ўзига ром этиш учун яна чора излай бошлади. Малика ёш қа нозик бўлгани билан у ўйлаганчалик содда эмас экан. Агар шу кунларда Алп Арслон Маликага ўз орзуси ҳақида оғиз очса, шубҳасиз рад жавобини олишига амин бўлди. Аммо Малика унинг қачон бу

ҳақда оғиз очишини кутар экан, унга ҳам Ферузга берган жавобини такрорлашга аҳд қилиб қўйган эди.

Аслида Малика тахтни эгаллашга сира ҳам шошилаётган эмасди. Агар у буни хоҳлаганда отаси орқали масалани осонгина ҳал қилиши мумкин эди. Аммо Маликанинг мақсади бўлак эди. Ошиқларига бундай шарт қўйиш билан у биринчидан, йигитлар унинг истагини бажо келтириш учун нима қила олишларини билишга қизиққан бўлса, иккинчидан, унинг тахтга чиқишига бўлажак эри қандай қарайди – шуни билмоқчи эди. Чунки Коно Бухорхудотнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ахлоқий, диний, фалсафий билимларни пухта эгаллаётган Малика ёш бўлишига қарамасдан ҳаёт ҳақида мустақил фикрга эга ва турмушга чиқиш масаласига ҳам ҳиссиётга берилмасдан қарай олар эди. Шу билан бирга у эртами-кечми бухорхудотлар тахти унга ўтиб қоладиган бўлса, нима қилиши лозимлиги ҳақида ҳам ўйларди.

Алп Арслон ўйлай-ўйлай охири Маликани қулай пайт топиши билан бағрига босиб, дадилликда Феруздан қолишмаслигини кўрсатишга аҳд қилди. У ҳар қандай қиз йигитнинг қучоғида эриб кетади, деб ўйлаганди. Бошқа томондан муҳаббат ва рашк уни ақлини олиб қўйган эди.

Кунларнинг бирида Алп Арслон кечки пайт Маликани сайрга таклиф этди. Ҳамиша унинг таклифини қабул қилиб келган бу сафар ҳам у билан боққа чиқди. Улар турли мавзуларда гаплашиб айланиб юришар экан, Алп Арслон узоқ иккиланишлардан сўнг бирданига Маликанинг қўлидан ушлаб ўзига тортди-да:

- Менинг тоқатим тоқ бўлди, Маликам!- деди ҳаяжонланиб. – Ахир қачонгача мени қийнайсан?!

У Маликанинг қаршилик кўрсатишига қарамай куч билан бағрига босди. Шу пайт қаердандир Хунбуннинг шери пайдо бўлиб, ўкирганча Алп Арслонга ташланди. Алп Арслон Маликани қўйвориб, гурсиллаб ерга йиқилди.

- Тегма унга, Ёлдор!- қичқириб юборди Малика. У шерга Ёлдор деб от қўйган эди. Шер қўрқувдан дағ-дағ титраётган

Алп Арслонни устидан тушиб, Маликанинг оёқларига суйкалана бошлади.

Бир пасда қичқириқни эшитган хизматкорлар югуриб келишди ва бўлган воқеадан воқиф бўлишди. Албатта, бу гап тезда Кононинг қулоғига ҳам бориб етди. Чол дарҳол Алп Арслонни ҳузурига чақириб, бўлган воқеани ўз тили билан гапириб беришни талаб қилди. Алп Арслон энди юрагидаги дардини сир тутишга ҳожат қолмаганлигини тушуниб, Кононинг олдида айбига иқрор бўлди.

- Фақат қизингизга бўлган муҳаббатим туфайли сизнинг хизматингизни қилиб юрибман, хўжайин!- деди у хўрлиги келиб. – Сиз буни яхши биласиз, Малика ҳам билади! Агар унга уйланишим учун ўша вахший ҳайвон йўлимга тўғаноқ бўладиган бўлса, у билан олишишга ҳам тайёрман, майли ҳалок бўлсам ҳам!.. Лекин то тирик эканман, Маликанинг бошқа кишига тегиб кетишига йўл қўймайман! Унинг учун жоним фидо бўлсин!

- Эҳ, сени қара-ю, ўғлим,- деди Коно бошини чайқаб. – Ахир шу дардинг бор экан, нега ўзимга айтмадинг ёки отангни ҳузуримга юбормайсан? Нима қизимни сендан ортиққа берармидим? Лекин ҳозир гап бундамас, нега шернинг сенга ташланганида! Демак сен қизимга нисбатан қўполлик қилгансан! У шер Сюнинг энг ишончли қўриқчиси, жуда сезгир жонивор, бирор йигит қизимга яқинлашгудек бўлса, индамай қараб турмайди. У йигитларнинг ниятини ҳатто кўзидан сезади. Ҳа, мен буни адирда у Ферузга ташланмоқчи бўлганидаёқ сезганман. Шунинг учун сенга ҳам маслаҳатим: Маликадан узоқроқ юр, гапни кўпайтирма! Акс ҳолда бошингга фалокат орттирасан.

Алп Арслон бошини хам қилиб, Кононинг сўзларини эшитиб турди, кейин деди:

- Тушундим. Аммо бир нарсага ҳайронман: агар шер Маликани йигитлардан қизғанишда шундай давом этаверса, унга уйланишга ҳеч ким журъат этолмади-ку?

- Сен бундан ташвишланма. Ҳозирча шундай бўлгани ҳам маъқул. Яхшиси, отангга бориб айт, сени Маликага уйлантириш нияти бўлса, келиб мен билан гаплашсин!..

Шу пайт ташқарида уларнинг гапларини эшитиб қолган Малика шаҳд билан эшикни очди-да:

- Йўқ, ота! Сиз менинг розилигимни сўрамай эрга беролмайсиз!- деди.

Шошиб қолган Коно:

- Албатта, албатта, қизим!- деди. – Ҳали сени эрга бериш ҳақида гапирганим йўқ-ку. Совчилар келишса, албатта, ўзинг жавобингни айтасан...

Ноқулай аҳволга тушиб қолган Алп Арслон индамай чиқиб кетди. Ота-қиз ёлғиз қолишди.

- Гапларингизга қулоқ солганим учун узр, ота. Ўтиб кетаётиб, тасодифан эшитиб қолдим. Мени эрга бериш ҳақида гапираётганингиз учун бефарқ ўтиб кетолмадим,- деди Малика.

Коно қизининг бемалол, тортинмай гапираётганини кўриб у билан бу нозик масала ҳақида гаплашса бўлар экан-ку, деб ўйлади.

- Мендан бекорга хафа бўлаяпсан, қизим,- деди чол ясама табассум билан. – Мен фақат Шери Фарахшни чақиртириб, унга Алп Арслоннинг бугун сенга қилган муносабати ҳақида гапириб қўймоқчи эдим. Агар унга кўнглинг бўлмаса, очиғини айтавер, сенинг розилигингсиз сира ҳам ишни ўзим ҳал қилмайман-ку... Истасанг, Алп Арслонни ҳозироқ саройдан ҳайдаб юбораман.

- Мен Алп Арслонни ҳайдаб юборинг, демайман. Унинг бугунги қилиғидан сира хафа бўлганим йўқ. Модомики, менга уйланмоқчи экан, сабр қилсин. Мен ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ. Сиз ҳам ҳовлиқманг, ота. Ҳали турмушга чиқишимга эрта...

- Баракалла, оппоқ қизим!- қизининг мулоҳазали жавобидан хурсанд бўлди Коно. – Ақлли гап айтдинг. Мен ҳам бу ишда шошилаётганим йўқ. Фақат гап кўпайиб кетмасин дейман-да, қизим. Сени оламан, дейдиганлар кўпайиб бораяпти...

- Улар билан ишим йўқ,- деди Малика. – Танлаш менинг ихтиёримда. Мен ўз қадримни ва сизнинг орзу-истагингизни

яхши биламан. Сиз ташвиш чекмай қўя қолинг, мен танлаган куёвдан сиз ҳам хурсанд бўласиз!

Қизининг гапларидан ота ўсал бўлди. Алп Арслонга айтган гапларидан пушаймон еди. Шундай ақлли, оғир мулоҳазали қизини бу ишларга унча тушунмайди деб ўйлаб, унинг тақдирини ўзича ҳал қилмоқчи бўлиб ўтирибди-я! Коно мен танлаган куёв, шубҳасиз, қизимга ҳам маъқул бўлади деб хато ўйлаганини тушунди.

Алп Арслон қош қўяман деб кўз чиқарганидан пушаймон еб, ўзини қўярга жой тополмай юрди. Икки-уч кун ўтгач у Маликанинг ҳузурига кириб ундан кечирим сўрамоқчи ва у билан очиқ-ойдин гаплашиб олмоқчи бўлди. Аммо ўша кундан буён Хунбуннинг шери Маликанинг ёнидан жилмас, қиз қаерга борса борар, ётса ётар, турса турар эди. Хунбун уни ўз хонасига қамаб қўймоқчи бўлганди, бироқ фойдаси бўлмади: шер эшикни синдириб чиқди. Унинг Маликага нега бунчалик ёпишиб олганини ҳар ким ҳар хил талқин қиларди. Канизаклар, хизматкорлар “Бу аслида шер эмас, дев! У Маликани яхши кўриб қолган” деб пичир-пичир гаплашишарди. Алп Арслон эса шерни қўриқчилик вазифасини бажаришга Хунбун ўргатиб қўйган, деб шубҳа қиларди. Маликанинг ўзи эса болалигидан шу шер билан ўйнаб катта бўлгани учун уни ўзига содиқ дўст деб билар, шер менинг кейинги пайтларда у билан ўйнамай қўйганлигимдан аччиқланиб юрган экан, шунинг учун ўзининг ҳайвоний онги билан менинг йигитлар билан дўстлашишимга қаршилик кўрсатаяпти, деб ўйлар эди. Лекин Малика шернинг бу қилиғидан хафа эмасди, аксинча унга қайтадан меҳр қўйиб, ёлларини силаб эркалаб юрди. Фақат Коно ва унинг кампири – Маликанинг ўгай онасигина нима бўлганда ҳам ҳайвон – ҳайвон-да, бир кунмас бир кун қизингизга бирор зарар етказмаса эди, деб хавотир ола бошлагандилар. Кампир Маликани болалигидан меҳр билан катта қилган бўлса-да, қиз балоғатга етиб ақлини таний бошлагач ундан ўз-ўзидан узоқлашиб қолган эди. Малика ўгай онасини баъзан икки-уч кунлаб кўрмас, доим мураббийлари, канизаклари билан бирга бўлар эди. Малика

кампирга ўз онасидай муносабатда бўлолмас, энагасига қандай ҳурмат билан қараса, унга ҳам бундан ортиқ ҳурмат кўрсата олмас эди. Бунинг сабабини ўгай онаси ўзидан излар эди: мен унга бутун оналик меҳримни бердим, лекин ўз қадримни билдирмадим, бир хизматкордай бўлиб қолгандим, уни тергамас эдим, ўзимни “сен” деб, уни “сиз”лардим, шунинг учун беқадр бўлиб қолдим, деб ўйларди. Бироқ бу ташвишини у бирор марта на Конога, на Маликага сездирган, жимгина юрар эди.

Алп Арслон Маликанинг ҳузурига киришга жазм қилиб, унинг хонаси эшигини очди. Канизаклар уни кўриб бир-бир чиқиб кетдилар. Уларнинг орасидаги муносабат канизакларга маълум эди, шунинг учун Маликанинг ҳузурига Алп Арслон келганида, улар ўзларини ортиқча сезар эдилар.

Малика сочларини ёйиб, ойна олдида ўтирар, содиқ қўриқчиси шер эса унинг оёғи остида ётар эди. Шер Алп Арслонни кўриб ёмон ғурриллаб қўйди.

- Жим тур, Ёлдор!- дея Малика унинг бошини силаб тинчитди ва кулиб Алп Арслонга қаради. – Олдимга кечирим сўраб келишингни билувдим, кел, ўтир!..

- Маликам, мен гуноҳкорман...Лекин Сиз билан очиқ ойдин гаплашиб олишим керак...

- Гапириб ўтирма, мен ҳаммасини тушунаман. Менга олдингидек дўстона муносабатда бўлавер, мени “сиз”лама! Биламан, сен Феруз ҳақида гапирганимдан кейин шундай қилдинг. Бироқ юрагингни рашк ўртамасин, мен икковингизни ҳам ҳозирча бирдек кўраман. Ҳозир мени турмушга чиқиш эмас, Будун Бухорхудотнинг ўрнини эгаллаш кўпроқ қизиқтиради. Бироқ бу орзуимни мен Феруз билан сендан бошқа ҳеч кимга айтганим йўқ, бошқалар билишини истамайман ҳам. Токи тахтга чиқмас эканман, на сенга, на унга турмушга чиқиш ҳақида ваъда бера оламан. Қўлингдан келса, мени тезроқ тахтга чиқаришга ҳаракат қил! Мендан бошқа ҳеч нарсани сўрама. Боғдаги ҳаракатинг учун эса,- жилмайди Малика,- ҳеч ҳам хафа бўлганим йўқ. Хурсанд бўлишинг учун ўзим сенга бир илтифот кўрсатишим мумкин...

Малика оҳиста ўрнидан туриб, Алп Арслоннинг ёнига келди ва ҳайратланиб турган йигитнинг елкаларига нозик қўлларини қўйиб, унга юзини тутди.

Шу пайт шер сапчиб ўрнидан турди ва калласи билан Алп Арслонни уриб юбориб, даҳшатли овоз билан ўкирди.

- Ёлдор! Ёлдор!- қичқирганча шерни қучоқлаб олиб, унинг Алп Арслонга ташланишига йўл қўймади Малика.

Алп Арслон тезлик билан ўрнидан туриб, нима қилишини билмай, ранги докадек оқариб турарди. Унгача сарой хизматчилари-ю канизаклар, ҳатто Коно билан кампири ҳам югуриб келишган эди.

- Нима бўлди? Яна нима гап?!- асабий ҳолда Алп Арслонга юзланди Коно.

- Мен... Мен ҳеч нарса қилганим йўқ,- довдираб гапирди Алп Арслон.

- Ҳеч гап бўлгани йўқ, тарқалинглар!- ўзини қўлга олиб деди Малика. – Қани хонамни бўшатиб қўйинглар!

- Қизим менга тушунтириб бер!- Маликанинг елкасидан қучиб бағрига босди Коно, кейин одамларга қўли билан “сизлар бораверинглар” деб имо қилди.

Ҳамма, улар орасида Алп Арслон ҳам чиқиб кетди.

- мен ўзим ҳам ҳайронман, ота,- деди Малика кўзларини отасидан олиб қочаркан. – Алп Арслон кечирим сўраш учун олдимга келган экан. Яхшигина гаплашиб ўтирувдик. Бирдан Ёлдор унга ташланиб қолди, негалигини билмайман. Алп Арслон менга яқинлашгани ҳам йўқ эди...

Шер ёлғон гапираётган бекасининг оёқларига суйкаланар эди. Коно унга қараб туриб:

- Бу махлуқ ҳаддидан ошаяпти, қизим,- деди. – Энди қариб қолиб, ёввойиликни қўмсаяпти шекилли. Мен ҳам уни шу пайтгача яхши кўриб, саройда юриши хавфсиз деб ҳисоблардим. Энди уни ўрмонга йўқотиб келмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Нима дейсан, а?

- Билмадим... Бунақа қилаверса, саройдагилар юрагини олдириб қўйиши мумкин. Лекин унга жуда ўрганиб қолганман...

- Тўғри, у сенинг содиқ дўстинг, сени ҳимоя қилади. Аммо сен энди вояга етдинг, эрта-индин мустақил ҳаёт кечиришинг керак бўлади, тушунасан-ку қизим. Бу ҳайвоннинг шунга ақли етмайди, сенга ёки бўлажак куёвимга бирор зарар етказмаса эди деб қўрқаман.

Кононинг хавотири ўринли эди. Буни Малика ҳам айнан ҳозир англаб етган эди. Токи шер унинг ёнида экан Малика бирор йигитга яқин бўлолмаслигини фахмлади. Шернинг кейинги пайтларда Хунбунга ҳам итоат қилмай, Маликанинг ёнига қочиб келавериши чиндан ҳам ташвиш уйғотадиган ҳол эди. Малика отасининг шер қариб, мияси айниб қолганлиги ҳақидаги фикрига қўшилмаса-да, бу ҳайвоннинг Маликага муносабатида қандайдир сир борлигини ўйлаб юраги орқасига тортиб кетди. Коно ҳам аслида шу нарса ҳақида ўйлаган эди, лекин бундай ғайритабиий воқеа ҳақида қизига гапиришдан унинг ўзи қўрқар эди. Коно бир пайтлар ўз бошидан кечирган даҳшатли воқеалар яна такрорланишидан чўчир ва ваҳимага тушар эди. Шунинг учун у шерни ўз ватанига – ўрмонга қайтариб, ундан тезроқ қутилишни ўйлар ва ўша воқеалар билан боғлиқ бўлган тирик хотираси – ана шу шерни ҳам унутгиси келарди.

Хуллас, Коно билан қизи маслаҳатни бир жойга қўйишиб, шерни ўрмонга адаштириб келиш ҳақида бир қарорга келишди. Коно дарҳол Хунбунни ва Алп Арслонни ҳузурига чақириб, бу ишни уларга топширди. Алп Арслон бундан хурсанд бўлди, ниҳоят шердан қутилар экан-да! Лекин Хунбун бу гапни эшитиб кўзларига жиққа ёш келди. Коно буни сезди.

- У менга ҳам азиз эди,- деди у Хунбунга қараб туриб. – Лекин бошқа иложимиз йўқ. Шер ўрмонда яшаши керак. Бошдаёқ уни олиб келиб хато қилгансан. Мен ҳам кўнгилчанлик қилиб, сенинг раъйингга қараб янглишган эканман. Энди ўз хатонгни ўзинг тузат! Боринглар қандай қилиб бўлмасин шерни ўрмонга ташлаб келинглар. Қайтиб келолмайдиган бўлсин!

Эртасига Хунбун билан Алп Арслон бир нечта навкар ҳамроҳлигида шерни олиб ўрмонга кетдилар. Малика

шернинг ёлдор бўйнидан қучоқлаб у билан хайрлашди. Шер Маликадан осонгина ажралиб йўлга тушганига ҳамма хурсанд эди.

Бироқ бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Шердан қутилишга уриниш Алп Арслон учун фожеа билан тугади.

Улар шерни ўрмоннинг ичкарисига олиб кирдилар. Энди уни ташлаб қайтиш керак эди. Хунбун ўзи билан олиб борган бутун қўй гўштини унинг олдига ташлади. Эрталаб ҳам овқатланмаган шер иштаҳа билан хўрагини ея бошлади. Шу фурсатдан фойдаланиб адаштирувчилар жуфтакни ростлаб қолдилар. Бироқ ҳаял ўтмай шер уларнинг орқасидан чопиб келди. Улар шерни овқат билан алдаб бўлмаслигини тушундилар. Кейин Хунбун уни занжирбанд қилиб бир дарахтга боғлаб қўймоқчи бўлди. Бироқ бу уринишдан ҳам натижа чиқмади, шер уни занжирбанд қилишларига йўл бермади. Жаҳли чиқиб кетган Алп Арслон қиличини яланғочлаб:

- Ўлдираман!- дея бақирди.

Навкарлар уни ушлаб қолиб, шаштидан қайтармоқчи бўлдилар. Чунки шерга қилич кўтариш билан у ўзининг ҳам бошқаларнинг ҳам ҳаётини хавф остида қолдирар эди.

- Ўзингни бос, Алп Арслон, нима қилаяпсан, ахир! Уни ўлдириш керак бўлса, саройга қайтиб борайлик. Овқатига заҳар қўшиб берилса ўлади-қолади!- дейишди навкарлар.

Аммо ғазабланган Алп Арслон йигитларни силтаб ташлаб, шерга ҳамла қилди. Шер бир сапчиб унинг қилич кўтарган қўлидан тишлаб олди. Ҳамма даҳшатдан қичқириб юбориб, ҳар томонга қоча бошлади. Фақат Хунбунгина ўзини йўқотмай, шерга ташланиб, уни қонга беланган Алп Арслондан ажратиб олишга муваффақ бўлди. У Алп Арслоннинг ўнг қўлини ғажиб ташлаган эди. Шер қонга тўлган кўзларини Хунбунга тикди ва “Агар сен орага тушмаганингда, уни еб ташлаган бўлардим” дегандай ювош тортиб, индамайгина келган томонларига қараб лўкиллаб чопиб кетди.

Хунбун инграб ётган Алп Арслон кўп қон йўқотиб ҳалок бўлмаслиги учун тезда камари билан унинг тирсагининг

юқорисидан қисиб боғлади, қонни тўхтатиш учун куйлагини ечиб ёндирди-да, кулини жароҳатга босди. Шер уларни ташлаб кетиб қолганини кўрган навкарлар бирин-кетин ҳар тарафдан кела бошладилар...

Шернинг саройга бир ўзи қайтиб келганини ва унинг ёлларига қон сачраганлигини кўрган саройдагилар даҳшатга тушиб қолдилар. Малика ўзига суйкалаётган шердан қочишини ҳам, қочмаслигини ҳам билмай “Нима қилиб қўйдинг, Ёлдор!” дея титраб-қақшар эди. Коно дарҳол тўрт-беш кишини отлантириб, шер билан кетган одамлардан хабар олиш учун ўрмонга юборди-да, ўзи юрагини ҳовучлаб уларни кутиб турди.

Бироздан сўнг Кононинг одамлари бир қўлидан ажралиб хушидан кетган Алп Арслонни кўтарганларича саройга кириб келишди. Бу даҳшатли воқеа бутун мамлакатга овоза бўлди.

Шерни эса йўқота олишмади. У заҳар қўшилган хўракни емас эди.

Шундан кейин уни тинч қўйишди. У кеча-ю кундуз Маликанинг ёнида бўлар эди. Малика бунинг сирига етолмай, маъюс бўлиб қолди. У энди саройдан чиқмас, ошиқлари билан учрашиш ҳақида ҳам ўйлай олмас эди.

Алп Арслон мажруҳ бўлиб қолгач, Варахша саройини тарк этди. У биратўла Маликага бўлган севгисидан ҳам воз кечган эди.(воз кечолмайди, мумкин эмас?)

Бу гаплардан воқиф бўлган Феруз Малика билан учрашиш учун Варахшага келди. Бироқ уни саройга киритишмади, мулозимлар пахлавон йигитга ёш жонига жабр қилмасликни тўғри кўнгил билан насиҳат қилишди ва Маликани унутишни, саройга бошқа келмаслигини илтимос қилишди. Феруз саройдагиларнинг тинчлигини бўзмаслик учун уларни илтимосини бажаришга мажбур эди. Бироқ бу совуқ тинчлик қачонгача давом этиши номаълум эди.

* * *

Мамлакат учун таҳликали ва нотинч давр бошланди. Будун Бухорхудот шаҳар ташқарисида ўзи учун янги сарой бино эттирганди. “Работи Шер Будун 1” деб номланган бу

манзилгоҳ қурилиши тугаши билан Бухорхудот мамлакатнинг барча қишлоқларини ўз ичига олдиган мудофаа деворини ўуриш учун катта ҳашар бошламоқчи эди, лекин фавқулодда юзага келган вазият кўп вақт ва куч сарфлашни тақозо этадиган бу ишни бошлашга имкон бермади. Бу вазият бир томондан арабларнинг Амударё соҳилларидаги юрт – Чағониённи босиб олишлари туфайли, иккинчи томондан Турк ҳоқонлиги ва Хитой ўртасида қизғин жанглар бошланиб кетганлиги туфайли юзага келган эди. Шундай қилиб, қўшни ва қардош халқлар бошига тушган уруш кулфатлари Бухорхудотнинг ҳам тинчини олган, мамлакатни ташқи душманлар хавфидан ҳимоя қилиш чораларини кўришга ундаётган эди.

Будун Бухорхудот шаҳар ташқарисидаги янги саройга кўчиб чиққач, Бухоро Кўҳандизи ҳувиллаб қолди. Кўҳандизда яшовчи сарой аъёнлари, хизматкорлар ҳам бу ерни тарк этишган эди. Қадимдан Бухоро ҳукмдорлари яшаб келган бу қалъани охирги марта турк шаҳзодаси Шери Кишвар қайта тиклаган эди, орадан етмиш йил ўтиб у яна хароба ҳолига келди. Бухорхудотнинг вазири Шери Фарахш отасига қароргоҳ бўлган бу маконнинг охир-оқибатда қаровсиз, ташландиқ ҳолга тушиб қолаётганини кўриб ачинарди, бироқ Кўҳандизни қайта тиклаш ёлғиз унинг қўлидан келадиган иш эмас эди. У Будунга Кўҳандиз ичидаги биноларни йиқитиб, келгуси авлодларга ҳам қоладиган даражада мустаҳкам бир сарой тиклаш зарурлиги ҳақида қайғуриб гапирди. Доим донишманд вазирининг гапига қулоқ солиб келган Будун Бухорхудот унинг бу таклифини қабул қилиб, тез орада қурилишни бошлашга ваъда берди. Чунки Шер Будун работидаги саройнинг ҳар томони очиқ бўлиб, душмандан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилмаган эди, шу сабабли Кўҳандиздек мустаҳкам қалъа Бухорхудотнинг ўзига ҳам зарур эди.

Будун Сўғддаги барча вилоятларнинг ҳокимларига элчи юбориб, уларни Бухорога келишга ва Амударё ортидан келаётган хавфни биргалашиб бартараф этиш учун маслаҳатлашиб олишга даъват этди. Бироқ Вардонхудот ва

Пойканд ҳокимидан бошқа бирор ҳоким унинг даъватига ижобий жавоб бермади. Уларнинг баъзилари “Бизнинг маслаҳатлашадиган ташвишимиз йўқ, ўз муаммоларингизни ўзларингиз ҳал қилаверинглар” деб жавоб бериб юборишган бўлишса, баъзилари “Биз Бухорхудотни эмас, Самарқанд ихшидини тан оламиз. Кенгашиш керак бўлса, Бухорхудотнинг ўзи Самарқандга келсин” деган жавобни қайтаришди. Будун уларнинг ҳали ҳам араблар хавфини чуқур ҳис этмаганликларини тушунди. Улар ҳали ўз-ўзларича мустақил, тинч, қўшни мамлакатлар билан бирлашишни хаёлларига ҳам келтирмай яшаётган эдилар. Бироқ бундай кайфиятда бўлиш улар учун ҳам, Бухоро учун кейинчалик қимматга тушишини сезган Бухорхудот баттар ташвишга тушди. Бундай тарқоқ, бир-бирини қўллаб-қувватламайдиган кичик давлатларни ҳар қандай душман бир ҳамладаёқ ўзига бўйсундириб олиши мумкин эди. Чағониённинг тақдири буни тасдиқлаб турганди. Шунинг учун Будун Сўғдда катта обрўга эга бўлган ва атрофидаги ҳокимликларга таъсир ўтказа оладиган Самарқанд ихшидининг олдига ўзи боришга қарор қилди.

Будун сафар тадоригини кўриб юрган кунларнинг бирида Самарқанддан Сўғд подшосининг вакили ўзи келиб қолди. Бухорхудот шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида эди. Мулозимлар унга Турк-ют ва Самарқанддан элчилар келишганини маълум қилишди. Будун уларни қарши олиш учун ташқарига чиқди. Унинг кўзи меҳмонлар орасидаги акаси Эртўбага тушиши билан дарҳол таниб, хурсандчилигидан қичқириб юборди:

- О, Эртўба! Акагинам! Биз томонларга ҳам келадиган кунинг бор экан-ку!

- Ўзим сўроқлаб келмасам, ўзинг борай ҳам демайсан-ку, укагинам!

Ака-укалар қийқиришиб қучоқлашдилар. Будун қолган уч нафар меҳмон билан ҳам қучоқ очиб кўришди. Уларнинг бири ўрта ёшлардаги, қорачадан келган, муйловдор турк – Турк-ютдан келганлиги аниқ эди, иккинчиси кўк кўзли, жингалак сочли, кийинишидан самарқандлик сўғдларни эслатиб турар,

учинчиси эса мункиллаб қолган оппоқ соқолли қария бўлиб, Будун уни қаердадир кўргандай бўларди-ю, лекин эслолмасди.

Ичкарига киришар экан, Эртўба йўл-йўлакай Будунга ҳамроҳларини таништирди. Бири турк ҳоқони Тунг Ёбғунинг элчиси, иккинчиси Самарқанд ихшиди Тархуннинг вазири, қария эса Ҳамукетнинг оқсоқоли экан. Будун уларнинг биргаликда келишганидан мақсадлари ўзи ўйлаб юрган ташвишлар билан бир эканлигини дарҳол сезди. Буни биринчи бўлиб турк ҳоқонининг элчиси маълум қилди:

- Ҳоқонимиз сиз ҳукмдорлик қилаётган Бухоро давлатини ўзларига иттифоқчи деб билади,- деб сўз бошлади у қабул чоғида – чунки Бухорода яшаётган турклар сизнинг лашкарингизда садоқат билан хизмат қилишаётир. Бухорхудотлардан бўлган марҳум отангиз Ноҳид ҳам умрининг охиригача ҳоқонимизга садоқат билан хизмат қилди. Мана шу қардошлик алоқаларимизни ҳисобга олиб, ҳоқонимиз Сизга бир илтимос билан ушбу мактубни бериб юборди. Марҳамат!

Будун ўзининг Бухородаги ўн беш йиллик ҳукмронлиги мобайнида биринчи марта турк ҳоқонидан расмий элчи билан мактуб олиши эди. Бир пайтлар ўзи ҳоқоннинг хизматида бўлган Будун эндиликда у билан тенгма-тенг муносабатда бўлаётганини ўйлаб, ҳаяжон билан элчининг қўлидан мактубни олди. Мактуб турк тилида битилган эди. У овоз чиқариб, мактубни ўқишга тутинди:

“- Бухорхудот Алп Эр Будунга турк ҳоқони Тунг Ёбғудан саломлар! Улуғ бобом Алп Эр Тўнга кунчиқардан кунботаргача бўлган бутун мамлакатларни бирлаштириб, дунё узра турк яловини тиккан эди. Турк шаҳзодалари, беклари ҳар бир мамлакатда машҳур ва мағрур эдилар. Бухоро ҳам Алп Эр Тўнга бобомнинг куёви Сиёвуш баҳодир томонидан бунёд этилган. Биз бу мамлакат билан, унинг турк ҳоқонига қондош бўлган ҳукмдори Алп Эр Будун билан фахрланамиз. Зеро, Алп Эр Будунни туққан аёл ҳам турк ҳоқонининг қизидир.

Аммо эндиликда қудратли турк салтанати тушкунликка юз тутди. Кунчиқардаги турклар юрти Тибет Табғач1 ҳоқонига қарам бўлди. Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи қул бўлди, сулув қиз боласи чўри бўлди. Хонлари, беклари аҳил бўлмаган юрт шундай кунга тушади.

Мен, Тунг Ёбғу, турк қардошларимни Табғач зулмидан озод қилишга, боболарим давридаги ҳоқонликни тиклашга бел боғладим. Аммо менга Алп Эр Будуннинг ҳам ёрдами керак. Барча хонлар, беклар бир бўлсак, бизни ҳеч қандай душман енга олмайди. Алп Эр Будун менга ўз лашкари билан келиб қўшилади, деган ният билан ушбу мактубни ёздим".

САНАСИ, КУНИ.

Будун хатни ўқиб бўлгач, савол назари билан ёнидаги шери Фарахшга қаради. Шери Фарахш бир гап айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Самарқанд ихшидининг вазири дарҳол сўз бошлади:

- Ижозат берсангиз, мен ҳам ихшидимизнинг мактубини топширсам. Турк ҳоқони Сўғд подшосидан ёрдам сўраган, ихшид бу масалада сиз билан келишиб олиш учун ҳоқоннинг элчисига қўшиб, мени ҳузурингизга юборди. Марҳамат қилиб, мактубни ўқиб чиқсангиз...

Будун Самарқанд ихшидининг вазири узатган ўроғлик қоғозни олди ва очиб ўқий бошлади:

"- Бухорхудот Будун жанобларига Сўғд подшоҳи Тархундан саломлар бўлсин! Ушбу мактубни олиб борувчи менинг вазирим сизга узуримни айтсинки, мен сиз юборган мактубга жавоб юбормаганимнинг сабаби бор эди. Аммо ҳозир турк ҳоқонидан мактуб олганимдан сўнг сиз билан маслаҳатлашишга қарор қилдим.

Сизнинг арабларнинг йўлини тўсиш ҳақидаги таклифингизни тўла қўллаб-қувватлайман. Бу борада Афросиёб ва Сиёвуш1 давлатлари ҳукмдорларининг фикрлари бил хил экан. Аммо мен ҳозир араблар сурёнийлар юртида ўзлари билан ўзлари тахт талашиб урушиб ётганликлари ҳақида хабар олдим ва яқин орада Сўғдиёнага уруш бошламасликларига амин бўлдим. Шундай бўлса ҳам

биз уларнинг ҳужумига тайёр бўлиб туришимиз керак. Зарур бўлса, турк ҳоқонидан ҳам ёрдам сўраймиз.

Турк ҳоқони бизнинг дўстимиз ва ҳомийимиздир. Бугун унинг ўзи биздан ёрдам кутаяпти. Сўғд лашкарлари турклар билан бирга Табғач ҳоқонига қарши урушга боришга тайёр. Табғач енгилса, турк ҳоқони бизнинг ёрдамимизни унутмайди.

Будун жаноблари турк қўшинини ҳам, Табғач қўшинини ҳам яхши биладилар. Шунинг учун Сўғддан борадиган лашкарга ўзлари бош бўлишларини истардим. Турк ҳоқонининг ҳам сиздан умиди катта.

Самарқанд ихшиди Тархун томонидан йили,
Ойининг кунида ёзилди.”

- Ҳа, мен ҳам азалий қон-қардош бўлган сўғд ва турк халқларининг ана шундай кунда бирга бўлишларини истаган эдим,- деди Бухорхудот хатни ўқиб бўлгач. – Энди биз тезда ҳал қиладиган ишларимизни келишиб олишимиз керак. Бу ишни кечиктириб бўлмайди.

- Мен давлат ишларига аралашишга ҳаққим бўлмаса ҳам,- дея сўз бошлади Эртўба,- сенинг аканг сифатида Турк-ютга боришингни маслаҳат берган бўлардим. Ҳоқон сени моҳир лашкарбоши сифатида танийди. У мени бу ерга юборишдан олдин ҳузурига чақириб, шуни сенга уқтиришимни қаттиқ илтимос қилди.

- Тушунаман, ака,- деди Будун, - Турк-ют менинг ҳам она ватаним, ҳоқоннинг сўзини ерда қолдиролмайман. Аммо Бухоро тахтини кимга топшириб кетишим тўғрисида амаким Коно билан бир маслаҳатлашиб олишим керак. Уруш барибир уруш-да, мен қайтиб келолмаслигим ҳам мумкин...

- Яхши ният қилинг, ҳукмдор,- гапга қўшилди Шери Фарахш. – Бу масалани нафақат Коно Бухорхудот билан, балки мамлакатимизнинг бошқа улуғлари билан ҳам кенгашиб ҳал этишимиз керак. Менга ортиқ суянманг, вазирлик лавозимимдан озод этинг, деб аввалроқ сизга айтган эдим. Мабодо Турк-ютга кетадиган бўлсангиз, биратўла менинг ўрнимга ҳам бир лойиқ вазир қўйиб

кетишингиз керак. Чунки, қариб қолганимни кўриб турибсиз...

- Ҳозир истеъфога чиқиш ҳақида гапириб ўтирманг,- деди жиддийлик билан Будун. – Сиз давлатимизнинг таянчи, энг ишончли кишисисиз. Шундай пайтда сизнинг кетиб қолишингиз мени ҳам, халқни ҳам ташвишга солиб қўяди. Ўзингиз яхши тушунасиз, мен кетадиган бўлсам, ўрнимга шубҳасиз ёш Малика чиқиши керак. Албатта ёш қизга мамлакат тақдирини бутунлай ишониб бўлмайди. Сиз унинг маслаҳатгуйи бўлишингиз керак. Мен Коно амаким билан маслаҳатлашишим керак, деганда айнан шу нарсани келишиб олишни назарда тутаяпман, ҳурматли вазир!

- Сиз бир нарсада янглишаяпсиз, ҳукмдор,- деди Шери Фарахш. – Модомики, Турк-ютга кетиш ҳақидаги қарорингиз қатъий экан, аввало ўрнингизга кимни қўйиб кетишингиз ҳақида шошилмасдан, яхшилаб ўйлаб олишингиз керак. Ёш Маликанинг тахт вориси эканлиги тўғри, лекин у фақат сиз тахтдан воз кечганингиздан кейингина қонуний ҳукмдор бўла олади. Ҳозир эса вақтинча Бухорони тарк этмоқчисиз, бу эса ҳукмдорлик ҳуқуқингизни зиммангиздан соқит қилишингизга сабаб бўлолмайди. Вақтинчалик ўрнингизга ёш Маликани эмас, бошқа бир тажрибали, муносиб кишини тайинлаб кетишингиз мумкин. Бу ҳақда, балки, алоҳида гаплашиб олармиз?..

Будун элчилар ва меҳмонлар олдида вазири билан баҳслашиш ноўрин эканлигини тушуниб туриб деди:

- хўп бу масалани кейин ҳал қиламиз. Аммо мен қўшин йиғиб, турк ҳоқонига ёрдамга боришим аниқ. – Кейин у элчиларга юзланиб гапида давом этди: - Эртагаёқ мен сизларга жавоб мактубимни топшираман, кўнглингиз тўқ бўлсин. Сен эса, ака, балки бир-икки ҳақта мен билан бирга қоларсан? Турк-ютга қўшин билан бирга кириб борар эдик?..

- Майли, мен ишларингни саранжом қилгунингча кутиб тураман,- деди Эртўба. – Дарвоқе, оқсоқол ҳам Бухорода қолмоқчи, меҳмон бўлиб эмас, бутунлай қолмоқчи...

Сўзлаш навбати ўзига келганини англаган ҳамукитлик оппоқ соқолли қария Будунга таъзим қилиб, мақсадини баён қилди:

- Мен тупроғим ота-бобомнинг юртида бўлишини истаб ватанимга қайтиб келдим, тўрт кунлик умрим борми-йўқми, шу ерда яшаб қолмоқчиман... Бола-чақам Ҳамукетда қолди. Йўқлаб келишса, келишар, лекин кўчиб келишга уларни кўндиролмадим. Шунинг учун бутун йиққан бойлигимни давлатингиз хазинасига топширмоқчиман. Менга энди ҳеч нарсанинг керакмас, фақат Бухородан бир бошпана берсангиз бўлди, ҳукмдор...

Будун бу маъюс ва нуроний қариянинг юрагидаги туйғуни ҳис этиб, таъсирланиб кетди.

- Сизнинг ҳеч нарсангиз бизга керак эмас, оқсоқол,- деди у мулойимлик билан. – Ватанингизни қўмсаб келганингиз ўзи бизга бир фахр... Сиз Бухоронинг энг азиз кишиларидан бири бўласиз!

Барча ҳозир бўлганлар Будун Бухорхудотнинг сўзларини олқишлаб маъқуллашди. Будун меҳмонлар шарафига зиёфат уюштиришни буюрди. Қабулнинг расмий қисми шу билан тугаб, хушчақчақ ва дўстона суҳбат бошланди. Будун зиёфатга Коно Бухорхудотни ҳам олиб келиш учун Варахшага чопар юборган эди, бироқ чопар Конони эмас, унинг оғир хасталаниб ётгани ҳақидаги хабарни олиб келди.

Эртаси куни Будун Тароздан ва Самарқанддан келган элчиларни узатиб юборгач, ўзи Варахшага, Коно Бухорхудотнинг ҳузурига йўл олди. Шери Фарахш ҳам Кононинг касаллигини эшитиб, собиқ ҳукмдоридан ҳол сўраб келиш учун Будунга ҳамроҳ бўлди. Кейинги пайтларда Шери Фарахш Конодан кўнгли совиган, айниқса, ўғли Алп Арслон унинг қизини деб мажрух бўлиб қолгани учун кекса Бухорхудотнинг ўз саройида шер сақлагани-ю оқибатини ўйламаганидан қаттиқ хафа бўлган эди. Аммо Кононинг қаттиқ хасталигини эшитиши билан Шери Фарахш бу гиналарни унутишга, собиқ ҳукмдорининг кўнглини кўтариб келишга аҳд қилди.

Коно ҳам аслида ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон еб, ғам чекканидан тўшакка ётиб қолган эди. Шерни йўқота олмагани ва бунинг устига ёш бир йигит у туфайли мажрух бўлиб қолгани, яна бу шер Маликага харидор бўлган бошқа йигитларни ҳам унга яқинлашишига йўл бермай, қизининг бахтига тўғаноқ бўлаётгани кекса Конони чуқур қайғуга солиб қўйган эди. У энди қизининг турмушга чиққанини кўрмай ўлиб кетишдан қўрқаётган эди.

Будун билан Шери Фарахш Варахша саройига, Кононинг хос хонасига кириб боришганида, қария кўзлари юмуқ ҳолда тўшакка ҳолсизланиб ётар эди. Меҳмонлар товушларини чиқариб, касални ташрифларидан огоҳ қилишди. Коно эриниб кўзларини очди. Шери Фарахш унинг ёнига ўтириб, иситма ҳарорати сезилиб турган қўлини ушлади.

- Нима бўлди сизга, ҳукмдор?- сўради у, - бир оғиз хабар ҳам юбормабсиз, биз ҳам иш билан бўлиб, анчадан буён келолмадик...

Кононинг киприклари орасидан қалқиб чиққан ёш унинг киртайган кўзлари чуқурчасида ҳалқаланиб турарди.

- Мени кечир, дўстим,- деди у зўрға овози қалтираб чиқаркан,- сенинг гапингга кирмай хато қилган эканман ўшанда...

- Нимани айтаяпсиз, ҳукмдор?- деди Шери фарахш кўнгли бўшашиб, гап нима ҳақидалигини фаҳмлаган бўлса ҳам. – Ҳеч нарсани ўйламанг, ўтган ишга салавот...

- Шер... хонадонимга бахт келтиради деб ўйлаган эдим... Янглишибман... Офат келтирди...

- Қўйсангиз-чи, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. У бир ҳайвонда... У бахт ҳам, офат ҳам келтира олмайди...

Коно бошини чайқади.

- Амакижон,- сўз бошлади Будун Кононинг кўз ёшларини артиб олар экан,- агар ўша шер туфайли шунчалик азият чекаётган бўлсангиз, уни бизга қўйиб беринг, ўзимиз сизни ундан халос этамиз.

- Йўқ, унга тегманглар,- пичирлади Коно. – Яна бир фалокат рўй беришини истамайман... Яхшиси, сен, Будун менинг ҳузуримга лашкарбошинг Ферузни, ҳа, ўша

Вардонхудотнинг пахлавон ўғлини юбор, у билан гаплашай... Қизим фақат ўшанга турмушга чиқаман деяпти, у эса қорасини кўрсатмайди...

Будун Бухорхудотнинг ярасига туз сепилгандай бўлди, юраги жазиллаб кетди. Демак, Малика Ферузни танлабди-да! Ахир, Будун амакисининг қизини – тахт вориси бўлган парирўй Маликани ўзи кўз остига олиб юрган эди-ку. Наҳотки, унга етишиш орзуси бир умрлик армонга айланиб қолса?

- Малика... ҳали ёш-ку, амаки,- деди Будун томоғига тиқилган аламини зўрға ютиб. – Нега уни турмушга чиқаришга шошилаяпсиз?.. Ахир...

- Йўқ, Будун,- унинг сўзини бўлди кекса Коно. – У энди ёш эмас, ҳамма нарсани тушунади. Кўзим очиқлигида тўйини кўрсам дейман...

- Сиз ҳали узоқ яшайсиз...

- Қўй, ўғлим, мени юпатма. Қанча умрим қолгани ўзимга аён... Ферузни менинг олдимга юбор, бугуноқ юбор...

- Хўп, хўп, амакижон, мен ҳозироқ одам юбораман, уни олиб келишади,- Будун ўрнидан туриб эшикка йўналди,- мен ҳозир...

Коно Шери Фарахш билан суҳбатлашиб ўтирар экан, ҳаял ўтмай Будун қайтиб кирди ва Ферузни олиб еклиш учун чопар юборганини айтди.

- Раҳмат, ўғлим,- деди Коно чеҳраси ёришиб. – Сендан мингдан-минг розиман... Бунчалик тез илтимосимни бажарасан деб ўйламагандим...

- Нега ундай дейсиз, амаки,- хафа бўлгандай бўлди Будун Бухорхудот, у хаста Коно билан орасидаги самимийликни сақлаб қолишга қанчалик ҳаракат қилмасин, Конога гуё ёш болани алдагандек муносабатда бўлаётганини сезиб турарди, касал одамга бундан ортиқ муомала қилиб бўлмас эди ҳам.

- Биламан, ўғлим...- дея сўзида давом этди Коно,- қизимга сенинг ҳам кўнглинг бор...

Будуннинг юраги “шув” этди. Ҳозир вазирининг олдида шу гапни айтиши шарт эдими бу қариянинг? Нима демоқчи бўлаяпти ўзи?..

- Айтмаган бўлсанг ҳам ўзим сезганман буни... Лекин начора, ўғлим... Қизимнинг ўзи рози бўлмаса, сенга беролмайман-ку...

- Нималар деяпсиз, амаки? Ғурури камситилаётганини ҳис этган Будун жиддий туриб эътироз билдирди. – Мен Маликага уйланиш ҳақида... ўйлаб ҳам кўрганим йўқ! Мен фақат уни ҳурмат қиламан, бўлажак тождор сифатида самимий меҳр билан қарайман, холос!

- Ҳа, самимийлигингга ишонаман,- деди Коно. – Шу муносабатингни қизим Ферузга хотин бўлганида ҳам сақлаб қолишингни истайман, ўғлим... Қизим бегонага тегса ҳам тахт вориси бўлиб қолиши керак.

Кононинг ожизона бир оҳангда Будунга “ўғлим” деб мурожаат этаётгани тождорнинг кўнглини анча юмшатган эди.

- Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, амаки, - деди у. – Мен тахтни сиздан омонатга олганман. Агар истасангиз уни ҳозироқ Малика қизингизга топширишим мумкин. Келишувимиз шундай эди...

Бу гапни эшитиб, Шери Фарахш ялт этиб Будунга қаради. У ҳозир Будун тахтдан воз кечиб юбормаса эди, деган хавотирга борди, чунки кеча элчилар олдида ҳам Будун шунга мойил фикрни билдирган эди. Шери Фарахшнинг Малика айни вазиятда тахтга чиқиб қолишидан чўчишига сабаб, у турмушга чиқмаган ёш Маликани қўлга киритиш учун ҳам мамлакат аслзодалари ўртасида ва ташқаридан кураш авж олиб кетади, деб ўйлар эди.

Будун Шери Фарахшнинг хавотирини сезиб, унга “кўнглингиз тўқ бўлсин” дегандай кўз қисиб қўйди-да сўзида давом этди:

Аммо тожу тахт билангина одам бахтли бўлолмайди, айниқса, аёл киши. Мен аввало, худди сиз орзу қилаётгандек, Маликамизнинг бахтли турмуш қурганини кўрсам, деган эдим. Бу унинг тахти мустаҳкам, мамлакати тинч бўлиши учун зарур деб ўйлайман. Агар сиз бошқача фикрда бўлсангиз, айтинг!

Коно жим эди.

- Амакингизни кўп гапиришга мажбур қилманг, ҳукмдор,- жимликни бузди Шери Фарахш,- ўзларини уринтириб қўймасинлар... Ахир, бу гаплар ҳаммамизга маълум нарса-ку. Коно жаноблари Маликанинг тақдиридан ташвиш чекмасалар ҳам бўлади.

- Раҳмат сизларга, кўнглимни анча кўтардингизлар,- деди Коно чеҳраси ёришиб. – Энди ўлсам ҳам беармон ўламан, чунки қизимни сизларга топшириб кетяпман...

- Ўлимни ўйламанг, амаки, ҳадемай тузалиб кетасиз. Ана, мени айтди дерсиз!

- Қизимни чақиринглар,- деди Коно чуқур-чуқур нафас олар экан, сизларнинг олдингизда унга васият қилмоқчиман.

- “Васият” эмас, “насиҳат” денг,- деди Шери Фарахш Конога жилмайиб қараркан, кейин эшик ортида турган мулозимга Кононинг илтимосини етказиб қайтди.

Фурсат ўтмай уларнинг ҳузурига соҳибжамол Малика кириб келди.

- Мени йўқладингизми, отажон?- деди у меҳрибонлик билан келиб отасининг қўлини кафтлари орасига оларкан.

- Оппоғим, қизим,- кўзига ёш олди Коно бир қўли билан Маликанинг сочларини силаркан. – Кўзим очиқлигида сенга... Мендан кейин ота ўрнига ота, ака ўрнига ака бўладиган кишиларни кўрсатиб, айтиб кетай дегандим...

Будун билан Шери Фарахш миқ этмай, ота билан қизга қараб ўтиришарди. Улар Маликанинг кетидан хонага кириб келган шерни ҳам сезишмаган эди. Шер индамай келиб Будуннинг оёғига суйкалганда, Будун сесканиб унга қарадида, кейин бу жониворнинг кўзларида аллақандай беозор ва ялинчоқ нигоҳни кўриб, ўзини хотиржам тутди.

- Отажон,- деди Малика заифона овозда,- сиз жуда ҳам тушкунликка тушиб қолибсиз. Ахир, келишгандик-ку, ўлим ҳақида энди гаплашмаймиз, деб?.. Сиз айтмасангиз ҳам мен Шери Фарахш жанобларини отам каби, ҳукмдоримиз Будун Бухорхудотни эса акам каби кўраман ва уларга суянаман...

Будун Маликанинг ғоят нозиклик ва самимият билан айтган бу гапларидан қалби тўлқинланиб, энтикиб кетди.

“Оҳ, қанийди шу “акам” деган тилларинг менга “бегим” деб айтса эди, Маликам!” – дея ич-ичидан хўрсиниб қўйди у.

- Қизгинам, ақллигим,- титроқ қўллари билан Маликанинг сочларини силаб гапирарди Коно,- менинг бу кишилардан яширадиган гапим йўқ, шунинг учун сенинг Ферузга бўлган муносабатингни ҳам уларга айтдим. Уни ҳузуримга чақиртирдим. Ҳали замон келиб қолса, ажаб эмас...

- Оҳ, нега бундай қилдингиз, отажон!- деди куйиниб Малика. – Нега мен сизга буни айтган эканман-а! Ахир, унинг ўзи совчи юборишини кутишимиз керак эди-ку!.. Мен шунчалик қадрсиз бўлиб қолдимми, ахир?!. Отажон!..

Мени кечир қизалоғим,- йиғламсиради Коно ҳам қизининг гапларидан таъсирланиб,- мен ортиқ кутолмайдиганга ўхшайман... Аҳволимни кўриб турибсан-ку... Тўйингни кўрай дейман-да, жоним қизим!..

- Отажон! Ахир барибир Ёлдор менинг ёнимга уни ҳам яқинлаштирмаслигини биласиз-ку. Айтмабмидим сизга, то шер мени ташлаб кетмагунча эрга теголмайман, деб?!

- Яна бир таваккал қилиб кўрайлик-чи, қизим... Эҳтиёт чорасини кўрамиз... Балки, шер унга индамас?..

- Кошкийди, отажон,- йиғлаб юборди Малика,- лекин, сиз уни тушунмайсиз, мен тушунаман... Ахир бунинг ҳозирча иложи йўқ...

Маликанинг ўксиниб йиғлаши отасининг юрагини ўртаб юборди. Шери Фарахш билан Будун ҳам бундан таъсирланмай қолмадилар, албатта. Шунда Будун ўзини дадил тутиб, меҳрибончилик кўрсатган ҳолда Маликанинг елкасидан ушлаб, ўрнидан турғазди-да:

- Маликам, сиз асло ғам еманг,- деди. Агар Ферузга тегиш ниятингиз қатъий бўлса, йўлингиздан шерни, мана, мен олиб ташлайман... Ҳа, бу шерни мен бажара оламан!..

Малика бошини кўтариб, елкасига қўлларини қўйиб турган бу шижоатли ҳукмдорнинг кўзларига тик қаради. Будуннинг кўзлари ҳам ёшланган эди.

- Наҳотки, сиз...- Малика бошқа гапиролмади, у ўзига қўл теккизиб турган Будунга шер индамай қараб турганига ҳайрон қолган эди. У аста ҳукмдорнинг бақувват қўлларини

елкасидан олиб қўйди-да, “йўқ! йўқ!” деганча югуриб хонадан чиқиб кетди, шер ҳам аста унинг орқасидан ташқарига йўл олди.

- Хунбунни чақиринглар,- деди Коно ётган жойида инграб.- Нима қилиб қўйдим мен, мияси айниган чол!..

- Асло ташвишланманг, ҳукмдор,- дея уни юпатарди Шери Фарахш. – Ҳаммаси яхши бўлади. Биз шерни қафасга солиб қўямиз...

- Ҳа, ҳа,- бу гапни маъқуллади Будун. – Шерни ҳозироқ қафасга солиб қўямиз, у энди Ферузни ҳам, Маликани ҳам кўрмайди. Сиз парво қилманг, ҳаммаси яхши бўлади!..

Будун шу гапни айтарди-ю, лекин ичида: “Кошки шер Ферузни ҳам Маликага яқин йўлатмаса эди”,- дерди. Қандайдир бир ички сезги Будунга Малика фақат унга насиб этажагини уқтириб турар, лекин бунинг учун ҳали ҳеч кимга номаълум бир мўъжиза рўй беришини кутаётган эди у. Назарида, буни боя кўзларига қараган чоғда Малика ҳам сезгандай эди. Ўша дақиқада рўй берган сирли ҳолатни уларга қараб турган Коно ҳам Шери Фарахш ҳам илғай олмадилар, чунки буни тушунишга улар ожизлик қилардилар.

Хунбун уни Коно чақиртираётганини айтганларида “югуриб” хўжайинининг ҳузурига келди. Шер билан боғлиқ кўнгилсизликлар рўй бера бошлаганидан буён бу тилсиз хизматкор ўзини гуноҳкордай сезар, доим Кононинг олдида жовдираб, титраб турар эди. Ҳозир ҳам шундай жонсарак ҳолатда кириб келди ва Кононинг ҳузурида Будун Бухорхудот билан Шери Фарахшни кўриб, қуллуқ қилганча, нима дейишларини кутиб турди.

- Хунбун!- унга мурожаат қилди Коно,- сенга охирги марта топшириқ бераман, эшит: ҳозироқ шерни катта темир қафасга қамаб, саройдан четроққа элтиб қўясан! Агар яна бирор кор-ҳол рўй берадиган бўлса...

Коно “бошинг билан жавоб берасан” демоқчи эди, бироқ бу гапни илгари ҳам айтган ва “кор-ҳол” юз берганида ҳам Хунбунга қарши бирор чора кўришга ожизлик қилганини

эслади-ю, қўлини силтаб қўя қолди. Унинг гапини Будун Бухорхудот давом эттириб деди:

Ҳозир шерни кўздан панароққа йўқотиш учун сен билан бирга мен ўзим бораман, уқдингми? У саройга ким келаётганидан, нима бўлаётганидан хабар топмаслиги керак, тушундингми?

Хунбун “тушундим” дегандай бош қимирлатди.

- Амаки,- деди Будун ҳолсизланиб қолган Конога қарата. – Энди сизни ҳоли қолдирайлик, дамингизни олинг, ҳали ҳам сизни анча уринтириб қўйдик, чоғи... Хотирингиз жам бўлсин, Феруз келгунча, мен шерни бир ёқлик қилиб келаман. Лекин Ферузни ҳузурингизга киритишдан олдин яна бир бор қизингиз билан гаплашиб олинг илтимос... Унга нима дейишингизни Малика билиши керак, токи кейин Сиздан хафа бўлиб юрмасин...

Будун кейинги гапларини шундай оҳангда айтдики, унинг Коно қизини Ферузга бераётганидан норозилиги яққол сезилиб турарди.

- Мен сени тушундим, ўғлим,- дея олди зўрға Коно. – Биламан, мен қизимни эрга беришда шошилаяпман, лекин бошқа иложим ҳам йўқ. буни қизим ҳам тушунади...

- Феруз сизга куёв бўлишга лойиқ йигит,- деди Шери Фарахш атайлаб Коно билан Будуннинг ўртасида пайдо бўлган ноқулай вазиятни бузиш учун. – Маликамиз ҳам турмушга чиқишга муносиб ёшдалар, ҳайронман, нега бунчалик иккиланиб турибсизлар? Агар қиз ҳам, йигит ҳам рози бўлишса, тўйни бошлайвериш керак!..

Вазир шундай дея Будунга қаради, Будун бошқа гапиришни ўзига эп кўрмади. Агар Коно Бухорхудот ўлим тўшагида ётган бўлмагандаку, у нима дейишини ва нима қилишини ўзи биларди, гапни айлантириб ўтирмасди, ҳукмдорга ва ҳақиқий ошиққа хос йўл тутган бўларди. Лекин Будун тезроқ Кононинг олдидан чиқиб кетиш учун:

- Албатта, ихтиёр ўзингизда,- деди-да, Шери Фарахшга имо қилиб, хонадан чиқиб кетди. Шери Фарахш ҳам унинг орқасидан чиқди.

- Сизга ҳам ҳайронман, ҳукмдор,- деди Шери Фарахш эшик олдидаги мулозимлардан узоқлашар экан. – Нима қиласиз, шу шер билан ўралашиб? Ахир, менинг ўғлим Алп Арслон шу ишга аралашибнима бўлганини биласиз-ку? Менимча, шер билан Маликанинг боғлиқлиги Тангринининг ихтиёридаги сеҳрли бир иш. Бирорта қам топтириб, бу сехрни очтириш керак. Бошқа бирор чора фойда беришига кўзим етмайди.

- Нима бўлганда ҳам ҳозир шерни бир ерга яшириб туришимиз керак, ҳеч бўлмаса Феруз келиб кетгунча,- деди Будун.

- Албатта... Лекин бу ишга шахсан ўзингиз қўл ураётганингиз менга ғалати туюляпти, ҳукмдор. Ахир, сиз буйруқ берсангиз бўлди, Хунбуннинг ўзи хизматкорлар билан бу ишни бажараверади...

Будунга кекса вазирнинг бу гапи таъсир қилди. Чиндан ҳам у ўз мавқеига ярашмаган майда иш билан шуғулланаётганини бирдан сезиб қолди. Лекин сир бой бермай, деди:

- Менга кимлигимни эслатмай қўя қолинг, ҳурматли вазир. Мартабам қанча улуғ бўлмасин, мен Коно амаким олдида бир хизматкорман, холос! Қолаверса, Малика билан дахлдор ҳар бир иш мен учун ўта муҳим ҳисобланади!

- Мени маъзур тутасиз, ҳукмдор,- Шери Фарахш ўзи билмаган ҳолда Будун Бухорхудотнинг жаҳлини чиқариб қўйганини сезди-ю, дарҳол тилини тийди,- қарилик-да, ноўрин гапириб юбордим...

- Ҳеч қиси йўқ... Сиз амакимнинг олдига киринг, мен шер билан шуғулланаман. Ҳа, дарвоқе, амакимга кечаги элчилар-у менинг Турк-ютга кетишим ҳақида ҳеч нарса гапирманг, аҳволини кўриб турибсиз-ку...

- Албатта, албатта...

- Боринг!

Бухорхудот шахд билан Маликанинг хонаси томонга бурилиб кетди. Шери Фарахш ортига қайтиб, яна Кононинг ҳузурига кирди.

Канизаклар Бухорхудотга йўл беришди, у шерни олиб чиқиш учун Маликанинг ҳузурига кирди. Ичкарида Хунбун ҳам бор эди, у буйруқни бажариш учун шернинг бўйнига занжир солмоқда эди. Малика Будуннинг важоҳатидан дарҳол мақсадини тушунди-да:

- Мен учун қайғураётганингиздан миннатдорман, ҳукмдорим,- деди четга қараб туриб. – Лекин эҳтиёт бўлинг, бу шер сеҳрланган!

Будун Хунбуннинг қўлидан занжирини юлқиб оларкан:

Биз ҳаммамиз сеҳрланганмиз, Маликам,- деди. Кейин ҳеч қандай қаршиликсиз ўзига эргашган шерни эшикдан олиб чиқар экан, қўшиб қўйди:- Фақат сиз туфайли!

Малика ялт этиб Будунга қаради. Будун унинг нигоҳига бардош беролмади ва Хунбунга қараб: “Қани, кетдик!” деди-да, шерни етаклаб чиқиб кетди.

“Бу ерга нима мақсадда келган эдим-у, нима қилиб турибман?- деб ўз-ўзига савол берарди Будун Бухорхудот,- Коно амаким билан Турк-ютга кетишим масаласини муҳокама қилмоқчи эдим. Аммо Малика яна юрагимни ўйнатиб юборди. Яна шахсий туйғуларим давлат манфаатларидан устун келаяпти. Ростдан ҳам Малика мени сеҳрлаб қўйибди, ҳа, энди унга уйланмасам, менинг подшоҳлигим ҳам бекор! Йўқ мен турганимда у Ферузга тегмайди! Фақат отасининг қистови туфайли Ферузни танлаган, холос. Малика мен унга кўнгил қўйганимни билмасди, энди билди. Кўзлари порлаб кетди-ку ахир. Оҳ, унинг кўзлари!.. Жисми-жонини бир ўт куйдирди. Йўқ, сени бегонага бериб қўймайман, амакимнинг қизи! Сен бухорхудотлар хонадонига юз йилда бир келадиган мўъжизанинг ўзисан! Юлдузинг менинг юлдузимга тўғри келганлиги аниқ. Бўлмаса, тақдир мени Турк-ютдан олиб келиб, сен ўтирадиган тахтга ўтқазиб қўярмиди?!”

Будун Малика ва ўзи ҳақида ўйлар экан, ҳиссиётга қанчалик берилмасин, фикрлари соф ва тақдир ҳақидаги тушунчаларга мос келар эди. Ўттиз беш ёшга кириб у ҳалигача ўз тақдирини аёл билан боғлашни хаёлига ҳам келтирмаганига иқрор бўлаётган эди. Аёлга муҳаббат унинг

учун шу пайтгача ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган нарса эди. Бухорхудотлар тахтига ўтиргандан кейин орадан беш-олти йил ўтгач, отаси вафот этганлиги муносабати билан Тарозга борганида у ўзига мерос қолган отасининг қасри ва мол-мулкига эгалик қилиш важидангина ўша ерда бир турк қизига уйланиб, хотинини қолдириб келган эди. Кейин эса тарозлик хотини билан боғланиб қолмаслик важидан Бухорога қайтиши биланоқ иккинчи хотинга уйланди. Иккала хотини ҳам асилзодалардан бўлиб, гўзаллик ва назокатда тенги йўқ эди. Лекин Будун ҳеч қачон уларга нисбатан ҳозир амакисининг қизига бўлгандек кучли туйғуни ҳис этмаган эди. Шунинг учун ҳам Тарозга у йилдан бу йилга бир мартагина бориб келар, Бухородаги хотинига эса икки ўғилни дунёга келтирган аёл сифатида муносабатда бўлар эди, холос. Хуллас, шу чоққача ҳаётининг бош мақсади – жангчилик ва ҳукмдорликда ном қозонишдан чалғимай келган Будун ўзини Маликадан ҳар қанча узоқ тутишга уринмасин, борган сайин унинг муҳаббати юрагини ишғол этаётганини, Маликага уйланиш истаги бошқа истаклардан кўра муҳимроқ бўлиб бораётганини қалбан ва ақлан тан олди. У ҳукмдорлигидан фойдаланиб Маликага ҳар қандай йўл билан ҳам уйланиши мумкин эди. Аммо мардлик ва инсонийликни ўзига касб қилган ҳукмдор буни хаёлига ҳам келтирмас, Маликанинг бошқа ошиқларидан ўзининг ҳокимияти билан эмас, муҳаббати билан устунлигини кўрсатиш учун имконият қидирар эди. Бугун мана шундай имконият туғилди. Гарчи Будун ўз ҳаракатлари билан Маликанинг Ферузга турмушга чиқиши учун ёрдам бераётгандай кўринса-да, ҳар бир нигоҳи ва ҳар бир айтган сўзи билан қизга “Сен менга турмушга чиқишинг керак” деган истагини етказа олди. Зийрак ва нозикфахм Малика Будунга бир қарашдаёқ буни сезган ва хаёллари остин-устун бўлиб кетган эди. Ҳозир ҳам Малика, Будун ҳам саройга Ферузнинг кириб келишини кутишар экан, Коно Бухорхудотнинг истаги амалга ошмаслигини қалбан ҳис этаётган эдилар. Малика буни шерга ишониб ҳис этаётган бўлса, Будун Маликага ишонаётган эди.

Аммо бу ишончларда уларнинг ҳар иккаласи ҳам янглишган эди. Кутилган воқеа мутлақо бошқача бўлиб чиқди.

Бухорога юборилган чопар кечга яқин Ферузни бошлаб Варахша қасрига кириб келди. Коно Будуннинг маслаҳатига кўра Ферузни ўз ҳузурига таклиф этишдан олдин қизини чақиртирди. Бу пайтда аллақачон шерни каттакон темир қафасга қамаб, сарой ертўласига бекитиб келган Будун Бухорхудот ҳам Шери Фарахш билан Кононинг ёнида ўтирган эди. Малика отасининг ҳузурига кирар экан, дам-бадам Будунга қараб қўяр эди.

- Ташқарида Феруз кутиб турибди, қизим,- деди Коно ётган жойида бошини сал кўтариб. – Мен у билан тўй ҳақида гаплашиб олмоқчиман... Энди бу ишни кейинга суролмайман... Сен нима дейсан, қизим?

Малика Будунга қаради, Будун нигоҳини ерга қадаганча жим турар эди.

- Шерни нима қилдингизлар?- сўради Малика. У хавфсиз жойдами, ишқилиб? Тағин Феруз бу ерга кириши билан пайдо бўлиб қолмасин?..

- Сиз шердан ташвишланманг,- хўрсиниб жавоб берди Будун. – Кўриб турибсизки, у бу ерда йўқ. бўлмайди ҳам... Айтувдим-ку сизга, уни мен бажараман деб.

- Ҳа, қизим,- жилмайди Коно,- шер энди қафасдан чиқиб келолмайди Ферузни кўрмайди ҳам...

- Унда... мен нима ҳам дердим, ўша сўзимда тураман... Ферузга хотин бўлишга розиман. Фақат... Мени бир буюмдек унга тортиқ қилманг, отажон! Сизнинг кўнглингиз учун шошилиб эрга тегаяпман. Феруз қадримга ета оладими, йўқми, уни синаб кўринг!.. Мендан бошқа ҳеч нарсани сўраманг, Ферузни ҳам олдимга киритманг... Қолган ихтиёр сизда, отажон! Энди менга ижозат беринг...

Малика шу сўзларни айтди-ю жавоб кутмасдан ортига бурилди ва отасининг ҳузуридан чиқиб кетди. Орага тушган сукутни биринчи бўлиб Шери Фарахш бузди:

- Маликамиз жуда ақлли, ҳаёли жавоб бердилар. Қиз бола розилигини отасига бундан ортиқ даражада изҳор қилиши мумкин эмас!

- Ҳа...,- чеҳраси ёришди касалманд Кононинг.

Будун эса ўз ёғига ўзи қовриларди.

- Майли, амаки, Сиз Ферузни чақириб, у билан бемалол гаплашаверинг,- деди у ўрнидан туриб. – Биз эса чиқиб турганимиз маъқул...

Юрагида гоҳ муҳаббат, гоҳ ғурур исён кўтараётган Будун Бухорхудот нима қиларини билмай Кононинг ҳузуридан чиқди-да, ортидан эргашган вазирга ҳам қарамай тўғри Маликанинг хонаси томонга йўл олди.

Мулозимлар сарой дарвозаси олдида кутиб турган Ферузни Кононинг ҳузурига бошлаб киришди. Бухородан келгунча Коно уни нима учун, нима мақсадда чақиртирганини ўзича ҳар хил тахмин қилиб кўрган пахлавон Феруз ҳаяжонланганча суюкли дилдорининг отасига рўбарў бўлиб турарди.

- Қизимга уйланмоқчи экансан, шу ростми?- сўради Коно.

- Ҳа, уйланмоқчи эдим. Лекин уйлана олмаслигимга кўзим етди.

Коно Ферузнинг бу жавобидан йигит ўзини Маликага номуносиб деб ўйлаяпти, деган хаёлга борди ва дарҳол мақсадга кўчди:

- Ноумид бўлма, сени бахтиёр қилишга мен ҳам, қизим ҳам розимиз!

Бу гапдан Феруз Коно кутгандек хурсанд бўлиб кетмади. У бир оз ўйлаб туриб, деди:

- Мени афу этасиз... Сиз менга раво кўраётган бахт бахтсизликка айланса-чи?

Кононинг бошига гурзи билан туширилгандек бўлди.

- Тушунмадим... Нима демоқчисан?- деди у дағ-дағ титраб.

- Мен ҳам рақибим Алп Арслон каби Малика учун ўзимни қурбон қилишга ҳам тайёр эдим,- деди Феруз дадилланиб. – Аммо менинг муҳаббатим қанчалик кучли бўлмасин, тақдирни ўзгартира олмаслигини тушундим. Бир йил олдин қизингизни сўраганимда, шубҳасиз менга бермаган

бўлардингиз. Бугун эса Маликани менга тортиқ қилмоқчи бўлаяпсиз. Чунки унинг жодугарлиги фош бўлиб, энди ҳеч ким сўрамай қўйди. Ахир мен кўра-била туриб фойдасиз нарса учун ўзимни ҳалок этолмайман-ку!..(Асло, бундай дейиши мумкин эмас!)

Бу гапларни эшитар экан, Кононинг ранги-қути баттар ўчиб, аҳволи оғирлашар эди. Унинг гапиришга ҳам мажоли қолмади. Феруз эса сўзини давом эттирди.

Ўтган йилги Наврўз байрамида Маликанинг қўлидан қилич олганим, отчопарда уни от устида қучоғимга олганим ҳаётимдаги энг бахтли дақиқалар бўлиб қолади. Аммо ўшандан кейин Маликанинг девлари тушларимга кириб, мени қанчалар таъқиб қилганини, улардан ҳам, одамларнинг гап-сўзларидан ҳам қўрқмай, Маликага бўлган муҳаббатимдан воз кечмаганимда Вардонадаги саройимиз ёниб кетиб, онам ҳам ҳалок бўлганликларини ҳеч кимга айтмаган эдим... Афсуски, ақлим кеч кирди. Аммо мен Наврўз байрамида Маликага берган сўзимдан воз кечганим йўқ, Маликага бўлган садоқатим ҳаққи бир умр бухорхудотларнинг хизматини қиламан. Аммо қизингизга уйланолмайман! Агар мени шунинг учун чақиртирган бўлсангиз, узримни қабул этинг!

Шу пайт ташқаридан шернинг қулоқларни қоматга келтирувчи наъраси эшитилди. Феруз дарҳол қиличини яланғочлаб, эшик томонга ўгрилди.

- Кел, келавер, лаънати дев! Сендан қўрқмайман!

- Қўрқма, у қафасдан чиқолмайди,- эшитилар-эшитилмас пичирлади Коно,- ақлдан озганга ўхшайсан... Бор, боравер, сенга берадиган қизим йўқ!..

Феруз карахт ҳолда эшикдан чиқар экан у томонга югуриб келган мулозимларга тўқнаш келди.

- Мени тинч қўйинглар!- қичқирди у одамларни суриб, тезроқ кетиб қолишга шошиларкан. – Конога қаранглар, мазаси қочиб қолди!

Одамлар югуриб хонага киришди. Коно тўшагидан турмоқчи бўлиб кучанар, бироқ қурби етмай, оғзидан тупук

сачратиб ётар эди. Меҳрибон кампири тезда уни тинчлантириб, шифобахш сув ичирди.

- Нима гап? Нима бўлди?- ҳовлиққанча Будун, Шери Фарахш ва Малика ҳам Кононинг қошида айдо бўлдилар. Улар шернинг наърасини эшитиш билан югуриб ертўлага тушишган, у ерда шер қафасда тинчгина ўтирганини кўриб, кейин бу ёққа чопиб келишган эди.

Феруз қани? Қаёққа кетди?- сўради Будун Кононинг пешонасига ҳўл сочиқни босаётган катта Маликадан.

- Сизлар билмасангиз, мен қаёқдан билай?- деди кампир йиғламсираб. – Чолимни ўлдириб қўяй дебсизлар-ку!

- Отажон! – угай онасини суриб, Конони қучоқлаб олди Малика. –Мени деб шу аҳволга тушдингизми? Ахир, нега гапимга кирмайсиз? Менинг бахтимни очиш сизнинг қўлингизда эмаслигини нега тушунмайсиз? Вақти келмаса ҳеч бир иш бўлмайди, ахир!..

Тўпланган одамлар бир-бир чиқиб кетишди. Коно ўзига келиб, чуқур-чуқур нафас олганча, ёнида қолган кампири, Шери Фарахш ва Будун Бухорхудотга қарата деди:

- Сизлар ҳам бораверинглар энди... Ферузга жавоб бердим... Кетди... Унга берадиган қизим йўқ... Мени қизим билан ёлғиз қолдиринглар... Ҳа, дарвоқе... шерни қафасдан бўшатинглар энди...

Будун Коно билан Ферузнинг орасида нима гап-сўз бўлганини тушуниб етмаган бўлса-да, амакисининг “Унга берадиган қизим йўқ” деган гапидан қаноат ҳосил қилиб, Варахша саройини тарк этди. Ёнидаги ҳамроҳи Шери Фарахш йўл-йўлакай унга Малика ва шернинг сеҳрлангани-ю, бундай воқеалар илоҳий кучларнинг хоҳиши билан бўлиши, сеҳрни очиш учун кучли қам топиб келиш зарурлиги-ю, Пойкандда бир вақтлар шундай қам бўлганлиги ва ҳоказолар ҳақида гапириб борарди. Лекин бу гаплар Будун Бухорхудотнинг қулоғига кирмас, у Турк-ютга кетишдан олдин Маликага уйланиш режасини миясида пишитар эди.

* * *

Малика пардаларни суриб, деразаларни очиб юборди. Ой нури унинг рутубатли хонасини ойдинликка тўлғазди. Осмондаги ўн тўрт кунлик ой билан ердаги муҳташам кўшк ичида маъюс кезаётган ўн олти ёшли Малика гуё бир-бирларига кўзгу бўлиб боқишаётган эди.

Варахша саройида ҳамма уйқуга кетган, ярим тун эди. Фақатгина бугунги воқеалардан сўнг паришонлиги янада ортган гўзал Маликанинг уйқуси келмасди. У бу кеча ётоғида шер билан ёлғиз қолишни истаб, ҳар доим бирга ётадиган иккала канизагига ҳам жавоб бериб юборган эди. Мана, ярим тун бўлишига қарамай шер уйқуга Маликанинг парқу тўшагида оёқларини узатиб, бошини кўтариб ўтирарди. Малика оҳиста юриб келиб, унинг олдига тиз чўкди.

- Ёлдоргинам менинг,- пичирлади қиз шернинг ёлларини силаб туриб.- Мана иккаламиз яна ёлғиз қолдик. Айт-чи, менга, мендан нима истайсан ўзи? Ахир қачонгача мени қийнайсан? Сени ҳам, мени яратган қодир Яратгувчи орамизда қандай сирли муносабатни пайдо қилди – мен буни тушунишга ожизлик қилаяпман, Ёлдорим! Кошкийди, сенинг тилинг бўлса-ю, менга ўзинг тушунтириб берсайдинг. Мен инсон фарзандиман, сен эса ҳайвон наслидансан. Сенинг ўйлаганингни мен тушунолмайман, мени эса сен тушунмайдиганга ўхшайсан. Ахир, нега мени эркак зоти билан жуфтлашишимга қаршилик кўрсатаяпсан? Мени Алп Арслонимдан айирдинг, майли, дедим. Сен туфайли Ферузим ҳам менга уйланишдан бош тортганини бугун эшитдим. Эшитдим-у юрагим доғланди! Сен Шер Будунни менга раво кўраяпсан, шекилли. Наҳотки, ўзим тенги навқирон йигитлар қолиб, кўпни кўрган, бир эмас, иккита хотини бўлган ўша ҳукмдор пешанамга юзилган бўлса? Унинг димоғдорлигини ўзинг кўрдинг-ку, юраги мени деб ураётган бўлса ҳам асло сир бой бермайди. Бир сўз билан мени лол қилиб, устимдан кулиб кетди! Алп Арслоним ҳам, Ферузим ҳам бунчалик такаббур эмас эди. Қандай ёқимли, қандай танти ошиқларим эди-я улар! Менинг ҳусни жамолимга қараб тўймас эдилар, оғушимда лаззат олишни орзу қилар эдилар! Уларни

ишқимда тобора азобланишларидан мен ҳузур қилардим, уларни синаш учун ёлғондакам шарт қўйган эдим. Балки шу қилмишимдан улуғ Ахурамазда ғазабланиб, мени жазолаётгандир? Ёки сени ёвуз Ахриман менга юбордимикан? Жавоб берсанг-чи, эй, жонивор? Қара менинг илгариги шодлик тўла кўзларимда қувонч нурлари сўниб бораётир, мана бу тарам-тарам сочларим худди мен сенинг ёлларингни силаётганимдек эркак кишининг бармоқларини тароқ қилишни орзулаётир, мана бу етилган кўкракларимга сенинг ҳиссиз нафасинг эмас, пахлавон йигитнинг иссиқ нақаси урилишини истайман. Ахир, мен инсонман, аёлман, Яратгувчи менга ҳам ҳис-туйғу берган, ишқ берган. Наҳотки, сен буни тушунишни истамасанг! Эҳ, қанийди ҳозир сен Алп Арслонга ёки Ферузга айланиб қолсайдинг... Йигитларнинг сендек жангари, кучли, қўрқмас бўлишини орзу қилиб шер, арслон деб исм қўядилар. “Арслон” ҳам туркчада шер дегани... Ёлдоргинам, мен ҳам сенинг йигитлардек онгли, тилли, меҳр-муҳаббатли бўлишингни нақадар орзу қилишимни билсанг эди! Сен эркак шерсан, агар сенинг ҳам қошингда урғочи жуфтинг бўлганида эркаклигингни ҳис этган бўлардинг... мен бундай аҳволда Малика бўлиб яшаганимдан кўра шерга айланиб қолиб, сенинг жуфтинг бўлишга ҳам мингдан-минг рози эдим. Иккаламиз узоқ-узоқ ўрмонларга чиқиб кетар эдик, қувалашиб ўйнар эдик, мен сенга шербаччалар туғиб берар эдим! (Саидбурҳон) Менинг гапларимга тушунаяпсанми, Ёлдоргинам? Қандай ҳам тушунардинг сен... Мен ўзим-ўзимга тушуна олмаяпман-ку , сенга йўл бўлсин? Оҳ, юраккинам нималарни қўмсаяпти менинг... Қоним қизиб кетаяпти, ақлимдан ажралиб қолгандайман... Ҳайвон бўлсанг ҳам сендан лаззат олишни истаяпман, мени қучоғингга олсанг-чи, Ёлдоргинам! Эҳ, эгнимдаги бу латта-путталар менга нима керак ҳозир? Мана, мана... Мен ҳам сендек яланғоч бўлдим... Нега кўзларинг қувонмайди? Ахир менинг бу шаҳвоний баданимга сендан бошқа ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган! Кел, энди панжаларингни кўксимга қўй... Айтишларича, қадим-қадим замонларда бир аёл бўри билан қовушиб, туркларни дунёга келтирган экан... Сен ўша

бўричалик ҳам бўлолмайсанми, Ёлдор? Кел, менга шерлигингни бир кўрсат!.. (Асло, бундай бўлиши мумкин эмас, Ёлдорда онаси Сюнинг руҳи бор-ку? Маликани куз корачигидек асраши доимо химоя килиши керак.)

Тўшакда чўзилиб ётган куйи шернинг бўйнидан қучоқлаб олиб, унинг қулоқларига шивирлаб гапираётган Маликани тунги ёлғизлик ана шундай телбавор ҳолга солиб қўйган эди. Шер эса унинг аҳволини тушунган-тушунмаганлигини сездирмас, миқ этмай ўтирар эди. Ниҳоят, Малика бу махлуққа шунча хушомад қилишлари-ю кўрсатган илтифоти чорасизлик туфайли пайдо бўлган бемаъниликдан бошқа нарса эмаслигини англади ва бутун вужудини эгаллаган шаҳвоний ҳис-туйғулари аста тарқалиб, қўллари шернинг бўйнидан сирғалиб тушди. Шер худди шуни кутиб ўтиргандек ўрнидан турди ва оппоқ чойшабни тишлаб тортганча ой нурида товланиб ётган гўзал Маликанинг устини ёпиб қўйди. Кейин ўзи тўшакдан пастга тушди-да, ичкаридан тамбаланган эшик олдига бориб ётди...

Эрталаб Маликанинг ётоғи эшигини қаттиқ тақиллатишди. Руҳий толиқиш туфайли қаттиқ ухлаб қолган Малика зўрға кўзини очди ва эс-ҳушини йиғиб, сапчиб ўрнидан турди.

- Ҳозир, ҳозир! Ана, турдим!

У шоша-пиша тунда хонанинг дуч келган томонига ечиб отган кийимларини олиб кийина бошлади. Шер ҳам безовталаниб хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юрар эди. Малика отасига бир гап бўлганидан хавфсираб, тезда эшикни очди.

- Отангиз сизни йўқлаяптилар, Маликам, - деди эшикни тақиллатган канизак саросимали оҳангда,- тезда бораркансиз...

Маликанинг юраги “шув” этиб кетди ва отасининг хонасига томон отилди. “Ўлиб қолган бўлса-я!” деган совуқ фикр кечган эди унинг хаёлидан.

Малика сочларини ҳам йиғиб олмаган, ранги қув ўчган ҳолатда Кононинг хонасига кириб, унинг тўшаги олдида ўгай онасининг пиқ-пиқ йиғлаб ўтирганини кўрди.

- Отажон!!!

Коно қизининг чинқириғини эшитиб, кўзларини очди.

- Қизим...

Коно Маликанинг дув-дув ёш оқиб тушаётган юзларидан ўпди.

- Йиғлама, қизалоғим... Кўнглим шундоқ ҳам эзилиб кетди-ку... Ёруғ дунёдаги охирги лаҳзаларимда сенинг табассумингни кўрай...

- Ундай деманг, отажон!

- Бу кеча онангни туш кўрдим... Мени ёнига чақирипти... Рози бўл энди, қизим!..

- Йўқ! Йўқ! йўқ!!! Сиз ҳали ўлмайсиз! Менинг бахтиёр кунларимни кўрасиз! Ахир, тўйимни кўриш, тожу-тахтли бўлганимни кўриш орзуингиз эди-ку, отажон!

- Насиб қилмаган экан, қизим...

- Йўқ! Сиз соппа-соғсиз! Ана гапириб турибсиз-ку... Доривор гиёхлардан ичинг, ҳадемай тузалиб кетасиз, отажон! Мен... Мен сизни орзуингизга етказаман. Ҳа, ҳа, шу бугуноқ... Шу бугуноқ ҳаммасини ҳал қиламан!..

Коно деди:

- Сени ўзим бахтсиз қилдим, қизим... Ҳаммасига ўзим сабабчиман... Хато қилдим... Жуда кўп хато қилдим... Хатоларимни тузатишга эса кеч қолдим... Хунбунни қатл этишди?! Нега?!- бирдан чеҳраси ўзгариб кетди Маликанинг.

- Мен уни ўлимга ҳакм этдим. Қачонлардир шерларга ўқ узгани учун... Назаримда, ўшанда Хунбунга жазо бермаганим учун шерлар мендан ўч олишаётганга ўхшайди.

- Қўйсангиз-чи, отажон! Бу фикр миянгизга қаёқдан келди? Агар Хунбунни ўлдиришмаган бўлишса, тезда ҳукмингизни қайтаринг! Ахир одам одамни ўлдириши мумкин эмас!

Чол бошини сарак-сарак қилиб, “Йўқ, энди бўлмайди” деган маънони билдирди. Малика отасига қараб туриб, ҳайратга тушарди: Коно касал деса касалга, соғ деса соғга ўхшамасди. “Отам мени ўйлай-ўйлай шу аҳволга тушиб қолди,- ўйлади у. – Тезда Бухорога, Шер Будуннинг олдига боришим керак! Энди менинг бахтим ўша ҳукмдорга боғлиқ бўлиб қолди. Ўлмасидан бурун отам менинг бахтимни

кўриши керак!”. Малика фурсатни ғанимат билиб, кетишга шошилди:

- Отажон, менга ижозат беринг, Бухорога бориб келишим керак. Фақат сабабини сўраб ўтирманг, илтимос. Бориб келганимдан кейин айтаман!..

Кононинг юзига табассум югуриб, қизига тикилиб қаради:

- Боравер, қизим, боравер! Энди сен ўзингга ўзинг хўжайинсан, бундан кейин ҳеч кимдан ижозат сўраб ўтирмайсан... Боравер, оқ йўл, қизалоғим, соғ бўл...

- Сиз ҳам қайтиб келгунимча соғайиб кетинг,- зўрға жилмайиб отасининг юзидан ўпди Малика ва ўрнидан турди.

- ... Кўҳандиз устида турган Бухорхудот соқчилари узоқдан от чоптириб келаётган Маликани ва унинг ёнида югуриб келаётган шерни кўрдилар.

Будун Бухорхудот эрталабдан кўҳна Кўҳандизга келиб олиб, бу қалъани таъмирлаш ва қайта қуриш ҳамда шу ерда туриб Турк-ютга бориш учун жангчилар йиғиш ишларини ташкил этмоқда эди.

- Уни кутиб олинглар, менинг ҳузуримга келаяпти,- деди Будун соқчилар кўрсатган тарафга қараб, келаётган отлиқнинг Малика эканлигига амин бўлгач. Шундай деди-да, Будун кўримсиз бўлиб қолган қароргоҳига кириб ўтирди...

Малика Кўҳандиздаги қурувчилар-у соқчиларни ҳайратда қолдирганича ёнидаги ҳаллослаб турган шер билан тўппа-тўғри Будун Бухорхудот турган хонага кириб борди. Подшоҳ шитоб билан кириб келган Маликани туриб қарши олди ва унинг қўлидан ушлаб етакларкан, ўтиришга таклиф қилди.

- Ўтиришга асло вақтим йўқ, ҳукмдор!- деди Малика ўктам овоз билан дона-дона қилиб.

- Бунчалик ҳовлиқишингизнинг сабаби нима, Маликам? – Будун хона ўртасида таққа тўхтаган Маликанинг қўлидан қўйиб юбормаган ҳолда қатъият сезилиб турган юзига тикилиб сўради.

- Сизга очиқ айтишим керак, ҳукмдорим Шер Будун,- деди Малика яна ўша оҳангда,- Сизда ўзи инсоф деган нарса йўқ экан!

- Хўш нега бундай деяпсиз?- бамайлихотир сўради Будун ёнларида турган шерга бир қараб оларкан.

- Кеча ўзингиз кўрдингиз, отам ўлим тўшагида ётибди. У менинг тўйимни, тахтга ўтиришимни кўришни қанчалик орзу қиларди! Сизга отам тахтни ўз қўли билан топширган. Лекин сиз унга ҳали ҳаёт эканлигида қарзни қайтариш ҳақида ўйламаяпсиз! Менинг талабим шу: агар сиз мард эркак бўлсангиз, ё менга уйланасиз, ё тахтни топширасиз! Отам мана шу икки орзусидан ҳеч бўлмаганда бирига етишганимни кўриб, дунёдан беармон кетиши керак! Мен бунинг учун...

Малика сўзини тугатмасдан Будун уни маҳкам қучоқлаб олиб, лабларига лабини босди. Бир неча сониядан сўнг қизни қучоғидан бўшатар экан, ҳаяжонланиб деди:

- Мен сенга уйланаман ҳам, тахтни ҳам топшираман, жонгинам! Эҳ, бу кунни мен нақадар орзиқиб кутган эдим. Қани, кетдик, бугуноқ тўйни бошлаймиз!

Бағоят таъсирланиб кетган Малика беихтиёр Будунга эргашар экан, бирданига ёдига шер тушди ва ён-верига қараб, унга кўзи тушмаганига ҳайрон бўлди.

- Ёлдор! Ёлдор қани?!- ҳаяжонланиб сўради қиз.

Соқчилар ҳам анграйиб қолган эдилар. Фақат улардан бири деди:

- Шерми? У ҳозиргина чиқиб кетди... Югуриб-югуриб Кўҳандиз атрофини бир айланди-да, ҳув анави йўлга тушиб, кўздан ғойиб бўлди...

Малика ҳайрон бўлиб турганида Будун яна жўшиб кетиб, эпчиллик билан унинг белидан қучди ва ердан даст кўтариб олиб гир айлантираркан, шодон овозда ҳайқириб деди:

- Шерни сўраб нима қиласан энди, Маликам! Мана, менман сенинг шеринг! Арслонинг мен бўламан! Ахир мен сен билан биргаман-ку!

* * *

Шоҳона тўй Варахшада ўтказилди. Бутун Бухоро аҳли ҳукмдор билан ёш Маликанинг хурсандчилигига шерик бўлиш учун тўйга келдилар. Уч кеча-ю уч кундуз давомида

минглаб қўйлар, қорамоллар сўйилди. Варахша саройидан бошланиб, қишлоққа туташ қирларгача чўзилган улкан тўйхонада ҳар ер- ҳар ерда қозонлар осилган, ҳар бир даврада созандалар-у раққосалар санъатларини намойиш этиб, базмни қиздирар эдилар. Мамлакатда кўпдан буён бундақанги катта байрам бўлмаган эди.

Тўй тантаналарининг охирги куни Коно Бухорхудотнинг маросимлар ўтказиладиган катта саройида барча эътиборли меҳмонлар-у асилзодалар, Будуннинг акаси Эртўба ва ҳамукетлик оқсоқол, Бухорхудотнинг сарой аъёнлари-ю қариндош уруғлари, қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган элчилар ва турли хил амалдорлар, шунингдек Бухородаги мажусий, буддавий, насроний каби турли ибодатхоналарнинг етакчи руҳонийлари жам бўлишди. Хурсандлигидан оёққа туриб кетган Коно давранинг тўрида ўтирар эди. Унинг ёнидаги баланд шоҳсупада олтиндан ясалган подшоҳлик тахти қўйилган бўлиб, барчанинг эътиборини тортиб турарди.

Малика ва Будун Бухорхудот қўл ушлашиб ўзларининг хос хоналаридан чиқиб келишди. Махсус тиктирилган чўғдай қип-қизил, заррин либосда Малика яна ҳам очилиб кетган эдики, кўрган кишининг кўзи қамашарди. Унинг оппоқ чеҳрасида нур билан чизилган порлоқ бахт тасвирини кўришнинг ўзи билангина оддий инсонлар ўзларини бахтиёр ҳис этишлари мумкин эди. Малика гуёки, юриб эмас, нигоҳлар тўлқинида оққушдек сузиб тахтнинг олдига келди. Будун Бухорхудот у билан бирга шоҳсупага кўтарилар экан, бошидаги олтин тожни қўлига олиб туриб, шундай деди:

- Муҳтарам меҳмонлар! Азиз амаким Коно Бухорхудот! Бугун сизларнинг ҳузурингизда мен мамнуният билан бухорхудотлар тожини мамлакат тахтининг вориси, Коно Бухорхудотнинг якка-ю ягона қизи ва менинг суюкли Маликам бўлмиш гўзал Сюнинг бошига кийдираётганимдан бахтиёрман! Маълумингиз бўлсинким, мен Будун Бухорхудот, Турк ҳоқонининг лашкарбошиси сифатида қўшиним билан Хитой ҳоқонига қарши жангга кетаётирман. Шу боисдан мамлакатни доно Малика Сюга, Маликани эса Яратганнинг

ўзига топширдим! Бундан кейин менинг тахтим – унинг тахтидир, унинг сўзи – менинг сўзимдир. Имоним комилки, доно Малика Бухорхудотлар мамлакатини янада обод қилажак, унинг шон-шуҳратини юксалтиражак! Сизлардан унга итоат этишингизни, омад тилашингизни ва садоқат билан хизмат қилишингизни сўрайман!

Бузорхудот сўзларини тугатиб, қўлидаги тожни унга таъзим бажо қилиб турган Маликанинг бошига кийдирди. Малика бошини мағрур кўтарди, унинг кўзларини севинч ёшлари намлаган эди.

Шундан кейин кекса Коно ўрнидан туриб, Маликанинг олдига кирди ва қизининг пешонасидан ўпиб, табриклади, унга омад тилаб дуо қилди. Кейин руҳонийлар бир-бир олдинга чиқиб, ўз диний калималари билан Малика ҳақида дуо ўқидилар. Уларнинг кетидан одат бўйича вазир Шери Фарахш янги ҳукмдорнинг истиқболига чиқди ва тиз чўкиб туриб, Маликанинг ҳоки пойини – қимматбаҳо тошлар билан безатилган этагини ўпди. Қолган амалдорлар ва асилзодалар ҳам бу одатни такрорлаб, бир-бир Маликанинг пойини ўпдилар.

Шундай қилиб, бухорхудотлар сулоласидан бўлган биринчи аёл подшоҳ тахтга ўтирди. Орадан йиллар ва асрлар ўтиб, тарихчилар Бухоро тарихини битганларида номи Маликаи Будун деб тилга олинган бу подшоҳнинг Бухорода якка-ю-ягона аёл ҳукмдор бўлганлигини, бухорхудотлардан ҳеч бири унингчалик муваффақиятли, адолатли, оқилона ва мустақил сиёсат олиб бормаганликларини, у мамлакат халқини бир неча марта босқинчиларга тобеъ бўлишдан сақлаб қола олганнини ва бошқа таърифу таснифларни келтириб, эътироф этдилар.

* * *

Отасининг қатл этилганлигини Зарина тўйга келиб эшитди. Бечора аёл ясан-тусан қилиб, тўй баҳонасида отагинамни ҳам бир кўриб келаман дея, хуш кайфият билан эрига ҳамроҳ бўлиб, канизагини ҳам олиб Варахшага келганди. У сарой хизматкорларидан бирини четга имлаб

чақирди-да, “Кононинг Хунбун исмли шер боқувчи соқов хизматкори”ни чақириб беришини илтимос қилди.

- Хунбун?! Мени маъзур тутасиз, хоним, Сиз унинг кими бўласиз?- ажабланиб сўради хизматчи.

- Мен Хунбуннинг қизиман, Хунукхудотни хотини бўламан.

- А? Шунақа денг... Унда... эрингиз қанилар?

- Шу ерда... Лашкарбошилар даврасига кириб кетди. Унга нима дейсиз? Мен сиздан отамни сўраяпман, у ичкарида бўлиши керак...

- Гап шундаки, хоним, отангиз... Бу ерда йўқ. Афсус, сизга ёрдам беролмайман... Яхшиси эрингизни топиб, бу ёққа юборинг. Мен унга Хунбун қаердалигини айтишим мумкин.

Заринанинг юрагига ғулғула тушди? Ишқилиб отаси соғмикан? Аёл шошганича сон-саноқсиз одамлар орасидан эри Дихам Хунукхудотни излай бошлади. Тасодифан олдидан акаси, Будун Бухорхудотнинг таниқли лашкарбошиларидан бири Салмон чиқиб қолди.

- Салмон! Акажон!- уни маҳкам ушлаб олди Зарина. – Сен отамни кўрдингми?

- Йўқ, нима эди? Нега рангинг ўчиб кетган?- ҳайрон бўлди Салмон синглисининг қалт-қалт титраётган елкаларига қўлини қўя туриб.

- Мен сарой хизматчисидан отамни сўрадим. У негадир айтмади. “Эрингга айтаман”, дейди. Акажон-эй, отамга бир гап бўлганга ўхшайди.

- Қўйсангчи, ваҳима қилишингни қара!- деди салмон. – Отам шунчаки, ўша лаънати шерга қўриқбонлик қилиб ўтиргандир-да. Шунинг учун кўринмаётган бўлса керак. Менимча, унга ҳеч ерга жилма, деб буйруқ беришган. Хизматчи ҳам шуни айтмоқчи бўлган.

- Сен шундай деб ўйлайсанми? Йўқ, ака, барибир, суриштириш керак... дихамни кўрдингми?

- Ҳозир шу ёққа ўтувди... Ҳув ана, кўрдингми? Лашкарлар турган ерга қара... Берироқда, қандайдир бир оқсоқол билан гаплашиб турибди...

- Юр, сен ҳам!- Зарина акасига имо қилиб, ҳовлиққанча Дихам томонга чопиб кетди.

- Ҳой, шошма!..

Салмон аллақачон кетиб қолган Заринани кўздан қочирмай, эриниб унинг орқасидан эргашди. Зарина эрига яқин қолганда қичқириб чақирди:

- Дихам!!!

Ҳамма қичқирган аёл томонга қаради. Дихам хотинини кўрди-ю одамлар орасидан чиқиб унинг ёнига келди.

- Ҳа? Нега ёлғиз юрибсан, чўри қизинг қани? – ажабланиб сўради у Заринадан.

- Тезда саройга кир! Отамни сўроқлаб чиқ... Ана Салмон ҳам келаяпти. Тез бўлинглар, кўнглим сезаяпти, отамга бир нарса бўлган!- деди Зарина нафаси тиқилиб.

- Бўпти, бўпти. Ўпкангни боссанг-чи! Ҳозир, сен шу ерда кутиб тур! Ҳа, Салмон, нима гап ўзи?

- Билмасам... Зарина шунуқа ваҳима қилаяпти-ку? Саройга кириб бўлармиди ҳозир? Ит эгасини танимайди...

- Қани, юр-чи!..

Орадан бироз фурсат ўтгач, Дихам ўзини қўярга жой тополмай ўтирган Заринанинг олдига қайтиб келди. Кўриниши ниҳоятда жиддий эди.

- Ҳа, отамни кўрдингизларми? Салмон қани?

- Салмон кетиб қолди... Бу ёққа бр, Зарина, гап бор.

Дихам хотинини ғала-ғовурдан четроққа олиб чиқди ва ётиғи билан гап бошлади:

- Сенга тўғрисини айтишим керак. Бу ер тўйхона, фақат дод солма... Отангни қатл этишибди!

Зарина даҳшатдан қотиб қолди, кейин бирдан уввос солиб йиғлаб юборди:

- Кўнглим сезган эди-я! Ким...ким... Нима-гаа!..

Шундай қилиб тўйга борган Зарина отасига аза очиб қайтиб келди. Шўрлик аёл бундан икки йил бурун онаси хасталик туфайли вафот этганида ҳам бунчалик оғир қайғуга ботмаган эди. Қизлигида отасига унча меҳри бўлмаган Зарина улғайиб, турмушнинг аччиқ-чучугини татигандан сўнг айниқса, отасининг соқов бўлиб қолгани боисини англай

бошлаганидан сўнг унга раҳми келиб, бошқача меҳр билан қарайдиган бўлиб қолганди. Уни бир неча бор саройдан уйига олиб кетишмоқчи бўлишганида ҳам Коно Бухорхудот шерга қараши кераклиги боис рухсат бермаган эди.

Зарина отасининг нима учун, қачон қатл этилганини, Кононинг ҳукмини ким ижро этганлигини, бу воқеа қаерда бўлганлигини, Хунбуннинг мурдаси дафн этилган-этилмаганлигини, ҳаммасини ипидан игнасигача эри орқали суриштириб билди. Хунукхудот хотинига бўлган воқеаларни сўзлаб берар экан, уни юпатиб:

- Отангнинг қисмати азалдан шундай эканлиги маълум эди,- деди. – Ўша шер Хунбуннинг бошига етади, деган гапни мен кўп одамлардан эшитардим. Мен Конони оқламоқчи эмасман, лекин буни қараки, отангни қатл эттиргандан сўнг ўша шумқадам шер ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлибди. Бугунисига эса Маликанинг бахти очилиб, тўйи ҳам бўлди, тахтга ҳам ўтирди... Қўй энди кўп қайғураверма, отанг тақдирнинг қурбони бўлди...

- Отамни ўлдиришмаганида ҳам бу ишлар бўлаверар эди,- деди Зарина эрининг гапидан норози бўлиб. – Мени ҳалиям ёшлигимдагидек бу гапларга лаққа ишонади, деб ўйлайсанми? Ўша мияси айниган Кононг ҳам, эрсираган Маликанг ҳам ғирт фалокатнинг ўзи, билсанг! Наҳотки, кимнингдир бахтли бўлиши учун кимнидир ўлдириш керак бўлса?!

Зарина бу гапни айтишга айтди-ю, шу заҳотиёқ тилини тишлади. Чунки, ўн беш йил бурун ўзи ҳам “Ё у яшаши керак, ё мен!” деб, бадбахт Абронинг кўксига ханжар уриб ўлдиргани бирдан эсига тушиб кетди. Тўғри Абро билан Хунбуннинг ўлим топишлари орасида ер билан осмонча фарқ бор эди, лекин Зарина ҳали-ҳали ўша машъум воқеани эслаши билан юраги музлаб кетар эди. Ўшанда Зарина Абронинг қатлига ҳукм ўқиб тўғри иш қилган бўлса ҳам ким учундир унинг ўзи “фалокатнинг уяси” бўлиб туюлган бўлиши мумкин-ку? Наҳотки, бировнинг қисматига биров сабабчи бўлса? Йўқ, Қисмат, бу – Яратганнинг иши... Лаҳза

ичида шуларни ўйлаган Зарина дарҳол эри билан баҳс қилишни тўхтатиб, гапни буриб юборди:

- Майли, энди бўлар иш бўлган... Фақат отамга ачинаман, холос. Ахир, уни одамдек дафн этолмадик ҳам. Агар менинг кўнглимни кўтармоқчи бўлсанг, сен бир иш қил, Дихам... Отамни қатл этишган ўша тепаликка бор, унинг мурдаси ҳали ҳам хор-зор бўлиб ётгандир, суякларини йиғиб кўмиб кел!..

- Бу гапингда жон бор,- деди Хунукхудот хотинининг сал таскин топаётганидан енгил тортиб. – Мен ҳам шуни ўйлаган эдим...

Хунукхудот Хунбуннинг мурдасини излаб йўлга чиқди. У Кононинг навкарларидан марҳумнинг қатл этилган жойини ва жасади нима қилинганлигини аниқлаб олганди. Нималарнидир ҳисобга олган Коно Бухорхудот Хунбунни ўша шер боласи топиб олинган, остида ўзининг ўн саккиз кунлик даҳшатли ҳаёти гуёки тушдай кечган тепаликка олиб бориб қатл этишга буюрган эди. Балки, бу билан Коно ғазабланган шерними, руҳларними, худоними рози қилмоқчи бўлгандир – ўзидан бошқа ким ҳам биларди буни?.. Маликанинг тўйидан кейин яна тўшакка михланиб қолган Коно ҳозир ҳеч кимни қабул қилмас, ҳеч ким билан гаплашмас, ўз ўлимини кутиб ётарди.

Хунукхудот адашмай ўрмон оралаб ўтиб, ўша ясси тепаликка етиб келди. Унинг оти пишқириб юборганида тепаликда йиғилишиб олган бир гала қузғунлар гур этиб осмонга кўтарилди. Улар Хунукхудот ўйлагандек, Хунбуннинг ўлакса этини чўқишаётган эдилар.

Хунукхудот отдан тушиб, аста ўша ерга яқинлашди. Марҳумнинг суяклари сочилиб ётар, этидан деярли асар ҳам қолмаган эди. Бундан ҳам даҳшатли манзараларни кўраверіб кўзи қотган Хунукхудот бамайлихотир суякларни бир жойга йиғди. Кейин ўзи билан бирга олиб келган белкуракни қўлига олиб, қабр ковлашга тушди.

Ер жуда қаттиқ эди. Хунукхудот бир пайтлар Конони шу ердан топиб олганларида тупроқ худди шудгор қилингандек пўрсилдоқ бўлганлигини эслади. Унга худди кечагидек туюладиган ўша вақтдан буён шунчалик қотиб кетганига

Хунукхудот ҳайрон бўларди. У терга ботганича бир амаллаб белигача келадиган чуқурлик қазиди. Энди суякларни ташлаб кўмса ҳам бўларди. Бироқ қазиган чуқурлиги кўзига одатдаги қабрлардан пастроқ кўринди ва яна белкуракни ерга уриб ковлай бошлади. Шу пайт белкурак тупроқ остидаги қаттиқ бир нарсага урилиб, жаранглаб кетди. Хунукхудот нима бўлиши мумкин деб тупроқни ола бошлади. Шунда белкурак учида ялтиллаган нарса кўзга ташланди. Тупроқни сочиб юборган Хунукхудот кўзларига ишонмасди: бир нечта тилла танга унинг оёғи остига думалаб тушди. У шоша пиша тангаларни қўлига олиб қаради, ҳеч қандай ёзуви, белгиси бўлмаган силлиқ, қип-қизил тилла тангалар эди. “Хазина топдим, шекилли!”- юраги гупиллаб ура бошлади унинг ва яна қазий бошлади.

Хунукхудот чиндан ҳам жуда катта хазинага дуч келган эди. У тилла тангаларни олиб ташлайверди, олиб ташлайверди... Хазинанинг таги кўринмасди... Ҳатто тупроқ ҳам қолмади, ер ости ғим-ғич тилла эди. Энди Хунукхудотни ваҳима боса бошлади. “Нима қилаяпман ўзи? – ўйларди у. – Бу тиллаларни олиб тугатиб бўлмайди-ку! Шунча бойликни нима қиламан, нимага ишлатаман? Қаердан пайдо бўлдийкан бу хазина? Буни биров билармикан? Коно... Ҳа, Коно билиши керак. Ахир у шу тепаликда ер остига тушиб чиққан-ку. Лекин хазина ҳақида гапирганини эшитмагандим. Йўқ, ҳеч кимга гапирмасди у. Дарвоқе, Хунбун ҳам балки буни билгандир!.. Шунинг учун Коно ўзининг ажали яқин қолганини сезиб, Хунбунни ўлдиртирган бўлса-чи?” Хунукхудот ўйларининг охирига етолмай, тезроқ бу ердан кетишга қарор қилди.(Фикр. Коно Маликага айтган бўлиши керак, энг қийналган вақтингда шу ерда хазина бор деб.) У хазинадан чиқарган бир уюм тиллани хуржунига солди. Чуқурликдаги хазина устига эса то тиллалар кўринмагунича тупроқ ташлади, ундан кейин Хунбунни суякларини ётқизиб, дуо ўқиди-да бутунлай кўмиб ташлади.

Хунукхудот кечга яқин уйига бир хуржун тилла билан кириб келди. Тиллаларни ўз хазинасидаги сандиққа жойлаштирар экан, ҳайратдан ўзини йўқотаёзган хотинига:

- Узумини е-ю, боғини суриштирма,- деди.- Вақти келса, буларни қаердан олганимни айтиб бераман. Бировга оғзингдан гуллаб юрма тағин!

* * *

Хунукхудот қайнотаси Хунбунни дафн этиб келган ўша куни тунда оно Бухорхудот ҳам ўз саройида, муштипар кампирининг қўлида тинчгина жон берди. Кампир юм-юм йиғлаб, эрталабгача марҳумнинг бошида ўтириб чиқди, тўйларига эндигина бир ҳафта бўлган Маликаи Будун ва куёви Будун Бухорхудотни ярим тунда безовта қилгиси келмади. Малика келинчакликнинг илк кечаларини ўтказаётган бўлса ҳам одатига кўра барвақт туриб ювинди-да, кейин отасидан хабар олиш учун унинг хонасига кирди. Кирди-ю марҳумнинг қошида йиғидан қовоқлари осилиб, шишиб кетган ўгай онасини кўриб, отамнинг аҳволи яна оғирлашибди-да, деган хаёлга борди. Кампир Маликани кўриши билан ўрнидан турди-да:

- Қизгинам!- дея ҳўнграб йиғлаб юборди.

Маликанинг вужудини муздай титроқ қоплади ва югуриб келиб тўшакда ётган отасининг юзидан кампир ёпиб қўйган рўмолни тортиб оларкан, бутун саройни уйғотиб юборгудек овоз билан додлаб юборди:

- Отажон!!!

- Абадий уйқуга кетган Коно даҳшатдан қотиб қолган якка-ю ягона, севикли қизининг бу ноласини эшитмас, оғзи қизига сўнгги сўзини айтмоққа жуфтлангандек бир оз очилганча қотиб қолган эди...

Конони кўмиш маросимига жуда кўп одам келди. Гарчи мамлакатда ва ундан ташқарида Кононинг обрўйи унчалик баланд бўлмаса-да, видолашувга келганлар ё гўзаллиги билан донг таратган Малика учун, ё юртпарварлиги билан ном қозонган Будун учун келишарди.

Кононинг ўлими унинг ёлғиз зурёди бўлган Маликани ҳам куёви Будун Бухорхудотни ҳам чуқур қайғуга солди. Шу билан бирга бу воқеа ёш келин-куёвнинг тезроқ кўнгилхушликни йиғиштириб, зиммаларидаги мамлакат ва

халқ ташвиши билан машғул бўлишларига бир туртки бўлган эди. Будун подшоҳлик либосларини ечиб ташлаб, ҳақиқий лашкарбошига хос жанговар кийим кийди, у мамлакатда эълон қилган жанговар сафарбарликка бош-қош бўлиб, тезроқ Турк-ютга жўнаб кетиш тайёргарлигини кўрар эди. Малика эса ҳукмдорлик юмушлари билан бир-бир таниша бориб, Будун Бухорхудот бошлаб қўйган ишларни сусайтирмасдан қизғин давом эттиришга киришди. У Будун қурдирган саройга бормади, Варахша саройини ўзига қароргоҳ қилиб қолаверди, Бухоро Кўҳандизи янгидан бунёд этилгач, ўша ерга кўчиб боришни ният қилди.

Бир эмас, тўрт ҳукмдор алмашган давр мобайнида бош вазирлик вазифасини бажариб келаётган кекса Шери Фарахшнинг истеъфосини Малика қабул қилди ва унинг ўрнига дарҳол унинг ўғли Алп Арслонни тайинлади. Маликанинг бундай қарори Шери Фарахшни ҳам, Будунни ҳам, Алп Арслоннинг ўзини ҳам ҳайратда қолдирди. Бироқ Малика ўз қарорида қатъий турди.

- Алп Арслон менинг ишонган, синалган кишиларимдан бири,- деди у Будунга. – Ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Бир қўли бўлмаса, нима қилибди? Бош вазир бўлиш учун қўл эмас, яхши ишлайдиган бош бўлса бўлди-да! Мабодо мени ундан рашк қилаётган бўлсангиз, тўғрисини айтаверинг. Алп Арслон насли ҳам, кўнгли ҳам тоза йигит, буни унутманг, бегим!

Бу гапдан кейин Будун суюкли хотинининг қарорини мутлақо тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Шундан кейин Малика Салмонни шайкин1 лавозимига, Ферузни эса ўзининг бош соқчиси этиб тайинлади. Бу билан у бир томондан эски гина-қудратларга ўрин қолдирмасликни ўйлаган бўлса, иккинчи томондан миш-мишларга эътибор қилмаслигини кўрсатаётган эди. Маликага уйланишни рад этганидан минг-минг пушаймон еган Феруз ўзини овутиш ва Маликани буткул унутиш учун кўнгилли лашкар билан Турк-ютга, ҳоқоннинг хитойликлар билан бўладиган муҳорабасига отланган эди. Будун ҳам Маликага эришиш бобида ошкора рақиби бўлган йигитнинг бу қароридан мамнун бўлганди.

Аммо Малика Ферузни ўзига керакли одам сифатида олиб қолиш ниятида эканлигини айтиб, Будундан уни шу ерда хизматда қолдиришни илтимос қилди. Рад этиш ўзининг зарарига хизмат қилишини англаган Будун мардларча туриб рози бўлди.

Қўшинда катта обрўга эга бўлган Салмон отасининг Конога бир умр сидқидил хизмат қилган бўлишига қарамай шафқатсизларча қатл эттирилганлиги туфайли Бухорхудотлардан норози бўлиб юрганини Малика сезган эди. Шунинг учун у Салмонни ҳузурига чақириб, ундан астойдил кечирим сўради. Чунки, Салмоннинг норозилиги бошқаларга ҳам таъсир кўрсатиши, бу эса Маликанинг ҳокимиятига путур етказиши мумкин эди. Салмон Малика билан суҳбатда бўлганидан сўнг унга ҳурмати ошди, кўнглидаги ғараз тарқалиб кетди. Бунга ишонч ҳосил қилган Малика уни қўшин бошлиғи этиб тайинлади. Шу билан бирга ўзига душман бўлиши эҳтимол ҳисобланган бир обрўли кишини садоқатли дўстга айлантириб қўйди. Шу тариқа мамлакатда ўзига таянч бўла оладиган ҳар бир амалдор, асилзода ва қариндош-уруғлари билан муносабатларини яхшилаб бораверди.

У Хунукхудотни ҳам ўзига яқин олиб, мартабасини оширди. Унга кутвол2 лавозимини берди ва Кўҳандиз қурилишига бошчилик қилишни топширди. Хунукхудотнинг Ромушдаги жияни, марҳум Абронинг деҳқон ўғли Махрни Ғупат3, Зандана қишлоғилик яна бир йирик савдогарнинг ўғли Аспатакни эса хазинабон қилиб саройга ишга олди.

Будун Маликанинг ҳамма ишлари кўнгилдагидек кетаётганидан қувонарди. У энди Бухорода қиладиган иши қолмаганига амин бўлди ва тўплаган беш минг аскарини олиб, Маликадан кўнгли тўқ ҳолда акаси Эртўба билан Туркютга жўнаб кетди. Кетар куни олдидан у суюкли Маликаси билан хос хонасида ширин суҳбат қурар экан, тез-тез келиб туришга ваъда берди, Малика эса унга зафар тилади ва у билан фахрланажагини изҳор қилди. (Барибир қалби Бухорода қолганлигини айтинг.)

Будун жўнаб кетгандан кейин Малика бир неча кун хаёли паришон бўлиб юрди. У эрим ёнимда бўлмаса ҳам яна эркинроқ бўламан ва ҳукмдорлигимни яхшироқ намоён этаман, деб ўйлаб янглишган экан. Будун унинг ишонган боғи, суянган тоғи эканлигини қисқа вақт ичида нимаики иш қилган бўлса, аввало, Будуннинг ҳурмати ва муҳаббатини қозониш учун қилганлигини у энди пайқади. Атрофида қанчадан-қанча хизматига шай мулозимлари-ю хайрихоҳлари бўлса ҳам Малика ўзини ёлғиз, кимсасиздек ҳис этди. Ҳижрон азоби вужудини куйдирди. Бироқ унинг кучли иродаси ва табиатан мағрурлиги бу кайфиятни тезда бартараф этишга ёрдам берди. У саройда ўтириб иш юритадиган ҳукмдор бўлиб қолмади, чунки саройда ўтириш зерикарли бўларди. Шунинг учун ҳар куни эрталаб мулозимлари билан мамлакат бўйлаб сафарга чиқиб кетар, кеч кирганда эса жисмонан толиққан бўлса ҳам руҳан тетик ҳолда қароргоҳга қайтиб келар эди.

Маликаи Будуннинг бундай сафарларини мамлакат ҳудуди ва халқи билан ўзига хос танишиш дейиш мумкин эди. Одамлар ҳам ёш Маликанинг овозасини эшитишган, уни бир кўришга муштоқ эдиларки, буни қишлоқларга Малика кириб борганида ёшу қари гурас-гурас кўчаларга чиқиб кутиб олишларидан билса бўларди. Одамлар билан учрашувларда Малика уларнинг турмуши, машғулотлари, одатлари ва бошқа томонлари билан қизиқар эди. Шуниси ҳам бор эдики, қишлоқ ва қўрғонларнинг оқсоқоллари, хўжайинлари ҳамда бой зодагонлари бундай пайтларда Маликага яхши кўриниш учун олдиндан ўз қўл остиларидаги фуқарони сийлаб қўйиб, уларни Маликага фақат миннатдорчилик ва мақтов сўзларини айтишга, камчиликлар ва қийинчиликларни яширишга ундар эдилар. Хўжайинларининг бундай маккорона ишларига ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёш Малика унча тушунмасди ва қаерга борса тантанавор ҳаёт тарзига дуч келиб, хушнуд бўлар эди.

Аммо хўжайинларнинг Маликани хушнуд этиш учун қиладиган бундай саъй-ҳаракатлари чекланган имконият

даражасида эдики, айрим жойларда Малика ўзига номаъқул бўлган кўринишларга дуч келиб, кайфияти бузилган, ранжиган, ҳатто ғазабланган кезлари ҳам бўлди. Бу кўринишлар халқнинг фаравон ёки оч-яланғоч яшаши билан боғлиқ бўлмай, турли жамоаларнинг урф-одатлари, ахлоқий қоидаларига дахлдор эди. Малика ўз мамлакатида турли дин ва эътиқоддаги жамоалар яшашини яхши билар, лекин ўзи зардуштийлик руҳида тарбия олиб улғайгани учун бошқа диндагиларнинг урф-одатлари унга эриш туюларди. Диний урф-одатларнинг ҳар қандайига тоқат қилиш мумкин эди, Малика ҳар қандай динни ҳурмат қилиш тарафдори эди. Лекин уни хафа қилган нарса бирор бир динга эътиқод қилмайдиган жамоаларнинг мавжудлиги ва уларнинг айрим ярамас одатлари бўлди.

Кунларнинг бирида Малика мамлакатнинг кунботар томонига йўлга чиқиб, энг олис чегараларга боришни ният қилди. У томонда обод, серсув ерлар тугаб, дашт бошланар эди. Одамларнинг манзилгоҳлари ҳам бир-биридан жуда узоқда жойлашган бўлиб, баъзи жойлардан ҳатто бир неча йиллаб солиқлар йиғиб олинмас, Бухорхудотларнинг солиқчилари бу қишлоқларни ҳисобга қўшмас ҳам эдилар. Хуллас, Малика ҳамроҳларининг хоҳишлари йўқлигига қарамай, мамлакатга бегонадай бўлиб қолган ўша қишлоқлардан бирига йўл олди. Қишлоқ атрофида гала-гала итлар бир-бирларини қувалашиб юрар эдилар. Малика бунга эътибор бериб, ҳамроҳи бўлган бош соқчиси Феруздан сўради:

- Бу ёқларда итлар кўп экан-а? Нима қишлоқ одамлари овчилик билан шуғулланишадими?

- Менинг ҳам бу томонларга биринчи марта келишим, Маликам,- деди Феруз. – Эҳтимол, чорвадор бўлишса керакки, подаларини қўриқлаш учун кўп ит сақлашар? Чунки қишлоқ орти яйлов ва дашт, қўй боқиш учун қулай жойлар экан...

- Майлими, саволингизга мен жавоб берсам?- деб гапга қўшилди уларга йўл кўрсатувчи бўлиб келаётган бошқа бир қишлоқ оқсоқоли. – Агар Маликамизнинг нозик таъблари

кўтара олса, нега бу ерларда итлар кўплигининг сабабини айтаман...

- Айт, айтавер!

- Бу қишлоқнинг халқини кучукхўрлар, дейишади. Емишлари фақат кучук гўшти. Ўзлари соқчингиз айтганидек, чорвачилик билан шуғулланишади. Лекин боққан қўйларини емайдилар. Териси-ю жунини савдогарларга сотиб кун кўрадилар. Қўй гўштини эса итларига едирадилар. Ҳозир кўрасиз, кийинишлари ҳам бир ғалати!

- Наҳотки?- ажабланди Малика. – Булар қанақа халқ ўзи, қайси тилда гаплашишади? Динлари қанақа?

- Динлари қанақалигини билмадим-у, лекин ўзимизнинг тилни бузиб гапиришади. Биз уларни кучукхўрлар деб атаймиз...

Йўл бошловчининг айтганлари тўғрилигига Малика қишлоққа кириб келишлари биланоқ амин бўлди. Бир тўда одамлар буларга кўзлари тушиши биланоқ олдиларига чиқишди. Эркакларининг устидаги куйлаклари узун бўлиб, тиззаларигача тушган, лекин тиззасидан пасти очиқ эдики, иштон кийишмаганга ўхшарди. Сочларини эса аёлларники сингари ўстириб, боғич билан боғлаб қўйишганди.

- Сизлар савдогарларми?- деб илтифотсиз бир илжайиш билан сўради улардан бири олдинга чиқиб.

- Йўқ, биз подшоҳликнинг одамларимиз,- деб тишини тишига қўйганича, босиқлик билан жавоб берди Маликанинг яқин кишиларидан бирига айланган Абронинг ўғли Махр. – Нима, Маликамизнинг қишлоқларни айланиб юрганликларини эшитмаганмисизлар?

- А-а!..- бирдан кўзи Маликага тушиб, анграйиб қолди ҳалиги одам.- Эшитдик, эшитдик...

Тўпланган одамлар бир-бирларига шивирлашиб, нималарнидир ажабланиб гапира бошлашди. Улардан уч-тўрттаси уйлари томон югуриб кетишди.

- Ҳозир келади, ҳозир!- деди кутилмаган меҳмонларга қараб бояги гапирган одам. – Ҳаммаси бор, йиғиб қўйганмиз, ҳа!

Малика ҳамроҳларига қараб, “тушунмадим” дегандай елка қисиб қўйди.

- Қишлоқнинг каттасини чақиришга кетишди, шекилли,- деди Махр.- “Йиғиб қўйганмиз” деб солиқларни айтаяпти.

- Ҳа, бизни солиқ йиғишга келган деб ўйлашаяпти,- унинг фикрини маъқуллади Феруз. – Бунча бефаросат бўлишмаса булар?

- Қани, юраверайлик-чи,- отини ниқтади Малика, кейин қишлоқ одамларига қарата деди:- Майли сизлар ишларингизни қилаверинглар, биз ҳали шу ерда бўламиз!

Отлиқлар одамларнинг уйлари олдидан ўтиб боришар экан, томошага чиққан ёш болалар уларнинг ортидан чопқилаб келишарди. Аёллари ва эркаклари эса ҳар ер-ҳар ерда тўпланиб олиб, Малика ва унинг ҳамроҳларини кузатишарди. Эркакларининг турқи Маликага ёқмаган бўлса ҳам, аёллари худди шаҳарлик зодагонларнинг бекларидай чиройли кийиниб, тақинчоқлар тақиб олишгани ва гўзалликда бир-бирларидан қолишмаслиги уни ҳайратга соларди.

- Буларнинг хотин-қизлари уйда бирор ишга қўлларини уришмайди,- деб тушунтира бошлади Маликанинг ажабланаётганини сезган йўл бошловчи. – Ҳамма ишни, овқат пиширишни ҳам, кир ювишни ҳам, болаларига қарашни ҳам эркакларнинг бўйнига қўйишган. Шундай бўлса ҳам эркаклари топган пулларига аёлларини ясантиришади.

- Аёлларга қарашгани-ку яхши экан,- деди Малика,- лекин аёллар нега эрларини ёввойидек қилиб қўйишибди, шунга ҳайронман.

- Ҳайрон бўлманг, Маликам,- кулди йўл бошловчи. – Бунга сабаб шуки, аёл ўз эрини уйда камдан-кам кўради. Тақинчоқлари-ю кийимларини ҳам унга ўз эри олиб бермаган. Ҳаммалари шунақа... Мени кечирасиз-у, Маликам, буларда никоҳ тушунчаси бутунлай бошқача, рашк деган нарсани билишмайди...

Йўл бошловчининг гапларини эшитиб, ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди. Йўл бошловчи Маликага эшитиш ноқулай

бўлмасин учун ҳалиям билганларини ёпиқ-яширин қилиб сўзлаб берганди.

Малика:

- Бўлди, тушунарли,- деди уялиб кетганини сездирмаслик учун нигоҳини қуёшга қадаб.- Менинг мамлакатимда бунақа халқ яшаши мумкин эмас. Буларнинг турмушини ўзгартириш керак! Буни ҳисобга олиб қўй, Феруз!

Шу пайт уларнинг олдига қора соқолли, қирра бурун, кўзлари киртайган, ҳаво иссиқ бўлишига қарамай қалин кийиниб, белини чарм камар билан боғлаб олган бир киши шошиб келиб қолди.

- Қишлоғимизга хуш келибсиз, меҳмонлар,- деди у олазарак нигоҳини отлиқларга бир-бир ташлар экан. – Подшоҳнинг одамлари биз томонга келмас эди-ку? Буларни афу этасиз энди, Маликам... Хаёлимизга ҳам келмабди... Ҳа, мана солиқларни йиғиб қўйганмиз!

У қўлидаги халтачани силкитиб, унинг ичидаги тангаларни жаранглатиб кўрсатди.

- Сен кимсан ўзинг, эй одам?- жаҳл билан сўради Малика.- Биз сенинг пулингга зор бўлиб келганимиз йўқ!

- Кечиринг... Кечиринг!- жовдираганча тиз чўкиб гапира бошлади у. – Мен...шу қавмнинг бошлиғи бўламан... Биз Бухорога бўйсунамиз, бухорхудотнинг қулларимиз... Бухорога бориб турамиз...

- Жин урсин сени!- қичқирди Малика. – Бухорода нима гап бор сенларга? Бузуқилар! Қани, тур ўрнингдан, менга ибодатхоналарингни кўрсат!

- Ибодат-хона?- бу сўзни биринчи марта эшитаётгандай ғалати талаффуз билан такрорлади қавмнинг бошлиғи. – Унақа жой йўқ бизларда... Истасангиз, уйимга киринглар!

- Ҳе, уйингни ўт олсин!- Малика шундай дея отининг жиловини ортга бурди.- Кетдик, бу ердан. Тезроқ кетайлик!

Шу воқеадан кейин Малика бутун мамлакат халқи учун ягона ахлоқ қоидаларини жорий этиш ҳақида ўйлай бошлади. Маслаҳатчилари унга бундай қонун чиқариб бўлмайди, ахлоқ, бу – диннинг вазифаси, бизда ягона дин йўқ-ку, дейишди. Малика ўйлаб қараса, уларнинг гапи тўғри экан. Ягона ахлоқ

қоидаларини жорий этишга уриниш одамлар орасида низо уруғини сочиш билан баробар эди. Чунки, бир қавм қадрлайдиган нарсани бошқа бир қавм қабул қила олмас ва аксинча, ким учундир жирканч ҳисобланган одат кимгадир муқаддас бўлиши мумкин эди.

Бироқ, Малика мамлакат халқининг ахлоқий турмуш тарзини қандайдир бир умумий меъёрга солиш фикридан бутунлай воз кечолмади. Чунки бусиз бутун халқни жипслаштириш, ўз юртларига ва ўз ҳукмдорига нисбатан фидойилик ва ифтихор туйғуларини кучайтириш мумкин эмаслигини у тушунарди. Бундай бирлик эса давлатнинг кучли ва мустаҳкам бўлиши учун зарур эди. Шунинг учун Малика ақлли фикр чиқиши мумкин бўлган ҳар бир киши билан шу мавзуда суҳбатлашар, бирор чора излар эди. У, айниқса, руҳонийларнинг фикрларини қизиқиб ўргана бошлади. Нафақат ўзи мансуб бўлган зардуштийларнинг, балки хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар қандай дин ёки динга дахли бўлмаган эътиқоддаги кишиларнинг фикрларини диққат билан эшитиб, ўз ақл чиғириғидан ўтказар ва уларни бир-бири билан солиштириб, хулоса чиқаришга ҳаракат қиларди. Шу аснода Маликага мамлакатда ўзи билган Зардушт, Будда, Масиҳ ва қамларга эътиқод қилувчилардан ташқари яна ўнлаб диний ва диний бўлмаган таълимотларга эргашувчилар борлиги маълум бўлди. Малика эринмасдан уларнинг ҳар бирининг урф-одатлари-ю дунёқарашларини ўрганар эди. Бу нарсага у шу қадар берилиб кетди-ки, гоҳо-гоҳо ўзини ҳукмдор эмас, гуёки илоҳиётга берилган талабадек ҳис этар,

Шунда Малика Бухорода диний ва дунёвий билимларни ўрганиш ва ўргатиш ниҳоятда қолоқ даражада эканлигига, бундай саводсизлик билан эса юз йилда ҳам буюк давлат қуролмаслигига амин бўлди. У ўзининг кўзлаган мақсади ва орзулари олисда, юксакликда эканлигини ҳис этди. Аммо орзу-умидлари ёш ҳукмдорнинг юрагини асло тарк этмади. У илгариги болаларча хаёлларидан халос бўлиб, ҳаётни теранроқ тушуна бошлаганидан, кўплаб сирларни фикран еча бошлаганидан мамнун бўлар ва ўз-ўзидан руҳланар эди.

Ниҳоят Малика мамлакатдаги барча диний раҳнамоларни бир ерга йиғиб, баҳс-мунозарали дунёқарашларини атрофлича муҳокама этиш орқали ҳамма учун умумий бўлган ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқишга ва шундан кейингина тегишли қонун қабул қилишга қарор қилди. Давлат ташвишлари бирмунча камайган қиш кунларининг бирида у руҳонийлар ва жамоа бошлиқларини саройга таклиф этиб, мақсадини уларга баён этди:

- Муҳтарам руҳонийлар ва билимдонлар, Бухоро халқининг пешволари! Мен сизларни фуқарони тўғри йўлга бошловчи, ақлли, илмли кишилар сифатида билганим учун бу ерга чақиртирдим. Сизларга маълумки, мен тахтга чиққанимдан буён ўтган олти ой ичида мамлакатимизни ҳар томонлама юксалган бир юртга айлантириш учун қўлимдан келганича ҳаракат қилаяпман. Мен ота-боболаримнинг ҳукмдорлик анъаналарини давом эттираяпман, улар каби мамлакатни тинч ва осойишта сақлашга, халқнинг қорни тўқ ва усти бут бўлишига хизмат қилаяпман. Мен Бухорхудот авлодларимнинг бу юртда бир-биридан обод, гўзал қишлоқлар, шаҳар ва қалъалар, катта-катта экинзорлар, боғ-роғлар барпо этганликларидан фахрланаман. Уларнинг оқилона тадбир юритганликлари учун Бухоро дунёнинг бой мамлакатларидан бирига айланган, довруғимиз кунчиқардан кунботаргача кетган. Буни Бухорога одамлар олис юртлардан кўчиб келиб яшаётганликларидан ҳам, савдогарларимиз олиб бораётган моллар бошқа мамлакатларда ғоят қадрланишидан ҳам билиш мумкин.

- Аммо Яратувчининг қудрати билан ана шундай жаннатмакон бўлган юртимизда,- деб атайлаб тилига келган “Ахурамазда” номини “Яратувчи” билан алмаштириб сўзида давом этди Малика, чунки худонинг номи бу ерда ўтирганларнинг тилларида ҳар хил айтиларди,- одамларнинг қорин ва тирикчилик ташвишидан бошқа нарсани ўйламай яшаётганликлари, бир-бирларига нисбатан биродарлик, меҳр-оқибат туйғулари йўқолиб бораётганлиги, илмсизликлари, ҳатто Яратганни танимасликлари мени ташвишга солади. Халқ меҳнат қилишни, бойлик

орттиришни яхши ўрганиб олган, лекин фақат шу билангина яшайдиган халқ – халқ эмас! Эшак ёки ҳўкизни ҳам ишлатиш мумкин, нафсни қондиришни эса ҳар қандай ҳайвон ҳам эплай олади. Ахир, инсон улардан нимаси билан фарқ қилади? Албатта, ақли ва имони билан! Бу гапларни Сизларга айтаётганимнинг боиси шуки, одамларни ақл ва имонга чақириш, аввало, Сизларнинг вазифангиздир. Сизларнинг орангизда менга илм берган, тарбия берган устозларим ҳам ўтиришибди. Уларга ҳам, қолганларингизга ҳам ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак... Хуллас, мен ҳозир Сизлардан, ҳар бирингиздан, одамлар орасида динингиз ва илмингиз билан қандай иш олиб бора олишингиз ҳақида эшитмоқчиман. Менга Сизларнинг фикрларингиз жуда зарур. Мен қўл остимдаги фуқаронинг фикри соғлом, нияти эзгу, ҳаракатлари тўғри, турмуши покиза, эътиқоди мустаҳкам бўлишини хоҳлайман. Бунинг учун эса энг маъқул ғояларни танлаб олиб, уларни амалга ошириш чораларини кўришим керак. Гапим тушунарлидир? Марҳамат, муҳтарам атрабон, биринчи бўлиб сиз зардуштийлик нуқтаи назаридан ўз мулоҳазаларингизни гапириб беринг!

Кекса атрабон ўрнидан турди. Кўпни кўрган бу нуроний чолнинг ёшини ҳеч ким билмасди. Унинг Бухорода етиштирган юзлаб шогирдларининг ҳам ҳозир соқоли кўксига тушар эди. Зардушт оташпарастларининг улуғ коҳини вазминлик билан сўз бошлади:

- Маликамизнинг умрлари узоқ бўлсин, эзгу ниятлари амалга ошсин. Мен шу ёшга кириб бирорта ҳукмдордан мана шундай доно сўзларни эшитмаган эдим. Ниҳоят, юртимизга имон учун қайғурадиган ҳукмдор бош бўлганидан бағоят мамнунман. Мен шундай кун келишига ишонардим. Чунки, Ахурамазданинг ўзи муқаддас китобда айтганки:”Мен, Ахурамазда, яратган эзгу юртларнинг иккинчиси – сўғдлар яшайдиган юрт. Бу юртда яйловлар бўлиқ, ўтлоқлар серўт, моллари семиз, дарёлар серсув бўлади”. Демак, Яратганнинг ўзи бизнинг юртимизни саодатли қилиб яратган. Лекин, афсуски, биз унинг марҳаматидан тўғри фойдалана олмаяпмиз. Одамлар Ахурамазданинг буйруқларини,

Зардуштнинг насиҳатларини унутиб бораяптилар. Маликамизнинг ташвишлари ўринли, бу аҳволда мамлакат келажакда хароб бўлгусидир. Бу ерда муқаддас китобдан бехабар бошқа эътиқоддаги коҳинлар ҳам ўтиришибди, агар улар эътироз билдиришмаса, унинг мазмунини қисқача сўзлаб берсам... Зотан, бу Маликамизнинг мақсадларига айнан мувофиқ келади деб, ўйлайман.

Малика “Гапираверинг!” ишорасини қилгач, руҳоний сўзида давом этди:

- “Авесто” сўзининг ўзи “қатъий ўрнатилган тартиб-қоида”маъносини билдиради, агар унга тўла амал қилинса, бошқа қонунларга ҳожат қолмайди. Муқаддас китобда улуғ Яратувчи Ахурамазданинг оламдаги ёруғлик ва эзгуликлар ҳомийси, Ахриманнинг эса қоронғулик, урушлар, қабоҳат ва йиртқич ҳайвонлар ҳомийси эканлиги очиқ-ойдин ёзиб қўйилган. Дунё ана шу икки қарама-қарши кучнинг курашидан иборатдир ва охир-оқибатда эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қилажакдир. Қачонлардир бутун инсоният бирлашиб, ягона давлат, ягона тил, ягона ахлоқ ўрнатилади. Унгача ҳам ҳар доим эзгулик ёвузликни енгиб бораверади. Ахир, яқингача мамлакатимиз таянчи бўлган бухорхудотлар хонадонига хавф солиб турувчи ёвуз шернинг ўз-ўзидан барҳам еб, олижаноб Маликамизнинг ҳокимиятга келишлари ҳам шунинг бир далолати эмасми? Ҳа, дунёдаги ҳеч бир иш илоҳий қонунлардан ташқари эмас. Шундай экан, унда буюрилганларни бажаришимиз фарздир.

-Зардуштийликда имон уч таянчга асосланади,- деб сўзини давом эттирди атрабон. – Биринчиси – фикрларнинг софлиги, иккинчиси – сўзнинг собитлиги, учинчиси – амалларнинг инсофийлиги. Буларнинг ҳар бири ҳақида мен кўп гапиришим мумкин. Лекин вақтингизни олмай хулосасини айтиб қўя қолай: иймонли бўлиш, бу гуноҳдан тийилиш ва тоат-ибодатда бўлиш, ўткинчи бу дунёдан кейин нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаш учун замин тайёрлаш демакдир. Мен ана шу ҳақиқатни одамларга етказиш учун умрим бўйи хизмат қилиб келаяпман ва қўлимдан келадиган иш ҳам шу. Маликамиз омон бўлсинлар!

- Раҳмат сизга, муҳтарам зот,- деди Малика чеҳраси ёришиб.- Энди буддавийлар коҳинидан сўз эшитайлик.

- Бу йиғинимизни ташкил этган доно Маликамизга ҳамду санолар бўлсин,- дея сўз бошлади ўрта ёшлардаги коҳин. – Мен ҳам ҳукмдорнинг ташвишларига қўшиламан. Маликамиз ва мендан олдин сўзлаган ҳамкасбим имон деб тилга олган нарса инсоннинг бу дунёдаги ўз ўрнини, ҳаётининг мазмуни ва мақсадини тўғри англаб олишидир, деб ҳисоблайман. Устозларимнинг менга ҳикоя қилишларича дарҳақиқат, Сўғдда бир вақтлар вихара1– лар жуда кўп бўлган, халқ ёппасига Буддага ибодат қилган. Шаҳримиз Бухоронинг номи ҳам шундан далолат беради. Аммо орадан асрлар ўтиши билан вихаралар сони камайиб кетди. Ҳозир мамлакатимизда Будда ибодатхоналари бармоқ билан санарли қолган. Зардуштий ҳамкасбим мендан хафа бўлмасинлар- у, мен одамлар Будда таълимотини унутиб бораётганликлари учун маънавий қашшоқликка дуч келаяптилар деб ҳисоблайман. Маънавият нима? У тўрт олижаноб ҳақиқатни англаш, демакдир. Будда таълимотига кўра биринчидан, бу дунёда яшашнинг ўзи азоб-уқибатдан иборат. Иккинчидан, азоб-уқибатнинг сабаби кишиларнинг нафси ва кайф-сафога бўлган истакларидир. Учинчидан, азоб-уқибатдан фақатгина дунёвий орзу-ҳаваслардан кечиш орқали қутилиш мумкин. Тўртинчидан, орзу-ҳавас, нафсдан қутилишнинг йўли Будда кашф этган ақидаларга амал қилишдир. Ана шу тўрт ҳақиқатни англаб етган ва покланган инсонгина ҳақиқий рўшноликка – нирвана2га эришиб, бу азоб-уқибатли дунёдан қутилади. Акс ҳолда, унинг руҳи ўлгандан сўнг бошқа махлуққа ўтиб, у махлуқ ҳам ўлса, яна бошқасига кўчиб, узлуксиз яшайверади.

Маликамиз орзу қилган жамият аслида ҳақиқий буддавийнинг мақсадидир. Будда рўшноликка эришиш учун тўғри ўйлаш, тўғри қараш, тўғри гапириш, тўғри ҳаракат, тўғри турмуш тарзи, тўғри ният, тўғри диққат эътибор, тўғри разм солиш зарурлигини уқтиради. Агар менда имкон бўлса эди, бутун мамлакатга Будда таълимотини ёйиб,

Маликамизнинг орзуларига етказган бўлур эдим,- деб сўзини тугатди буддавийлар коҳини.

- Биз буни ўйлаб кўрамиз,- деди Малика ва яна бир дин вакили – яҳудийлар раввини1га сўз берди.

- Мен сўзимни ривоят билан бошламоқчиман,- деди раввин. – Бизнинг муқаддас китобимиз “Таврот”да айтилишича, қачонлардир худо Яҳвенинг пайғамбари бўлган Иброҳим авлодидан Яъқуб туғилган. Яъқуб вояга етгач, тоғасининг қўлида етти йил хизмат қилади. Хизмати эвазига у тоғасининг кичик қизини хотинликка сўрайди. Лекин тоғаси катта қизи турганда кичигини эрга беролмаслигини айтиб, опа-сингилларнинг каттасини Яъқубга никоҳлаб беради. Яъқуб яна етти йил хизмат қилиб, хотинининг синглисига ҳам уйланади. Опа-сингиллар Яъқубни бир-бирларидан қизғаниб, унга кетма-кет ўғиллар туғиб бера бошлайдилар. Ўзлари туғишдан қолганларида эса чўриларини эрларига қўшиб, улардан туғилган ўғилларни ҳам ўзлариники қилиб ола бошлайдилар. Шундай қилиб Яъқуб ўн бир ўғил фарзанд кўради. Улардан бири тоғасининг катта қизидан туғилган Яҳудо эди. Яҳудо исмининг маъноси “Яҳвега шукур” демакдир. Биз ўша Яҳудонинг авлодларимиз ва ягона худованд Яҳвега сиғинамиз... Агар Маликамиз менга ғазаб қилмасалар, сўзимни давом эттиришим мумкин. Бўлмаса, мен ортиқ сўзлай олмайман.

Малика бу ўжар феълли яҳудийнинг гапларига қизиқиб:

- Гапиравер, менинг ҳеч кимга ғазаб қилиш ниятим йўқ,- деди.

- Мени маъзур тутасиз, дея сўзини давом эттирди раввин.- Қудратли Яҳве яҳудийларни барча халқлардан устун қилиб яратган. Вақти келиб, бутун дунё яҳудийларга буйсунади. Биз шу ишончимиз учун ҳамиша қувғинга учраб келганмиз. Яҳудийлар юртини босиб олган бобилликлар ҳам, румликлар ҳам бизни эътиқодимиздан айира олишмаган. Кўплаб аждодларимиз душманларимиз томонидан қириб юборилган. Бўйсунишни истамаган яҳудийлар дунёнинг турли мамлакатларига қочиб, жон сақлаб қолишган. Биз ҳам ўшанда Бухорога келиб қолганмиз. Бухорода биз унчалик кўп

сонли эмасмиз. Аммо ўз урф-одатларимизни, эътиқодимизни сақлаб қолганмиз. Наслимизни тоза сақлаш учун бошқа халқлардан қиз олмаймиз ва қиз бермаймиз. Шундай экан, муҳтарама Маликам, сиз айтган умумий ахлоқ фақатгина барча халқлар яҳудийлар динини қабул қилган тақдирда бўлиши мумкин.

Ўтирганлар яҳудий сўзларини тугатгунча зўрға тоқат қилишди. У жойига ўтиргач, насронийлар роҳиби ўрнидан турди.

- Яҳудийлар руҳонийсининг гапларига қўшилмайман,- деди у. –Барча инсониятни бир ота-ю бир онадан яратган Парвардигор ҳеч бир халқни бошқаларидан устун қилмайди. Аммо бир замонлар келиб, ҳамма ягона Парвардигорга бўйсунади. Бу ҳақда Яратганнинг ўғли Исо Масиҳ хабар келтирган. Менинг қўлимдаги мана бу хоч халоскоримиз Исо чормих қилинган хочнинг рамзидир, у билан мен одамларни чўқинтираман, яъни насроний динига қабул қилиб, имонли бўлишларига ёрдам бераман. Бизларни насроний дейишларининг сабаби Исонинг онаси Мариямнинг пайғамбарлар юртидаги Насро шаҳридан бўлганлиги ва Исо илк марта ўша атрофда Парвардигорнинг ҳақ сўзларини одамларга етказганлигидадир.

- Барча инсонлар, хоҳ зардуштий бўлсин, хоҳ буддавий, хоҳ яҳудий бўлсин, хоҳ насроний, гуноҳдан холи эмасдурлар,- деб фикрини изҳор эта бошлади насронийлар роҳиби. – Исо Масиҳ бизга гуноҳлардан фориғ бўлиш учун қанақанги машаққатлар чекиш кераклигини ибрат қилиб кўрсатди. Худонинг ўғли одамлар орасида оддий одам бўлиб яшади, кейин Парвардигор ҳузурига, ўзини пайдо қилган Муқаддас руҳга кўтарилиб кетди. Хушхабар1да Исонинг қандай яшаганлиги ва инсонларга панд-насиҳатлари баён этилганки, бу биз учун энг тўғри ахлоқ ва гуноҳлардан фориғ бўлиш намунасидир. Мен мана шу Хушхабарни тарғиб қилиш учун Суриядан бу ерга келганман. Бухороликлардан бир қанчасини динимизга ишонтиришга муваффақ бўлдим. Ҳозир уларнинг ёрдами билан Илоҳий Қонун ҳисобланган Хушхабарни сўғд тилига таржима қилаяпман. Албатта, у

битгач муҳтарама Маликамизга тортиқ этаман. Ўқиб кўриб, ўзингиз ҳам Исо Масиҳнинг йўли ҳақлигига амин бўласиз, Маликам!

- Жуда яхши,- деди Малика,- мен сизларнинг муқаддас китобингизга қизиқиб қолдим, муҳтарам роҳиб. Энди таклифимизга кўра Пойканддан ташриф буюрган зотнинг сўзларини эшитсак. Ўзларининг Кўк Тангриси билан мулоқот қила оладиган бу кишини турклар Қам деб атайдилар. Марҳамат, муҳтарам Қам!

Мажлис аҳли орасидан бошқалардан кийиниши, соч-соқолининг ўзига хослиги билан ажралиб турган барваста бир одам олдинга чиқди. У гўё кучли ёруғликка қараётгандай кўзларини ҳийла қисиб туриб атрофдагиларга қараб чиқди ва Маликага келганда тўхтаб, сўз бошлади:

- Бу ерда айтилган гапларни эшитиб туриб, мен шундай хулосага келдимки, турли руҳонийлар Ахурамазда, Яҳве, Парвардигор деб аташаётган худони биз, турклар, Кўк-Тангри деб атар эканмиз. Улуғ Тангри уларга илоҳий китобларни, туркларга эса қамларни берган. Лекин Тангрининг барча инсонлардан талаби битта: гуноҳ ишларни қилмаслик! Одамзот бошига тушадиган ҳар қандай кулфат фақат гуноҳлар туфайли Тангри томонидан юборилади. Шунда гуноҳи бўлмаганлар ҳам гуноҳкорларга қўшилиб азоб чекишади. Бошқа халқларнинг пайғамбарларига Тангрининг сўзларини одамларга етказиш, Илоҳий қонунларни ошкор қилиш буюрилган бўлса, қамларга бу нарсани сир тутиш буюрилган. Шунинг учун мен сизларга улуғ Кўк-Тангри билан қиладиган мулоқотим ҳақида ҳам, руҳлар билан гаплашишим, жин ва шайтонларни даф этишим ҳақида ҳам ҳеч нарсани айтиб беролмайман. Ҳа, менга қамлик Кўк-Тангри томонидан берилган. Бу жуда катта илм ва мўъжиза ҳисобланади. Мен Кўк-Тангри ва улуғ аждодларимизнинг руҳлари билан гаплашиб, одамларнинг ҳар қандай мушкулини осон қилишим мумкин. Ўз халқимга келадиган балоларни даф этишим мумкин. Токи қамларнинг айтганини қилар экан, турк халқи Кўк-Тангрининг паноҳида бўлади!

Малика ўзига ишонган бу карамоатли туркнинг сўзларини тинглаб туриб, қизиқсиниб сўради:

- Агар мен илтимос қилсам, сиз баъзи муаммоларни ечишда менга ёрдам бера оласизми?

Қам кўзларини юмганча бироз ўйлаб туриб, жавоб берди:

- Маликам, мен одамларнинг қалбига қараб иш тутаман. Менга аён бўлишича, сизнинг қалбингиз пок, келажагингиз ҳам порлоқ. Сиз барча муаммоларингизни ўз ақлингиз ва қалбингиз билан еча оласиз... Хоҳласангиз, мен юлдузларга қараб, сизнинг тақдирингизни айтиб бераман.

- Йўқ, йўқ, керак эмас,- деди Малика негадир чўчиб кетиб.- Керак бўлганда мен ўзим сизни топиб оламан, муҳтарам Қам! Ҳозир гап мен ҳақимда эмас... Қани , яна ким гапиради?

Қам тавозе билан ўз жойига бориб ўтирди.

Шундан сўнг ўзини Моний таълимоти эътиқодчиси сифатида таништирган бир форс рассом сўзга чиқди. У Коно Бухорхудотнинг саройида бир неча йил ишлаган, Варахша қасридаги деворий суратларни ишлашда рассомларга бошчилик қилганди. Малика уни ўша пайтлардаёқ таниб қолган, ёшгина қизалоқлик чоғидаёқ бу қувноқ чеҳрали, гапга чечан санъаткорнинг ҳикоя ва суҳбатларини мароқ билан тингларди. Энди эса унинг нафақат рассом ва нотиқ, балки барча динлардан хабардор олим ҳам эканлигини кашф этган эди. Форс монийчиси ўз сўзида ягона худо тушунчасини қўллаб-қувватлаб, зардуштийлик, будда, насроний ва умуман барча динларнинг умумий жиҳатларини асослаб берди ва буни биринчи бор кашф этган илоҳий билимлар соҳиби эронлик Моний исмли донишманд бўлиб, унинг таълимоти барча халқлар учун мақбул эканлигини айтди.

Ундан кейин турли хил санамларга, ҳайвонларга, ўсимликларга, ҳатто тошларга эътиқод қилувчи жамоаларнинг вакиллари ҳам сўзга чиқишди ва ўз эътиқодларининг моҳиятини тушунтириб беришди. Суҳбат мавзуи у ёки бу жамоанинг маиший турмушидаги урф-одатлари, нимани истеъмол қилишлари-ю нимани қилмасликлари, қандай кийинишлари-ю ўз ташқи

қиёфаларига қандай қарашлари, оила ва никоҳ удумлари, ота-онага, катталарга ва кичикларга, ўғилларига ва қизларига, хўжайинларига ва қул-чўриларига муносабатлари хусусида борганида, айниқса, қизғин баҳс бўлди. Охирида Ҳамукетдан кўчиб келган оқсоқол сўз олди. Бу донишманд-сифат қарияни Маликага биринчи бор Будун Бухорхудот таништирган, Турк-ютда Ноҳид билан қадрдон бўлган бу одамнинг кўп нарсани билишини таъкидлаган эди. Шунинг учун Малика ҳозир Бухоро шаҳристонида яшаётган ҳамукетлик оқсоқолни ҳам йиғинга чақиртирган эди.

- Муҳтарама Маликам, ҳурматли юртдошларим! Сизларнинг бу мунозараларингиз ҳали-вери тугамайдиганга ўхшайди,- деди оқсоқол вазминлик билан дона-дона гапирар экан.- Ҳар бирингиз ўзингизча ҳақ эканлигингизга шубҳам йўқ. Лекин кимнинг мутлоқ ҳақ эканлигини, аминманки, бу ерда ҳеч ким ажратиб беролмайди. Чунки ҳақ билан ноҳақни ажратиб берадиган сўнгги дин ҳали Бухорога етиб келгани йўқ. У яқин орада юртимизга кириб келади, ҳа, башоратда айтилганидек, Бухорода аёл подшо ҳукмронлик қилган даврда бу дин тарқала бошлаши керак. Ўшанда бор ҳақиқат аён бўлади. Ҳа, биз мутлақо янги бир давр арафасида турибмиз. Маликамизнинг бугун бу ерга барча динларнинг доноларини йиғиб, ҳақиқатни билишга интилаётганлари ҳам шундан далолат беради. Мен бу башоратни маълум қилмоқчи эмасдим, лекин мунозараларингизнинг охири кўринмагач, айтишга мажбур бўлдим...

Оқсоқолнинг гапи ҳаммани ҳангу-манг қилиб қўйди.

- Сиз тағин юртимиз чегарасига келиб қолган босқинчи арабларнинг динини назарда тутаётган бўлманг?- ажабланиб сўради Малика.

- Билмадим, Маликам, билмадим,- деди оқсоқол бошини сарак-сарак қиларкан. – Балки, ўшадир?.. Мен ҳам барча бухороликлар каби у қайси эканлигини ҳам билмайман. Фақат у кириб келадиган вақт етганлигини биламан, холос. Балки, мен унинг кириб келганини кўра олмасман, лекин сиз кўришингиз аниқ.

- Сиз бу башоратни кимдан, қачон эшитган эдингиз?

- О-ҳо, бунга кўп замонлар бўлган... Мен йигирма ёшлардаги навкар йигит эдим. Ҳамук Бухорхудотнинг саройида хизмат қилардим. Бир эронлик мунажжим бор эди саройда, башоратлари ёқмаганлиги учун Бухорхудот уни бадарға қилдирганди. Ўша мунажжим айтган эди-ки...

Шу пайт Маликанинг ёнидан ўрин олган сарой амалдорлари орасидан бири элчилик ишлари нозири Малика томонга бўйнини чўзиб, секин шипшиди: - Бу оқсоқол билан баҳслашманг, Маликам. Бундан бир неча йил бурун мен Ҳамукетда бўлганимда ҳам у бир башорат айтганди, тўппа-тўғри чиққанди.

Кейин ҳаммасини айтиб бераман сизга...

Оқсоқол сўзини давом эттирди:

-... вақти келиб, Бухоро бутун оламда устун бўлган диннинг марказларидан бирига айланади. Менинг эшитганларим шу, холос.

Малика бу гапга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай турган бўлса-да, оқсоқолга бошқа савол бермади ва ўтиришга рухсат берди.

-Биз бундай ноаниқ башоратлар билан ўзимизни чалғитмаслигимиз керак,- деди у ниҳоят.- Ҳозирча Бухорода халқни мен бошқараяпманми, демак менинг истагим бўлади!.. Ҳаммаларингизга бугунги мунозарада иштирок этганингиз учун миннатдорчилик билдираман. Сизлар ўз жамоаларингизга бориб, фаолиятингизни давом эттираверинг! Яқин орада мен сизларга ёрдам кўрсатадиган бир қонун чиқараман. Ҳозир эса ҳаммангиз менинг азиз меҳмоним бўлинг, сизлар учун зиёфат ташкил этганман...

* * *

Баҳор келиши билан Хунукхудот Бухородаги қурилишлар учун ўрмондан ёғоч кесиб келтириш ташвишига тушди. У Маликадан бу ишга одамларни ёллаш учун фармон чиқартириб олди-да, қизғин ишга киришди. Малика Хунукхудотдан жуда мамнун эди, чунки у қурилишларга давлат хазинасидан бир чақа ҳам сарфламаётган эди. Ўрмон кесувчиларга ҳақ тўлашни ҳам Хунукхудот ўз зиммасига

олди. Унинг ўз ҳисобидан жуда кўп пул сарфлаётганини кўрган Малика “Хунукхудот роса бойиб кетган экан” деб хулоса чиқарди.

Хунукхудот ишга ёлланган юзлаб одамларни ўрмонга туташиб кетган ўша тўқайзорга бошлаб борди. Аввал тўқайзор орасидан ўрмонга қадар от-аравалар, туялар юрадиган йўл очтирди. Ўрмонни кесишни эса анча узоқдан, Хунбун дафн этилган ўша тепалик ёнидан бошлади. Айнан шу жойни дарахтлардан тозалатиш орқали Хунукхудот яна бир мақсадни кўзлаган эди. У бу ерда янги бир манзилгоҳ барпо этиб, тўқайзор ва ўрмон оралаб бир томони Варахшага бир томони Пойкандга чиқадиган йўл очмоқчи эди. Агар унинг бу нияти амалга ошса, Бухоро, Варахша ва Пойканд учбурчаги марказида янги бир қишлоқ бунёд бўлур эди. Хунукхудотнинг хаёлига бу нарса ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. У мана шу ердаги хазинадан улуш олган ва бу хазинанинг сирини ўйлаб, баъзан ташвишга тушар эди. Тепалик остида хазина борлигини Хунбун ҳам, Коно Бухорхудот ҳам билганликларига унинг ишончи комил эди. Аммо нега улар хазинадан фойдаланмай ўлиб кетдилар, балки сирини билганликлари учун хазинага қўл урмагандирлар? Шу нарсаларни ўйлаган сари Хунукхудотнинг юрагини ваҳм босар, гўёки ана шу хазинага қўл урганлиги туфайли қандайдир бир фалокат уни уни кутиб тургандай туюлаверар эди. Шунинг учун у олиб кетган олтинларини ўзи учун эмас, эл-юрт учун, марҳум Хунбун ва Коноларнинг руҳини шод қилиш учун ишлатишга қарор қилди. Табиатан художўй бўлган Хунукхудот мана шу савобли иши билан худо ва арвоҳлар олдида ўзини оқламоқчи эди.

Хунукхудот ишни давтаввал ўша хазина топилган жойда, Хунбуннинг қабри устида таги тошдан, усти ёғочдан бўлган икки қаватли бино қуришдан бошлади. Бино унча катта жойни эгалламаса-да, анча баланд қилиб қурилди. Хунукхудот “Хунбун кўшки” деб атаган бу бинонинг иккинчи қаватидан туриб, дарахт кесувчиларнинг ишини кузатар, баъзан шу ерда ётиб дам оларди.

Ёзгача Хунукхудот ўрмон кесишни давом эттириб, бу жойни Варахшага ва Пойкандга ўтувчи йўллар билан туташтирди. Энди одамлар Бухородан Варахшага ёки Пойкандга бормоқчи бўлсалар шу ўрмон ичидан ўтадиган бўлишди. Чунки бу йўл илгариги айланиб бориладиган йўлдан анча қисқа эди.

Хунукхудотнинг ўрмон ичидан йўл чиқарганлиги ва янги манзилгоҳ барпо этаётганлиги ҳақидаги хабар Маликага аллақачон етиб борган ва у Хунукхудотнинг ишига қойил қолган эди. Малика у жойни бир бориб кўриш ҳавасига тушди. У вазири Алп Арслонга Хунукхудотнинг ишлари ҳақида гапириб:

- Ўша ўрмонга бориб, Хунукхудот қурдираётган қишлоқни бир кўриб келмаймизми? Баҳонада сайр қилиб, кўнгилларни ҳам бир ёзиб келардик? – деди.

Алп Арслон Маликанинг “кўнгилни ёзиш” ҳақидаги таклифини юрагидан кечган изтироб билан қабул қилди. У ҳали ҳам бир пайтлар Маликани севиб, унинг васлига эришолмаганлигини алам билан эслар, айниқса, Малика билан ёлғиз қолган чоғларида ўзининг нақадар омадсиз бўлганлигини ўйлаб, қийналар эди. Худди шундай кечинмалар Ферузнинг ҳам кўнглидан кечар эди.

Малика эса иккала собиқ ошиғини ўзига тобора яқин олмоқчи бўлар, бу билан уларни ҳар тугул бўлсада бахтиёр этишни ўйлар эди. Аммо улар бирга ўтирган ва суҳбат қурган чоғларида эски дардларини, илгариги муносабатларини мутлақо эсга олишмас, бунга ҳақлари йўқлигини ҳис этиб, ўзаро ҳурмат ва ахлоқни юксак даражада тутишар эди. Шунинг учун ҳам ҳозир Малика “кўнгилларни бир ёзиб келайлик” деганида, Алп Арслон ошиқ-маъшуқлар сайри ҳақида эмас, ҳукмдор ва вазирнинг дам олиш саёҳати ҳақида ўйлади. Шундай бўлса-да хушомад билан:

- Яхши бўларди,- деди у Маликага,- баҳор ўтиб кетди, бирор марта табиат қўйнига саёҳат қилолмадингиз ҳам... Ахир сиз фақат ҳукмдоргина эмас, бутун борлиқнинг гўзаллигига қўшиб яратилган нозик хилқат ҳамсиз! Ям-яшил

ўрмон, ранг-баранг гуллар, соф ҳаво қўйнида бўлиш сизга яна ҳам ярашади!

- О – о! Бунақа чиройли сўзларни сиздай қаттиққўл вазирдан ҳам эшитаман деб сира ўйламагандим, Алп Арслон!- деди Малика кулиб.- Яхшиям, бу сўзларни ёнимда ҳеч ким йўқ пайтида айтдингиз. Бўлмаса, вазирдан ибрат олишиб, атрофдагилар ҳам хушомадгўйликка ўтиб кетишарди.

- Хавотир олманг, Маликам,- деди Алп Арслон ҳам ҳазиллашиб.- Мен қайси гапни қаерда айтишни яхши биламан.

Шундан кейин Малика бош соқчиси Ферузни чақириб, унга ҳам сайрга чиқиш ниятини айтди ва йўл анжомларини ҳозирлашни буюрди.

Эртаси куни қуёш нури Варахша қасри пештоқига тушган паллада Малика ҳамроҳлари Алп Арслон, Феруз ва яна беш-олти нафар мулозимлар билан йўлга чиқди. Саёҳатчилар Хунукхудот очган йўл бўйлаб ўрмонга кириб боришди. Икки ёнда хушманзара дарахтлар тартибга келтирилгантбу йўлдан илк маротаба юришар экан, улар табиатдан баҳра олишарди. Ўрмон ичидан ўтган дарё ирмоғига кўприк солдирилган, тўғон қурдирилган ва шу тўғон бошидан янги ариқ чиқарилиб, йўл ёқалаб Хунукхудот қурдираётган янги қишлоққа сув олиб борилган эди.

Олий мартабали меҳмонларнинг кутилмаганда ташриф буюриши Хунукхудотни хурсанд қилиб юборди. Малика ўрмоннинг жуда катта қисми дарахтлардан тозаланиб, очиқ далалар ҳосил қилинганини кўрди ва ҳайрон қолди. Одамлар бир томонда уйлар қуришаётган, бир томонда ер ҳайдашаётган, бир томонда туялар ва от-аравалар билан ёғоч ташиб кетишаётган эдилар.

- Қойилман сизга,- деди Малика Хунукхудотга кўзлари қувнаб. – Қисқа вақт ичида шунча ишни бажарибсиз! Лекин бир нарсага ҳайронман, бу ерда қишлоқ барпо этиш қандай хаёлингизга келди, а? Ахир, қийналиб ўрмондан ер очгандан кўра, бошқа ерда ҳам бу ишни қилишингиз мумкин эди-ку?

- Маликам, агар мақсадим фақат номигагина қишлоқ барпо этиш бўлганида, сиз айтгандай осонроқ йўлни

танлаган бўлардим,- деди Хунукхудот Маликанинг олқишидан руҳланиб. – Лекин бу ерни танлаганимнинг боиси, биринчидан, карвон йўлини қисқартириб. Шу ердан йўл очиш эди, иккинчидан бу ерда яшайдиган халқ деҳқончилик билан ҳам, овчилик билан ҳам, балиқчилик билан ҳам, ҳунармандчилик билан ҳам, савдогарлик билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Учинчидан эса, бу менинг хотинимнинг истаги, хотинимнинг отаси шу ерда дафн этилганлиги учун ҳам шу ерни обод қилишга киришдим.

Малика гап Хунбун ҳақида эканлигини англаб, деди:

- Ҳа, жуда савоб иш қилибсиз. Хунбун бундай эътиборга лойиқ одам эди. Келинг, шу қишлоқнинг номини Хунбун деб атай қолайлик, руҳи шод бўларди унинг...

Малика бу фикрни айтмаса ҳам бўларди, унинг хаёлига келган фикр аллақачон амалга ошган, одамлар бу жойни Хунукхудот дастлаб қурдирган бино номи билан “Хунбун кўшки” деб атаётган эдилар. Шундай бўлсада Хунукхудот:

- Бу марҳаматингиз бизни хурсанд қилди, Маликам,- деди тавозе билан.

Шундан кейин Хунукхудот Малика ва унинг ҳамроҳларини кўшкка олиб кириб, меҳмон қилди. Меҳмонлар янги овлаб келинган жайрон гўштидан тановул қилиб, кайфиятлари яна ҳам чоғ бўлди.

- Дарвоқе, мени бир нарса ўйлантираяпти,- деди Алп Арслон Хунукхудотга қараб.- Айтишларича, бу ўрмонда йиртқич ҳайвонлар ҳам кўп эмиш. Уларни ҳозир учратмаяпсизларми? Бу ерда яшаш хавфли эмасмикан?

- Йўқ,- деди Хунукхудот,- менимча йиртқич ҳайвонлар узоқроққа кетиб қолишган. Ҳалигача бирор киши уларни бу ерда учратган эмас-ку, яна билмадим.. Мен ҳар эҳтимолга қарши қишлоқни мудофаа девори билан ўраб олишни ҳам ўйлаб қўйганман.

- Бу жуда тўғри фикр,- деди Малика,- мамлакатимиздаги ҳар бир қишлоқнинг мудофаа девори бўлиши керак!

Улар анча суҳбатлашиб, ҳордиқ чиқаришгач, меҳмонлар сафарларини давом эттириб, Бухорога йўл олмоқчи бўлдилар.

- Бу ердаги ишларингиз бизни қувонтирди,- деди Малика кетиш олдидан Хунукхудотга. – Энди бориб Кўҳандиз қурилиши қандай бораётганлигини ҳам бир кўрайлик. Менга хабар беришларича, у ердаги ишларни ҳам яхши давом эттираётган экансиз. Қурилишни тезлаштириш керак. Ҳадемай Шнр Будуннинг Турк-ютга жўнаб кетганига бир йил тўлади, у келиб қолиши керак. Шер Будун Кўҳандиздаги янги қаср битганини кўрса хурсанд бўлади...

- Кўнглингиз тўқ бўлсин, Маликам. Қурилишни бир ойга бормай тугаллаймиз. Мен ҳам бугун Бухорога кетмоқчи эдим. Сизларнинг келиб қолганларингиз яхши бўлди. Мени ўзингизга ҳамроҳ этсангиз, бағоят хурсанд бўлар эдим!

- Албатта, сиз биз билан бирга борасиз,- деди Малика кулиб. –Кутвол бўлмаса, биз қалъага қандай кирамиз?

Маликанинг қувноқ кайфияти бошқаларнинг ҳам баҳри дилини очиб юборган эди. Улар ана шундай ҳазил-мутойиба билан кўнгилларини ёзиб, қанча йўл босганларини сезмасдан Бухорога кириб бордилар.

Бухоро Малика ҳукмдор бўлганидан буён тобора чирой очиб бораётган эди. Шаҳарда четдан келадиган савдогарлар учун катта карвонсарой қурилаётган, ҳунармандлар янги янги устахоналарни ишга тушираётган, шаҳар атрофи кенгайтирилиб янги турар жойлар барпо этилаётган, буддавийлар, насронийлар, оташпарастлар учун янги ибодатхоналар бунёд этилаётган, энг қувончлиси, Кўҳандизнинг янги қурилиши ниҳоясига етказилаётган эди.

Малика ҳамроҳлари билан шаҳардаги қурилишлар билан танишиб, кунни кеч қилди ва Варахшага қайтди. У шу куни кўп йўл юрган, лекин саёҳати мароқли бўлгани учун чарчаганини ҳам сезмаган эди. Кечқурин ҳар галги одати бўйича ҳаммомга тушиб чўмилди ва қаср ичидаги ибодатхонага кириб, оташпарастлар билан бирга кечки ибодат амалларини бажарди. Шундан кейин руҳи янада енгил тортиб, дам олиш учун ўз кўшкига кириб кетди.

* * *

Будун бир йилдан ошиқроқ вақтдан буён Хитой ва Турк ҳоқонлиги ўртасидаги урушларда иштирок этар экан, бу урушнинг ҳали узоқ вақт давом этишини ҳис этарди. Аслида бу уруш қирқ йил аввал, Хитойнинг ҳозирда Тань хонадони бошқараётган давлатига Суй сулоласи ҳукмронлик қилган пайтда, хитойликлар томонидан Турк ҳоқонлигининг шарқий қисми босиб олиниши билан бошланган эди. Хитойликларга қарам бўлиб қолган турк ҳоқонлари, шаҳзодалари ва беклари қирқ йилдан буён бирлаша олмай, аросатда яшаб келар эдилар.

Будун туркларнинг вақтида бўлиниб-бўлиниб кетганликлари туфайли ана шундай фожеага дуч келганликларини тушунар ва тарқоқ Сўғд юрти ҳам бир кун шу ҳолга тушиши мумкинлигини ўйлаб, ташвиш чекар эди. У ҳозир туркларнинг озодлигини тиклаш учун хитойликларга қарши жанг қилаётган бўлса ҳам хаёли Сўғдда, Бухорода эди. Бу ердаги сон-саноқсиз жангларда Будуннинг ҳарбий маҳорати янада ошди, лашкарбошига хос қатъийлик, шафқатсизлик хусусиятлари кучайди. У энди Бухорога қайтиб борсам, халқни бирлаштириш учун бошқача йўл тутаман, деб кўнглига тугиб қўйди.

Хитойликлар билан бўлган жангларнинг бирида турклар қаттиқ талофот кўрдилар. Энг қайғули фожеа жангда ҳоқоннинг ҳалок бўлганлиги эди. Бу фожеадан сўнг турклардан омад юз ўгирди, улар қўлга киритган ерларидан орқага қараб чекина бошладилар. Лекин қўшин тарқалиб кетмади, лашкарбошилар орасида кичик хонлар, шод1, ёбғу1 ва такин2лар бўлиб, улар аҳиллик билан иш тутишди. Гарчи янги ҳоқон ҳали сайланмаган бўлса-да ҳар бир кичик хон навбатдаги жангга тайёрлана бошлади. Улардан бири Қутлуғ исмли шод бўлиб, Будун унинг қўл остида хизмат қилар эди. Будун ҳам насаб жиҳатидан Қутлуғ-шод билан тенг эди. Будуннинг она томондан ҳоқонга қондош бўлганлиги ва

Бухоро ҳукмдори эканлигини эътиборда тутиб. Унга шод унвонини берган эдилар.

Қутлуғ-шод туркларнинг энг қадимий ва ўзлигини йўқотмай келаётган Ашина3 уруғига мансуб эди. Шунинг учун ҳам унинг раҳнамолар орасида обрўйи баланд эди. Қутлуғ-шод қатъиятли Будуннинг ҳам ўзи каби қатъиятли курашда “Ё ҳаёт, ё мамот” йўлини танлаган жасур лашкарбоши бўлганлиги учун ҳурмат қилар, у билан дўст тутинган эди. Турклар мағлубиятга учрагандан кейин Будун Қутлуғ шод билан навбатдаги жанглар ҳақида маслаҳатлашар экан, Қутлуғ-шод: “Энди навбатдаги жанг камида бир йилдан кейин бўлади, унгача биз ўзимизни ўнглаб олишимиз, хитойликларнинг тинчиб қолганларини кутишимиз керак”, - деганида ҳақ эканлигини тушунди. Мана шу вақтинчалик сукунатдан фойдаланган ҳолда Будун лашкарини Турк-ютда қолдириб, ўзи Бухорога қайтди. Унинг бу қайтишидан кўзлаган мақсади иккита эди: биринчиси – суюкли хотинига топшириб келган мамлакатнинг аҳволидан хабар олиш, иккинчиси – Турк-ютга яна янги лашкар ва кўплаб қурол-яроғ олиб келиш.

Малика ҳам баҳодир эрини интизорлик билан кутар эди. Унинг интиқлигини оширган нарса ҳам иккита: биринчиси висол соғинчи, иккинчиси – мамлакатда ўзи амалга оширган ишларни кўрсатиб, эрини хурсанд қилиш истаги эди.

Йил яхши келиб, Бухорода деҳқонларнинг ҳосили унумли бўлди. Айни пишиқчилик фаслида, деҳқонлар ҳосилни йиғиштираётган, мамлакат хазинаси кун сайин бойиб бораётган бир пайтда Будун Бухорхудот пойтахт Бухорога кириб келди. У шаҳардаги янги қурилишларни кўриб, кўзларига ишонмас, Маликанинг қисқа вақт ичида шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборганига қойил қолар эди. Лекин Будуннинг ҳозир бутун шаҳарни айланиб чиқишга тоқати йўқ эди. У ўзи учун бундан ҳам қувончлироқ жойга – Варахшага, соғинган Маликаси ҳузурига ошиқарди.

Будуннинг келаётганидан Маликага хабар берганларида, у ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб ўзининг кўшкига кириб олди ва кўзгу қаршисида ўтириб олиб пардозини янгилар

экан, бўлажак учрашувни ўйлаб. Дам-бадам жилмайиб қўяр эди. Маликанинг юрагини орзиқтирган дақиқалар етиб келиб, Будун кўшк эшигини очиб кирар экан, у аввалига жойидан қимирламай кулиб турди-да, кейин:

- Бегим!- дея ҳаяжон билан эрининг қучоғига отилди...

Уч кундан кейин Малика билан Будун барча сарой аъёнлари билан Бухорога йўл олишди. Улар янги Кўҳандизга кўчаётган эдилар. Будун Кўҳандизни ташқаридан томоша қилган бўлса ҳам ичига кириб кўрмаган эди. Йўл-йўлакай малика унга Кўҳандиз саройи қурилиши лойиҳасига бироз ўзгартириш киритганлиги ва сарой у тасаввур қилганидан ҳам чиройли бўлганлиги ҳақида, қурилиш учун Хунукхудот ҳам ўз маблағини аямаганлиги ҳақида гапириб берарди. Бироқ...

Улар шаҳарга киришлари билан ҳавода қора булутлар пайдо бўлди. Кейин момақалдироқ гумбурлаб, ер-кўкка ларза сола бошлади. Будун ҳозир жала қуйиб қолади деб ўйлади ва тезроқ Кўҳандизга етиб олиш учун аравакашларни қистади. Лекин жала қуймади, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳолда бирдан ер силкина бошлади. Улар шошиб қолиб отларини тўхтатдилар. Не кўз билан кўрсинларки, улар билан ораси юз-юз эллик қадам қолган Кўҳандиздан чанг-тўзон кўтарилиб, янги бино қулаб тушган эди. Малика нима воқеа содир бўлганини англаб етолмай, қўрқув ва даҳшат ичида Будуннинг пинжига суқилиб олганди. Бу пайтда гумбурлаш садолари ва ер силкиниши тўхтаган, фақат Кўҳандиз томондан шовқин-суронлар эшитилар эди.

- О, қудратли Ахурамазда!!!

- Ўз паноҳингда асра, эй улуғ Тангрим!!!

- Тавбаларимизни қабул эт, Яратгувчимиз!!!

Мулозимлар ва сарой аъёнлари отлардан тушиб, баъзилари ерга бош қўйган, баъзилари эса кўкка қараб қўл чўзган кўйи даҳшат ичида яратгандан нажот тилар эдилар. Будун ранги оқариб кетган Маликанинг елкасидан қучганча, тошлари ҳар ёққа сочилиб кетган, чанги кўтарилиб ётган Кўҳандиз вайронасидан кўзини узмас, фақат “Қўрқма... Қўрқма...” дея лаблари титрар эди холос. Осмондаги қора

булутлар тарқалиб, қуёш чарақлади. Одамлар тўрт томондан Кўҳандиз томонга йиғилиб келишарди. Шундагина Малика ўзига келиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Будун уни етаклаб, чодир-аравага чиқарар экан, юпатмоқчи бўлар эди:

- Йиғлама, жоним, нега йиғлайсан? Ахир, ўзимиз омон қолганимизга хурсанд бўлсанг-чи! Агар сал шошилганимизда, шу пайт Кўҳандиз остида қолиб кетган бўлардик-ку!

- Ахир... Ахир, нима гуноҳ қилган эдим?! Нега... Нега худо шодлигимизни кўп кўрди?- Будуннинг елкасига бош қўйиб йиғларди Малика.

Будун мулозимларига қарата:

- Отларни менинг саройимга қараб ҳайданглар!- деб буйруқ берди.

- Отлиқлар Работи Шер-Будун томон йўл олишди.

Чодир арава ичида боришар экан, Будун бўлиб ўтган ҳодисани Маликага ўзича тушунтириб, уни юпатиб борар эди:

- Қурилишда камчилик бўлмаган... Бунда бошқа бир илоҳий сир бор! Тангри бизни бир асради. Тангри Кўҳандизга кўчишимизни истамади. Балки ота-оналаримизнинг руҳлари бизни фалокатдан сақлаб қолгандир? Ахир, сенинг онанг шу ерда дафн этилган-ку?

- Тушунмайман, Тушуна олмайман!..Нега бундай бўлди, ахир!..

Кўҳандиз тахтига ўтиришни қанчалик орзу қилгандим!

- Ўксинма, жоним! Қайтадан қурдирамиз, албатта орзуингга етасан! Фақат аввал руҳлар билан сўзлашувчи қам ҳузурига бориб, бу воқеанинг сирини билиб олишимиз керак!

- Қам номини эшитиши билан Малика дарҳол пойкандлик ўша туркни эслади. У ҳар доим Маликанинг хизматига тайёр эканлигини айтган, Малика эса унинг тақдиридан башорат қилишини, тушини таъбир қилишини эшитгиси келмай, керак бўлсангиз сизни ўзим топиб оламан, деган эди. Балки ўшанда қамни олиб қолиб, унга тақдирини очдирса, тушларининг таъбирини сўраб олса, ҳозирги фалокатнинг олдини олган бўлармиди?

Малика хаёлидан кечган бу нарса ҳақида Будунга ҳеч нарса демади. Бирдан бошқа нарсани эслаб қолиб:

- Тўхтанг, бегим!- дея қичқириб юборди.- Биз нега одамлар билан Кўҳандиз вайронасига бормадик, ахир? Улар бизни кўришди-ку! Отларни қайтартиринг! Одамлар олдига боришимиз керак. Акс ҳолда, улар буни бизнинг пойқадамимиз ёқмаганлигидан деб ўйлашади. Ахир, у ерда ҳалок бўлганлар ҳам бўлиши мумкин-ку. Биз қаёққа қочиб кетяпмиз? Отларни қайтартиринг!..

* * *

Халифа Муовия ибн Абу Сўфиён ўзининг Истанбулга муваффақиятсиз юришидан қайтиб келгач, Хуросон волийси Убайдуллоҳ ибн Зиёдни Марвдан чақиртириб олди. Ибн Зиёд халифа ҳузурига борар экан, мусулмонларнинг бу баджаҳл амири уни нима мақсадда чақиртирганини ўйлаб, бўлажак учрашувда албатта бир келишмовчилик бўлишини кўнгли сезган эди.

Дарҳақиқат, Ибн Зиёд халифанинг Дамашқдаги саройига кириб борганида Муовия уни қовоғини очмасдан, совуқ қарши олди. Салом-аликдан сўнг халифа:

- Сени нега чақиртирганимни биласанми?- деди.- сен динимизни ёйиш ва халифалик ҳудудини кенгайтиришда сусткашлик қилаяпсан! Икки йилдан буйн лашкарларингни текинга боқаяпсан, хазинага топширадиган солиқларингни оширмаяпсан. Бу ишинг менга маъқул эмас!

- Амирим,- мулойимлик билан сўз бошлади Ибн Зиёд,- мен Хуросон аҳлини деярли тўлиқ исломга киритдим, шунинг учун жизя1 камайиб кетди, лекин ўрнини закот билан тўлдириб боряпмиз. Балки сизга нотўғри маълумот беришгандир, хазинага топшираётган солиғим йилдан-йилга ошиб бораяпти...

- Мен сенга туҳмат қилаяпманми ҳали?- деди жаҳл билан халифа.

- Сенингча, халифа ҳеч нарсани билмас экан-да, а? Менга қара, Убайдуллоҳ, сени жаннатдай жойга волий қилиб қўйганмиз, ҳа! Хуросон халқи қўйдек ювош, бирор марта исён

кўтарган эмас. У ерга бир чўпонни волий қилиб қўйсак ҳам бажара олади, шуни ўйлаб кўр! Бу ёқда эса ҳар куни исён, уруш... Уларни тинчитишга қанча маблағ сарфлаётганимни биласанми? Сен яна озгина оширган солиғингни пеш қиласан!

Агар Убайдуллоҳ ибн Зиёд халифанинг феълини яхши билмаганида ҳозир унга: “Хуросонда тинчлик бўлишига сабаб халқнинг ювошлиги эмас, балки сиёсатнинг тўғри, исломий йўлдан олиб борилаёганлигидир”.- деган бўларди. Лекин бу гапни айтса, халифа баттар дарғазаб бўлишини билган ҳолда жим турди.

- Гап шу,- Муовия жаҳлидан сал тушаркан,- жиҳод1ни давом эттириш керак. Мовароуннаҳрни фатҳ этишни бошлайсан! Тайёргарлик кўришинг учун сенга қанча вақт керак?

- Ибн Зиёд бир оз сукут сақлаб, халифага берадиган жавобини ўйлаб олгач, деди:

- Бу ишда шошилмаслик керак, амирим,- деди у. – Мовароуннаҳр ниҳоятда қадимги, бой, қудратли ўлка. Эронда у ерни Турон деб аташаркан, мен тарихини суриштириб билдимки...

- Тарих-парихингни қўй!- унинг сўзини кесди Муовия. – Мен сендан маслаҳат эмас, аниқ жавобингни кутаяпман. Хўш, қачон ҳужум бошлайсан?

Ибн Зиёд кўрдики, халифага гап уқтириб бўлмайди. Шунинг учун дарҳол бошқача йўсинда жавоб берди:

- Биз ҳамма вақт жиҳодга тайёрмиз, амирим! Мовароуннаҳрга қарши ҳаракатларни аллақачон бошлаганмиз ҳам. Жайҳун ортидаги бир вилоят икки йилдан буён жизя тўлаб турибди. Бизнинг фақат уларни динимизга киритишимиз қолган, холос. Сусткашлигимизнинг боиси, Оллоҳнинг “Мажбур қилманглар” деган ояти каримасини маҳкам ушлаганлигимиздир. Лекин Оллоҳ мусулмонлар амирининг кўнглига солган экан, бас, бу ердан борибоқ лашкарларни дарё ортига отлантираман! Кўпи билан тўрт-беш йилда Мовароуннаҳр бизга тобеъ бўлажак!

- Мана бу гап бошқа,- деди халифа.- Лекин тўрт-беш йил, бу узоқ вақт. Мабодо, кучинг озлик қилаётган бўлса, айт, ёрдам юборай?..

- Йўқ, кучимиз етарли,- деди Хуросон волийси халифанинг кўнглини топганидан мамнун бўлиб. – Фақат қўққисидан ҳужум бошламай, аввал Мовароуннаҳрнинг ичкарисига, ҳар бир вилоятга жосуслар юбориб, улар олиб келадиган маълумотларни кутишимиз керак. Билмасдан, ўрганмасдан туриб ҳужум қилиш муваффақият келтирмас, деб ўйлайман...

- Бу ишни аллақачон қилиш керак эди,- деди Муовия ўзининг Истанбулга юришидаги мағлубиятини эсга олиб туриб. – Жосуслар, албатта, керак. Майли, шошилмай ҳаракатингни қилавер. Лекин бу вазифа сен учун синов эканлигини ҳам унутма!

- Оллоҳ биз томонда,- деди Убайдуллоҳ ибн Зиёд.- Амиримиз олдиларида шу пайтгача юзимни ерга қаратмаган Оллоҳ бундан кейин ҳам қаратмас, деб умид қиламан.

- Сенинг ғалабанг динимизни мустаҳкамлашга, ўзини Али тарафдорлари деб айтаётган куфалик мадиналик баъзи бир ғийбатчиларни тинчитишга хизмат қилади, шуни эсингда тут, Убайдуллоҳ,- деди Муовия шаштидан анча тушиб. – Хабаринг бўлса керак, Оллоҳ раҳмат қилгур Алининг мақтул бўлишида ҳали ҳам мени айблаётганлар бор. Билмадим, улар бундай низоларни қўзғашдан нимани кўзлайдилар? Мусулмон мусулмонга адоват қилиши асли ўзи раҳматли Али замонидаёқ бошланган эди-куя, лекин жабрини мен тортаяпман...

Халифа яна кўп гапирди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд уни маъқуллаб, “сизники тўғри” деб турди. У билардики, Муовия ўзини маъқулламаган ҳар қандай кишини душман ҳисоблаб, шафқатсиз ўч оларди.

Муовия бундан саккиз йил аввал Кўфада халифа Али ибн Абу Толибни ўлдиртириб, зўравонлик билан тахтни эгаллаган эди. Халифалик тахтига даъвогар бўлиши мумкин бўлган Алининг ўғли Ҳасанни ҳам макр билан ўлдиртириб юборган эди. Алининг иккинчи ўғли Ҳусайн эса қочиб

қутилди. У ҳанузгача Муовиянинг халифалигини тан олмай, ўз тарафдорлари билан Мадинада яшаётган эди. Муовиянинг ундан хавфи бор эди. Чунки, мамлакат халқи халифанинг ички ва ташқи сиёсатидан норози бўлиб, олдинги халифалар замонини қўмсаётганликлари Ҳусайнга мадад бўлиб, у қўзғолон кўтариши мумкин эди. Шунинг учун Муовия ҳар бир шаҳар ва вилоятдаги ўз ноибларининг кайфиятини билиш, садоқатларини синаб кўриш мақсадида, уларни чақиртириб турганди. У Убайдуллоҳ ибн Зиёдни ҳам аслида шу мақсадда ҳузурига чақирган эди. Хуросондаги ноибидан кўнгли тўқ бўлгач, уни ўз ўрнига муносиб деган қарорга келди ва вилоятига қайтишига рухсат берди.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд Марвга келиб, ўз маслаҳатчиларига халифанинг гапларини етказди ва нима қилиш кераклиги ҳақида улар билан маслаҳатлашди. Улар орасида энг эътиборли киши ўзининг Қуръон ва сунна1га содиқлиги билан диний раҳнамолик даражасига кўтарилган Қусам ибн Аббос бўлиб, Убайдуллоҳ ибн Зиёд ҳар доим унинг йўл-йўриқларига амал қиларди. Қусам ибн Аббос пайғамбарнинг амакиваччаси эди, саксон ёшдан ошган бўлишига қарамай, у ислом динини тарғиб қилувчиларнинг олдинги сафида бўлиш учун бир неча йил бурун Хуросонга келган эди. Ибн Зиёд Мовароуннаҳрга ҳужум қилиш ҳақида гапирганида, ибн Аббос деди:

- Мовароуннаҳр – турклар юрти. Пайғамбаримиз: “Турклар сизга тегмагунча сиз ҳам уларга тегманг”, деганлар. Менимча, бу ҳадиснинг воқеъ бўлишига сабаб, турклар пайғамбаримизни танимасалар ҳам ягона Оллоҳга эътиқод қилиб келаётганликларидир. Улар Оллоҳни Тангри деб атайдилар. Мажусийларга ўхшаб бутга, оловга сиғинмайдилар. Шундай экан, бир кунмас – бир кун улар ўз ақллари билан исломни қабул қилишлари муқаррар. Шу боис Мовароуннаҳрга қўшин тортиб бориш динимиз ва мамлакатимизни фақат ёмон отлиқ қилиши мумкин, холос.

- Мен ҳам шундай фикрдаман, тақсир,- деди Ибн Зиёд. Шунинг учун халифадан муҳлат олдим. У жиҳодни дарҳол бошлашимизни кутган эди, мен унга аввал Мовароуннаҳрга

жосуслар юбориб, у ердаги вазиятни билиш зарурлигини тушунтирдим, кўпи билан тўрт-беш йил ичида мовароуннаҳр халифалик таркибига киражагига уни ишонтирдим. Халифанинг ўжарлигини ўзингиз яхши биласиз, уни гапимга кўндириш осон бўлмади. Энди бу ёғига бир чора кўришимиз керак.

- Халифани исломнинг ёйилишидан кўра бойликларни қўлга киритиш кўпроқ қизиқтиради,- деди ибн Аббос мулоҳаза юритаркан.- Унга кўпроқ олтину кумуш жўнатиб турсак, бўлди. Уларни эса босқинчилик билан эмас, Хуросонда савдо-сотиқни ривожлантириш билан топиш мумкин.

- Гапларингиз тўғри,- уни маъқуллади ибн Зиёд.- Биз даромадларни кўпайтириш чораларини кўрамиз. Лекин Мовароуннаҳр билан ҳам алоқа ўрнатишимиз керак. Савдогарларни у ёққа кўплаб юборишимиз лозим. Улар нафақат даромад, балки бизга, ислом динига муносабати қандайлигини ҳам билиб оламиз. Кейин ўшанга қараб иш тутамиз.

Ибн Зиёднинг режаси бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Шундан кейин Марв савдогарлари орасидан Мовароуннаҳрга юбориладиган кишиларни излашга киришилди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг юзга яқин араб ва форс савдогарларидан ташкил топган карвони Сўғдиёнага кириб келди. Савдогарлар Пойканд, Бухоро, Варахша, Нахшоб, Дабусия, Самарқанд каби савдо-сотиқ ривожланган шаҳар ва қалъаларда жойлашиб ўзларига топширилган вазифани адо этишга киришдилар.

* * *

Кўҳандизнинг сирли равишда вайрон бўлиши Маликаи Будунни қаттиқ ташвишга солган бўлса-да эрининг юпатишлари-ю қурилишни қайтадан бошлашга ҳаракатларни бошлаб юборганлиги унга қайта шижоат бағишлади. Маликани ажаблантирган ва ташвишга солган нарса шу эдики, ўша ер қимирлаши чоғида шаҳардаги Кўҳандиздан бошқа бирорта бинога шикаст етмаган, ҳатто

асари ҳам сезилмаган эди. Бунинг сирини пойкандлик қам ҳам аниқ айтиб беролмади. У фақат янги қурилишни баҳорда, юлдузлар ҳамал буржига кирганда бошлашни маслаҳат берди. У яна хабар бердики, Кўҳандизни қароргоҳ қилган ҳукмдорлардан бирортаси унинг ичида вафот этмаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Малика суриштириб билса, қамнинг хабари тўғри экан. Чиндан ҳам Кўҳандизнинг илгариги саройини бунёд эттирган турк шаҳзодаси Шери Кишвар йигирма йил шу жойда яшаб, Пойканд яқинида эронликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган, ундан кейин Ҳамук Бухорхудот ҳам паймонаси тўлган чоғида шаҳар ташқарисидаги боғига чиқиб, ўша ерда жон таслим қилган экан. Коно Бухорхудот эса Варахшадаги қасрида дунёдан кўз юмди. Кўҳандизнинг хислатли жой эканлигига амин бўлган Маликаи Будуннинг юрагида ҳам шу ерда қароргоҳ қилиш иштиёқи яна кучайди. Гўёки у Кўҳандизда турса, узоқ яшайдиган, узоқ ҳукмронлик қиладигандек эди.

Шундай қилиб, баҳорда Кўҳандиз қалъасининг ўрни чуқур ковланиб, пойдевор остига етти қароқчи юлдуз шаклида еттита тош устун ўрнатилди. Ҳамукетдан келган оқсоқолнинг ҳам маслаҳати инобатга олинди: Кўҳандиз дарвозаси қуёш ботадиган тарафга кўрсатиб қуриладиган бўлди. Лекин тагида Сиёвуш қабри жойлашган эски дарвоза ҳам ўз ўрнида қолдириладиган бўлди. Чунки, оташпарастлар эътиқодига кўра дарвоза қуёш чиқадиган тарафга қаратиб қурилиши керак эди. Уларнинг талаби билан ҳам ҳисоблашмай бўлмасди. Шундай қилиб, янги Кўҳандиз шарқ ва ғарб томондан иккита дарвозага эга бўлди.

Будун Бухорхудот бу сафар Кўҳандиз қурилишига Хунукхудотни аралаштиришни истамади, унинг ҳадясини ҳам қабул қилмади. Будун қалъа ўзининг шон-шуҳратини юксалтиришини ва бу шон-шуҳратга Маликаи Будундан бошқа ҳеч кимни шерик қилмасликни истар эди. Хунукхудот бундан хафа бўлмади, шундоқ ҳам унинг шуҳрати ва мавқеи баланд эди. Бунга у деҳқонларга кўрсатаётган ёрдами, янги қишлоқ ва экинзорлар барпо этаётгани билан эришган эди.

Беҳисоб бойликка эга бўлган Хунукхудот хазина топгани ҳақида ҳеч кимга гапирмас, лекин хайр-саховатни канда қилмас эди. У ҳар йили давлат хазинасига тўлайдиган солиғини икки ҳисса ошириб тўлади. Хазинабон Аспатак пулларни санаб оларкан, ғоятда ажабланиб сўради:

- Жаноб, сиз адашаяпсиз, шекилли? Бу олтин-у кумушларингиз сизга белгиланган солиқдан икки ҳисса кўп-ку?!

- Олиб қўявер,- деди Хунукхудот.- Мен буни мамлакатимизнинг ободончилик ишлари учун инъом этяпман.

- Сиз олижаноблик кўрсатаяпсиз,- деди хазинабон Аспатак бирдан кўзлари қувнаб.- Бу ҳақда Маликамизга айтганмидингиз?

- Мен Кўҳандиз қурилиши учун деб ҳадя бермоқчи бўлганимда Будун Бухорхудот олмади, Маликанинг ҳам бундан хабари бор. Шунинг учун ҳадямни солиққа қўшиб бераяпман, буни айтиб ўтиришим шарт эмас. Сен ҳам айтмай қўя қол...

- Шунақа денг,- деди Аспатак бир оз ўйланиб туриб,- майли мен қайд этиб қўяман. Хазинадан қарздорлар кўп эди, сиз ўрнини тўлдириб қўйдингиз... Бир кун келиб барибир, Маликамиз буни биладилар, ўшанда сиздан миннатдор бўлишларига шубҳам йўқ. Бойлигингиз бундан ҳам зиёда бўлиб бораверсин, жаноб!

Хунукхудот хазинабондан солиқларни қабул қилганлиги ҳақидаги ҳужжатни қўлига олиб, ўз ишидан мамнун бўлган ҳолда чиқиб кетди. Аммо Аспатакнинг хаёли бузилган эди. У Хунукхудот тўлаган ортиқча пулларни ўзи ўзлаштирмоқчи бўлди. Хунукхудот кетиши билан у бошқа ҳужжат тайёрлаб, унда хазинага аслида қанча кирим қилиши керак бўлса, ўша миқдорни қайд қилиб қўйди. У ўзининг бу қинғирлигини ҳеч ким билмайди деб ўйлаганди, чунки Хунукхудот қилган саховати ҳақида бировга айтиб юрмаслигига ишонч ҳосил қилган эди. Бироқ, орадан олти ой ўтар-ўтмас ғупат Махр хазинабоннинг бу қилмишини фош этди.

Аспатак ўзлаштирган пулларнинг бир қисмига Бухоро шаҳристонида ўзига қаср қурдира бошлаган эди. Қолганини эса Занданада яшовчи савдогар отасига элтиб бериб, бу пулларга ўзи ният қилиб юрган корхонани қурдиришни маслаҳат берди. Отаси бунча пулни кўриб шошиб қолди, олтин ва кумуш тангалар унинг бир умр савдогарлик қилиб йиққан пулларидан ҳам кўп эди. У Ҳиндистон, Хитой томонларга бориб, кийимлик газламалар олиб келиб савдогарчилик қиралди. Ўзи ҳам Занданада тўқимачилик корхонаси очмоқчи бўлиб юрар, лекин унга бор-йўғ маблағини сарфлаб қўйиб, бирданига камбағаллашиб қолишдан чўчир эди. Ўғлининг инъом этган пуллари унинг жонига ора кирди-ю дарҳол усталарни ёллаб, қурилишни бошлаб юборди. Ҳиндистондан дастгоҳлар олиб келиб ўрнатди. Қисқа вақтнинг ичида занданалик савдогарнинг тўқимачилик корхонасида тайёрланган ажойиб газмоллар Бухоро бозорларида пайдо бўлди. Азалдан бўз тўқиш билан шуғулланиб келган занданалик ҳунармандлар Аспатакнинг отаси ҳомийлигида шунақанги газлама ишлаб чиқарган эдиларки, Хитой ва Ҳиндистондан келтирилган газламалар унинг олдида қадрсиз бўлиб қолди. Бундан ғурурланиб кетган савдогар матоҳнинг баҳосини бирдан кўтариб юборди ва кундан-кун бойиб бораверди. Албатта, бу овозадор савдогар Бухорхудотлар хазинабонининг отаси эканлиги солиқчиларга маълум эди. Солиқчилар унинг даромадини ҳисоблаб чиқиб, илгаридан мисли кўрилмаган даражада ўсиб кетганлигини аниқладилар ва ундан шунга яраша солиқ тўлашни талаб қилдилар. Савдогар эса бундан бўйин товлади. Охири ўртада низо чиқиб, бу ишнинг ечими молия ишлари бошлиғи Махрга ҳавола қилинди.

Махр солиқ ишлари бошлиғини чақиртириб, занданалик савдогарнинг олдинги йиллардаги даромадлари ва тўлаган солиқларини ҳужжатлар асосида бир-бир текшириб чиқди. Кейин ажабланган ҳолда сўради:

- Қизиқ, савдогарнинг тўқимачиллик корхонаси қурилишига кетган харажатлар унинг шу йил баҳоригача

бўлган даромадларидан ҳам кўп-ку? Сизлар унинг олдинги даромадларини тўғри ҳисоблаб бермагансизлар, шекилли?

- Йўқ, ҳаммаси тўғри ҳисоб-китоб қилинган,- деди солиқ ишлари бошлиғи.

- У ҳолда бу одам қайси маблағи эвазига бирданига бу корхонани қурдириб, шунча ҳунармандни ёллаб ишлатаётган экан?

- Биз ҳам шунга ҳайронмиз... Миш-мишларга қараганда, унга ўғли Аспатак ёрдам берганмиш.

- Аспатак? У қаердан олади маблағни? Хазинада ҳамма ҳисоб-китоблар тўғри олиб борилаётган бўлса... Йўқ, хазинадан пул ўмаролмайди. Шошма, шошма! Дарвоқе, Аспатак ўзига ҳам шаҳристонда бир қаср қурдираяпти-ку! Чиндан ҳам бу ишлар шубҳали. Текшириб кўриш керак. Майли ҳозирча савдогарни ўз ҳолига қўйиб туринглар-чи...

Шундан кейин Махр шахсан ўзи Аспатакни иши билан шуғулланиб, хазинанинг кирим-чиқимига доир барча ҳужжатларни, солиқ тўловчиларга берилган тилхатларни бир-бир текшириб чиқди. Ана шунда Хунукхудотга берилган тилхат билан хазинабондаги ҳужжат бир-бирига мувофиқ келмаслиги аён бўлиб қолди. Аспатак хиёнаткорлиги фош бўлиб қолганидан қўрқиб кетди ва Махрга ялиниб-ёлвора бошлади:

- Мени бир гал афу этинг, жаноб! Шарманда қилманг, ўтинаман сиздан. Ўзлаштирган пулларимни қайтиб ўрнига қўяман. Бир гал адашдим, иккинчи бундай иш қилмайман! Истасангиз сизга ҳам отамдан шунча пул ундириб бераман, фақат мени шарманда қилмасангиз бўлгани!..

- Шармандалик бундан ортиқ бўладими?- деди Махр унга истеҳзо билан.- Биров ҳиммат кўрсатиб, давлатимиз хазинасига эҳсон қилса-ю, сен уялмай уни ўзингнинг ҳамёнингга урсанг! Тағин кўрган фойдаларингдан солиқ тўлашни истамасаларинг!

- Мен отамга айтаман, жаноб! Солиқларни ошиғи билан тўлайди! Бу можародан менинг хабарим йўқ эди, гапимга ишонинг. Отам ҳаддидан ошиб кетибди, солиқни тўламай қаёққа борарди?..

- Қўй, отангни ёмонлама, нобакор!- деди ғазаб билан Махр. – Асли зотинг паст экан! Хазинага хиёнат қилганинг учун эгри қўлларингни кесиш керак сенинг! Қани лаш-лушингни йиғиштир. Ҳозироқ Маликанинг олдига бориб, гуноҳларингга иқрор бўл! Сен Маликанинг ишончини барбод этдинг, энди сени нима қилса, ўзи қилади!

- Жаноб! Ўтинаман сиздан, иш Маликагача етиб бормасин!.. Сизни рози қиламан...

- Ўчир овозингни, ўғри! Мени ҳам ўзингга шерик қилмоқчимисан? Мен сендек назари паст, кўзи оч эмасман! Номимга, наслу насабимга тоғ тушурмайман! Ўша Хунукхудот менинг амаким бўлади, билсанг! Менга пул керак бўлса, қанча сўрасам бера олади. Сен сўрасанг ҳам берарди, лекин сенинг кўнглинг тўғри эмас эканки, шундай қабиҳликка борибсан!

Хуллас, Аспатакнинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, Махр хазинани муҳрлаб, керакли ҳужжатларни олиб, иккита соқчи ҳамроҳлигида уни Маликанинг ҳузурига олиб борди. Малика воқеа тафсилоти билан танишгач, деди:

- Аспатак! Мен сени бой савдогарнинг ўғли, кўзи тўқ йигит деб хазинабонликка тайинлаган эдим. Янглишган эканман! Менинг амалдорларим орасидан биринчи бўлиб хиёнатга қўл урдинг! Бошқаларга ибрат бўлиши учун сени қатл эттирсам ҳам арзирди. Лекин мен шафқатли ҳукмдорман, сенинг жазоингни Яратганнинг ўзи берсин...

- Кейин Малика котибни чақиртириб, унга “Ёз!” ишорасини қилди ва бош вазири Алп Арслонга юзланиб, деди:

- Аспатак хазинабонлик вазифасидан бўшатилсин. Унинг ўзлаштирилган пули эвазига Бухоро шаҳристонида қурдирган қасри тортиб олинсин, хиёнаткорнинг бу шаҳарда яшашга ҳаққи йўқ! Занданада қурилган тўқимачилик корхонаси ҳам савдогардан тортиб олиниб, ўша ерда ишлайдиган ҳунармандларга мулк қилиб берилсин. Савдогарнинг шу корхонадан кўрган бутун даромадлари давлат фойдасига мусодара қилинсин. Шундай қилсак бўладими, жаноб вазир?

- Бу сиз томонингиздан ғоят олижаноблик билан берилган фармон бўлди, Маликам,- деди Алп Арслон. – Мана бу ношукур жони омон қолаётганига хурсанд бўлса арзийди!

- Маликам, афу этинг, афу этинг!- Аспатак Маликаи Будуннинг оёғига йиқилиб илтижо қила бошлади.

- Афу этганим шу!- деди Малика ундан юзини ўгириб, тахтига бориб ўтирар экан.- Сен озодсан, бор, отанг билан савдогарчилигингни қилавер! Агар фармонимга итоат қилмайдиган бўлсанглар, мамлакатдан бадарға қилдираман! Сизларга шафқат қилаётганимнинг боиси шуки, ўғирланган пулни яхши ишга сарф қилибсизлар. Чиқарган матоларингиз билан Бухоронинг шуҳратини янада оширдингизлар. Аммо энди бу шуҳратга эгалик қилишдан маҳрум бўлдингизлар. У халқники эди, халққа қайтарилди!

Шарманда бўлган Аспатак бўйнини эгганча саройдан чиқиб кетди.

Малика мамлакатни ана шундай адолат билан идора этарди. Эри Будун Бухорхудот унинг ҳукмдорлик фаолиятини кузатар экан, салоҳияти тобора ошиб бораётганидан мамнун бўларди.

Будун қарийиб бир йилча Бухорода тургач, яна Турк-ютга қайтиштараддудига тушиб қолди. Уни катта жанглар кутаётган эди. Бухородаги осойишта ҳаёт, Малика билан ҳамиша бирга бўлиш қанчалик ширин бўлмасин, Будун турк халқининг тақдири ҳал бўладиган ҳаёт-мамот жангидан четда тура олмас эди. Шунинг учун у Сўғдиёнадан яна кўплаб лашкар ва қурол-яроғ йиғиб, туркларнинг она ватанига жўнаб кетди.

Кетар чоғида Малика Будунга бир хушхабарни шивирлаб айтди. Будуннинг лабларида табассум, кўзларида ўзгача бир меҳр пайдо қилан бу хушхабар уларнинг туғилажак фарзанди ҳақида эди.

- Менинг бахтиёр ҳолда, юрагимда шавқу-завқ ва ғурур билан кетишимга сабабчи бўлаяпсан, Маликам!- деди у қувониб хотинини қучоқлар экан.- Кейинги сафар келишимда мени қўлингдаги ўғлимиз билан кутиб оласан, деб умид қиламан. Тангри сизларни ўз паноҳида асрасин!

- Агар ўғил бўлмай, қиз туғилса-чи?- деди Малика ноз билан жилмайиб.

- Қиз бўлса ҳам онасига ўхшасин,- деди Будун Маликанинг оппоқ юзларини сийпалаб қўяркан,- ўғил бўлса, исмини Тоғшод қўй, эсингдан чиқмасин: Тоғшод! Мен унинг тоғдек бақувват ва юксак бўлишини орзу қиламан. Бизнинг авлодимизда Тоғхон деган бир улуғ бобомиз ҳам ўтган. Менинг ўғлим эса шод унвони билан туғилади, бизда ҳоқонга қондош бўлган шаҳзодаларни шод дейдилар. Тушундингми, Маликам? Ўғлимнинг имси Тоғшод бўлсин!

* * *

Малика мамлакатдаги турли эътиқодли руҳонийлар ва жамоа бошлиқлари билан ўтказган ўша мунозарали йиғилишдан сўнг орадан салкам икки йил вақт ўтди. Бу орада Малика барча руҳонийларга эркин фаолият кўрсатишлари учун ўзи ваъда қилган имкониятларни яратиб берди. Руҳонийлар Маликага Инжил ва Тавротдан сўғд тилига ўгириб тақдим этдилар, Малика бу китобларни эринмай ўқиб чиқди.

Ниҳоят Малика ўзи истаган ахлоқий қонун-қоидалар мажмуасини эълон қилди. Бу қонун бутун мамлакат аҳолисини маънавий вв маданий жиҳатдан бирлаштиришга қаратилган эди. Қонунда жамоаларнинг эътиқод эркинлиги сақлаб қолинган, фақат зардуштийлик дини давлат дини деб эълон қилинган эди. Малика аввалига зардуштийликка ҳам бундай мақом бермай уни бошқа динлар каби давлатдан ажратиб қўймоқчи бўлганди. Бироқ, бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, шунга амин бўлдики, бирорта динни ўзига ғоявий асос қилиб олмаган давлатнинг тараққий этиши қийин кечар экан.

Малика янги қонундан бир неча нусха кўчиртириб, уларни шаҳар ва қишлоқларнинг ҳокимларига юборди ҳамда жамоалар ўртасида ўқиб эълон қилишларини буюрди. Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш тегишлилигига қараб ҳокимларга ва руҳонийларга юклатилган эди.

Бухородаги катта карвонсаройда Маликанинг буйруғига кўра карвонсарой хўжайини халойиқни йиғиб, янги қонунни ўқиб эшиттирди:

- Одамлар-у одамлар! Эшитмадим деманглар!!! Доно Маликамиз бутун Бухоро халқи учун янги қонун чиқардилар! Бундай қонун биринчи марта эълон қилинаяпти! Кимда-ким унга бўйсунмаса, қаттиқ жазоланади!

- Йиғилган халойиқнинг кўпчилигини савдо аҳли ташкил этарди. Улар орасида ўзга юртлардан савдо-сотиқ иши билан келган кишилар ҳам бор эди. Ажнабийлар янги қонун номини эшитишлари билан қулоқлари динг бўлиб, эътибор билан тинглай бошладилар.

- Биринчидан,- дея қонунни ўқий бошлади карвонсарой хўжайини,- қандай номланишидан қатъий назар бирорта худоси бўлмаган жамоалар давлат хазинасига алоҳида солиқ тўлайдилар! Иккинчидан, ҳар қандай жамоанинг балоғатга етган эркак ва аёллари елкаларидан оёқларининг тўппиғигача ёпиниб юришлари шарт! Учинчидан, эркакларга аёллар каби соч ўстириш, аёлларга эркаклар каби сочини калта қирқиш таъқиқланади!..

- Зўр-ку, а?- деб қўйди ажнабийлардан бири ёнидаги шеригини туртиб қўяркан.- Энди анави тасқараларга кўзимиз тушишидан зап қутиладиган бўлибмиз-да!

Одамлар орасида шивир-шивир бошланиб, ҳаммалари карвонсаройнинг у ер бу ерида изғиб юрган калта иштонли, сочлари елкаларига тушиб ётган, юриш-туриши билан кўпчиликнинг ғашига тегиб юрган ёввойисифат кишиларни бир-бирларига кўрсатиб кула бошладилар. Карвонсарой хўжайини эса ўқишда давом этарди:

... Аёлларга биттадан ортиқ эр билан, эркакларга тўрттадан ортиқ хотин билан никоҳда бўлиш ман қилинади! Кимда-ким никоҳсиз жуфт билан бузуқчилик қилса, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак, ўтда куйдирилади!

Бу гапни эшитиб, савдогарлар орасидаги икки ажнабий ҳайрат билан бир-бирларига тикилиб қолишди.

- Бу исломий ҳукмнинг қарийиб ўзгинаси-ку,- деди уларнинг бири иккинчисига.- Наҳотки, Оллоҳнинг каломи буларга ҳам етиб келган бўлса?

- Мен ҳам шунга ҳайронман,- деди шериги. Бу мажусийларга ҳам ваҳий келганга ўхшайди...

- Астағфуриллоҳ, денг биродар! Расулуллоҳдан сўнг ҳеч кимга ваҳий келиши мумкин эмас!

- Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ,- пичирлади ажнабий.- Қани, эшитайлик-чи, яна қандай ҳукмлар бор экан?..

Ҳамма диққат билан қулоқ соларди.

-... Қизни мажбурлаб эрга бериш, ўғилни мажбурлаб уйлантириш таъқиқланади!.. Қариндош ёки бегона бўлишларидан қатъий назар икки эркакнинг бир уйда хотинлари билан яшашлари таъқиқланади!.. Туғилган фарзандини хоҳламай, қасддан ўлдирган ота-она ўзи ҳам қатл этилади. Болаларни алмаштириш, сотиш, ташлаб кетиш ман қилинади!.. Ҳар бир ўғил бола жанг қилишни ўрганиши шарт! Ҳар бир жамоанинг ибодатхонаси ёки бошқа йиғиладиган жойи бўлиши шарт, акс ҳолда бундай жамоа ўз манзилгоҳидан бошқа жойларга кўчириб юборилади!.. Бир жамоа бошқа жамоани, бир одам бошқа одамни ўз динига мажбур қилиб киритиши таъқиқланади. Фақат худосиз ва динсизларнигина мажбуран Зардушт динига киргизишга рухсат берилади! Зардуштийлик ибодатхоналарига давлат томонидан ёрдам берилади! Зардуштийларнинг болалари ўқиш ва ёзишни ўрганишлари шарт! Илм ўргатувчи кишилардан ҳеч қандай солиқ олинмайди!..

- Ана қонуну мана қонун!- деди ҳалиги ажнабийлардан бири шеригига қараб.- Кошки эди, булар ҳақиқий илмдан хабар топган бўлсалар!

- Менимча,- деди иккинчи ажнабий унга жавобан,- Бухоро Маликаси мажусий бўлса ҳам, илмни қадрлайдиган доно аёлга ўхшайди. Агар у Қуръондан илм олса, шаксиз исломни қабул қилган бўларди, деб ўйлайман...

Карвонсарой хўжайини қонунни ўқиб тугатганида ҳам одамлар тарқалмай, бир-бирлари билан янги тартиб-қоидаларнинг жорий этилиши ҳақида қизғин мунозара

қилиб туришарди. Битта-яримта одамнинг эътиборсиз қўч силтаб, халойиқ орасидан чиқиб кетганини айтмаганда ҳамманинг юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин эди.

Янги қонун тезда бутун мамлакатга маълум қилинди. Маликанинг бу ишидан айниқса, зардуштий оташпарастлар беҳад мамнун бўлдилар. Кекса атрабоннинг ўзи Варахша саройига келиб, Маликага шахсан миннатдорчилик билдирди ва унинг ҳақига узундан узоқ дуо қилди.

Малика бир ойдан сўнг мамлакатда янги қонуннинг қандай амал қилаётганини текшира бошлади. У ҳар бир ҳоким, амалдор ва жамоа бошлиқлари қонунга номувофиқ кўринишларга қарши чора кўришни қаттиқ талаб қиларди. Натижада Маликанинг ўзи истаганидек, мамлакатда яшаётган барча аҳолининг маънавий турмушида ўзгаришлар сезила бошлади. Малика тахтга ўтирган йили қишлоқларни саёҳат қилган чоғида ўзи дуч келган ёқимсиз кўринишлар барҳам топаётганидан, халқнинг асосий қисми уни қўллаб-қувватлаётганидан мамнун эди.

Маликанинг янги қонунни қабул қилишдан кўзлаган яна бир мақсади ўзининг хизматида бўлган собиқ ошиқлари Феруз ва Алп Арслонни ҳам уйланишга мажбур этиш эди. Бир куни у иккала йигит билан шу ҳақда гаплашишга қарор қилди. Бунинг учун уларни алоҳида сайрга таклиф этди, боғда учовларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

- Менга қаранглар, йигитлар,- деди Малика икки йигитнинг ўртасида кузги япроқлар устидан босиб борар экан,- очиғини айтсам, мен сизлардан хафаман. Сизлар мени, мен чиқарган қонунни ҳурмат қилмайсизлар, шекилли. Қонун кучга киргандан буён қанча вақт ўтди, сизлар эса ҳали-вери уйланишни хаёлларингизга келтирмаяпсизлар. Ахир, имконияти бўла туриб уйланмаган эркак мамлакатда бирор амални эгаллаши мумкин эмас-ку?!

- Маликам, хафа бўлманг-у, қонуннинг шу жойини атайлаб биз учун чиқарган кўринасиз. Мен ҳам сиздан сўрамоқчи эдим, нега бундай қилдингиз? Ахир, уйланиш-уйланмаслик ихтиёрий иш-ку?- деди Алп Арслон дўсти Ферузга кўзи тагидан қараб қўяр экан.

- Тўғри, ихтиёрий иш,- деди Малика жиддий ҳолда.- Лекин имконияти бўла туриб уйланмасликнинг сабаби иккита бўлиши мумкин: бири – жисмоний камчилик, иккинчиси маънавий бузуқлик. Шошманглар, сўзимни бўлманглар. Мен биламан, иккаланғизда ҳам бундай сабаблар йўқ. Сизлар менга уйлана олмаганларингиз учун дунёдан тоқ ўтмоқчи бўлаяпсизлар, тўғрими? Ахир бу ғирт жоҳиллик-ку! Мен сизлардан буни кутмаган эдим. Атрофдагилар нима деб ўйлашлари мумкин? Мен ғийбатлар ва миш-мишлардан қўрқмайман, лекин уларнинг кўпайишини ҳам истамайман. Айниқса эрим мендан узоқда бўлган пайтда! Энди мени тўғри тушунгандирсизлар?

Алп Арслон ва Феруз хижолат бўлишиб, жим қолишди. Уларнинг сукутини гапни уққанликлари маъносида тушунган Малика сўзида давом этди:

- Мен икковингизни ҳам туғишган акам ўрнида кўраман, сизлар билан бирга юрсам кўнглим тоғдек кўтарилади. Лекин сизлар ҳамон менга маҳбубангиз сингари қараяпсизлар. Ахир менинг эрга текканимга икки йилдан ошди-ку? Яна нимани кутяпсизлар? Акажонларим Алп Арслон! Феруз! Мени бунчалар қийнайсизлар? Сизларнинг бундай юришингизни кўриб, рости жуда эзилиб кетаман...

- Маликам!- Ғоятда таъсирланиб кетган Феруз ўзини тутолмай Маликанинг қалт-қалт титраётган елкаларига қўлини қўйди.- Ўлгунимча қулингиз бўлай, мени кечиринг! Мени... мен бу ёғини ўйламаган эканман...

Алп Арслон ҳам ҳозир Маликанинг оёқларидан ўпиб кечирим сўрашга тайёр эди. Аммо у ўзида бунга етарли журъат тополмади. “Мен, ахмоқ, унинг оёғининг тирноғига ҳам арзимайман!” Шу фикр билан у кўзига келган алам ёшларини яширган ҳолда Маликадан тўрт-беш қадам узоқроқ кетиб, чуқур-чуқур хўрсинар ва бир олма дарахтининг сарғайган япроқларини эрмак қилиб узиб ўтирарди...

Шу воқеадан кўп ўтмай Феруз ҳам, Алп Арслон ҳам бирин-кетин Бухоро гўзаллари ичидан ўзларига қайлиқ танлашиб, уларга уйланиб олишди. Шундай қилиб, Малика собиқ

ошиқларининг кўнглида бўлган армон тугунларини бутунлай ечиб юборди.

* * *

Баҳорда Мовароуннаҳрга Хуросон волийси томонидан махсус тапшириқ билан юборилган савдогарлар қиш яқинлашиши билан бирин-кетин Марвга қайтиб кела бошлашди. Биринчи бўлиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд ҳузурига сафарини Бухорода ўтказган ўнга яқин мусулсон савдогар кириб келди. Уларнинг бошлиғи Фаррух Марвазий исмли киши бўлиб, у Марвда мусулмончиликни биринчилардан бўлиб қабул қилган форс савдогари эди.

- Хўш, кўрган-билганларингизни сўзлаб берингчи, Бухоронинг халқи, ҳукмдори, куч-қуввати, об-ҳавоси, бойликлари қандай, қай даражада экан?- сўради ибн Зиёд уларни қабул қиларкан.

- Бухоро Марв каби қадимий шаҳар,- дея сўз бошлади Фаррух Марвазий.- Мен ўн йиллар илгари ҳам бу шаҳарда савдо иши билан бўлгандим. Лекин бу сафар борганимда Бухоро илгаригига қараганда тубдан ўзгариб бораётганининг гувоҳи бўлдим. Бухоронинг халқи бой кўринади, биз бу ердан олиб борган молларимизни қиммат баҳоларда сота олдик. Уларда пахта ва ипакдан тайёрланган хилма-хил газламалар, сопол ва чинни буюмлар, қурол-яроғ, энг асосийси олтин ва кумуш мўл экан. Шаҳар ниҳоятда обод, пишиқ деворлар билан ўраб олинган. Яқинда ҳукмдорлари учун янги қалъа қуриб битказилди...

Фаррух Марвазий кўрган-билганлари ҳақида яна кўп нарсаларни гапириб берди. Айниқса Бухорхудот Малика ҳақида гапирганда унинг таърифини шундай келтирдики, Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг кўз ўнгида афсонавий бир паризод тасвири намоён бўлди. Бошқа савдогарлар ҳам Маликани кўрганликларини, унинг юртини адолат ва донолик билан бошқараётганини гапириб, Фаррух Марвазийнинг барча сўзларини тасдиқлашди.

- Гапларингизга қараганда Бухоро Маликаси аёл эмас, фариштага ўхшайди,- дея кулиб қўйди Убайдуллоҳ ибн Зиёд.-

Лекин мен бир ҳадисни эшитганман, “Қайси юртга аёллар бош бўлса, ўша юртнинг ҳолига вой бўлади”, деган. Хўш; бунга нима дейсизлар? Балки, у аёл номигагина ҳукмдор бўлиб, юртни эрими ёки отасими, ё бошқа эркакми бошқараётгандир? Шуни аниқламадингизми?

Савдогарлар ноқулай аҳволда қолишди.

- Билмадик,- каловланиб жавоб берди Фаррух Марвазий,- ҳар қалай Бухоро халқининг оғзида фақат Маликанинг мақтови, унинг доно ҳукмдор эканлиги ҳақидаги гаплар юрибди. Биз бунга шубҳа туғдирадиган аҳволни учратмадик...

- Бухорхудот Маликага фақат исломий эътиқод етишмайди, амирим,- Марвазийнинг сўзини давом эттирди Бухородаги карвонсаройда бўлган савдогарлардан бири.- Мен унинг чиқарган ҳукмларини эшитиб, шундай хулосага келдим. Унинг одоб-ахлоқ, ҳалол ва ҳаром, тўғрилик, айниқса никоҳ тўғрисидаги ҳукмлари Оллоҳ каломидаги кўрсатмаларига деярли мос келади. Мен ҳатто Бухорога ислом кириб келибдими, деган хаёлга бордим...

- Ҳа, шундай,- шеригининг сўзини тасдиқлади бошқа савдогар,- хусусан, кейинги пайтларда Малика ўз улусининг ахлоқини тўғрилаш учун қаттиқ саъй-ҳаракатларини бошлаб юборди. Фақат жоҳилий урф-одатларга ҳам изн бериб қўйганлиги унинг мақсадига етишмоғи учун халал беряпти, холос. Маликанинг ўзи эски эронликлар каби Оллоҳни Хурмузд, шайтонни Аҳриман деб эътиқод қилади. Бу ҳар ҳолда унинг Оллоҳ ягона эканлигини тушуна олишини кўрсатади...

- Айтишларича, Маликанинг эри ҳам ягона улуғ Яратгувчини тан олар экан, оловга, бутларга сиғинмас экан. У Бухорода эмас, Туроннинг Чин билан қўшни бир вилоятида яшар экан,- деб ўз билганларини қўшиб қўйди бир савдогар.

- Дарвоқе,- Фаррах Марвазий яна гапни илиб кетди,- Бухорода турклар ҳозир унча кўп қолишмаган. Кўпчилиги Мовароуннаҳрдан ташқарига, Чин подшосига қарам бўлган турклар бртига кетиб қолишган. Менинг билишимча, у ёққа турклар Чин подшосига қарши жанг қилишаётганмиш. Маликанинг эри ҳам лашкар йиғиб ўша жангга кетган.

- Шу гап аниқми?- бирдан жиддий тортиб сўради ибн Зиёд.

- Аниқ, амирим, аниқ,- деди Фаррух Марвазий.- Мен ўзим буни бир турк савдогаридан суриштириб билдим. Унинг ўғли ҳам Маликанинг эри билан кетган экан.

- Хўп яхши,- деди Убайдуллоҳ ибн Зиёд. - Келтирган маълумотларингизни инобатга оламиз. Яна Мовароуннаҳрда қолган бошқа савдогарларнинг қайтишини кутамиз. Агар улар ҳам сизлар келтирган хабарларни тасдиқлашса, кейин Мовароуннаҳрга бир нечта элчи юборишимга тўғри келади. Бухоро Маликаси ҳузурига сени юборишим мумкин, Фаррух! Ҳар ҳолда тайёргарлигингни кўравер.

Шундан кейин Хуросон волийси савдогарлардан улар олиб келган совға-саломларни қабул қилиб олди, улар орасида қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ва бошқа кўзни оладиган нарсалар бор эди-ки, Ибн Зиёднинг хаёлига дарҳол буларни инъом сифатида халифага жўнатиш фикри келди. Шундай қилса халифа ундан мамнун бўлиб, ўз ҳолига қўяр эди.

Қишгача Мовароуннаҳрга кетган савдогарларнинг ҳаммаси қайтиб келишди. Ибн Зиёд улардан Сўғдиёнанинг турли шаҳар ва вилоятлари, у ердаги давлатчалар ҳақида муҳим маълумотларни олиб бўлгач, Мовароуннаҳрга исломни олиб кириш учун навбатдаги қадамни қўйиш – маҳаллий ҳукмдорларга элчилар юбориб, уларни мусулмончиликка даъват этиш тўғрисида ўйлай юошлади...

... Фарух Марвазий бу сафар Бухорога юк ортилган туялар билан эсам, кимхоб ёпилган арабий отда кириб келди. Ҳамроҳларининг бири асли пойкандлик бўлиб, отаси Румдан Хитойгача бўлган барча шаҳарларда бўлган машҳур савдогар Синха эди. Синханинг йигирма тўрт ўғлидан бири бўлган Сайён бундан ўн йилча бурун отаси вафот этгач, акалари билан келишмай Хуросонга кетиб қолган ва Марвда бир мусулмон косибнинг қизига уйланиб, шу ерда яшаб қолган ва ислом динини қабул қилган эди. Фаррух Марвазий бухороликлар тилини яхши биладиган Сайённи таржимон сифатида олиб келаётган эди. Элчининг иккинчи ҳамроҳи

Абдуллоҳ Ҳозим эса араб муҳожирларидан бўлиб, уни Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг ўзи Фаррухни қўриқлаб бориб келиш учун у билан бирга юборган эди.

Фаррух Марвазий, Сайён, Абдуллоҳ Ҳозим бири форс, бири сўғд, бири араб бўлган уч мусулмон суворий Бухорога кириб келишганида ўриклар эндигина гулини тўкиб, довучча тугган илк баҳор палласи эди. Фаррух Маликаи Будунга учрашиш учун Варахша саройига эмас, тўғри Бухорога йўл олиб янглишмаган эди. Чунки, у ўйлаганидек, бу пайтда Маликаи Будун қароргоҳини Варахшадан Бухорога янги Кўҳандизга кўчириб келган эди. Элчилар шаҳарга ярим тунда кириб келганликлари учун кечаси карвонсаройда тунаб, эрталаб қуёшнинг алвон ранги олтинрангга алмашган вақтда Кўҳандиз томон йўл олишди.

Кўҳандизнинг ғарб томонидаги дарвозаси пештоқига зардуштийлик динининг рамзи – қанотли сариқ туя тасвири туширилган, кираверишдаги зинанинг ўнг ва сўл томонларида эса худди Варахша қасридаги сингари иккита шер ҳайкали ўрнатилган эди. Зинанинг ҳар бир поғонасида икки соқчи узун найзаларини бирлаштириб турарди.

Фаррух Марвазий отдан тушиб келиб, соқчилардан энг олдинда турган Ферузга салом берди ва ўзининг Хуросон амирининг элчиси эканлигини айтиб таништирди.

- Ташрифингиздан мамнунмиз, хуш келибсизлар,- деди Феруз унга соф форс тилида гапириб.- Ҳайрон бўлманг, менинг ота-боболарим асли эронлик. Мен сосоний подшоҳларининг авлоди бўламан.

- Шоҳлар авлодидан эканлигингиз юзингиздан кўриниб турибди, жаноб,- деди Фаррух хушнуд бўлиб.- Янглишмасам, сиз Бухоро Маликасининг шахсий соқчиси бўлсангиз керак,- а?

- Тўғри топдингиз...

- Мен сизни илгари ҳам Маликанинг ёнида юрганингизда кўргандим, шунинг учун дарҳол танидим. Муҳтарам жаноб, бизнинг келганимиз ҳақида марҳамат қилиб, Маликангизга хабар берсангиз...

- Маликамиз сизларнинг ташрифингиздан, шубҳасиз, хурсанд бўлган бўларди, аммо ҳозир унга ҳеч қандай хабарни етказолмаймиз,- деди Феруз мулойим оҳангда.- Ажабланишингизга ҳожат йўқ, бугун Маликамиз учун ҳам , бутун Бухоро учун ҳам қувончли кун экан. Тонг саҳарда Маликанинг кўзи ёриб, оналик шарафига муяссар бўлди. Бухоро тупроғига босган қадасингиз қутлуғ экан, азиз меҳмонлар!

- О, муборак бўлсин! Оллоҳ умри билан берган бўлсин, Оллоҳу акбар!- Фаррух юзига фотиҳа тортди, узоқроқда, отларидан тушмай уларни кузатиб турган ҳамроҳлари ҳам унга қўшилишди. Феруз мусулмонларнинг бу ҳатти-ҳаракати эзгулик аломати эканлигини тушуниб турарди.

- Сизни ҳозир элчилар учун ажратилган махсус қасрга олиб боришади, муҳтарам элчи,- деди Феруз.- Ўша ерда дамларингизни олиб ўтираверинглар. Мен бош вазирга кириб, сизларнинг келганингиздан хабар бераман. У қабул қилиш вақтини белгилайди ва сизларни чақиртиради. Бизда тартиб шундай... Агар мақсадингиз фақат Малика билан учрашиш бўлса, унда камида бирор ой кутишларингизга тўғри келади, ўзингиз тушунасиз...

- Албатта, албатта,- қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди Фаррух Марвазий.- Майли, бизни вазир билан учраштира қолинг, у билан келиша олсак, юртимизга қайтаверсак ҳам бўлади.

Феруз иккита соқчини чақириб, элчиларни шаҳристондаги махсус меҳмонхонага бошлаб боришни топширди. Бу Аспатак қурдирган ўша қаср бўлиб, Маликанинг фармони билан олий мартабали меҳмонлар учун турар жойга айлантирилган эди. Фаррух Марвазий ва ун нг ҳамроҳлари бу ҳашаматли қасрга жойлашар экан, элчиларга бунчалик юксак эҳтиром кўрсатувчи Бухоро Маликасига тасанно айтишар эди. Улар тунда карвонсарой хўжайинига ўзларининг элчи эканликларини билдирмаган эдилар. Билдирганларида, балки, уларни тўппа-тўғри шу қасрга олиб келишиб. Иззат-икром билан меҳмон қилган бўлишармиди? Шуларни ўйлаб, ўзлари учун ажратилган шоҳона

жиҳозланган хонада ётишаркан, элчилар бу ерда бир ой эмас, бир йил бўлса ҳам Малика уларни қабул қилишини кутиб ётишга бажону дил рози эдилар.

Малика ой-куни яқинлашганда Кўҳандизга кўчиб келганди. Ўзи дунёга келган жойда фарзандини ҳам дунёга келтириш унинг орзуси эди. Бу ерда бунёд этилган янги сарой, ибодатхона, амалдорлар учун алоҳида уйлар, хазинахона ва бошқа бинолар аввалгисидан кўра ҳашаматли ва мустаҳкам, барча қулайликларга эга эди. Малика Варахшадаги бухорхудотлар саройидан подшолик тожидан бошқа ҳеч нарса олиб келмади, у саройни бутун жиҳозлари билан ўгай онаси – марҳум Кононинг бевасига ташлаб келди. Бир қанча хизматкор ва канизакларни кампирнинг хизматида қолдирди.

Малика илк маротаба тўлғоқ азобини бошидан кечирар экан, кўз олдига ўзини туғиб, жон берган онаси келди. У онасини ҳеч қачон кўрмаган, унинг қиёфасини ҳам аниқ тасаввур эта олмасди. Лекин ўша топда онаси гуё бошида туриб унга қараб тургандек. Қизига ёрдам бера олмаётганидан кўзлари изтиробга тўлиб боқаётгандек туюлди. Ҳа, Малика бу кўзларни аниқ эслаб қолди, оналик меҳр-муҳаббати, раҳм-шафқати жо бўлган бу кўзларни Малика илгари ҳам қаердадир кўргандек бўлаверарди. Тўлғоқ ва туғуруқ азобидан эсон-омон қутилиб, ўзига келган чоғи қўлига ювиб-таралган митти чақалоқни – Будун орзу қилган ўғилни келтириб берганларида ва Малика унга илк бора кўкрагини тутиб, аъзои бадани оналик ҳиссидан жимирлаб кетганида ҳам ўша таниш нигоҳ хаёлида жонланди ва беихтиёр “Онажон!” деб юборди. Малика хаёлидаги бу нигоҳни у ўгай онасининг кўзларида доимо учратар эди-ку! Нега унутиб юборган экан-а? Ҳа, Малика уни унутиши мумкин эди, чунки кампирга ҳеч қачон фарзандга хос эътибор билан қарамаган эди. Бу кампир унинг учун гуё отасининг хизмат даги бир чўридек эди, холос. Малика беҳол ётган куйи шуларни ўйлар экан, бирдан юрагида афсус-надомат санчиғини ҳис этди. У биринчи марта ўгай онаси ҳақида фарзандлик туйғуси билан ўйлай бошлаган эди.

Қўлидаги мурғак чақалоғи унга ўзи ҳам ана шундай бир парча эт бўлганлиги-ю, то улғайгунича кимлардир оналик қилганлигини эслатаётган эди. “Кимлардир” – уларнинг кимлиги аниқ: энагаси ва ўгай онаси! Йўқ, биринчи ўринда ўгай онаси, кейин эса энагаси. Чунки, энага хизмат вазифаси юзасидангина Маликани парвариш қилган бўлиши мумкин, отасининг ёстиқдоши эса (гарчи Маликага ўгай бўлса ҳам) бутун оналик меҳр-муҳаббатини унга бағишлаган! Ҳа бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ахир ўзи фарзанд кўрмаган, шунга қарамай бир умр Конони бошига кўтариб яшаган бу аёл эрининг суюкли якка-ю ёлғиз фарзандини ўз фарзандидек кўрмаслиги мумкинми? Нега Малика бу ҳақда илгари ўйламаган экан-а? Энди Коно ўлиб, кампирнинг Маликадан бошқа ҳаётдан умиди қолмаган бир чоғда уни ўзидан ажратиб қўйган ҳолда Варахшада қолдириб келганлиги нақадар шафқатсизлик бўлганлигини у англаб етган эди. Ахир, бева ва ёлғиз қолган аёлга ҳашаматли сарой ҳам, мол-мулк ҳам энди керак эмас-ку, бу аёлга Малика бериши мумкин бўлган бирдан-бир давлат – оналик бахтини ҳис этиш қувончи эди-ку. Шуларни ўйлар экан Маликанинг кўз ўнгида хокисор ва ғамгин ўгай онасининг қиёфаси қайта-қайта гавдаланар ва “Қизим, сендан буни кутмаган эди” деяётгандек бўлар эди.

- Маликам, сизни сўраб Варахшадан катта Маликамиз келибдилар, кирсинларми?..

Канизакнинг бу гапи Маликани бир лаҳза лолу ҳайрон қилиб қўйди. “Ё қудратингдан! Нахотки, ўйлаётган ўйларимдан воқиф бўлган бўлсанг! Онажонимни бунча кўп ўйлаб қолдим десам, уни ҳузуримга йўллаб турибсан, эй Ахурумазда!” Малика шифтга қараб ётган куйи лаблари бемажол титрар, жиққа ёшга тўлган кўзларини юмиб олганди. Канизак уни гапни эшитмади деб ўйлади шекилли:

- Маликам,- деди баландроқ товушда,- Варахшадан онангиз келибдилар...

- Эй нодон!- унинг сўзини жаҳл билан кесди Малика.- Шуни ҳам сўраб ўтирибсанми? Ахир у кишининг рухсат сўраб ўтиришлари шарт эмас-ку!- “У киши” сўзидан ўзининг кўнгли

тўлмаган Малика яна қўшиб қўйди: Агар ўрнимдан тура олганимда онажонимнинг олдиларига ўзим югуриб чиққан бўлардим!..

Канизак шошиб чиқиб кетди. Хонага ҳовлиққанча Кононинг беваси кириб келди ва юмшоқ тўшакда чақалоғи билан ётган Маликани қучоқлаб ўпар экан:

- Қизгинам!- деди кўзларига ёш олиб,- нега мени чақиртирмадингиз? Кечаси билан алоғ-чалоғ тушлар кўриб, алаҳсираб чиқдим. Раҳматлик отангизнинг арвоҳи келиб, бу ёққа келишимга ундайверди...

- Онажон!- деди Малика ва йиғлаб юборди.- Мени кечиринг!.. Энди ёнимдан кетмайсиз!.. Бирга бўламиз доим!..

- Болагинам, дилбандим!..

- Мана, мен ҳам она бўлдим... Энди тушуняпман... Сиз... Сиз менинг онамсиз!..

Маликанинг ҳиқ-ҳиқ йиғлаб айтаётган сўзлари чақалоғининг ингаси остида эшитилмай қолди. Кампир дарҳол гўдакни қўлига олиб кўтараркан:

- Сенга жоним фидо, айланай ўзим!- дея эркалади, у аслида чақалоққа эмас, унинг онасига қарата гапираётгандек эди. – Нега йиғлайсан, жоним, оппоғим? Бувижоним келди, деяпсанми? Бувижонинг ҳам сизларни соғиниб адо бўлдику, жоним! Йиғлама, жигарбандим, йиғлама! Сени кўрдим, армоним ушалди!..

Чақалоқ йиғисини эшитиб кириб келган доя хотин ва канизаклар кампирнинг болани кўтариб олиб, қувонганидан айтаётган сўзларини жилмайганча эшитиб, қараб турар эдилар...

Шу куни чақалоқнинг туғилганлиги шарафига Кўҳандиз олдидаги майдонда бир нечта жонлиқ – қўй, қорамол ва туялар сўйилиб қурбонлик қилинди ва шаҳар аҳлига тарқатилди. Алп Арслон суюнчи учун Турк-ютга, Будун Бухорхудотга чопар юборди.

Хуросон амирининг элчиларини Алп Арслон шу куни кечқурин қабул қилди. Фаррух Марвазий унга Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг мактубини топширар экан, ҳали Бухородан

жўнаб кетишга шошилмаётганини, Малика кучга киргандан сўнг унинг қабулида бўлишдан умидвор эканлигини айтди.

Алп Арслон араб имлосида, форс тилида ёзилган узундан-узоқ мактубни иккита таржимон: Фаррух Марвазий билан келган Сайён ва сарой таржимони ёрдамида ўқиб, маъносини тушунди. Мактубда ислом дини ҳақ дин эканлиги таъкидланиб, зардуштийлар эронида ҳам бу дин қарор топганлиги ва энди Бухоро халқига исломни қабул қилдириш вақти етганлиги уқтирилган эди. Араб халифалиги исломни қабул қилган мамлакатлар билан тинч-тотув яшаши, акс ҳолда эса ўртада низо пайдо бўлиши муқаррарлиги, шунинг учун Бухоро Маликаси мусулмонларнинг бу мамлакатда жойлашиб, аҳолини исломга даъват этишларига ёрдам бериши ва ўзи ҳам Оллоҳга имон келтириши зарурлиги мактубнинг мақсад ва мазмунини ташкил этарди.

- Муҳтарам элчи,- деб вазминлик билан сўз бошлади Алп Арслон мактубни ўқиб бўлгач,- дин ва эът қод масаласида Бухорода ҳар бир халқнинг ихтиёри ўзига берилган. Ўзга мамлакат амирининг бизга бундай талаб билан мурожаат қилаётганини мутлақо тушуна олмайман. Бизнинг тинчлигимизга, мустақиллигимизга таҳдид солмоқчи бўлаяпти амирингиз! Бу жуда жиддий масала. Албатта, биз мактубда қўйилан талабни шу ондаёқ рад этамиз. Аммо ўртада низо чиқишини ҳам истамаймиз. Мен амирингизга Маликамиз номидан жавоб мактуби ёзиб беришим мумкин, шубҳасиз Малика билан менинг фикрим бир жойдан чиқади. Лекин, ўзингиз айтгандек, бу мактуб билан доно Маликамиз ўзлари ҳам танишиб чиққанлари маъқул. Чунки, худди сизларда бўлгани каби бизда ҳам дин ва эътиқод масаласи биринчи даражали сиёсат ҳисобланиб, бу билан шахсан олий ҳукмдорнинг ўзлари шуғулланадилар. Шунинг учун хоҳласангиз, юртингизга қайтиб, амирингизга менинг гапармни етказинг! Ихтиёр ўзингизда...

Бизнинг Малика билан учрашишни кутишдан бошқа чорамиз йўқ,- деди Фаррух Марвазий.- Иншооллоҳ, зоти олиялари сиздан бошқача фикрда бўлиб, бизни, амиримизни хушнуд этадиган жавоб қайтарсалар...

Шундай қилиб, элчилар Маликаи Будуннинг қабул қилишини кутиб Бухорода юраверишди. Лекин, Маликанинг уларни ҳузурига чорлаши кутилгандек узоққа чўзилмади. Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас бир сабаб бўлиб, Малика Бухорога хуросондан элчилар келганини эшитиб қолди ва азбаройи қизиққанидан чиллалик тўшагини барвақт тарк этиб, подшолик тахтига ўтиришга мажбур бўлди.

Маликанинг элчилар билан суҳбати роса ярим кун давом этди. У мусулмон дини вакилларидан ўзи қизиққан ҳамма нарсани ипидан игнасигача суриштириб билиб олди. Фаррух Марвазий ва ҳамроҳлари , албатта, ўз билганларича Маликанинг саволларига жавоб қайтаришди. Шундан сўнг Малика уларга эртагача жавоб мактуби тайёр бўлишини айтиб, дам олиш хонасига кириб кетди.

Эртаси куни Фаррух Марвазий Кўҳандизга келиб, Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг мактубидан икки ҳисса узунроқ қилиб ёзилган жавоб мактубини ва Маликанинг Хуросон амирига йўллаётган қимматбаҳо совға-саломларини қабул қилиб олди. Мактубда қуйидагилар битилган эди:

“Барча яралган мавжудотларнинг Яратгувчиси, барча ҳукмдорларнинг ҳукмдори улуғ ва қудратли Илоҳнинг иродасига буйсуниб, мен, Малика Бухорхудот, Хуросон амирига эзгуликлар тилаш билан мактубимни бошлайман. Мен аминманки, сизларнинг Оллоҳингиз – бизнинг ҳам илоҳимиз, бизларнинг улуғ Ахурамазда сизнинг ҳам илоҳингиздир. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб атаётганлар бу ҳақиқатни тушуна оладилар деб ўйлайман. Дарҳақиқат, Яратгувчидан ўзга яратгувчи йўқдир. Пайғамбарлар ва подшоҳлар эса сон-саноқсиз, уларнинг ҳар бири ўзича ҳақ ва улар бир-бирларининг устидан ҳакм чиқаришга ҳақли эмасдирлар.

Араб халифалигидан Бухорога ё лашкар, ё элчи келишини биз аллақачондан буён кутаётган эдик. Шукрким, тинчлик билан элчи келди. Аммо элчи орқали юборган мактубингиз бу тинчликни бузишга қаратилгандир. Шуни сизга билдиришим лозимки, бухороликлар ҳеч қачон ўз эркларини, ўз тинчликларини ҳимоя қилишдан қайтмайдилар ва бундан

қўрқмайдилар. Биз аввало ўз ақлимизга ва ҳақлигимизга, кейин эса куч-қудратимизга ишонамиз.

Хуросон амирига маълум бўлсинким, Бухорхудотга арабларнинг Сўғдиёнага ҳарбий юриш қилиш ҳақидаги режалари бундан бир неча йил илгари аён бўлган эди. Биз сизлар ўйлаганчалик гумроҳ ва ожиз эмасмиз. Бухорога бундан ўн беш йил ҳамда уч йил бурун юборган савдогарлар ниқобидаги жосусларингизни қадам-ба-қадам кузатганмиз ва ўзимиз ҳам Марвга жосуслар юбориб, тегишли маълумотлар олганмиз. Бундан ташқари бизнинг мўътажизакор башоратчиларимиз мамлакатларимиз тақдири келажакда қандай бўлишини олдиндан айтиб берганлар. Шулардан хулоса чиқарган ҳолда биз фақат ақл-идроккина ҳар қандай курашнинг пировардида ғалаба қилажагига ишонамиз.

Хуросон амирига яна шу нарса маълум бўлсинким, Бухорони қурол-яроғ ишлатиб бўйсундирмоқчи бўлган душманнинг ўзи ҳалокатга учрайди. Дин орқали бўйсундирмоқчи бўлганлар эса дин нималигини Бухородан ўрганади. Менинг билишимча, сизларнинг ислом деб атаётган динингиз ҳам, бизнинг зардуштийлик динимиз ҳам ва бошқа динлар ҳам мукаммал эмас. Шунинг учун бир-биримизга диний таъсир ўтказиш учун уринишимиз бефойда бир ишдир ва бу ишга киришганлар фақат қурбонларни кўпайтирадилар, холос.

Сизнинг мактубингизга жавобимиз шуки, эзгу ният билан Бухорога келадиган ҳар бир мусулмон учун мамлакатимиз эшиклари доим очиқ, улар ўз динларини фақат тинчлик орқали тарғиб қилишлари мумкин. Лекин мажбурлашга йўл қўйилмайди. Бухоро Маликаси ҳам ўз динидан воз кечиб, сизнинг динингизни қабул қилолмайди. Кимнинг ҳақ эканлигини эса вақти-соати етгач, Яратганнинг ўзи аён қилади.

Биз азалдан Чин ва Эрон мамлакатлари ўртасидаги мустақил, обод ва бой ўлкада яшаб келганмиз ва бртимиз бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини истаймиз. Форсларнинг зардуштийликдан кечиб, исломни қабул

қилганликлари ва араб халифалигига қарам бўлиб қолганликларининг бизга дахли йўқ. Биз қандай дин ҳукмрон бўлишидан қатъий назар барча мамлакатлар билан тенг, дўстона муносабатда бўлишни истаймиз. Савдогарларимиз қўшни мамлакатларга бориб савдо-сотиқ қилсинлар, илм ва ҳунар ўргансинлар. Ўз навбатида бошқа мамлакатларнинг ҳам фуқаролари юртимизга келиб, ўзларига фойдали нарсаларни олсинлар, деймиз. Бу алоқалар жараёнида, қайси дин кучли бўлса, ўша дин ўз-ўзидан ёйилаверади.

Менким, Бухоро Маликаси бўлғуси Бухорхудот Тоғшоданинг онаси, аёл бошим билан мамлакатга подшоҳлик қилар эканман, Бухоронинг мард ва жасур эрлари ўз юртларини аёлни севгандек қаттиқ севишларига ва уни аёлни ҳимоя қилгандек қаттиқ ҳимоя қилишларига ишонаман. Хуросон амирига бундай мамлакат билан фақат дўст бўлиб олишга ҳаракат қилиш фойдалидир...”

Мактуб остига “Балиқ йили Навсард ойининг йигирма биринчи кунида ёзилди” деб сана қўйилган эди.

Элчи мактубни олиб, тезда Марвга қайтди ва уни орзиқиб кутаётган Убайдуллоҳ ибн Зиёдга топширди.

Ибн Зиёд мактуб билан танишар экан, уни ёзган аёл ҳукмдорни ниҳоятда мағрур ва гўзал, мардона ва доно қиёфада тасаввур қилди, ҳамда савдогарлардан бирининг “Маликага фақат исломий эътиқод етишмайди” деган сўзларини эслади.

У Ч И Н Ч И Қ И С М

ИСЛОМИЯТ

Динга зўрлаб киритиш йўқдир. Зеро, ҳақ йўл залолатдан ажралиб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Оллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир. Оллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғу зулумотдан ёруғлик нурга чиқаради.

(“Қуръон”дан).

Тоғшода икки ёшга тўлди ҳамки, унинг Туркистонга кетган отасидан дарак йўқ эди. Бўлғуси Бухорхудот туғилган пайтда хушхабарни етказиш учун юборилган чопар Хитойгача бориб келиб, турклар ва хитойликлар ўртасидаги жанггоҳлардан Будун Бухорхудотни топа олмаган. Лекин унинг ўн минг лашкар билан асирга тушганлиги ва қул қилиб, Чанъон1 шаҳрига олиб кетилганлиги ҳақидаги нохуш хабарни олиб келган эди. Маликаи Будун бу хабардан қаттиқ қайғуга ботган бўлсада, тушкунликка тушмади ва эрининг қайтишидан умидини узмади. У Хитойга ҳам аёл киши Тань сулоласидан чиққан Малика Ухоу2 ҳукмдорлик қилаётганини билар, шунинг учун ҳарбий можаролардан қатъий назар аёл қалбини аёл тушунади, деган умидда Малика Ухоуга катта миқдорда сийм ва олтин ҳадялар юбориб, Будунни озод этишини сўраттирган эди. Бироқ, ҳадялари ва Маликанинг илтимосномасини олиб кетган элчилар ҳам, Будун Бухорхудот ҳам қайтиб келмади. Шунда ҳам Маликаи Будун эрини кутиш ва излатишдан тўхтамади. Яна Туркистонга одам юбориб, Будуннинг тақдири ҳақида унинг дўсти Қутлуғ-шоддан ишончли маълумот олишга умид боғлади. Малика юборган одам Қутлуғ-шодни излаб топишга муваффақ бўлди. У хитойликлардан қочиб қутилган бир неча юз аскари билан Туркистоннинг қорли ўрмонларида яшириниб юрган экан. Қутлуғ-шоднинг ёнидаги

маслаҳатчиси Тўноқуқ ҳам бир неча йил Хитой зиндонларида ётиб чиққан киши эди. У Турклар Эр-Будун-шод деб атйдиган лашкарбоши ҳақиқатда ҳам душман қўлида асир бўлиб турганлигини тасдиқлади, лекин у билан учрашишга муваффақ бўлолмаганини, ҳозирда ўлик-тириқлигини билмаслигини айтди. Қутлуғ-шод эса дўстининг хотини юборган одамга ўз қўли билан мактуб ёзиб бериб, Маликага руҳини туширмаслигини тайинлади, Будуннинг ҳалок бўлмаганлигига ишонишини ва бир кун, албатта, уни душманлар зиндонидан озод этажагини баён этди.

Суянган тоғини йўқотиб қўйиши Маликанинг ҳам шахсий, ҳам подшоҳлик ташвишларини зиёда қилиб юборди. Хуросондан Убайдуллоҳ ибн Зиёд кетма-кет элчилар юбориб, Малика ва Бухоро халқининг ислом динига киришини талаб қилар, учинчи марта талабни рад этса, шаксиз, жиҳодга киришини айтиб огоҳлантираётган эди. Энди арабларнинг ҳужуми муқаррар бўлиб қолди. Маликанинг бўлажак урушга қарши Сўғд ихшиди Тархун ва Вардона ҳокими Вардонхудот билан тузган иттифоқи ҳам мустаҳкам ва барқарор эмас эди. Чунки, Малика унинг қизлик чоғида совчи юбориб рад жавобини олган Тархун учун Будуннинг бедарак кетганлиги энди мақсадга эришиш сари йўл очиб бергандек туюлган эдики, у Маликани ҳоли-жонига қўймай ўзига хотин бўлишини сўраётган эди. Иттифоқни бузмаслик учун номардларча шарт қилиб қўяётган Тархуннинг бу истагига Малика “йўқ” ҳам, “хўп” ҳам дея олмасди. У Тархунга ўз жавобини бериш учун ҳеч бўлмаганда унинг яна бир йил кутишини илтимос қилишдан бошқа чораси қолмади. Зора шу орада Будун келиб қолса, деб нажот кутаётган эди у.

Вардонхудот эса Бухоро тахтига ошкора даъвогарлик қилаётган эди. Вардонанинг олдинги ҳокими вафот этиб, унинг тўнғич ўғли Вардонхудот тахтини эгаллаган эди. У Бухоро Маликасининг хизматида бўлган Ферузнинг акаси эди ва укасининг ўз васлига муяссар этмаган аёлга хизмат қилиб юришини вардонхудотлар оиласи шаъни учун ҳақорат деб ҳисобларди. Феруз шу масалада акаси билан кўп тортишди, бироқ дунёқарашлари бошқа-бошқа бўлган оға-

инилар бир-бирларининг фикрларини тан олмай, аразлашиб қолдилар. Чунки акаси учун ҳақорат бўлиб туюлган нарса Феруз учун шараф эди, Вардонхудотнинг мол-дунёга ва ҳокимиятга бўлган иштиёқи Ферузга юқмаган эди.

Бухорода таъсири кучайиб бораётган Хунукхудот ва Пойканд ҳокими Қора Ботургина Бухоро Маликасига чексиз садоқатларини намоён этаётган эдилар. Хунукхудот Хунбун қишлоғини мустаҳкам истеҳкомга айлантирганидан сўнг Маликанинг орзусини рўёбга чиқариш учун мамлакатдаги яна ўндан ортиқ катта-катта қишлоқларни мудофаа деворлари билан ўраб олишга ҳомийлик ва бошчилик қилди. Малика Хунукхудотнинг бунчалик улкан ишларга қаердан маблағ топаётганига ҳайрон қоларди. Ахир, унинг ер-мулкларидан оладиган даромадларининг чек-чегараси бор-ку, нега Хунукхудот бойлиги ҳеч қачон тугамайдигандек саховат ва ҳиммат кўрсатаяпти, деб ўйларди Малика. Аммо буни Хунукхудотнинг ўзидан сўрашга ёки текширтиришга журъат этолмасди. Шунинг учун “узумини е, боғини суриштирма” қабилида иш тутиб, хайрли ишлари учун Хунукхудотга миннатдорчилик билдиришдан нарига ўтмасди.

Пойканд ҳокими Қора Ботур эса онаси тарозлик бўлгани учун ҳамюрти Будун Бухоро ҳукмдори бўлганидан чексиз фахрланар, уруғ-аймоқчилик удумларини ғоят қадрлагани учун эса Будуннинг хотини бўлган Маликанинг ҳокимиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эди. Қора Ботурнинг Маликаи Будунга садоқат кўрсатишининг сабаби бугина эмас эди. Унинг отаси – машҳур савдогар Синха Маликанинг онасини Хитойдан келин қилиб олиб келганини ёшлигида кўп марта ҳикоя қилиб берганди, ёш тасаввурида афсонавий манзаралар ва ажойиб таассуротлар қолдирган ўша ҳикоялар ҳали-ҳали Қора Ботурнинг кўз ўнгида Бухорхудотлар сулоласини улуғвор қилиб кўрсатар эди.

Маликанинг Туркистондан ҳарбий ёрдам олиш режаси туркларнинг хитойликлар томонидан катта мағлубиятга учратилганлиги ва Будуннинг асир тушганлиги туфайли барбод бўлди. Шунинг учун у араблар хавфига қарши ички

мудофани кучайтиришга зўр берди. Мамлакатдаги юзга яқин қишлоқнинг ҳар биридан икки юзта йигитни навкарликка тайёрлаш ҳақида фармон берди. Улар ўз қишлоқлари ҳисобидан маош ва озиқ-овқат билан таъминланиши керак эди. Заҳирада турадиган ана шу қўшинларни ҳисобга олганда Бухоро лашкари йигирма мингдан ошарди ва бу қавват билан арабларга бас келиш мумкин эди.

Маликанинг фармони қисқа муддатда амалга оширилди. Барча қишлоқларнинг навқирон йигитлари от ва ҳарбий анжомлар билан таъминланди. Малика уларнинг тайёргарлигини билиш учун ҳар куни бир қишлоқнинг навкарларини ўз хизматига чақирарди. Улар келиб, Кўҳандиз олдидаги майдонда икки саф бўлиб тизилиб туришар, Малика эса от устида улар орасидан ўтиб, навкарларни бир-бир кўздан кечирар ва сафларнинг бошида ўрнатилан ўзининг соябонли тахтиравонига чиқиб ўтириб, кечгача давлат ишлари билан машғул бўларди. Кун ботар паллада Малика Кўҳандизга кириб кетар ва навкарлар қишлоқларига қайтишар, эртаси куни бошқа қишлоқнинг навкарлари уларнинг ўрнини эгаллар эди. Бу ўзига хос кўрик кейинчалик Маликанинг давлатни бошқаришдаги бир тартибга айланиб, йиллар давомида сақланиб қолди. Шу тариқа ҳар бир қишлоқнинг сараланган кишилари йилига тўрт марта Маликанинг хизматига қуролланган ҳолда келиб туришар эди. Ташвишлари қанчалик кўпайиб кетган бўлмасин, Малика баъзан ҳордиқ чиқариш ва кайфиятини хушлаш учун дилкаш суҳбатлар-у шоҳона базмларга, оромбахш сайрлару ўйин-кулгуларга эҳтиёж сезар ва бу истагини бажо келтирувчи қанотидаги кишиларнинг таклифларини қабул қилар эди. Маликанинг атрофида у билан дўст тутинган бир қанча аслзода хотин-қизлар тўпланишган эди. Алп Арслонга турмашга чиққан Хунукхудот ва Заринанинг қизлари Нигина, Ферузнинг хотини бўлган Эртўбанинг қизи Кунтуғмиш, бухорхудотлар авлодидан бўлган Махрнинг хотини Бойбика, уйлари шаҳристонда бўлган яна бир қанча амалдорларнинг гғзал ва оқила қизлари ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Маликанинг зерикишига йўл қўйишмасди. Гоҳ саройда, гоҳ

тегишли амалдорларнинг қасрларида уюштириладиган базмларда Малика ўзидан нари борса икки-уч ёш кичик бўлган ўн саккиз-йигирма ёшлардаги бу дилбар қиз-жувонлар даврасида очилиб-сочилиб ўтирар, улар билан ўйин-кулгу, ҳазал-мутойиба қилиб кўнглини ёзар эди.

Воҳа пишиқчиликка ғарқ бўлган жазирама ёз кунларининг бирида, айни туш пайти канизаклар билан ўз боғи ичидан ўтувчи Рўди Зар анҳорида чўмилиб, баркамол ва ҳуркак бадани ўйноқи, зилол сувлар оғушида яйраётган Маликанинг ҳузур-ҳаловатини нохуш хабар билан Пойканддан келган чопар бузишга мажбур бўлди. Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг мужоҳидлари Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро воҳасига бостириб кирган, ҳамда йўлда учраган работ, қўрғон ва қишлоқларни вайрон этиб, Пойкандга яқинлашиб келаётган эдилар. Қачондир бу воқеа рўй беришини кутиб юрган Маликаи Будун чопар олиб келган хабарни эшитиб ҳеч қандай ваҳимага тушмади, лекин шошилинч равишда Кўҳандизга келиб, энг зарур чораларни кўра бошлади.

Биринчи галда қўшиндаги энг тажрибали лашкарбошилар билан Бухорода турган минг нафар навкар Пойканд қалъасини ҳимоя қилишга юборилди. Улар йўл йўлакай қишлоқлардан яна юз минг нафар қуролланган йигитларни йиғиб боришлари лозим эди. Малика шайкин Салмонга қолган қишлоқлардан заҳирадаги юз минг нафар навкарни йиғиб Бухорога келувчи йўлларни тўсиш ва душман ҳужумини бартараф этишни топширди. Самарқандга, Вардонага чопарлар юборди, ҳар эҳтимолга қарши ёрдам сўраб Туркистонга одам жўнатди.

Пойканд мудофаасини ташкил этиш учун Алп Арслон жўнаб кетди. Ўғлининг тадбиркор вазир эканлигига ишонса ҳам жанговар тажрибаси етишмаслигини яхши билган кекса Шери Фарахш бундай вазиятда уйида тинч ўтиролмади, у ҳам Алп Арслон ва бошқа ўғилларининг қаршилигига қарамай Пойкандга йўл олди.

Вардонхудот араблар ҳужумидан хабар топиши билан орадаги гина-кудратни унутиб, тезда йигирма минг қўшини

билан Пойкандга етиб келди. Бу пайтда атрофга тун қоронғуси чўккан эди. Шунга қарамасдан у душманнинг етиб келишини кутиб ўтирмай, Амударё соҳилига қараб бораверишн керак, деган фикрни Алп Арслонга билдирди.

- Шошилишнинг ҳожати йўқ,- деди унга жавобан Алп Арслон,- йигитлар ҳам, отлар ҳам кун буйи юришдан роса чарчашган. Дамларини олишсин. Эрталаб катта тўқнашув бўлади. Арабларнинг ҳужум бошлаш вақти бизга маълум. Улар одатда тонг отиши арафасида жангга саф тортишаркан...

- Уларнинг ҳозир қаерда жойлашгани ҳақида бирор маълумот борми?- сўради Вардонхудот Маликаи Будуннинг бир қўлли вазири анча-мунча нарсани билишига ишонч ҳосил қилгач.

- Албатта. Уларнинг бир қисми Ўкуз1нинг нариги соҳилидаги Фарабда қолган. Қолган қисми эса бугун тонг саҳарда дарёни кечиб ўтиб, уч фарсанг йўлдаги бир нечта қишлоқни босиб олганлар. Кейин кун исиб кетиб олдинга силжишдан тўхтаганлар ва айни пайтда босиб олинган қишлоқларни талон-тарож қилиш билан овворадирлар. Бу ердан дарё соҳилигача етти фарсанг йўл эканлигини ҳисобга олсак, ҳозир душман биздан уч-тўрт фарсанг нарида турибди, холос.

- Унда уларнинг устига бостириб боришнинг айни вақти экан-ку!- деди Вардрнхудот.- Биз боргунимизча ярим тун бўлади, душман аскарларини ғафлат уйқусида янчиб ташлаймиз!..

- Ў-ҳў! Сони бизникидан икки баравар ошиқ бўлган, тағин бир умр жанг қилиб юрган у вахшийларни бир ҳамлада янчиб ташлаб бўларканми!?- истеҳзоли кулди Алп Арслон.

Вардонхудот тўғри айтаяпти, ўғлим,- деди боядан бери ўй суриб ўтирган кекса Шери Фарахш.- Уларнинг сони кўп бўлса ҳам, бир қишлоқда жойлашишмаган-ку! Биз битта-битта қишлоқларга кириб борамиз, душман аскарларининг бирлашишига имкон бермаймиз. Бизнинг борганимизни кўриб, қишлоқларнинг одамлари ҳам уларни гумдон қилишга киришиб кетадилар деб ўйлайман. Бизнинг бахтимизга, душманларимиз бугунги зафарли юришларидан

кейин айш-ишрат қилиб, маст-аласт ётган бўлишлари мумкин...

- Таваккал қилиб бўлмайди, ота,- деди Алп Арслон.- Биринчидан, мусулмонлар маст қилувчи ичимликларни ичмайдилар, иккинчидан кундузи ухлаб, кечаси билан ибодат қилиб чиқадилар. Жосусларимиздан олинган бу маълумотларнинг ярмиси тўғри бўлганида ҳам таваккал қилиб бўлмайди. Яхшиси эрталабгача кутайлик, ҳали Самарқанд, Кеш, Нахшобдан ҳам ёрдам кучлари келиши керак...

Ана шандай мунозаралардан сўнг Алп Арслоннинг гапи маъқул топилиб, эрталабгача кутишга қарор қилинди. Лекин бошқа ёрдамчи кучлар етиб келмади.

Пойканд қалъаси ўзининг мустаҳкамлиги билан, деворларининг қалин ва баландлиги ҳамда фақат пишиқ ғиштдан кўтарилганлиги билан Бухороникидан анча афзалроқ эди. Пойканд қалъасини шунинг учун ҳам “Жезқўрғон” деб атардилар. Аҳолисининг деярли ҳаммаси савдогарлик билан шуғулланар ва ҳақли равишда ўз шаҳарларини “Бойкент” деб номлаган эдилар. Туркча “Бойкент” номи кейинчалик сўғдлар талаффузида “Пойканд” бўлиб кетган эди.

Араблар Пойкандни ишғол қилиш учун алоҳида тайёргарлик кўраётган эдилар. Чунки улар бу шаҳарнинг аксари аҳолиси турклар бўлганлиги ва туркларнинг жанг қилишда моҳир эканлигини яхши билардилар. Босқинчилар қалъа жуда мустаҳкамлигини ҳисобга олиб, уни бузиб киришнинг иложи йўқлиги учун ёндирувчи смолали ўқлар отадиган палахмонлар юилан келаётган эдилар.

Пойкандликлар ҳам Қора Ботур бошчилигида туни билан ухламай қалъа девори устида кучларини тўпладилар, улар ўқ-ёйлари етарли бўлса ҳам яна нимаики билан душманга зарар етказиш мумкин бўлса, келтириб қўйдилар. Гарчи, қалъа ташқарисидаги Алп Арслоннинг қўшинлари арабларнинг ҳужумини қайтара олишига ишонсалар-да, пойкандликлар қўл қовуштириб ўтирмадилар.

Алп Арслон ва Вардонхудот тонг қорон0усида аскарларини уйғотдилар. Аскарлар очиқ яйловда, майсалар устида ухлаганликлари учун сергак эдилар.

Қўшинлар сафланишди. Алп Арслон лашкарбошиларни ёнига чақирди ва бўлажак урушнинг режа ва тартибларини тушунтирди. Аскарлар ҳозироқ нонушта қилиб олишгач уч қисмга бўлинишлари ва олға қараб кетишлари керак эди.

- Араблар бизга қараб тикка бостириб келишади,- тушунтирди Алп Арслон.- Лекин сафлари бир нечта бўлиши мумкин. Биз етмиш минг қўшин билан уларнинг олдинги сафларини чалғитиб турамиз. Яна йигирма беш мингдан иккита қисмимиз эса ўнг ва сўл томонлардан айланиб ўтиб, душманга орқа томондан зарба беришлари керак. Дарёнинг кечув жойини ҳам қўшинларимиз ўз назоратига олиши керак, токим нау ёққа, на бу ёққа бирорта киши ўтолмасин ва душманнинг Фарабдаги қўшинлари билан алоқа қилишининг иложи бўлмасин. Қани энди ишга киришинглар, сизларга ғалаба ёр бўлсин!

Душманга рўбарў чиқадиган марказий қўшинларига Қора Ботур, ўнг қанотга Вардонхудот ва чап томонга Алп Арслоннинг ўзи қўмондонлик қиладиган бўлди. Қўшинлар тезда учга бўлиниб, ўз йўналишлари бўйича тарқалишди.

* * *

Пойканд яқинидаги шиддатли жанглар уч кун давом этди. Уч кун давомида жанггоҳлардан мусулмонларнинг “Оллоҳу акбар!” деб ёппасига такбир айтишлари-ю, ғайридинларнинг “Ур, ҳа, ур!” дея қичқиришлари пойкандлик аҳолигаидам-бадам эшитилиб турар ва юракларига гоҳ қўрқув, гоҳ қувонч солиб турарди.

Қора Ботурнинг қўшинлари тўқнашувда катта талофот кўрди. Икки кун давомида гоҳ у томон гоҳ бу томоннинг қўли устун келиб турди. Ва ниҳоят учинчи куни Қора Ботурнинг ўзи “Ё ҳаёт, ё ўлим!” дея ҳайқириб душман устига от солиб борди. Шунда душман сафларининг ичкарисига кириб кетган бу довюрак турк ўз тўдасидан ажралиб, яккаланиб қолди ва мусулмонлар уни ярадор қилиб асирга олдилар. Йўлбошчисидан ажралган қўшинлар ўзларини йўқотиб

қўйишди. Уларнинг катта қисмини душман қуршаб олди, бир қисми эса қочиб қутилиб, Пойканд қалъаси ичига беркинди.

Мусулмонлар қўшинининг орқа томонига ўтиб олган Алп Арслон ва Вардонхудот қўшинлари эса аллақачон Амударёдан бу ёққа кечиб ўтишга улгурган ислом мужоҳидларининг янги тўдаларига дуч келдилар. Натижада улар олдинга ўтиб кетган мужоҳидлар билан ишлари бўлмай, кейингилари билан тўқнашишга мажбур бўлишди. Тўқнашувдаиикки томон ҳам жуда кўп қурбонлар бердилар. Вардонхудот Убайдуллоҳ ибн Зиёд қўшинларига бас келолмаслигини тушуниб етгач, дашт орқали Нахшобга чекинди. Чунки келган йўли билан орқага қайтиш хатарли эди.

Шундан кейин Алп Арслон ҳам ноилож қолган-қутган қўшинлари билан орқага қайтишга мажбур бўлди. У Пойкандга яқинлашиб келар экан, қалъани аллақачон мусулмонлар қамал қилганликларининг гувоҳи бўлди.

Пойкандни душманга ташлаб, Бухорога қайтиб бориш Алп Арслон учун ниҳоятда шармандали ҳол эди. Чунки, қалъа ичкарисида нафақат ундан ёрдам кутаётган халқ, балки кекса отаси Шери Фарахш ҳам бор эди. Алп Арслоннинг боши қотди. Нима қилиш керак? Душманга ҳужум қилса, ҳалок бўлиши муқаррар. Таслим бўлса, бу ҳам ўлим билан баробар, мусулмонлар Бухоронинг бош вазирини қўлга олганларидан руҳланиб кетиб, қолган шаҳар ва қишлоқларни осонгина қўлга киритишлари шубҳасиз. Эҳ, қанийди шу дамда яна юз минг жангари турк лашкари етиб келса эди! Будун Бухорхудотнинг Бухорода йўқлиги душманга қўл келди-да! Алп Арслон энди кимдан маслаҳат сўрасин, кимдан ёрдам кутсин? Маликага одам юбориб, қолган юз минг лашкарни ҳам Пойкандга юборишини сўрасинми? Ҳали жанг нималигини кўрмаган у қўшин билан нима ҳам қила оларди? Йўқ, Бухородаги қўшин Бухорода тураверсин. Душман энди барибир Пойкандни эгаллайди, кейин Бухорога боради. Яхшиси, Маликани вазиятдан огоҳлантириб қўйиб, бу ерда жангни сўнгги имкони қолгунча давом эттириш керак.

Алп Арслон бир қарорга келгач, Малика номига мактуб ёзиб, чопар билан Бухорога жўнатди. Ўзи эса навкарларини ўзларидан бир неча баробар кўп бўлган мусулмон қўшинлари устига бошлади. У мағлубиятни кўришдан кўра ўзига ўлимни афзал кўрганди. Шунинг учун навкарларининг ҳам бекорга қурбон бўлишларидан кўра таслим бўлишларини истаган ҳолда уларни орқада қолдириб, ўзи қиличини яланғочлаганча, душман томонга от чоптириб кетди.

- Ҳе –ҳе –ҳе –е –ейй!!!- овозининг борича қичқирди у. – Ов-во-ра бў- ла-сан-лар!!!

Қўшинидан анча ўзиб кетиб, шиддат билан бостириб келаётган бир қўлли бу сардорни кўриб араблар ҳайратда қотиб қолдилар.

- Уни тириклай ушланглар!- буйруқ берди мусулмонлар лашкарбошиси Абдуллоҳ Ҳозим.- Мен уни танидим, Маликанинг бош вазири у!

Абдуллоҳ Ҳозим бундан икки йил аввал элчи Фаррух Марвазий билан Бухорога келган ўша соқчи эди. У ўзининг довюрак ва кучлилиги, мужоҳидлар орасида эътиқодининг мустаҳкамлиги билан ажралиб турар ва шу боисдан лашкарбошилик даражасига кўтарилган эди.

Пойканд девори устида бу воқеани кузатиб ўтирганлар орасида Шери Фарахш ҳам бор эди.

- Ўғлим!- қичқириб юборди у кўзларида ёш билан.- Қайт орқангга! Ўзингни ҳалок этма!

Отанинг бақириб-чақиришлари ўғлига эшитилмас эди. Эшитилганда ҳам Алп Арслонни ҳозир ҳеч қандай куч ортга қайтара олмасди. У “Ё Оллоҳ!” деб ҳайқираётган мусулмонлар орасига ёриб кирди ва ўткир тиғли шамшири билан дуч келган мужоҳиднинг бошини учираверди. “Тириклайин ушлансин!” деган буйруққа итоат этаётган мусулмон аскарлари унга рўбарў бўлишдан қўрқиб, тум-тарақай қоча бошладилар. Алп Арслон ўнлаб мужоҳидларнинг бошини танасидан жудо қилганини кўриб турган қалъа устидаги пойкандликлар ҳам руҳланиб кетиб, тепадан туриб камонлардан душман устига ўқ ёғдира бошладилар. Шунда Абдуллоҳ Ҳозимнинг ўзи Алп Арслон билан юзма-юз келди,

чунки атрофда бошқа ҳеч ким қолмаган, ҳамма тўрт томонга ўзини олиб қочган эди.

- Мард йигит экансан, вазир!- деди Абдуллоҳ Ҳозим форс тилида.- Аммо мен билан жангга тушишдан фойда йўқ! Яхшиси ёш жонингга жабр қилмай, қиличингни ташла! Оллоҳга имон келтир!

- Кўппак!- қичқирди Алп Арслон.- Мен сенга ўхшаб ўз динини сотадиган ювиндихўр форс эмасман! Мен туркман, турк!

- Мен эса арабман, эй малъун!- рақибига ташланиб, ғазаб билан гапирарди Абдуллоҳ Ҳозим.- Форс бўлганимда ҳам, турк бўлганимда ҳам шундай бўлардим! Мен мусулмонман, сен эса кофирсан! Фарқимиз шу! Оллоҳ эса мен томонда, шунинг учун сен мағлуб бўласан!

Шундай дея араб лашкарбошиси бир зарб билан Алп Арслоннинг толиққан қўлидаги қиличини учириб юборди ва шу заҳотиёқ отига ҳам жароҳат етказди. От гурсиллаб ерга йиқиларкан, Алп Арслон думалаб кетди. Кузатиб турган навкарлардан бир нечтаси отларидан тушиб келиб, Алп Арслонга ташландилар ва унинг қўл-оёғини боғладилар...

* * *

Пойканд, Тороб, Хунбун, Ромтин ва Варахша қалъалари қўлдан кетгач, Малика Убайдуллоҳ ибн Зиёдга элчи юбориб, урушни бир ҳафталик муддатга тўхтатиб туришни сўради. Бир ҳафтадан кейин эса ё сулҳ тузиш, ё урушни давом эттириш ҳақида қарорини маълум қилишини билдирди. Вайрон қилинган Варахша қасрини ўзига қароргоҳ қилиб турган мусулмонлар амири Маликанинг бу илтимосини қабул қилди.

Малика муддат сўраганида Сўғддан ва Туркистондан ёрдам етиб келишини кўзлаган эди. Бироқ, у кутган ёрдам етиб келмади. Шундан кейин Малика муддатни яна узайтириш учун ўзи Вараахшага, Убайдуллоҳ ибн Зиёд ҳузурига боришга мажбур бўлди.

Малика Ибн Зиёд қароргоҳига кириб келар экан, ҳаддан ташқари жозибадорлиги билан мусулмонларнинг имонини

ғорат қилиб, қалбларида исённи жунбушга келтириб юборди. “Ё қудратингдан! Малика эмас, Малак-ку бу!” дейишарди мусулмонлар икки ёққа саф тортишиб, унга йўл беришаркан. Убайдуллоҳибн Зиёд ҳам Маккадан Бухорогача қанча-қанча юртларни босиб ўтган бўлса ҳам бундай гўзал, оппоқ юзли, чиройли кўзни қамаштирадиган аёлни учратмаган эди. У ичида “Ло ҳавло ва ло қуввата...” калимасини қайтарар экан, ўрнидан қандай туриб, пастга тушиб келганини билмай қолди.

- Хуросон волийси Убайдуллоҳ ибн Зиёд сенмисан?- деди Малика жарангдор ва мағрур товуш билан.

- Менман,- деди Ибн Зиёд ҳаяжон билан ва ўзининг кимлиги эсига тушиб, салобатини йўқотмаслик учун овозини сал кўтарди-да:

Бухоро Маликаси деб таъриф қилишган аёл сен бўлсанг керак?- дея қайта савол берди.

- Бизда подшоҳларга “сиз” деб мурожаат этишади,- деди Малика киноя билан жилмайиб қўяр экан.

- Бизда эса эркакларга шундай ҳурмат кўрсатилади,- деди Убайдуллоҳ ибн Зиёд ҳам кулиб. У энди ўзини босиб олган эди.- Аммо биз, Маликам, бир-биримизга ҳозирча душманмиз. Шунинг учун бир-биримиздан хафа бўлишга ҳаққимиз йўқ. Марҳамат ўтирсинлар...

Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг муомаласи маликаи Будунга маъқул бўлди. У ўзига кўрсатилган жойга ўтирар экан:

- Душманимнинг олижаноблиги мени хурсанд қилди,- деди.- Ўйлайманки, бундан кейинги музокара ва муҳорабаларимизда ҳам олижаноб бўлиб қолаверасиз.

- Оллоҳ бир-биримизни тушунишимизни насиб этсин, Маликам. Мен мамлакатингизга уруш қилишни хоҳламаган эдим. Неча йиллар мобайнида сизларнинг ўз ихтиёрингиз билан Оллоҳга имон келтириб, Муҳаммад ар- расулуллоҳни тан олишингизни кутдик. Лекин...

- Биз эса ҳеч қачон, ҳеч бир мамлакат халқига Зардушт динини қабул қилишларини мақсад қилиб қўймаганмиз.

- Гап шундаки, Зардушт деган пайғамбар йўқ...

- Балки Муҳаммад ҳам бўлмагандир?

- Нега энди? Расулуллоҳни мен ўзим етти яшар чоғимда кўрганман, сўзларини эшитганман...

- Минг йиллар бурун Зардуштни ҳам кўрганлар, сўзларини эшитганлар бўлган.

- Хўп, майли, пайғамбар бўлса, бўлгандир. Аммо Муҳаммад-ар-расулуллоҳга Қуръон нозил қилингач, олдинги барча динлар, илоҳий китоблар бекор бўлганини сизга мактуб орқали билдирган эдик, шекилли?

- Эсимда,- деди Малика “уҳ” тортиб.- Сиз Исломнинг афзалликларини гапирасиз, унинг устунлигини даъво қиласиз. Аммо, айтингчи, зардуштийликнинг нимаси сизга маъқул эмас?

Убайдуллоҳ ибн Зиёд бир дақиқа жим қолди. Кейин:

- Биласизми Маликам,- деди жавоб беришга ожизлигини тан олиб,- мен Таврот ва Инжилни ўқиб, яҳудийлар ва насронийларнинг янглиш эътиқодларини топганман. Лекин, афсуски зардуштийлик билан унча таниш эмасман. Шундай бўлса-да, сизларнинг оловга сиғинишингиз энг катта гуноҳ эканлигини биламан.

- Биз ёлғиз худо - Ахурумаздага сиғинамиз, унгагина ибодат қиламиз, ундан нажот ва мадад тилаймиз. Оловни эса Ахурамазда яратган бир мўъжиза сифатида муқаддас санаймиз, холос. Ахир, бундай муқаддас нарсалар сизларда ҳам бор экан-ку, масалан, Каъбадаги “Қора тош”...

Убайдуллоҳ ибн Зиёд ярқ этиб Маликага қаради, ҳайронлик ичидаги бу қарашда “Сен буни қаердан биласан?” деган савол маъноси бор эди.

- Эҳтимолки, бир замон келиб, мусулмонлар ўша муқаддас тошни Каъбадан чиқариб ташлашар,- дея сўзини давом эттирди Малика,- ва эҳтимолки, зардуштийлар ҳам бир замонлар келиб, оловнинг муқаддаслигини инкор этишар?... Лекин, наҳотки, етарли даражада илмга эга бўлмаган халқларнинг эътиқодидаги нуқсонлар учун уларни ўлдириш керак бўлса?

- Бизнинг мақсадимиз ўлдириш эмас...

- Тўғри, сизнинг мақсадингиз мажбур қилиб бўлса ҳам одамларни ислом динига киритиш! Ахир, мажбурлаш – бу

маънавий ўлдириш эмасми? Қолаверса, сизлар ўз ақидангизга бўйсунмаганларни “жиҳод” баҳонасида қирғин қилиб келаяпсизлар-ку! Нега энди бу жиноятларингизни яширмоқчи бўласиз? Қўйинг, ўзингизни оқлаш учун оввора бўлманг, асл мақсадингиз менга аён: Сизларга дунё ҳокимияти, беҳисоб бойликлар, шон-шуҳрат ва бошқа нарсалар керак! Аммо билмайсизки, қилич билан дунёни эгаллаб бўлмайди, сизлардан олдин ҳам жуда кўп жаҳонгирлик орзумандлари ўтишган, вақтинча эгаллаган ерларини барибир бой беришган! Фақат илм билангина дунёни эгаллаш мумкин!

- Ё раббий!..- ўрнидан ирғиб турди Ибн Зиёд, Маликанинг сўзлари унинг қалби-ю вужудини титратиб юборган эди.- Онт ичаман, сиз ҳақиқий муслима экансиз! Ахир, менга Расулуллоҳнинг сўзларини эслатаяпсиз-ку!

- Агар менга пайғамбарингиз билан учрашиш насиб этганида, ундан Оллоҳнинг инсонни яратишдан мақсади нима эканлигини сўраган бўлардим. Яна сўраган бўлардим-ки, исломнинг мақсади нима? Ҳукмдорларнинг, мамлакатларнинг, халқларнинг бир-бирлари билан уруш қилишларидан мақсад нима? Шу саволларга пайғамбарингиз мени қаноатлантира оладиган жавоб бера олса, шаксиз, мен исломни қабул қилган бўлардим. Аммо мусулмонларнинг амири бўлган сендек бир босқинчининг қилмишларини кўриб туриб, мен ҳеч қачон муслима бўлолмайман!

- Бас, етар, Маликам!- овози титраб чиқди Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг.- Мен сиз билан мунозара қила олмайман, чунки ўзим Расулуллоҳнинг васиятини, Оллоҳнинг буюрганларини бузаяпман... Мени халифа шунга мажбур этди! Лекин исломда ҳеч қандай қусур йўқ, ҳа ишонаверинг, у сизнинг барча саволларингизга қаноатли жавоб бера олади. Афсус, бу ерга Қусам ибн Аббосни олиб келсам бўларкан...

- Ким у, Қусам ибн Аббос?

- У бир олим, Расулуллоҳнинг амакилари раҳматли Аббоснинг ўғли, менинг ёрдамчим, маслаҳатчим... Дарвоқе, у айтган эди-я...

Ибн Зиёд ниманидир эслаб, таассуф билан бош чайқади-ю сўзини давом эттирмай жимиб қолди. Малика энди мақсадга кўчиш фурсати етганлигини сезиб, деди:

- Муҳтарам амир, мен бу ерга сиз билан муҳим бир масалани ҳал қилиш учун келганман. Урушни тўхтатиб туриш муҳлати тугади, энди нима қилишимиз ҳақида яна келишиб олишимиз керак. Мен бу келишув фақат иккаламиз орамизда махфий қолиши учун соқчиларимни ҳам ташқарида қолдиргандим.

- Тушунарли...

Ибн Зиёд қароргоҳдан кузатувчиларни чиқариб юборди ва ўзи Малика билан яккама-якка қолди.

Уларнинг музокараси ҳийла узоқ давом этди. Бу Маликанинг урушни тўхтатиб туришни яна бир ҳафтага узайтириш ҳақидаги илтимосини Убайдуллоҳ ибн Зиёд томонидан қабул қилинмаганлигидан эмас, балки яккама-якка суҳбат чоғида кутилмаган бошқа таклифлар ҳам ўртага ташланганидан эди.

Ибн Зиёд барча эркаклар каби Маликани бир кўришдаёқ ёқтириб қолган эди. Ёқтириб қолдигина эмас, ҳар қандай ҳукмдорга хос бўлган шахсиятпарастлик ва худбинлик майли уни бу дилбар аёлни ўзиники қилиб олишга ҳам орзулантирди. Шунинг учун у мамлакатлар ўртасидаги урушнинг мақсадини ўз манфаати йўлига буриб юбормоқчи бўлиб, агар Малика унга хотин бўлишга рози бўлса, муҳожидларини бутунлай олиб чиқиб кетажагини ваъда қилди. Малика бу таклифдан ҳайрон бўлмади, кулиб деди:

- Майли, мен сизга хотин бўлишга розиман. Лашкарингизни Бухоро ҳудудидан чиқариб. Амирлик лавозимингизни ҳам ташлаб, қайтиб келинг. Сизга хотин бўладиган бўлсам, мен билан бирга Бухорода яшайсиз!

- Устимдан кулманг, Маликам,- деди Ибн Зиёд хафа бўлиб.- Агар мамлакатингизга тинчлик, халқингизга омонлик тиласангиз, ўзингизни менга бағишлайсиз, деб ўйлагандим.

- Нега хафа бўлаяпсиз? Ахир сизда бўлган иззат-нафс менда ҳам бор! Сизнингча, менинг гапим кулгули-ю сизнинг таклифингиз кулгили эмасми? Мен сизнинг таклифингизни

нафақат ўз шаънимга, балки халқимнинг шаънига ҳам ҳақорат деб биламан.

- Аммо халқингиз шундай деб ўйламаса керак. Чунки, мен сизни қул қилиб эмас, жуфти ҳалолим сифатида олиб кетардим. Аёл киши учун эр ҳамма нарсадан афзал ҳисобланади. Сиз ўз хоҳишингиз билан менга турмушга чиқсангиз, бунинг нимаси ёмон, нимаси ҳақорат? Бухорога бошқа биров подшоҳлик қилаверади. Қайтага юртингиз тинч бўларди...

- Гапларингизда маъни кўрмаяпман, амирим,- Малика Ибн Зиёд унга “Маликам” деб мурожаат қилаётганига писанда қилиб, атайлаб “амирим” деди.- Аёл киши учун эр ҳамма нарсадан афзал, деяпсиз. У ҳолда менинг эрим борлигини ҳам назарда тутинг-да! Нима, менинг тутқунликдаги эрим сиздан афзал эмасми? Иккинчидан, мен юртимнинг тинчлигини ҳамма нарсадан, шу жумладан ҳар қандай эрдан ҳам афзал билсамгина сизга турмушга чиқишга рози бўлишим керак, шундай эмасми?

Бу ўйинда ҳам Ибн Зиёд яна мот бўлганлигини тан олди. Лекин шармандалик даражасида ютқизишни истамай, ғурурини намоён қилмоқчи бўлди:

- Маликам, ақлли гапларингизга жавоб топиб беришга ожизлик қиламан. Тўғриси, сизнинг ҳусну малоҳатингиз устига қўйилган ана шу донолигингиз мени бутунлай сизга ром этди. Энди мен билан ҳукмдорларча келишув ҳақида ўйламай қўя қолинг. Майли урушни тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосингизни қабул қиламан, бир ҳафта эмас, бир ой, бир йил ҳам кутиб туришим мумкин. Лекин сиз менинг тинчимни олдингиз, энди сизни қўлга киритмагунимча тинчимайман! Шу пайтгача халифанинг истаги ва шон-шавкати учун уруш қилиб келган бўлсам, энди ўз истагим ва ғурурим учун курашаман. Майли боринг, бир ҳафтадан кейин бўладиган муҳорабага тайёргарлигингизни кўраверинг. Эҳтимол, унгача яна ўйлаб кўрарсиз.

- Ана ўзингизни энди ҳақиқий душман сифатида намоён этаяпсиз,- деди Малика ўрнидан туриб, кетишга чоғланар экан.- Душманинг мард бўлса ҳам яхши. Мен сизни ҳали мард

деб ҳисобламайман. Сиз ҳам бу гапимни, эҳтимол, яна ўйлаб кўрарсиз.

Маликанинг ҳар бир сўзи Ибн Зиёднинг юрагига ўқдай тегаётган эди. У энди бошқа гапиришдан тийилиб, Маликани ташқарига кузатиб қўйди.

* * *

Эртўба укасининг мулки бўлган бухородан келини Маликаи Будун икки марта ҳарбий ёрдам сўраб одам юборгандан сўнг қўл қовуштириб қараб ўтиролмади. Гарчи умрида жанг қилиб кўрмаган бўлсада, у укасининг йўқлигини билдирмаслик учун Бухорони унинг душманларидан ҳимоя қилишга отланди. Ҳамукет ва унинг атрофидаги кентлардан беш мингга яқин йигитни аскарликка ёллаб, улар билан Бухорога қараб йўл олди.

Бу пайтда Самарқандда Тархун ҳам вазирининг ва бошқа маслаҳатчиларининг гапига қулоқ солиб, Бухорога ҳарбий ёрдам кўрсатиш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрди. У аввалига ёрдам юбормай турганлигининг сабаби шу эди-ки, Маликанинг ялиниб-ёлворшини ва унга турмушга чиқишга розилик беришини кутаётган эди. Аммо кечроқ бўлса-да ўзининг бундай шахсиятпараастлиги кейин қимматга тушажагини, Бухоро арабларга тобе бўлса Маликанинг унга хотин бўлиши ҳақида гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслиги ва араблар Бухородан кейин Самарқандни босиб олишлари мумкинлигини тушуниб етди. У ўзининг саксон минг, иттифоқчилари бўлган Кеш ва Нахшоб ҳокимликларининг қирқ минг қўшинини олиб, Бухоро лашкарларига ёрдам беришга шошилди.

Шундай қилиб, Маликаи Будуннинг Убайдуллоҳ ибн Зиёддан сўраб олган иккинчи муддати тугамасдан туриб, Бухорога турк ва сўғд лашкарлари етиб келдилар. Бу орада Вардонхудот ҳам қайта куч тўплаб, янги тўқнашувларга шай бўлиб турган эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд қўлида асир бўлиб турган Алп Арслоннинг вазифасини Малика Ферузга юклаб қўйган эди. Вардонхудот ниҳоят укаси ҳам Маликага соядек

эргашиб юришни тарк этиб, ҳақиқий шаҳзодага хос ишга – урушга отланаётганидан хушнуд эди.

Малика эндиги жангда ғалаба қозонишига ишонаётган эди. Вақтинчалик тинчлик муддати тугаган кунда у одам юбориб, Убайдуллоҳ ибн Зиёд қўшинларини жангга чорлади.

Улуғ жанг Хунукхудотга тегишли бўлган бепоён яйловда бошланди. Томонлар дастлаб қўшинларининг оз-оз қисминигина жангга йўллаб, кучларини синашмоқчи бўлдилар. Биринчи тўқнашувда Вардонхудотнинг қўшинлари мусулмонларнинг шердай наъра тортиб келишларидан ҳайиқмай, уларга қақшатқич зарба бердилар. Мусулмон қўшинлари жанг майдонида қолган ярадорлар-у шаҳидларга қарамасдан тумтарақай қочиб қолдилар. Фурсатдан фойдаланган иттифоқчиларнинг қўшинлари ёппасига жангга ташландилар ва шошиб қолган арабларга катта талофот етказдилар. Убайдуллоҳ ибн Зиёд дарҳол муҳожидларини турли томонларга чекинишга буюрди. Олдиндан тахмин қилиб, ўйлаб қўйилган режага кўра дарҳол мусулмон лашкарбошилари ўз қўл остидаги мужоҳидлар билан ўнлаб йўналишлар бўйича қишлоқларга тарқалиб кетдилар.

Бухоро шайкини Салмон қўмондонлик қилаётган иттифоқчилар қўшинлари эса тўртта катта қимсдан иборат бўлиб. Фақат тўртта қисмдан йўналиш бўйича душманни таъқиб қила бошладилар. Тархун, Эртўба, Вардонхудот ва Феруз лашкарбошилик қилаётган бу қисмларнинг навкарлари сони ҳам мувофиқлаштирилмаган, бирида атиги беш минг навкар бўлса, бошқасида юз йигирма мингтагача навкар бор эди. Салмон уларни қайта тақсимламоқчи бўлганди, бироқ ўзини Бухоро шайкинидан кўра ақиллироқ санаган ва уддабуро ҳисоблайдиган Вардонхудот ҳам, Тархун ҳам қўшинларининг бўлинишини истамай, ўз билганларича урушни давом эттирдилар. Оқибатда кечгача душманни таъқиб этиш билан оввора бўлиб, жуда оз сонли мусулмон мужоҳидларини қўлга ола олдилар холос. Қолган қисмини эса назоратдан чиқариб қўйдилар.

Эртасига араблар тонг саҳарлаб иттифоқчилар қўшинлари турган жойга ҳужум бошладилар. Улар кечаги мағлубият аламидан важоҳат билан жангга ташланар эканлар, энди иттифоқчиларнинг қўшинлари бирлашишга улгуролмай қолдилар ва тартибсиз равишда жанг қила бошладилар. Мужоҳидлар ҳар замонда бир такбир айтиб, Оллоҳ номи билан мужодала бошлар эканлар, ўлимдан сира ҳайиқмас ва кофирларни чекинтирмагунча ортга қарамас эдилар.

Мана шундай ҳаёт-мамот жанглари узлуксиз ўн кун давом этди. Мужоҳидлар бу кунларни ўзлари учун рўза кунлари деб эълон қилган эдилар, очлик уларга заррача таъсир этмаган эди. Иттифоқчиларнинг эса силласи қуриди. Улар Карманагача чекиниб боргандилар. Қўшинлар орасида парокандалик, норозиликлар бошланди. Жангларнинг бирида тажрибасизлиги туфайли душманлар чангалига тушиб қолган Эртўба даҳшатли бир тарзда ўлдирилгач, туркларнинг ёлланма аскарлари майдонни ташлаб, ўз юртларига жўнаб қолдилар. Вардонхудот ҳам жангни ортиқ давом эттиролмаслигига кўзи етиб, яна олдинги сафардагидек қўшинларини чўлга қараб олиб кетди. Тархун эса чорасизликдан Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тил топишиш йўлини излай бошлади. У мусулмонлар амири қароргоҳига элчи юбориб, сулҳ сўради. Ибн Зиёд эса сулҳни фақат малика таклиф этган тақдирдагина урушни тўхтатиши мумкинлигини маълум қилди.

Тархун энди урушдан чиқиб ҳам кетолмасди, чунки омон қолган қўшинларнинг асосий қисми унга тегишли ва чекина-чекина унга қарашли ҳудудларгача келиб қолишган эди. Сўғд подшоси жангдан қўшинларини олиб кетадиган бўлса. Мусулмон мужоҳидлари, шубҳасиз уларни таъқиб этиб, Самарқандгача ҳам боришлари ва истило этишлари мумкин эди.

Тархун юзага келган вазиятни англаб етаркан, Салмондан Маликага одам юбортириб, сулҳ таклифи билан чиқишини сўраттирди. Салмон ҳам бошқа чора йўқлигини тушуниб, тезда мактуб билан Бухорога чопар юборди.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд Карманадаги жанглардан сўнг енгил нафас олди. У гарчи ўзи ҳам катта талофот берган бўлса-да, кофирларнинг энди урушишга ҳоллари қолмаганлигини сезганди. Шунинг учун оз сонли мужоҳидларини ўзи ишонган лашкарбоши Абдуллоҳ Ҳозим билан Карманада қолдириб, ўзи қолган мужоҳидлар билан ортга қайтди. Мусулмонлар амири навбатдаги жиҳоднинг муваффақиятли тугаётганидан мамнун ҳолда ислом лашкарларига эрк берди.

- Боринглар, Бухоронинг исталган хонадонини уч кунга сизлар учун ҳалол қилдим. Кўнглингизга сиққанича талончилик, айш-ишрат қилинглар!- деди.- Фақат учинчи куни шом чоғида ҳамма Варахшада йиғилсин!

Мужоҳидлар тўда-тўда бўлиб Бухоро қишлоқларига тарқалиб кетдилар. Ибн Зиёднинг ўзи ҳам шу куни махсус қўшини билан Работи Шер-Будунга кириб келди. Бухоронинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган бу манзилгоҳдаги шоҳона қаср унинг эътиборини тортди. Бу қаср Будун Бухорхудотга тегишли эканлиги, қасрда Будуннинг ўртанча хотини билан вояга етмаган икки ўғли ҳамда хизматкорлари яшашини билгач эса, уни бузиб ташлашларини, қасрдаги ёшу қари, эркагу-аёлларни эса қул ва чўри қилиб олишларини буюрди.

Ибн Зиёд бир чеккада босқинчи мужоҳидларнинг вахшийликларини томоша қилиб ўтирарди. Босқинчилар бир ёқдан қаср ичидаги бойликларни ташиб чиқишар, бир ёқдан дод-вовайло солаётган хотин-қизларнинг қўлларига кишан солиб, от ва туяларнинг думига боғлашар, ишга яроқли болалар ва эркакларни эса уриб-суриб бир жойга йиғишар эди. Шу пайт қаср ичидан қўлида шамшир ушлаган ёқавайрон бир гўзал аёл югуриб чиқди ва тўғри от устида қўр тўкиб ўтирган амир томонга кела бошлади. Навкарлар унинг йўлини тўсиб, ушламоқчи бўлдилар.

- Қўйворинглар, ёввойилар, вахшийлар! Мен подшоҳнинг хотинимин! Мен ўз тенгим билан гаплашаман!- деб қичқирди аёл.

- Тегманглар унга!- Ибн Зиёд форсча сўзлаб қичқираётган аёлнинг сўзларини эшитиб, отидан сакраб тушди ва унга яқинлашди.- Мен Хуросон амириман, подшоҳнинг хотини бўлсанг ҳам энди менга асирасан, сўзла, арзингни эшитаман!..

Аскарлар қуршовидан чиққан йигирма беш-ўттиз ёшлардаги қўнғир сочли, юзлари оч қизғиш, лабларюпқа бу сўғд аёли мовий кўзларини чақнатиб Ибн Зиёдга тик қарадида, қўлидаги шамширни унинг оёғи остига жаранглатиб отиб юборди.

- Бу эрим Будун Бухорхудотнинг менга қолдириб кетган шамшири,- деди аёл.- Беш йилдан буён мен уни ғурурим сифатида асраб келардим, аммо беш йилдан буён эримдан дарак йўқ. Энди ундан умидимни уздим. Хоҳласанг мени ўзингга хотин қилиб ол, хоҳласанг мана шу шамширни кўксимга уриб мени ўлдир, эй мард! Лекин мени хўрлашларига йўл қўйма, мен асилзодаман, хўрликка чидай олмайман!

Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг қонли жангларга гувоҳ бўлиб, тошга айланган юраги бир пасда эриди. Эридигина эмас, бу гўзал ва ғурурли аёлга унинг кўнгли суст кетди. Маликаи Будун кўз олдида намоён бўлди. Маликага етишиш осмондаги ойга етишишдек гап. Ундан кўра нақдини кўрсамчи, “Бухорхудотнинг ҳамма хотинлари шунақанги ғурурли, ақилли, ўз қадрини биладиган аёллар экан-да,- ўйлади у.- У эрига хиёнат қилмаяпти-ку, фақат бева аёл қилиши мумкин бўлган бирдан-бир тўғри ишни қилаяпти”.

Ибн Зиёд шамширни ердан олиб, ялтиллаб туран ўткир тиғига кўз югуртираркан, аёлга қарата деди:

-Агар эринг тирик бўлиб, бир кун қайтиб келса, қилган ишингдан пушаймон бўлмайсанми, эй заифа?

- Эримнинг тириклигига ишонганимда сенинг олдингга тирик ҳолда чиқмасдим,- дадил жавоб берди аёл.- Мабодо, Аҳриман мени адаштираётган бўлса, жазоимни Ахурамазданинг ўзи берсин!

- Сен мени ўзингга ром этдинг,- деди Ибн Зиёд,- подшоҳларга муносиб хотин эканлигинг кўриниб турибди. Лекин мен, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, сен эса

мажусийнинг қизи экансан. Агар дилингдан ҳозиргина ўзинг айтган Аҳриман-у Ахурамаздаларни чиқариб ташлаб, менинг динимга кирсанг, сени ўз никоҳимга олишдан мамнун бўлардим.

Аёл бир ерга, бир оппоқ булутлар сузиб юрган мовий осмонга нигоҳларини қадаб турди-да:

- Улуғ Яратгувчи аёлларга эрнинг измида бўлишни буюрган,- деди.- Мен тақдирга бўйсунаман...

Ибн Зиёдга бошқа гап керак эмас эди.

- Бу аёлни иззат-икром билан туяга миндиринглар,- деди у навкарларига.- Қасрни эса бузмай қўя қолинглар, ҳали у бизга керак бўлади.

* * *

Ибн Зиёд мужоҳидларига эрк берган кунлар ичида улар Бухорода шундай бир вахшиёна ва жирканч ишларни қила бошлашдики, булардан хабар топган Малика дарҳол Ибн Зиёдга одам юбориб, унга бўйсунишини маълум қилди ва сулҳ тузиш учун Кўҳандизга келишини сўради. Ибн Зиёд ғолибона руҳ билан Бухоро ҳукмдорининг қароргоҳига кириб келди.

- Биз урушда енгилдик, тан оламан,- деди Малика.- Аммо сизнинг мусулмонларингиз уруш қоидаларидан чиқиб, ҳаддан ошиб кетишди. Наҳотки, сизларнинг динингиз шундай қабиҳ ишларга рухсат берса?!

- Ал-қасосилминал ҳақ,- деди Убайдуллоҳ ибн Зиёд пинагини бузмай.- Сиз бизнинг гапимизга кирмай, ўн минглаб ислом лашкарларининг қони тўкилишига сабабчи бўлдингиз. Уларнинг хуни эвазига кўнглимиз таскин топгунча нима қилсак ҳам Оллоҳ бизни кечиради.

- Бу қилмишларингиз туфайли бизнинг халқимизда мусулмонларга нисбатан битмас-туганмас нафрат уйғотганларингизни ҳам биласизларми?- деди Малика қаҳр билан.- Ахир сизлар одамларни ўз динингизга киргизиш учун келган эдингиз-ку? Ислом номидан қилаётган бу ёвузликларингиздан кейин одамлар қандай исломга киришсин?

- Маликам, мени бу ерга баҳс-мунозара қилиш учун таклиф этганмидингиз ёки сулҳ тузишгами? Назаримда, ўтган сафарги учрашувимизда баҳслашиб бўлган эдик, шекилли?- деди Ибн Зиёд.- Нима яхши-ю нима ёмонлигини мен ҳам яхши тушунаман. Гапни қисқа қилиб, сулҳ ҳақида келишиб олайлик. У иложи борича Маликага қарамасликка ҳаракат қиларди.

- Маъқул,- деди Малика чиндан ҳам энди баҳсга ҳожат йўқлигини англаб.- Шартларингизни айтинг!

- Биринчидан, Бухоро мамлакати бундан кейин халифага тобе эканлигини тан оласиз ва биз белгилаган миқдорда товон тўлайсиз. Иккинчидан, то ислом динига кирмагунча халқдан ҳар йили жизя солиғи йиғиб берасиз. Учинчидан сизларга асир тушган мужоҳидларимизни озод қиласиз ва биз асир олган кишиларни олиб кетишимизга монелик қилмайсиз. Шартларимиз шу. Мен бу шартларни муҳокама этишингизни таъқиқлайман. Шуларга кўнсангизгина сулҳ тузиб, қайтиб кетишимиз мумкин. Акс ҳолда тахтингизни ҳам ағдариб ташлаб, бутун халқингизни қулларга айлантирамиз.

Малика кўрдики, Ибн Зиёдга гап уқтириб ҳам, юмшатиб ҳам бўлмайди. Қанчалик оғир бўлмасин, у рақибининг шартларини қабул қилишга мажбур эди.

- Қанча товон тўлашимизни истайсиз?- сўради у Ибн Зиёддан.

- Ўн миллион дирҳам. (балки) Бир туя оғирлигида тилла танга.

- Мен аъёнларим билан маслаҳатлашиб олишим керак,- деди Малика.- Чунки бунча пулни бир йўла бера олмаймиз...

- Бу сизнинг муаммонгиз, маликам. Халқингиз бой, сўранг, изланг, топинг! Биз кутиб турамиз.

Малика Ибн Зиёдни қабулхонада қолдириб, ўзи саройда тўпланиб турган амалдорлар-у асилзодалар билан маслаҳатлашиш учун чиқди.

- Гап шундай,- деди Малика уларга.- Сулҳ учун ўн миллион дирҳам тўлашимизни талаб қилишяпти. Агар товоннинг ҳаммасини хазинадан тўлайдиган бўлсам, давлат

хароб бўлади. Шунинг учун давлатимнинг таянчи бўлган сиз, асилзодаларга солиқ солишга мажбарман. Ҳар бирингиз ҳозироқ бориб, кучингиз етгунича, ўнмингми, юз мингми дирҳам пул топиб келинг.

Асилзодалар ва амалдорларнинг айримларигина вазиятни тушуниб: “Албатта, биз бор пулимизни келтириб берамиз”, дея чиқиб кетишди. Кўпчилиги эса нафасларини ичга ютишиб, бир-бирларига қараб ўтиришарди. “Пулни қаердан оламиз, биз унча бой эмасмиз”,”Хазинадан тўлаб қўяверсангиз бўларди, кейин халқдан йиғиб берардик” деганлар ҳам бўлди. Шунда улар орасида бўлган Хунукхудот:

- Кўнглингиз тўқ бўлсин, Маликам, пул топилади,- деди.- Сулхга қўрқмай имзо чекаверинг.

Хунукхудот бу гапни шундай оҳангда айтдики, Маликага ўн миллион дирҳамни Хунукхудотнинг ўзи ҳозироқ ёнидан чиқариб берадигандек тасаввур пайдо бўлди. Чиндан ҳам шу куни сулхни имзолаш чоғида тўрт нафар бақувват хизматкор Хунукхудот олиб келган бир қоп олтинни аранг кўтариб, Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг олдига келтириб қўйдилар.

Малика ўз мамлакатини асоратга солувчи бу оғир мажбуриятли сулхни чуқур ўкиниш билан имзолар экан, кўзларига жиққа ёш келди. У кўз ёшини қаршисида турган душманига кўрсатмасликка ҳаракат қилиб. Сулх ҳужжатини унга узата туриб, деди:

- Мана, муродингизга етдингиз! Энди мен учун бир мардлик қилинг, сиздан бир илтимосим бор...

- Сулҳимизга дахли бўлмаган ҳар қандай илтимосингизни бажаришга тайёрман, Маликам,- деди Ибн Зиёд мамнун ҳолда сулх ҳужжатини қўлига олар экан.

Малика канизакларини чақиртирди. Бири-биридан гғзал, навниҳол тўрт канизак эшикдан кириб келганини кўрган Ибн Зиёд Маликанинг нима демоқчи бўлаётганига фаҳми етмай, ҳайрон бўлиб турарди.

- Булардан хоҳлаганингизни танлаб олинг,- деди Малика Ибн Зиёдга қараб,- лекин менинг кундошим бўлган маликани ташлаб кетинг! Менинг илтимосим шу.

Ибн Зиёд нима сабабдан бу Малика кундошини сўраб олаётганига тушунмаса-да, жавобини айтди:

- у Оллоҳга имон келтириб, менинг никоҳимга кирди. Икки кундирки биз шаръий эр-хотин бўлиб яшаяпмиз. Сизнинг эрингиз энди унга номаҳрам. Лекин илтимосингизни бажаришга ваъда берганим учун шариатга хилоф бўлса-да уни талоқ қилишим, яъни қўйиб юборишим мумкин. Фақат бу билан сиз ҳам, мен ҳам унга жабр қилган бўламиз...

Малика:

- Сўзларингиз рост эканлигига қасам ичинг,- деди.

- Оллоҳ ҳақи, рост сўзлаяпман. Мен бугун собиқ кундошингизнинг илтимосига кўра унинг икки сағир ўғлини, кекса отаси ва онасини озод қилиб, ўз қасрларига юбордим. Менга ишонмасангиз, ўшалардан сўраб билишингиз мумкин, Маликам.

- Унда мен илтимосимни қайтариб олдим,- деди Малика.- Мен бошқача ўйлабман.

Малика канизакларига имо қилди, улар итоаткорона чиқиб кетишди.

- Майли, мен илтимосингизни бажара олмаганим учун бошқа бир хайрли иш қиламан,- деди Ибн Зиёд.- Асирларнинг ярмини, шу жумладан, барча хотин-қизларни озод қиламан!.. Энди менинг ҳам сиздан бир илтимосим бор, қабул қила олсангиз айтай?..

- Агар илтимосингиз шахсан ўзимга тааллуқли бўлса ва ор-номусимга дахли бўлмаса, айтинг, қабул қиламан,- деди Малика Ибн Зиёднинг нима демоқчи бўлганини сезгандай бўлиб.

- Йўқ, мен сиздан динимга киришингизни ёки менга хотин бўлишингизни илтимос қилмайман,- деди Ибн Зиёд ҳам Маликанинг хавотирини сезиб.- Мен фақат сиздан кечирим сўрамоқчиман. Сиз мажусий бўлсангиз-да доно сўзларингиз билан менда яхши таассурот қолдирдингиз. Иншооллоҳ, бир кун келиб муслима ҳам бўларсиз. Аммо мен сизга, мамлакатингизга, халқингизга жабр кўрсатиб, нафратингизга сазавор бўлдим. Менинг вазифам шуни тақозо

этарди, сиз шуни тушунишингизни истайман. Агар қўлингиздан келса мени кечиринг, Маликам. Илтимосим шу.

Ўзининг барча қабиҳ қилмишларини, уларнинг сабаб ва оқибатларини била туриб амалга оширадиган, бутун жиноятларини Оллоҳга эътиқоди-ю ўз халифасига садоқати билан оқламоқчи бўлаётган, ҳам мулойим, ҳам қаттиқ табиатли бу душманини Малика ҳар қанча тушунишга ҳаракат қилса ҳам ҳеч қачон кечира олмасди. У буни Ибн Зиёдга очиқ айтди.

- Агар мен сиз каби икки юзли бўлганимда, майли кечирдим, деган бўлардим,- деди у Ибн Зиёдга.- Лекин бунинг иложи йўқлигини ўзингиз яхши тушунсангиз керак. Сизни кечиришим бу жиноятларингизга шерик бўлишим, қўллаб-қувватлашим бўлур эди. Энди орамизда сулҳ бор, бу душманчилигимизни барқарор қилувчи ҳужжатдир. Қачонки, бу сулх бекор бўлса, биз бир-биримизни кечириш ҳақида гаплашишимиз мумкин. Кечириш, бу дўстликнинг бошланиши демакдир, буни эсингизда тутинг, эй, амир! Мен сизга аввал ҳам айтган эдим, қилич билан ҳамма нарсагаэришиб бўлмайди, айниқса сиз истаётган меҳр-шафқатга, дўстликка! Сиз юртимизга қилич кўтариб келиб, катта бойликка эга бўлиб кетаяпсиз. Аммо бойлик бизнинг оёқ остимиздаги нарсадир. Меҳр-мурувват эса қалб гавҳари, қалб бойлиги, уни сизга беролмаймиз. Менинг сўзларим юрагингизда ўрнашиб, сизда яхши таассурот қолдирган бўлса, келинг, яхшиси, мени эслаб юришингиз учун шахсан бир нарса ҳадя этай...

Шундай дея Малика яна канизакларидан бирини чақириб, унга:

- Менинг қимматбаҳо буюмларим орасидан бирор нарса олиб кел!- деб буюрди.- Шошма, ҳалиги, қизил этигимни олиб келақол!

Канизак чиқиб, дарҳол Малика байрам кунларидагина киядиган қимматбаҳо тошлар билан безатилган, зар билан тикилган, чўғдай қип-қизил этикни олиб келди.

- Бу мендан сизга ҳадя,- деди Малика уни қўлига олиб, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга узатар экан.

Мулзам бўлган Ибн Зиёд этикни ноилож олар экан, бир дақиқалик сукутдан сўнг унинг бир пойини Маликага қайтариб бера туриб:

- Маликам, мен сизнинг донолигингизга яна бир карра тан бердим,- деди.- Сиз урушда мағлуб бўлсангиз ҳам, мени оёғингиз учида кўриб, атайин этигингизни ҳадя этаяпсиз. Лекин бунинг бир пойини ўзингизга олиб қўйинг, токим бир оёғингиз Бухорода бўлса, иккинчиси Хуросонда бўлиб, бундан кейин дўстона борди-келди қилайлик. Умид қиламанки, бир кун хатоларимизни англаб, биз бир-биримизни тушунамиз. Илтимос мени умидимдан айирманг, ноумид – шайтон...

Шундай қилиб, Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бухоро Маликаси ҳузуридан мажҳул бир кайфиятда чиқиб кетаркан, кейинчалик ўзи билан халифа ўртасида низо чиқишига сабабчи бўлган, қиймати икки юз минг дирҳам билан баҳоланган ўша бир пой этикни ҳамда унинг ичидаги пайпоқни ҳам олиб кетди.

* * *

Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бухородан катта ўлжа билан қайтганидан кейин орадан бир йилдан ошиқроқ вақт ўтди. У ўлжаларининг бир қисмини адолат билан жангчиларга тақсимлаб бериб, қолганини товон сифатида ундирилган бир халта олтин устига қўшиб, шахсан ўзи халифага олиб бориб топширган эди. Ўшанда хурсандлигидан терисига сиғмай, Ибн Зиёдни кўкларга кўтариб мақтаган Муовия ибн Абу Сўфиённинг Хуросон волийсига муносабати энди негадир ёмон томонга ўзгара бошлаган эди. Буни Ибн Зиёд бу йил ҳеч қаерга истилочилик юришлари қилмай, ички ишлар билан шуғулланганлиги учун халифалик хазинасига бултургидек даромад келтирмаганлиги туфайли деб тушунарди. Лекин халифанинг Ибн Зиёддан норозилигининг сабаби бошқа ёқда эди. Бу Бухоро Маликаси ибн Зиёдга ҳадя этган ўша бир пой этик билан боғлиқ эдики, очкўз халифа айғоқчиларининг этик ҳақида унга етказган хабарларидан сўнг нега Ибн Зиёд бу ҳақда менга гапирмабди, этикни мендан яширибди дея

астойдил хафа бўлган эди. Бундан ташқари қариб қуюлмаган халифа Ибн Зиёднинг Бухородан гўзал бир зодагон аёлни ўз никоҳига олиб қайтганини-ю, кейин барча асираларни озод қилиб юборганини ҳам эшитган ва халифанинг бегона юрт аёлларига бўлган иштиёқини қондириш учун ақалли бирорта асира тортиқ этмаган ноибидан норозилиги янада ортган эди. Аммо халифа бу нарсалар ҳақида Ибн Зиёдга оғиз очмас, фақат арзимаган юмушлар билан ҳузурига чақираверар ва ҳуда-беҳудага унга ғазабини сочиб, волийликдан бўшатиши ҳақида пўписа қилар эди.

Ниҳоят Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг ўрнига Муовиянинг ўзига тегишли бўлган муносиб бир одам топилиб, халифа уни вазифасидан олишга қарор қилди. Лекин Ибн Зиёдни волийликдан четлаштириш учун ҳам бўйнига жўяли бир айб қўйиш керак эди. Мовароуннаҳрдан йиғиб олиниши керак бўлган жизя солиғининг халифалик хазинасига ҳанузгача тушмаганлиги Ибн Зиёдга айб қўйиш учун баҳона бўлди. Халифа уни ҳузурига чақириб шу ҳақда сўз очди:

- Мавороуннаҳр жиҳодидан қайтганингга қанча бўлди, Убайдуллоҳ?- узоқдан гап бошлади халифа.

- Бир йилдан сал ошди, амирим.

- Бир йилдан ошди,- соқолини тутамлаб қўйди Муовия,- лекин ҳали хазинага жизя ҳисобидан бир чақа туўурганинг йўқ!

- Тўғри, амирим, Хуросондаги ички юмушлар билан оввора бўлиб, Бухорога боролмадим...

- Сен ўзинг боришинг шарт эмас эди-ку, Убайдуллоҳ, топган баҳонангни қара, Бухоро Маликаси билан ёлғондакам сулҳ тузиб келганман, деб айт-қўй! Нима қиласан ўзингни қийнаб?

Убайдуллоҳ ибн Зиёд учун бу оғир айблов эди, шунинг учун жим туролмади.

- Амирим, ўша сулхга мувафиқ бир миллион дирҳам баҳосида олтин, тўрт минг нафар қул олиб келганимда бундай шубҳага бормаган эдингиз, шекилли?- деди у хафа бўлганини ошкор қилган ҳолда.

- Сен кўрсатган хизматингни миннат қилма!- деди Муовия.- Яхшиси, биздан яширган ишларинг учун жавоб бер. Хўш нима учун Малика берган гавҳарли этик ҳақида менга лом-мим демай, уни ўзингга олиб қолгансан? Нима, буларни халифа билмайди, деб ўйлаганмидинг?

Ибн Зиёд халифанинг важоҳатидан қўрқиб кетди. “Тамом,- дея ўйлади у,- энди унга гап тушунтиришга уриниш бефойда. Яхшиси, жимгина сукут сақлай. Олса, олсин лавозимимни ҳам”.

- Хўш, нега жим бўлиб қолдинг? Гуноҳларингни яна айтаверайми? Фақат ўз маишатингни ўйлаб, бир танноз мажусий аёлни харамингга олиб келгансан, бошқа муҳтожларга эса бундай қилишга рухсат бермагансан, Хуросонга олиб келган қулларингни ҳам бирма-бир озод қилиб юбораяпсан! Хўш, бу сенинг раҳмдиллигингданми ёки Бухоро Маликаси билан тил бириктириб келганлигинг учунми?

Ибн Зиёднинг бош эгиб, ҳамон жим турганлигини кўрган халифа уни муттаҳам қила олдим, дея ўйлади ва овозини сал пастлатиб, гўё шафқат қилаётгандек қаради, кейин деди:

- Майли, эгилган бошни қилич кесмас. Шунча йил динимиз учун яхши хизмат қилиб келгансан. Шуларни ҳисобга олиб, гуноҳингдан ўтаман. Лекин Хуросон волийлигини энди топширасан. Ўша этикни ҳам менга келтириб берасан!

- Амрингиз бош устига, улуғ амир!- Ибн Зиёд иши жаллодга ўтмаганига шукр қилиб, қўлини кўксига қўйди.- Лекин сизга айтишганми, йўқми, Малика ҳадя этган этик бир пой эди, қасам ичишим мумкин...

- Иккинчи пойи қаерда?

- маликанинг ўзида... Ирим қилиб, чап пойини олмагандим...

Муовия индамади, чунки унга этикнинг ўзи бир пой эканлигини айтишган эди.

- Майли, сўзингга ишондим,- деди у. – Иккинчи пойини янги волий олиб келиб беради. Сенинг ўрнингга ҳазрат Усмон ибн Аффоннинг, Оллоҳ ундан рози бўлсин, ўғиллари

САъидни тайинлаяпман. Сен бориб, тайёргарлигингни кўравер, жумъа куни Саъид ёрлиқ билан Марвга боради.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд елкасидан тоғ қулагандек енгил тортиб, халифа ҳузуридан чиқди. Ўзи Бухородан қайтиб келганидан буён давлат ишларидан безиб қолган, Оллоҳдан ҳам қўрқмайдиган золим халифа билан ишлаш – гуноҳларини кўпайтириш эканлигини тушуниб виждонан қийналиб юрган эди. Ниҳоят, у халифа олдида доим юрагини ҳовучлаб туришдан қутиладиган, қолган ҳаётини тоат-ибодат, тавба-тазарру қилиш билан осойишта ўтказадиган бўлди.

Маликаи Будуннинг дин, одамлар, зўравонлик, илм ва жаҳолат ҳақида айтган сўзларининг маъносини чақиб кўрган ва нима учун бухороликларни исломга кирита олмаганлигининг сабабини ўзича мулоҳаза қилиб кўрган Ибн Зиёд кейинги пайтларда табиатан анча ўзгариб қолган эди. У ислом динини бутун дунёга ёйиш учун араблар шошқалоқлик қилаётганликларини, бунинг устига пайғамбар кўрсатган йўлдан оғиб, зўравонлик, зулм ўтказиш орқали халқларни исломга киритмоқчи бўлганликларини ва бу йўл ўзларининг зарарларига хизмат қилаётганини тушуниб етди. Илгарилари Қусам ибн Аббос сингари дин фидойилари ҳам одамларни зўрлаб исломга киритиш номақбул эканлигидан баҳс қилганларида Ибн Зиёд пайғамбар ҳам мушриклар билан бир неча марта жанг қилиб, уларни енгиш орқали Оллоҳни танитганларини мисол қилиб кўрсатар ва ўзини оқлар эди. Аммо саодат асри1 тарихини чуқурроқ ўрганиши натижасида шу нарса унга равшан бўлдики, пайғамбар иштирокидаги бундай жанглар фақат мушрикларнинг мусулмонларга ўтказган зулмлари сабабли содир бўлган экан.

Ибн Зиёд энди ўз хатоларини тузата бошлаган эди. У Бухородан қул қилиб олиб келинган ғайридинларни қурилишларда, экинзорларда ишлатар экан, ишбошиларнинг улар билан тўғри муносабатда бўлишларини талаб қилар, уларга ислом динининг афзалликларини тушунтириш ва амалда кўрсатишга интилар эди. Ибн Зиёд исломга кириб, мусулмончилик амалларини ихтиёрий равишда бажара

бошлаган қулларга озодлик ва юртларига қайтиш ҳуқуқи борлигини эълон қилган эди. Бу фармондан кейин айрим ўжар бухороликларни айтмаганда ҳайридинларнинг деярли барчалари ёлғондакам имон келтириб, ўзларини мусулмон қилиб кўрсата бошладилар! Бироқ Ибн Зиёд ҳам анойи эмасди. У янги “мусулмон”ларнинг имон-эътиқодини синаш учун тўққиз ойлик муддат белгилади. Шу муддат ичида сабр-тоқат билан ҳар куни беш вақт намозни канда қилмай, исломий калималарни ҳамда Қуръон оятларини ёдлаб, уларнинг мазмуни ва моҳиятини тушунган бухороликларнинг кўпчилиги учун мусулмончилик юзакилик чегарасини бузиб, ихлосга айлана бошлади. Ана шундан кейингина Убайдуллоҳ ибн Зиёд уларни шахсан ўзи имтиҳон қилиб, сидқидилдан мусулсон бўлганларини ўз юртларига қайтариб юбораверди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд ўзининг ишидан мамнун эди. Чунки бора-бора қулларнинг ҳаммаси исломга кириб ватанларига қайтганларида, Бухорода ҳам тўрт минг мусулмон пайдо бўлган бўлар эди. Лекин бухороликларнинг ярмидан кўпроғи озод қилинган пайтда Ибн Зиёд волийликни Саъид ибн Усмонга топширди ва янги волий бу тартибни бекор қилди. Шу тариқа ўжарлиги туфайли дастлаб исломдан бўйин товлаган икки минг нафарга яқин бухороликлар кейинчалик мусулмон бўлганларида ҳам қулликларича Хуросонда қолиб кетдилар. Халифа Ҳорун ар-Рашид1 замонидагина уларнинг қолган-қутган авлодларининг шикояти инобатга олиниб, қулликдан расман озод қилиндилар.

Саъид ибн УсмонХуросон волийси этиб тайинлангач, биринчи галда эътиборини Мавороуннаҳрга қаратди. Чунки халифа Муовия айнан Мавороуннаҳр масаласидаги келишмовчилик туфайли Ибн Зиёдни волийликдан бўшатган, саъид ибн Усмон Жайхун ортидаги юртни тўлиқ истило этишини кутаётган эди. Саъид Бухоро Маликасига жизя солиқларини тўлашни эслатиб, дарҳол ўз вакилларини жўнатди. Бироқ Малика уларни қуруқ қайтаришга мажбур эди, чунки бу пайтда Бухоро аҳлининг Маликаи Будундан норозиликлари кучайган бўлиб, улардан зижя ундиришга

уриниш ёнаётган оловни баттар алангалатган бўлур эди. Шунинг учун Малика Саъид ибн Усмондан тўлов муддатини яна олти ойга кечиктиришини сўраб, жавоб қайтарди.

Кўз очиб-юмгунча олти ой ҳам ўтди. Саъид ибн Усмон иккинчи марта Бухорога вакилларини юборди. Бу сафар у Маликадан жизя солиғини ҳеч қандай баҳона кўрсатмай тўлашни қатъий талаб қилди. Акс ҳолда, Бухоро устига юриш бошлаши ҳақида огоҳлантирди. Малика жизя учун белгиланган миқдорнинг бир қисминигина бериб юбориб, Хуросон волийсидан яна муҳлат сўради.

... Саъид ибн Усмон зўр бериб, урушга тайёрлана бошлади.

* * *

Бухорода Маликаи Будундан норозилар пайдо бўлишининг сабаблари асосан бундан икки йил бурун Убайдуллоҳ ибн Зиёд халқ бошига солиб кетган кулфатлар билан боғлиқ эди. Норозиликлар тўлқини дастлаб урушда яқинлари ҳалок бўлган жафокаш халқ орасида, кейин ўғли Аспатак араблар томонидан қул қилиб олиб кетилган занданалик аламзада савдогар таъсиридаги бой табақа орасида, ундан кейин эса ана шу норозиликлардан фойдаланиб, Маликани ҳокимиятдан четлаштирмоқчи бўлган айрим фитначи амалдорлар орасида бошланган эди.

Малика оддий халқ ва бой-савдогарлар норозилигининг сабабини тушунар ва бунда ҳақиқатан ҳам, ўзини маълум даражада айбдор деб ҳисоблар эди. Лекин ҳокимиятга қарши зимдан иш олиб бораётган фитначиларнинг фисқу фасодларига чидай олмас, уларнинг бошида ким турганлигини била олмай дарғазаб бўлар эди. Чунки, фитначилар ўзларини оддий халқ ёки савдогарлар табақаси ичидаги норози кишилар сингари очиқ намоён этмасдилар. Улар фисқ-фужур билан шуғулланиб, одамлар орасида гўё Малика эри Туркистонга жўнаб кетгандан буён вазири Алп Арслон билан ўйнашиб юрганлиги, ўғли Тоғшода ҳам Будундан эмас, балки Алп Арслондан бўлганлиги тўғрисида ифлос миш-мишларни тарқатар эдилар. Малика илк марта Алп Арслоннинг ўзидан эшитган бу хунук миш-миш аслида кимдан чиққанлигини била олмади.

Алп Арслон хотини Нигина хонимдан, Нигина хоним Кунтуғмишдан, Кунтуғмиш яна аллакимдан эшитган бу гапларни Маликага айтиб берар экан, софдил Алп Арслон Маликанинг шаънини ҳимоя қилиш учун вазирликдан истеъфо бериб, саройни тарк этажагини маълум қилди.

- Асло бундай қила кўрма,- деди Малика уни қароридан қайтаришга уринаркан.- Бундай қилсанг, одамлар ҳақиқатан ҳам Малика билан вазирнинг орасида бир гап бор экан-да, деб ўйлашлари мумкин-ку! Бу жирканч бўҳтонга муносиб жавоб беришнинг бирдан бир йўли – унга эътибор қилмаслик!

- Қандай қилиб эътибор қилмаслик мумкин, ахир, Маликам?- деди Алп Арслон изтироб билан,- мен ё бу миш-мишларни тарқатаётганлар кимлигини аниқлаб, уларни эл олдида шарманда қилишим, ё уларга қасдма-қасд бу ердан бош олиб кетишим ва сиз билан ҳеч қачон учрашмаслигим керак. Мен гапнинг кетидан қувиб, Ромушгача бориб келдим...

- Ромушга?..- Бухорхудотларнинг қариндошлари яшайдиган қишлоқ номини эшитиб ҳайрон бўлди Малика.

- Ҳа. Кунтуғмиш бу гапни ўша ердан, Махр ва Бойбиканинг авлодлари бўлган хотинлар даврасидан эшитган экан.

- Хўш – хўш?..

- Ҳеч нарсани аниқлаёлмадим... Кейин борганимга ўзим пушаймон едим. Ахир, бу гап бир Ромушда эмас, ҳамма жойда тарқалиб бўлган экан-да.

- Ҳм-м,- муштларини тугганча, пастки лабини тишлади Малика,- менимча бу пасткашлик Вардонхудотнинг иши... Чунки Убайдуллоҳ ибн Зиёд сени озод қилиб, Ферузни асир сифатида Хуросонга олиб кетганида Вардонхудот ҳузуримга келиб, менга бу ишни атайлаб уюштиргансан, деб даъво қилган эди.

- Тўғри, Вардонхудот бизни кўришга кўзи йўқ, сабаби укаси Феруз сизнинг хизматингизни қилиб келгани. У Ферузнинг мавқеи саройда ҳамманикидан баланд бўлишини истарди. Бошдаёқ уни вазир қилиб қўйсангиз бўларкан...

Лекин Вардонхудот, барибир мард одам. Бу гап ундан чиқмаган, деб ўйлайман

- Ундан чиқмаган бўлса ҳам у бошқаларга шу гапни чиқариш учун баҳона топиб берди-ку?! Ахир, менга қилган даъвосини бошқаларга ҳам айтган бўлса, шунинг ўзи етарли...

- Бу гапингизда жон бор. Қизиқ, Ферузнинг ўзи менинг асирликдан озод қилинишим-у, ўзининг асир қилиб олиб кетилганлигини, бунинг устига Хуросондан қайтиб келгандан сўнг сиз уни бош соқчиликдан бўшатиб юборганингизни қандай тушунган экан-а?

- Наҳотки, сен унинг қандайлигини қадрдон дўсти бўла туриб билмасанг?! У бу воқеаларни мутлақо тўғри тушунади. Сен ҳам, мен ҳам уни сотмаслигимизга, унга хиёнат қилмаслигимизга ишонади.

- Қайдам, елкасини қисди Алп Арслон,- одам ўзгариши мумкин экан. Мен Ферузни Хуросондан мусулмон бўлиб келади, деб сира ўйламагандим.

- Бу мутлақо бошқа масала. Диний эътиқоднинг ўзгариши одамийликни белгиламайди. Феруз мусулмон бўлган бўлса ҳам ҳали-ҳали ўша пок ниятли, олижаноб инсон.

- Шундай дейсиз-куя, юртимизга шунча кулфат ёғдирган душманларнинг динини қабул қилиш улар томонга ўтиш билан баробар-да.

- Йўқ, йўқ. Асло! Феруз арабларнинг ўзини эмас, динини тан олган, холос. Сен айтган гапларни мен ҳам унга айтиб, кўп баҳслашдим. Лекин у мени ўзига ишонтира олди. Агар араблар яна уруш қилиб келадиган бўлса, сўнгги қоним қолгунча уларга қарши жанг қиламан, деб онт ичди. Лекин “Мен ислом нималигини тушундим, энди ундан кечмайман” деди. Хуллас, мен ферузга ишонаман, унинг миш-мишларга мутлақо даҳли йўқ. Уни бош соқчиликдан сира бўшатгим йўқ эди. Лекин ўзи айтди, “душманларимиз динига кирган ҳолда мен сизга соқчилик қилиб турсам, халқнинг норозилиги яна кучаяди” деди. Гапи тўғри эди. Шунинг учун уни бўшатишга мажбур бўлдим. Қўй, Феруз ҳақида баҳслашмайлик. Унинг эътиқодига, иродасига қойил қолиш керак ўзи. Мусулмон бўлгани учун акаси ҳам, хотини ҳам ундан юз ўгиришган, ҳаммасига чидаяпти бечора... Ёлғиз Оллоҳга суянаяпти.

Алп Арслон индамади. Назарида Ферузни ҳимоя қилаётган Маликанинг ҳам ислом динига мойиллиги бордек туюлди. “Наҳотки, ислом дини шу қадар кучлик бўлса?- ўйларди у. – Феруз чиндан ҳам ақлли, илмли, мендан кўра донороқ эди. У бекорга мусулмон бўлмаган. Доно Малика ҳам уни оқлаяпти...”

- Алп Арслон,- озгина сукутдан кейин сўзлашда давом этди Малика. – Оғир бўл, миш-мишларга эътибор қилма! Менга ҳам алам қилади, лекин на чора чидайман-да. Ахир, тепамизда ҳамма нарсани билгувчи, кўргувчи, эртами-кечми фосиқларга жазо бергувчи ёлғиз Яратгувчи бор-ку! Шу менга таскин беради, холос. Сенинг Кўк-Тангринг ҳам, Ферузнинг Оллоҳи ҳам ўша зот. Мен унинг борлигига имон келтирганман, дарғазаб бўлган, жонимдан ҳам тўйган чоғларимда дарҳол уни эсга оламан ва руҳиятим сокинлашади. Сен ҳам шундай қил...

- Раҳмат Маликам,- деди Алп Арслон чеҳраси ёришиб,- юрагимдан ғашликни кўтардингиз.

Малика Алп Арслон чиқиб кетгач, ўз хаёллари билан, қайғули ўйлари билан ёлғиз қолди. У вазирини алдаган эди: руҳияти сокин эмасди. Юрт бошига тушган оғир савдо – чегара ортидаги уруш хавфи ва ўз бошига тушган оғир савдо – юртдаги ишончсизлик, нотинчлик муаммолари гирдобида қолган эди у. Руҳан эзилган мана шундай кезларда Малика беғам ва бахтиёр болалик чоғларини эсга олар, кейин эса эндигина тўртни тўлдириб, беш ёшга қадам қўйган ўғли Тоғшоданинг олдига борар ва уни бағрига босиб: “Ўғилгинам! Тезроқ катта бўл, менинг қўлимдан мамлакатни ол! Сенга отангнинг тожу тахтини бус-бутун топшира олармиканман?”- дея дув-дув тўкилган кўз ёшлари билан ёш гўдакни ҳайрон қолдирар эди.

* * *

Саъид ибн Усмон Убайдуллоҳ ибн Зиёд сингари қўққисидан ҳужум бошламади. У ислом лашкарлари билан Фарабда турар экан, Бухоро ва Самарқанд ҳукмдорларига элчилар юбориб, уларга қарши уруш очаётганлигини маълум қилди.

Маликаи Будун бу хабарни олиши билан дарҳол барча қишлоқларнинг оқсоқолларини, амалдорларини ҳузурига чақириб, уларга вазиятни маълум қилди. У вазири Алп Арслон ва маслаҳатчиси Хунукхудот билан гапни бир жойга қўйган эди.

- Биз арабларга куч билан бас келолмаймиз, таслим бўлсак ҳам товон тўлашга қурбимиз етмайди,- дея оқсоқоллар ва бошқа амалдорларга режасини билдира бошлади Малика. – шунинг учун бир ҳийла ишлатсак, яъни уларнинг динини ёлғондакам қабул қилиб, истакларини бажо келтирсак, нима дейсизлар?

Келишилгандек, биринчи бўлиб Алп Арслон Маликанинг таклифини қўллаб-қувватлади.

- Албатта, шундай қилишимиз керак. Майли биз уларнинг олдида мусулмонларнинг Оллоҳига имон келтириб, ислом динини қабул қилайлик. Лекин дилимизда ўз динимиз, ўз худомизга эътиқодимизни сақлаб тураверайлик. Шунда халқимизга жабр бўлмайди. Озроққина ўлпон тўлаймиз, холос. Араблар юртларига қайтиб кетгач эса яна ўз ибодатларимизни давом эттираверамиз.

- Улар бизнинг ҳийламизни сезишмайди деб ўйлайсизми, Маликам?- деди кекса оқсоқоллардан бири.- Айниқса, орамизда сотқинлар бўлган пайтда? Мен Хуросондан мусулмон бўлиб қайтган минглаб юртдошларимизни назарда тутаяпман. Йўқ, менимча, қўрқоқ ва хиёнаткор деб ном чиқаргандан кўра сўнгги имконимизга қадар душман билан курашишимиз керак.

Энди гапириш навбати Хунукхудотга етди.

- Сизнинг ватанпарварлигингиз жуда яхши,- деди у вазминлик билан сўз бошлаб.- Ҳаммамизда ҳам шундай жасорат топилади деб ўйлайман. Аммо жонимизни қурбон қилган билан ватанимизни душмандан сақлаб қола оламизми, йўқми? Ана шуни ўйлаш керак! Уч йил бурун улар билан урушиб нимага эришдик? Қанча халқимиз қирилиб кетди, шаҳар, қишлоқларимиз вайрон бўлди. Яна бунинг устига катта миқдорда товон тўлашга мажбур бўлдик. Улар динларини қабул қилмагунимизча ҳар йили халқдан алоҳида солиқ йиғиб беришимизни талаб қилишяпти. Ҳозир уруш

бошлаб келишларининг сабаби ҳам ўша солиқни бермаганимизда. Шундай экан, менга ҳам Маликамиз ва вазирнинг таклифлари маъқул кўринаяпти.

- Жаноб Хунукхудот, сиз у сафар сулх тузилганда, товон ва ҳар йиллик солиқларни тўлашни ўз зиммангизга олмоқчи эдингиз, шекилли?- луқма ташлади амалдорлардан бири.

Хунукхудот бу ҳасадгўй амалдорнинг луқмасига жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, лекин ундан олдин Малика кескир гап билан унинг оғзига урди.

- Нима демоқчисан бу билан, эй, нодон?! Хунукхудот сўзида туриб, тўлайвериши мумкин. Лекин мен унинг пуллари ҳеч нарсадан ҳеч нарсага душманларимиз хазинасига бориб тушаверишини истамайман! Ундан кўра шу пулларни ўз юртимизнинг равнақи учун сарфлаганимиз яхши эмасми?

Амалдор ғудраниб жойига ўтирди. Лекин ҳали Маликанинг таклифини кўпчилик қўллаб-қувватламаётган эди. Йиғин аҳли ўртасида ўзаро пичир-пичир бошланди.

- Маликам,- яна сўз олдин гапирган кекса оқсоқол,- биз Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузилган сулхни маъқуллаган эдик. Ўша сулх ўз кучида қолаверсин. Босқинчилар динини қабул қилганимиздан кўра жизя тўлаганимиз яхши. Сиз ёлғондан исломни қабул қиламиз, деяпсиз. Лекин авом халқ чиндан ҳам исломга ўтиб кетмаслигига кафолат йўқ-ку? Ахир, бир йилгина Хуросонда мусулмонлар орасида яшаб келган кишилар ўзларининг ҳақиқий мусулмон бўлганликларини инкор этишмаяпти-ку? Шунинг учун халқ орасига исломнинг кириб келишига йўл қўйиб бермайлик.

- Мен халққа жабр бўлмасин, деган ўй билан ўз таклифимни айтдим,- деди Малика.- Агар сизлар, йўқ жабр бўлмайди, жизяни йиғиб берамиз десангизлар, мен олдинги сулхни ўз кучида сақлаб қолишим мумкин. Тезроқ бир қарорга келинглар...

Йиғин аҳлидан яна уч-тўрт киши оқсоқолнинг гапини маъқуллаб, арабларга жизя солиғини йиғиб беришга рози эканликларини, лекин сохта мусулмон бўлиш билан ўзларини ҳам, босқинчиларни ҳам алдай олмасликларини

айтишди. Шундан кейин Малика йиғинни тўхтатди ва Саъид ибн Усмонга “Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузган сулхимда барқарорман” мазмунида мактуб ва жизя солиғининг қолган қисмини юборишга қарор қилди.

Саъид ибн Усмон Бухоро Маликаси юборган мактуб ва пулни олиб, диний йўл-йўриқчиси Қусам ибн аббос билан маслаҳатлашди.

- Аёллар фикрларини тез ўзгартирадилар,- деди Қусам ибн Аббос ўйланиб туриб,- шунинг учун Бухоро Маликаси ҳам қанчалик доно бўлмасин, ўз сиёсатида барқарор эканлигига шубҳа қиламан, валлоҳи аълам биссавоб1. лекин ҳозир сўзининг исботи учун пул юборибдими, демак унга ишонишимиз ва уруш бошламаслигимиз керак. Қачонки, у бизга қарши бирор ҳаракат қилса, Оллоҳ номи билан жиҳодга киришга ҳақли бўламиз.

- Унда мен Маликага жавоб мактуби юбориб, сулхни ва пулни қабул қилганимизни билдираман. Биз Бухоро орқали Самарқандга юриш қиламиз, балки Тархун билан ҳам шундай сулхга келишармиз...

... Саъид ибн Усмоннинг лашкарлари Бухорога яқинлашганларида, Самарқанд, Кеш ва Нахшобдан тархун юборган бир юз йигирма минг қўшин Бухорога келиб, уларнинг лашкарбошилари маликаи Будундан арабларга қарши урушга киришини талаб қила бошлаган эдилар. Малика араблар билан сулхга келишилганлиги ва урушиш фойда бермаслигини ҳар қанча тушунтиришга уринса ҳам Тархуннинг қўшинлари бошлиғи аҳдидан қайтмай, араблар билан урушамиз деб туриб олди. Унинг босқинчиларни енгишга бўлган ишончи Маликанинг ҳам фикрини ўзгартиришга мажбур қилди.

Малика сулх тузилганлиги ва пул юборганлигидан пушаймонлик билдириб, Саъид ибн Усмонга яна одам юборди ва мусулмон лашкарлари билан жанг қилишга тайёр эканлигини билдирди. Буни эшитган Саъид ибн Усмон кулиб қўйди ва Қусам ибн Аббоснинг аёллар ҳақида айтган гапи ҳақ эканлигига яна бир карра амин бўлди. У Маликага пулларни қайтариб юборар экан, “Бизнинг орамизда сулх йўқ, урушсак

– ора очиқ бўлади” мазмунида хат юбориб, Маликанинг жангга даъватини қабул қилганини билдирди.

Эртаси куни мусулмонларнинг сон-саноқсиз қўшинлари мўри-малахдек Бухоро устига ёприлиб келавердилар. Шаҳар ташқарисида уларни кутиб турган Сўғд аскарлари бунчалик кўп сонли душманни кўриб, хушлари бошдан учди. Маликанинг ўзи ҳам бу сафар жангда қатнашиш учун совуту дубулға кийиб, учқур оти билан олдинга чиқиб турган эди.

- Қани олға, йигитлар!- деб қичқирди у ортида турган қўшинларига.- Ота-боболаримизнинг қаҳрамонликларини ёдга олинглар! Уларнинг руҳи ёр бўлсин!

Малика безовта кишнаётган отига қамчи уриб жанг майдони сари елиб кетди. Жангчилар унинг орқасидан “Олға!”, “Олға!” дея гулдурос солганча олдинга ташландилар. Бироқ душман сафларига яқинлашган сари отлиқ жангчиларнинг шашти пасайиб, ўзларини орқага торта бошладилар. Уларнинг аксарияти бундан уч йил бурунги жангларда қатнашиб, мусулмон жанариларидан юраксада бўлган навкарлар эдиларки, ўлим билан рўпара келишдан ваҳимага тушаётган эдилар.

“Олға!” ҳайқиришлари аста-секин камайиб, қарама-қарши тарафдан келаётган “Оллоҳу акбар!” ҳайқириқлари тобора кучайиб бораётган эди. Малика ортига қараб, қўшинларнинг ярми тўғри келган томонга қочиб бораётганлигини кўрди.

- Ярамаслар! Қўрқоқлар!- ғазаб билан қичқирди Малика отининг жиловини тортиб тўхтатишга ҳаракат қиларкан.- Ҳали мен сизларга ишонган эдимми?!

Бармоқ билан санарли одамларгина малика билан изма-из олға босиб келар эдилар. Уларнинг орасида Салмон, Хунукхудот, Алп Арслон, Феруз ва бошқа таниқли кишилар бор эди. Улар Маликага етиб олиб, отларини тўхтатишди. Ҳаммаларининг юзларида таҳликали бир ҳаяжон бор эди.

- Қўрқоқлар!!! Номардлар!!!- ҳамон ўзини босолмай, қочиб кетган лашкарбошилар-у жангчиларни сўкар эди Малика.

- Энди фойдаси йўқ,- деди Хунукхудот Маликага,- уларни қайтариб бўлмайди... Мен шундай бўлишини сезган эдим!

- Тархуннинг лашкарбошилари бизни алдашган экан!- деди Салмон.- Биринчи бўлиб улар орқага қочишни бошлашди!

- Тархун атайлаб бизни шарманда қилмоқчи экан-да!- деди ғазабланиб Алп Арслон.

- Бўлар иш бўлди энди,- деди Хунукхудот.- Муҳокама этиб ўтиришга вақт йўқ. Ана, душман яқинлашиб келаяпти!.. Таслим бўлиб, сулх сўрашимиз керак, Маликам!..

Малика ўзлари томонга тобора яқинлашиб келаётган араблар томонига қараб бир пас сукут сақлаб турди-да:

- Мен билан Алп Арслон ва Хунукхудот жаноблари, сизлар қолинг,- деди. Қолганлар ортга қайтсин. Салмон сен қўшинни йиғ! Тархуннинг қўшинлари йўқолсин, кўзимизга кўринмасин! Феруз, сен ҳам саройда бўл, ҳеч ёққа кетма! Биз сулх тузиб борамиз!.. Қани юринглар!

Малика, Алп Арслон ва Хунукхудот учовлари араблар томонга қараб кетишди. Ҳар доим Маликанинг ёнида бўлиб келган Феруз бу сафар айрилиб қолаётган эди, сабаби унинг мусулмон бўлганлиги, шунинг учун Феруз Маликадан хафа бўлишга ҳаққи йўқлигини билиб, қолганлар билан бирга ортга қайтди.

Ислом лашкарлари қарши томонда нималар бўлаётганлигини тушунмаган бўлсалар-да, душман қўшинлари жанг майдонидан узоқлашиб кетаётганлигини кўриб турардилар! Саъид ибн Усмон, олдинги сафда борар экан, икки ёнидаги Абдуллоҳ Ҳозим ва Қусам ибн Аббосларга деди:

- Бухороликлар яна қарорларини ўзгартиришди, шекилли? Қаранглар, улар ортга чекинишаяпти!

- Мен нима деган эдим!- кулиб қўйди Қусам ибн Аббос.

- Биз томонга уч отлиқ келишаяпти,- деди қўлини пешонасига тутиб, соябон қилганча лашкарбоши Абдуллоҳ Ҳозим.- Элчилар бўлишса керак!

Саъид ибн Усмон ҳам уларга қараб уч суворий шошилмасдан келаётганини кўрди ва дарҳол отининг тизгинидан тортиб:

- Карнайни чал! Қўшинни тўхтат, Абдуллоҳ! Жанг бўлмайди,- деди мамнуният билан.

* * *

Бухоронинг иқлими ёқмадими ёки бухороликларнинг қарғиши тегдими, ишқилиб, нима бўлди-ю ўша куни Малика билан учрашиб, унинг сулхни қайтадан тузиш ҳақидаги илтимосини инобатга олган ва ўз талабларини баён қилиб, Маликага фалон кун кел, деб юборган Саъид ибн Усмон иситмаси кўтарилиб ётиб қолди. Бугун Малика унинг ҳузурига келиши керак бўлган кун эди. Ибн Усмон хаста бўлишига қарамай чодирдан чиқиб таҳоратини янгилади. Қазо бўлган бомдод намозини ўқиб олди. Кейин ҳузурига барча лашкарбошиларни чорлади. Улар амирларининг аҳволи ўнгланганини эшитиб, бир-бир чодирга кириб келишди ва “Оллоҳга шукр, тузалибсиз. амирим” дея тизилиб ўтиришди.

Саъид ибн Усмон ёстиққа суяниб ўтирар экан, чуқур-чуқур нафас олиб, деди:

- Иншоолллоҳ, тузалиб кетурман... Бугун Маликаи Будун ҳузуримизга келишидан хабарингиз бор, сизларни баъзи юмушлардан огоҳлантириб қўйиш учун чақиртиргандим... Маликани ўн-ўн беш нафар энг одобли, чиройли, навқирон йигитлар бир фарсанг йўлдан кутиб олишсин. Ҳамма навкарларга етказинг. Ўзларини тартибга келтириб, чодирларида ўтиришсин. Сиз, лашкарбошилар ҳам янги либосларингизни кийингиз, токим Бухоро Маликаси кўрганда ҳавас қилсин. У саломга кирганда хушмуомала бўлингиз. Муслим одамнинг хулқи, юриш-туриши қандай бўлишини кофирларга кўрсатиб қўйишимиз, уларда динимизга рағбат уйғотишимиз керак... Кейин пешин намозини майдонда жамоа бўлиб ўқиймиз, ибодатларни ҳам тартибли бажарайлик. Шоядки ғайридинлар буни кўриб, имонга келсалар. Шундай эмасми, ҳазрат?

Шундай дея Саъид ибн Усмон савол назари билан Қусам ибн Аббосга юзланди. Ибн Аббос бош қимирлатиб, унинг сўзларини маъқуллади.

- Боринглар энди, деди Саъид ибн Усмон, айтилган ишларни бажаринглар...

- Чошгоҳ маҳали Маликаи Будун ўз одамлари билан Саъид ибн Усмоннинг қароргоҳига кириб келди. Уни уч кун бурун эркакча, жанговар кийимда кўриб лол қолган мусулмонлар амири энди ҳақиқий малика либосида янада ҳусни очилиб кетганлигини кўриб, ундан кўзини узолмай қолди.

- Сизни кутиб олишга чиқолмаганим учун узр сўрайман, Маликам,- деди Саъид ибн Усмон ҳижолат чекиб,- негадир тобим қочиб қолди, ўша кундан буён чодирдан чиқмай ётибман...

- Ҳеч қиси йўқ, ўтираверинг,- деди Малика унинг қаршисида ҳозирлаб қўйилган жойга ўтирар экан. – Илтифот кўрсатиб, йўлимизга одамларингизни юборибсиз, ташаккур!..

- сиз ҳурмат ва таҳсинга лойиқ аёл экансиз,- деди Саъид ибн Усмон. – Энди тузилажак сулхимиз бузилмаслигини истардим.

- Мен олдинги сулхни ҳам бузмоқчи эмас эдим. Ўз ичимизда бир англашилмовчилик бўлганди, холос.

- Майли ўтган ишга саловат, қўл силтади Ибн Усмон. – Хўш... Бизнинг талабларимизни ўйлаб кўриб келаётгандирсиз, Маликам?

- Ҳа, фақат динингизни қабул қилолмайман. Қолган барча шартларингизга розиман. Пулни ҳам олиб келдик, мана!

- Афсус, исломни қабул қилганингизда, сизга анча енгилликлар берган бўлур эдик... Майли биз мажбур қилолмаймиз. Сулх битимини ёзишга бошлаймиз бўлмасам... Котиб, қоғоз-қаламингни ол!

Саъид ибн Усмон айтиб турди, котиб сулх битимини икки нусхада оққа кўчирди. Томонлар битимни имзоладилар.

- Дарвоқе, ҳалиги...- Саъид ибн Усмон сўраётган нарсаси ўз обрўйига тўғри келмаслигидан ҳижолат бўлаётган бўлса-да, халифанинг топшириғини бажармаслик у билан муносабатларини бузилишига олиб келишини ўйлаб, сўрашга мажбур бўлди,- Убайдуллоҳ ибн Зиёдга бериб юборган этигингизнинг бир пойи...

- Ҳа,- кулди Малика,- мен у этик ҳақида унутиб юборган эканман... Канизакларим қаерга қўйишган, билмадим, топа олишмади. Ўшанда Убайдуллоҳ ибн Зиёд қайтиб берганида, олмасам бўларкан. Сизларга у шунчалик зарур бўлишини билганимда, албатта эҳтиёт қилган бўлардим. Афсус... Майли хафа бўлманг. Агар уни топишолмаса, мен айнан ўшандан, бошқа бир этик буюртириб, тиктириб юбораман. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

- Бизни назари паст деб ўйламанг,- деди Саъид ибн Усмон қийин аҳволда қолиб.- Шунчаки, халифамизнинг аёлларидан бири ўша этик ҳақида эшитиб қолибди. Шунга...

- Тушундим, тушундим,- деди Малика уни хижолатдан қутқазиш учун.

- Гаровга берадиган одамларингиз ҳам шу ердами?- сўради гапни буриб Саъид ибн Усмон сулх ҳужжатини бир четга суриб қўяр экан.

- Ҳа, саксон нафар аслзода кишиларимни олиб келдим. Уларни ихтиёрингизга топшираман.

- Яхши Маликам,- мен ишонаман сизга. Чиқиб кўришим шарт эмас... Энди менинг ёрдамчиларим имом Қусам ибн Аббос ва лашкарбоши Абдуллоҳ Ҳозимнинг чодирларига ҳам бир-бир кириб, саломингиз билан уларга илтифот кўрсатиб чиқсангиз... Ўзим ҳам сиз билан бирга борар эдим, минг афсус, юришга ҳолим йўқ...

Малика Саъид ибн Усмоннинг ранги рўйига қараб, дарҳақиқат, унинг мазаси қочаётганлигини сезди.

- Иситмангиз борми?- сўради Малика унга раҳми кела туриб.

- Билмадим... Йўқ, анча тузукман ҳозир.

- Қани...

Малика Саъид ибн Усмонга яқин сурилиб, қўлини у томонга узатди. “Ё Оллоҳ! Бу не мўъжизанг!- пешонасида Маликанинг нозик қўли тафтини сезаркан, бутун вужуди жимирлаб кетди, амирнинг. – Ўзинг сабр-бардош бергил! Ўзинг паноҳингда асрагил!”. Кўзларини юмиб олган Саъид ибн Усмон нафасини ичига ютиб ўтирар эди.

- Ҳароратингиз баланд-ку,- деди Малика қўлини унинг пешонасидан олар экан. – Бошингизда ҳам оғриқ бўлса керак. Менда бир дори бор, ўзи икки донагина. Кўп йиллардан буён асраб юрибман. Шунинг бир донасини бераман, эзиб енг, тузалиб кетасиз.

Малика ёнидаги халтачасидан бир парча матога ўроғлиқ бир нарсани олди ва уни очиб, жимжилоғининг ярмича келадиган қаттиқ, қоп-қора қуруқ меванинг бир донасини ибн Усмонга узатди. Амир унинг дорилигига ишонмай турса-да:”Раҳмат, Маликам”, дея қўлига олди ва у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб, кўрпачасининг остига қўйди.

- биз яна кўришармиз, деб ўйлайман,- деди Малика ўрнидан туриб, чодирдан чиқишга ҳозирланар экан.

- Иншооллоҳ,- деди Саъид ибн Усмон,- мен тузалишим биланоқ Самарқандга йўл оламан. Қайтишда гаровдаги одамларингизни озод этаман. Балки ўшанда яна кўришармиз.

Малика Саъид ибн Усмонга чин дилдан соғлик тилаб, чодирдан чиқди. Кейин у ўзига ҳамроҳ бўлиб келган Феруз ва Хунукхудот билан бирга Қусам ибн аббос, Абдуллоҳ Ҳозим ва бошқа араб қўшини бошлиқларининг чодирларига кириб чиқиб. Уларнинг ғолиблигини тан олганлигини билдирди. Лашкарбошилар ғолиблик нашидасидан кўра таърифига сўз ожиз бўлган гўзал Маликанинг ҳузурларида бош эгиб туришидан бошлари кўкка етди. Малика бундай қилишга аввалига ғурури йўл бермай турган бўлса-да, кейин эришилган сулхнинг бузилмаслигини истаб, амирнинг бу истагига бўйин эгган эди.

Саъид ибн Усмон Бухоро Маликаси билан сулх тузган бўлса-да, Самарқанддан қайтишида уларга бухороликлар қаршилик кўрсатмасликлари учун юз нафар амалдорни гаров сифатида бериб қўйишини Маликаи Будундан талаб қилинганидан йигирма нафар кам одам олиб келган бўлса ҳам Ибн Усмон у билан тортишиб ўтирмади.

Шундай қилиб Маликаи Будун янги сулх ҳужжатини олиб, ҳамроҳлари билан Кўҳандизга қайтди. У кетиши биланоқ Саъид ибн Усмон табибни чақиртириб, Малика бериб кетган ҳалиги нарсани берди:

- Текшириб кўрчи, нима экан?

Табиб уни олиб разм солди, кейин тишлаб кўрди ва:

- Эски хурмо-ку,- деди.

- Хурмо?

- Ҳа, мана, данагига қаранг!..

Саъид ибн Усмон бир пас ҳайрон бўлиб турди-ю кейин чеғрасига илиқлик югуриб, кулиб қўйди. У даставвал “Малика мени заҳарламоқчи бўлди”, деб ўйлаган эди-да! Ахир хурмо Бухорода энг ноёб нарса-ку, у Арабистонда мўл-кўл бўлишини Малика қаёқдан билсин!

- Бизнинг заҳирамизда қанча хурмо бор?- сўради Саъид ибн Усмон ҳузурига кириб келган Абдуллоҳ Ҳозимдан.

- Ўн туя қолди, амирим,- деди Абдуллоҳ ҳали гап нимадалигини билмай,- бир ойга етиб ортади...

- Бизга ўн беш кунлик қолса ҳам етади,- деди Ибн Усмон.- Тезда беш туя хурмони оқлаб, ўзинг бошчилигингда Маликанинг ортидан Бухорога олиб боринглар. Айтингки, бу мендан Маликага ҳадя. Унинг меҳр кўргизганлиги боисидан дарддан фориғ бўлганимни ҳам айт!

* * *

Бухорони ҳимоя қилишга юборган қўшинлари жанг майдонини ташлаб қочиб келганини эшитган Тархун аввалига дарғазаб бўлди. Кейин лашкарбошиларидан арабларнинг ҳарбий куч-қудрати ҳақида шундай ваҳимали гапларни эшитдики, ўзи ҳам жонини сақлаш учун Самарқандни ташлаб қочиш пайига тушиб қолди. Чунки Саъид ибн Усмон энди Сўғднинг марказига қараб қўшин тортиши унга маълум эди.

Саъид ибн Усмон лашкарлари йўл-йўлакай бир неча қишлоқ ва қўрғонларни истило этиб, Самарқандга кириб келганларида шаҳар сув сепилгандек жим-жит эди. Тархун ўзига тегишли кишиларни олиб, бир қанча лашкар билан Панжикент томонга – Муғ тоғидаги қалъага қочиб яширинган эди. Шаҳарда на бир лашкарбоши, на бир халққа бош бўладиган амалдор қолган эди. Фақатгина камбағал деҳқон ва ҳунарманд аҳолигина “бошга тушганини кўз кўрар”

қабилида иш тутиб, ўз уй-жойларини ташлаб кетмаган ва кундалик юмушлари билан машғул эдилар.

Қусам ибн Аббос Мовароуннаҳрнинг энг қадимий ва энг катта шаҳри бўлган бу шаҳарни талон-тарож этмасликни Саъид ибн Усмонга маслаҳат берди. Унинг режаси буйича Самарқанд араблар учун бутун Мовароуннаҳр ва Туркистонни фатҳ этишда таянч шаҳар вазифасини ўташи керак эди.

- Биз шу ерда муқим қолишимиз керак,- деди у ўз соҳиби Саъид ибн Усмонга.- Тархун қаерга яширинган бўлса ҳам, барибир бир кун чиқади ва бизга қарши ҳужум бошлайди. Уни тор-мор келтириб, хотиржам бўлмагунимизча, Самарқанд аҳолиси бизни тан олмайди, Тархундан умидвор бўлиб юраверади.

- Лекин биз бу ерда узоқ қола олмаймиз-ку,- деди Саъид ибн Усмон, озиқ-овқат заҳираларимиз тугаяпти, аскарлар ҳам тезроқ Хуросонга қайтишни талаб қилишаяпти. Қўлга киритган ўлжаларимизни йўқотмасдан кетайлик, келгуси йил яна қайтиб келамиз, дейишаяпти. Улар бирор уруш давомида ҳозиргидек кўп мол-мулкка эга бўлишмаган...

Энди Хуросонга қайтсак ҳам бўлар? Бола-чақаларимиз ҳам кутиб қолишди.

- Ўлжа! Мол-мулк! Бола-чақа!- истеҳзо қила бошлади Қусам ибн Аббос.

- Сизларга фақат шу керак! Мужоҳидман, деб кўкрак керасизлар-у аслида талончилик ва қотилликдан бошқа нарсани билмайсизлар! Ахир, нима мақсадда бу ёқларга бошлаб келдингиз, соҳиб? Мен мол дунёга зормидим? Ёки саёҳатга ўчмидим? Сиз Абу Сўфиённинг ўғлига ўхшаб кетаяпсиз. Ахир, наслу насабингизни унутманг, сиз ҳазрат Усмоннинг ўғлисиз, соҳиб! Бизнинг Оллоҳ олдидаги, ислом олдидаги хизматимиз қанча бойлик тўплагинимиз билан эмас, қанча одамни мусулмон қилганимиз билан ўлчанади!

- Нега менга ғазаб қиласиз, ҳазрат!- аччиғи чиқди Саъид ибн Усмоннинг ҳам.- Нима, мен динимизни ўйламаяпманми? Бойлик ҳам, зўравонлик ҳам керак-ку, бу кофирларни динга киритиш учун! Агар яхши гап билан мусулмон бўладиган

бўлса, биринчи галда Макка мушриклари бўларди! Бу ерда туравергани-миз билан мушриклар бизга эргашиб, мусулмон бўлишармиди?! Менинг Хуросонга қайтайлик, деганимнинг боиси асло сиз ўйлаган нарсалар эмас, ҳазрат! Мен фақат жиҳодимиз учун мўлжалланган вақт тугаганлиги, халифага кузгача қайтиб келаман, деб ваъда берганлигим важидан қайтмоқчиман, холос.

- Мени маъзур тутинг, соҳиб,- деди Ибн Аббос юмшоқ сўзлашга ўтиб,- бошдаёқ шуни тушунтирмай, ўлжалар ҳақида гап очдингиз-да! Майли, сиз Хуросонга қайтаверинг, мен шу ерда қоламан. Менинг қолганимни эшитса халифа ҳам хурсанд бўлади.

- Йўқ, сизни бу ерда қолдира олмайман,- эътироз билдирди Ибн Усмон.- Самарқанд тинч кўринса-да, ҳали катта хавф бор. Мушриклар бизнинг тинчгина қайтиб кетишимизни кутишаяпти. Агар мен кетиб. Сиз қоладиган бўлсангиз, улар исён кўтариши аниқ.

Қусам ибн Аббос бироз ўйланиб тургач:

- Унда бошқа бир иш қилайлик, соҳиб,- деди,- Тархунни қаердан бўлса ҳам топишимиз керак. Агар у бизга бўйсунса, сулх тузайлик. Йўқса, уни мағлуб этиб, ўзимизга бўйсунадиган бир ҳоким тайинлаб кетайлик. Шундай қилмасак, бу ерга келиб кетганимиздан мақсад аниқ бўлмай қолади.

- Маъқул,- деди Саъид ибн Усмон ўйлаб кўриб,- майли яна бир-икки ҳафта вақтимиз кетса-кетар... Мен қўшинни олиб тоққа жўнайман, аминманки, Тархун ўша ёқда. Сиз шаҳарда қолинг, ёнингизда мингта лашкар билан бухоролик гаровга олинган кишиларни қолдираман. Тархуннинг ишини бир ёқлик қилмагунимизча шаҳарни ўзингиз бошқариб турасиз!..

Эртаси куни Саъид ибн Усмоннинг мужоҳидлари уйма-уй юриб, самарқандликларни шаҳар ўртасидаги ибодатхона майдонида тўпланишга чақиришди. Тумонат одам йиғилди.

- Эй аҳли Самарқанд!- дея уларга мурожаат қилди Саъид ибн Усмон баланд минбарга чиқиб. – Сизларнинг подшоҳингиз Тархун шаҳарни ташлаб қичиб кетганидан хабарингиз бор! Оллоҳ биз, мусулмонларнинг қадамимизни

Сўғдиёнага қутлуғ қилди, яъни бирорта одамнинг қони тўкилмади! Бизнинг мақсадимиз сизларга аён: юртингизга ҳақ дин – исломни олиб киришдир. Оллоҳга имон келтириб, ҳақ йўлга юрган кишилар – бизнинг дўстимиз, бунга қарши кишилар эса душманимиз ҳисобланишади!..

Саъид ибн Усмон халойиқ олдида яна исломнинг афзалликлари ҳақида узоқ гапирди. Ўтган пайғамбарлар, эскирган эътиқодлар ҳақида сўзлаб, уларнинг барчаси исломнинг ҳақлиги-ю, Оллоҳнинг ягоналигини рад эта олмаслигини тушунтирди. Охирида у фуқарони энг кўп қизиқтирган янгиликни маълум қилди.

- Бугундан эътиборан Самарқанд ҳокими этиб ҳазрат Қусам ибн Аббосни тайинлайман! Токим, Тархун келиб бизга бўйин эгмагунича, у сизларнинг подшоҳингиз ҳисобланади! Барчангизни унга итоат этишга буюраман. Нима арзингиз бўлса, келиб Қусам ибн Аббосга айтинг, у шаҳрингизда адолат ва тинчлик ўрнатади!

Шунда одамлар орасидан барваста бир сўғд йигити олдинга чиқиб бақирди:

- Қачондан бери келгиндилар келиб Самарқандда адолат ва тинчлик ўрнатадиган бўлиб қолди?! Тархун қочиб кетган бўлса ҳам Самарқанднинг асл ўғлонлари ҳеч қаёққа кетган эмас!

Бу журъатли йигитнинг гапидан кейин одамлар орасида жонланиш бошланди. Ҳар ердан “Йўқолсин араблар!”,”Бизга босқинчи ҳоким керак эмас!”, “Оларингни олдинг, энди ўз юртингга жўнайвер!” каби ҳайқириқлар эшитила бошлади. Саъид ибн Усмон шошиб қолди. Шунда Қусам ибн Аббос минбарга чиқди.

Тинчланинглар! Тинчланинглар!- деди у одамлар шовқинини бостиришга уриниб.- Ҳеч ким сизнинг юртингизга эгалик қилмоқчи эмас! Мана, орангизда қанчадан-қанча мард, ватанпарвар ўғлонлар бор экан, Самарқанд душманга бўйин эгмайди! Лекин сизлар биз, мусулмонларни душман санаб хато қиляпсизлар! Элга зулм қилган киши душмандир, биз сизларга зулм қилдикми?! Агар душманчилик қилсак, лашкаримиз билан ҳар ишни

қилишимиз мумкин эди, зеро бунга куч-қудратимиз етади! Биз Сўғд давлатлари билан дўст бўлиш, иттифоқ бўлиш учун келганмиз! Бунинг учун эса подшоҳингиз билан сулх тузишимиз керак эди!..

Одамлар энди тинчиб, Қусам ибн Аббоснинг нутқини эшита бошладилар. Ҳалиги дадил гапрган кишилар эса масхараомуз кулиб туришарди.

- мен бир пайтлар Маккада ҳокимлик қилганимда ҳам,- деб сўзлашда давом этарди Қусам ибн Аббос,- мушрикларнинг бошлиқлари билан сулх тузиб, улар билан тинч-тотув яшашга эришганман. Кейин улар аста-секин бизнинг динимиз ҳақлигини тушуниб, мусулмон бўлишган. Иншооллоҳ, сизлар ҳам бир кун келиб исломга кирурсизлар! Фақат тинчликни сақласак бўлди. Сиз бизга ёмонлик қилмасангиз, биз сизга ёмонлик қилмаймиз! Бировни мажбурламаймиз, лекин мақсадимиздан қайтмаймиз ҳам! Мақсадимиз, такрор айтаманки, битта: Мовароуннаҳрга исломни тарқатиш!

Ибн Аббос сўзини тугатиши билан яна ўша барваста сўғд йигити луқма ташлади:

- Мақсадларингизни ўзларингиз билан олиб кетаверинглар, Самарқандга динингизни тарқатолмайсиз!

Унинг жиззакилик билан айтган гапини бу сафар кўпчилик қўллаб-қувватламади. Аксинча, ёнидаги ўрта ёшлардаги бир киши йигитни туртиб, жаҳл билан деди:

- Намунча бақираверасан!? Сенга ҳеч нарса дамаяпти-ку, қўлидан келганини қилавермайдими? Юр, кетдик, ўз ишимизни қилайлик!

Одамларнинг айримлари ўзаро баҳслашган, қўл силтаган ҳолда айримлари эса бепарво ва жимгина тарқалишди.

Шундай қилиб, Қусам ибн Аббос Самарқанд ихшиди ташлаб кетган саройни ўзига қароргоҳ қилиб, Мовароуннаҳрдаги биринчи мусулмон ҳоким сифатида иш бошлади. Саъид ибн Усмон эса айтганини қилиб, Муғ тоғига қараб йўл олди. Бироқ қарийиб бир ой давом этган овворагарчиликдан сўнг у бутун лашкари билан тинка-мадори қуриган ҳолда қайтиб келди, араблар тоғу тошларни

қанча тентираб кезишмасин, Тархуннинг изини ҳам топа олишмаган эди.

Саъид ибн Усмон самарқандликлар Ҳазрати Шоҳ деб атай бошлаган Қусам ибн Аббосни унинг ўз хоҳишига кўра шу ерда қолдириб, ўзи Хуросонга қайтишга шошилди. Бироқ у Бухорога етганида орқасидан чопар етиб келиб, совуқ хабарни маълум қилди: Қусам ибн Аббос Самарқанддаги шоҳ саройида Тархун юборган фитначилар томонидан ўлдирилган эди. Бу хабар Саъид ибн Усмонни қаттиқ ғазаблантирди. У тезда ортига қайтиб, самарқандликлардан шафқатсиз равишда ўч олди. Гарчи фитнада ҳеч қандай иштироки бўлмаса-да шаҳарнинг оддий халқини қирғин қилди, уйларини ёқиб юборди, ўттиз минг аҳолини қул қилиб, ўзи билан олиб қайтди. Қочқин подшоҳ Тархуннинг қилмиши Самарқанд халқи учун ана шундай фожеага айланди.

Саъид ибн Усмон Бухоро Маликасидан гаровга олинган кишиларни ҳам озод этиш фикридан воз кечди. Лекин бунинг сабаби унинг Қусам ибн Аббос воқеасидан аламзада бўлганлиги эмас эди, балки Бухоро Маликасига тинчлик ва омонлик тилаганлиги боисидан у шундай қарорга келганди. Чунки гаровдагилардан бир нечтаси билан мулоқотда бўлар экан, амир уларнинг Маликага хайрихоҳ эмасликларига, дилларида ғараз ва хусумат борлигига амин бўлганди. Дарҳақиқат бу кишилар Малика будун ҳақида нолойиқ миш-мишлар тарқатиб юрган, унинг обрўйи ва шуҳратини кўролмайдиган мансабпараст, бойликка ўч амалдор ва зодагонлар тоифасидан эдиларки, Малика ҳам бир йўла улардан қутилиш учун Саъид ибн Усмонга банди қилиб берганди. Уларнинг орасида Маликанинг очиқ душманига айланган Аспатак ва унинг отаси ҳам бор эди. Шундай қилиб, Аспатак иккинчи маротаба Хуросонга олиб кетилди.

Кейинчалик Саъид ибн Усмон бухороликларни Мадинадаги ўз қасрига олиб бориб, қимматбаҳо кийимларини, олтин ва кумушларини тортиб олди, ўзларини қул қилиб ишлатди. Алданган ва хўрланган бухороликлар исён кўтардилар, Саъид ибн Усмоннинг саройига бостириб

кириб уни ўлдирдилар ва бу билан ўзларини ҳам ўлимга маҳкум этдилар.

* * *

Тоғшода туғилган йили душманга асир тушган Будун Хитой зиндонларида ўн йил ўтирди. Ниҳоят Қутлуғ-шод бошчилигидаги турк қўзғолончилари Хитой императори қўшинлари билан узоқ давом этган урушда ғалаба қозониб, Турк ҳоқонлигининг мустақиллигини қўлга киритганларидан кейингина ўртада имзоланган сулхга кўра барча асирлар ўзаро алмашинди ва шунда Будун ҳам озод бўлди. Бу воқеа содир бўлган пайтда Бухоро Маликаси билан Саъид ибн Усмон ўртасида сулх тузилганига уч йил тўлган ва учинчи йили Бухоро халифаликка ўлпон тўламай қўйганлиги учун яна ўзаро низолар бошланаётган эди. Будун турк беклари ва хонларининг қурилтойида қанташиб Қутлуғ-шоднинг улуғ ҳоқон1 этиб сайланганлигини кўргач, кўнгли хотиржам бўлди ва энди Бухорога қайтишга рухсат сўради. Қутлуғ ҳоқон дўсти ёнида бўлишини, қайта тикланган Турк ҳоқонлигини мустаҳкамлашда унга ҳамкор ва ҳамнафас бўлишини қанчалик истаган бўлмасин, унинг Бухорога қайтишига рухсат бермай иложи йўқ эди. Чунки, Будун асирликда бўлган пайтда унинг хотини – Бухорхудот Малика неча марталаб Қутлуғ ҳоқонга одам юбориб эрини сўраттирган, уни умид ва ишонч билан кутаётган эди.

Шундай қилиб, Будун ўзи билан Бухородан борган бир неча минг аскарларнинг қолган қисмини олиб, юрагида катта орзиқиш билан уни тожу тахтли қилган юртга қайта бошлади. Айриликдаги ўн йил ичида бу юртда қандай шиддатли воқеалар бўлиб ўтганидан унинг ҳали хабари йўқ эди. Фақат бир неча йил бурун, яъни Будун Бухородан қайтиб келган ва хитойликларга асир тушган дастлабки пайтларда Малика ўғил туққанлиги ҳақида хушхабар келганлигини унга Қутлуғ ҳоқон айтиб берганди, холос.

Будун Бухорога қанчалик ошиқаётган бўлмасин, бир-икки кун Тарозда тўхтаб ўтишга ҳам ўзини бурчли деб ҳисобларди. У Тароздаги қасрига кириб борар экан, ўзини бу

хонадонга бегонадек ҳис этарди. Даставвал хизматкорлар уни таний олишмади, кейин юқоридаги айвондан тушиб келган хотини унга кўзи тушиб, “Бегим!” дея ҳўнграб йиғлаб юборганида ҳаммалари бирдан бу одам уларнинг хўжайини эканлигини эслаб зир югуриб қолишди.

Будун Бухорхудот акаси Эртўбанинг бир неча йил бурун Бухоро яқинида араблар билан бўлган жангда ҳалок бўлганлигини шу ерда хотинидан эшитди ва чуқур қайғуга ботди. “Акам учун улардан қасос олмасам қўймайман” дея кўнглига тугди у ва тезда йўлга отланди. Йўлда Ҳамукетга ҳам қўниб, жиянларини кўрди, уларга кечикиб бўлса-да ҳамдардлик билдирди.

Будун Бухорхудот Бухоро томон равона бўлар экан, худди шу пайтда Бухородан ҳам Маликанинг Туркистондан ёрдам сўраб юборган кишилари ҳоқонлик ҳудудига кириб келаган эдилар. Саъид ибн Усмон ўрнига Хуросон волийси этиб тайинланган Муслим ибн Зиёд Бухоро воҳасига қўшин тортиб келган эди. Малика бу сафар шиддатли жанг бўлишини кутган ва шунга яраша тайёргарлик кўраётган эди. У Туркистондан ёрдам етиб келишига унча ишонмаган бўлса-да, Тархун ва Вардонхудот билан алоқани мустаҳкамлаган, уларга қаттиқ ишонаётган эди. Тархуннинг қўшинлари олдинги сафар араб лашкарларидан қўрқиб, шармандали ҳолатда қочиб кетганларидан кейин Маликаи Будуннинг ҳафсаласи пир бўлган ҳамда Тархунга: “Сенинг лашкаринг шундай бўлса, ўзинг қанақа бўлардинг! Шу аҳволинг билан ҳали менинг қўлимни сўраб юрибсанми? Бундан кейин орамизда ҳеч қандай аҳд йўқ деб ҳисоблайвер. Душманимни бартараф этолмаган эр менга эр бўлолмайди”, дея мактуб юборган ва у билан орани очиқ қилган эди. Лекин Тархун кейинроқ Маликаи Будун олдида ўзини бироз бўлсада оқлай олди. Бу қусам ибн Аббоснинг ўлдирилиши туфайли хавотирга тушган арабларнинг Сўғдиёнада муқим қолиш фикрларидан қайтиб, бу ерни ташлаб чиқиб кетганликлари билан боғлиқ эди. Гарчи бу ютуқ Тархун учун қимматга тушган бўлса-да ҳар ҳолда араблар бундан кейин Мовароуннаҳрга ўйлаб қадам босадиган бўлдилар. Бундан

ташқари Тархун Бухоро Маликасига араблар билан урушда кўрган зарарининг ўрнини қоплаш учун талай олтин, кўп миқдорда қурол-яроғ ва бошқа анжомлар юбориб, унинг кўнглини илитишга муваффақ бўлди. Шундан кейингина Малика Тархундан ҳали фойдаланиш мумкинлигини ўйлаб, у билан яраш ди.

Малика шу ерда бир хато қилди, бу хато кейинчалик унинг бир умр пушаймонига сабаб бўлди. У Муслим ибн Зиёд юртига бостириб кирганда дарҳол Тархунга мактуб юбориб, ундан ёрдам сўради. Маликанинг хато қилган жойи шунда эдики, мактубида: “Тархун, мен сенга хотин бўлай. Бухоро сенинг шаҳаринг, сен келиб бу мамлакатдан араблар қўлини узоқлаштиришинг лозим”, деган сўзлари битилган эди. Тасодифни қарангки, Самарқандга мактубни олиб бораётган чопарни йўлда Бухоро томонга келаётган Будун Бухорхудотнинг одамлари ушлаб олишди. Мактуб Будуннинг қўлига тушди, у Маликанинг дастхатини таниди ва бутун вужуди аламда ўт бўлиб ёнди. Алами рашкка, рашки ғазабга, ғазаби нафратга айланди. Жаҳл чиқса, ақл кетади. Будун ҳам Малика нима сабабдан, қандай вазиятда мактубни бу тахлитда ёзишга мажбур бўлганлигини ўйлаб ўтирмади. У “Хотиним мен йўғимда хиёнатга қўл урган”,- деган хаёлга борди. Хатни чопарга қайтариб бераркан:

- Элтиб бер Тархунга,- деди,- ва яна айтиб қўй, тезроқ йўлларига интизор бўлган маъшуқасига ёрдам беришга шошилсин! Унинг куни битган кўринади!

Чопар ҳеч нарсага тушунмай, довдираб мактубни олди ва ўз йўлига кетди. Будун эса қони қайнаб, лашкари билан тезроқ Бухорога етиш учун шошилди. Ўн йил Хитой зиндонларида ўтириб, душманга бўйин эгмаган бу метин иродали, шер келбатли саркарданинг томирларида қон эмас, интиқом олови оқаётган эди. У Бухорога кирмади, аввал Работи Шер-Будундаги хотини ва ўғилларини кўрмоқчи бўлиб, отини у томонга бурди. Бу ердаги хотини ҳам саккиз йил бурун Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан кетиб қолганидан Будуннинг хабари йўқ эди. Қасрига кириб бораркан, унинг

кўзлари ўша мовийкўз сўғд аёлини – унга икки азамат ўғил туғиб берган, лекин Будун қадрига етмаган аёлни излар эди.

- Будун! Ўғлим!!!

Будунни кўриши билан ҳайратдан қичқириб юборган чол ўша хотиннинг отаси эди.

- Отажон!- Будун чолни қучоқлаб олди,- нега уй жим-жит?! Хотиним, ўғилларим қани?!

Чол Будуннинг бақувват қўллари елкаси оша титраб турганини сезаркан, ҳўнграб йиғлаб юборди. Будуннинг юраги увишиб кетди.

- Сендан умидимиз узилган эди!- деди чол титраб-қақшаб.- Хотининг араблар билан кетиб қолганига саккиз йил бўлди. Ўғилларинг шу ерда!..

- Нима-а?!

Будун чолдан нари кетиб, кўзлари косасидан чиққудек ваҳшат билан додлаб юборди. У қулочини ёйиб, қаср саҳнидатқафасдаги шердек гир айланаркан, ўғилларини чорлади:

- Ўғилларим қани менинг? Қани менинг Бурслоним, қани менинг Эрвузим?!

Бир пасда унинг атрофини ҳар томондан йиғилиб келган хизматкорлар-у аҳли хонадон ўраб олишди.

- Ота! Отажон!!!

Одамлар орасидан чиқиб келган бири ўн етти, бири ўн тўққиз ёшдаги шаҳзода йигитлар унинг қучоғига ташландилар. Уларнинг бўй-басти оталариникидан қолишмасди.

- ўғилларим! Паҳлавонларим! Бу қандай кўргулик, ахир!?- асабий ҳолда муштларини тугди Будун.- Акамни араблар ўлдирган бўлса! Хотинларим вафосиз чиқсалар! Мен ким бўлдим энди!?

- Ота! Ўзингни бос!- алами бўғзига тиқилган ҳолда гапиришга ботинди тўнғич ўғил Бурслон,- биз сен билан!.. Биз сен билан!.. Қайтиб келганинг қандай яхши бўлди! Ҳозироқ жангга отланишимиз керак. Малика душманга шаҳар дарвозасини очиб бермоқчи экан!..

- Йўқ!- бирдан ўзига келди Будун ва бўшашиб кетган камарини тортиб, кийимларини тўғрилади. – Қани паҳлавонларим, мен билан юринг! Ўлсак ўламизки, шаҳримизни, номусимизни поймол қилишларига йўл қўймаймиз!

Ҳаш-паш дегунча Будун ва унинг ўғиллари қўшинларни бошлаб, Бухоро сари отларини елдириб кетдилар. Улар шаҳарга Самарқанд йўлига очиладиган шимол томондаги дарвозадан кириб келишди. Бу пайтда Бухоронинг ғарб томонидаги Пойканд йўлига очиладиган дарвозасидан Муслим ибн Зиёднинг элчилари Маликаи Будун билан музокара олиб бориш учун Кўҳандиз томонга кириб келишаётган эди.

- Мен укаларингиз Тоғшодни ҳам бир кўриб чиқишим керак,- деди Будун ўғилларига, Кўҳандиз томон отини бурар экан.- Сизлар лашкар билан кунботар дарвозасини эгалланглар, мени ўша ерда кутинглар!

Будун лашкарларининг етиб келганини кўриб, Бухоро аҳлининг ёшу қариси тўлқинланиб кўчаларга чиқдилар. Улар қўлларига қурол олиб, лашкарга қўшилишар, энди арабларни бартараф эта олишларига ишонч билан жангга отланаётган эдилар.

Будун отдан тушмай тўппа-тўғри Кўҳандизга кириб борди. Соқчилар ҳайрат ва қувонч билан унга йўл беришар, Маликага хабар бериш учун зир югуришар эди.

- Тоғшод қаерда?- ҳеч кимга эъибор бермай, оти билан Кўҳандиздаги бинолар орасида у ёқдан бу ёққа қатнар эди Будун. – Қани менинг ўғлим?! Ўғлимни олиб чиқинглар!

Шу пайт сарой ичкарисидан оппоқ либосли Малика югуриб чиқди.

- Бегим!!!- кўзларига ишонмай эри сари талпинди у.

Будун ялт этиб унга қаради. Ўй йил бурун ишқ-муҳаббатга тўлиб-тошган ҳолда хайрлашган ўтли нигоҳлар яна учрашди. Аммо Будуннинг кўзларидаги ғазаб ўти Маликани лолу ҳайрон қолдирди.

Яқинлашма менга, бевафо!- ўшқирди Будун Маликага қараб.- Қучоғингни бегонага очиб берганинг камлик

қилгандай мамлакат дарвозасини ҳам душманга очиб бермоқчимисан?!

Малика тошдай қотиб қолди.

- Нималар деяпсиз, ҳукмдор!?- Маликанинг ортидан чиқиб келган Феруз ҳеч нарсани тушунмай турарди.- Отдан тушинг, сизни худонинг ўзи етказди, аҳволимиз танг эди!..

- Сен овозингни ўчир, сотқин!- бақирди унга Будун қиличини яланғочлаб.- Ҳозир бошингни узиб ташлайман! Акамнинг хунига сен жавобгарсан! Ҳаммасини эшитдим! Кунтуғмишни хор қилган, хотинимни ҳам бузган сенсан! Арабларнинг малайи! Бухорхудотлар саройини булғадинг, қонинг билан ювасан энди!

Будун отдан сакраб тушиб, Ферузга ташланди. Феруз ўзини ҳимоя қилар экан, уни тўхтатмоқчи бўларди:

- Ҳукмдор! Ўзингизни босинг! Нима бўлди сизга?! Ақлингизни йиғинг!қиличингизни ташланг! Сизга нотўғри тушунтиришибди! Ахир, мен... Ай-й-й!!!

Елкасига зарб билан Будуннинг қиличи тушган Феруз гандираклаб кетиб, деворга суяниб қолди. Унинг уст-боши қип-қизил қонга буялди. Малика даҳшатдан хушини йўқотди ва гурс этиб ерга йиқилди. Ҳамма ёқ қий-чув тўполон бўлиб кетди. Кимдир Маликани кўтариб олиб, ичкарига югурган, кимдир қонга беланган Ферузга ёрдам кўрсатишга шошилган... Будун дағ-дағ титраган қўлида қонли қиличини маҳкам ушлаганча, атрофга аланглар, ҳеч ким унга яқин келолмасди. “Ҳукмдор! Ўзингизни босинг! Ҳеч нарсани тушунмаяпмиз!” деганча жовдираб турган навкарлар теварагини ўраб олишган, лекин Будуннинг қулоғига уларнинг гапи кирмас эди.

- Тоғшод! Тоғшод! Қаерда у?!

Будун телбаларча югуриб сарой ичига кириб кетди. Дам ўтмай у қўлида ўжарлик билан типирчилаётган Тоғшодани кўтариб чиқди. “Қўйвор, қўйвор!” дея чинқирарди умрида кўрмаган отасининг важоҳатидан қўрқиб кетган бола. Будун уни ерга қўйиб, қўлларидан ушлаб турганича:

- Мен отангман, ўғлим, отангман! Будун Бухорхудотман! Сени кўргани келдим!- деди ва маҳкам бағрига босди.- Кечир

мени ўғлим! Ҳозир сени олиб кетолмайман. Лекин албатта қайтиб келаман!

Будун тўс-тўполонга эътибор қилмай, ўғлини қўйиб юборди-да, отига миниб, шиддат билан Кўҳандиздан чиқиб кетди. Ўнлаб навкарлар-у лашкарбошилар “Ҳукмдор! Тўхтанг! Гапимизни эшитинг!” дея ёлворишганча унинг ортидан қараб қолдилар.

Кўз очиб юмгунча ўтган вақт ичида содир бўлган бу воқеани Кўҳандизда ҳар ким ҳар хил талқин қила бошлади. Будун келган пайтда элчилар меҳмонхонасида араблар билан музокара олиб бораётган вазир Алп Арслонга бу хабарни етказишлари биланоқ у саройга югуриб келганди, бироқ озгина кечиккан эди: Будун чиқиб кетган, саросимага тушган сарой мулозимларининг бирортаси бўлган воқеани аниқ тушунтириб беролмас эди. Алп Арслон уларнинг сўзларидан Будун Бухорхудот ақлини йўқотар даражада ғазабланганини, шу ҳолатда араблар билан жанг қилишга чиқиб кетганлигини англади. Алп Арслон юзага келган вазиятни тезда муҳокама этиб, чора кўриш учун Хунукхудот ва Салмонга чопар юборди, ўзи эса жон таслим қилаётган Ферузга ёрдам кўрсатиш билан машғул бўлди. Бироқ Ферузнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Бутун ҳаётини Бухорхудот Маликага бағишлашга аҳд қилган омадсиз бу паҳлавон аҳдига содиқ ҳолда ёруғ дунёга видо айтди. Ўлимнинг шафқатсиз панжалари унинг юрагидан жон ришталарини узиб-узиб олаётганда у оғриқдан инграб кўзларини очди ва боши узра юм-юм йиғлаётган Маликани кўрди. Бир зум оғриқни унутди, “”Маликам деди, бошқа гапиролмади, “Сизга жонимни қурбон қиламан дегандим, мана, ўша фурсат етиб келди” деб айтмоқчи эди, лекин айтолмади, кўз олди туманлашиб, еру кўк чарх уриб айлангандек бўлди, қулоғига аллақандай шовқин-сурон ичида Маликанинг нималарнидир гапириб йиғлаётгани элас-элас эшитилар, бироқ бирор бир сўзни аниқ ажратиб ололмасди. Феруз кўзларини юмди, кейин ҳамма ёқ бирдан тинчиб қолди, оғриқ йўқолди, бутун вужуди қандайдир лаззатбахш ором қучоғида эди. У яна кўзларини очди, энди

тепасида оппоқ соқолли, юзлари нурли бир чол тикилиб турганини кўрди. “Сен шаҳидлар сафига қўшилдинг,- деди чол унга жилмайиб қараркан,- Малика учун қурбон бўлганинг йўқ, дини ислом учун қурбон бўлдинг!” “Сиз кимсиз?”- сўради Феруз илгари қаердадир кўрган бу таниш қиёфани эслай олмай. “Мен Қусам ибн Аббосман”- деди чол. Феруз уни эслади, “Ҳазрати Шоҳ”,- деди лаблари пичирлаб. “Имон калимасини қайтар, ўғлим,- деди Қусам ибн Аббос,- сенга жаннат эшиклари очиқ!” Ферузнинг чеҳрасига табассум югурди,”Ло илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммад-ар-расулуллоҳ”,-деди, кейин шундай бир муаттар бўй димоғига урилдики, хушидан айрилиб, кўзларини абадий уйқуга юмди...

Ферузнинг жасади устига матоҳ ёпиб қўйишгач, мулозимлар ранги докадек оқариб, тош санамга айланган Маликани етаклаб олиб чиқиб кетишди. Марҳумнинг сўнгги нафасига гувоҳ бўлган сарой сарой ходимлари бир-бирлари билан пичир-пичир гаплашиб, унинг жон чиқар пайтдаги ҳолатини ва айтган сўзларини муҳокама этишарди:

- Нима деди? “Кимсиз?” дедими?..

- Кимга айтди? Маликани танимай қолди шекилли...

- “Ҳазрати Шоҳ” дегандай бўлди, қотилини эслади...

- Бечора, ўла туриб ҳам жилмайди-я!..

- Мусулмон бўлгани рост экан-да, “Оллоҳ” деб жон берди.

- Ҳа, мен ҳам нималарнидир пичирлаган пайтда икки марта “Оллоҳ” деганини эшитдим !..

Алп Арслон дўсти Феруз учун ёшланган кўзларини артиб, дардлашиш ва маслаҳатлашиш учун Маликанинг ҳузурига кирди. Бироқ Малика у билан гаплашишни истамади, йўқ, нописандликдан эмас, балки ҳали эс-хуши жойига келмаганлиги туфайли Алп Арслоннинг сўзларига эътибор бермай, қўли билан “мени ҳоли қўй” ишорасини қилди ва Алп Арслон итоаткорона чиқиб кетди. У Малика билан маслаҳатлаша олмаган бўлса-да юзага келган вазиятга қараб бирор чора кўриши зарур эди. Чунки Будуннинг ўз лашкари билан арабларга қарши жангга отланиши сулх ҳақидаги келишувни ўз-ўзидан бекор қилар эди. Нима қилиш керак?

Бирдан-бир тўғри йўл Будун билан бирга душманга қарши урушга кириш эди.

Алп Арслон шошиб кириб келган Хунукхудот ва Салмонларга вазиятни тушунтирди, улар ҳам тезда қўшинларини Будуннинг ортидан урушга йўллаш зарурлигини таъкидлашди. Шундан кейин Алп Арслон Муслим ибн Зиёднинг элчиларига “Боринглар, амирларингизга етказинглар, ҳеч қандай сулх тузилмайди, жангга ҳозирлигини кўраверсин” деб жавоб бериб юборди.

Кун кеч бўла бошлаган эди. Алп Арслон Салмонга қўшинларни тезда йўлга солиш ҳақида буйруқ берди, агар Будун жангни бошлаган бўлса, унга қўшилишни, бўлмаса, эртага эрталаб жангга киришишни топширди. Ўзи эса Малика билан орқадан етиб боришини айтди.

Малика бу пайтда ўз ёғига ўзи қоврилиб ётарди. У Будунни ғазаблантирган нарса нима эканлигини ўйлаб топган эди. “Шубҳасиз, Тархунга юборган мактубимни унга ўқитишган,- хаёлидан ўтказарди у,- яна кимлардир мен ҳақимда, Феруз ҳақида бўлмағур гапларни етказишган. Бўлмаса, у бунчалик қутуриб кетмас эди. Эсиз, Феруз-а, қандай олижаноб йигит эди! Унинг бошига мен етдим, мен! Нега уни қайтиб саройга чақириб олдим-а!? Ўзи айтган эди-я, бунинг оқибати яхши бўлмайди, деб. Бунчалик шафқатсизсан, эй худо! Қайси гуноҳларим учун бошимга бунча мусибатларни солаяпсан?.. Феруз!.. Оҳ, менинг Ферузим!.. Арслоним! Сени фалокатга ўзим йўлиқтирдим, ўзим ҳалок этдим! Менга уйланишни рад этган пайтингда отамга айтган гапинг рост бўлиб чиқди-ку, Феруз! Сен Ёлдорнинг ғазабидан қўрққан эдинг, Будуннинг ғазабига дучор қилдим сени. Мен... ўзим бахтсизлик келтирувчи аёл эканман! Алп Арслон мени деб қўлидан жудо бўлган эди, сен эса бошингдан айрилдинг! Будуним мендан юз ўгирди, у ҳам бир балога гирифтор бўлмасайди деб қўрқаман... Эй, худо! Битта арслонимдан айирдинг, қолганидан жудо қилма! Ундан кўра менинг жонимни ол! Ахир мен бўлмасам улар бахтли яшар эдилар-ку!..”

Малика ўз ўй-хаёлларидан ўзи даҳшатга тушар, изтироб чекар ва кўз ёшлари тинимсиз оқарди. У Малика эмас,

тақдирнинг шафқатсиз зарбасига учраган ожиз бир мавжудотдек сезарди ўзини. Аммо у билмас эдики, тақдир ҳеч кимни сийламайди ҳам хўрламайди ҳам. Тақдир ўзининг азалаий ва ҳақ эканлигини намоён этади, холос.

* * *

Элчилар Муслим ибн Зиёдга: “Туркистондан Будун Бухорхудот етиб келди, Малика унга бўйсунди, шаҳар дарвозаларини беркитдилар ва бизга қарши жанг қилишга қарор қилдилар” деган хабарни етказишди.

Араблар Рўди Мосаф дарёсидан сув олувчи Ҳарқонруд анҳорининг сўл соҳилида лашкаргоҳ қуришган бўлиб, бу жой отлиқ юрилса Бухородан икки соатлик йўл эди.

Муслим ибн Зиёд ўзининг бош маслаҳатчиси ва лашкарбошиси Муҳаллабга:

- Аминманки, Бухорхудот Будуннинг лашкари дарёнинг нариги соҳилида, шундоққина бурнимизнинг остида турибди,- деди.- Улар тунда бостириб келишлари ҳам мумкин. Ҳар ҳолда ўзинг бориб, уларнинг қандай андозада эканлигини кўриб, яна нималарни билиш керак бўлса, билиб кел!

Муҳаллаб ўйлаб туриб деди:

- Мени афу этинг, амирим. Ҳеч ким бундай ишга мендек одамни юбормайди. Мен ҳаммага таниқли кишиман. Шундай бир кишини юборингки, агар у саломат қайтиб келса, келтирган хабари иш берсин, агар ҳалок бўлса, жиҳодимизга зарари етмасин!

Бироқ Муслим ўз қарорини ўзгартирмади, қатъий қилиб деди:

- Ҳар нима бўлганда ҳам сен боришинг керак. Сендан бошқа киши бу ишни уддалай олмайди!

- Ундай бўлса,- деди Муҳаллаб амирнинг буйруғига кўнар экан,- лашкарнинг ҳар бир тўдасидан биттадан кишини мен билан бирга юборинг ва бизнинг кетганимизни ҳеч кимга билдирманг!

Муслилим у айтгандек қилди. Бир нечта ўзи билган ишончли мужоҳидларни, жумладан, ўз амакисининг ўғлини ҳам Муҳаллаб билан жўнатиб юборди.

Тонг отгач, бомдод намозини ўқиб бўлган мужоҳидлар намозда Муҳаллаб кўринмаганлиги боисини суриштира бошлаганларида Муслим ибн Зиёд уларга қараб:

- Мен тунда Муҳаллаб билан бир неча кишини айғоқчилик қилиш учун кофирлар қўшини томонга юбордим,- деди.

Лашкарбошилар синчиклаб қарашса, Муҳаллаб билан кетган кишиларнинг ҳаммаси Муслим ибн Зиёдга қариндош ёки унга яқин бўлган кишилар экан. Олдинги юришларида катта-катта ўлжалар олиб ўрганган лашкарбошилар дарҳол “Амир биздан олдинроқ ўлжа олиш учун Муҳаллабни юборибди, агар жанг бўлганида эди у билан бирга бизни ҳам юборар эди” деган фикрга бордилар. Улардан бир тўдаси ўзбошимчалик билан тезда отларига миниб, Муҳаллабнинг орқасидан то анҳор бўйигача бордилар. Муҳаллаб бу пайтда керакли маълумотларни олиб бўлган ва ортга қайтаётган эди. У тупроқ чангитиб келаётган мужоҳидларни кўриб ҳайрон бўлди. Улар етиб келишгач эса мақсадларини билиб:

- Сизлар келиб катта хато қилибсизлар,- деди,- мен яшириниб турган эдим, сизлар эса ошкора бостириб келдингиз. Бизни нариги соҳилдаги кофирлар кўриб туришибди-ку, ахир! Улар энди ҳаммамизни тутиб олишади. Азбаройи худо, қилган ишингиздан ўкинасиз!

Муҳаллаб ортига қараб, Будуннинг сон-саноқсиз лашкари кўприкдан ўтаётганини кўрди.

- Фурсат ўтди! Энди карнайни чалинг! Жанг қиламиз!- деди Муҳаллаб.

Араблар сафга тизилишди. Муҳаллаб санаб кўрса, мусулмонлар тўққиз юз киши экан. Будуннинг лашкарлари уларга ҳужум қилди. Қирғин-барот жанг бўлди. Мусулмонлардан тўрт юз нафари ўлдирилди.

Муҳаллаб жанг майдонидан қочиб чиқар экан:

- Мен шундай бўлишини билган эдим!- дея қичқирди қуршовда қолган шерикларига.- Энди ўзингиздан кўринг! Мен лашкаргоҳга кетдим! Ёрдамга лашкар бошлаб келаман!

Будун қочиб кетаётган Муҳаллаб араблар қўшинининг бошли0и эканлигини фаҳмлаб, унинг орқасидан от солди. Лашкаргоҳга ҳали узоқ эди. Будуннинг турк лашкарларидан

бир қанчаси қуршовдаги араблар билан жанг қилиб туришар экан, қолганлари Муҳаллаб ва Будун кетган томонга бостириб боришди. Муҳаллаб уни таъқиб қилиб келаётган Будун ва турк лашкарларини кўриб, отини яна ҳам қаттиқроқ қамчилар ва овози борича тезроқ лашкаргоҳга етиб борсин учун “Ёрдамга-а! Ёрдамга-а!” дея бақирар эди.

Анчадан кейин араблар лашкаргоҳига узоқ-узоқлардан додлаган овоз эшитилди. Муслим ибн Зиёд паришон бўлиб:

- Бу Муҳаллабнинг товуши-ку!- деди. Абдуллоҳ Ҳозим ва Абдуллоҳ Худон исмли лашкарбошилар унинг ёнида эдилар. Улар жим тураверишди.

- Сизларга нима бўлди?! Бир сўз гапирмай қолдингиз?!- асабий ҳолда ўшқирди Муслим ибн Зиёд.

- Агар ҳалокат хавфи бўлмаса, Муҳаллаб бундай додламас эди!- дея ўрнидан сапчиб турди Абдуллоҳ Худон.- Менинг зиммамдаги вазифамни адо этиш фурсати етди. Рухсат беринг, лашкарни жангга бошлай!..

- Тезроқ! Жангга!!!- буйруқ берди Муслим.

Араб лашкарбошилари шошилинч равишда қўшинларини оёққа турғиздилар. Бир пасдан кейин улар Будуннинг қўшинига дуч келишди. Муҳаллаб улар билан яккама-якка жанг қиларди. Уни тириклайин ушламоқчи бўлган Будун қарши томондан душман тўдалари яқинлашиб келаётганини кўриб, Муҳаллабга жон-жаҳди билан ташланди:

- Кунинг битди, қора кўппак! Энди Оллоҳинг ҳам сени қутқазолмайди!

Шу пайт яқинлашиб келаётган араблар такбир айтиб юборишди. Муҳаллаб ортига қараб, бутун бошли лашкар ёприлиб келаётганини кўрди-да:

- Энди ўлсам ҳам кўнглим тўқ, эй кофир!- дея тантанавор кулди.- Сенларнинг ҳам кунинг битди! Ҳа- ҳа – ҳа!

Муҳаллаб калимасини қайтаришга ҳам улгурмади, шиддат билан бўйнига тушган Будуннинг қиличи унинг бошини сапчадек узиб ташлади. Эгасининг боши туёқлари остига думалаб тушганидан сесканиб кетган тулпор кишнаб юборди-да, бошсиз танани жанггоҳдан олиб қочди.

Араб лашкарлари билан Будун лашкарлари бир пасда аралашиб кетиб, жанг тобора қизғин тус олди. Қиличларнинг

жаранг-журинги, жон бераётган жангчиларнинг чинқириғи, ваҳшиёна ўкиришлар садоси осмону фалакка ўралди.

Бухоро томондан етиб келган Алп Арслон бошлиқ катта қўшин ҳам жангга қўшилгач, Будуннинг жангчилари руҳланиб кетишди ва тобора қаттиқроқ кураша бошлашди. Ҳар икки томондан сон-саноқсиз жангчилар қонга беланиб жанг майдонида ётишар, лекин ҳеч бир томон чекинишни ўйламас эди.

Жанггоҳ жуда кенг амйдонга чўзилиб кетди. Уруш тартибсиз тус олган, лашкарбошилар жангни бошқариш имкониятидан маҳрум бўлишган, ҳар ким ўз ҳаёти учун курашаётган эди.

- Ҳукмдор! Бардам бўлинг! Биз сиз билан! Биз кўпчиликмиз!

Бу Алп Арслоннинг овози эди. Будун овоз келган томонга қарай олмас эди, унинг тўрт томонидан араблар ҳамла қилиб туришар, маҳоратли турк баҳодири уларнинг барига кескин қаршилик билан жавоб қайтарар эди. Алп Арслон ёрдам кўрсатмоқчи бўлиб, Будун томонга интилар, бироқ рақиблари унинг орани ёриб ўтишига имкон беришмасди.

Алп Арслон Будун томонга ошиқаётганидан душманлар билишдики, Бухорхудот деганлари ана шу девқомат турк экан. Улар энди кўпчилик бўлишиб, Бухорхудотни қўлга олишмоқчи бўлишди. Аммо Будун унга яқинлашган мусулмонни ер тишлатаверди. Бу орада Алп Арслон ёлғиз қўлидан жароҳатланиб ерга йиқилган ва отларнинг туёғи остида аянчли тарзда эзғиланиб ётарди у энди омон қолишига кўзи етмай, ҳаёт билан видолашишга чоғланди. Ўлим олдидан ўзи учун энг муҳим деб ўйлаган вазифани бажаришга шошилди. Бор кучини тўплаб:

- Будун! Ҳукмдор!!! Мени эшитяпсизми?!- деб бақирди.- Маликани асранг!.. У хиёнат қилган эмас! Эшитяпсизми?! Унинг гуноҳи йўқ!.. Мен... Мен қасам ичаман...

Алп Арслоннинг сўнгги сўзи бўғзида қолди, мужоҳидлардан бири от устидан энгашиб туриб, қиличини унинг нақ кўкрагига санчди. Алп Арслон жон таслим қилди.

Будун Алп Арслоннинг сўзларини эшитди, қони баттар қайнади. Маликанинг гуноҳи борми ёки йўқлиги ҳозирги

дақиқада ўйлаб ўтиришга унинг вақти ҳам, ҳаққи ҳам йўқ эди. Аммо кўз олдидан гўзал Маликанинг кеча охирги марта кўрган пайтидаги ранги қув ўчган қиёфаси кетмай қолди, қулоғи остида суюкли хотинининг “Бегим!” дея қичқирган овози жаранглаб турарди. Бухорхудот борган сайин ҳолдан тойиб, рақибларининг ҳужумига бас келолмай бир неча жойидан жароҳат олган эди. У ҳам паймонаси тўлганини сезди, тан жароҳатларининг оғриғи унга таъсир этмас, юрагидаги дард билан: “Маликам!.. Менинг Маликам! Мени кечир, кечир!..”- дея инграр эди, холос. У кейинги аёвсиз зарбаларга дош беролмади, сўнгги кучини йиғиб, қиличини икки қўллаб маҳкам қисганча ўз кўкрагига тўғрилади... Боши узра кўтарилган рақиб қиличи муаллақ қолди.

- Кофир! Дўзахи!- ҳайратдан кўзлари косасидан чиққудек бўлиб қичқириб юборди қиличи муаллақ қолган мусулмон, чунки қип-қизил қонга белангани ча от устида мункайиб қолган Будуннинг ўз кўксига шиддат билан санчган қиличи курагидан тешиб чиққан эди,- ўз жонингга қасд қилмаганингда ҳам, барибир, ўлдирар эдим!

Будун Бухорхудот душман тиғидан ҳалок бўлишни истамай, ана шундай мардларча ҳалок бўлди. Унинг ҳалокати ўз ватанини ҳимоя қилаётган Бухоро ўғлонларининг бу сафар ҳам мағлуб бўлишларидан далолат эди.

* * *

Маликанинг учинчи маротаба араблар билан тузган сулхи ҳар қачонгидан ҳам қимматга тушди.

Ўша кунги қиёмат-қойим қуёш ботиши олдидан Маликанинг ўзи оқ рўмолини қилич учига боғлаган ҳолда кўтариб, оҳиста-оҳиста қадам босганча амир Муслим ибн Зиёднинг олдига боргач ва Муслим унинг таслим бўлганлигини тушуниб, ғалаба карнайини чалишга буйруқ бергач, тинди. Майдонда қолган ўликлар тирик қолганлардан икки ҳисса кўп эди.

Малика сон-саноқсиз ўликлар орасидан Будун Бухорхудот ва Алп Арслоннинг илма-тешик бўлиб кетган жасадларини топдириб, уларни Бухорога олиб боришларини буюрди. Қолган жасадларни шу ернинг ўзида дафн этишди.

Малика Будун Бухорхудот ва Алп Арслонни шаҳристон ёқасидаги мозорга, Феруз билан ёнма-ён жойга қабрга қўйдирди. Дафн маросимида иштирок этган уларнинг қавму қариндошлари ва барча ҳурмат қиладиган кишилари орасида отаси билан бирга арабларга қарши жанг қилган ва омон қолган ўн етти ёшли Эрвуз Будун ўғли ҳамда унинг ўгай укаси, бухорхудотлар тахтининг вориси ўн ёшли Тоғшода ҳам бор эди. Малика ўзи учун энг азиз кишиларни тупроққа топширар экан, халойиқнинг олдида юракдаги дардларини айтишга ботинолмади. Уч кундан кейин у ўғли Тоғшодани етаклаб, марҳумларнинг қабри бошига келди ва ҳўнграб-ҳўнграб йиғларкан, гуё улар эшитадигандек кўнглида айтилмай қолган гапларини айтиб-айтиб йиғлади. Кейин фожеани ҳали тўла англаб етишга жизлик қилса-да онасининг афтода ҳолини кўриб, ёш кўнгли эзилиб турган Тоғшодага қараб туриб:

- Қачонки маен ўлсам,- деди,- жасадимни ана шу уч баҳодирнинг оёқлари учига дафн эт, ўғлим! Буларнинг ўртасидаги отанг, икки томонидагиси эса отангнинг икки биродари, қанотлари эди. Эҳ, болам, улардек танти, шерюрак эрлар энди мамлакатда қолмади... Ҳақиқий шерлар эди улар! Бир пайтлар Ёлдор лақабли шер мени отангга топшириб, саройни тарк этган эди. Энди қолган шерлар ҳам Бухорони тарк этишди, бира тўла ёруғ дунёни ҳам! Отангдан – Шер Будундан сен ёдгор қолдинг, ўғлим. Энди бутун умидим сендан, сен отангнинг изини бос. Унутма, сен Шер Будуннинг зурёдисан, унга муносиб бўл!

Малика бу сўзларни айтар экан, бошини баланд кўтариб, гуё келажакка қараётгандек узоқ-узоқларга нигоҳ ташлади, кўксини фахр ва ғурурга тўлдириб, озод ва эркин нафас олди. Ҳа, босқинчи араблар унинг мамлакатини хароб қилдилар, бойликларини таладилар, мардларидан жудо қилдилар, лекин эрк ва озодлигини, ифтихор ва ғурурини йўқота олмадилар. Малика мана шу жиҳатдан ғолиб сезарди ўзини.

Урушлар, мусибатлар Маликаи Будунни эрта қаритди. У эндигина ўттиз ёшга кирган бўлса-да ғамдан сочларига оқ тушди, ёшлик сурурини йўқотди. Унинг эндиги юриш-туриши ва ўй-фикрлари бундан тўрт-беш йил муқаддам

вафот этган, умри ранжу фироқда ўтган кампир – Катта Маликанинг аҳволига жуда ҳам ўхшаб кетарди. Маликаи Будун шуни ўйлар экан, унга оналик қилган ўша нуроний аёл индамайгина, хомуш юрса ҳам ичи тўла дард-алам бўлганлигини, кўп нарсани кўрган ва билганлигини тушуниб етди, ҳаётий тажрибаси кам бўлган инсон ён-веридаги азиз одамларнинг қадрига унчалик ета олмаслигига ҳам амин бўлди.

Осойишта ва хазин кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Маликанинг аввалги ўт-оловлиги нисбатан сусайган бўлса-да юртни бошқаришдаги донолиги асло тарк этмаган эди. У бутун шижоатини урушларда хароб бўлган мамлакатни қайта тиклашга бағишлади. Араблар томонидан бузиб ташланган шаҳар ва қишлоқлар, ибодатхоналар, қасрлар қайта қад кўтара бошлади. Малика босқинчи мусулмонларнинг вахшийликлари, эл-юрт бошига солган мусибатларига гувоҳ бўлган бўлса-да, мамлакатда яшаётган бир қисм мусулмон аҳолига ҳам бошқа динлардаги халқ билан тенг муносабатда бўлди, уларга асло ёмон кўз билан қарамади. Чунки бўлиб ўтган уруш динлар ўртасида эмас, босқинчилик ва озодликни шиор қилган давлатлар ўртасида бўлганлигини, исломни ёйиш ғояси эса араб халифалиги ҳукмдорларининг ниқоби эканлигини у тушунар эди. Шунинг учун бухоролик мусулмонларнинг эътиқодига тажовуз қилмади, аксинча уларга ҳам зардуштийлар, буддавийлар ва насронийларга тоат-ибодатларини бажо келтириш учун яратиб берилганидек имкониятлар яратиб берди.

Малика ўз ҳукмронлигининг дастлабки давридаёқ бошлаган маърифатпарварлик ва маънавият учун кураш ишларини давом эттирди. Энди Бухоро ҳам, қўшни мамлакатлар ҳам тинч эди, бу ишларни кенгроқ кўламда олиб бориш имконияти вужудга келган эди. Бухоролик савдогар ва сайёхлар Хитой, Ҳиндистон, Турк ҳоқонлиги, Рум, Араб халифалигига кирган мамлакатларга сафар қилар эканлар, Малика уларга у ерлардан мол келтириш билан илм ўрганиб, устун жиҳатларини билиб келишни ҳам топширар, қайтиб келган жаҳонгашта кишиларнинг ҳикояларини мароқ билан эшитар ва ўзига тегишли хулосалар чиқарар эди.

Айниқса, ҳиндларнинг тиббиётга доир илмлари, хитойлик файласуфларнинг ахлоқий панд-насиҳатлари, форс шоирларининг гўзал шеърлари, араб ҳикматлари, рум санъаткорларининг кишини ҳайратга солувчи асарлари ҳақидаги ҳикоялар Маликани ғоятда қизиқтирар ва бу ажойиботларнинг барини Бухорода жам этишни орзу қиларди.

Аммо Малика ўзининг бу орзусига етиш учун ишни нимадан бошлашни билмай боши қотарди. Унинг илгари чиқарган қонуни одамларнинг ахлоқий турмушига бирмунча ижобий таъсир кўрсатган бўлса-да, лекин мамлакатнинг маданий ривожланиши, саводли, билимдон кишиларнинг етишиб чиқиши учун хизмат қила олмаётган эди. Қонунда болаларни ўқиш-ёзишга ўргатиш шартлиги, илм ўргатувчи кишилар солиқлардан озод қилиниши белгилаб қўйилган бўлса ҳам мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинмаган эди. Мамлакатда болаларга ўқиш-ёзишни ўргатадиган мактаблар ҳам, ўқитувчи кишилар ҳам йўқ эди. Фақатгина ибодатхоналарда руҳонийлар ва уларнинг шогирдларигина ўз қавмларининг зодагон кишилар орасидан танлаб олинган жуда оз сонли ихлосмандларнинг фарзандларига ўқиш-ёзишни ўргатар эдилар, холос. Махсус ўқитувчилар тайёрлаш, мактаблар очиш учун эса мамлакатда ягона ёзувнинг йўқлиги, илм деб қараладиган тушунчаларнинг турли хиллиги ва ҳатто бир-бирини инкор этиши халал берарди. Малика барча ёзувларни йўқотиб, ягона ёзув жорий этишга, диний тушунчаларни умумийлаштиришга журъат этолмасди.

Маликани ўйлантирган муаммоларнинг ечими мамлакатда миллат деган улуғ тушунчанинг шаклланиши билан боғлиқ эдики, ўша пайтда бу ҳодисанинг содир бўлиши учун ҳали шарт-шароит етилмаган эди. Орадан йиллар, асрлар ўтиб, тарихий зарурият туфайли бу ҳодиса содир бўлди. Араблар шафқатсизлик билан бўлса-да Мовароуннаҳрни босиб олиб, бу ўлкадаги барча ёзувларни, китобларни йўқотдилар, маҳаллий динларни таъқиқладилар. Шундан кейингина Бухорода ҳам ягона мусулмон миллати, юксак маданият, илм-фан шакллана бошлади. Бу ердан дунёга машҳур олимлар етишиб чиқди ва уларнинг

маданият, илм соҳасидаги ютуқлари арабларнинг ўзларини ҳам қойил қолдирди...

Бу кунларни кўриш учун эса Маликаи Будун камида юз эллик-икки юз йил умр кўриши керак эди. Аммо у ўз тақдирида белгиланган ёшни яшади, бошқа уруш кўрмай, эллик етти ёшида Варахшадаги қасрида дунёдан кўз юмди.

* * *

Варахшадаги бухорхудотлар қасрини араблар вайронага айлантириб кетганларидан кейин бу ер хароба ҳолича бир неча йил ётди. Кейин Хунукхудот Варахшани қайтадан обод қилган, янги қаср тиклаган эди.

Куёви Алп Арслон ҳалок бўлиб, қизи Нигина икки ўғли билан бева қолгач, Хунукхудот уларни шу ерга кўчириб келмоқчи бўлганди. Лекин Нигина эримнинг чироғини ўчирмайман деб Бухородаги уйини ташлаб кетишга рози бўлмади. Хунукхудотни Нигинадан бошқа яна бир ўғил фарзанди бор эди, уни ҳам Хунукхудот дер эдилар, аниқроғи у ота-онаси қўйган Хина деган исмни ўзича ташлаб юборган, ўзини улуғвор кўрсатиш учун Хунукхудот деб аташларини истар ва талаб қилар эди. Хунукхудот Иккинчи (Биз уни ҳозирча шундай деб атай қоламиз) отасининг мутлақо тескариси эди. У ёшлигидан бойликка, ҳокимиятга қизиқиб ўсди, тезроқ улғайсам, отамнинг мол-мулкига эгалик қилсам ва Бухорхудотлардан ҳокимиятни тортиб олсам, дерди. Унинг орзу-интилишларини кўриб отаси ҳайрон қоларди, кейин ўзининг ёшлигини, марҳум акаси Аброни эсга олиб: “Ҳа, ёшликда бўлар экан-да!”- деб индамай қўя қоларди.

Аммо Хунукхудот Иккинчи балоғатга етиб, эр йигит бўлганда ҳам ўзгармади, ота-онаси уни уйлантиришмоқчи бўлиб, не-не обрўли хонадонлардан қизларни кўрсатишганида ҳам у “Йўқ, менга тўғри келмайди” дея рад этаверди. Кейин ўзидан саккиз ёш катта бўлган зодагон аёлга – Кунтуғмишга ошиқ бўлиб қолиб, шундан бошқага уйланмайман, деб туриб олди.

Ўшанда Кунтуғмиш ҳам бирорта муносиб эр топилса, тегиб оламан, деган ниятда юрган кўҳликкина жувон эди. Беш йил бурун у эри Ферузнинг мусулмон бўлганидан

аччиқланиб, Ҳамукетга кетиб қолган эди. Феруз билан яшайвериши мумкин эди-ю лекин отасини мусулмонлар ўлдиришгани учун кечира олмасди. Ҳамукетга боргач, акалари Кунтуғмишни роса койишди, чунки туркларда сабаби қандай бўлмасин эрини ташлаб кетган хотинни ҳамма лаънатлар эди. “Отамиз ўлган бўлса, шараф билан ўлди, номига доғ туширгани йўқ. Сен унинг шарафини сақлайман деб номига доғ тушираяпсан-ку! Эрингнинг олдига қайтиб бор, ундан кечирим сўра! Керак бўлса, сен ҳам мусулмон бўлавер, сен эрингни ҳаммадан, ҳамма нарсадан азиз бил!”- дейишди акалари Куттуғмишга. Аммо шунда ҳам ёшлгига бориб:”Акажонлар, ҳеч бўлмаса озгина вақт шу ерда яшаб турай, эрим сўроқлаб келса, майли у билан кетавераман”,- дея ялиниб-ёлвориб уларни кўндирган ва Ҳамукетда қолган эди. Орадан бир йил, икки йил, уч йил ўтди. На Феруз сўроқлаб борди, на у қайтиб келди. Акалари ҳам унга кўникиб қолишган эди, ишлари бўлмай қолди.

Кейин Кунтуғмиш Ферузнинг ҳалок бўлганини эшитди, акаларидан яширинча бошини деворларга уриб йиғлади, нодонлик қилганига пушаймонлар еди, лекин кўзи кеч очилган эди. Ақалли фарзанд кўришга улгурмай бева қолган Кунтуғмиш ўз умрини ўзи хазон қилганлигини англади, бироқ ҳаётини қайтадан бошлашни шу қадар истар эдики, қанийди, ким бўлишидан қатъий назар бирор эркак мени хотинликками, чўриликками олса-ю фарзанд ато этса, дер эди. Ҳамукетда бу орзуси ушалмасди, шунинг учун Бухорога бориб-келиб юрган карвонга қўшилиб, уларда албатта, хотин-қизлар ҳам бўларди, Малика янгамизни кўриб келаман деган баҳона билан акаларидан рухсат олиб келган эди.

Хуллас, Бухорода, Кўҳандизда уюштирилган Маликаи Будун зиёфатида Кунтуғмишни Хунукхудотнинг димоғдор ўғли учратиб, ошиқ бўлиб қолди. Унинг чиндан ошиқ бўлиб қолганига ишониш қийин эди, балки, бу аёлнинг маликалардек қимматбаҳо тақинчоқларга кўмилиб ўтирганлиги уни қизиқтириб қолгандир, кейин эса отасидан аёлнинг кимлигини суриштириб билгач, унга уйланишдан қандайдир мавқени эгаллаш мақсадини кўзлагандир, бунисини ўзи билади, ҳар ҳолда, ўша заҳотиёқ Хунукхудот

Иккинчи унга уйланиш ниятини отасига ҳам, онасига ҳам билдирди. У дейишса – бу деди, бу дейишса – у деди, ўз сўзида туриб олди.

Зарина ноилож эртаси куни яна Кўҳандизга келди ва минг истиҳола билан Кунтуғмишга ўғлининг ниятини айтди. Ҳамма иш хамирдан қил суғиргандек осон кўчди: Кунтуғмиш ёлғондан ўзини бунга хоҳиши йўқдай кўрсатди, ҳали ўлганига икки йил ҳам тўлмаган эрини унутолмаслигини, агар бошқа эрга тегса марҳумнинг арвоҳи уриши мумкинлигини айтди, яна янгаси Маликаи Будундан ва бошқа дугоналаридан маслаҳат олиши кераклигини қўшиб қўйди. Улар нима маслаҳат беришарди, албатта, Кунтуғмишнинг Ферузга унинг тириклигида садоқат кўрсатмаганлигини-ю ўлгандан кейин бундай юриши маъносиз эканлигини яхши билишарди, шунинг учун: “Бахтингдан кўр, Заринанинг ўғлига тегавер”,- дейишди. Фақат дугонаси Нигина ҳеч нима демади, чунки у укасининг ҳам, Кунтуғмишнинг ҳам феълини яхши билар ва уларнинг никоҳи мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобларди. Аммо Хунукхудот Иккинчи ва Кунтуғмишнинг хоҳиши олдида бу аҳамиятсиз эди.

Хуллас, тезда йигирма ёшли куёв ва йигирма саккиз ёшли келиннинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўйдан кейин орадан уч-тўрт ой ўтгач, Хунукхудот Иккинчи хотинини мажбуран Туркистонга олиб кетди ва улар ўша ёқда яшай бошладилар. Хунукхудот ёлғиз ўғлининг нега бундай қилганини тушунолмасди. Кейинчалик эшитдики, ўғли Кунтуғмишнинг учала акасини ҳам қандайдир йўллар билан бадарға қилиб, уларнинг Ҳамукетдаги бутун мулкларини, ҳатто Тароздаги Будун Бухорхудотга тегишли қасрни ҳам эгаллаб олибди.

Ўғлининг бунчалик тубанликка боришини Хунукхудот кутмаганди, у ноқобил фарзандидан воз кечиб, ўзига меросхўр сифатида икки неварасини – Нигинанинг Қоплон ва Бурслон исмли ўғилларини тарбиялай бошлади. Бироқ ёши олтмишдан ошган чоғида, бу пайтда ўғлининг Туркистонга кетганига ўн йил бўлган эди, Хунукхудот Иккинчи лашкар тортиб ота юртига келди ва отасидан барча ерлари-ю мол-мулкини унга топширишини талаб қилди.

Ота-ўғил ўртасида низо бошланди. Хунукхудот Иккинчи ҳатто отасининг ёнини олаётган Маликаи Будунга қарши уруш бошламоқчи ҳам бўлди. Маликаи Будун ундан қўрққанидан эмас, балки қон тўкилишини истамаганлиги туфайли Хунукхудотни ўғлининг талабини қабул қилишга кўндирди. “Ахир нима бўлганда ҳам у сизнинг ўғлингиз-ку, эртами-кечми, бари-бир, мулкингизга у эгалик қилиши керак”,- деди. “Йўқ, Маликам,- эътироз билдирди кекса Хунукхудот,- ҳозир мен унга мулкимни бериб қўйсам, эртага сизнинг давлатингизни тортиб олмоқчи бўлади, мен шундан қўрқаман”. “Қўрқманг,- деди Малика кулиб,- менинг Тоғшодам ҳам ҳокимият учун курашда ундан қолишмайди, унинг ҳозирданоқ тахтга ўтиришга қизиқаётганини сезиб юрибман. Майли, биз, ўрнимизни фарзандларимизга бўшатиб берайлик, қайтанга улар давлатни, ҳокимиятни қаттиқроқ ушлашади, душман ҳам улардан қўрқади”.

Хунукхудот Маликанинг гапи билан бор мол-мулкини ўғлининг ихтиёрига топширди, фақат Варахша қасрини Бухорхудотларнинг мулки дея ўз қўлида сақлаб қолди ва кампири билан шу ерда яшай бошлади. Орадан икки йил ўтгач Хунукхудот вафот этди, ўлими олдидан у Маликаи Будунга Варахша қасрини ўз тасарруфига олишини васият қилган эди. Ёлғиз қолган Зарина бир кун Кўҳандизга бориб, Маликаи Будунга чолининг васиятини эслатди. “Хунукхудот бир нарсани ўйлаб, қасрни бухорхудотларга топширмоқчи бўлган,- деди Зарина.- Агар қасрга шу пайтдан Тоғшодани кўчирмасангиз, мен ўлганимдан кейин можаро катта бўлади.” Малика ўйлаб кўрди. “Майли , отамнинг сўнгги қароргоҳи бўлган жойга ўзим кўчиб бораман”,- деди. Шундан кейин орадан кўп ўтмай Маликаи Будун катта тантана билан ўғли Тоғшодани Бухорхудотлар тахтига ўтқазди, ўзи эса тегишли мулозимлари ва канизакларини олиб, Варахша қасрига кўчиб борди.

Тоғшода ҳар жиҳатдан ҳукмдорликка муносиб йигит бўлиб етишган эди. Отаси Будун ҳам Коно Бухорхудотдан Бухоро тахтини қабул қилиб олганида келбатли, ёвқурлиги худди шундай эди. У отасининг қуйиб қўйгандек ўзгинаси эди: қошу кўзлари, қоп-қора мўйлови, яғриндорлиги, ҳатто

юришларигача у Будунни эслатар эди. Малика ўғлининг шундай вояга етишини орзу қилган эди, орзуси амалга ошганидан беҳад бахтиёр эди у.

Тоғшода тахтга ўтирганида йигирма беш ёшда, онаси эса қирқ бешда эди. Маликаи Будун ҳокимиятни ўғлига топширгандан кейин унинг ишларига аралашмади, аниқроғи, Тоғшода унинг аралашишига йўл қўймади. Лекин Маликанинг кўнгли тўқ эди, чунки мамлакатда тинчлик, ҳамма иш ўз йўлида равон бораётган эди. Малика ўғлини бухорхудотлар бир-бирига бегона бўлиб кетмасин, қариндош-уруғчилик ришталари мустаҳкам бўлсин, деган ниятда Махр ва Бойбиканинг қизлари Сулувбикага уйлантириб қўйган эди. Сулувбика исмига монанд бағоят гўзал қиз эди, аммо ўта рашкчи эди. Тоғшоданинг эса ожиз томони, аксига олгандай , гўзалларга ўчлиги.ю кўнглининг беқарорлиги эди. У уйланмасдан олдин ҳам Кўҳандиздаги бир-икки канизак билан дон олишиб брарди. Сулувбика келин бўлиб келгач, Тоғшода анчагача тийилиб юрди-да кейинроқ яна янги-янги канизаклар билан хуфия муносабатда бўла бошлади. Илгари онаси уни тергар эди, Малика Варахшага кўчиб кетгач эса ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб қолди, кўнглига сиққанича айш-ишратга берилди. Тождорнинг ўзи шундай бўлгач, қолганлардан нимани кутиш мумкин, бухорхудотлар саройи сиртдан қараганда юксак ахлоқли, ақл-идрокли кишилар йиғилган ҳокимият қароргоҳига ўхшаб кўринса-да, зимдан бу ерда номуссизлик салтанати ҳукм сурарди. Аламига чидай олмаган ёш Малика Сулувбика ҳам шу салтанатнинг қулига айланди ва Тоғшоданинг вазири Шаҳсуворга маъшуқа тутинди. Ўзига бино қўйган Бухорхудот Тоғшода эса саройда мендан бошқа ҳеч ким кўнгилхушликнинг бундай йўлидан юра олмайди деб ўйларди.

Яхшиямки, Кўҳандиздаги бу номаъқулчиликлар ҳақида бирор оғиз гап кейинги пайтларда тез-тез юраги хуруж қилиб турадиган бўлиб қолган Маликаи Будунга етиб бормасди, акс ҳолда бир умр ахлоқ, маънавият дея жон куйдирган ҳукмдорнинг, олижаноб фарзанд тарбияладим дея фахрланиб юрган онанинг ҳоли нима кечган бўларди?

Тоғшода айш-ишратга ўчлигини истисно қилганда, хукмдорликни рисоладагидек юритаётган эди. Уни ахмоқ деб бўлмасди, давлат ишларини бошқаришда ақлли чора-тадбирларни қўллар эди уни жоҳил ҳам деб бўлмасди, хоҳ амалдор бўлсин, хоҳ оддий фуқаро – ундан рози эди. У ҳеч кимнинг дилини ранжитмасди. Тоғшодага нисбатан фақат “айёр” сифатини ишлатиш мумкин эди. Зеро, эр сифатида хотинининг қадрига етмаган бўлса ҳам фарзанд сифатида онасининг иззат-ҳурматини шундай ўрнига қўярдики, ҳеч ким уни аёлларга муносабатда айблай олмасди.

Хуллас, Тоғшода онаси тўсатдан оғир дардга чалиниб, дорул фанодан дорул бақога риҳлат этгунига қадар беғаму беташвиш ўтган ўн икки йил ҳукм сурди.(Маликани Шер Будун, Алп Арслон ва Ферузнинг ёнига қўйдими, юракни ўртайдиган қилиб ёзинг!) Худди Маликаи Будуннинг вафотини кутиб тургандай шундан кейин унинг порлоқ ҳукмдорлик тожи устига қора булутлар соя сола бошлади. Бу қарийиб ўттиз йилдан буён тинчиб кетган араб босқинчиларининг Мовароуннаҳрни тамомила бўйсундириш учун бошлаган ялпи уруши эди.

* * *

Фарабдан келаётган карвон унчалик катта эмас, бор-йўғи ўнга яқин савдогару ўн бештача туядан иборат эди. Пойканд дарвозаси олдидаги соқчилар уларнинг барининг бошига офтобдан сақланиш учун рўмол ташланган ёки салла боғлаганидан билишдики, келаётганлар – араб ёки форс мусулмонлари. Уларнинг ичида фақат биттаси – бошига на рўмол. На салла ўраган, оппоқ сочлари ўсиб соқолларига қўшилиб кетган, терисининг ранги ҳам оқишлиги билан шерикларидан фарқ қилиб турган чолгина мусулмон бўлмаслиги мумкин эди.

Дарвозабонлар уларни тўхтатиб, бож талаб қилишаркан, сўрашди:

- Қаердан келаяпсизлар? Нима олиб келаяпсизлар?

- Марвдан келаяпмиз, Фараб орқали. Самарқандга боришимиз керак, хурмо, зайтун ёғи, асал ҳамда фаранг матоларидан этаяпмиз...

- Яхши, ҳар бир туя учун бир динор кумуш тўлаб, кираверинглар,- деди йигирма ёшлардаги дарвозабон йигит.

- Биз молимизни бу ерда сотмаймиз, фақат бир оз дам олиб яна йўлга чиқамиз...

- Фарқи йўқ, дарвозадан киргани ҳисоб. Бўлмаса туяларингизни юки билан ташқарида қолдиринглар!

Савдогарлар норози бўлиб, дарвозабонларни инсофга чақиришарди.

- Баҳслашишнинг ҳожати йўқ,- деди уларнинг шериги бўлган бошяланг чол,- сизлар учун ҳам мен тўлайман, чунки мен Пойкандда қоламан!..

Чол қўйнидан ҳамёнини олиб очди-да, ундан бир ҳовуч тилла танга чиқариб, дарвозабонга ўн беш донасини санаб берди. Савдогарлар бу олийҳиммат ҳамроҳларининг ишидан мамнун бўлган бўлсалар-да:

- Ўзимиз ҳам тўлар эдик, Сайён,- дейишди.- Биз фақат адолат талаб қилаётгандик-да!

- Адолат, адолат!.. – бошини сарак-сарак қилиб кулиб қўйди чол.- Уни мен ҳам бир умр излаб топомаганман. Қани, туяларни ичкарига етакланглар!

Дарвозабон боя “Сайён” исмини эшитиб, бошяланг чолга эътибор бериб қарай бошлаган эди. Кейин бирдан:

- Шошманг, муҳтарам... Сайён!- деб қичқириб юборди соф сўғд тилида, шу чоққача улар форсча гаплашиб турган эдилар.- Сиз асли пойкандлик эмасмисиз? Савдогар Синханинг ўғли?

- Ҳа, мен мен Синханинг йигирма учинчи ўғлиман, мендан кейин бир укам бор эди,- деди Сайён она тили сўғдчада бурро гапирар экан.- Сен ҳойнаҳой, менинг жиянларимдан бири бўлсанг керак?

- Топдингиз,- деди дарвозабон йигит қувониб,- ўша укангиз Толутнинг ўғлиман! Отам сиз ҳақингизда кўп гапирардилар, айтишларича, амакиларим сизга нисбатан кўп адолатсизлик қилишгани учун...

- Э – э! Қўй, ўша гапларни,- кулди чол,- Толутнинг ўғли экансан, кел, сени бир бағримга босай, диян!

Сайён ёши етмишларга борган бўлса ҳам бақувват эди, қучоқ очиб келиб дарвозабон йигитни шундай сиқиб боғрига

босдики, бечора бақириб юборди, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Қараб турган бошқа дарвозабон ва соқчилар, Сайён билан келган савдогарлар буни кўриб хо-холаб кулиб юборишди.

- Оббо, жиян-ей!- деди Сайён уни қуйнидан бўшатар экан.- Қани мени уйингга бошла, бўлмасам!..

Сайён шаҳарга кираверишда ўзини савдогар шериклари олдида қувноқ тутган бўлса-да, ташвиши ичида эди. У ҳамроҳларини карвонсарой йўлига тўғрилаб юборгач, туясини етаклаб жиянининг отига мингашар экан: “Муҳим гап бор, менга шаҳар ҳокимининг қаердалигини кўрсат”, деди пичирлаб.

- Ҳоким ҳам ўзимиздан, амаки, юраверинг,- деди жиян.- Қора Ботур амаким араблар билан жангда ҳалок бўлгандан кейин унинг ёрдамчиси бўлган бир сўғд ўрнини эгаллаган экан, тўрт-беш йил ҳокимлик қилибди, халқ унинг ишларидан норози экан. Кейин мен туғилган йили Қора Ботурнинг ўғли Алптегинни ҳоким қилиб кўтаришган экан. Ўшандан буён у шаҳарни бошқариб келаяпти. Лекин ҳозир шаҳарда йўқ. Чин мамлакатига кетган... Ҳозир сизни бу ерда биттагина қолган амаким Арташернинг олдига олиб бораман, лекин унинг кўзлари кўрмайди, кўр бўлиб қолган.

Шу куни Сайён бундан эллик йил муқаддам, йигирма ёшлик йигитлик чоғида марҳум отасининг моли устида талашиб,акаларидан ўз улушини ололмай, аччиқлаб кетганидан буён биринчи марта оға-иниларининг остонасига қадам босди. Йигирма тўрт ака-укадан фақат икки нафаргина қолган эди: Бири Сайён бўлса. Иккинчиси бошқа онадан туғилган акаси Арташер эди. Қолганлари эса турли йилларда, баъзилари урушларда, баъзилари ёшларини яшаб бўлиб, дунёдан ўтган эдилар.

Икки ака-ука алламаҳалгача кўз ёш тўкишиб, ўтган-кечган воқеаларни, оғайниларини эслашди. Бевафо дунёни деб бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетганликларига афсусланишди. “Отамизнинг моли ҳам битди, тугади, биродарларимиз ҳам дунёдан ўтиб кетишди... Фақат меҳр-оқибат қолар экан, яхшилик қолар экан. Вақтида шуни тушунмаганлигим туфайли худонинг ўзи жазолади мени,

мана йигирма йилдан буён ҳеч нарсани кўрмайман, қариндошларим дийдоридан маҳрумман”,- деди Арташер. “Мени ҳам Оллоҳ жазолаган, ака,- деди юраги ўртаниб Сайён,- ўз биродарларимдан юз ўгирганлигим учун худо менга фарзанд бермади! Учта хотин олдим, бири форс, бири араб, бири сўғд. Учаласи ҳам фарзанд кўрмай ўлиб кетишди. Мол-мулким, хизматкорларим бор, лекин уларни энди нима қилай, ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлган бўлсам!?”

Сайён Марвдан Пойкандга қайтишига сабаб бўлган нарса фақатгина юрт соғинчи эмас, балки Хуросон амири Қутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрга катта юриш бошлаш учун зўр бериб тайёргарлик кўраётганлиги эди. Сайён ана шу муқаррар уруш хавфидан юртдошларини огоҳлантириб қўймоқчи, умрининг охирида бўлса ҳам улар билан бир сафда бўлмоқчи эди. Сайён бир вақтлар Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг элчиси Фаррух Марвазийга таржимон бўлиб келган эди, лекин у пайтда Марв ва Бухоро ҳокимлари ўртасида уруш бошланади, деб сира ўйлаган эмасди. Кейин урушлар бошланиб кетди. Сайён улардан четда эди, албатта. Бироқ ҳар галги урушдан сўнг араблар сон-саноқсиз одамларни Бухородан қул қилиб олиб келишганида виждони қийналар, гуё бунда ўзини гуноҳкордай сезарди.

Хуллас, Сайённинг огоҳлантиришидан сўнг Пойканднинг энг нуфузли кишиларидан бўлган кўр Арташер бу хабарни ҳамма ёққа тарқатди. Шаҳарнинг асосий аҳолиси савдогар бўлганлиги учун эркаклар турли мамлакатларга чиқиб кетишган, улар билан ҳоким Алптегин ҳам Хитой сафарига жўнаб кетган эди. Пойкандлик савдогарлар ҳар йили баҳорда карвон билан кетиб, кузда қайтиб келишар эди.

Шаҳарда қолган оз сонли лашкар, шунингдек, ҳунарманд, косиблар,ёшлар ва қариялар шошилинч равишда араблар босқинидан шаҳарни ҳимоя қилиш чораларини кўра бошладилар. Бухорхудот Тоғшодага ва Вардонхудотга чопар юборишди, ҳар галгидек улар мамлакатнинг энг чекка шаҳри бўлган Пойкандни биргаликда ҳимоя қилишлари керак эди.

Вардона ва Бухородан қўшинлар йўлга чиққан пайтда Қутайба ибн Муслимнинг юз минг сонли лашкари Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро воҳасига кирган эди.

Қутайба бундан икки йил бурун янги халифа Волид томонидан Хуросон волийси этиб тайинланган эди1. унинг бу юксак мартабани эгаллашида халифанинг ўнг қўли ҳисобланган Ҳажжож2 воситачи бўлган эди. Ҳажжож Қутайбага ундан олдинги Хуросон волийлари, жумладан отаси Муслим ибн Зиёд бошлаган йўлни давом эттириб, Мовароуннаҳрни тўла фатҳ этишни уқтирган эди. “Унутма, Муслимнинг ўғли, сенинг келажагинг, шон-шуҳратинг Мовароуннаҳрда!”- деган эди ноиб.

Қутайба лашкарлари Амударёдан бир-икки чақирим берироқдаги адирларда тўхтаб, катта лашкаргоҳ қуришди. Қутайба Бухорони, умуман Мовароуннаҳрни босиб олишга шошилаётган эмасди. У ҳар бир қадамини ўйлаб босадиган, узоқни кўзлайдиган саркарда эдики, шошқалоқлик унинг табиатига зид эди.

Лашкаргоҳда туриб, Хуросон амири аввалроқ Мовароуннаҳр вилоятларига юборган айғоқчиларини кута бошлади. У Бухоро воҳасига қўшин тортиб келганимдан ерлик ҳукмдорлар хабар топишсин, қўлларидан келганича чораларини кўраверишсин, деган мақсадда ҳам кутиб турган эди. Чунки у вазиятга қараб иш юритишга одатланган эди.

Бир неча куннад кейин айғоқчилар қайтиб келиб Қутайбага Бухорхудот Тоғшода йигирма минг, Вардонхудот ҳам йигирма минг, Сўғд ихшиди Тархун эллик минг қўшин билан душманга қарши урушга шай бўлиб туришганини, яна Туркистондан Хунукхудот бошлиқ эллик минг қўшин етиб келиши мумкинлиги ҳақидаги хабарни етказишди. “Жами юз қирқ минг бўларкан,- ҳисоб-китоб қилди Қутайба,- бизда эса юз минг лашкар бор. Душманлар бирлашиб улгурмасдан ҳужумни бошлаш керак”. Қутайба ўзининг ёрдамчиси ва энг яқин дўсти, бош саркарда Ҳайён Набатийни, лашкарбошилар Асадуллоҳ ибн Убайдуллоҳ, Варқо ибн Наср, Вазир ибн Айюб ва бошқа таниқли кишиларни ҳузурига чақириб, шу бугуноқ энг яқин қалъа – Пойкандга ҳужум қилиш ва босиб олиш режасини маълум қилди.

* * *

Қирқ кундан ошдики, Пойканд қамал қилинган. Қутайбанинг бу шаҳарни бир ҳамладаёқ босиб олиш режаси барбод бўлган эди. Пойкандликлар икки ой бурун кекса Сайённинг огоҳлантиришидан сўнг қалъа ичига бир неча ойга етгулик озиқ-овқат тўплашган эди. Шаҳар атрофида шундай бир кенг, чуқур хандақ қазишган эдики, араблар то уни кўмиб, ўтишгунча бир ҳафта оввора бўлишди. Кечалари шаҳар девори устидан отилган ўқлардан ҳалок бўлишди.

Қалъа ичида Тоғшоданинг йигирма минг қўшини бор эди. Улар бундан бир неча йил аввал араблар томонидан зиён етказилган, лекин қайтадан яна ҳам маҳобатлироқ қилиб тикланган мустаҳкам бевор устидан туриб, арабларга қирон келтиришарди. Араблар ҳужум билан Пойкандни ололмасликларига кўзлари етиб, уни қамал қилиб турадиган бўлишди. Бу орада шаҳар атрофидаги бир қанча очиқ қишлоқларни талон-тарож қилишди, бир неча марта Вардонхудот ва Тархун қўшинлари билан унча катта бўлмаган тўқнашувлар бўлди.

Қутайба Пойканд девори остидан лаҳм қазишни ва ер остидан шаҳарга кириб боришни режалади. Бу иш кечаси, қалъа мудофаачилари тинч ухлаётган пайтда бажарилиши керак эди. Тунда араблар девор остига писиб келиб, топшириқни бажара бошладилар. Эрталабгача ер ости йўли қазиб бўлинди, у деворнинг ичкари томонига туташ отхонадан чиққан эди.

Қутайба: “Ҳар ким шу раҳна1дан ичкарига кирса ва дарвозани очса, хуни баҳосида мукофот бераман,- деди,- агар шаҳид кетса, унинг ҳаққи фарзандларига икки баробар қилиб тўланади”. Юз нафар мужоҳид раҳнадан ўтди, бироқ энди пойкандликлар уларни кўриб қолдилар. Улар ўлимларини бўйнига олган ҳолда тўппа-тўғри навкарлар томондан қўриқланаётган дарвозага бостириб бордилар. Деярли барчалари ҳалок бўлишган бўлса ҳам, дарвозани очиб юборишди ва шу заҳотиёқ сон-саноқсиз араб лашкарлари гулдирос солиб ичкарига бостириб кирдилар. Шаҳар ичидаги уч кунлик хунрезликдан сўнг пойкандликлар таслим бўлдилар.

Қутайба Варқо ибн Насрни Пойкандга амир қилиб тайинлаб қолдирди-да, Бухоро томонга йўл олди. Варқо билан бирга минг нафар қўшин Пойкандда қолдирилди.

Пойканддаги мағлубиятдан сўнг Тоғшоданинг омон қолган ўн мингдан ошиқроқ қўшини лашкарларга бориб қўшилди. Бир қисми эса пойкандликларнинг уйларига кириб яшириниб қолишди, уларнинг мақсади Қутайба кетганидан кейин қалъада қолган араблардан ўч олиш эди.

Кичик лашкарбошиликдан амирлик лавозимига кўтарилган Варқо ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳали жиҳод давом этаётган ва охири нима билан тугаши номаълум бўлса-да, Варқо ўзини катта бир вилоят ҳокимидай тута бошлади. Унинг биринчи қилган иши шаҳардаги бутпарастлар ибодатхонасини буздириш бўлса, иккинчиси ўз ишрати учун қиз танлаш бўлди.

- Мен ҳозир бирма-бир уйларингизга кириб чиқаман,- деди у пойкандликларни кўчага йиғиб.- Қайсиларингизнинг бўйи етган қизингиз бўлса ва у менга ёқса, шубҳасиз, меники бўлади! Қаршилик кўрсатганларнинг боши кетади!

- Эй, амир!- деб, шунда олдинга чиқди одамлар орасидан кекса Сайён. – Бу қилиғинг билан сен мусулмон деган номга доғ тушираяпсан! Хуросонда тўртта хотининг бор, яна нимани хоҳлаяпсан?! Сен ҳатти-ҳаракатинг билан одамларни исломга даъват этиш ўрнига уларнинг нафратини уйғотаяпсан-ку!

Варқо ибн Насрнинг ранги бўздай оқарди, ёнидаги навкарларидан аста: “Ким бу чол?”- дея сўради, улар елка қисишди.

- Сен... кимсан ўзинг?- жаҳл билан тикилди у Сайёнга.

- Мен ҳам сенга ўхшаган бир мусулмонман. Нима гапларим ёқмадими?

- Тилинг ҳаддан зиёд узун экан,- деди Варқо захарханда билан. – Сен билан саройда танишиб оларман... Қани, ушланглар бу чолни,саройга олиб бориб қамаб қўйинглар, токим бизнинг ишимизга халал бермасин! Уч-тўрт навкар Сайёнга ёпишди.

- Қўйворинглар!!!- уларни силтаб ташлади қони қайнаб кетган чол.- Сенларга яхши гап билан айтаяпман! Агар

менинг гапимга кириб, қадамингизни тўғри боссангиз, бир йилга бормай Пойканд аҳли ўз ихтиёри билан исломга ўтишига кафолат бераман!

Варқо нима қилишга ҳайрон эди. Чолнинг гаплари уни ён беришга мажбур қилаётганди.

- Сен чиндан ҳам мусулмонмисан? Қаердан пайдо бўлдинг ўзи?!- ажабланиб сўради у Сайёндан. – Қани бу ёққа юрчи, гаплашиб олайлик... Майли ҳозирча қароримдан воз кечаман, тарқалинглар!

Сайённи ҳоким қароргоҳига олиб кетишди. Одамлар бу чол жонларига ора кирганидан мамнун ҳолда тарқалишди. Шу куни Варқо ибн Наср саройда Сайён билан яхшилаб танишиб олди, унинг тарихини эшитди. Лекин унинг панд-насиҳатини эшитгиси келмади, “Жиҳод пайтида мушрикларнинг қиз-жувонлари биз учун ҳалол, сен бу ишга аралашма!”- деди.

Эртаси куни Варқо бир қанча навкари билан яна қиз “ов”ига чиқди. Сайён ҳам Пойканд аҳлини бунга қарши исёнга тайёрлаб қўйганди.

Бир заргарнинг иккита соҳибжамол қизи бор эди. Варқо унинг уйига кириб, иккала қизини ҳам зўрлаб олиб чиқа бошлади. Шунда заргар:

- Пойканд – катта шаҳар, нима учун сен бутун шаҳардан фақатменинг иккита қизимни оласан?- деб тўполон кўтарди.

Варқо унинг дод-войига қулоқ солмай навкарларига қизларни саройга элтишни буюрди. Заргар кутилмаганда қўйнидан ханжар чиқариб, Варқога ташланди. Лекин уни чавақлаб ташлашни уддалай олмади. Варқо чаққонлик қилиб, унинг қўлини қайирди, унгача навкарлар заргарга қилич санчдилар. Яраланган Варқо ғазабга миниб, заргарнинг уйига ўт қўйдирди. Шундан кейин бир пасда ҳар хил қуроллар билан қуролланган исёнчилар тўп бўлиб келишди ва ур-йиқит тўполон бошланиб кетди.

Шаҳарда яшириниб юрган Тоғшода Бухорхудотнинг навкарлари қўзғолонни авж олдиришди. Арабларнинг кўпи ўлдирилди, қолганлари эса Варқо ибн Наср бошчилигида шаҳарни ташлаб қочиб кетишди. Аммо улар ёмғирдан қочиб дўлга дуч келишгандек Вардонхудот лашкарларининг қўлига

тушиб қолдилар ва тўқнашувда барчалари ҳалок бўлдилар. Фақат қандайдир тасодиф билан қутилиб қолган бир мужоҳид Қутайбани излаб Бухоро томонга от солди ва Хунбун яқинида уни қўшинлари билан дам олиб турган ерида учратиб, содир бўлган фожеани сўзлаб берди.

Қутайба бўлган воқеани эшитиб, ниҳоятда дарғазаб бўлди. Уни пойкандликларнинг бош кўтаргани эмас, Варқо ибн Насрнинг калтабинлиги кўпроқ ғазаблантирган эди.

- Лаънати подачи!- сўкинди у. – Асли наслингга тортасанда! Саҳрода қўй боқиб юрганинг яхши экан! Сени одам қиламан деб лашкарга олиб янглишган эканман!

Қутайбанинг Варқо ҳақида айтган сўкиниб айтаётган бу гапларида жон бор эди. Варқо аслида Қутайбанинг бадавий қабиласидан бўлиб, икки йил бурун саҳрода чўпонлик қилиб юрарди. Қутайба Хуросонга волий этиб тайинлангач, атрофида ўз қабиласидан бўлган кишиларни йиққанди. Улар орасида Варқо ҳам бор эди. Варқо Қутайбанинг бир неча маротаба Тохаристонга қилган юришларида ўзини кўрсатиб, унинг ишонч ва эътиборини қозонган, кейин лашкарбоши лавозимига кўтарилган эди.

Қутайба бўлиб ўтган фожеада Варқонинг ўзи айбдорлигига ва у жазосини олганлигига амин бўлса-да, бу масалани шундай қолдиролмас эди. Унинг мужоҳидлик тамойилига кўра, бош кўтарган шаҳар аҳолиси қаттиқ жазоланиши керак эди. Шунинг учун Қутайба бутун лашкари билан ортга қайтди ва исёнчилар шаҳрини қайта эгаллади. Шаҳарда урушга яроқли бирор эркак зотини қолдирмай, барини қиличдан ўтказди. Қутайба бошқа шаҳар ва қишлоқларга ибрат бўлсин, деб атай шундай қилдирди. Аскарларга бутун шаҳарга тарқалиб, пойкандликларнинг уй-жойларига ва хотин-қизларига эгалик қилишга фатво берди. У Пойканднинг нафақат бойликлари. Балки аҳолиси ҳам, энди туғилажак болалари ҳам мусулмонлардан бўлишини истади. Шу мақсадда ҳатто Бухорони фатҳ этишни кейинга суриб, Пойкандда қўшинлари билан бир йил туришга қарор қилди.

Араблар Пойкандга жойлашиб олганидан хабардор бўлган Тоғшода Бухорхудот ўз қўшинларини ва

иттифоқчиларини шаҳарни қамал қилиб эгаллашга юборди. Бироқ улар кузгача икки ой давомида шаҳарни қамал қилиб туриб, бир неча бор ҳужум қилган бўлсалар-да ҳеч нарсага эришолмадилар. Мудофаа деворлари жуда мустаҳкам бўлган бу шаҳарни “Жезқўрғон” деб бежиз атамагандилар.

Охири иттифоқчилар қўшинлари безор бўлиб, қайтиб кетдилар. Улар энди Пойканддан умидларини узган эдилар, қолган шаҳар ва қишлоқларни бой бермаслик тадбирларини кўра бошладилар.

Узоқ сақарларга кетган пойкандлик савдогарлар кузда юртларига қайтиб, билишдики, аҳвол шундай. Бахтиқоролар пешоналарига уришганча шаҳарга кирмай, тўғри келган томонга кетдилар, бошқа шаҳар ва қишлоқларга бориб жойлашдилар, Пойканд энди уларга бегона эди. Шаҳар ҳокими бўлган Алптегин Тоғшодага бориб учрашди, у билан Пойкандни араблардан қайтариб олиш хусусида гаплашди. Бироқ Тоғшода:”Энди фойдаси йўқ, Пойкандни арабларга бағишладик, кел, яхшиси менинг лашкарбошим бўл, Бухорони ҳимоя қилишни ўйлайлик”,- деди. Ҳафсаласи пир бўлган Алптегин Тоғшодадан қўлини ювиб, қўлтиғига урди-да ёрдам сўраш учун Чин мамлакатига – у ердаги туркларнинг ҳарбий бошлиғи, дўсти Кўрмағонун ҳузурига жўнади.

Бухороликларнинг навбатдаги жангларга қаттиқ тайёрланаётганликларини Қутайба биларди. Шунинг учун қиш келиши билан у қўшинларини Пойкандга қолдирган ҳолда ўзининг махсус лашкари билан янги қўшин олиб келиш учун Хуросонга қайтиб келди. У Пойканддан олиб келган ўлжаларини ва бир нечта асира қизларни Ҳажжожга этиб топширди., ўлжалар орасида ҳар бири кабутар тухумидек келадиган иккита қора марварид ҳам бор эди, уларни Қутайба Пойканддаги бутпарастлар ибодатхонасидан қўлга киритган эди. Ҳажжож ҳам қувониб, ҳам ҳайратланиб сўради:

- Бундай қимматбаҳо тошларни улар қаердан олишган экан, билмадингми?

- Менга айтишларича,- деди Қутайба,- буларни иккита қуш оғзида олиб келиб, бутхонага ташлаган экан. Яна Оллоҳ билади...

- Оллоҳ сенга баракот берсин,- деди Ҳажжож.- Мовароуннаҳрнинг биргина шаҳридан шунча ўлжани қўлга киритибсан, энди у мамлакатни тўла эгалламагунингча бу ёққа келиб ўтирма! Сен бой ўлканинг амири бўласан, шон-шуҳратинг баланд бўлади. Мен халифага айтиб, сенга яна юз минг қўшин бераман. Тезроқ Мовароуннаҳрга бор!

* * *

Кўҳандиз кутволи арабларнинг бир элчиси киришга рухсат сўраётганлигини Тоғшодага маълум қилди.

- Кирсин,- деди Тоғшода ичида “сулҳ сўраш учун келган бўлса керак” деб ўйлаб.

Ўзини элчи деб кутволга таништирган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги келишган, баҳодирсифат бу араб Қутайба ибн Муслимнинг лашкарбошиларидан бири, унинг амакиваччаси Асадулоҳ ибн Убайдуллоҳ эди. У Пойкандда Қутайбанинг ўрнига бошлиқ бўлиб қолган Ҳайён Набитийга: “Ўзим жосус бўлиб борай, душманларимизнинг янги тадбирларини билиб келай”,- дея рухсат олиб келганди. Аслида эса мақсади бутанлай бошқа эди.

Асадуллоҳ виқор билан Тоғшоданинг ҳузурига кириб келди-да, саройнинг у ёқ- бу ёғига диққат билан разм солди.

- Келавер,- деди Тоғшода ўрнидан жилмай унга рўпарасида ўтиришга жой кўрсатиб,- марҳамат!

Тоғшоданинг тахти орқасига тутилган парда ортида қандайдир шарпалар сезиларди.

- Илтимос, менинг сенга айтадиган гапларимни ўзингдан бошқа ҳеч ким эшитмасин,- деди Асадуллоҳ сўғд тилида, кўрсатилган жойга ўтирар экан.- Парда ортида ва эшик олдида ўтирган одамларингга жавоб бериб юбор.

- Улар менинг хавфсизлигимни қўриқлашади, сенинг гапингга ишлари йўқ,- деди Тоғшода.

- Ўзинг биласан,- деди Асадуллоҳ,- менга барибир, айтадиган гапим сенинг сиринг бўлади...

Тоғшода бу ғалати элчининг гапидан ажабланган бўлсада, ўзини эътиборсиз кўрсатиб:

- Гапиравер,- деди.

- Мен асли ярим араб, ярим бухороликман,- дея сўз бошлади Асадуллоҳ. – Раҳматли онам сенинг отанг Шер-Будуннинг хотини бўлган. Лекин буни лашкаримиздан ҳеч ким, ҳатто амакиваччам амир Қутайба ҳам билмайди. Мен душманларинг сафида бўлсам ҳам сенга хайрихоҳман, лекин буни сотқинлик деб тушунма...

- Шошма, шошма,- қошлари уйчан чимрилди Тоғшоданинг,- сен отамнинг Убайдуллоҳ ибн Зиёдга тегиб кетган сўғд хотинидан туғилганмисан?

- Худди шундай,- тасдиқлади Асадуллоҳ.- Бухородан қайтиб боргач, отам Хуросон амирлигидан бўшатилган ва онам билан Кўфа шаҳрида кўчиб бориб яшай бошлаган, мен ўша ерда туғилганман. Отам умрининг охиригача онамнинг наслу насабини одамлардан ҳам, мендан ҳам сир тутган эди. Буни менга онам вафоти олдидан айтган. Отам халифа Ҳазрат Алининг, унга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин, тарафдори бўлганини Алининг душмани халифа Муовиядан яшириб келган. Ҳазрат Алининг “Оллоҳнинг шери” дейишган, отам унга ихлоси туфайли менга ҳам Асадуллоҳ деб исм қўйган. Онам эса менга бундай исм қўйилишини шунчаки тасодиф эмас, Яратганнинг каромати деб биларди. Унинг айтишича, мен аслида шерлар ўлкасида, яъни Бухорода туғилишим керак экан, Шер-Будун Бухорхудотнинг тахти менга тегиши керак экан...

- Бу гапларинг билан нима демоқчисан?- киноялиб кулиб қўйди Тоғшода.

- Сен кулма,- деди Асадуллоҳ бир маромда сўзини давом эттирар экан,- хотиржам бўл, мен тахтингга даъвогар эмасман, онамнинг сенга, отангга ҳурмати қанчалик катта бўлганини, юрти билан, биринчи эри Шер-Будун билан қанчалик фахрланганини билдириш учун айтаяпман бу гапларни. Онам менга ҳеч қачон Бухорхудот авлодларига душманчилик қилмаслигимни, акаларим Барслон ва Эрвузни топиб олишимни васият қилган. Дарвоқе, сендан сўрамоқчиман, улар тирик бўлсалар, қаерда ҳозир?

- Эрвуз тирик, ҳозир менинг қўшинларимнинг бошлиғи. Барслон эса ёшлигида, отам билан бирга сенинг арабларингга қарши жангда ўлиб кетган.

- Отам билан бирга дейсан0ми? Ахир, отанг хитойликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлмаганми?

- Йўқ, у сенинг бевафо онанг Убайдуллоҳ ибн Зиёдга тегиб кетгандан кейин саккиз йил ўтгач, Чин ҳоқони зиндонидан озод бўлиб, қайтиб келган. Менинг онам унга садоқатини сақлаб қолган, ҳатто отам ўлгандан кейин ҳам эрга тегмади.

Тоғшоданинг камситиш билан “бевафо онанг” дейиши Асадуллоҳнинг ғашига теккан бўлса ҳам тишини тишига қўйиб, чидади, кейин:

- Бу Оллоҳнинг тақдири,- деди хўрсиниб.- Эрининг кўзини шамғалат қилиб, бевафолик қилаётганлардан худо асрасин!

Асадуллоҳнинг билмасдан айтган бу гапи Тоғшоданинг юрагига наштардай санчилди. Чунки биринчи хотини Сулувбиканинг бир неча йил бурун вазири Шаҳсувор билан ўйнашиб юрганлигини эшитган, лекин далил топа олмагач, рашки туфайли Шаҳсуворни ҳам, шу гапни етказган канизакни ҳам хуфиёна ўлдиртириб юборган эди. Сулувбикадан туғилган ўғли Сукон туфайли хотини билан муносабатини бузмай, дарду аламини ичига ютган эди ўшанда. Ҳозир шуни эслади-ю юраги алланечук бўлиб кетди.

- Кечирасан,- деди у Асадуллоҳга,- онанг чиндан ҳам отамни ўлган деб ишонган бўлса бордур... Мақсадга ўтайлик. Менинг ҳузуримга келишингдан муродинг нима?

- Сен ислом динини қабул қилишинг керак. Шундагина халқинг омон қолади, ўзинг шоҳ бўлиб қолаверасан. Акс ҳолда жуда кўп қон тўкилади ва Қутайба барибир Бухорони олади. Мақсадим шу гапни сенга айтиш эди.

Тоғшода деди:

- Бу янги гап эмас. Сизлардан олдин ҳам араблар уч марта юртимизга бостириб келиб, Малика онамга шундай талабни қўйишган. Лекин онам ўз динидан воз кечмаган, бошқа чора топиб душманни даф этган. Мен эса ҳали сизлардан

енгилганим йўқ, енгилган тақдиримда ҳам бирор чора топарман. Қисқаси динингни қабул қила олмайман.

- Сен хато қилаяпсан,- деди Асадуллоҳ,- Қутайба отамга ўхшаган кўнгли юмшоқ ёки ўз отаси Муслимдек диёнатли амир эмас. У ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Мақсади эса менга аён бўлганидек сенга ҳам аён бўлсин: У Бухоро халқини мусулмон қилмай туриб, ҳеч қандай сулх тузмоқчи эмас. Айтиб қўяй, у ҳозир Хуросондан яна камида икки юз минг лашкар бошлаб келаяпти. Сен барча иттифоқчиларинг билан ҳам бизга бас келолмайсан, буни танангга ўйлаб кўр, шаҳаншоҳ!

Асадуллоҳнинг росмана таҳдид қилиб турганлиги Тоғшоданинг жаҳлини чиқарди.

- Мени қўрқитмай қўя қол!- деди у асабий ҳолда.- Истасам, шу гапни айтган тилингни суғиртириб олишим мумкин! Лекин элчи ўрнида келибсан, майли кечираман! Лекин то Қутайба устидан ғалаба қозонгунимча зиндонда ётасан! Саройбон!!!

Тоғшоданинг чақириғини эшитиб, Кўҳандиз кутволи икки соқчи билан югуриб кирди.

- Олинглар буни, зиндонга ташланглар! Алоҳида зиндонга, ҳеч ким билмасин! Бир ойлик нон-сувини биратўла беринглар ва қайтиб очманглар!

Соқчилар Асадуллоҳни икки қўлтиғидан олиб судрашди, у бир силтаниб, бўшади-да:

- Ўзим бораверaман!- деди ва Тоғшодага юзланди.- Пушаймон ейсан ҳали, шаҳаншоҳ! Мени қўйворганингда сенга ёрдамим теккан бўларди.

- Олиб чиқинглар!- қичқирди Тоғшода унинг сўзларини ортиқ эшитишга тоқат қилолмай.

Асадуллоҳни олиб бориб, Кўҳандиз остидаги махфий зиндонга ташлашди. Шундан кейин уни ҳеч ким кўрмади. Унинг ким эканлигини зиндонбон ҳам, бошқалар ҳам суриштиришга ҳадлари сиғмаганди. Орадан бир ой ўтгандан кейин эса Тоғшода Қутайба ибн Муслимдан узил-кесил енгилиб, сичқонни ини минг танга бўлганда уни эслади, бироқ зиндонни очдиришга – башорати ҳақиқатга айланган Асадуллоҳга тик қарашга ҳукмдорлик ғурури йўл қўймади.

Йўқ, бу ғурур эмасди, балки бориб турган номардлик эди. Ҳатто Қутайба:- “Асадуллоҳни топиб берсанг, қўшинларингни таъқиб қилишдан тўхтайман, бўлмаса сўнгги навкарларинггача тутиб ўлдираман!”- деб дағдаға қилганида ҳам Тоғшода: “Худо ҳаққи, мен ундай одамни билмайман, кўрганим ҳам йўқ, эшитган ҳам эмасман”- дея қасам ичди. Чунки энди у амакиваччасини зиндонга солганимни тан олсам, Қутайба барибир менга шафқат қилмайди”- деб қўрқаётган эди. Шундай қилиб, Асадуллоҳ ҳолидан ҳеч ким хабар олмай зиндонда ётаверди. Тоғшода бу сирдан воқиф кишиларни араблар тазйиқидан қочиб кетаётган кишилар билан бирга Туркистонга кўчириб юборгач, кўнгли бироз хотиржам бўлди. Кейин, орадан йиллар ўтиб, бир кеча Тоғшода қўрқинчли туш кўрди... Шундан кейин у бир неча кун ҳаловатини йўқотиб юрди ва охири зиндонбонни чақириб, ўша махфий зиндонни очишга буйруқ берди. Бу пайтда Тоғшоданинг ўйлашича, маҳбуснинг суяклари ҳам чириб битган бўлиши керак эди. Лекин...

Бу ҳодиса кейинроқ сўзланади.

Ҳозирча эса Тоғшода Бухорхудотнинг Қутайба ибн Муслимга таслим бўлиб, исломни қабул қилиши воқеаларига қайтамиз.

Қутайба Хуросондан қўшимча ҳарбий куч олиб келгач, Бухоро томон юришни давом эттирди. Тоғшода ҳам етарли даражада куч йиғиб, жангда албатта ғолиб чиқишига ишонганди.

Тоғшоданинг Қутайба устидан ғалаба қозониши муқаррар эди. Лекин ҳал қилувчи лаҳзада иттифоқчиларидан Тархун ва Кўрмағонуннинг араблар билан урушдан воз кечиб ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишлари унинг аҳволини танг қилиб қўйди. Кўрмағонун Пойканд ҳокими Алптегиннинг чақируви билан Хитойдан эллик минг турк лашкари билан келган эди. Унинг лашкари Пойканд яқинидаги Тароб қишлоғини истеҳком қилган эди. Тархун ўзининг эллик минг қўшинини Ромтинда, Эрвуз ва Хунукхудот Иккинчининг қўшинлари эса Хунбун атрофларида жойлаштирилган эди. Пойканддан нарида чекиниб юрган Вардонхудот қўшинлари эса арабларга орқа томондан ҳужум қилиши керак эди.

Хуллас, Ромтин, Хунбун, Тароб ва Пойканд қалъаларини бирлаштирувчи ҳалқа ичида бўлган Қутайба қўшинларини иттифоқчилар тўрт томондан қисиб келиб, тор-мор этишлари мумкин эди.

Шу вазиятда Қутайбани ҳалокатдан Ҳайён Набатийнинг ҳийласи қутқариб қолди, Набатий иғво ва алдов йўли билан Тархун ва Кўрмағонунни – ҳалқанинг иккита катта ёйини бартараф этди. У ёши етмишдан ошган қари Тархун билан Ромтинда хуфёна учрашиб, уни ҳийла тузоғига туширди. “Мулк қўлингдан кетибди-ю сенинг хабаринг йўқ”,- деди Ҳайён Тархунга. “Қандай қилиб?”- сўради Тархун. “Қарибсан, калланг ишламай қолибди,- деди яна кесатиқ билан Ҳайён.- Ўттиз йил бурун Самарқандда Саъид ибн Усмондан боплаб қутулиб қолгансан, энди наҳотки Бухорхудот билан Хунукхудотнинг Сўғдни қўлингдан тортиб олиб, туркларга бермоқчи бўлаётганларини тушунмасанг?” “Бўлмаган гап!- деди Тархун. – Мени лақиллатмоқчи бўлаяпсан”. “Ана, кўрасан,- деди Ҳайён ҳам бўш келмай,- Туркистонда эллик минг, Хитойдан эллик минг турк лашкари шунчаки Бухорони араблардан ҳимоя қилиш учун келган деб ўйлайсанми? Турк ҳоқонлиги яна кучайиб, Сўғдга кўз олайтирганидан ҳам хабаринг йўқми? Биз-ку Бухородан оларимизни олиб, Хуросонга қайтиб кетамиз, доим шундай бўлиб келган, лекин кейин сенинг ҳолингга вой бўлади, турклар мамлакатингизни босиб оладилар”. Тархуннинг юрагига ғулғула тушган бўлса-да. Ҳали ҳам ишонмайроқ турганди. “Сизлар энди қаерга ҳам кета олардингиз?- деди у ўсмоқчилаб,- тўрт томондан ўраб олиндингизлар-ку!” Ҳайён қаҳ-қаҳ отиб кулди: “Хом хаёлни бошингдан чиқаз! Кеш ва Нахшоб йўли орқали Хуросондан бизга Ҳажжож юборган яна юз минг лашкар ёрдамга етиб келаяпти. Улар чекиниб юрган Вардонхудот қўшинларини аллақачон жаҳаннамга жўнатиб юбордилар. Менга ишонмасанг, одам юбориб, Вардонхудотдан хабар олиб кўр-чи!” шундан кейин Тархун бўшашиб қолди ва ташвишланиб деди: “Агар мен лашкаримни олиб кетсам, сизлар турклар балосидан мени қутқара оласизларми?” Ҳайён энди Тархун унинг ҳийла тузоғига илинганига ишонч ҳосил қилиб, ўлжасини торта

бошлади. “Биз туркларни шундай додини берамизки, улар юртларига қочиб қутулсалар ҳам катта гап! Лекин мен бу ерга фақат сени улардан қутқазиш учун келганим йўқ”. “Мендан нима истайсан?” сўради Тархун. “Сулх истайман,- деди Ҳайён Набатий тантанавор оҳангда. Агар биз билан сулх тузиб, товон тўламасанг, Бухорони олгандан кейин сенинг мамлакатинг устига юрамиз!”. Тархун араблар ўттиз йил бурун Самарқандни қандай талон-тарож қилиб кетганликларини эслади ва дарҳол сулхга рози бўлди.

Шундай қилиб, эртага жанг деган ўша тунда Тархуннинг лашкари карнай чалиб, ортига қайтиб кета бошлади. Эрвуз ва Хунукхудот одам юбориб “НИма гап?”- деб сўраганларида, Тархун: “Ҳажжож Кеш ва Нахшоб орқали юз минг лашкар юборибди, улар орқамиздан келиб, бизни ўртага оладилар. Мен ўз вилоятимга қайтаман”,- деб жавоб юборди.

Бу гап Кўрмағонунга етиб боргач, у ҳам карнай чалдириб, қайтишга тушди.

Эртаси куни Эрвуз ва Хунукхудотнинг етмиш мингга яқинлашкари сон жиҳатидан икки карра устун бўлган Қутайба қўшинларига қарши жангга чиқдилар. Қутайба қўшинининг бир қисмини орқа томонда қолдириб, Вардонхудотга қарши қўйди. Лекин Вардонхудот аҳволни аллақачон билган эди, ураблар кутган томондан келмай, айланиб келиб Бухорхудот қўшинларига қўшилдилар.

Араблар қанчалик кўп бўлишмасин, матонатли рақибларини ҳолдан тойдириш учун бир ҳафтадан кўпроқ уринишди. Дастлабки кунларда арабларга энг кўп талафот етказган ўнг қанотдаги Вардонхудот қўшинлари бўлди. Ҳайён Набатий кўп қурбон берса ҳам рақиблари сафини ёриб кириб, Вардонхудотни улардан ажратиб қўйишга муваффақ бўлди. Шундан кейингина арабларнинг қўли баланд кела бошлади ва Бухорхудот қўшинлари ҳам, Хунукхудот қўшинлари ҳам ҳар тарафга чекина бошладилар. Қутайба уларни таъқиб қилишни тўхтатиб, бир-бир қишлоқ ва қўрғонларни эгаллай бошлади.

Мағлубият алами Тоғшодани майга муккасидан кеткизган эди. У эрта-индин Қутайба Бухорога кириб келишини сезар ва ўшанда ҳоли нима кечишини ўйлар эди.

Нима қилсин, қочиб кетсинми? Қаерга қочади? Агар Асадуллоҳ ибн Убайдуллоҳнинг айтганлари рост бўлса, Қутайба Тоғшодани қаерга яширинган бўлса ҳам топдирмай қўймайди. Таслим бўлиб, сулх сўраса-чи? Унда ислом динини қабул қилишга мажбур бўлади, ҳа, Асадуллоҳнинг башорати ростга ўхшайди. Бўлганича бўлаверсинчи, нима бўлганда ҳам Тоғшода жонини ва тахтини сақлаб қолади! Ҳозирча Қутайба пойтахтдан узоқда-ку, бир пас бўлса ҳам ғам-ташвишни унутиш керак. Май...

- Май келтир!- буюрди Тоғшода икки қўли билан бошини чангаллаб. Канизак югурганича чиқиб кетди ва бир зкмда устига чинни кўзача қўйилган баркаш кўтариб келди.

- Қуй!- деди Тоғшода унга имо қилиб,- ўзингга ҳам қуй!

- Мен боя ичгандим, деди канизак кўзлари жовдираб, кўп ичолмайман, шоҳим!.. Мен учун ўзингиз олаверинг, марҳамат!

Тоғшода бу шаҳло кўзли тоғ гўзалининг қўлидан қадаҳни олар экан, бир қўли билан билагидан ушлаб ўзига тортди.

- Тоғ оҳуси!.. Исминг нима эдии сенинг?.. Ҳалиям саркашлигинг қолмабди-ку! Шоҳга “йўқ” демайдилар...

Тоғшода қўлидаги майни охиригача сипқориб, қадаҳни отиб юборди ва канизакни белидан қучди.

- Шоҳим... Кечқурин...- пичирлади қиз унинг май ҳиди анқиб турган нафасидан бўғриқиб.

- Кечқурин?.. Ҳозир қайси вақт?-мастона нигоҳини канизакнинг дуркун кўкрагига ташларкан беўхшов кулди Тоғшода. – Биз истасак дарҳол кечқурин бўлади! Ҳе –ей! Пардалар туширилсин, эшиклар ёпилсин! “Кечқурин” бўлсин, “кечқурин”! ҳузуримга ҳеч ким қўйилмасин!

Эшик ортида пойлаб турган хизматкор югуриб кириб деразаларнинг пардаларини тушира бошлади. Сарой қабулхонасида туш пайтидан буён Бухорхудотнинг қабул қилишини кутиб ўтирган турли вазифалардаги аъёнлар ҳафсалалари пир бўлиб, бир-бир ташқарига чиқиб кетишди. Хизматкор Тоғшода билан канизакни ҳоли қолдириб, эшикни орқасидан ёпди-да, икки томонда найзаларини ушлаб соқчиликда турган йигитларга қараб, паст товушда кулди:

- Бошланди!.. Хих...

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Кўҳандизга ҳовлиқиб Хунукхудот ўзининг иккита турк соқчиси билан кириб келди. Кутвол ва Бухорхудот соқчиларининг ҳай-ҳайлашига қарамай, у тўғри Тоғшоданинг саройи эшигига қараб йўл олди. Хунукхудот бир томони табиатан қўполлиги бўлса, иккинчидан Тоғшодага қизини хотин устига хотинликка берибқўйганлигини пеш қилиб, ҳеч қачон унинг ҳузурига кириш учун рухсат сўраб ўтирмасди. Бунга сарой мулозимлари ҳам, Тоғшоданинг ўзи ҳам кўниккан эдилар. Лекин айни дамда Бухорхудот жуда нозик иш билан бандлиги учун, бунинг устига мастлигини ҳисобга олган ҳолда соқчилар ноилож унинг йўлини тўсдилар.

- Шаҳаншох... бу ерда йўқ!- дейишди улар Хунукхудотнинг бошқа баҳонани тан олмаслигини билган ҳолда.

- Шу ерда бўлмай қаерда бўларди?!- жаҳл билан ўшқирди Хунукхудот ва соқчиларни суриб, эшикни очиб юборди.

Пардалари туширилган нимқоронғу саройда Тоғшода кўринмасди.

- Ким у бесўроқ кирган?- сарой тўридаги шифтдан пастгача туширилган парда ортидан Бухорхудотнинг норози оҳангдаги товуши эшитилди.

- Мен!- деди Хунукхудот ёнидаги шахсий соқчиларига “шу ерда туринглар” ишорасини қилиб, олдингга қадам ташлар экан. –Бу ёққа чиқ гаплашадиган гап бор!

- Ҳозир...

Тоғшода бемаврид келган қайнотасининг овозини таниб, эриниб ўрнидан турди. Тўшакда у билан ётган канизак эса шошганча кийимларини йиғиштирди-да орқа томондаги яширинча эшикка равона бўлди.

Тоғшода кийимларини тўғрилаганча чайқала-чайқала келиб тахтга ўтирди. Хунукхудот бир унинг аҳволига, ерда синиб ётган қадаҳ ва курси устидаги май солинган кўзачага қараб:

- Душман мамлакатни эгаллаб бўлди-ю, ҳукмдорнинг айш суриб ётганини қаранг!- деди аянчли ҳолда. – Менга қара Бухорхудот! Сендек бадбахт шоҳ учун жанг қилишга менинг ортиқ тоқатим қолмади. Лашкаримнинг ярми қирилиб

бўлди. Бугуноқ ҳаммасини йиғаман-да Турк-ютга жўнаб кетаман.

Тоғшода карахтлиги тарқаб, кўзларини катта-катта очганча:

- Нима бўлди? Нега... кетасан?- деди.- Келишувимиз нима бўлади?

- Тупурдим ўша келишувимизга!- жаҳли баттар чиқди Хунукхудотнинг.- Вардонхудот чўлга қочиб кетган! Мақтаб юрган Эрвузингни лашкари билан араблар асирликка олишибди! Яна "келишув" дейди-я!

Уларнинг уруш бошланмасдан олдин ўзаро келишган аҳдларига кўра, арабларни қувиб юборганларидан сўнг Бухорхудот мамалакатнинг тенг ярмига ҳукмронлик қилишни Хунукхудотга топширадиган ва унга пойтахт қилиб Варахшани берадиган бўлган эди. Лекин айёрликда бир-биридан қолишмайдиган бу ҳукмдорлар ўзаро манфаатли бу аҳдноманинг тагида ўзларининг кейинги худбинона мақсадларини ҳам яширган эдиларки, бир-бирларига сир бой бермас эдилар. Хунукхудот арабларни бир ёқлик қилгандан кейин биратўла Тоғшодани ҳам тахтдан ағдариб, ўзи бутун мамлакатни қўлга олмоқчи эди. Тоғшода эса деҳқонларни Хунукхудотга қарши қўзғаб, уни бутунлай Туркистонга кўчириб юборишни ва Бухородаги барча мулкларга эгалик қилишни мўлжаллар эди.

- Начора, кетсанг – кетавер!- деди Бухорхудот қўлларини кенг ёйиб. – Мен-ку душманга товон тўлаб бўлса ҳам тахтимда қоламан, сен шунча қилган хизматингдан кейин ҳеч вақосиз қоласан-да! Шунинг учун охиригача...

- Бас! Энди фойдаси йўқ!- Бухорхудотнинг сўзини кесди Хунукхудот. – Сен мени қуруқ қўймассан, ахир, қайнотангман... Ерларимни сенга ташлаб кетаяпман-ку, менга пул бер, кўп сўрамайман, қурол-яроққа кетган икки юз минг дирҳамни қайтарсанг бўлди!

- Қанақа пул? Қанақа икки юз минг?!- хо- холаб кулиб юборди Тоғшода. – Сенга кўрган зарарингни мен тўласам, менга ким тўлайди? Истасанг ерларингни кўтариб кет! Истасанг қизингни ҳам олиб кетишинг ҳам мумкин!

- Лаънати!- кўзлари қонга тўлди Хунукхудотнинг.- Афсуски, қизимни ўйлаяпман-да, бўлмаса бошингни узиб ташлардим!..

- Ўзингни бос! Ҳозир жаллодни чақираман...

- Қўрқма, кетаман! Пулинг ҳам, юртинг ҳам ўзингга сийлов! Тўлғанойни ҳам олиб кетардим-у, афсуски, ой-куни яқин экан... Менга қара куёв, агар унга бирор кор-ҳол бўлса, сени тирик қўймайман, билиб қўй!

Хунукхудот шитоб билан чиқиб кетди, соқчилари унга эргашдилар.

Мол-дунё йиғиш-у ҳокимиятни кенгайтиришдан бошқа мақсади бўлмаган Хунукхудотнинг қизини бу қадар меҳрибончилик билан ўйлаши бир қарашда ғалати ва носамимий туюлса-да, бежиз эмас эди. У Кунтуғмиш туғиб берган шу қиздан бошқа фарзанд кўрмаганди. Энди ёши элликларга яқинлашганда ўзига меросхўр бўладиган киши ҳақида ўйламасдан иложи йўқ эди унинг. Шунинг учун қизини Бухорхудотга бериб, ундан ўғил фарзанд кутаётган эди. Набираси нафақат унинг мол-мулкига эгалик қилишини, балки катта мамлакатнинг ҳукмдори бўлиб етишишни орзу қиларди.

Орадан йиллар ўтиб, Хунукхудотнинг орзуси тўла бўлмаса-да амалга ошди. У Туркистонга жўнаб кетгач, тўққиз кундан сўнг малика Тўлғанойнинг кўзи ёриб, Бухорхудот Тоғшоданинг иккинчи ўғлини дунёга келтирди, чақалоққа отаси Қутайба деб исм қўйди. Чунки бу пайтда амир Қутайба Бухорони эгаллаган ва Тоғшода унинг қўлида имон келтириб, мусулмон бўлган ҳамда ўз тахтида қолдирилган эди. Чақалоққа исм қўйилган куни Кўҳандиз ичидаги бутлардан буткул тозаланган ибодатхонада биринчи бор азон садоси янграб, жамоа намози ўқилган эди. Намозхонларнинг олдинги сафида Тоғшода, унинг ёнида эса илгари душмани бўлган дўсти Қутайба ибн Муслим турарди.

Қутайба ибн Тоғшода Бухорхудот улғайгач, акаси Сукон ибн Тоғшода Бухорхудотдан кейин Бухорода ўн етти йил ҳукмронлик қилди. Тўғри, бу кунгача унинг бобоси Хунукхудот етиб келолмади, у набираси олти ёшга тўлган

пайтда Туркистондаги Талас дарёси бўйида араблар билан бўлган жангда ҳалок бўлган эди.

* * *

Қутайба ибн Муслим Бухорони фвтх этгач, бу ерда бир неча муддат турди. Энди Самарқанд сари юришга отланар экан, у лашкарбошиларидан бири Вазир ибн Айюбни Бухорога амир этиб тайинлади.

- Бу қанақаси бўлди? – норозилик билдирди Тоғшода.- Сен менинг ўзимни ҳукмдорликда қолдирдинг-ку! Ахир, мен подшоҳманми, уми?

- Сен ўз подшоҳлигингни давом эттираверасан, у эса амир бўлади,- тушунтира бошлади Қутайба.- Буни қандай тушунтирсам сенга... Масалан, мен ҳам Хуросон волийсиман, шу билан бирга бутун Хуросоннинг амириман ҳам. Валид ибн Абдумалик – халифа, айни вақтда амир ал-мўминин, яъни барча мусулмонларнинг амири ҳам. Сен эса бухорхудот – подшоҳсан, Бухоронинг амири ҳам бўлишинг мумкин, лекин ҳозирча сени амир қилиб қўёлмаймиз. Чунки, сен эндигина мусулмон бўлдинг, ҳали ислом қонунларини, Қуръонни билмайсан. Амир мусулмончилик қонун-қоидаларини яхши биладиган, дин учун катта хизмат кўрсатган киши бўлиши керак. У қўл остидаги мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши, диний ҳукмлар, тартиблар тўла бажарилишини таъминлай олиши керак. Ахир, сен ҳали ислом дини ҳақида деярли ҳеч нарсани билмайсан-ку, шундай эмасми? Шунинг учун биз Вазир ибн Айюбни Бухорога амир қилишга мажбурмиз. Вақти келиб, бутун Бухоро аҳлини исломга киритсанг, ислом йўлидан оғмасанг, сенинг ўзингга амир унвонини беришимиз мумкин. Энди тушундингми?

- Тушунарли,- деди Тоғшода,- фақат бир нарса қоронғу бўлиб қолаяпти: амир менга буйсунадими ёки мен амирга?

- Икковингиз ҳам Оллоҳга буйсунасизлар,- Тоғшоданинг нозик саволига айёрлик билан жавоб берди Қутайба. – Айтдимку, сен ўз ҳокимиятингни тўлалигича ўз қўлингда сақлаб қоласан. Мамлакатинг, мол-мулкинг, фуқароларинг, хазинанг – ҳаммаси ўз қўлингда бўлади. Амир эса диний

ҳокимиятни бошқаради, яъни сенинг ҳокимиятингни ислом қонунларига мувофиқлаштиради, ҳукмлар чиқаради. У сенинг ҳам амиринг, сен эса унинг подшоҳисан. Тегишли соҳада бир-бирларингизга итоат этасизлар. Бу ёғини аста-секин тушуниб бораверасан.

Тоғшода: “Маъқул”,- дея бош қимирлатди. У Вазир ибн Айюбга Кўҳандиздаги ўзининг вазири хонасини бўшатиб берди. “Демак, амир менга вазир ўрнида бўлади,- ўйлади у.- Ҳа, худди шундай бўлиши кеарк, уни ўзимга вазир қилиб оламан, бошқа вазир сақламайман”. Тоғшода Вазир ибн Айюб билан келишиб, ҳукмдорлигини давом эттираверди. Кейинроқ у амирнинг ким эканлигини яхши тушуниб олди. Ҳар қадамда йўл-йўриқ кўрсатиб, насиҳат қилаверадиган бу одам Бухорхудотнинг ҳар бир ножўя ҳаракатини Қутайбага етказиб турувчи жосус ҳам экан. Тоғшода энди ўз эркида бирор иш қилолмасди. Шунинг учун амирни Кўғандиздан, кўзи олдидан узоқлаштирмоқчи бўлди.

- Дўстим, деб мурожаат қилди у Ибн Айюбга хушмуомалалик билан,- мен сенинг ҳурматингни жойига қўйиб, ўзинг учун алоҳида сарой ажратиб бермоқчиман. Шаҳристонда ажойиб бир қаср бор, илгари у элчилар учун меҳмонхона эди. Шуни сенга берсам, нима дейсан?

- Яхши бўларди,- деди Ибн Айюб Тоғшоданинг асл мақсадини илғамай,- мен ҳам шу ҳақда ўйлаб юргандим. Чунки Кўҳандизда иккаламизнинг ҳам мулозимларимиз кўп, жой тиғиз бўлиб қолди. Бу ғамхўрлигингдан хурсандман.

Шундай қилиб, Тоғшода ҳамиша ўзи ҳадиксираб юрадиган амирни шаҳристоннинг Коҳ кўчасидаги қасрга кўчириб юборди-ю, Кўҳандизда аввалгидек эркин бўлиб олди, истаган пайтида кўнгилхушлик қиладиган, ўзи хоҳлагандек ҳукмронлик қиладиган бўлди.

Аммо Бухорода мусулмонлар кўпайиб борган сайин Тоғшоданинг ҳокимияти чекланиб бораверди. Мусулмон аҳоли билан бошқа диндаги одамлар ўртасида пайдо бўладиган ҳар қандай муаммо ва низоларни амир Вазир ибн Айюб кўриб чиқарди ва табиийки, мусулмонлар фойдасига ҳал этарди. Бу ҳол оташпарастлик эътиқодида бўлган асосий

нуфус олдида Бухорхудотнинг обрў-эътиборини пасайтириб бораётган эди.

Тоғшода тилида мусулмон бўлган бўлса-да, дилида эътиқоди йўқ эди. Буни амир ҳам сезар, бироқ индамасди. Чунки у “Оллоҳ ўзи истаган, яхши кўрган бандасининг дилига имон солади” деган ақидага таянарди.

Вазир ибн Айюб ҳар жума намозида халойиқни тўплаб, ваъз ўқир, янги мусулмонларга пайғамбар ҳаёти, ислом ақидалари ҳақида сўзлаб берар, Қуръондан оятлар ўқиб, маъносини тушунтириб берарди. Аввалига амир одамларни намоз ўқишга қизиқтириш учун ҳар бир намозхонга икки танга пул бериш тартибини жорий этганди. Бора-бора пул берилмай қўйилганда ҳам одамлар намозга келавердилар. Чунки улар исломнинг афзаллигини тушуниб, чин дилдан имон келтиргандилар.

Тоғшодага яқин бўлган Бухоро зодагонларининг ҳам кўпчилиги исломга киришди. Улар орасида кекса Махр, Нигина бегим ва унинг ўғиллари Қоплон билан Бурслон, Будун Бухорхудотнинг ўғли Эрвуз ҳам бор эдилар. Бироқ Махрнинг катта хотини Бойбика, Нигина бегимнинг акаси Салмон чол кабилар ўла-ўлгунча исломни тан олмадилар. Тоғшоданинг кичик хотини Тўлғаной исломга кирди, лекин катта хотини Сулувбика мажусийликда қолди.

Бир куни жума намози олдидан Тоғшодага акаси Эрвуз рўбарў келиб қолди. Эрвуз Қутайбага асир тушгандан кейин ислом лашкарига қўшилиб Самарқандни фатх этишгача борган ва у ердан ярадор бўлиб қайтиб келган эди. Ўшандан буён Бухорхудотга кўринмас, Работи Шер-Будундаги ҳовлисида тоат-ибодатга машғул бўлиб ҳаёт кечирар эди. Тоғшода ҳам уни унутиб юборганди.

- Эрвуз,- деди Тоғшода акасининг енгидан ушлаб четга тортар экан,- сен чиндан ҳам мусулмон бўлдингми? Менку подшоҳ бўлганим учун уларни алдаб юрибман, сенга нима зарур? Жизяни тўлаб, уйингда ўтираверсанг бўлади-ку?!

Эрвуз Тоғшодага раҳми келгандай тикилиб турди-да:

- Сен уларни алдашинг мумкин, ўзингни алдашинг мумкин, лекин Оллоҳни алдай олмайсан-ку!- деди ва қайрилиб масжидга кириб кетди.

Бухорхудот ажабланиб унинг ортидан қараб қолди. Наҳотки, бу ўша қўрқмас ва ботир, арабларга қарши жон-жаҳди билан курашган Эрвуз бўлса? Унинг бунчалик ўзгаришига сабаб нима? Араблардан қўрқдими? Ахир, энди уруш тугаган, мусулмон бўлиш-бўлмаслик ҳар кимнинг ихтиёрига берилган-ку!

Тоғшода ўйлаб ўйига етолмасди. Қайнотаси Махр бир куни уни яна ҳам ажаблантирадиган гапни айтди:

- Мен арабларнинг мажбурлаши туфайли мусулмон бўлганим йўқ, ўз ақлим билан динга кирганман. Энди иқрор бўлсам бўлади: мен билан раҳматли онанг аслида бундан қирқ йил муқаддам, онангнинг хос соқчиси раҳматли Феруз Хуросондан мусулмон бўлиб келган пайтларда, Оллоҳга имон келтирганмиз. Лекин буни яширар эдик, чунки у пайтда ҳали бизни тушуна олмайдиган халқнинг ғазабидан қўрқардик. Ҳа, Маликаи Будун муслима аёл эди, имон билан дунёдан ўтди...

Бухорхудот ҳангу-манг бўлиб қолди. Бу гапга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди.

... Бир кеча у қўрқинчли туш кўрди. Тушида онаси Маликаи Будун Кўҳандиз ичида унинг қўлидан етаклаб юрганмиш. Қўл ушлашиб келиб, қалъа деворидан пастга қарашса, чор атрофи бижғиб ётган ботқоқлик эмиш. Кўҳандиз ботқоқликка чўкиб кетаётгандек бўлибди. “Ўғлим, атрофингга қарамабсан-да, ҳамма ёқ ботқоқ бўлиб кетибди-ку”,- дермиш Малика ташвишланиб. Тоғшода: “Қўрқманг, онажон, ҳозир ботқоқни қуритаман”,- дебди-ю, сарой аъёнларини чақира бошлабди, ҳеч ким жавоб бермасмиш. Хоналар бўйлаб зир югуриб, мулозимларини, соқчиларини, хотинлари-ю ўғилларини қидирармиш. Лекин ҳеч ким кўринмас, ҳамма ёқ ҳувиллаб ётганмиш. Тоғшода Кўҳандиз ўртасидаги мачитга қараб югурибди. Одамлар ҳаммаси шу ерда бўлса керак, деб ўйлабди у. Мачит эшигини очиб қараса, меҳроб олдида фақат бир киши мук тушиб намоз ўқиб ётганмиш. Ким экан бу одам, деб қараб турибди. Бир пайт ҳалиги одам намоздан бошини кўтариб, Тоғшодага қарабди. У Тоғшода бир пайтлар зиндонга ташлаган Асадуллоҳ ибн Убайдуллоҳ экан. Тоғшода ундан қўрқиб кетиб, орқасига қарамай қочибди. Зинама-зина югуриб, Кўҳандиз

дарвозасидан чиқиб қочмоқчи бўлибди. Дарвоза очиқ экан. Икки томондаги ҳайкал шерлардан бири ҳақиқий шерга айланган, онаси унга ўтириб олиб ботқоқликдан ўтиб кетаётган эмиш. Тоғшода: “Мени ҳам олиб кетинг, онажон!”- деб додлармиш, онаси эса эшитмас ҳам, қарамас ҳам эмиш. Кўҳандиз тобора ботқоққа ботиб кетаверибди, балчиқ сув Тоғшоданинг оёғи остигача келибди. У ҳам онасидек шерга миниб, ботқоқликдан кечиб ўтмоқчи бўлармиш-у ҳайкал шер ҳеч ҳақиқий шерга айланмасмиш...

Тоғшода “Ёрдам беринглар!” деб бақирганча қўрқинчли уйқусидан уйғониб кетди. У “Хайрият, тушим экан”, деб ўзини босиб олди-ю, кўрган туши хаёлидан кетмай кўнгли хира бўлиб қолаверди. Гуё бир фалокат рўй берадигандек эди. “Асадуллоҳ... Оллоҳнинг шери... Нега у тушимга кирди?.. Онамни шер қутқариб қолди, нима учун бундай бўлди? Ботқоқлик... Мен қилган гуноҳларим ботқоғига ботиб кетаман... Нима қилишим керак?” Бу ташвишли ўй-хаёллар унга тинчлик бермасди.

Тоғшода зиндонбонни ҳузурига чақирди.

- Қулоқ сол,- деди у ҳеч нарсадан бехабар зиндонбонга,- агар билсанг, зиндоннинг эшигидан чап томонда бир тор йўлак бор, ундан ўн қадам юрсанг йўлак тугайди...

- Биламан,- бошини қимирлатди зиндонбон.

- Хўш, яна нима биласан? Бу йўлак нима учун қўйилган?

- Билмадим...

- Билмайсан! Буни билганлардан Бухорода фақат мен қолганман. Энди гапимни эшит йўлакнинг охирига борасан, икки томон деворларига яхшилаб разм соласан. Деворга терилган тошлардан ҳар иккала томондан ҳам биттадан тош бошқаларидан фарқ қилади. Уларни суғуриб оласан ва чап томондагисини ўнгга, ўнг томондагисини чап томонга ўрнатсанг, йўлакнинг олди очилади. Ичкари – махфий зиндон. У ерга тўрт йил бурун бир одамни қамаб қўйган эдик. У албатта, чириб кетган. Суякларини йиғиштириб олиб, мозорга элтиб кўмасан, тушундингми?

- Тушундим,- деди зиндонбон диққат бўлиб,- бораверайми?

- Шошма! Бу ишни кечаси қиласан, ҳеч ким билмаслиги керак. Агар биров билиб қолгудек бўлса, ўзингни ўша зиндонда чиритаман! Энди боравер.

Тоғшода зора Асадуллоҳнинг суякларини дафн эттирсам, тушимнинг таъбири яхшиликка буюрса, деб ўйлаганди.

Аммо тунда зиндонбон буюрилган юмушни бажараётганда туш каби даҳшатли воқеа рўй берди. Зиндонбон машъала ёқиб, махфий зиндонга тушди ва даҳшатдан чинқириб юборди: баҳайбат бир шер унга қараб келарди. Зиндонбон эс-хушидан айрилиб, гурсиллаб йиқилди, боши тошга урилди, қўлидаги машъала ҳам устига тушиб, уст-боши аланга ола бошлади. Шер бир сакраб унинг устидан ўтди-да йўлакдан чиқиб кетди. У даҳшатли овозда наъра тортиб, юқорига кўтарилиб бораркан, Кўҳандиздаги ҳаммани уйғотиб юборди. Шер Кўҳандиз устига чиқиб, девордан пастга сакради...

Бу воқеани кўрган-кўриб улгурди, кўролмаган гоҳ ишониб, гоҳ ишонмади. Бухорхудот шер ғойиб бўлгандан кейин хонасидан чиқиб келганди. Йиғилганлар девор олдида тўпланишиб, бир-бирига сўз бермай бўлган воқеа ҳақида шовқин кўтаришарди. Бухорхудот уларнинг сўзларини эшитаркан, кўрган тушини эслаб, пастга қаради. Пастда на шер, на ундан бирор из кўринарди.

ХОТИМА

Бухорхудот Тоғшода ўттиз икки йил ҳукмронлик қилди, шундан саккиз йили исломият даври эди. У ўзининг фожеа билан тугаган умри охиригача тилида мусулмону дилида оташпараст, мусулмонлар таъбири билан айтганда “мунофиқун” бўлиб яшади. Уни 727 йилда мусулмонларга ўтказган зулмидан тўйган икки деҳқон ханжар санчиб ўлдирдилар. Тоғшодадан кейин тўнғич ўғли Сукон етти йил, ўртанча ўғли Қутайба ўн етти йил, кенжа ўғли Бунёд ўттиз икки йил Бухорхудотлар тахтида ҳукм сурдилар. Бунёд тарихда “Оқ кийимликлар” қўзғолони деб ном олган, арабларга қарши кўтарилган Муқанна бошлиқ қўзғолонга ён босганлиги учун 783 йилда Бағдод халифаси Маҳдийнинг буйруғига кўра қатл этилди. У билан бухорхудотлар сулоласининг ҳукмронлиги поёнига етди. Умуман, Тоғшодадан кейинги ҳукмдорлар даврида бухорхудотлар давлати инқирозга юз тутган эди.

Сўнгги бухорхудотлар Бухоро давлатининг мустақиллигини тиклаш учун араб халифалиги билан гоҳ яширин, гоҳ ошкор тарзда кураш олиб борган эдилар. Аммо йирик империяга айланган халифаликнинг куч-қудрати олдида уларнинг кураши ҳамиша кучсиз ва самарасиз бўлиб қолаверди.

Гарчи Бухоройи шарифнинг юксалиши бухорхудотлар ҳукмронлигидан кейин бошланган бўлса ҳам, бу юксалишнинг асосчилари Хожа Абу Ҳафс Кабир, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино ва бошқаларни етиштирган халқнинг ўтмиш аждодлари ҳам тарих олдида ўз вазифаларини адо этганликларига шак-шубҳа йўқ.

Бухоро тарихчиларининг отаси Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг машҳур асаридан олинган қуйидаги сатрлар билан сўзга хотима бермоқ жоиздир:

“Бир ҳадисда Бухоро номи Фохира бўлиб келган. Хожа имом, зоҳид, воиз Муҳаммад ибн Али Нужободий раҳматли саҳоба Салмони Форсийдан бир ҳадис ривоят қилган: Салмоннинг айтишича, пайғамбар (худо унга ўз раҳмати ва

саломини йўлласин) шундай деган: Жаброил (унга худонинг раҳматлари бўлсин) айтганки, кун чиқиш томонда бир жой бор, уни Хуросон дейдилар, унинг учта шаҳрини қиёмат куни ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар; улардан нур чиқиб туради; у шаҳарларнинг теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбеҳ, ҳамд ва такбир айтадилар, келинни куёв уйига олиб боргандек у шаҳарларни эъзоз ва икром билан машҳаргоҳга олиб келадилар. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида етмиш мингдан байроқ, ҳар бир байроқ тагида етмиш мингдан шаҳид ётган бўлади ва ҳар бир шаҳиднинг шафоати билан худони бир деб билувчи етмиш минг киши азобдан қутилади. Қиёмат куни у шаҳарларнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кунлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шаҳидлар туради. Ҳазрат пайғамбар (худо унга раҳмат ва саломини йўлласин):- Эй, Жаброил! У шаҳарларнинг номларини менга айт,- деб сўради. Жаброил (унга худонинг саломи бўлсин):- Шаҳарларнинг бирини араб тилида Қосимий, форсчада Яшкард дейдилар; иккинчиси арабчада Самарон, форсчада Самарқанд дейдилар; учинчиси арабчада Фохира, форсчада Бухоро дейдилар,- деб жавоб берди. Пайғамбар (худо унга ўз саломи ва раҳматини йўлласин) сўради:- Эй, Жаброил! Нега Фохира деб атайдилар? Жаброил:- Шунинг учунки, қиёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр қилади,- деб жавоб берди. Пайғамбар (худо унга ўз салом ва раҳматини йўлласин):- Эй, худо! Фохирага барокот бергин, унинг халқлари дилларини тақво билан пок этгин, ишларини покиза қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин!- деди. Ана шу маъни туфайли бухороликларнинг раҳмдилликларига. Уларнинг эътиқодлилик ва покликларига кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради”.

ТАМОМ

МУНДАРИЖА

Муаллифдан сўзбоши.....3
Руҳоният.....6
Арафа..... 144
Исломият..... 255
Хотима..... 354

Muharrir: *G`.Murodov*
Texnik muharrir: *G.Samiyeva*
Musahhih: *A.Qalandarov*
Sahifalovchi: *M.Ortiqova*

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 05.12.2019. Bichimi 60x84. Kegli 14 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 22,2. Adadi 100. Buyurtma №186.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45